

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF THE UZBEK
LANGUAGE AND LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI**



Global taraqqiyot va o'zbek tilshunosligining dolzarb masalalari

**Global process and actual issues
of Uzbek linguistics**

Ilmiy-nazariy anjuman materiallari



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

ТОШКЕНТ 2017



Мазкур илмий мақолалар тўплами атоқли тилшунос, филология фанлари доктори профессор Миразиз Миртожиев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Глобал тараққиёт ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари асосида тайёрланган бўлиб, ундан ўрин олган мақолалар бугунги ўзбек тилшунослиги олдида турган муаммо ва вазифалар таҳлилига йўналтирилган. Тўплам филологлар, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқот билан шуғулланувчилар, талабалар ва тилшунослик соҳаси ихлосмандларига мўлжалланган.

Манзилимиз: Тошкент: 100174, Талабалар шаҳарчаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети Ўзбек тилшунослиги кафедраси.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Ҳ. Дадабоев

Тақризчилар: ф.ф.д., проф. Қ. Содиқов
ф.ф.д. проф. С. Муҳамедова

Tahrir hay'ati:

B.Abdushukurov filologiya fanlari doktori
B.Bahriddinova filologiya fanlari nomzodi, dotsent
M.Rahmatov filologiya fanlari nomzodi, dotsent
T.Tog'ayev filologiya fanlari nomzodi, dotsent
G.Iskandarova o'qituvchi
O.Abdullayeva o'qituvchi
M.Xolmuradova katta ilmiy xodim-izlanuvchi

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети кенгашида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган (2017 йил 29 мартдаги 8–сонли мажлис баённомаси).

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ – АТОҚЛИ ТИЛШУНОС

Ҳ. ДАДАБОЕВ, ТошДўТАУ

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ – ТУРКИЙ ТУБ ФЕЪЛЛАР АУСЛАУТИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ўзбек тилшунослигининг дунё миқёсида эътироф этилганига шакшубха йўқ. Унинг бугунги тараққиёт даражасини таъминлашда Ғ.Абдурахмонов, А.Ғуломов, Ш.Раҳмагуллаев, Э.Ғозилов, А.Рустамов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиев, И.Қўчқортоев, Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Қ.Маҳмудов, Н.Маҳмудов, Қ.Содиқов сингари фидокор олимлар қатори тилшуносликнинг деярли барча йўналишларида ўзига хос фикри, дунёқарашига эга профессор Миразиз Миртожиевнинг салмоқли ва сезиларли улуши бор.

Маълумки, 2006 йилнинг мартида Ўзбекистон Миллий университети жамоаси “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, атоқли тилшунос Шавкат Раҳматуллаев таваллудининг 80, илмий-педагогик фаолиятининг 60 йиллигини юқори савияда ўтказилган илмий-назарий анжуман ҳамда нисбатан йирик ҳажмдаги илмий мақоллар тўпламини нашр қилиш билан нишонлаган эди. Анжуманни талаб даражасида ўтказиш, мақолалар тўпламини эълон қилиш вазифаси ўша кезларда “Умумий тилшунослик” кафедрасига мудирлик қилган каминанинг зиммасига юклатилган эди. “Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос” номли мақоллар тўплами кўпчилик қатори Миразиз аканинг ҳам диққатини тортган шекилли, маълум вақтдан кейин домла кафедрага келиб, 2007 йилда 80 ёшга тўлишлари, шу муносабат билан ўз ҳаёти ва тилшунослик фаолиятини акс эттирувчи мақоллар тўпламини нашрга тайёрлаш ниятлари борлиги, айни ишни, албатта, қарши бўлмасам, менга топширмақчи эканликларини изҳор қилганлари ҳамон ёдимда. Кафедра аъзолари мухтарам устознинг ишонч ва илтимосларини сидқидилдан амалга ошириб, олимнинг тилшунослик фаолиятига ҳамкасблари, шогирдлари томонидан берилган баҳо ва муносабатни акс эттирган “Миразиз Миртожиев - Ўзбек тилшунослиги жонкуяри” номли мақолалар тўпламини вақтида нашр қилишнинг уддасидан чиқди. Ушбу тўпلامдан домланинг илмий-педагогик фаолиятига чизгилар ҳамда у киши томонидан терминология муаммоларининг ёритилишига оид икки мақолам ўрин олган эди. Умр-оқар сув деганларидек, кўз очиб-юмгунча орадан ўн йил ўтиб кетибди. Қарангки, ўзбек тилшунослигининг том маънодаги дарғаси, таъбир жоиз бўлса, “Сўнги могиқан” - Миразиз Миртожиев қутлуг 90 ёшни соғлик-саломатликда, бағри бутунликда, мутлақо ижоддан йироклашмаган, аксинча, кўпгина ёшларга ибрат ва намуна бўлар даражада, қатор-қатор

монография, рисола, қўлланма, дарсликлар ёзиш, мақолалар эълон қилиш билан кутиб олмоқда. Устознинг тилшунослар ҳукмига ҳавола қилинган ишларидан менининг ҳам дурустгина хабарим бор. Зеро, домланинг кейинги йилларда чоп этилган бир нечта ишларига масъул муҳаррирлик, тақризчилик қилдим. Шу жиҳатдан устознинг эътиборига тушганлигимдан фахрланаман.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон лингвистикасида кечаётган бугунги жараёнлардан яхши хабардор Миразиз Миртожиев тилшуносликнинг исталган соҳаси, йўналиши доирасида фикр юритиш, баҳсга кира олиш истеъдоди ва салоҳиятига эга олимлардан саналади. Бунда, табиий, у кишининг ўзбек тили қатори бошқа, айниқса, Ғарбий Европа ва рус тилларига оид қонуниятлар ва ҳодисаларни мукамал эгаллагани, уларга танқидий ёндашган тарза мулоҳаза билдириш қобилиятига эгаллиги қўл келади.

Миразиз Миртожиев исми тилга олинганда 60 йилдан бери фонетика ва фонология, орфография ва орфоэпия, морфология ва гап структураси, лексикология ва лексикография, терминология ва семасиология, этимология ва сўз валентликлари каби соҳаларда самарали ижод қилиб келаётган закий ва забардаст инсон кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Олимнинг ўзбек тилшунослиги ривожига қўшган залворли хиссасини битта мақолада тўла-тўқис баён этишнинг асло имкони йўқ, албатта. Назаримизда, устознинг тилшуносликка оид таълимоти ва ғоялари махсус изланишу тадқиқотлар объекти бўлмоғи даркор. Шуларни ҳисобга олиб, мазкур мақолада олимнинг 2011 йилда “Mumtoz so‘z” нашриётида чоп этилган “Туркий тилларнинг ауслаути грамматикаси” китобида илгари сурилган мулоҳазаларга диққат қаратдик.

Туркий феълларнинг фонетик табиати хусусида Маҳмуд Кошғарий, В.Радлов, Г.Вамбери, Н.А.Баскаков, А.Кононов, Э.Севортян, Б.Юнусалиев, А.Кайдаров, А.Юлдашев, Е.Кажибеков сингари туркологларнинг ишларида назарий қарашлар келтирилганлиги янгилик эмас. Бу олимларнинг фикрига кўра, туркий туб феъллар асосан C+V+C фонетик таркибига эга бўлган. Айни фонетик таркибни М.Миртожиевнинг айрим этимологик таҳлилари ҳам қувватлайди. Айни чоғда, туркий туб феъллар сафида C+V фонетик таркибига эга *ма-*, *е-*, *де-*, V+C таркибига эга *ол-*, *от-*, *ил-*, *эт-* каби феълларининг мавжудлиги, шунингдек, баъзан V+C+V таркибига эга *эри-*, *при-*, *эла-*, *эри-*, C+V+C+V таркибига эга *сила-*, *тила-*, *чири-*, *қури-* сингари феълларнинг учраши қайд этилган.

Олимнинг юкорида зикр этилган асарида туб туркий феълларнинг ауслаути муайян семантик-грамматик вазифани бажаришига кўра беш нисбатга тақсимланган ҳолда тадқиқ этилган.

Ўтимлилик ва ортгирма нисбат категорияси тадқиқи натижасида ауслаути *з*, *н*, *р*, *т* бўлган туб ўтимли феълларда каузативликнинг юзага чиқиши, ўтимсиз феълларда ҳам каузативликни юзага чиқариш

мажбурияти орттирма нисбатни шаклантириши, орттирма нисбат форманти каузативлик кенг тарқалган туркий туб феъллар ауслаути *з, р, т* ундошларига аналогия қилиш туфайли шакллантирилгани, орттирма нисбат категориясида ифодаланган каузативликнинг туб феъллардаги сингари контакт бўлиши, орттирма нисбат формантига эга феълларнинг объект валентилига кўра воқеланган пациенс билан ифодалана бориши натижасида дистант каузативликнинг юзага келиши, орттирма нисбатнинг *-тир, -сам* ва *-киз* каби формантлари қўшма бўлиб, уларнинг шаклланиши гапдаги иккинчи мазмун кечимини биринчи ўринга олиб чиқиш мажбурияти билан боғлиқлиги, ўтимлиликдан орттирма нисбатнинг воқеланиши қариндош туркий тилларда бир хил, деб қараш кераклиги эътироф этилган.

Ҳолат тарзи категорияси хусусида баҳс юритган *олим -(и)н, -(и)ш, -(и)к* ёки *-қ* аффикслари феълнинг ҳолат тарзини ифодаловчи, яъни морфологик категория эканлиги, бироқ морфологик категориянинг маълум туркумга оид грамматик маънони англатувчи қўшимча семантикаси билан ўлчаниши, бунда ҳолат тарзи семантикасининг туб феъл семантикасидан келиб чиқиши, унинг учун туб феъл объектли ўтимсиз бўлиши даркорлигини таъкидлайди.

Домланинг мажхул нисбат категорияси ҳақидаги қарашлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунончи, *-(и)н* ҳамда *-(и)л* формантлари вазифасининг битта феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат объектини субъектга кўчириш эканлиги, *-(и)н* ва *-(и)л* формантлари каузатив феълга қўшилса, феълдан англашилган ҳаракат ёхуд ҳолат объектини пациенсга кўчириши, мажхул нисбатнинг воқеланишида аҳамиятли формантнинг йўқлигини ҳисобга олиб, туркий тилларда мажхул нисбат мустақил ҳолда мавжуд эмас, деб қараш лозимлиги, *-(и)л*, баъзан *-(и)н* аффиксининг ўтимсиз феълларга қўшилиб, мажхул нисбатга хос маъно-мазмундан фарқли ифодага эга бўлиши, бунда ҳаракат ва ҳолатнинг объекти пациенс бўлмай, фақат у абстрактлаштирилган имплицит ҳолдаги агенсга эга бўлиши, мулоқот актида феълнинг маъно таркибидан бирор семани биринчи ўринга олиб чиқиш натижасида *-(и)н* ёки *-(и)л* формантли контакт каузатив феъллар гоҳ ўзлик, гоҳ мажхул нисбатга хос маъно англатиши қайд этилган.

-ш(с) ауслаутли туб феъллар ва биргалик нисбати категорияси тўғрисидаги баҳсда туркий туб феълларнинг қозок, қорақалпоқ, ёқут, шўр, олтой, тува, ҳакас тилларидаги *-с*, қолган тиллардаги *-ш* ауслаутининг облигатор валентлигига кўра бир хил эканлиги, уларнинг облигатор валентлиги агенс ва восита валентлигидан иборат бўлиб, объект валентлигининг ҳам қайд этилиши, ауслаутли ўтимли феъллар асосан ўтимсиз, айримлари ўтимли бўлгани ҳолда восита валентлигига эгалиги, биргалик нисбати восита валентлиги, контрагент валентлиги, бисубъектли, полисубъектли семантикага эгалиги, ўтимсиз феълларда агенс ва

контрагент полисубъектликни, ўтимли феълларда бисубъектликни, ундан сўнг полисубъектликни келтириб чиқаргани, биргалик нисбати формантларининг эволюцияси ва тараққиёти барча туркий тилларда муштарак деб қаралиши кераклиги эътироф этилган.

Монографиянинг туркий туб феъллардаги *-а ёки -и* ауслаути табиати ҳақидаги қисми оригинал ҳарактерга эга. Олимнинг таъкидлашича, туркий туб феълларнинг фонетик табиати ундош+унли+ундошдан иборатлиги аксарият туркологлар томонидан тан олинган. Айни пайтда, айрим туб феъллар ортидан тўртинчи товуш, яъни *-а ёки-и* унлиснинг кузатилиши, бу унли фонемаларни айрим феълларда ауслаут, бошқа феълларда аффикс деб аташ мумкинлиги, аффикс сифатида формантлигини ҳам, ясовчилигини ҳам ажратиш мушуқлиги, шу боис туркологлар уни деярли назардан четда қолдиришганига алоҳида урғу берилган. Туркологлар эътиборидан ташқарида қолган юқоридаги ҳолат юзасидан олиб борилган изланиш натижасида олим қуйидаги хулосаларга келган: *-а* ва *-и* аффикслари асли вид ифода этувчи формант тарзида воқеланган, лекин категориал ҳолатгача кўтарилмаган, зеро, кўмакчи феъллар бунга йўл қўймаган; *-и* аффикси қўлланишдан қолган бўлса-да, *-а* кўшимчасининг тилда сақланиши баробарида феъл ясовчилик вазифасини ҳам орттирган; *-а* аффиксли феъллар ҳамини давомийлик ёхуд такрорийликни ифодалайди; *-а* аффикси компонент бўлиб келган феъл ясовчи кўшимчалар ҳам давомийлик ёки такрорийлик маъносини касб этади; *-а* ва *-и* аффиксларининг грамматик хусусияти барча туркий тилларда ўз қимматига эгадир.

Хуллас, ўтимсиз туб феъллардан ўзлик нисбатининг, ўтимли туб феъллардан орттирма нисбатининг, миқдорий кўпликни ифодаловчи туб феъллардан биргалик нисбатининг келиб чиқиш ҳодисасининг мавжуд туркий тилларга ҳослиги борасидаги мулоҳаза билан якуини топган “Туркий туб феълларнинг ауслати грамматикаси” нафақат ўзбек тилшунослиги, балки туркологияда шу кунга қадар ўртага ташланган назарий қарашларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

P.S. Муҳтарам Миразиз ака! 90 ёшлилар жамиятига аъзо бўлганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Сизга ва оилангизга тани соғлик, тинчлик, хотиржамлик тилайман. Тангри таоло умрингизни яна ҳам зиёда қилсин. Алиф қоматингиз асло дол бўлмасин. Юз ёшлиқлар клубига аъзо бўлганлигингизни кўриш бизга ҳам насиб этсин.

Н. МАҲМУДОВ, Ўз ФА УТАФ

ТИЛ ИЛМИНИНГ САОДАТМАНД ОТАХОНИ

Одам боласини қулли махлуқотлар орасидан тамоман айириб, инсон деган беназир рутба билан билан тақдирлаб, ўзлигидаги шарафни ўзига

англашиб, тамаддун отлиги олий аршга олиб чиққан буюк ва суюк неъмат тилдир. Улуғ Алишер Навоий ҳеч бир ишгибоҳга ўрин қолдирмай дангал айтганидай, “Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондир, Билки, гуҳари шарифрок йўқ ондин”. Одамзод ўзини таниб улгурган ўша энг қадимги замонлардан бери бу буюк неъмат тилсимотининг ичига киришга, унинг синоатларини баҳадди имкон идрок этишга, сурати ва сийрати орасидаги таносибларни топишга уриниб келади, бу жараёнларда у баъзан топганларидан ҳузур туяди, кўпинча эса топмаганларидан ҳайрат бармоғини тишлайди, неча-неча минг йиллардирки, мазкур ибтидоси бор, аммо интиҳоси йўқ муаззам юмуш давом этади. Бундай юмушнинг муборак номи, табиийки, тилшунослик илми бўлиб, бу илм кўҳна курраи заминдаги энг қадимий фанлардан биридир. Тилшунослик фанининг мағзу моҳияти одам ва олам муносабатида, одамнинг ақлий ва руҳий ташаккулида, миллат ва маънавият барқарорлигида, халқ ва ҳақ собитлигида тилнинг қиёссиз ва фавқуллодда ўрнини инкишоф қилишдан иборат. Ана шундай фаннинг ривожу такомилу ҳақида қайғуриш, бу йўлда иддаосиз хизмат қилишнинг савобу саодати чексиз-чегарасиздир.

Бугунги ўзбек тилшунослигининг атоқли намоёндаси филология фанлари доктори, профессор Миразиз ака Миртожиев ана шундай саодатга мушарраф бўлган фидойи ва заҳматқаш олимлардан биридир. У киши бугун нафақат ўзбек, балки, умуман, туркий тилшунослик ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган таниқли тилшунос, ўзбек тили илми ва таълимнинг тадрижий такомилу жиддий из қолдирган кўплаб илмий, ўқув-услубий, илмий-оммабоп асарлар муаллифи, қўша-қўша шогирдларни илмнинг сеҳрли оламига олиб кирган бағри кенг, ибратли устоз сифатида ҳақли равишда эъзоз ва эҳтиром топган. Албатта, бу эъзозу эҳтиром 90 йиллик умрнинг муттасил игна билан қудуқ қазишга баҳшида этилган 60 йилидаги ҳар қандай иддаолардан холи, муддаоси фақат тил тилсими тадқиқи ва тарғибидангина иборат бўлган мунтазам фаолиятнинг муҳташам самараларига бадалдир.

Айтиш лозимки, М.Миртожиев замон мушкулотлари тақозоси боис тилшунослик фанига анчайин кеч кириб келган, аммо бу ҳол гайратли тил муҳибининг кейинчалик забардаст ва кенг қамровли олим даражасига кўтарилишига монелик қилган эмас.

М.Миртожиев 1927 йилнинг 14 майида Тошкентнинг Эски шаҳаридаги Охунгузар маҳалласида хизматчи оиласида таваллуд топган. У ўрта мактабнинг 7-синфини 1942 йили тамомлаб, иккинчи жаҳон урушининг мудҳиш оловлари ловуллаб, барчани бирдай ҳаловатдан тамоман маҳрум қилган йилларда ҳарбий заводда темирчига шогирд, дурадгорлик устахонасида дурадгор бўлиб ишлаган. 1944 йили апрелидан 1947 йил июлигача ҳисоб-молия ўқув юртида ўқиган. Тил ва адабиётга бўлган катта рағбати ва муҳаббати туфайли 1948 – 1955 йилларда Тошкент

шаҳри ва вилоятидаги турли мактабларда шу фанлардан дарс берган. 1956 – 1958- йилларда нашриёт ва газеталарда фаолият кўрсатган.

У 1953 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили адабиёти ва тарих факультетини сиртдан битириб, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислигини олган. Институтда маърузалар ўқиган Айюб Ғуломов, Теша Салимов, Мазлума Асқарова каби таниқли тилшуносларнинг таъсири билан ундаги тил илмига бўлган иштиёқ янада кучайган.

1958 йилдан М.Миртожиев ЎзФА Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим сифатида иш бошлаган, демакки, у ўттиздан ўтиб, бевосита тилшунослик илми билан шуғулланишга киришган.

1968 йилнинг сентябридан Тошкент давлат университети (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ўзбек филологияси факультетида ўзининг илмий-педагогик фаолиятини давом эттирган.

М.Миртожиев 1964 йилнинг июнида йирик луғатчи олим Зокир Маъруфовнинг илмий раҳбарлигида “Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мазкур диссертацияда ўзбек тилшунослигидаги муҳим муаммолардан бири назарий жиҳатдан оригинал бир тарзда ҳал қилинган. Омонимия номи билан умумлаштириладиган сўзларнинг шаклдошлиги ҳодисасини юзага келтирувчи омиллар ва уларнинг қонуниятлари ғоят синчковлик билан очиб берилганки, бу илмий ҳулосалар кейинги бир қанча тадқиқотлар учун асос вазифасини ўтади. Ўзбек тилида омонимияни юзага келтирувчи сабабларни ҳолис ва тўғри белгилаш учун тилшуносликнинг турли соҳаларидан хабардорлик зарур бўлади, Миразиз ака ана шундай қамрови кенг, шевашунослик, қиёсий тилшунослик, тил тарихи, этимология, фонетика, семантика, сўз ясалиши каби соҳалардан тугал хабардор тадқиқотчи сифатида омонимиянинг ўзбек адабий тили ва халқ шевалари муносабати, бошқа тилларнинг, хусусан, ноқардош тилларнинг таъсири, тилдаги фонетик, семантик-функционал тараққиёт жараёнлари, аффиксация каби омиллар сабабли юзага келишини асослаб берган.

Дунё тилшунослигида қадимдан ҳозирга қадар тилнинг асосий бирлигини белгилашда турли қарашлар мавжуд бўлса-да, уларнинг аксариятида сўзга алоҳида эътибор қаратилади. Миразиз аканинг тил синоатини илмий инкишоф этиш йўлидаги дастлабки қадамлариданоқ “кўз очиб кўргани” сўз ва унинг сурату сийратидир. Унинг узлуксиз ва узун илмий изланишлари саҳифаларидаги асосий саҳна семасиология бўлиб, ундаги “бош ижобий қаҳрамон” ҳам сўз ва унинг мазмун-моҳиятидир. Забардаст тилшуноснинг 1990 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертациясининг мавзуси ҳам “Ўзбек тилида сўзларнинг кўчма маънолари ва уларнинг ифодаланиши” деб номланган. Унинг 1975 йилда нашр этилган “Ўзбек тилида полисемия” номли монографиясида ўзбек

тилидаги сўзларда кўп маънолиликнинг юзага келиши, бунинг сабаблари, усуллари, кўринишлари, умуман, сўзнинг маъновий таркиби муаммолари теран тадқиқ этилган. Ана шу монографиядаги илмий-назарий таҳлил ва хулосалар янада бойитилган, сўз маъно таракқиётининг қонуниятларига дахлдор қоидалар қатъий белгиланган ҳолда мазкур докторлик диссертацияси тайёрланган. Таъкидлаш лозимки, унда кўп маънолиликнинг пайдо бўлиш жараёнлари тилимизнинг тарихи ва бугунги ҳолати материалларидан келиб чиққан ҳолда чуқур таҳлил этилган ва лисоний ҳамда нолисоний сабаблари аниқ кўрсатиб берилган. Зукко тилшунос метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик каби кўп маънолиликни юзага келтирувчи усулларнинг ўзбек тилидаги ўзига хосликларини ҳижжалаб ўрганиш баробарида тилимизда яна алоҳида тобелилик деган усул ҳам борлигини илғаган ва унинг моҳиятини очиб берган. Масалан, *мушт* сўзида “кўлнинг бармоқлари кафтга туғилган қисми” тарзидаги асосий маънога тобе ҳолатда “зарб” маъносининг юзага келиши ана шундай тобелилик ҳодисасининг натижаси эканлиги кўрсатилган. Ана шу тарзда сўзнинг маъно таркибини, ундаги маънолар ва маъно нозикликларини белгилашнинг янги йўллари, ўзига хос усулларини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиққан.

М.Миртожиев томонидан ишлаб чиқилган сўзларнинг шаклдошлиги ва кўп маънолилигига дахлдор илмий асоси бақувват қоидалар нафақат шу йўналишдаги назарий тадқиқотлар, балки ўзбек тилидаги сўзларнинг амалий-лексикографик тавсифларини яратишда ҳам фойдали бўлганлигини ҳам эътироф этмоқ жоиздир. Мазкур қоидалар 1981 йилда нашр этилган икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни тайёрлашда ҳам кўл келди. Моҳир сўзшунос олимнинг ўзи ҳам мазкур луғатни тайёрлашда бевосита муаллиф сифатида иштирок этди.

Миразиз аканинг, умуман, луғатчилик соҳасидаги баракали фаолиятининг таҳсинга лойиқлигини таъкидламоқ жоиз. Сўзнинг келиб чиқиш тарихига катта қизиқиш билан қарамаган одам кам бўлса керак, аммо бу тарихни ҳолис варақламоқ, унинг бағрида пинҳон бўлган асрорларни англамоқ, айниқса, англлатмоқ учун фақат тилшунос бўлмоқнинг ўзигина етарли эмас, бунинг учун тарих, этнография, география каби хилма-хил илмлардан хабардор бўлмоқ лозим. Миразиз ака ана шундай кўп илмлардан етарли даражада хабардор бўлганлиги учун ҳам бир канча сўзлар бўйича ўзининг этимологик кузатишларини эълон қилган. Унинг Ш.Раҳматуллаев ва М.Қодировлар билан ҳаммуаллифликда нашр қилдирган “Ўзбек тилининг қисқа этимологик туғати” (Тошкент: Университет, 1997) китоби бу фикрнинг далилидир. Заҳматқаш луғатчи олим М.Миртожиев турли аниқ фанлардаги ўзбекча терминларни тартибга солиш борасида ҳам самарали фаолият олиб борди. Бу ўринда унинг “Физикавий электроникадан русча-ўзбекча атамалар луғати” (ҳаммуаллиф: Р.Я.Комилова, А.А.Адилов, Н.Норкулов. Тошкент:

Университет, 2002), “Юқори малекулали бирикмалар кимёси атамаларининг русча-ўзбекча луғати” (ҳаммуаллиф Ў.Н.Мусаев. Тошкент: Университет, 2003) каби асарларини тилга олиш мумкин. Шубҳасиз, ана шундай самарали фаолияти билан у ўзбек тилшунослигининг энг забардаст лексикологи ва лексикографияга айланди. Бу соҳаларнинг йирик билимдони сифатида М.Миртожиев мамлакатимизда илк марта яратилган ва 1981 йилда чоп этилган “Ўзбек тили лексикологияси” номли академик нашрни тайёрлашда фаол иштирок этди. Бу фундаментал асарнинг “Лексикография” ва “Сўзларнинг шакл муносабатига кўра типлари” номли қисмлари М.Миртожиев қаламига мансубдир. Шунингдек, олимнинг 2010 йилда нашр этилган “Ўзбек тили семасиологияси” номли монографияси ўзбек тилшунослигида шу соҳадаги дастлабки яхлит ишлардан бўлганлигини мамнуният билан қайд этмоқ жоиздир. Бу монографияда сўзнинг маъноси дейиладиган муаззам ҳодиса бутун икир-чикирларигача, миридан-сиригача қилни қирқ ёргандай таҳлил ва тасниф қилинган, “маъношунослик”нинг ҳадислари тафсир этилган, маънонинг тириклик тамойиллари теран тадқиқ қилинган. Лексик маънонинг тиргаги бўлмиш тушунча ва унинг ифодаланиш хоссалари, лексик маънонинг одатий ва муваққатлик мақоми, лексик маънонинг таркиби ва бу таркибни ташкил этадиган “бўлак”лар (семалар), тил ривожининг ҳаракатлантирувчи омилли бўлмиш маъно тараққиёти жараёнлари, бу жараёнларнинг кўринишлари ва синоатли сабаблари, мазкур жараёнлар “чиғириғи”дан ўтган лексик маъноларнинг андозавий қиёфалари – типлари, тилнинг зангинлик захирасини таъмин этадиган тежамкорлик тамойилининг рўёби бўлмиш сўз маъновий ҳажмининг кенгайиши – кўп маънолилик ҳодисасининг моҳияти ва шамойиллари, лексик маъноларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари каби яхлит тизимни ташкил этадиган мураккаб муаммолар бугунги дунё тилшунослигининг ютуқларини ҳисобга олган ва айни пайтда ўзбек тилининг ўз табиатидан келиб чиққан ҳолда ёритилганлиги билан мазкур монография ҳозирги тил илмимизда фавқулодда эътиборга моликдир.

Ҳассос тилшунос М.Миртожиев тил илмининг деярли барча соҳалари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган фаол олимлардандир. Унинг 2013 йилда “Фан” нашриётида чоп этилган 30 босма тобоққа яқин “Ўзбек тили фонетикаси” асарига ўзбек тили товуш қурилишининг қонуниятлари бениҳоя синчковлик ва маҳорат билан, муҳими, янгича нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Экспериментал фонетика методлари асосида яратилган мазкур асарда ўзбек тилининг товушлар тизими янгича тасниф ва тавсиф қилиниб, унинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган. Ўзбек тилидаги урғунинг моҳияти ва табиати тамоман янгича талқин қилинган, яъни ўзбек тилида урғу динамик эмаслиги асослаб берилган.

М.Миртожиевнинг кейинги йиллардаги илмий ижоди кўпроқ семантик синтаксис, семантик грамматика муаммолари тадқиқини ўз ичига олади. Унинг “Ўзбек тилидаги феъл валентликлари” (Тошкент: Университет, 2007), Гап бўлақларида семантик-синтактик номутаносиблик” (Тошкент: Университет, 2008), “Ўзбек тилида сўз валентликлари (ҳаммуал. С.Мухамедова) (Тошкент: ТДПУ, 2011), “Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси” (Тошкент: Мумтоз сўз, 2011) каби асарлари ана шундан далолат беради.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этмоқ жоизки, Миразиз аканинг илмий тадқиқотчилик фаолиятининг доираси жуда кенг, қамровли, бу фаолият фақатгина ўзбек тилшунослиги доирасибилан чегараланиб қолган эмас. У номзодлик диссертациясида ҳам илк омонимлар борасида фикр юритар экан, ўз хулосаларини мавжуд 20 дан ортик туркий тил материалларини эътиборда тутган ҳолда чиқаришга ҳаракат қилган. Миразиз аканинг диққатини ана шу даврдан бошлабоқ туркий, демакки, қадимий туб сўзларнинг ибтидоси, тарихи, тадрижи ва маъновий-грамматик табиати билан боғлиқ синоатлари банд этган, шунинг учун ҳам у йиллар давомида бу йўналишда бир қанча мақолалар эълон қилди. Чарчоқни чарчатган ғайратли олим, ниҳоят, мана яқинда, 2017 йилда “Туркий туб сўзлар тадқиқи” номли йирик (23 босма тобок) монографиясини якунлади. Унда 23 туркий тил материаллари таҳлили асосида сўзларнинг полифункционаллиги, семантик гуруҳланиши, грамматик категорияларининг тараққиёти ва барчасининг генезиси ойдинлаштирилган. Туркий сўзларнинг келиб чиқиш жараёнларига дахлдор асосли ва, муҳими, оҳорли фикрлар илгари сурилган. Ана шу маъноларда М.Миртожиевни йирик туркийшунос олим сифатида таърифлаш мумкинки, бу таърифнинг муболаға остонасига йўламаслиги учун мазкур ишларнинг ўзи қафил.

Миразиз аканинг олий филологик таълим тараққиёти, филологик таълим жараёнларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасидаги хизматлари ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Ўзбек тилининг товуш қурилиши ва сўз бойлигини атрофлича тадқиқ этиш билан мунтазам машғул бўлган олим сифатида М.Миртожиев ўзининг янгича илмий хулосаларини тил илми толибларига етказиш мақсади билан ўндан ортик дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратди ва нашр қилдирди. Айниқса, унинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили. I жилд” (Тошкент: Университет, 2004) номли дарслиги алоҳида диққатга сазовордир. Ўзбек тилининг графикаси ва имлоси, фонетикаси ва фонологияси, лексикологияси ва семасиологияси муаммолари изчил тизим сифатида ва таълим талабларига тамоман мувофиқ тарзда лўнда, тасаввурга осонлик билан буй берадиган тилда баён қилинган бу ўқув адабиётлари ҳали кўп авлодларга хизмат қилиши табиий. Тилшуносликдаги бениҳоя мураккаб муаммоларнинг қаттиқ мағзларини ёш шуурга осонлик билан чақтириш ҳадисини олган устоз

М.Миртожиевнинг маҳорати бетакрор ибрат мактабидир. Биргина мисол, ўнган асрнинг 70-йилларида биз, бўлажак тилшуносларга ўзбек тили фонетикасидан маъруза ўқир экан, “фонема” ва “товуш” тушунчаларининг бири тилга, иккинчиси нутққа хос ҳодиса эканлигини закий тил устаси шундай англатган эди: Рустам исмли бир болага: “Отинг нима? – десангиз, у: “Йуттам”, – дейди. Сиз: “Отинг Йуттамми?” – деб сўрасангиз, у: “Йўқ, отим Йуттам!” – дейди. Бундай савол-жавоб такрорланавергач, ниҳоят, Сиз: “Ййе, отинг Рустамми!” – десангизгина, бола кўнгли жойига тушиб: “Ҳа, отим Йуттам” – дейди. Устознинг бу жажжи қиссадан ҳиссаси: “Боланинг онгида, тил хотирасида “р” мавжуд, аммо унинг нутқ органилари хали уни талаффуз қилишга одатланмаган, демак “р” фонемадир, унинг нутқ органиларидаги реал талаффузи эса товушдир”. Бундай тушунтириш учун теран тил туйғуси, қамровли илмий тафаккур ва тахайюл, улкан тажриба ва дақиқ кузатувчанлик каби бир қанча сифатлар ҳаракатда бўлиши лозим.

Ҳар қандай жамият маърифати ва маънавиятининг, халқ ва миллат ҳамиятининг тиргаги тилдир. Жамият камолини ундаги тил маданиятининг такомилсиз тасаввур этмоқнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам, айниқса, тил илми мутахассисларининг ёрқин ва қамровли илмий-оммабоп фаолиятига, уларнинг кенг омма онгига тил синоатларига даҳлдор тушунчаларни олиб киришга қаратилган саъй-ҳаракатларига адоқсиз эҳтиёж ҳамиша мавжуд бўлган. Миразиз ака ижодида бу йўналишдаги ишлар ҳам салмоқли. У кишининг бир қанча асарлари ўзбек тилшунослиги фанида эришилган ютуқларни оммалаштиришдай эзгу мақсадлар рўёби учун ёзилган. Устознинг “Сўз маъносининг бўёғи” (1980), “Товушлардаги маънолар” (1982), “Ўзлашган сўз – пайванд куртаги” (1988), “Тилда шакл ва мазмун” (1989), “Тил ва маданият” (1992) каби рисоалари ва бир қанча мақолаларида тилнинг табиати, ўзбек тилининг тарихининг нурли-нурсиз саҳифалари, ўзбек тилининг бойиш манбалари, унга чет тилларнинг салбий ва ижобий таъсири, сўз ўзлаштиришга хос қонуниятлар, тилимизнинг зангинлиги ва сарҳадсиз ифода имкониятлари, софлиги ва адабий меъёрлари, терминологияни тартибга солиш, тарихимизнинг лисоний муҳрлари ўлароқ яшаб келаётган жой номлари ва уларни саломат асраш каби кўплаб муаммолар ёритиб берилган, албатта, бу ишлар жамиятимизнинг лисоний-маърифий маданиятининг ривожини учун беиннат хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбек тилшунослигининг забардаст ва донишманд отахони, ўзининг бақувват илмий мактабини яратган устоз Миразиз ака Миртожиевнинг илмий раҳбарлигида етишиб чиққан шогирдлар сони ўттизга яқин. Уларнинг аксарияти бугун мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларида тилимиз ва тилшунослигимиз равнақи, филологик таълим ва тадқиқот ислохотлари йўлида баҳоли қудрат хизмат қилмоқда. Ана шундай шогирдлар ва миннатдор маслакдошларнинг иззату эҳтироми

тўрида ҳаминша кўр тўкиб ўтириш, ёшда ҳам, бошда ҳам пешқадам бўлиш сподати мухтарам устозимизни асло тарк этмасин.

Ё.ТОЖИЕВ, ТошДУТАУ

ЗУККО ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Ўзбекистондаги энг йирик ўқув-илмий марказ ҳисобланувчи “Ўрта Осиё давлат университети”, кейинроқ эса “Тошкент давлат университети” тарзида номланган катта даргоҳнинг етакчи кафедраларидан бири бўлган Ўзбек тилшунослиги кафедрасини кўп йиллар бошқарган, етук олим, ўзбек илмий тилшунослигининг асосчиси, профессор Айюб Ғуломов ХХ асрнинг 60-йилларида кафедранинг малакали кадрлар билан таъминлашни асосий мақсад қилиб қўйди. Дастлаб, ёшлардан А.Йулдошев, М.Шоҳназарова, М.Шоиноятова, М. Журабосва, Ё.Тожиев, М.Қодиров каби университетни имтиёзли тугатган, тилшунослик бўйича долзарб мавзуларда диплом ишларини ҳимоя қилган истеъодларни ўқитувчи лавозимига ишга олди. Сўнгра тилшунослик соҳасида кўзга ташланиб қолган профессорлар: С.Иброҳимов, Ф.Абдуллаевларни; доцентлар: А.Алиев, Ф.Убаева, М.Миртожиевларни; тадқиқот ишларини бошлаб юборган И.Қўчқортоев, Ҳ.Исматуллаев, Б.Исабеков каби истеъодларни кафедрага жалб этди.

Бугун сўз юритмоқчи бўлганимиз, 90 ёшни қоралаган Миразиз Миртожиев А.Ғуломовнинг таклифи билан 1968 йилдан “Фонетика” ва “Лексикология” фанлари бўйича маърузалар ўқишни бошлади. Домла билан 40 йилдан ортиқ вақт битта кафедрада ишлаганимдан жуда мамнунман. Бу давр мобайнида Миразиз ака расмий илмий раҳбарим ҳисобланмаса-да, менга асосий маслаҳатчим, устозим сифатида муносабатда бўлдилар. Номзодлик ва докторлик диссертацияларимни ҳимоя қилишимда (1974, 1991 йилларда) беғараз ёрдамларини аямадилар. Миразиз ака бир йил олдин (1990 йил), мен эса кейинги йили докторлик ишларимизни ҳимоя қилиб, бир кунда (1993 йил) профессорлик дипломинини олганмиз. Менга университетда чин маънода устозлик қилган олимлар сифатида доцент Т.Ибрагимов, профессор Айюб Ғуломов, академик И.Қўчқортоев, профессор О.Шарафутдинов ҳамда М.Миртожиевларни гуруҳ билан таъкидлайман.

Миразиз ака Тошкентнинг “Эски жува” бозоридан “Ҳасти имом” мавзесига олиб борувчи “Зарқайнар” кўчасидаги ниҳоятда самимий, бағрикенг, аҳил, маданиятли, камсуқум, шунингдек, каттагина бир оиланинг бошлиғи. Оилани шаҳардаги энг муътабар, намунали оилалардан деб биламан. Камтаргина ҳовлида каттагина оила шукроналик билан яшаб келмоқда. Таббарук оналари мазкур уйда эъзоз топди. Келинлари шу ҳовлида истиқомат қилиб, номзодлик, докторлик диссертацияларини

химоя қилди. Оила бошлиғи шунга имконият яратиб берди. Буларнинг ҳаммаси устознинг одамохунлиги, чин инсон эканлиги туфайлидир.

Катта ўғиллари физика соҳасида олий мактабда хизмат қилса, битта қизлари, аслида Миразиз ака илк танлаган касбни маъқул кўриб, шифохонада етук жарроҳ бўлиб ишляпти (домла 3 йил ТошМИДа ўқиган, тиббиётдан “чала мутахассис”, яхшигина рассом ҳисобланади. етук шоир дейиш мумкин. Чунки катта ҳажмдаги шеърый девони нашрга тайёрлаб қўйилган. Бошқа қизлари ҳам олий маълумотли, маълум бир соҳани танлаб ишлаётган камтарин ходимлардир.

Миразиз ака ҳамма билан самимий муносабатда бўлади, беминнат маслаҳат берадилар; камтарлик, очик кўнгиллилик ва хушмуомалаликлари, мулоҳазакорлик, оғир-босиқлик, камсўзлик, муомала одобини яхши билганликлари, меҳмон бўлиш, мезбонлик, саёҳатларда яхши ҳамроҳ бўла олишлик, тежамкорлик, катта-кичикларга, таниш-билишларга муносабатлар- даги ўзига хослик каби яна кўп жиҳатлар борки, булардан ҳамма ўрناق олса, арзийди. Яна бир нарса – Миразиз домла ўзларига яқин олган кимсаларга (албатта, ўзларидан ёш бўлганларга) ким бўлишидан қатъи назар, асосан, “сен”лаб мурожаат қиладилар. Бироқ бирор кимса. бундан хафа бўлмайди, аксинча, хурсанд бўлади. Чунки муомаладаги самимият аниқ сезилиб туради. Ҳамма шогирдлари устозининг ана шу мурожаатидан мамнун.

Домладаги юқорида қайд этиб ўтилган хислатлар туфайли бўлса керакки, турли ҳудудлардаги, ҳар хил инсонлар у киши билан кадрдонлашиб, ака-укадек, қариндошлардек бўлиб кетишган. Германиялик Долорес Шульц (домла билан бирга немисча-ўзбекча луғат тузишган, Тошкентга келиб, домланикида меҳмон бўлган); самарқандлик профессорлар Р.Кунғуров, Б.Ўринбоевлар билан ака-укадек эди, профессорлар Суюн Каримов ва Бекмурод Йўлдошевлар устоз деб биладилар; водийлик С.Мўмин, Ш.Искандарова, М.Ҳахимов, А.Собировлар; қаршилик Т.Нафасов, В.Эгамбердиевалар; термизлик Ж.Омонтурдиев, А.Омонтурдиевлар; хўжандлик А.Баердалиев, Т.Мирзакуловлар ҳам ғурурланган ҳолда дўстимиз, кадрдонимиз, устозимиз деб тан оладилар. Демокчимизки, домланинг дўстлари, кадрдонлари, шогирдлари жуда кўп бўлиб, устоз уларнинг эъзозидадир.

Миразиз аканинг устозлик фаолияти ўзига хос бир олам. Аввало, биринчи курсданоқ талабаларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиб, уларда илмий тадқиқот ишлари олиб боришга иштиёқ уйғота олар (айниқса, тилшунослик соҳси бўйича), қизикқан истеъодларни танлаш, саралаш, уларни тўғри йўналтириш, қайси мавзуда, ким билан бирга ишлаши мумкинлигини кўрсата билиш қобилиятлари жуда кучли эди. Бу домланинг жиддий илмий кадрлар тайёрлаш борасидаги энг муҳим жиҳатларидан саналади. Кафедрада устоздан мавзу олиб диплом ишлари ёзганлар кўпчиликни ташкил этар эди. Чунки домланинг талабада илмий

тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмаларини шакиллантириш, унинг имкониятлари, истеъдодини рўёбга чиқара билиш тажрибаси устун. Шу билан бирга, шогирдларига ғамхўрлик қилишнинг ҳам энг юксак намуналарини домлада кузатганман. XX асрнинг 70-йилларидан кейин етишиб чиққан, ҳозирги ўзбек тилшунослигининг етакчи вакиллари ҳисобланмиш кўпгина фан докторлари, профессорлар (сақкизтадан ортик), 30 га яқин фан номзодлари, доцентлар ва камина ҳам Миразиз домланинг тўғри маслаҳатлари, устозлик маҳоратларидан баҳраманд бўлганларданмиз.

Домла ўзига хос қарашлари, китоблари ва мақолаларидаги жиддий илмий талкинлари ҳамда таҳлил усуллари, ҳодисалар моҳиятига теран ёндашув, тил ва нутқ бирликларига муносабат, бошқа олимларнинг фикрини ҳурмат қилиш, тилшунослик илмининг ҳамма соҳалари бўйича назарий ва амалий билимларга эга эканликлари билан ҳам ажралиб туради. Устознинг барча илмий ишларида, мустасносиз, чуқур илмийлик, фикрлар янгилиги, изчил баён, асосли хулосаланганликни кузатамиз. Мана, ўша китобларининг айримлари: “Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши” (1964); “Ўзбек тилида полисемия” (1965), “Сўз маъносининг бўёғи” (ҳамкорликда, 1980); “Ўзбек тили фонетикаси” (1991); “Тил ва миданият” (ҳамкорликда, 1992); “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (дарслик, 1-жилд, 2004); “Ўзбек тилидаги феъл ва валентликлари” (2007); “Гап бўлакларида семантик-синтактик номуносивлик” (2008); “Ўзбек тили семасиологияси” (2010); “Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси” (2011); “Ўзбек тили фонетикаси”(26 босма босма тобоқликнинг мукамал китоб, 2013); “Ўзбек тилида лексик омоним манбалари” (2014); “Туркий туб сўзлар тадқиқи” (2017). Булар ҳаммаси эмас. Миразиз ака ҳаммуалифликда “Ўзбек тилининг этимологик луғати”ни нашр этган (бу китобни аслида М.Миртожиев, Ё.Тожиев, М.Қодировлар биргаликда тузишган,1997), “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 3000дан ортик сўз изоҳини; “Ўзбек совет энциклопедияси”да 19 та; “Ўзбек миллий энциклопедияси”да 100 дан ортик мақолани домла ёзган. Домла физиклар билан ҳақорликда “Физикавий электроникадан русча-ўзбекча атамалар луғати”ни (2002); Кимё фани мутахассислари билан биргаликда “Юқори молекулали бирикмалар кимёси атамаларининг русча-ўзбекча луғати”ни (2003) тузишда ҳам иштирок этганлар.

Хуллас, Миразиз Миртожиевнинг илмий тадқиқотлари ҳажми шикам 300 босма тобоқдан ортиқдир. Бу тадқиқотлардаги илмий мулоҳазаларга ҳолис баҳо берадиган бўлсам, ишонч билан айта оламнки, мавзулар ранг-баранг, ўта долзарб, ҳодисалар жиддий асосланган, илмий қарашларда янгиликлар яққол кўзга ташланиб туради.

Китобларининг илмий савияси, салмоғи, аҳамияти, ўзбек тилшунослигининг тарақиётига жиддий ҳисса бўлиб қўшилиши баёнини устознинг “Ўзбек тили фонетикаси”; “Ўзбек тилидаги феъл

валентликлари”; “Гап бўлакларида семантик-синтактик номуаносиблик”; “Ўзбек тили семасиологияси”; “Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси”; “Ўзбек тилида лексик омоним манбалари” каби илмий изланишлари ёзган тақризларимда айтиб ўтганман.

Ўзбекистонда 70-йиллардан буён фаолият кўрасатаётган етук тилшунослар ғурур билан устозим деб тан олган йирик олим профессор Миразиз Миртожиев тадқиқ усули, жиддий назарий фикрларига эга бўлган, Ўзбек тилшунослиги тарққиётини белгилаб берувчи катта бир илмий тилшунослик мактабини яратди. Бу илмий мактаб Ўзбек тилшунослигида, айтиш мумкинки, Айюб Ғуломов илмий мактабидан кейинги йирик илмий мактаб дейишга тўла асосимиз бор. Чунки 70-йиллардан кейинги Ўзбек тилшунослигини домлани устоз деб ҳисоблаган шогирдлари бошқарди десак, муболага бўлмайди. Бу илмий мактаб вакиллари сифатида филология фанлари докторлари, профессорлар А.Нурмонов, Ё.Тожиев, С.Каримов, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, С.Муҳамедова, Д.Лутфуллаева, Д.Худойберганова ва бошқаларни; фан номзодлари, доцентлар В.Каримжонова, Х.Тожиматов, З.Тоҳиров, И.Ҳақимов, Ў.Шарипова, Д.Хўжаева, Г.Рихсиева, Г.Наримова, Ш.Шорасулова (булар 30 га яқин) ва бошқа турли муассасаларда фаолият олиб бораётган ва тилшунослик тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган олимларни қайд этиш мумкин.

Миразиз домла яратган илмий мактабга “Фонетика ва семасиология тилшунослик мактаби” тарзида ном бериш мумкин. Чунки Ўзбек тилшунослигида фонетика ҳамда ўз маъноси бўйича энг теран фикрлар, янгича мукамал талқинлар, назарий қарашлар, морфемика, морфонология, сўз тузилиши, фонологияга оид жиддий мулоҳазалар шу илмий мактаб вакилларига тегишлидир. Буни тан олмай илож йўқ.

Профессор Миразиз Миртожиев энг мукамал, сара асарларини, айниқса, “Ўзбек тилида сўз валентликлари”, “Ўзбек тили семасиологияси”; “Ўзбек тилида лексик омоним манбалари”; “Ўзбек тили фонетикаси”; “Туркий туб сўзлар тадқиқи” китобларини ҳамда 200 саҳифадан ортиқ бўлган “Шеърый девон”ларини 80 ёшдан ошиб, 90 ёшни қоралаганларида ёздилар. Бу ҳайратланадиган ҳолдир. Албатта, жисман тетиклик, илмий етуклик, чинаккам матонат ва маҳоратнинг меваси шу бўлса керак.

Устозга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилаларига тинчлик-хотирамлик тилайман! Демокчиман: Устоз! Сиз Тошкент тиббиёт институтида таълим олгансиз – 3 йил ўқигансиз, соғлиқни сақлашни биласиз! Сиз яхшигина рассомсиз – санъаткорсиз, санъат кишиси қаримайди, ўзини қаритиб қўймайди. Шогирдларингиз бахтига доим соғомон бўлинг!


МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВНИНГ СЕМАСИОЛОГИЯГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Устоз Миразиз Миртожиев ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган, фанимизга янгиликлар киритган новатор олимдир. Унинг илмий фаолиятида лексик семантика, семасиология йўналиши устуворлик касб этади. Устозимизнинг 2010 йилда нашр этилган “Ўзбек тили семасиологияси” номли фундаментал асари нафақат ўзбек, балки умумий тилшунослик учун ҳам муҳим назарий аҳамиятга эга.

Муаллиф асарда, аввало, лексик семантика ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиши, тараққиёти ва ҳозирги босқичи бўйича маълумотлар бериб, уларга ўз муносабатини билдиради. Ўтмиш семасиологиясининг ютуқ - камчиликларини қайд этган ҳолда ҳозирги давр лингвистикаси семасиологиясининг муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилади. Олимнинг фикрича, сўз маъносини (адекватроқ) аниқлаш лексик маъно (семема) таркибини қисмларга (семаларга) аслига мос равишда ажратиш, тилларини белгилаш, турли нуқтаи назарлардан баҳолаш, лексик маъно тараққиётининг лисоний манзарасини бериш, моносемия ва полисемия ҳодисалари ичига ва муносабатига чуқурроқ кириб бориш, лексик маъно борлиғи (онтологияси) ҳақидаги тушунчалар ич маъноларини парадигматик, синтагматик, экстралингвистик хусусиятлар ҳисобига янада бойитиш кабилардан иборатдир.

“Ўзбек тили семасиологияси” китобининг кириш қисмида тақризчиларнинг “Семасиологияга оид кўпгина масалалар юзасидан ўзбек тилшунослигида бир фикрга келинмаганлигидан муаллифнинг (яъни М.Миртожиевнинг) айрим янги қарашлари баҳсли бўлиши мумкин. Лекин уларни ўзгартириш ёки олиб ташлашни лозим топмадик” деган фикрлари шунини кўрсатадики, бу монографияда анъанавий қарашларга жиддий муносабат билдирилган ва тил материалларини замонавий методлар асосида чуқур, атрофлича таҳлил этилиши билан боғлиқ янги мулоҳазалар илгари сурилган.

Профессор М.Миртожиевнинг қайд этишича, сўзнинг маъно томонига қизиқиш қадимдан бошланган бўлса ҳам, семасиология соҳасининг шаклланишида сўз маъносининг ўзгариши, тараққиёти таянч нуқта бўлиб хизмат қилган. Маълум бўлишича, бунга қиёсий-тарихий метод қатга таъсир кўрсатди. Зеро бу методга асосланган диахрон тилшуносликнинг асосий мақсади тил бирлигини муайян тарихий даврдаги ўзгаришлар, этимологияларни тадқиқ этиш эди. Кейинроқ семасиология ўз объектини кенгайтди, яъни тил бирлигининг синхрон ҳолатларини ҳам ўрганишга киришди.



Китобнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда замонавий тилшуносликнинг сўнги ютуқларини ҳисобга олиб, сўз семантикасини ўрганишнинг тўрт аъзоли тизимини, яъни лексик маъноларни мантиқий – семантик, семантик майдон, синтагматик муносабат, парадигматик муносабат йўналишларида (аспектларда) ўрганиш мумкинлигини кўрсатиб берилган. Муаллиф лексик маънони мантиқий-семантик асосда ўрганишга ҳаракат қилган Г.Паул, С.Ульман, В.Звигенцев, М.Бреал, Ж.Марузо, Г.Шпербер, Э.Велландер, С.Эман, Ш.Балли, В.Виноградов каби тилшуносларнинг ишларига муносабат билдиради. Бунда ҳозирга қадар лексик маъно ўзгаришлари, тараққиёти сабаблари ва омилларининг очиб берилгани алоҳида диққатга сазовор.

Олим семантик майдон масалаларини Й.Трир, Вейсбергер, Г.Ипсен, А.Йоллес, В.Порциг, Ф.П.Филин, Ю.Апресян, Т.Шчур, Д.Бозорова, Р.Юнусов, Т.Мусаев, И.Кўчқортоев, В.Гак, Р.Расулов, Ш.Искандарова, С.Мухаммедова каби тилшуносларнинг илмий изланишлари асосида таҳлил қилади. Шу тарзда семантик майдонни белгилаш мезонлари, дифференциал-семантик метод, майдон асосида аниқланувчи архисема, интеграл сема, дифференциал сема, семалар иерархияси, лексик маънонинг семантик майдондаги тараққиётига ойдинлик киритилади.

Монографияда лексик маъноларни синтагматик аспектда ўрганиш масалалари А.Добиашвини, Г.Хельбиг, Л.Теньер, В.Бондарко ва қатор рус, ўзбек тадқиқотчиларининг ишларига муносабат кўрсатиш орқали муҳокама этилади. Семантик, синтактик, шаклий каби валентлик турлари, уларни сўз семантикаси асосида ўрганиш лозимлиги ҳақида қарашлар илгари сурилади. Шунингдек, китобда лексик маъно парадигматик жиҳатдан ҳам тадқиқ этилган.

Домла юқорида эслатилган тўрт йўналишни ҳисобга олиб, ўзининг ўзбек тили семасиологияси бўйича монографик йўналиши, мақсад-вазифаларини аниқ белгилаб олишга эришади. Булар лексик маъно табиати, лексик маъно таркиби, лексик маъно тараққиёти, лексик маъно турларидир.

Муаллиф маъно турларини лексик, грамматик ва сўзловчининг ўз нутқиغا муносабати маънолари каби турларга ажратади. Бунда лексик ва грамматик маъно қарши қўйилувчи “сўзловчининг ўз нутқиغا муносабатини кўрсатувчи маъно” ифода термини остида назарда тутилган модал сўзларга муайян даражада лексик (менимча-кимнингча?) ва грамматик (гапда кириш синтактик бирлик бўлиб келади) белгилар хос. Шунинг учун улар оралик (муस्ताқил ва ёрдамчи сўзлар орасидаги) сўзлар ҳам дейилади. Шунингдек, бу ифода – атама терминларга қўйиладиган ихчамлик ва юксак абстракцияга эгаллик талабларига жавоб бера олмайди. Шундай бўлса ҳам муаллифнинг модал маъно типининг ўзига хослигини кўрсатишга ҳаракат қилганлигини қўллаб-қувватлаш керак.

Устоз сўз туркумларида лексик маънонинг ифодаланиш жиҳатларига тўғрибор бериб, анъанавий тилшуносликнинг “ичи бўш сўзлар”, “ишора сўзлар” деб аталувчи олмошларнинг тушунча ифодала- майди, лексик маъно ифодаламайди деган қарашини рад этади. Аксинча, олмошларнинг ҳам тушунча ифодаланиши, лексик маънога эгаллиги, олмошларнинг лексик маънолари юксак умумлаштирувчилик, абстракцияга эгаллиги ҳақида фикр билдиради. Олмошларнинг маъносини компонентларга (семаларга) ажратиб тавсифлайди: “нигоҳ остидаги”, “нарсага”, “ишора”, мен “сўзловчи”, “шаҳсига”, “ишора”, ҳеч ким “йўқ”, “кишига”, “ишора” каби. Биз профессор М.Миртожиевнинг олмошлар семантикаси, атоклик отларнинг лексик маънога эгаллиги ҳақидаги қарашига тўлиқ қўшилаемиз. Шу билан бирга, китобда тушунча ва маъно муносабати, маънонинг иккиламчилиги, лексик маъно ҳажмининг торайиши, нутқий сўз семантикасининг лексик маъно ва грамматик маънолар қоринмасидан иборат эканлиги, лексик маънонинг устама маънолари хусусида қимматли мулоҳазалар баён қилинади.

Муаллиф узуал ва окказионал сўзларнинг шаклланиши ва ўхшаш- фарқли томонларини таҳлил этиб, Г.Паулнинг соф нутқий бўлган окказионал сўзнинг узуаллашиши (узуал сўзга айланиши) назариясини тўлиғича инкор этади. Бизнингча, бу масала тил-нутқ дихотомияси, диахрония-синхрония аспекти асосида чуқурроқ таҳлилга муҳтож. Домла лексик маъно ёки семеманинг таркиби, хусусан, сема баҳсига муносабат билдириб, унинг(семеманинг) бўлак эмас, белги эканлиги ҳақидаги фикрларга қўшилади ва “компонент” атамасининг маъносини шу тарзда (белги) тушуниш лозимлигини уқтирадики, биз ҳам буни қўллаб- қувватлаймиз.

Семанинг семантик майдон бўйича аниқланиши ва шу асосда ўзаро иерарх муносабатга эга бўлган архисема, интеграл сема, дифференциал ва потенциал семаларнинг ажратилиши ва уларнинг қиссан таҳлил қилиниши тадқиқотчилар учун методологик аҳамиятга эга. Муаллиф семема тараққиёти (ҳосила маъно) нуқтаи назаридан ҳам семаларни умумий ва фарқловчи турларга ажратиб, уларни ўзбек тили сўзлари асосида лўнда тушунтириб берган.

Монографияда сўз (лексема)нинг семантик таркиби эмас, балки лексема шакл ёки нутқий мақомдаги сўзларнинг (сўз+синтактик функция) ҳам семик жиҳати ҳақида фикр юритилади. Шу муносабат билан семалар сўз шаклида тутган ўрнига кўра ядро сема, дериват сема, релятив сема ва сиртқи семалар ажратилади, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади, туб ва ҳосила семемалар изоҳланади. Айни пайтда, семалар объектив борлиққа муносабати, хабар бериш хусусияти асосида денотатив, коннотатив ва информатив, прагматик (эмоционал, экспрессив, номинатив, релятив) турларга ажратилиб тавсифланади. Семемалар синтактик муносабати бўйича бир сема типи, яъни классема ажратилади. Бунда

муаллиф лексемаларни ўзаро боғловчи, тобе ва ҳоким сўзлар таркибида бўлувчи бир хил семаларга (классемаларга) атрофлича изоҳ беради. Классемаларнинг семема+семема, семема+семема/релятив сема шаклларда учрашини қайд этади.

Китобнинг лексик маъно тараққиётига бағишланган қисмида маъно тараққиётининг сабаб ва омиллари, тараққиёт кўринишлари (ҳосила маъно, кенгайиш-торайиш, эвфемизм, дисфемизм) очиб берилади. Лексик маънолар тараққиётига (генетик маъно, ҳосила маъно), референт хусусиятига (номинатив маъно, фигурал маъно), сўз бирикмаси таркибида қўлланишига (эркин маъно, боғли маъно), ўзак ёки ясама сўздан ҳосил бўлганлигига (ўзак маъно, ясама маъно) кўра таснифланиб, улар асосида юзага келган лексик маъно типлари ёритиб берилади.

М.Миртожиев сўзларнинг маъноларини референтлар алоқадорлигига кўра моносемия ва полисемияга ажратади. Полисемиянинг шаклланишида бош маъно, асос маъно, тобе маънолар фарқланади, тобе маъноларнинг занжирсимон, елпигичсимон каби боғланишлари эътироф этилади. Моносемантик, полисемантик сўзлар мустақил тил бирликлари (лисон) сифатида қаралади. Муаллиф лексик маъноларни парадигматик муносабат асосига кўра синоним, антоним, коррелятив маъноларга ажратади, уларнинг турлари, хусусиятлари ва экстралингвистик ёхуд интерлингвистик йўллар билан шаклланганлигини изоҳлайди.

Монографиянинг сўнги бобида сўзларнинг ўзаро боғланиш имкониятини берувчи маъновий хусусият, яъни валентлик ҳақида фикр юритилади. Бунда валентлиликнинг семемада шаклланиш асоси, унинг турли сўз туркумларига оид семемаларида намоён бўлиш хусусиятлари, турлари (лексик-семантик валентлик, воситали семантик валентлик, шакл семантик валентлиги, мантикий-семантик валентлик), уларнинг ички кўринишлари атрофлича ва чуқур таҳлил этилган. Шу йўл билан тилда нутқнинг шаклланиш механизми адекват ҳолатда очиб берилган.

Хуллас, профессор М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” китоби нафақат ўзбек тилшунослиги, балки туркология ва умумий лингвистика учун ҳам катта назарий аҳамиятга эгадир. Унда семасиология объектининг барча жиҳатлари (аспектлари) ўзининг мукамал замонавий талқинига эга бўлган. Бу асарнинг мутахассислар, олий ўқув юртлари талабалари орасида қўлма-қўл бўлиб юрганлигини сири шундадир.

Қ. СОДИҚОВ, ТДШИ

БИЛИМ СЎҚМОҚЛАРИДА

Илмий ишлар бўйича проректоримиз Гулчеҳра Рихсиева мени кабинетига чақириб (Бу 2016 йил кеч кузининг кунларидан бирида Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлаётган гап), қўлимга бир

ишни тутди ва ўқиб, тақриз ёзиб беришимни айтди. Қоплама жилддаги иш домла Миразиз Миртожиевнинг “Туркий туб сўзлар тадқиқи” номли китобининг компьютерда терилган нусхаси экан. Янги тугалланибди чоғи, китобгагина китоб: тўрт юз бетли. Миразиз ака кўп йиллардан буён бу мавзуда китоб ёзаётганини билардим, ўша иши адоғига етибди, кўриб суюндим.

Миразиз акани ўқиган чоғларимиздан биламан. Оғир-босиқ, маънили сўзлари билан тингловчиларни ўзига тортар эди. Мен тилшунослик турухида эдим, бизга семантика ва полисемия масалаларидан дарс ўтганди домла. Кейинчалик менга ҳам домланинг йўлидан бориш nasib этди, тил тарихи йўналишида тадқиқот олиб бордим.

Номзодлик диссертациямни ёқлаганимдан сўнг, бу 1987 ва ундан кейинги йиллар эди, мени Тошкент давлат университетининг Ўзбек тилшунослиги кафедрасига ишга чақиришди. Ўзим Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида ишлардим, университетда ўрнидошлик асосида дарс бера бошладим. Кейинчалик Умумий тилшунослик кафедрасига ўтказишди.

Менинг учун эсда қоларли бўлди ўша йиллар. Таниқли тилшунослар Шавкат Раҳматуллаев, Иристой Кўчқоргоев, Абдуғани Алиев, Миразиз Миртожиев, Карим Назаров, Сиддик Фузаилов, Ёрмат Тожиев сингари улуг ва саховатли олимлар билан бирга ишлаш nasib этди. Уларнинг ҳар бири бир олам, чуқур билим эгалари, ҳаёт фалсафасини ўрганасан улардан. Улуг ва бетақрор мактаб шаклланганди у ерда, ҳар қадамда Айюб Гуломнинг таъсири сезилиб турарди. Ўша даврлардаги ўзбек тилшунослигини бу олимларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ана шундай билимли ва кенг фикрли тилчилар орасида Миразиз аканинг алоҳида ўрни бор эди. Кейин ҳам менга домланинг ёрдами кўп тегди. Докторлик диссертациямга таниқли турколог, филология фанлари доктори, профессор А.Аманжолов, ЎзРФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ғ.Абдурахмонов билан бирга профессор М. Миртожиев ҳам расмий оппонент бўлди.

Ўша даргоҳда юрган чоғларим Миразиз ака билан кадрдон бўлиб қолганмиз. Ҳалигача домлага ҳурматим баланд. Тилшуносликка оид кўп яхши гапларни эшитади уни тинглаган киши. У борлигини, куч ва билимини ўзбек тилшунослигига бағишлади.

Яхши фазилати бор: ўзбек тилининг нафосати, куч-қудрати, буюклигини, имкониятлари чексиз-чегарасиз эканлигини туйиб яшайди у. Шунинг учун ҳам ёзган асарлари илмий жиҳатдан бақувват, фикр-кирашлари ўтқир ва теран.

Домла айтганидек, ўзбек тилининг товуш қурумида йўқ товушнинг ўзи йўқ. Тўғри айтади у. Бунга тил тарихидан бир мисол келтираман. Илмий китобларда, дарслик ва қўлланмаларда [х] товуши ўзбек тилига, соф туркий сўзларга хос эмас, у араб тилидан ўзлашган сўзлардагина

учрайди, деган фикрни ўқиб қоламиз. Тўғри, *ҳикмат*, *ҳикоя*, *маслаҳат*, *салоҳият* сингари сўзларимизнинг таги арабча. Туркий тилларда бир ҳодиса бор, сўз бошида ундошнинг орттирилиши, дейилади уни. Масалан, қадимги туркий тилда *ўкуз* деган сўз бўлган, “мол; ҳўкиз” англамида. Кейинчалик олдига [х] товуши орттирилиб, *хўкуз* га айланган. Ёки, қадимги туркий тилда *ўл* сўзи бўлган (у “ингичка” талаффуз қилинган) “хўл; нам” маъносида, кейинчалик [х] товуши орттирилиб, *хўл* га айланган. Қадимги туркий *урк* сўзи ҳам ана шу шаклда *хурк* ка айланган. Бунинг сингари сўзларнинг бошида унлидан олдин [х] товушининг орттирилишига сабаб, улар “ингичка” ўзакли сўзлардир; олдиди орттирилган ундош ҳам “ингичка” товушдир.

“Йўғон” талаффузли сўзларда эса бунинг тескараси. Уларда унлидан аввал “йўғон” талаффуз этилувчи [х] товуши орттирилади: қадимги туркий тилдаги *авуч* сўзи кейинчалик *хавуч* га айланган, “сиқим, ховуч” маъносида. Айтганча, ўзбек тилининг имло луғатларида бу сўзни <х> ҳарфи билан *ховуч* деб ёзаётирлар, аслида уни *ховуч* деб ёзилгани ва айтилгани тўғри.

Миразиз Миртожиев сўз семантикасида унинг илдиэлари сари йўл очади, товуш ҳодисалари ҳам ана шунга бўйсунди. Домланинг таъкидлашича, ўзбек тилидаги *чақ* билан *йақ* (адабий-орфографик *ёқ*) сўзлари бир ўзакдан; улар [ч] ва [й] товуш ўзгаришидан ҳосил бўлган. Чоғиштиринг: *гугурт чақди* ҳам деймиз, *гугурт ёқди* ҳам. Ёки: *чақин чақнади* дегандаги сингари. Шунингдек, *чет* билан *эт* сўзларининг илдиэи ҳам бир. Чунки *этак* сўзининг генезиси *чет* га боғланади; “кўйлакнинг чети” дегани.

Домланинг педагогик фаолияти университетда дарс бериш билан ўтди. Унинг қўлидан қанча-қанча мутахассислар етишиб чикди. Иқтидорли ўқувчиларнинг ҳеч бири четда қолган эмас. Домла уларни илмга чорлади, яхши ишга жойлашмагунича тиниб тинчимади. У мутахассис етиштиришни билади, етиштирганда ҳам пухта, билимли қилиб чиқаради. Унинг иқтидорли ёшларга қарата айтган ибратли гапи бўларди: “Ёш изланувчига катта мавзу бермаслик керак. Бир сўзнинг маъноларини ўрганиб, катта иш ҳам ёзиш мумкин”, – деган.

Миразиз ака ўзбек тилининг турли масалалари бўйича қатор монографиялар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Фанда, олий таълимда бақувват ва қоладиган ишлар бўлди булар. Унинг “Туркий туб сўзлар тадқиқи” китоби ҳам кўзга кўринарли, ўта илмий иш бўлибди.

Мутахассислар яхши билади, туркий тилларни чоғиштирма ўрганиш туркологиянинг муҳим, долзарб масалаларидан бўлиб келган. Рус туркологиясида, Ғарбий Европа илмида анча тажриба йиғилган бу йўналишда. Дунё тан оларли даражада илмий ишлар ҳам яратилган. Ўзбек туркологиясида туркий тилларни чоғиштирма ўрганиш иши анча оқсаётган эди. М.Миртожиевнинг ушбу иши ана шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат

кўлади. Бугина эмас, ишда тилшунослик, хусусан, туркология учун ўта муҳим, ҳали ўз ечимини топиб улгурмаган масалалар устида сўз юргизилади.

Тадқиқот объекти сифатида туб туркий сўзларнинг олинаётганлиги бежиз эмас. Чунки бу қатлам туркий тилларнинг асл ҳолати, илдизлари, қонуниятларини, тилнинг моҳиятини очишга имкон беради. Ўзбек тилшунослигидагина эмас, бутун туркологияда туб туркий сўзлар ҳали бу йўналишда ишланмаган эди. Шу жиҳатдан тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳимияти катта.

Ишнинг мундарижаси ҳам маъқул. Мавзу билан боғлиқ керакли масалалар кўтарилган.

Асарни ёзиш учун йигирма учта туркий тилдан материал йиғилиб, муайян тизимга туширилибди. Қизиғи шундаки, ўша тиллардан олинган мисолларнинг бари ягона транскрипцияга солинган. Муҳими, ишда туркий лексик қатламнинг фонетик-фонологик, морфонологик, семантик-стилистик хусусиятлари, ўзак таркиби, сўзларнинг этимологияси, тарихий тираққийти чуқур таҳлил этилади. Муаллиф, ўрни билан, ўз илмий муносабарининг илмий далили учун ёзма манбаларига мурожаат қилади. "Девону луғати-т-турк", Навоий асарларининг луғат қатлаמידан мисоллар келтиради.

Яна бир жиҳати, ишда катта миқдордаги илмий адабиёт жамланган. Муаллиф уларнинг ҳар бирига илмий муносабат билдириб ўтади. Бундай жиддий ва машаққатли юмушни ҳар ким ҳам уддалайвермайди. М. Мирғожиев бу асари билан ўзбек тилшунослигида сўзларни қиёсий ўрганиш соҳасида янги бир йўналиш очибди.

Ўзбек тилшунослигида қутилгандай иш бўлибди. Туркий тилларни қиёсий йигирма ўрганишда китоб муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ундаги материаллар, лингвистик таҳлил натижалари, назарий хулосалар бундан кейин яратилажак асарлар учун ҳам фойдалидир.

Филология фанлари доктори, профессор М. Мирғожиев ўзбек тилшунослигида из қоларли даражада тер тўқиб ишлади. Домла, улўғ йўналиш билан чин кўнгилдан қутлайман. Сизга Яратгандан хотиржамлик тилайман, соғ-омон бўлинг. Қилган меҳнатларингизнинг роҳатини кўринг.

М. ЖўРАБОЕВА, ТошДўТАУ

ЭЛДА АЗИЗ МИРАЗИЗ БОБО

Халқда "Меҳнат қилган – элда азиз" деган нақл бор. Исмида "азиз" сўзи жой олганлиги ота-она орзуси, яхши умиднинг рўёбидан дарак. Игна билан қудуқ қазишга менгзаб таърифланадиган илмий-ижодий меҳнат устоз ҳаётининг мазмунига айланганидан далолат. Демакки, умр

аввалидаёқ башорат килинган исмнинг ўзиёқ бу инсоннинг кимлигини кўрсатиб турувчи далил ҳисобланади.

Маърифий манбалардан бирида мазмунан шундай сўзларни ўқигандим: “Устозлардан олган барча таълимнинг сен учун қарз. Бир кун келиб ўзинг устоз бўлганинда шу қарзларни сени устоз деб этагиндан тутганларга улашиб беришинг керак...”

Филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиев бугунги кунда устоз тилшунослардан. Домланинг этагини тутган шоғирдларининг кўпи ўзлари устоз даражасига етишган. Шу маънода, устознинг неvara шоғирдлари бисёр. Улар энди Миразиз бобо бўлганлар. Аммо бу оддийгина сўз замирида заҳмат ётганлиги аён.

Кечагина академиядан университетга, университетдан академияга қатнашни қанда қилмай, илм жавоҳирларини териб, бу гавҳарларни асраб-авайлаб, қайтадан кашф қилиб, уларни мисқоллаб илм аҳли қалбига жо этишдек машаққатли йўлни босиб ўтган ёшгина тилшунос олим Миразиз ака юқори илмий савияда ёзилган ўнлаб оригинал монография ва кўлланмалар, юзлаб мақолалар муаллифига айланиб, юксак илмий даража, унвонларга эришиб, Миразиз бобо тимсолида ҳамон ўша йиллар шижоатини тарк этмай, илмий-ижодий изланишни давом эттиряптилар. Зеро, бу Аллоҳнинг ўзи устозни азиз қилганлигининг далолати.

Профессор Миразиз Миртожиев сермахсул, кўп қиррали тилшунослардан. Ўзбек тили луғат бойлигини ҳам синхрон, ҳам диахрон йўсинда заргармисол ўрганиб, беназир илмий тадқиқотлар ҳада этган лексиколог, лексикограф, фонетист олим. Бу йўналишларда илмий мулоҳаза юритиш осон эмас. Бунинг учун мазкур ишларнинг илмий мазмун-моҳиятини чуқур идрок эта билиш, таҳлил қила олиш салоҳиятига эга бўлиш керак. Шу боис узоқ йиллар бир жамоада, бир кафедрада фаолият олиб борган устозимизнинг илмий-педгогик йўналишларига тааллуқли баъзи кузатишларим билан чекланишни лозим топдим.

Устозим Айюб Ғулом Миразиз домланинг исм-шарифларини гурур билан тилга олиб, мени улар билан илк бор ғойибона таништирганлари кечагидай ёдимда. 1966-1967 ўқув йилининг дастлабки ҳафтаси эди. Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқув йили олдидан биринчи йиғилишида номзодлик диссертациянинг мавзуси тасдиқланди. Ўша кунёқ мажлис тугаши билан профессор Айюб Ғуломов мени ёнларига чақириб, аввало, Миразиз Миртожиевни топиб, олимнинг “Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши” мавзусидаги номзодлик диссертацияси билан танишиб чиқишимни тавсия қилгандилар ва тадқиқотчининг илмий салоҳиятига юқори баҳо бергандилар. Мана шу йўриқ сабаб бўлиб Миразиз Миртожиевнинг илмий ижодига қизиқиб қолганман. Уларни ўқиб, ўрганиб, ўзлаштиришга ҳаракат қилганман. Ушбу манбалардан сув ичиб, илҳом олиб, ўзимга берилган мавзу хусусида дастлабки фикрларим шакллана бошлаган.

Аниқ ёдимда йўқ, тахминан ўтган асрнинг 80-йиллари кафедра мудиримиз филология фанлари доктори, профессор Айюб Фуломов Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Миразиз Миртожиевни бизнинг жамоада ишлашга-педагогик фаолият олиб боришга таклиф қилганлар. Ўша даврдан бошлаб биз бир кафедрада ҳамкасб сифатида фаолият юритганмиз. Домла ўзбек тилшунослиги илмининг турли баҳслари бўйича маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар олиб борганлар.

Кўпроқ I босқич талабаларига 2 семестр давомида “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанининг лексикология, фразеология, фонетика, фонология, лексикография бўлимлари бўйича дарс ўтардилар. Талабаларнинг айтишича, улар томонидан ўтилган ҳар бир мавзу шу қадар чуқур, шу қадар қизиқarli тарзда баён этилганки, ҳатто баъзи талабалардан “домлаимиз жонли энциклопедия” деган эътирофларни эшитганман. Бу тарзда ўтилган маърузалардан сўнг биз каби айрим ўқитувчиларга ўша аудиторияга, ўша гуруҳга кириш осон бўлмаган. Бахтга қарши, менинг ўқув юкламамга кирган, ўқув режасига мувофиқ II босқичнинг 2-семестри давомида ўтиладиган “Морфология” баҳси эса айнан Миразиз Миртожиев бошлаб берган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” деб номланадиган фаннинг дивони эди. Яъни мен домла кирган гуруҳда дарсларни давом эттиришга мижбур эдим. Талабаларнинг ҳар бир ҳаракатимда, илмий баёнимда Миразиз Миртожиевни кўришни истаётганларини ҳис қилиб турардим. Бунинг уддасидан чиқиш эса анча мушкул бўлган.

Йиллар давомида устознинг педагогик маҳорати сайқаллана борди. Бўшжак умидли тилшуносларнинг аксарияти домланинг йўналишларини давом эттиришга қизиқиб, уларнинг раҳбарлигида илмий изланишлар олиб боришди. Уларга эргашган шогирдларнинг кўпайганлиги эса, сўзсиз, Миразиз Миртожиев илмий салоҳиятининг бақувватлигидан, ўз обқисининг ривожини учун куюнган олимнинг устозлик маҳоратидан, бириккенлигидан, илмпарварлигидан далолат эди.

Домла илм йўлига қизиққан ҳар бир талаба билан эринмай ишларди. Устоз-шогирд бирлигидан келиб чиққан натижалар -мақолалар, диплом ишлари-илмий яратилар эса давр талаби даражасида бўлиб, юқори баҳоланадди. Муболағасиз айта оламанки, кўпчилигимиз илмий раҳбарликда Миразиз акадай бўлишга ҳаракат қилганмиз, аммо ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан уларга ета олмаганмиз.

Педагог Миразиз Миртожиев таълим жараёнида ўзларига, талабалар билганини баҳолашда ўта талабчан эди. Талаба қайси бўлимда (кундузги, кечки, сиртки) ўқишдан қатъи назар, талаб барчага бирдай. Таниш-билишчиликни сира ёқтирмасдилар. Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлганим бир воқеани эслашни лозим топдим.

Менинг яқинларимдан бири, домлаимизнинг сиртки бўлим талабаси Россия пайтида синовдан ўтолмади. Вақт тигиз. Муҳлат кам. Ўша

пайтлардаги талабларга кўра, сиртқи бўлим талабаси сессиядан қарздор ҳолда ишга қайтса, унга ойлик маош берилмасди. Бу талаба ўша пайтда моддий томондан шу маошга эҳтиёжманд бўлган, чунки бир йил давомида ҳам ота, ҳам онани йўқотиб, шунга муҳтож эди. Шу боис домланинг педагог сифатида шу талабага нисбатан қўллаётган талабчанликлари жуда тўғрилигини ҳис қилиб турган бўлсам ҳам, аёллигим, оналигим сабабми истисно тарзида, синовдан ўтказиб юборишларини илтимос қилдим. Бирок устозни сира қўндира олмадим. Жуда ноқулай ҳолат... Индамай кетсам, унинг энг яқин кишиси бўла туриб, бепарқ кимсага айланаётгандайман. Чораси битта - дардимни кафедра мудирига айтишга мажбур бўлдим. Шунда устозим Айюб Ғулом иккаламизни алоҳида хонага чақириб, домлага ҳам, менга ҳам бир-биримизни тушунишимизни таъкидладилар. Ўта маданий шаклда фикр билдириб, ўша талаба қизга шартли равишда бўлса ҳам синов баҳосини қўйиб беришларини домладан илтимос қилдилар. Бу вазиятни тавсифлашимдан мақсад Миразиз Миртожиев шахсиятига хос мураббийликдаги ҳалолликни, ўз фанига фидойиликни, сабр-тоқатларини ибрат тарзида таъкидлашдир. Зеро, мана шундай хислатга эга бўлиш эса бугунги таълим жараёнида, олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагоглар учун жуда зарур.

Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг аъзоси сифатида кузатганларимдан яна бири устоз Айюб Ғуломнинг таклифлари билан шу кафедрага келиб, фаолият юритган олимларнинг аксариятида Айюб акага ўхшаш жиҳатларни кўраман. Миразиз Миртожиев тимсолида бу кўпроқ кўзга ташланади. Миразиз домланинг юз тузилишларида, гапириш оҳангларида, кийинишларида-маданий қиёфаларида устоз билан уйғунлик бордай. Ўйлаб қоламан, мана шундай яқинлик борлиги учунми, илми ўз ҳаётларининг мазмунига айлантира олганликлари учунми, Айюб Ғуломдай улуг сиймо Миразиз домлани ўз ёнларига тортгандир...

Олий таълим тизимида ўқув йили сўнгида, хомакироқ бўлса ҳам, келаси йилнинг ўқув юкламаларини белгилашга тайёргарлик бошланарди. Ҳар бир ўқитувчи учун мўлжалланган дарс соатлари тақсимланарди. Шу жараёнда биз, ёш муаллимлар, кафедра мудирига ёрдамлашардик. Соат тақсимоги пайтида Айюб Ғулом шундай дегандилар: “Университетга энди қадам қўйган I босқич талабаларига маъруза ўқиш учун имкон қадар талабани ўз фанига қизиқтира олиш салоҳиятига эга бўлган, ҳам илмий, ҳам педагогик маҳорати кучли мутахассисларни киритиш керак. Шунга қараб талаба ихтисослашади. Тилшунослик йўналишига қизиқтириш учун бошланғич курсни Миразизга бериш тўғри бўлади. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанини у ўқисин. Мақсадимиз кафедрамиз йўналишига талабаларни кўпроқ жалб қилиш...”. Менинг назаримда, Айюб Ғулом томонидан билдирилган бу таклиф Миртожиевга берилган катта баҳо эди. Йиллар давомида ўша ишонч ўз тасдиғини топиб борди, десам хато қилмаган бўламан. Ҳатто профессор Айюб Ғуломдан кейин аудиторияга профессор

М.Миртожиевгина дадил кириб бора олдилар. Демак, устоз Айюб Ғулом ўзларига муносиб издош топган.

Миразиз домланинг ўз касбига садоқати, талабаларга муҳаббати, фидойилиги йил сайин кучая борди. Бунинг кичкинагина далилини кўйидаги ҳолат тавсифидан аглаб олиш мумкин.

Устоз Айюб Ғулом бетоб бўлиб юрган дамлар. Озгина жисмоний ҳаракат ҳам домланинг нафасларига таъсир қиларди. Аммо севган касбини, айниқса, педагогик фаолиятни тўхтатиб қўймасликка куч йиғиб яшаётган кунлари эди. Юклама бўйича кечки бўлимда устознинг дарслари бор экан. Мени уйларига чақиртирди ва биргаликда университетга бориб келишимизни айтдилар. Ўша куни ҳам соғликларининг ёмонлиги аниқ кўриниб турарди. Бугунги дарснинг маърузачиси алмаштирилганлигини хим оҳиста айтдим. Лекин негадир сўзларидан қайтмадилар. Мен ҳам раъйларига қарши боролмадим. Машина ёллаб, бирга факультетга келдик. Антикиб-энтикиб, ҳарсиллаган ҳолда 4-қаватга кўтарилдилар ва тўғри бориб ҳамиша ўзлари кириб юрган аудитория эшигини очдилар. Ўқув хонасидан эса Миразиз Миртожиев чиқиб келиб, домла билан салом-алик қилдилар. Раҳбариятнинг руҳсатига биноан дарсни бошлаб юборганларини билдирдилар ва домладан сира ҳижолат бўлмай соғликлари ҳақида ўйлашларини айтиб, хайрлашиб, аудитория эшигини ёпдилар.

Шу пайтда устознинг вазоҳатлари шунақа ўзгардики, уйга боргунча ва ҳатто бизни кутиб турган келиноғига ҳам фақат “Миразиз мени дарсга киритмади” деган гапни қайта-қайта такрорлайвердилар. Иккаламиз нима дейишни билмаймиз. Худди ёш болани овулгандек, сизни қийналмасин, сизга гап тегмасин деб дарсга киришга мажбур бўлганлар деяпмиз ҳамки, тушунишни хоҳламадилар. Анча вақт ўтгандан кейин ҳаяжон босилиб, бир ол ўзларига келиб, “Миразиз киргани яхши бўпти” дегандилар. Ана шунда Айюб Ғуломдай забардаст тилшунос, тенги йўқ педагог Миразиз Миртожиевнинг муносиб давомчи бўла олишларига яна бир бор ишонч қосил қилгандай бўлганлар. Ҳеч шубҳасиз айта оламанки, ўша ишонч оқланди. Тил илмига садоқатли Миразиз домла Айюб Ғуломдай буюк шайхлар умрининг давомчиси сифатида ҳалол яшаб, баракали ижод қилиб кетмоқдалар. Улар кўролмаган, улар етолмаган мақсадларга эришиб, ҳимон фан йўлида қалам тебратмоқдалар. Қизиги, улуг ўшларга кириб қолган бўлсалар ҳам, фахрийлик даврида илмдан узоклашиб, сустрлашиб қолган биз каби аёлларни, телефон гўшаги орқали бўлса ҳам фаоллика чорлиб турибдилар. Ҳар гал домладан шу даъватни эшитганимда яна устозим Айюб Ғуломнинг сўзлари шууримда жонланади ва Миразиздай фанга содиқ бўлинлар деяётгандай туюлаверади. Бироқ Миразиз домладай илмсевар, ҳаётсевар, шогирдсевар бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилмавермайди. Шундай экан, устознинг Аллоҳ насиб этган, ота-она орзу қилган ва рўёбини топган барча хислатларига кўз тегмасин дейман.

Ўзбек тилшунослиги илмининг забардаст вакили, юзлаб шоғирларнинг устози, пири бадавлат Миразиз бобога мустаҳкам соғлиқ, илмий фаолиятда бардавомлик, истиқлол насиб этган хур замонларда, фарзанду набиралар, эвараю неваралар ардоғида узок йиллар ҳаёт нашидасини суриб яшашларини тилайман:

“Аллоҳ азиз қилган Миразиз бобо,
Улуг ёшларингиз бўлсин муборак!
Маҳкамроқ тутгайсиз қаламни қўлда”,-
Мамлакат чин дилдан билдирди тилак.

Б. МЕНГЛИЕВ, ТошДўТАУ

МИЛЛИЙ ФОНЕТИКАДА МУҲИМ ЯНГИЛИК

Фан йўлидаги хизматларнинг энг буюги унга янги ғоя ва қарашларни олиб киришдир. Янги ғоя ва қарашлар эса одатланилган чайир ақидаларни барбод қилувчи қудратга эга бўлганлиги боис ҳар доим ҳам хайрихоҳлик билан қабул қилинавермайди.

Том маънодаги фан сифатида XX асрнинг 20-30- йилларида шакллана бошлаган ўзбек тилшунослиги олдида давр талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян мақсадларни қўйиб, 50-60 йил мобайнида ўзбек адабий тили меъёрларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришдан иборат зарурат асосида иш кўрди. Бироқ фаннинг барча соҳаларида бўлгани каби тилшуносликда ҳам қандайдир сабаблар асосида ўрнашиб қолган ақидалар мавжуд бўлиб, анъанавараст лингвистик тафаккур бу ақидаларни кўр-кўрона қабул қилади ва уларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида муҳокама юритиб ўтирмайди. Масалан, фонетикада фонема ва товушни фарқламаслик, нутқ товушлари миқдори ва таснифидаги ноизчилликлар, ўзбек тилидаги урғунинг моҳияти ва маъно фарқлаш масаласида қотиб қолган умумий қарашларнинг яшовчанлиги кўринишидаги юзлаб ақидалар борки, улар фан тараққиётидаги анъанавий тафаккур маҳсули бўлган ғовлардан бошқа нарса эмас. Аммо ҳақиқат эгилиб-букилса-да, синмаганлиги каби, барибир, янги ғоя ва фикрлар, қанчалик тўсиқларга дуч келмасин, тошларни ёриб чиқаётган гиёҳ каби ўсиш ва ривожланишда давом этаверади.

2013 йилда филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиевнинг “Ўзбек тили фонетикаси” монографияси нашрдан чиқди. Китобни ҳеч иккиланмасдан ўзбек миллий фонетикасининг муҳим ютуқларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Китобда олим томонидан фонетик экспериментларга таянилган ҳолда, ўзбек тилининг ўз ички хусусиятлари кузатилиб, тилшунослигимизда ҳукм суриб келган айрим ғайриилмий ва сохта ақидаларни инкор қиладиган муҳим фикрлар баён этилган.

Авалло, монография лисон ва нуткни изчил фарклаш асосида фонетиканинг асосий ўрганиш объекти бўлган нутқий бирлик – товуш ва унги дахлдор ҳодисаларни изчил экспериментал тадқиқ усули асосида янгий таякин қилишга бағишланганлигини таъкидламоқ лозим.

М.Миртожиевнинг дақиқона кузатишлар асосида ўзбек тили унли фонемалари нутқда ун ва шовқиннинг турли даража ва нисбатдаги коришуви натижасида 16 та товуш сифатида намоён бўлиши ҳақида тўхтимга келиши фонема ва товушнинг вариант-инвариантлик муносабатлари ҳақидаги назарий маълумотларни экспериментал далиллар билан тўлдирди ва уларнинг объектив воқеликка мослик даражасига аниқлик киритди. Маълумки, тил илми ва таълимида унли товушларнинг ўшқандан чиқаётган ҳавонинг товуш пайчаларига урилиши натижасида ҳосил бўлган овознинг оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ўтishi натижасида вужудга келиши ҳақидаги қарашлар мутлақлашган эди. Олим ҳақиқатга зид бу чайир қондани “агар овоз оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамаса, унда ҳамма унлилар бир унли бўлиб қолар эди” деган оддийгина аксиоматик фикри билан эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада инкор қилишлиги алоҳида эътибор ва эътирофга лойик.

М.Миртожиев нутқ товушига, аввало, биологик ва акустик белгилар шартлиги сифатида муносабатда бўлиб, товушнинг ушбу хусусиятларини териш тадқиқ қилади. Анъанавий фонетик тадқиқотларда фонема ва товуш фарқланмаганлиги сабабли товушни функционал-лисоний жиҳатдан ҳам тавсифлашга уринилар ва натижада талқинларда чалкашликлар вужудга келтирилади. Олим нутқ товушларининг биологик аспекти хусусида тўхталар экан, товуш сони артикуляция ўрни билан белгиланишини таъкидлаган ҳолда, сийқа ақида сифатида оммалашган “лаб-лаб, тил олди, тил орқа”¹ позициясидангина иборат учта артикуляция ўрни мавжудлиги ҳақидаги таълимот мавҳум ва ноаниқ эканлигини тажрибавий далиллар асосида исботлайди ва ўзбек тилидаги 32 та ундош товуш (фонема эмас!) учун 13 та артикуляция ўрни мувофиқ келишини уқтиради. Хусусан, ўзбек тилидаги в, ф, х, ҳ фонемаларининг ҳар бири нутқда иккитадан товуш кўриниши сифатида воқеланишини жонли нутқий далиллар билан кўрсатади ва фикрларини оддий ўқувчи учун ҳам тушунарли фикр ва масаллар асосида баён қилади.

Фонетикада бўгин масаласи амалий қиммати юқорилиги билан ажралиб туради. Бу борада ҳам фан ва таълимда қатор эскирган ва ислохталаб ўрин ва бўшлиқлар мавжуд бўлиб, монографияда баён этилган фикрлар ушбу бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади. Маълумки, ўқувчилар айрим сўзларни бўгинларга ажратиш ва бўгин кўчириш жиҳатида жиддий қийинчиликларга дуч келишади. Масалан, тилимиздаги *инглиз, тангенс, Москва* каби сўзларни бўгинларга ажратиш ўзбек

¹Миматов Ж. Ўзбек тили фонетикасига доир муҳим тадқиқот // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014, - № 3. – б. 111-114.

тилининг умумий субстанциал қонуниятларига унчалик ҳам мос келавермайди. Шу боисдан кўпчилик бу борада муаммога умумий қонуниятлар асосида жўн муносабатда бўлишга одатланиб қолишган. М.Миртожиев масаланинг соҳадаги “огрикли нукта эканлиги”дан келиб чиқиб, ўзбек силлабикасидаги ушбу истисно ҳолатларнинг пухта илмий асосларини берадики, бу ҳам тил ҳодисаларини баҳолашда эркин фикрлашга тўсиқ бўлаётган айрим “зарарли одаг”лардан халос бўлишимизга хизмат қилади. Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, олимнинг фикрларига таянган ҳолда, бўғинларга ажратилиши ўзбек тилининг умумий қоидаларига мос келмайдиган истисноли хусусиятларга эга сўзлар луғатини тузиш таълим ва амалиёт учун катта аҳамиятга моликдир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, олиб монографияда илк бор ҳижо ва бўғин масаласини уйғунликда экспериментал таҳлилга тортган. Ҳижонинг бўғинга муносабати, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, таълимий аҳамияти дақиқона очиб берилган.

М.Миртожиев монографиянинг акцентуация масаласига бағишланган қисмида урғунинг типологик хусусиятлари ва уни аниқлашнинг лисоний ва нолисоний мезонларини турли тиллар далиллари асосида баҳолайди, соҳанинг етакчи мутахассислари қарашларини чуқур таҳлил қилади, улар билан мунозарага киришади. У сўз урғуси тилларнинг типологик сифатларидан бири эканлиги ҳақидаги қатъиятларга таянган ҳолда, ўзбек тилидаги урғунинг онтологик хусусиятларини очади. Маълумки, амалдаги дарслик ва қўлланмаларимизда сўз урғуси ҳақида бўғинлардан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилиши ҳақидаги қарашлар анъаналашган. Бу қоида ҳам, юқорида айтилганидек, дарсликлардан дарсликларга кўчиб юрибди. Лекин М.Миртожиев кузатишлар асосида ўзбекча сўзлар бўғинлари кучи асосида ўзаро кам фарқланиб, асосий тафовут урғу тушган бўғиннинг чўзиқлигида эканлиги ҳақидаги хулосага келди. Ўзбек тилида урғу тушган бўғин чўзиқ, рус тилида эса кучли талаффуз килинишини тажрибалари билан асослайди. Шунинг учун ўзбекча сўз урғуси чўзиқлик урғуси эканлиги билан рус тилига ҳос динамик ургудан фарқланиши ҳақидаги тўхтамга келади. Олим ўзбек тилидаги ургунинг анъанавий қоидаси ўзга тил қонуниятининг тилимизга кўр-кўрона кўчирилиши оқибатида юзага келганлигига таяниб, мазкур қоида “сўз бўғинларидан бирининг бошқасига нисбатан чўзиқроқ айтилиши” тарзида ислоҳ қилиш учун мустаҳкам илмий асос яратди.

М.Миртожиев монографияда ўзбек тилидаги сўз урғусига доир яна бир масалага ойдинлик киритди. Шу вақтгача ўзбек тилининг хусусиятларидан бири урғунинг сўз охиридаги бўғинга тушиши сифатида баҳолаб келинар эди. Устоз фонетик экспериментлар ўтказиб, бу қоидадан асоссиз эканлигини исботлади. Олим томонидан ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўзбек сўзларидаги чўзиқлик

аксиринг қолларда биринчи бўғинга хос экан. Демак, муаллифнинг асосли экспериментал далилларига таяниб, сўз урғусига доир аънаналашган ҳондаларга ҳам ўзбек тилининг ички хусусиятдан келиб чиққан ҳолда гуаатишлар киритиш учун имконият вужудга келганлигини таъкидлаш лозим.

Мутахассисларга маълумки, интонацияда тилнинг барча сифатлари уйғунлашади ва мувофиқлашади. Тил бирликларининг субстанциал сифатлари модификациясида интонациянинг ўрни бекиёс. Бир сўз билан айтганда, интонация шакл, маъно ва прагматиканинг уйғунлигини ўзида ўқоқ эътиради ҳамда коммуникация натижаларига жиддий таъсир кўрсатади. Шу маънода, олимнинг монографияда интонацияга доир қўйилган экспериментал далиллари ва хулосалари лисоний имкониятларнинг нутқий вокеланишини замон талабларига ҳамоҳанг равишда субстанциал-прагматик аспектда текшириш учун муҳим эмпирик асос бўлиб хизмат қилади.

Товушларнинг нутқ жараёнидаги ўзгаришлари имло ва талаффуз, яъни тил имкониятларидан фойдаланиш амалиёти билан бевосита боғлиқ ҳодисадир. Тил эгаларининг нутқ маданиятини такомиллаштириш ушбу тил ҳодисасининг қай даражада тадқиқ этилганлиги ва тегишли таълимий тивсиялар ишлаб чиқилганлиги билан ҳам боғлиқ. Ўзбек тилшунослигида бу борада айрим тадқиқотлар олиб борилган ва мавжуд умумий, юзаки хулосалар дарсликлардан дарсликларга кўчиб юрибди. Профессор Мирозиз Миртожиев эса ушбу тадқиқотида ўзбек тилидаги товуш ўзгаришларини ҳам экспериментал метод асосида ўрганиб, бу борада аънаналашиб қолган қарашларга ойдинлик киритди. Ҳар бир товуш ўзгаришини келтириб чиқарувчи лисоний ва нолисоний омилларни теран таҳлил қилди.

Монографияни ўзбек миллий фонетик таълимотига қўшилган муносиб ҳисса сифатида баҳолаш мумкин. Тадқиқот соҳадаги мавжуд манбалар билан бемалол беллаша олади. Унда илгари сурилган фикр ва гонлар, статистик маълумот ва экспериментал далиллар мутахассисларни банд-мунозараларга чорлаши эса табиий. Ҳолбуки, илмий толерантлик ана шундай фикрлар хилма-хиллиги шароитида қарор топади ва ривожланади.

Н. ЖАББОРОВ, ТошДўТАУ

ТИЛШУНОС ОЛИМНИНГ ТАБЪИ НАЗМИ

Адабиётимиз тарихида бир хил таҳаллусда ижод қилган шоирлар кўп. Уларнинг барчаси ҳам ўз иқтидорига, ижодий салоҳиятига кўра миллий шеърятимиз ривожига муайян ҳисса қўша олган. Жумладан, утган XX асрда Табибий таҳаллусли икки шоир қизгин ижод билан шугуллангани кузатилади. Улардан бири Хоразм, иккинчиси Тошкент

адабий муҳити намояндаси бўлиб, ҳар иккиси соҳиби девон шоирлардир. Табибий Хоразмий Ҳиздан беш назмий девон қолдирган: “Тухфату-с-султон”, “Мунису-л-ушшоқ”, “Ҳайрату-л-ошиқин”, “Миръоту-л-ишқ” ҳамда “Маъжару-л-иштиёқ”. Дастлабки уч девон ўзбек, кейинги иккиси форс-тожик тилида. Табибий Тошкандий эса бизнинг замондошимиз. У XXI а шоири ҳамдир. Назмий девони мутолааси шоирнинг юқори интеллектуал-ижодий салоҳият эгаси эканини кўрсатади.

Табибий Тошкандий машҳур тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиевдир. Камтарликлари сабабли домла истеъдодининг бу қиррасини илм ва ижод аҳлидан сир тутиб келган. Ижодкор салафи девонларидан фаркли ўлароқ Табибий Тошкандий девони крилл-ўзбек алифбоси асосида тартиб берилган. Мумтоз шеърятимизнинг газал, мустазод, қасида, таржиъбанд, маснавий, мураббаъ, мухаммас, китъа, рубоий, туюқ, фард сингари ўн бир жанрида қалам тебратгани, назмий асарларида машҳур “билимлар учлиги” – аруз, қофия ва бедий санъатлар уйғунлигига эриша олгани, фалсафий тафаккурининг теранлиги шоирнинг ижод олами ҳақидаги тасаввуримизни ойдинлаштиради.

Шоир шеърларининг мавзу кўлами кенг. Эрк ва озодлик, ишқ-муҳаббат, илму ирфон, одам ва олам моҳияти, Ватан тақдири, она халқ қисмати, пейзаж тасвири... Қай бир мавзуда ижод қилмасин, Табибийнинг теран фикр ва гўзал бадийат уйғунлигига интилгани, интеллектуал даражаси юқори бўлган ўқувчи бадий дидини эътиборга олгани яққол сезилиб туради. Эътироф этиш керак, қайси мавзуда ёзмасин, туйғу ифодасидаги самимият унинг шеърларини нурлантириб туради.

Шоирнинг истиқлолгача бўлган даврда ёзилган шеърларида эрк ва озодлик мавзуси етакчи ўрин тугганини таъкидлаш керак. Табиатан ватанпарвар, миллатпарвар бўлмаган одамдан чинакам ижодкор етишмоғи маҳол. Ҳақиқий шоир ёки адиб эл-юрт дарди билан нафас олади. Унинг орзу-идеаллари, бугун ва келажак ҳақидаги ўй-хаёллари Ватан ва миллат тақдири билан чамбарчас боғлиқ кечади. Асарлари мутолааси ўқувчи дилидаги занглари кетказди, шуурлардаги зулматни ёритади, кўнгилларда ёруғ орзуларга интилиш ҳиссини пайдо қилади. Ана шу фазилатлар Табибий ғазалиётининг асосини ташкил этади дейилса, муболага бўлмас. Зеро, ижодкорнинг ушбу таҳаллусни танлаши фақат маълум муддат тиббий таълим муассасасида таълим олгани билангина боғлиқ эмас, бунинг теран фалсафий маъноси ҳам бор. Табибий миллат дардини ўз дарди деб билди. Бу дардни муолажа этмоқ орзуси уни бир нафас бўлсин тарк этмади. Ана шу асослар ҳам ушбу таҳаллусни танлашига сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Она тилимизнинг қўлланиш доираси кескин торайган, ривожланиш имкониятлари қатъиян чекланган, “буюқ оға”нинг тилида сўзлаш фазилат саналган ўтган асрнинг 70-йилларида бундан қагитқ изтироб чеккан шоир дардли кечинмаларини мана бу тарзда ифодалаган эди:

Тилингни кўй, ўрус сўзинда сўзлашсанг, билимдонсан,
Тилинг қадрини кетказган ғанимнинг кутқуси қайда?!
Олиб эркингни душманлар, юритмиш амрини юз йил,
Унинг амрига бўйсунган ниятнинг эзгуси қайда?!
Оёқ остида топталди бу ўзбек мулки-дунёси,
Зимистон ичра қолган эрк учун эл ёғдуси қайда?!

Бир юз ўттиз йиллик истибоддод замонида нафақат она тилимиз, балки буюк тарихга эга она халқимиз чексиз жабр кўрди. Ватан таназзул гирдобига ғарқ қилинди, миллат истибоддод зулми остида эзилишга маҳкум этилди. Табиийки, тафаккур эгаларининг, ижод аҳлининг бу ҳолга бефарқ қарши имконсиз эди. Табибий мустабид тузум ноҳақликларидан изтироб чекди. Не-не меҳнату захматлар ичра яратилган мевали боғлар кесилиб, ўрнига пахта экилиши, она халқининг ғурури қадди ҳақсизлигу машпаққатлардан эгилиши унинг дарду хасратини юз чандон зиёда қилди. Шоирнинг қаламини юрак қонига ботириб ёзган мана бу мисралари ана шу шадоматнинг ифодаси ўлароқ яратилган:

Ёв захри тўлиқ шаробим ичра,
Дил хасрати бор рубобим ичра.
Найлайки қарам бўлиб ўрусга,
Эл доди битик китобим ичра...
Боғим кесилиб, тийилди нафсим,
Пахта экилур харобим ичра.
Тун-кун юмушин этиб тинимсиз,
Халқим таланур ҳисобим ичра.

Ҳазажи мусалдаси аҳраби мақбузи мақсур вазни шоир изтироблари тинқишида таъсирчанликни таъминлаган. Ғазал мазмуни ўқувчи шуурига тикиб қиради. Унинг қалбида истибоддодга нафрат, она халқимизнинг ўша келардаги оғир аҳволига нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотади.

“Чиқиб” радифли ғазал эрк ва озодлик ғояси таъсирчан ифодалангани билан алоҳида ажралиб туради. Шўролар сиёсатининг ақлга номувофиқ, ҳаёт мантиғига зид тарафларидан бири оқилу донолар сояда қолиб, маддоҳларнинг эътибор топиши бўлганини шоир изтироб билан билиди. Аҳли фан ночор, фозилу аллома четда қолгани, фунун кадр топмагани, ҳикмату ўгитли сўзлар олқинди ҳолига тушгани ҳақидаги дордли сатрлар замирида истиқлол орзуси ифодаланади. “Эй Табибий, ҳақ кўмилган тун зимистони аро”, деб ёзар экан, шоир ёруғ истиқбол тонги отишидан умид қилади.

Девонда “Ўзбегим” радифли икки ғазал бор. Биринчиси – мустақилликкача бўлган даврда она халқимиз бошига ёққан маломатлар, дарду кулфатлар ҳақида. Унда шоир бутун бошли собиқ иттифокнинг уст-бошини зиммасига олиб, эртаю-кеч меҳнату захмат остида эзилган халқининг дарду аламларини шеърга солади. “Чанг ютиб, тупроқ ялаган”,

бунинг устига “боқиманда” дея ном олган миллати учун куйинади, изтироб чекади.

“Ўзбегим” радифли иккинчи ғазалида эса шоир мустақиллик ва у берган кенг имкониятларни васф этади. Алам ва изтироб ўрнини шукрона ҳисси, сурур туйғуси эгаллайди. Ана шундай кечинмалар ўзига хос бадиий талқин этилган ғазалда шоир, жумладан, бундай ёзади:

Шукрим, озод бўлдик, чиққач Ислом, ўзбегим,
Бўйнидин соқит этибдир иткитиб дом ўзбегим...
Фан-фунун, маънавият, таълимга айлаб эътибор,
Шуки олам саҳнида тикламиш ном ўзбегим.

Умунан, эрк ва озодлик, истиклол ва истиқбол мавзуидаги шеърларида Табибий ватанпарвар, миллатпарвар ижодкор сифатида намоён бўлади.

Ишқ-муҳаббат – ўзбек адабиётининг азалий ва абадий мавзуси. Шоир бу мавзудаги шеърларида буюк салафлари йўлидан бориш баробарида ўзига хосликка интилади. Фикрга бадиий либос кийдириш, бунда мумтоз назмий санъатлардан маҳорат билан фойдаланиш – девондаги ишқ мавзусидаги шеърларни асосан ана шу фазилат бирлаштириб туради. Жумладан, мана бу байтда шоир хусни таълил санъатини қўллаш орқали севикли ёр жамолини жозибали тасвирлашга эришади:

Жамолин мактабон турганда наргислар, қизил гуллар,
Ўзингдин парда олгач, хўб хуснунг кўп ўсал қилди.

Яъни махбуба шунчалар гўзалки, у юзидан пардани олгач, ўз жамолларини мактаб турган наргислар, қизил гуллар ҳуснда унга тенг кела олмаслигини билиб, ўсал бўлмоққа маҳкум. Бу байт мумтоз назмий анъаналар муносиб давом эттирилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Образли тафаккур, образли тасвир шеърни шеър қилувчи асосий омиллардир. Табибийнинг ишқий мавзудаги шеърларида кўхна образларга янги руҳ бағишлангани кузатилади. Қуйидаги сатрларда ифодаланган образ, биринчидан, оҳорли экани, иккинчидан, ёрқин манзарани – сутдек оқшом қўйнида ёғду сочаётган ой ва унинг нурига маҳлиё бўлиб ўтирган оху – ёр тимсолини ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён этгани билан алоҳида ажралиб туради:

Сутдек оқшом – бу кеча, ой сочадур ёғду ҳануз,
Маҳлиёдур нурига, ўлтургуси оху ҳануз.
Ё хаёлга берилиб бир нуқтада қотган нигоҳ,
Қайдадир эргаштириб юрганмикан туйғу ҳануз.

Ўқоридаги байтларда ташбеҳ (сутдек оқшом), истиора (оху) санъатлари фикрнинг гўзал бадиий шаклда образли ифодаланишини таъминлаган.

Табибийнинг ишқий лирикасида фикрни далиллашда табиат ҳодисаларидан, табиат қонуниятларидан ўринли фойдаланилган байтлар

шеърятни ташкил этади. Жумладан, “Боқмагай” радифли ғазалдан олинган мана бу байтда астрономик ҳодиса – ойнинг нури куёшдан олинши мисолида ошиқ кечинмаларининг самимий тасвири кузатилади:

Офтоб нурини эммай чақнамас ойнинг юзи,

Қалб аро тундир, табассум сеҳри-ла ёр боқмагай.

Соф лирик туйғунинг пейзаж тасвири орқали бетакрор бадий таъкил этилиши шоир маҳоратини кўрсатувчи муҳим хусусиятдир. Табибий шеърларида она заминнинг гўзал табиати, беқиёс наботот ва ҳимодот дунёси тасвири алоҳида ўрин тутди. Шоир пейзаж тасвири таъмирига ҳам олам ва одам ҳақидаги фалсафий фикрларини маҳорат билан жойлаб юборди. Бу эса, ўз навбатида, шеърнинг бадий-эстетик қимматини оширади. Ҳажажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Ҳай-ҳай капалак! Гул уза сен ноз ила ўйна!

Шўхлик ярашар чоғида боз-боз ила ўйна!

Ҳар бир қанотинг шоҳи-ю атлас каби кўркем,

Кўрк этгали кўз-кўз жуда пардоз ила ўйна!

Куйидаги ғазалда тасвирланган табиат тасвири ҳам ўқувчи қалбда лирик туйғу уйғотади. Образнинг ғазалхон кўз ўнгиди намоён бўла боладиган даражада ёркин, бадий тасвирнинг таъсирчан бўлишига эришилди, теран мазмун ва гўзал поэтик шакл мутаносиблигини таъминлаш Табибий шеърятининг ўзига хослиги ана шу фазилатларни ўзида муҳассам этганида, дейиш мумкин.

Шоир мазмун ва шакл, оҳанг ва моҳият уйғунлигига алоҳида эътибор қаратади. Бу хусусиятлар табиат лирикасининг нафис намуналари яратилишига сабаб бўлганини таъкидлаш керак. Табиат тасвири ва лирик туйғу ижиб мутаносиблик касб этгани учун ҳам ижодкорнинг мана бу ёнтарлари кўшиқ бўлиб туғилган:

Кўк гиламин ёйди баҳор, яли-яли,

Қўйнида гул-гулшани бор, яли-яли.

Қир далалар лола билан лол эрур,

Хусну латофат анга ёр, яли-яли.

Кўҳна Шарқ шеърятинида шоирнинг табиат тасвири таъмирига жамаият ҳолатларига бўлган нуктаи назарини, муносабатини сингдириб юбориши ўзини хос бадий усул даражасига кўтарилган. Камдан-кам ижодкорларда бўлса ҳам, лирик асарда соф пейзаж тасвирини бера туриб, фикр ўзанини бирданига ижтимоий воқелик талқинига буриш, поэтик хулосани шу воқеда чиқариш ҳоллари ҳам учрайди. Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий ва Фурқат ғазалларида худди шу бадий усул кузатилади. Табибий шеърларида ҳам айни ижодий анъана муваффақият билан давом эттирилган. Жумладан, шоирнинг “Қушча” радифли ғазали бунинг ёркин мисолидир. Ғазал куйидаги сатрлар билан бошланади:

Бир шохда турар эрди яшнаб чиройи кушча,
Кўркамлиги ўшандок бўлсин киройи кушча.
Не турли ранг қаноти, нур бирла ўйнашур ул,
Силлиқкина ярақлар пар эрса шойи кушча.

Ҳазал давомида қушчанинг латиф гўзаллиги кўзларни мафтун этиб, ақлни олиши таърифланади. Одамлардан фарқли ўлароқ, унинг тайинли жойи бўлмаслиги, унинг нур шуъласи янглиғ тутқич бермаслиги хусусида сўз боради. Қушча ҳаётининг мазмуни – бог гашти. Шунинг учун шоир унинг парвози безаво бўлишини тилайди. Бироқ ҳаёт қонуниятлари шундай: кимлардир бөр гаштидан кечиб, қушчани тутмоқ илинжида юради. Қушча ҳақидаги бадиий тасвирни шоир жамият ҳаёти, инсон озодлиги ва эрки масалалари талқинига буради. Ҳазал мақтабдаги мана бу хулоса ушбу фикрни тасдиқлайди:

Кеч сенга ов ҳаёли, эй нотавон Табибий,
Хур-эркини бериб бой қандай анойи қушча.

Мазкур усул, одатда ижодкор бадиий-эстетик идеалини ўзида мужассам этгани, унинг орзу-армонлари назмий талқин этилгани билан алоҳида қимматга эга. Адабиётимизнинг кўп асрлик тарихи шундан дарак беради. Табибийнинг “Бўлғаймикан” радифли ғазали ҳам табиат тасвири замирида жамият воқелиги, шоир идеаллари поэтик ифодалангани жиҳатидан аҳамиятлидир. Ҳазал матлаъи қуйидагича:

Ойдин оқшом ойга боқмасдан илож бўлғаймикан,
Билмадим, не сирри бу, ҳиссимга тож бўлғаймикан?

Ҳар бир байтни, ҳар бир мисрани бадиий санъатлар билан музайян эта олгани ижодкорнинг катта ютуғи. Ойга тўлган юз, нур ёғар кулгу сифатини бериш – ташхис санъати. Кечани рухсори тўлган бўй етган қизга ўхшатиш - бундай ташбеҳ бошқа бирор шоир ижодида учрамайди. Ошиқнинг унга бўса орқали бож тўлашга тайёрлиги – дастлабки мисра билан биргаликда хусни таълилнинг оҳорли намунаси бўла олади. Ҳазал мақтабда яна бадиий тасвир замирига ижтимоий воқеликка ижодкор муносабати сингдириб юборилгани кузатилади:

Эй Табибий, ҳўп тўниб хуснин тамошо қил фақат,
Бундан ўзга ойда сен деб эҳтиёж бўлғаймикан?

Юқоридаги ғазаллар таҳлили шундан далолат берадики, Табибий мумтоз шоирларимизнинг ғазалнависликдаги тажрибаларини пухта ўрганиш баробарида, буюк салафлари анъаналарига ижодий ёндашишга интилган. Улар қўллаган бадиий усулларни янги замон шароитида ривожлантиришга ҳаракат қилган.

Шоир Табибий ўз қаламини ҳазрат Алишер Навоий “майдони восий” деб атаган маснавийда ҳам, мустазод, қасида, мухаммас, мураббаъ, қитъа, туюқ, рубоий, фард каби жанрларда ҳам синаб кўрди. Қайси бир жанрда ижод қилмасин, теран мазмун ва гўзал поэтик шакл уйғунлигига эришиш шоир ижодининг асосий мақсади бўлди, дейиш мумкин.

Шеърятимиз тарихида қасидалар аксар ҳолларда подшоҳларга бағишланган. Бу жанр намуналари орасида, шунингдек, ўзи мансуб Ватан ва миллат шайнига битилган қасидалар ҳам бор. Ўзбекистон Қасрида, халқ шоирлари Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидалари ушбу жанрнинг энг юксак намуналаридир. Бироқ ўзбек шеърятининг минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига олган тарихида онага қасида битиш ҳодисаси учрамайди. Табибий донишмандларга кирган ягона қасида айнан шу мўътабар сиймога бағишлангани билан шлоҳида аҳамиятга эга.

Қасидада ҳаёт бўстонида саксонга рафтор қилган, гул қўли, бол тили билан ўз жуфти ҳалолюю зурриёдларига чексиз меҳрини намоён этган мухторим зот – она юксак пафос билан васф этилади. Шоир табири билан айтади, оқибат тожини боши узра баланд тутган муштипар она ҳаётнинг нече синовларига дош бермаган дейсиз. Халқ бошига оғир кунлар тувишига сабаб бўлган уруш онаизор қисматида ҳам машъум из қолдириди: ҳаётдаги суянчиги – турмуш ўртоғидан айрилиқ азобини торттишга маҳкум этилди. Қарийб ярим асрлик айрилиқ йилларида не бир қасоматларга дош беришига, фиску фужурлардан баландроқда юриш учун не бир изтироблар торттишга тўғри келмади дейсиз. Оғир синовларга сабр ва сабот билан жавоб берган муштипар она ўша мураккаб ва зиддиятли шайларда ҳам фарзандларининг илмли, маърифатли бўлиши учун бор куч-қайригини сафарбар этди. Уларга “олиму фозил бўл” дея ўғит берди. Охири-оқибат орзулари ушалди. Қизи инженер, ўғли фан дарғаси даражасига эришганини кўриб, кўзлари қувонди. Ўн бир набира, ўн абирага буви бўлиб, чеккан меҳнату заҳматларини унутди. Эл-юрт орасида юксак обрў-табибор қозонди. Ушбу қасида фақат биографик аҳамиятгагина эга эмас. У қасида жанрига қўйиладиган бадий талабларга ҳам тўлиқ жавоб беради. Ушбу ҳаётий ҳақиқат ташбеҳлару истиоралар, туйғу ва пафос уйғунлигида бадий ҳақиқатга айлантирилган.

Шайх Аҳмад Тарозий “Фунуну-л-балоға”да қитъанинг аввалги мисраси одатда қофияланмаслиги, ҳажми “ақалли икки байт” бўлиши, “қитъанинг ҳам аксари муқаррар эрмаслиги, ҳар нечаким, қофия тобсалар” айтилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бироқ мумтоз шоирларимиз ижоди туркий шеърят назарий-қиссининг қитъа ҳақидаги бу назарий қарашлари ўн қармас ҳақиқат эмаслигини, ислоҳ этилиши мумкинлигини тасдиқлайди. Оғаҳий ижодида ягона байтдан иборат қитъа учраши бунинг исботидир. Табибий қитъаларининг эса барчаси бу жанрнинг Шайх Аҳмад Тарозий айтган энг кичик ҳажмига тўғри келади – икки байтдан таркиб топган. Бироқ улар мазмунан теран, бадий жиҳатдан талаб даражасида. Қуйидаги қитъа таҳлили ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

Асли нодон-чун бериб ён, ҳоким айлаб қўймагин,
Қайтмагай донога, билки, панд беришининг қасидан.

Бир куни келгач ўзингга навбати, оҳ чекмагин,
Сопни бергач болтага, оғоч кесилмиш остидан.

Ушбу қитъада тазод ва ирсоли масал санъатлари маҳорат билан қўлланган. Дастлабки икки сатрда нодон ва доно антонимлари ҳосил қилган зиддият (тазод) фикрнинг поэтик таъсирчанлигини оширган. Нодоннинг донолар устидан ҳоким бўлиши — таназул аломати. Зеро, нодоннинг асосий муддаоси — донога панд бермоқдир. Бу ходисага дарахтни кесган болтанинг сопи ўзидан чиқиши ҳақидаги халқона нақл (ирсоли масал) асосида поэтик хулоса чиқарилиши қитъа бадииятининг мукамаллигини таъминлаган. Натижада, бу икки бадиий санъат воситасида ҳаётий ҳақиқат бетақрор назмий талқин этилган.

Шоир туюқ жанрида, айниқса, самарали ижод қилди. Девонга 130 га яқин туюқ намуналари киритилгани ҳам бунинг исботидир. Адабиётимиз тарихида ҳеч бир шоир ижодида бунчалик кўп туюқ учрамайди. Табибий туюқлари турли мавзуларга бағишланган. Жумладан, мана бу туюқда инсон ва унинг моҳияти, яралмишлар афзали бўлган одамзод зиммасидаги масъулият ҳақидаги фалсафий қарашлари гўзал поэтик талқин этилган:

Эй юрак, бўлгин ҳамиша ўт юрак,
Эзгу ниятлар кечиш-чун ўт юрак!
Бу мурод сенданки ҳосил ўлмаса,
Ҳайф номинг, бу жаҳондан ўт, юрак.

Тилишунос бўлгани учунми, Табибий сўз ўйинларига алоҳида эътибор қаратади. Сўзни бамисоли сеҳргар каби ўз измига бўйсундиради. Қуйидаги туюқ сўз ўйинининг ёрқин намунаси. Туюқда беш марта такрорланган “ёраман” сўзи тилимизнинг ифода имконияти нечоғлик кенг эканини кўрсатиши жиҳатидан қимматлидир:

Ёраман, ҳай ёраман, вой ёраман,
Ёр ҳажри бирла кўнгли ёраман.
Васлини бизга насиб этса дебон,
Эшигин турмида бошни ёраман.

Бундан ташқари, шоир “Ёқадир” ҳамда “Чақадир дод” радифлари билан иккита туюқ-ғазал ва “Боқиманда”, “Хордир” сўзлари асосида иккита туюқ-фард ҳам ижод қилган. Бу ҳол унинг мумтоз назмий анъаналарни муносиб давом эттириш баробарида ўзига хос ижодий тажрибаларга ҳам дадил қўл урганидан далолат беради.

Табибий — олимлик ва шоирликни қисмат деб билган, илмда ҳам, шеърятда ҳам юқори мавқега кўтарила олган ижодкор. “Шубҳасиз” радифли ғазалида у умрининг қаймоғини фунун йўлида сарфлаганини, илм шайдолари ичида ном қолдира олганини фахрия усулида ифода этади. Мазкур ғазалда, жумладан, яна шундай мисраларни ўқиймиз:

Ҳар йигит-қизни етаклаб маърифатга бошладим,
Эътиқоднинг қадри деб, устод бўлдим, шубҳасиз.

Олим ва шоир Табибий илмий изланишлари орқали миллий тилшунослигимиз муаммоларини муолажа қилган, унинг тараққий этиши йўлида самарали меҳнат қилган, эътирофга лойиқ йирик тадқиқотлар қилган бўлса, шеърияти орқали занг босган ақлларни чархлашга, кўнгил шароҳларига малҳам қўйишга интилди. Миллатнинг ана шундай мунаввар шаймоси, ватанпарвар зиёли билан замондош эканимиз, унинг нурли сабақларидан, маърифий суҳбатларидан баҳраманд бўлаётганимиз бизнинг бахтимиздир. Бинобарин, устоз олим ва маърифатпарвар ижодқордан илм ва инъисини тенгсиз жавохирлар билан бойитадиган янги тадқиқотлар, яна бундан оҳорли бадиият намуналарини кутишга ҳақлимиз.

Ш. ИСКАНДАРОВА, Д. ҒАНИЕВА, ФарДУ

ПОЛИСЕМИЯ ВА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИК МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ ТАЛҚИНИДА

Ўзининг узоқ йиллик илмий-ижодий фаолиятини туркийшунослик, хусусан, миллий тилшунослигимизнинг равнақига бағишлаб келаётган табиридаст олим, фангизнинг етук дарғаларидан бири, филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиев кутлуг 90 ёшга тўлдилар. Домла тилшуносликнинг фонетика, лексикология, морфология, синтаксис сингери қатор соҳаларида тинимсиз изланиш олиб бораётган, ўнлаб монография, дарслик ва қўлланмалари, юзлаб мақолалари билан илмий ишбуотда фаол қатнашаётган йирик олим, меҳрибон устоз сифатида жуда катта обрўга эга. Хусусан, олимнинг лексикография, семасиология борасидаги қарашлари ўзбек тилшунослигини янги босқичга олиб чиқди. "Ўзбек тили семасиологияси" (- Тошкент: Мумтоз сўз, 2010) китобидаги биринчи полисемия ва полифункционаллик борасидаги қарашларининг ўзбек фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбек тилшунослигида профессор М. Миртожиев илк бора полисемия билан полифункционалликни фарқлашга ҳаракаат қилади. Олим "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да берилган *баркаш* сўзининг иккита маъносининг изоҳига асосланган ҳолда фикрини далиллайди. Изоҳли луғатда бу сўз қуйидагича изоҳланади:

1. Жез ёки мисдан тайёрланадиган ва патнис ўрнида ишлатиладиган доира ёки тўртбурчак шаклидаги рўзғор буюми.

2. *Кўчма*. Тўғарак, гардиш, юмалок, доирасимон. *Қип-қизил баркаш қўйди...*¹

М. Миртожиевнинг фикрича, иккинчи тартиб рақамда *кўчма* (ҳосила) маъно берилган эмас. У биринчи тартиб рақамида берилган лексик маънонинг адъективациясидир. Бу ўринда лексик маъно референти ўз

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - Б. 169.

белгиси билан воқеланган. Шунинг учун ҳам *баркаш* сўзи полисемантик деб эмас, полифункционал деб қаралиши керак.¹

Муаллиф полисемантикликни полифункционалликдан фарқлашда давом этиб, яна қуйидагиларни ёзади: “Шунга ўхшаш яна *чўлоқ* сўзи сифат бўлгани ҳолда, оқсайдиган лексик маъносига эга. Шу сўз билан шундай айбга эга шахс аталадиган бўлса, сифат субстантивацияга учраган, яъни белгиси номи билан нарса аталган бўлади – полифункционал сўз қайд этилади. *Яхши нотик* *яхши гапирди* гапида *яхши* сифати ҳам ўз вазифасида қўлланган, ҳам равиш вазифасини олган, адвербиализация содир бўлган, полифункционал сўз юзага келган. Яна шуни айтиш керакки, феълларнинг кўмакчи маъноси ҳам полисемантик сўз таркибини ташкил қилмайди. Аксинча, у грамматик вазифа бажаради. Шунга кўра, айтиш мумкинки, у ҳам полифункционаллик учун восита бўлади”.² Кўриниб турибдики, олим полисемантиклик билан полифункционалликни ёндош ҳодисалар сирасига киритгани ҳолда, улар ўртасидаги дифференциал белги сифатида ҳар икки ҳодиса таркибидаги маъноларни (семаларни) лексик маъно таркибига кириш-кирмаслиги асосида белгилайди. Лексик маъно таркибига кирса – полисемия, кирмаса – полифункционаллик ҳисоблайди. Кўчимлар полисемияни ҳосил қилувчи воситалар бўлса, бир туркумдан иккинчи туркумга ўтиш (субстантивация, вербалзация, адъективация, прономинализация, адвербиализация кабилар) полифункционалликни ҳосил қилувчи воситалар саналади. Бунни янада очикроқ қилиб қуйидагиларни ёзади: “Полисемантик сўз таркиб топиши учун унинг таркибида бирдан ортик лексик маъно бўлгани ҳолда, уларнинг ҳаммаси ҳам бир туркумга мансуб бўлиши шарт”³.

Демак, полисемантиклик билан полифункционаллик ўртасидаги иккинчи дифференциал белги сифатида гомогенлик ва гетерогенлик белгиси олинади. Полисемиклик биринчи - гомогенлик белгисига, полифункционаллик эса иккинчи - гетерогенлик белгисига эга. Шунингдек, профессор М.Миртожиев мазкур китобида полисемия билан қориштириб юбориладиган ҳодисалар сирасига конверсия, омонимия ва фраза сингариларни киритади. У қатор тилшуносларнинг фикрларига суянган ҳолда, полисемияни маълум бир сўзнинг бир неча лексик маъноларга эга бўлиши ҳодисаси эканлигини, конверсия эса маълум бир сўзнинг ҳеч қандай аффикс олмаган ҳолда бошқа сўз туркуми вазифаси билан кела олиши эканлигини асосли равишда таъкидлайди⁴.

Муаллиф ушбу фикрларни давом эттириб: “Полисемия лексик маъноларнинг ҳосил бўлиши натижасидир. Лексик маънолар эса маъно кўчиши йўли билан ҳам ҳосил бўлади. Мана шу кўчма маъно ҳосил

¹ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 162.

² Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 162.

³ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 162.

⁴ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 15.

бунишнинг баъзи томонлари эса конверсиянинг баъзи томонларига ўхшаб кетади»,¹ - деб ёзади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, М.Миртожиев полисемантикликни лексеманинг семантик тузилиши доирасида, полифункционалликни эса лингвистик бирликларнинг шакл ва мазмун аспектидаги вазифалари асосида изоҳлайди. Устоз томонидан полифункционалликнинг полисемантикликдан фарқланиши, улар ўртасида шунинг дифференциал белгининг ажратилишини тилшунослик тараққиётига қўшилган янгилик сифатида алоҳида таъкидлаш зарур.

Толмас олим, самимий ва меҳрибон инсон Миразиз Миртожиевга мустаҳкам саломатлик, янада узоқ умр тилаймиз. Устозга узоқ йиллар шимоида шогирдлар, фарзандлар, набиралар камолини қўриш насиб этсин!

3. ХОЛМАНОВА, ТошДУТАВ

СЎЗ СЕМАНТИКАСИ БИЛИМДОНИ

Таъкидли ўзбек олими, машҳур тилшунос, самимий инсон, бир қатор шогирдлар, соҳа олимларини камол топтирган инсон Миразиз Миртожиев 90 ёшга тўлдилар.

Профессор Миразиз Миртожиевнинг умри ниҳоятда сермазмун. Устоз биринчи навбатда моҳир педагог ҳисобланадилар. Қўп йиллик меҳнатлари талабаларга билим беришга, ҳозирги ўзбек тили асосларини, фонетик, лексик, грамматик тамойилларини ёритишга сарфланди. Фан мавзуларини ҳаётий материал асосида, бошқа соҳаларга ёндашган ҳолда талабаларга сингдириш устоз педагогик маҳоратининг алоҳида жириларидан биридир. М.Миртожиев фонетикага оид масалалар, товушлар таснифи, нутқ аъзолари, нутқ аппарати ҳақида билим берар эканлар, мавзунинг бевосита анатомия, физиология, акустика соҳаларига боғлиқ тушунтирар эдилар. Устознинг қизғин, баҳс-мунозараларга бой дилларини давомиди талабалар овоз пайчаларининг жойлашиш ўрни, товуш қилиш механизми борасида муҳим маълумотларга эга бўлардилар. Фонетика бўлими мавзуларини ёритишда устознинг муайян даражада анатомик билимга эга эканликлари, шифокор бўлиш орзуси билан боғлиқ тиббий мулоҳазакорликлари намоян бўлар эди. Лексикология масалаларини ёритишда мулоқот жараёнидаги турли вазиятлардан, бадий адабиёт материалларидан фойдаланардилар. Ҳозирги таълим жараёнида долзарб ҳисобланаётган интегратив ёндашув устоз Миразиз Миртожиев фаолиятида XX асрнинг 80-90 йиллариданок ўз ифодасини топган, дейишимиз мумкин.

¹ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент. Фан, 1975. – Б. 15.

Миразиз Миртожиев педагог тайёрлашда ҳам ўзига хос тажрибага эга эдилар. Эндигина талабалик партасидан чиққан ёш ўқитувчиларни аудиторияга қўрқмасдан киришга даъват этардилар, маъруза дарсларини ўтиш учун топшириб қўяр эдилар. Устоз ёш ўқитувчиларни таълим жараёни, дарс ўтиш методикаси, принциплари билан эринмай таништирар эдилар. Хозирда олий таълим боскичида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг маълум қисми профессор Миразиз Миртожиевнинг бевосита таълим-тарбияси остида етук педагог сифатида шаклландилар.

Устоз хозир ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар. Фонетика асослари, шаклланиш тарихи, назарий масалалари, турли тиллардаги ўрганилиш даражасига бағишланган фундаментал тадқиқотлари нафақат таълим жараёнида, балки тадқиқотчилар учун ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу монографиядаги маълумотлар экспериментал фонетикани ривожлантиришга хизмат қилади. Фонетикадан лаборатория машғулотларини олиб боришда, товушлар таснифини, фонетик ҳодисаларни лингафон орқали ўқитишда зарур материал бўла олади.

Миразиз Миртожиев – ўзбек тили билимдони. Шу билан бир қаторда немис тилини мукамал биладилар. Миразиз Миртожиевнинг эътиборли ишларидан яна бири полисемия, семасиологияга доир тадқиқотларидир. Полисемияга доир докторлик диссертациялари, монографиялари (1975) ўзбек тили имкониятларини ёритишга, бадий хусусиятлари, кўчма маънонинг коммуникатив, эмоционал-экспрессив хусусиятларини таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Олим полисемияга доир ишларида лексик маънонинг тушунча билан боғлиқлиги, уларнинг ўзаро муносабатини чуқур ўрганиш лозимлигини эътироф этдилар. Сўзнинг узул ва окказионал маънолари айнан лексик маъно билан тушунча ўртасидаги муносабатлар асосига қурилишини таъкидладилар. Узул маънонинг контекстда реаллашадиган сўз семантик структурасига кирувчи маънолардан бири эканлигини маълум қилдилар.¹

Миразиз Миртожиевнинг ўзбек тили семасиологиясига доир йирик тадқиқотлари миллий тил семасиологиясининг шаклланишига асос бўлди². Устоз ўзбек тили семасиологиясига доир изланишлари давомида сўз семантикаси ҳақидаги тадқиқотларни умумлаштирдилар. *Лексик маъно семантик таркиби* тушунчасининг қўлланиш доираси кенгайишини таъминладилар. Семанинг таърифига аниқлик киритдилар: “...сема семеманинг бўлаги, яъни қисми экан, деган хулосага келмаслик керак. Бунинг учун семеманинг референти ва унинг белгиси билан муносабатига эътибор қаратишга тўғри келади. Ҳеч маҳал референтнинг белгилари унинг бўлаги, яъни қисми бўла олмайди. Масалан, қанд кимё нуктаи назаридан углеводдир. У оқ рангда, мазаси ширин, ўзи кристалл бўлади. Қанд – шу тўртга белгига эга. Бу белгилар унинг қисмлари эмас.

¹ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Тошкент, Фан. 1975. –Б. 68.

² Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. –Б. 288.

Референтнинг белгилари унинг бўлаги, яъни қисми бўлмагандан кейин, ўша референтни ифодалаган семема учун белгиларни ифодалаган сема ҳам бўлмас, яъни қисм ҳисобланмайди. Ҳақиқатда ҳам семема семаси референтнинг идеал узви, яъни белгисини ифода этади”¹.

Профессор Миразиз Миртожиев семаларни семантик майдондаги ҳолатига, сўз семемаси таркибида тутган ўрнига, семема тараққиётига, семемалар синтагматик муносабатига кўра типларини ёритдилар. Сўз семантикасидаги ҳосила маънолар юзага келиши, бунинг сабаблари, ҳосила маъно таснифи: метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик ҳодисаларини янгича нуқтаи назардан таҳлил қилдилар. Ўзбек семасиологиясига доир тадқиқотда лексик маънонинг кенгайиши ва тарайиши, бу жараёнларнинг фақат бир лексик маъно ҳажмида лингвистик сабабга кўра содир бўлиши, лексик маъно ифода этган референтнинг маълум қисмлари дифференция бўлиб, бошқа ном билан алтиши натижасида маъно тарайишининг юз бериши каби масалалар фактик материаллар орқали далилланган. Эвфемизм ва дисфемизм ҳодиселари, реаллашиш омиллари ҳақида илмий мушоҳадалар баён қилинган. Лексик маънонинг тараққиётига кўра типлари, сўзнинг генетик, ҳосила маънолари таҳлил қилинган. Лексик маъноларнинг ўз референтини ифодилаш хусусиятига кўра типлари: номинатив маъно, фигурал маъно; лексик маъноларнинг нутқда ифодаланиш ҳолатига кўра типлари: эркин маъно, боғли маъно хусусиятлари тавсифланган. Лексик маънонинг яшилшига кўра типлари, ўзак маъно, ясама маъно изоҳланган.

Сўз типлари лексик маъноси миқдорига кўра ажратилган. Моносемия, полисемия ва унга ёндаш ҳодисалар, бош маъно, асос маъно, тобе маънолар таҳлил қилинган.

Миразиз Миртожиев ҳозирги ўзбек адабий тилидаги анъанавий воқеаларга ўзига хос тарзда ёндашиб, янгича нуқтаи назардан тавсифладилар. Масалан, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари парадигмасида келтириладиган синонимия, антонимия ҳодисаларини лексик маъноларнинг парадигматик муносабатлари сифатида изоҳладилар. Лексик маъноларнинг ўзаро синтагматик муносабати, унинг лексик-семантик валентлик, воситали семантик валентлик, шакл семантикаси валентлиги, мантиқий-семантик валентлик, амотик валентлик кўринишларини чуқур таҳлил қилдилар.

Миразиз Миртожиев семасиология масалаларини таҳлил қилар эканлар, ҳар бир лексик ҳодиса, семантик жараён борасида тадқиқотларда ишлатилган фикрларга мурожаат қилади, олимларнинг фикр-мулоҳазаларини аниқлаш қилади, муносабатини ифода этади. Бу эса маълумотларнинг ишончлилиги даражасини белгилайди.

¹ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. -Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. -Б. 49-50.

Сўз воқелик, нарса-ходиса белгилари ҳақидаги билимни намоён қилар экан, тилдан фойдаланувчиларнинг дунёқарши, кадриятлари, савияси ҳақида ҳам маълумот беради. Сўзда шахснинг адресатга бўлган модал муносабатлари ўз ифодасини топади. Сўзларнинг шаклланиши, денотатнинг номланиши ўзига хос бир олам бўлиб, унда халқнинг маданий қарашлари, ижтимоий муносабатлари намоён бўлади. Миразиз Миртожиев тушунчанинг умумиллий, лексик маънонинг миллий характерга эга эканлигини кенг диапазонда, турли халқлардан олинган мисоллар негизида асослаб бердилар. Лексема семантикасига доир мулоҳазаларини ўз ва ўзлашган қатлам сўзлари таҳлилида янада ёрқинроқ ифода этдилар. Устознинг ўзбек тили луғат фондидаги туркий сўзлар таҳлилига бағишланган тадқиқотлари лексикология, семасиология доирасида олиб борилган энг муҳим тадқиқотлардан бири саналади.

Умуман, Миразиз Миртожиев сўзнинг ички оламига саёҳат бобида йўлбошчи, етакчи мақомига эга бўлдилар. Сўз семантикаси билан боғлиқ жараёнлар, семантик мундарижа таркиби борасида устозга етадиганлар кўп эмас.

Профессор Миразиз Миртожиев академик билим, кенг дунёқараш чуқур илмий-фалсафий мушоҳада соҳибидирлар. Устоз дилкаш суҳбатдош, самимий инсон ҳамдирлар. Ҳаётий тажриба, фан муаммолари, шогирдлар камоли борасидаги қизгин суҳбатлари ҳар қандай инсонни ўзига жалб қилади.

Ўзбек семасиологиясининг асосчиси, етук олим, сермахсул тилшунос, фан заҳматкаши Миразиз Миртожиевни қутлуғ ёшлари билан муборакбод-этамиз. Илму фан билан машғул бўлиб, куч-ғайратга тўлиб, ёшлар орасида яшариб, Ўзбек тилшунослиги мавқеини юксалтиришга хизмат қиладиган тадқиқотлар яратишларига тилакдошмиз. Юз ёшларнинг юзини кўриш насиб этсин!

С. МУҲАМЕДОВА, ТошДўТАУ

ИБРАТ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Илм-фан улкан бир дарахт, тадқиқотлар уларнинг илдизи... зеро, илдиз қанчалик бақувват бўлса, шунчалик барқ уриб яшнайди, кўп ҳосил беради. Устозларнинг тажрибаларидан, илмий ғояларидан озикланган ёш олимларимиз ҳам улар билан фахрланиши, меҳнатларидан руҳланиши лозим¹”. Айни ҳақиқат. Чунки бу теран мушоҳада кўплаб тилшунос устозларимиз ва уларнинг шогирдалари

¹ Каримов И. Истиклол ва маданият – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. –Б. 56.

дашда айтилгандек, гўё. Зеро, маънавияти, билими, одамийлиги юксак инсонларнинг ҳаёти ёш олимлар учун ибрат мактабидир. Шундай азиз устозлардан бири – филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиевдир. Олимнинг Ўзбек тилшунослиги равнақиға қўшган ҳиссаси, шунинг меросининг кўп кирралиги, яъни илгари сурган фикрларининг илмий мукамаллиги, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан халқимизға катта ҳисса қўлганлиги келтираётганлиги шубҳасиз.

Табарруқ 90 ёшни қаршилаган устоз кўп йиллар давомида ўзбек тилини турли жиҳатлардан илмий тадқиқ қилиб келмоқдалар. Биз ушбу мақоллимизда олимнинг сўнги йилларда нашр қилинган икки йирик асарига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

М.Миртожиевнинг 2008 йилда нашр юзини кўрган “Ғап бўлақларида семантик-синтактик номутаносиблик” номли монографиясида ментал лингвистика (тил билан тафаккурнинг алоқаси ва шунга боғлиқ масалалар), гапнинг актуал бўлиниши (унинг гап бўлақларида семантик-синтактик номутаносибликларни келтириб чиқариши) ва валентлик номутаносиблиги (семантика, валентлик ва гап қолипнинг боғлиқлиги) масалаларининг ўзаро диалектик боғлиқлиги, улар бевосита анъанавий тилшуносликка асосланиши кўрсатиб берилган.

Монография сўз боши, кириш ва 5 бобдан иборат. Биринчи боби мантикий предикатнинг кесим билан номутаносиб келишини ёритишға бағишланган. Шунга кўра мантикий предикатнинг гапда кесим билан номутаносиблиги, яъни унинг эға (Бузоқнинг югуриши самонхонағача), сўндирувчи (Кўрнишидан забардаст йигит эди), ҳол (Кўрганда сунондим), аниқловчи (Бу бизларни ўстирган мактаб) вазифасида келиши ва мантикий предикатнинг содда гапда ифодаланиши (Ишқи борнинг ишқи бор) ўзбек халқ мақоллари ва ҳозирги замон ёзувчилари асарларидаги содда гаплар материалида кўриб чиқилган. Шунингдек, субъектнинг эға билан номутаносиб келиши ҳам батафсил ёритилган. Унда кўрсатилгандек, гап кесими феълларда ифодаланиб, мантикий предикат билан номутаносиб келса, феълдан англашилган субъект тўлдирувчи вазифасида келади.

Устоз нисбат шаклидаги феъл билан ифодаланган мантикий предикат кесим вазифасида қўлланганда субъект ва эға номутаносиблигини ёритишда ҳам изчил фикрларни билдиради. Хусусан, феълнинг ортирма нисбати (Шавкат мени яна ҳам шоширди), феълнинг мажҳул нисбати (Бу масалада кенгашда ҳал қилинади) ва феълнинг биргалик нисбати (Дадамға картошка теришаман) ўз семантикасиға кўра феълдан ишлатилган ҳаракат ёки ҳолат субъектнинг эғадан ташқари бирор бўлаги вазифасида намоён бўлишиға сабаб бўлиши изоҳлаб берилган. Шунингдек, монографияда сифатдош (...рўмолға ўралган бир аёл тушди), равишдош (У уйға бола билан кўришиб кирди) ва ҳаракат номи (Қушларнинг сайраши тилик ҳавода баланд янграйди) шакли билан ифодаланган мантикий

предикат кесим вазифасида қўлланганда субъектнинг тўлдирувчи, аниқловчи каби синтактик вазифаларни бажариб келиши бой фактик материал асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, объект воситасиз тўлдирувчи локалис ўрин холи ва белги аниқловчи ёки тарз холи вазифасида номоён бўлиши шарт эмаслигининг бир қатор экстралингвистик ва интралингвистик сабаблари кўрсатиб берилган. Зеро, мазкур сабаблар гап қурилишининг айрим синтактик қонуниятларидан келиб чиқса, айримлари тилнинг бошқа сатҳлари, фонетиканинг устма ходисалари, морфологик шакллар семантикаси талабаларидан, умуман, нутқ талаби қонуниятларига таянади.

Устознинг “Гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик” номли китоби бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган, ҳам илмий-назарий, ҳам кагга амалий ва кучли лингводидактик аҳамиятга эга монография бўлиб, ундан олий таълим муассасаларида систем-структур, семантик синтаксис, синтактик семантика ва компьютер лингвистикаси кабилардан дарсларни ўтишда унумли фойдаланиш мумкин.

М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси”га (2010) бағишланган монографияси мустақиллик йилларида яратилган биринчи тадқиқот бўлиб, унда семасиологиянинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Устознинг кўп йиллар мобайнида олиб борган илмий изланишлари натижаси саналган мазкур китоб кириш ва етти бобдан иборат. Киришда дунё тилшунослигида семасиологиянинг ўрганилишига бағишланган фикрлар берилган. Лексик маънонинг мантикий-семантик, семантик майдон, синтагматик ва парадигматик муносабат каби йўналишларда тараққий қилиши кенг ёритиб берилган. Дунё семасиологиясидаги назарий қарашлар батафсил тадқиқ этилган. Шуни таъкидлаш зарурки, муайян тил семасиологиясига бағишланган иш фақат немис тилшунослигида мавжуд бўлиб, у беш марта яратилган. Уларнинг ичида Т.Шиппан (“Семасиологияга кириш”) ва М.Филип (“Немис тили семантикаси”)ларнинг монографиялари анча мукамал. Инглиз тилшунослигида Ст.Ульман (“Семантика асослари”), Ж.Леонс (“Семантика”), француз тилшунослигида А.Гремас (“Семантик таркиб”), рус тилшунослигида В.Звегинцев (“Семасиология”), Д.Шмелев (“Рус тили семасиологияси бўйича очерклар”), Л.Новиков (“Рус тили семантикаси”) каби олимлар ҳам семантика, семантик структура каби масалаларга бағишлаб асарлар ёзишган. Аммо бу китобларда семасиологиянинг барча муаммолари қамраб олинган эмас. Ўзбек тилшунослигида М.Ҳакимованинг “Семасиология” ўқув қўлланмаси (2007) эълон қилинган. Бирок семасиологияга оид яхлит, кенг қамровли асар дунё миқёсида яратилмаган. Шу маънода, М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” китобида лексик маъноларнинг ёндош тил бирликларидан фарқи, унинг семантик таркиби, лексик маъно типлари, тараққиёти, лексик маъноларнинг

индодорига кўра типлари, синтагматик ва парадигматик муносабатлари тасвир қилиниши муҳим аҳамият молик.

Биринчи бобда лексик маъноларнинг тушунча, окказионал маънолардан фарқлари, шунингдек, грамматик ва прагматик маъноларга муносабати аниқ фактлар асосида кўрсатиб берилган.

Лексик маъноларининг семантик таркиби ҳақидаги иккинчи бобда лексик маънолар семема деб олиниб, унинг таркиби семалар сифатида кўрсатилган. Семемаларнинг семантик майдондаги ўрни, таркиби ва синтагматик муносабатига кўра типлари атрофлича ёритилган. Бунда семемаларнинг семантик майдондаги ўрнига кўра типларга ажратиш, семеманинг мантиқий бўлакчилигини очиш билан бирга, унинг семемадаги тутган ўрни, семеманинг изоҳчилишидаги қиммати ҳақидаги фактлар мантиқий изчилликда очиб берилган.

Учинчи бобда лексик маъно таракқиёти, ҳосила маъноларининг таркиби келиши, унинг кенгайиши ва торайиши, шунингдек, эвфемизим ва дисфемизмларга кенг тўхтаб ўтилган. Бунда маъно таракқиёти мантик таркиби чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил этилган.

Тўртинчи бобда лексик маъноларнинг типлари илмий таркиқотларнинг энг сўнгги ютуқлари ва хулосаларига таянилган ҳолда бундан нуктаи назар асосида типларга ажратиб берилган. Муаллиф лексик маъносига кўра сўз типларини таҳлил этиб берар экан, уни моносемия ва полисемияга ажратади. Бунда, айниқса полисемияларнинг полифункционалликдан, омонимиядан фарқлиниши бой фактик материаллар асосида чуқур таҳлил қилиб кўрсатиб берилиши эътиборга лойиқ. Шу пайтгача полисемиянинг манбаси деб ҳосила маънонинг юзага келиши кўрсатилар эди, бу асарда эса ҳосила маъно билан биргаликда аффиксация, эвфемизим ва дисфемизмлар ҳам полисемиянинг таркиб таркибида фаол бўлиши очиб берилган. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, тилшуносликда биринчи марта полисемия содда ва мураккаб полисемияга ажратилган. Содда полисемия сўзнинг бир туркум доирасидаги кўп маънолилиги бўлиб, мураккаб полисемия эса сўзларнинг бирдан ортиқ туркумдаги кўп маънолилигидир.

Лексик маъноларнинг парадигматик муносабатига бағишланган бешинчи бобда синонимия, антонимия, корреляция ҳодисаларига тўхтаб ўтилган. Бунда синонимлар абсолют ва семантик синонимларга бўлинган. Семантик синонимлар эса ўзбек тилшунослигида биринчи марта географик синонимлар, эмоционал-экспрессив синонимлар, услубий синонимлар, узви таъкидли синонимлар, ноқоал синонимларга тақсифланиб, уларнинг ҳар бири алоҳида тавсифланган. Антонимлар тақсиф этилар экан, унинг ёндош ҳодисалардан фарқи ҳам кўрсатиб берилган. Бунда антонимларнинг инкордан, бўлишсизлик категориясидан фарқ қиладиган томонлари изчил ёритилган.

Сунги еттинчи бобда барча туркумларга оид сўзларнинг семантик валентлиги дунё тилшунослиги ютуқлари асосида мукамал таҳлил қилиб берилган.

Профессор М.Миртожиевнинг йирик олим бўлишлари билан бирга, буюк устоз ҳамдир. Шогирд танлаш усули, бизнингча, бошқа ҳеч қайси домлада кузатилмайди. Устоз шогирдларни абитуриентлик давриданок танлаб, “кўз остига олиб кўяди”. У талабага айлангач, домла битта суҳбатнинг ўзидаёқ ҳар қандай “ашаддий” адабиётчини тилчига айлантириб юборади. Шундан бўлса керак, университетга машҳур адабиётшунос, танқидчи бўлишни орзу қилиб ўқишга кирган кўплаб талабалар бугунги кунда тилшунослик бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаган. Миразиз ака шогирднинг университетдаги фаолияти билан қизиқибгина қолмасдан, балки шахсий ҳаётида ҳам моддий ва маънавий томондан суянчиқ бўла олади. Домлада юмшоқ табиатлилик, бағрикенглик, олийжаноблик, тангилик ва мардлик хусусиятлари жамланган. Ватанимиздаги барча тилшунос олимлар Миразиз акани ўзига устоз деб билишлари аниқ, чунки уларнинг деярли ҳаммаси домланинг китоблари, дарслик ва ўқув қўлланмаларига суянган ҳолда ўз изланишларини олиб боришмоқда, улардан дарс ўтиш жараёнида фойдаланишмоқда.

Профессор М.Миртожиев фаолиятининг яна бир “олмос” кирраси педогогик маҳоратидир. Устоз аудиторияга кириб келганда, гўёки юзидан нур ёғилиб тургандек бўларди: улар ҳамиша очик чеҳра билан талабалардан олдинроқ “Ассалому алайкум” деб қирарди. Улардаги илмий салобат, салоҳият, дид билан кийиниш (айниқса, ўтган асрнинг алғов-далғов йилларида ҳам бошидан дўппи тушмаганлиги), бирдек сокин овозда маъруза ўқишлари талабаларни ўзига сеҳрлаб оларди. Домланинг бирон марта “шпаргалка” билан дарсга кирганларини кўрмаганмиз, улар маърузани ёддан ўқиб, ниҳоятда зийраклик билан тушунтириб берарди. Айримларимиз маърузани дафтарга ёзиб борардик. Ҳозир шу дафтарни кўриб ҳайратга тушаман. Талабалар мазкур дафтаримга ҳавас билан қарашади ва домланинг маҳоратига қойил қолишади.

Домла ўтган асрнинг 80-90-йилларида амалий машғулот ва махсус семинарларни бугунги кунда кенг оммалашган педагогик технологияларга асосланиб олиб борарди: бизларни гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқ берарди. Ҳар биримизнинг фикримиз билан қизиқиб, ўзига хос тарзда баҳоларди. Устоз ўша даврлардаёқ ҳозирда ўзбек тилшунослигида оммалашган йўналишлар — фонология, систем лексикология, структур синтаксис, лингвофольористика, социоллингвистика, менталингвистика каби соҳалар бўйича курс ишлари, диплом мавзуларини берган. Шубҳасиз, домла бу билан ўз тадқиқотлари ва шогирдларининг изланишлари орқали бугунги тараққий қилган тилшуносликка пойдевор қуйган.

Умуман олганда, ўзбек тилшунослигида ўз мактабини яратган, қўлиб шоғирдлар етиштирган азиз домлам Миразиз Миртожиев фаолиятининг ҳамма қирралари бугунги авлод учун ибрат бўлиши айти шубҳасиздир.

Устоз табаррук 90 ёшга кирдилар. Улар ҳаётий тажриба, ижодий куч — кудратга тўлди. Умрлари зиёда, соғликлари мустаҳкам бўлсин.

Н. ОХУНОВ, ҚДПИ

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ — ЛУҒАТШУНОС

Филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиев ўзбек тилшунослигининг турли йўналишларида, хусусан, лексикология, семасиология, фонетика соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борган филоли, заҳматкаш олимлардан саналади. Устоз томонидан ёзилган ўнга яқин монография, юзлаб мақолалар тилимиз равнақи, тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлиги илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Таъкидлаш лозимки, луғатшунослик тилшуносликнинг алоҳида, маъна соҳаси бўлиб, лексикология билан бевосита алоқадордир. Профессор Миразиз Миртожиев илмий фаолиятининг муайян бир даври, шайхонада луғатшунослик масалалари билан жиддий шуғулланди. 1981 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан тайёрланиб, нашр қилинган “Ўзбек тили лексикологияси” китоби учун лексикография бўлимини ёзди. Тадқиқотда ўзбек луғатчилиги боғлиқ бир қатор назарий ва амалий масалалар кенг ва атрофлича кўриб берилди. Муаллифнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳозир ҳам ўқимиятини йўқотган эмас.

Маълумки, луғатлар ўз моҳиятига кўра энциклопедик ва лингвистик луғатларга бўлинади. Китобда мана шу луғат турларининг ўзаро икки: объекти ва сўзлиги жиҳатидан фарқ қилиши кўрсатиб берилган. Лингвистик луғатларнинг объекти сўзлар эканлиги, уларда лексемаларнинг семантикаси, грамматик хусусиятлари, имлоси, таллиффузи, тарихи, келиб чиқиши, шунингдек, модал, ундов, тақлид бўлиши, юкламалар қайд этилиши; энциклопедик луғатларда сўзларда шифоли топган нарсаси, ҳодисаси, тушунча, терминлар, тарихий воқеа-ҳодисалар, буюк шахслар номлари, географик атамалар жой олиши баён қилинган.

Ўзбек лексикографияси ўз тарихига эга. Луғатлар яратиш халқнинг тарихий қиёти билан бевосита алоқадор ҳолда даврлар оша ривожланиб борган. М.Миртожиев луғатчилигимиз тарихини тўрт даврга бўлиб тадқиқ этди. Биринчи давр XI-XIII асрлар луғатчилигини ўз ичига олишни, бу даврда Кошғарийнинг “Девону луготит турк”, муаллифи номаълум “Алтихўфатуз закияти фил-луғотит туркия” асарлари яратилганлигини

таъкидлаб ўтади. Иккинчи давр луғатчилиги XV асрдан 1862 йилгача бўлган даврни қамраб олишини кўрсатиб, Толе Хирогийнинг “Бадоеул луғат”, тузувчиси номаълум бўлган “Абушқа”, Мирза Меҳдихоннинг “Санглох” ва Фатхалихон Кожарийнинг “Чиғатойча-форсча” луғатларини мисол қилиб келтиради.

1878–1917 йиллар ўзбек луғатчилигининг учинчи даври ҳисобланади. Тадқиқотда бу давр луғатчилигининг намунаси сифатида А.Старчевский, Ш.Ишаев, В.П.Наливкин, М.Наливкина, С.А.Лапин, Н.Смоленский, М.Преобреженский, З.А.Алексеевларнинг луғатлари тилга олинади. Бу луғатларнинг номлари, ҳажми, неча сўздан иборатлиги, нашр этилган йиллари ҳақида маълумот берилади.

Луғатчиликнинг тўртинчи даври 1926 йилдан ҳозиргача бўлган муддатни қамраб олиши билан характерланади. Олимнинг таъкидлашича, бу давр ичида ўзбекча-русча, русча-ўзбекча, имло, изоҳли, талаффуз луғатлари, фан-техниканинг турли тармоқларига оид пахтачилик, ботаник, математик, физик, географик, юридик, педагогик, тилшунослик, адабиётшунослик терминлари луғатлари яратилдики, булар фанимиз ривожланиши учун муҳим омил вазифасини ўтади.

Муаллифнинг ёзишича, ўзбек луғатчилигининг тараққиёти унинг барча луғат типларига эга бўлишини таъминлади. Бу эса, ўз навбатида, луғатчилигимизнинг ҳозирги ҳолати билан тўлароқ танишиш имконини беради. Луғатлар: 1) ҳажми; 2) сўзликнинг берилиш усули; 3) мақсад нуқтаи назаридан таснифланади. Лингвистик луғатлар ҳажм кўра иккига: умумий луғатлар ва махсус луғатларга ажратилади. Луғатшуноснинг қайд этишича, бу икки тип луғат сўзлиги жиҳатидан ўзаро фарқланади. Умумий луғат сўзлиги тил лексикасини барча туркумлари, қатламлар бўйича акс эттиради. Махсус луғатда тилнинг сўз бойлиги муайян мақсаддан келиб чиқиб, чегараланган ҳолда ифодаланади.

Махсус луғатлар уч типга бўлинади: 1) лексик қатламлар луғати; 2) лексик танланган луғат; 3) терминологик луғат. Олим лексик қатламлар луғатига синонимлар, омонимлар, антонимлар, қўшма сўзлар, жуфт сўзлар, табу – эвфемизмлар, фразеологик бирликлар, ўзлашма сўзлардан ташкил топган луғатлар киришини айтиб ўтади. Лексик танланган луғатлар бирор асар, ёдгорлик ёки муаллиф томонидан қўлланган сўзлардан; терминологик луғат муайян фан ёки касбга оид атамалардан иборат бўлишини қайд этади. Лексик қатламлар луғатига А.Ҳожиёвнинг 1700 сўздан иборат 466 синонимик қаторни ўз ичига олган “Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати” (1962), Ш.Раҳматуллаевнинг вариантлари билан 7 минг фразеологик бирликни қамраб олган “Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати” (1965), М.Содиқованинг 5 минг рус фразеологик бирлиги келтирилиб, унинг ўзбекча таржимаси берилган “Русча-ўзбекча фразеологик луғати” (1972) мисол сифатида келтириб ўтилади.

Лексик танланган луғат фақат лингвистика фани учунгина яратилди. М.Миртожиевнинг қайд этишича, С.Е.Маловнинг “Қадимги туркий эзма ёдгорликлари”, Т.М.Мелиоранскийнинг “Култегин номига кўрилган ёдгорлик”, А.К.Боровковнинг “Ўрта Осиё тафсири лексикаси” номли исарларига илова қилинган луғатлари шулар жумласига киради. Бу тил луғатларнинг энг кўзга кўрингани Э.Фозиловнинг “Староузбекский язык. Харезмские памятники XIV века” номли луғати бўлиб, у икки алоқадан иборатдир.

Терминологик луғатлар ўзбек тилида жуда кўплаб яратилган. Ушундан айрим муаллиф ёхуд ҳаммуаллифлар томонидан ёзилиб, чоп этилган турли фанларга алоқадор 30га яқин терминологик луғатлар ҳақида маълумот бериб ўтилган.

Луғат тузилишида сўзликнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Профессор М.Миртожиев бу ҳақда шундай деб ёзади: “Сўзлик луғатнинг мазмунини ташкил қилади. Сўзлик луғат учун танланган сўзлар рўйхати бўлиб, бу рўйхат маълум тартибда берилади. Мана шу сўзликнинг берилиш усули нуктаи назаридан лингвистик луғатлар уч типга бўлинади: 1) алфавит тартибли луғатлар; 2) тематик луғатлар; 3) уяли луғатлар”¹.

Алфавит тартибли луғатларда сўзлар алифбо тартибида берилиши, деярли ўзбекча луғатлар деярли алфавит тартибли луғатлар эканлиги кўрсатилади. Тематик луғатларда сўзлар маълум мавзу – темаларга бўлиб берилиши, бундай луғат А.Тихонов, Н.Хатамов, С.Емельянова, М.Тихоновалар томонидан тузилиб, 1975 йилда нашр этилганлиги, ундаги сўзлар 16 тематик қисмга, чунончи, ер, осмон, табиат ҳодисалари, қазилма бойлиқлар, ўсимликлар, ҳайвонот, паррандалар, бошқа жонли мавжудот, одам, турар жой, инсон эътиқоди олами, жамоат ҳаёти, муҳит, вақт, ёшадор қабиларга ажратилиб номланганлиги қайд қилинади. Уяли луғатларда туб сўз, ундан ясалган сўзлар шу сўз ичида берилиши, масалан, тур туб сўзи турмоқ, турма, турмак, турмакламоқ, турмуш, турум, турумтой, туруш, туршак, турғун, турғунлик каби ясама сўзлар билан бир уяли берилиши эътироф этилади.

Олим лингвистик луғатларни мақсад нуктаи назаридан қуйидаги типларга: 1) таржима луғатлари; 2) изоҳли луғатлар; 3) тарихий луғатлар; 4) этимологик луғатлар; 5) диалектологик луғатлар; 6) қиёсий луғатлар; 7) тере луғатлар; 8) орфографик (имло) луғатлар; 9) орфоэпик луғатлар; 10) морфем луғатлар; 11) частотали луғатларга тасниф этиб ўрганишни тавсия этиши. Булардан таржима луғати узок тарихга эгалиги, уларнинг тарикқиёти бошқа луғатларга асос бўлганлигига диққатни қаратади. Ушунинг икки тилли таржима луғатларининг аҳамияти хусусидаги мана бу фикрлари эътиборимизни ўзига тортади: “Бундай луғатлар икки мақсадни кўзда тутади: 1) она тили бўлмаган тилдаги матнни ўқиб

¹ Миртожиев М. Лексикография // Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981. – Б. 303

тушуниш учун ёрдам бериш мақсадида; 2) она тили бўлмаган тилда гаплашиш учун ёрдам бериш мақсадида. Бу мақсад учун луғат ҳам икки тилда тузилган бўлиши шарт. Агар луғатдан фойдаланувчи она тилидан бошқа тилдаги матнни ўқиб тушуниш учун фойдаланмоқчи бўлса, унда у қарайдиган луғатнинг сўзлиги ўша чет тилда берилиб, она тилига таржима этилади. Бошқа тилда сўзлашмоқчи бўлган киши учун сўзлик она тилида берилиб, у ўрганаётган тилга таржима қилинади”¹.

Тадқиқотда ўзбек луғатчилиги даврида ўзбек ва рус тиллари бўйича “Русча-ўзбекча луғат”лар ҳам бир неча марта нашр этилганлиги таъкидланади. Шунингдек, немис ва ўзбек, ўзбек ва француз, ўзбек ва инглиз тиллари бўйича “Немисча-ўзбекча луғат”, “Ўзбекча-немисча луғат”, “Французча-ўзбекча луғат”, “Инглизча-ўзбекча луғат”, “Ўзбекча-инглизча луғат”лар тузилиб, турли йилларда чоп қилинганлиги зикр қилинган.

Булардан ташқари, изоҳли, тарихий, этимологик, диалектал, имло, талаффуз, терс, қиёсий, морфем, частотали луғатлар ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилган.

Хуллас, профессор Миразиз Миртожиев нафақат лексиколог, семасиолог, шу билан бирга, таниқли луғатшунос олим ҳамдир. Унинг бу борадаги илмий фаолияти ҳар жиҳатдан мақтовга сазовор. Устознинг луғатчиликка оид фикр-мулоҳазалари шу соҳа мутахассислари учун маълум даражада дастуриламал вазифасини ўтайди десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ш.ГАНИЕВА, ФарДУ

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ ОБЪЕКТ ВАЛЕНТЛИГИ ХУСУСИДА

Маълумки, профессор М.Миртожиев ўзбек тилида феъл валентликлари бўйича ўзининг кузатишларини баён қилиш орқали тилшуносликда валентлик назариясини янги материаллар билан тўлдирган йирик олимлардан саналади². Шу билан бирга, устоз ўзбек тилидаги гап бўлақларининг семантик-синтактик номутаносиблиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.³

Валентлик дастлаб лексик бирликларга нисбатан ишлатилган. Кейинги даврларда синтактик бирликларга нисбатан қўлланилмоқда. Боғланувчи элементлардан қайси бири бириктириб олувчи, қайсиниси бирикувчи эканлигига кўра фаол ва нофаол валентликларга бўлинади⁴, бириктириб олиш хусусиятига эга бўлган бирлик валентлиги фаол,

¹ Миртожиев М. Лексикография //Ўзбек тили лексикологияси. - Тошкент: Фан, 1981. –Б. 305.

² Миртожиев М. Ўзбек тилида феъл валентлиги. - Тошкент, 2007.

³ Миртожиев М. Гап бўлақларида семантик синтактик номуаносиблик. - Тошкент: Университет, 2008.

⁴ Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. - Тошкент. 2001.

биринчи хусусиятига эга бўлган бирлик валентлиги эса нофаол валентлик ҳисобланади.

Профессор М.Миртожиевнинг кўрсатишича, объект валентлик ва семантик ҳисобланиб, доимо агенс ҳаракати ёки ҳолати ўтган, шунингдек, ҳаракати ёки ҳолати натижаси бўлган предметда намоён бўлади. У ўз актанти билан семемаларининг нарса ва баъзан шахс ифодаловчи семаси бўйича классемани шакллантиради. У воситасиз тўлдирувчи вазифасида ҳам, агенс билан бирга эга вазифасида ҳам келади. Феъл шисбати ёки нутқ вазиятига кўра унинг синтактик вазифаси ўзгариши мумкин.¹

Ўзбек тилида феъл фразеологизмларнинг объект валентлиги ФБнинг семантикиси ва шаклидан келиб чиқиб, турли шаклларда келиши мумкин. Объект валентлигини тўлдирувчи бирлик асосан, от, от ўрнида қўлланувчи келиши ян отлашган сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, *бўйнидан соқит килмоқ*, *бўйнига олмоқ*, *бўйнига қўймоқ*, *гарданига юкламоқ*, *бой бермоқ*, *тароғига солмоқ* сингари фразеологик бирликларнинг объект валентлиги тўлуғи келишигини олган сўз билан тўлдирилади. Бунга асосий сабаб фразеологизмларнинг феъл компонентлари ўтимли феъллардир.

Бўри полвон ана шу қизни кўз остига олди (Т.Мурод). Ушбу гапда кўз остига олмоқ фразеологизми қўлланилган бўлиб, бу фразема таркибида “кўз ости фаолият”, “танлаш”, “мўлжал” семалари мавжуд. Фразема таркибидаги “мўлжал” семаси объект валентлиги тўлдирилишини талаб қилади, фразема таркибидаги олмоқ феъли ўтимли бўлганлиги учун объект воситасиз тўлдирувчи билан ифодаланмоқда.

Жон кирди, бел боғламоқ, жавоб бермоқ, қулоқ солмоқ, кўзи тушмоқ сингари фразеологик бирликларнинг объект валентлиги жўналиш келишинини олган бирлик тўлдиради. *Тонг саҳарда ўтовдан чиққан қария мавжудлик бўлиб осмонга қаради: кўк гумбазини тўлдириб-бостириб келадиган қоп-қора булутга кўзи тушгач эса ичини ваҳм босди* (Ҳ.Донишмов). Бу гапда кўзи тушмоқ фраземаси таркибидаги “қарамок”, “кўриб қолмоқ” семалари объектни талаб қилади ва булут лексемаси жўналиш келишиги шаклида ушбу валентликни тўлдиради. *Кўз узмаслик, дерак бермоқ* сингари фразеологик бирликларнинг субъект валентлиги шисбати келишигини олган сўз билан ифодаланади.

Маълумки, бош келишикдаги отлар, одатда, гапнинг грамматик эгаси ҳисобланади, у кўпинча семантик субъектга тенг келади. Қатор ФБлар таркибидаги бирликларда эгалик келишигининг мавжудлиги аксарият ҳолатларда субъектнинг қаратқич келишигидаги от бўлишини талаб қилади ва грамматик эга бўлган бош келишикдаги сўз ФБнинг одатий агенс валентлигини эмас, объект валентлигини тўлдириш учун хизмат қилади.

¹ Миртожиев М., Муҳамедова С. Ўзбек тилида сўз валентликлари. - Тошкент, 2011. - Б.40-41.

Бундай бирликларга жонига тегмоқ, зиммасига тушмоқ, кўнглига ўтирмоқ сингари фразеологизмларни киритиш мумкин:

Курбонбой ҳам қорасини кўрсатмай қўйди (С.Аҳмад). Мазкур гапда иштирок этган *қорасини кўрсатмаслик* фразеологизми *кўрмоқ* феълининг ўзлик нисбатдаги, бўлишсиз шакли билан эквивалент бўлади. Бундай ҳолатларда “феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат агенсини ифодалаган эга ўзлик нисбатида объект актантини ҳам ўзида намоён этилади”¹.

Сулув Бўри полвон кўнглига ўтириб қолди (Т.Мурод). Ушбу гапда *кўнглига ўтирмоқ* фразеологизми “руҳий ҳолат”, “натижа”, “ёқмоқ” семаларига эга бўлиб, унинг субъект валентлиги *Бўри полвон* ифодаси орқали, объект валентлиги *Сулув* лексемаси орқали тўлдирилган.

Кўринадики, предикат аргументларининг синтактик позициялари билан семантик структураси ўртасидаги номутаносиблик гап бўлаклари нинг асимметрик муносабатини юзага чиқарган. Бундай ҳолатлар хусусида профессор М.Миртожиев шундай таъкидлайди: “Гап кесими дидга мос тушиш руҳиятини билдирувчи феълларда ифодаланиб, мантикий предикат билан муносабат келса, феълдан англашилган руҳиятнинг объекти эга вазифасида қўлланади”².

Шундай қилиб, устознинг валентлик ва унинг кўринишлари борасидаги қарашлари ўзбек тилшунослигида тилнинг бошқа сатх бирликларини ўрганишда ҳам муҳим манба вазифасини бажариб келмоқда.

М.ҒОЗИЕВА, ФарДУ

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВНИНГ ЛЕКСОФОНЕТИКАГА ОИД ИЗЛАНИШЛАРИ

Профессор Миразиз Миртожиев ўзбек тилшунослигида барча тил сатхларида илмий тадқиқотлар олиб бораётган етук тилшунос олим ҳисобланади. Гарчи олим амалга оширган тадқиқотларнинг кўп қисми лексикология соҳасига тааллуқли бўлса-да, фонетика бўйича билдирган илмий фикрлари ҳам ўзбек тили фонетикаси ривож учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу хусусда профессор А.Нурмонов³ ўзининг илмий асарларида батафсил тўхталиб ўтган. Яъни профессор М.Миртожиев мохир лексиколог, шу билан бирга, тилнинг фонетик сатҳида ҳам юксак даражада илмий изланишлар олиб борган олим сифатида эътироф этилади. Мазкур фикрни давом эттирган ҳолда ҳар икки фонетик ва лексик сатх бирликларининг уйғунликдаги тадқиқи билан шуғулланган М.Миртожиевни йирик фонетист ва лексиколог олим деб айта олиш

¹ Миртожиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. – Тошкент: Университет, 2007. – Б.49.

² Миртожиев М. Гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик. Тошкент: Университет, 2008. – Б.141.

³ Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 342-346.

мумкин. Гап лексик урғу ҳақида борар экан, унинг функционал қонуниятларидан келиб чиқиб, икки сатҳга ҳам алоқадор эканлиги ва шунга кўра икки соҳанинг боғлиқлиги асосида юзага келувчи соҳани фонетика деб аташ мақсадга мувофиқдир. Биз ушбу мақолада лексикнинг “лексик урғу¹” ҳақидаги қарашларига ўз мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Биринчидан, ўзбек тилида лексик урғу бугунга қадар динамик (зарб) урғу сифатида эътироф қилиб келинар эди. Олим бу фикрни тўлалигича айтиб, рус турколог олимлари томонидан ўзбек тили фонетикаси шаклланиб ўрганилганлиги ва шунинг таъсирида рус тилидаги зарб урғуси ўзбек тилига татбиқ этилганлигини айтиб ўтади. Ўз фикрларини от сўз турғусига оид русча ва ўзбекча сўзларнинг экспериментал хулосаларини таққослаш билан асослайди. Натижада ўзбек тилидаги лексик урғу квантитатив урғу деган хулосага келади. Асос сифатида ўзбек тилишунослигида ўзининг фонетика соҳасидаги экспериментал тадқиқотлари билан кўзга кўринган олим А.Маҳмудов: “унлиларнинг бўлиши сўз урғусини белгилайди²”, - деганда квантитативликни назарда тутиш деяр таъкидлайди.

Иккинчидан, квантитативлик ўзбек тили учун қонуният асосланганини алоҳида қайд этади. Бу қонуният бошқа тиллардан ўтган ўзлар учун ҳам амал қилишини изоҳлайди. Ўзлашма сўз қандай урғули бўлмисин, ўзлаштирувчи тил вакиллари талаффузи ва артикуляциясига боғлиқлиги ва унинг урғуси ҳам ўзгаради. Олим *академик, блокнот, шабуретка, динамит, скамейка* каби сўзлар таркибидаги унлиларнинг товуш кучи ва товуш чўзиқлигини экспериментал таҳлиллар орқали кўрсатириб ўтади, бир-бирига қийслаб, ўз хулосаларини баён этади. Рус тили ва у орқали ўзлашган сўзлардаги динамик урғу ўзбек тилида квантитатив урғуга айланишини асослаб беради. Ҳақиқатан ҳам миллати инглиз бўлган шонш ўзбек тилини қанчалик чуқур ўрганмасин, унинг талаффуз қонуниятлари, нутқий артикуляцияси ўз тил имкониятига мосланганлиги боғлиқ туради. Неча минг йиллардан бери ёнма-ён яшовчи ўзбек ва рус миллатига мансуб кишилар артикуляцияси ва талаффуз қонуниятлари бир-биридан яққол фарқ қилиши бунга мисол бўлиши мумкинлиги олимнинг бу қарашлари асосли эканлигидан далолат беради.

Учинчидан, “ўзбек тилидаги баъзи сўзларда лексик урғу тушган бўлган унлисида товуш кучининг ортиқ бўлиши унинг динамик урғу деб эътироф этилиши ҳам мумкинлигига имкон беради (*бурун, қиззиқ* каби). Демак чўзиқлик белгиси қийсан олинганда бу белгининг зарбдан унлишиги яққол кўринади (*қиззиқ* сўзида биринчи ва иккинчи бўгин унлиси 6 ва 4,6 мм амплитуда, 90 мсек ва 40 мсек)”. Олим ўзбек тилидаги шундай сўзларда лексик урғу олган бўлган бошқаларга нисбатан юқори

1. Широжиев М. Ўзбек тилида лексик урғу // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. - №3, - Б. 24-33.

2. Маҳмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка. АДД. - Ташкент, 1980. - С.28.

товуш кучига эга бўлса-да, у сўздаги эмоционаллик учун хизмат қилишини ва бу ниҳоятда нисбий эканлигини айтиб ўтади. Шу ўринда Жўра Маматовнинг “Суперсегмент бирликнинг сегментга таъсири”¹ мақоласидаги қизиқ сўзининг экспериментал таҳлили киши эътиборини ўзига жалб қилади: урғули И 60 мсек, урғусиз И 30 мсек; 6 ва 4,5 мм амплитуда. Квантитативликни асослашда М.Миртожиев сўзда ундошнинг қаватланиши урғули бўғин таркибидаги унлининг чўзиқлиги ортишига сабаб бўлишини ҳам кўрсатиб ўтади.

Тўртинчидан, айрим сўзларда (*қизил, қуруқ*) товуш кучи иккала бўғин унлисида ҳам бир хил бўлиши ва бунда урғу учун унлининг чўзиқлиги асос қилиб олинishi таъкидланади.

Бешинчидан, муסיкий тиллар урғуси учун хос бўлган товуш баландлиги ўзбек тилидаги сўзлар урғусида аҳамият касб этмайди. Чунки квантитативликда асосий эътибор товуш чўзиқлигига қаратилади.

Олтинчидан, ўзбек тилида лексик урғуни белгилашда товуш кучи ёки чўзиқлик учун бўғин таркибидаги унли товушнинг кенг ёки тор эканлиги муҳим эмаслигини таъкидлайди. Олим *китоб, ҳисоб, тарик, сўлим* сўзларининг экспериментал таҳлиллари асосида бу фикрларни ҳам изоҳлаб берган.

Еттинчидан, полисиллабик сўзларнинг бўғинлари бир хил миқдордаги товуш таркибига эга бўлмаслиги, уларнинг бири бир товуш билан бошқаси тўрт ёки беш товушдан иборат бўлиши мумкинлиги, бўғин таркибидаги товушларнинг кўплиги уларнинг чўзиқлиги билан характерланишини уқтириб ўтади. Лекин бу лексик урғу учун асос бўла олмаслигини илмий жиҳатдан исботлайди. Ўзбек тилидаги лексик урғу бўғин таркибидаги товушларга сарфланган миқдор билан эмас, унлига сарфланган товуш миқдори билан белгиланишини эътироф этади.

Саккизинчидан, олим боғли ва эркин урғу ҳақида тўхталиб, немис, поляк, чех тилларидаги урғу боғли, рус, инглиз тилларидаги урғу эса эркин урғу эканлигини айтиб ўтади. Эркин урғунинг фонетик белгиларидан ташқари семантик ва грамматик хусусиятлари ҳам алоҳида ўрин тутишини асослайди.

Тўққизинчидан, лексик урғуси квантитатив бўлган ўзбек тили урғусининг жойлашув ўрни ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтади. Ўзбек тилидаги лексик урғу боғли деган фикрларни рад қилиб, деярли эркин урғу деб эътироф этади. Эркин урғу ҳақида гап кетганда, ўзбек тилида бундай ҳолатлар сўз маъноларининг фарқланиши билан ёки сўзнинг морфологик турига қараб белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Олим маълум гуруҳ отларда урғунинг ўрни боғли эканлиги, аммо бошқа сўз туркумларида бу ҳол кузатилмаслиги кўрсатиб беради.

¹ Маматов Ж. Суперсегментнинг сегментга таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. - №4, - Б. 90-91.

Ушунчидан, олим лексик урғунинг яна бир муҳим белгиси товуш тембри (сифати) эканлигини, у асосан бир бўғинли сўзлардан тузилган сўзларда аниқ кузатилишини ва бу, ўз навбатида, талаффуз аниқлиги учун асосий қилишини ёзади. Устознинг фикрича, ўзбек тилидаги сўзларнинг асосий урғуси бўғин унлисида товуш чўзиқлиги билан характерланиши даражасида, унда товуш кучи, тембри ҳам маълум даража аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридаги қарашлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ўзбек тилишунослигида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб нашр этилган илмий асарлар ва мақолаларда келтирилган урғу билан боғлиқ фикрларнинг илмий жиҳатдан мукамал даражада ўрганилмаганини кўрсатади. Бунинг устига урғунинг талаффузи бир жиҳатдан адабий тилга, иккинчи томондан диалектга, умуман олганда эса лингвистик бирликлар талаффузи асосий тил ва ўша тил вакилининг коммуникатив мақсадига мос равишда ўрганилади.

ТИЛ ТАРИХИ

Э. УМАРОВ, ЎзРФА ТАФИ

ШОИРНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЖАСОРАТИ

Алишер Навоий мумтоз ўзбек тилининг ривожига фаол иштирок этиб, икки йўналишда жасорат кўрсатди: а) умри давомида сўз ва иборалар йиғиб, мумтоз ўзбек тили луғат фондини шаклланишига асос солди; б) сўз қўллаш орқали ўзбек тилининг бойлиги, таровати, латофатини кўрсатиб берди.

Шоир йиллар давомида ўзбек халқи шаклланишида фаол иштирок этган арлот, барлос, қўнғирот, сулдуз каби уруғ ва қабилалар тилидан сўз ва иборалар йиғди. Бу ҳақда “Муҳокаматул-луғатайн”да аниқ ёзилган: “...Ва йиллар турк (яъни ўзбек) тили ва назми қоида ва услубида билмаганларимни сўруб (сўраб) ва мушкулларимни ҳаллоли мушкилотим тобуғида арзға еткуруб, азим фойдалар топиб қўллий (қўп) натижалар кўрдум” (39-б).

Шоир Ҳирот, Машҳад, Астробод, Сабзавор, Марв, Самарқандда бўлар экан, у ерларда яшаган қабила ва уруғлар тилида тор доирада қўлланилган сўз ва ибораларни ўз асарлари орқали кенг доирага олиб чиқди. Ҳазрат мумтоз ўзбек тилини шаклланишида уруғ ва қабилалар тилидан фойдаланганлигини муаян, яъни ва аниқ сўзи билан шундай ифодалайди:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муаян турк улуси худ менингдур.

Бу байтда юз ва минг сўзлари ҳам сон, ҳам уруғ номлари маъносида қўлланилган. Кўриниб турибтики, шоир менинг асарларимда туркий қавмлар тили муаян, яъни аниқ акс этган деб ёзган.

Мутафаккирнинг асарлари Хитойдан Хуросонгача ёйилиб, ашула қилиб айтила бошланди. Манбаларда ёзилишича, кишилар “Наво”, “Ҳижоз” каби куйларни эшитиб ҳайратга тушганлар. Алишер Навоий ана шу йўл орқали ўзбек тилини араб ва форс тиллари билан бўйлатиб қўйди. Ўзбек тилининг довуғи Хитойдан то Хуросонгача ёйилганлиги “Фарҳод ва Ширин” достонидаги фаҳрияда акс этган:

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон
Хуросон демаким, Шерозу Табриз
Ки, қилмушдур найи қилким шакаррез

Шоир асарлари воситасида Хуросон, Шероз, Табризда яшовчилар ўзбек тилининг сўз бойлигидан хабардор бўлдилар. Бу тилда ижод қилиш мумкинлигини англадилар. Алишер Навоийнинг ана шу жасорати туфайли

муштар ўзбек тилига тамал тоши қўйилди. Қавм ва уруғлар тили асосида муштар ўзбек тилига асос солинди. Бу билан шоир улкан жасорат кўрсатди. Алишер Навоий асарлари бизга муштар ўзбек тилидаги сўз ва иборалар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шоир ишлатган сўз ва иборалар муштар кунга тўрт хил шаклда етиб келди.

1. Шоир асарларида ишлатилган сўз ва ибораларнинг бир қисми архаик ҳолатга ўтган¹.

ётлик-зарар

Санга мендин етибдур онча ётлик,

Ки, юзунгдин уётликмен, уётлик

(Фарҳод ва Ширин 406)

илигини тишлаб-ачиниб

Сомий чу эшитти бўлди ғамгин

Тишлаб илигин дедики : “Мискин!”

(Лайли ва Мажнун 112)

ун чек-ашула айт

Муҳанний, ғарибона ун чек ҳазин,

Ки, манзилғаҳим бўлди Мағриб замин

(Садиий Искандарий 423)

ётлик-қиз:

Бир ётлиғи бор эмиш париваш,

Боитгин-аёғи латифу дилкаш

(Лайли ва Мажнун 233)

қарин-ҳамдам; ўртоқ

Ўйким, менга ҳамдаму қаринсен,

Муставжиби юз минг офаринсен

(Лайли ва Мажнун 172)

илай-олд

Нафсингга не зулм бўлса мақсуд,

Шаҳни илайингда англа мавжуд

(Лайли ва Мажнун 305)

узор-юз

Кўзунг нарғис, узоринг гул, қадинг сарву сочинг сунбул

Бузуғ кўнглум ҳаёлидин буларнинг турфа боғ ўлмиш

(Наводирун ниҳоя 227)

чаранда-ҳашорат

Осуда чарандаву паранда,

Уйкуда газандаву дараңда

(Лайли ва Мажнун 247)

¹ Ҳисобиёр Алишер Навоийнинг йигирма жиллик “Мукаммал асарлар тўплами”дан олинди.

бутрашмоқ-турли тарафга қочмоқ

Бутрашти чу ҳар бириси бир ён,

Қолди орада ғариби гирён

(Лайли ва Мажнун 229)

2. Сўз ва ибораларнинг бир қисми ўзгарган ҳолда етиб келган.

Бошингда не ҳаво бирикмаси

Кунглумни фигур эттингу жонимда балодур,

Билмон яна, эй сарв, **бошингда не ҳаводур**

(Фавоид кибар 133)

бугунги кунда **бошингда не ҳаёл** шаклида ишлатилади.

эълум-эълон:

Ноқилға дедик: “Тез уруб гом,

Қил саййиди омирийга эълум

(Лайли ва Мажнун 113)

тувоғ-туёғ:

Юзумдурур ашҳабинг *тувоғи*,

Бошимдурур маркабинг аёғи

(Лайли ва Мажнун 157)

бир нос-бирнас:

Бир нос чу тундин ўтти ул хайл,

Тўшлук-тўши қилди уйқуға майл

(Лайли ва Мажнун 235)

енг шимолиб-енг шимариб

Зоҳир айларсен яди байзо қилурда элни қатл

Тиг урарда *енг шимолиб* ким аён этсанг билас

(Наводирун ниҳоя 228)

бугунги кўзумга *совуғ кўринмоқ* ибораси, *кўзига совуқ келмоқ* шаклида истеъмолда бўлган:

Совуғ келур кўзума хонақоҳу зухуду риё,

Хушо шарораи Зардўшт бирла дайри мажус

(Фавоид кибар 161)

жаҳон тургунча тур ибораси:

Чу сен ёру жаҳон бир душманимдур

Менинг учун *жаҳон тургунча* сен *тур*

(Фавоид кибар 533)

бугун *дунё тургунча тур* шаклида ишлатилади

3. Бир қисм сўз ва иборалар архаиклашган бўлса-да, айрим бирикмалар таркибида сақланиб қолди.

Таловчи маъносидаги *толон* сўзи:

Топиб ани бир қум ичра нолон,

Қилғон кишидек кароқчи *толон*

(Лайли ва Мажнун 115)

тонг *тороғ* бирикмаси таркибида сақланиб қолган. *Тангиб* сўзи:

Ноқа уза они кўйдилар чуст,
Илгин аёғини *тонгдилар* руст

(Лайли ва Мажнун 230)

Мумкин ўзбек тилида *тонгиб* шаклида истеъмолда бўлган. У ҳозир *тангиб* *тангилмоқ* таркибида қолган.

4. Шоир ишлатган айрим сўз ва бирикмалар туфайли уларнинг мумкин ўзбек тилидаги маъноларини аниқлаш мумкин. Куйидаги байтда:

Бу янглиғ қаттиғ кунда доройи захр,
Ажал жомидин айлаб ошоми захр

(Садиий Искандарий 521)

қаттиғ кунда бирикмасида қаттиғ сўзи оғир маъносини аниқлатган.

5) Шоир асарларидаги сўз ва ибораларнинг катта қисми бугунги кунда фаол ишлатилади:

ёмонлик-ёмонлик

Манга чин аҳли не қилмиш ёмонлик,
Ки, бу навъ ўлғамен бариға қонлик

(Фарход ва Ширин 192)

беҳуш-хушсиз

Яқин эрдик тарки хуш қилғай,
Яна беҳушлар янглиғ йиқилғай

(Фарход ва Ширин 277)

билайин-билиб олайин

Лайли ичин ўртаб ўтлуғ охи,
Келди билайин дебон камоҳи

(Лайли ва Мажнун 229)

санчилмоқ-қадалмоқ

Ғамзам сари бўлса фикрат андеш
Сончилур экинму бағриға неш?

(Лайли ва Мажнун 139)

кўргузди-кўрсатди

Иккисин Скандарга кўргузди ул,
Деди: “Эмди соат ўтар, бот бўл!”

(Садиий Искандарий 273)

кўк-осмон

Бу ишдин даме ўтмади бешу кам,
Ки, ўт қалъадин кўкка чекти алам

(Садиий Искандарий 273)

Алишер Навоий сўз қўллаш орқали ҳам ўзбек тилини бойлигини кўрсатиб берди. Бунини ғазал қофия ва радифларида ишлатилган сўз ва бирикмалардан кўриш мумкин. Мисолни биргина “Фавойидул-кибар” шеърларидаги айламак феълни асосида кўриб чиқамиз.

Шоир айламак феълни “Коф ҳарфининг кофирларининг камоли “Фавойид” дин ғазаллар туркуми ичида уч ғазалда радиф сифатида уч марта (ФК 221, ФК 223, ФК 224) ишлатган. Бу туркум ғазаллар ичида унинг айладинг (ФК 240) шакли ҳам келтирилган. Сабаби девонда “Г” ҳарфи коф ҳарфи ичида берилган. Ушбу феълнинг айлаб (ФК 45) шакли “Бе” ҳарфининг балоларининг бидоят “Фавойид” дин ғазаллар туркумида ишлатилган. Ушбу феълнинг “р” ҳарфи билан туговчи тўрт айланур (ФК 102), айладилар (ФК 103), айлар (ФК 108), айланадур (ФК 121) шакли “Ре” ҳарфининг раъноларининг рустохези “Фавойид” дин ғазаллар гуруҳида ишлатилган. “Нун” ҳарфининг нозанинларининг намудори “Фавойид” дин ғазаллар туркумида бу феълнинг нун билан туговчи уч шакли: айлабон (ФК 308), айламон (ФК 326), айлармен (ФК 337) радиф сифатида қўлланган.

Айламиш феъли уч жойда: (ФК 169, ФК 183, ФК 187), айлаимиш бир жойда (ФК 182) “Шин” ҳарфининг шўхларининг шамойили “Фавойид” дин ғазаллар туркумида радиф сифатида ифодаланган. “Мим” ҳарфининг маҳбусларининг малоҳати “Фавойид” дин ғазаллар қофиясида айладим икки марта (ФК 287, ФК 293), айламадим (ФК 282), айларам (ФК 292) бир мартадан учрайди.

“Зе” ҳарфининг зеболарининг зийнати “Фавойид” дин ғазаллар туркумида бу феълнинг айламангиз (ФК 144) ва айлангиз (ФК 151) шакллари кузатилади.

“Чим” ҳарфининг чобукларининг чехракушоилиги “Фавойид” дин ғазаллар туркумида бунинг айлагач (ФК 73) ҳамда ўтган замон айлади (ФК 435) шакли “Ё” ҳарфининг яғмоларининг юз кўргузмаклари “Фавойид” дин ғазаллар ичида радиф сифатида ишлатилган. Кўриниб турибдики, шоир биргина айламак феълни вазн, қофия ва радиф талаби билан 24 шаклда қўлаб, ўзбек тилининг бойлигини ёритиб берган. Ушбу мисоллар шоир ўзбек тили морфологиясини чуқур билганлигини шу тўғрисида ғазалларга қофия ва радиф танлашда қийналмаганлигидан далolatдир. Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий зукколик билан ўзбек тили чексиз имкониятларга эга эканлигини намoён қилган. Унинг бу жасорати тўғрисида ўзбек тили дунё тиллари қаторидан жой олди.

Б. АБДУШУКУРОВ, ТошДўТАУ

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ”ДАГИ ТУБ ТУРКИЙ СЎЗЛАР

Ўзбек тили туркий тиллар оиласига киради ва бу тил учун туркий тилларнинг негиз лексикаси қадимий асос ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзбек тили сўз бойлигининг қадимий ўз негизи аслида туркий тилларнинг ўзиники бўлган туб туркий сўзлардан иборат. Кўринадики, туб сўзни

ёшловчи асосий мезон, биринчидан, бу сўзнинг генетик жиҳатдан ўша тилини эканлиги, иккинчидан, унинг қадимий даврларга оидлигидир¹.

Мислумки, обида тилида истеъмолда бўлган туб туркий сўзларнинг тарихи кўҳна ёзма манбаларга бориб такалади. Зеро, мазкур ёдномалар ўзбек тилининг муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этган бўлиб, тилининг қадимги маданиятини ақс эттирган. Улар орқали халқимиз тарихи ва тилимиз тараққиётига оид кўпгина қимматли маълумотларга эга бўлмоқчи². Шу нуқтаи назардан, қисса сўз бойлигини қадимги туркий тил ва туб туркий тилнинг дастлабки ёдгорликларида қайд этилган лексик бирликлар билан қиёсий ўрганиш асардаги архаик сўзлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга кўмаклашади.

Тил тизим сифатида узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда бўлиб туради. Бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва оил, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди – жамиятда юз берадиган ижтимоий-маърифий жараёнлар, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислохотлар тилнинг луғат бойлигида янги-янги сўз ва атамларнинг вужудга келишини, айти пайтда, маълум лексемаларнинг келиб, тарихий категорияга айланишини тақозо қилади³.

Сўз турмушдаги янгиланган, кишилар фаолиятини, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи воситадир. Тилда ҳаёт учун зарур турли янги сўзлар пайдо бўла борадиган, турмуш учун кераксиз сўзлар истеъмолдан ташқил кетади. Эскирганлиги, яроксизлиги туфайли истеъмолдан чиққан сўз ва атамлар лингвистикада архаизм деб аталади⁴.

Лексема ифодалаган тушунчани англатувчи бошқа сўзнинг ифодалиниши натижасида (у ички имконият асосида ясалган ёки олинма лексема бўлиши мумкин) унинг истеъмол доираси торая боради. Бир қатор лексемалар билан фаол қўлланган сўзлар семантикасида торайиш кузатилади. Кенг қўлланилмаган лексемалар истеъмолдан чиқади, яроксизга айланади. Бу жараён тилнинг ички қонунияти асосида юз беради⁵. Архаик бўлмаган сўзнинг эскирган маънолари турли сабаблар таъсирида юзага келади. Улардан баъзилари яққол кўзга ташланиб турса, айримлари тилнинг мураккаб тизимида яширин ҳолда бўлади⁶.

1. Хамидов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –Б. 135.

2. Ахмед А., Солиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –Б. 115.

3. Хамидов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. –Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 1994. –Б. 67.

4. Хамидов Э. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 180.

5. Хамидов Э., Хамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. –Т.: Фан, 2008. –Б. 116.

6. Селиванов Р. Введение в науку о языке. –М.: Государственное учебно-педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР, 1958. –С. 91.

«Қисаси Рабғузий» тилида қўлланишда бўлган эскирган сўзлар, яъни архаизмларни¹ лексик-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги мавзуий гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) инсон тана аъзолари номлари: адақ (36r2) – «оёқ», ауа (118r5) – «кафт», alīn (77r5) – «пешона», awuċ (126r4) – «ҳовуч», meñiz (50v9) – «юз», boz (34r9) – «бўй»;

б) шахс тушунчасини ифодаловчи сўзлар: eġ (91v14) – «ўртоқ», yaġi (32r20) – «душман»;

в) инсон қўли билан яратилган нарса-предметларни англатувчи лексик бирликлар: адақ (249r12) – «қадах», aġ (144v14) – «тўр», ew (143v9) – «уй»;

г) мавҳум тушунчалар билдирувчи лексемалар: õg (79r20) – «ақл», al (77r10) – «ҳийла», idi (218r15) – «соҳиб, эга; Худо», bulun (46v7) – «тутқун, асир»;

д) зоонимлар: ċīdan (4r10) – «чаён», ĩwuq (157v6) – «кийик», keċik (54v2) – «ёввойи ҳайвон», qoċ (52r1) – «қўчқор», sċan (13r13) – «сичқон», yaġan (89v1) – «фил», qaz (68v4) – «ғоз», siñäk (26r1) – «пашша»;

е) халқнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан алоқадор тушунчаларни англатувчи лексемалар: bek (62v5) – «бек, амир», ċiġay (128r18) – «камбағал», qonuq/qonaq (88r1) – «мехмон, мусофир», törä (37v14) – «одат», küñ (158v9) – «жория»;

ё) савдо ва пул муносабатларини ифодаловчи сўзлар: arqiġ (48v18) – «қарвон», baqiġ (41r9) – «мис», asġ (74r1) – «фойда», tawar (115v3) – «тавар, мол», uċuz (49v3) – «арзон»;

и) хусусият ва белгини билдирувчи лексемалар: ediz (4r8) – «улуғ, буюк», ezġi (6r4) – «яхши», yawuq (164v21) – «яқин»;

й) ҳаракат ва фаолиятнинг хусусияти билан боғлиқ терминлар: ау- (4v9) – «айтмоқ», anut- (44v2) – «тайёрламоқ», адġ- (46r10) – «айирмоқ», адġil- (74r6) – «айрилмоқ», aġ- (53r7) – «ошмоқ, чиқмоқ», emġä- (56v15) – «захмат чекмоқ», emġät- (88r7) – «азият етказмоқ», qar- (182r1) – «аралаштирмоқ», kiċ- (36v4) – «киймоқ», ĩċ- (5v16) – «жўнатмоқ», uwtan- (21r19) – «уялмоқ», uċi- (32v16) – «ухламоқ», уап- (58v20) – «қайтмоқ», уйт- (22v13) – «йўқолмоқ», qoċ-(6r5) – «рухсат бермоқ», tañ- (219v10) – «боғламоқ», saġin- (67r18) – «фўйламоқ».

Ёдномада қадимги туркий тил ва эски туркий тилнинг илк манбаларида қўлланилган лексемаларни кузатиш мумкинки, улар ўзининг асл маъносини сақлаб қолган: qol- (42v4) – «сўрамоқ, илтимос қилмоқ»;

¹ Қарағ: Наджип Э.Н. Архаизмы в лексике тюркоязычного памятника XIV в. «Гулистан» Сайфи Саран // Краткие сообщения института народов Азии АН СССР. 83. –М., 1964; Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века: по материалам «Хосрау и Ширин» Кутба. –М.: Наука, 1979. –С. 479; Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. 431 б; Матанцева М. Архаическая лексика в говорах старообрядцев (семейских) Забайкалья. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Новосибирск, 1999.

уғи (32r20) – «душман», tašra (156v11) – «ташқарига», tegrū (37v13) – «тадар», telim (4r21) – «кўп», qamuğ (5r11) – «хамма», eš (91v14) – «ўртоқ» ва ҳокказо. Шунингдек, айрим эскирган сўзлар фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда ишлатилган: adaq (ДТС,8)-адақ (36r2) – «оёқ», adin (ДТС,18)-adin (10v14) – «бошқа», bodun (ДТС,108)-bodun (20r8) – «халқ», ovi (ДТС,203)-idi (218r5) – «худо», ud (ДТС,605)-ud (51r11) – «сигир», yurugaq (ДТС,236)-yurugaq (12r13) – «япроқ». Айни пайтда, қиссада қайд этилган биъзи архаизмларда семантик ўзгаришлар, яъни маъно торайиши ва маъно кенгайиши ҳодисалари рўй берган. Хусусан, қадимги туркий тилда истеъмолда бўлган бир қатор лексемаларнинг семантик тузлишида маъно торайиши кўзга ташланади. Arig сўзи қадимги туркий тилда «тоза», «очиқ», «тоғ», «ҳақиқий» маъноларини ифодалаган бўлса (ДТС,51-52), «тартиб», «тоза», «пок, гуноҳсиз» семаларини англатган: *Aydi: bu nāvāndān din tūn tūn suw arig-mi ya arig-siz-mi erkān?* (100r20); *Yusuf aydi: men arig-tem yuziqim yoq* (84r9). Ушбу лексема «тозаланмоқ, тоза бўлмоқ» маъносини билдирган arī- (ДТС,51) феъли билан –ig қўшимчасидан ташкил топган. Vidiq лексемаси «мис», «огирлик ўлчови», «мис пул» (ДТС,82) маъноларида қўлланилган. Ўрганилаётган манба тилида эса «мис» маъносини билдирган: *Namrud bir mināra qopardi temürdin baqirdin* (42r9).

Қадимги туркий тилда «уй, турар-жой», «оила» (ДТС,162) маъносини ифодалаш учун қўлдан келган ew сўзи «Қисаси Рабғузий» да «уй» маъносини ифодалаш учун хизмат қилган: *Ewi icindä kölkädä olturub işlägil edü* (18r3). Tögrü лексемаси Турфон матнлари ва «Олтун ёрук» ёдгорлигида «турф-одат», «тартиб-қоида», «тўй базми» маъноларида келган (ДТС,581). Қисса тилида эса tōgrā шаклида «турф-одат», «қонун-қоида» семаларини билдирган: *Bu qonıuq tutmaq törsini xalqqa qodğan İbrāhim* (37v14); *Aydi: törsini öldürmek pādşāhlar törsi ermäs* (230r20).

Изданишларимиз натижасида обида луғат бойлигидаги айрим лексемаларнинг бирликларда маъно кенгайиши юз берганлиги маълум бўлди. Шундан, idi сўзи Кул тегин ёдгорлигида «эга, соҳиб» маъносини билдирган бўлса (ДТС,203), текширилаётган ёдномада idi тарзида «эга», «суло» семаларида қайд этилган: *Qamuğ uqalā idiläri allında muqarrar va qal hum turur...* (218r15); *Jabrāul idi yarliği birlä yelgä erklik bolğan farištägä aydi...* (30v4). Турфон матнларида «машаққат чекмоқ» (ДТС,172) маъносини ифодалаган emgān- феъли қисса тилида «меҳнат қилмоқ», «машаққат чекмоқ» семаларида қўлланилган: *Biz yābānda qış, yau emgāndürmi, biz yimä bö-çilik ögrānāliñ tedilār* (18r5); *Musā aydi: emgāndük, ayduñ azıqnı keltür yegāli* (129v6).

Bul- лексемаси қадимги туркий тилда «қидирмоқ», «етишмоқ» (ДТС,121) маъноларида ишлатилган. Мазкур феъл ўрганилаётган обида сўз бойлигида эса «қидирмоқ», «қўлга киритмоқ», «беркитмоқ, ёпмоқ» семаларида кўзга ташланади: *Qarluğacni iddi, qarluğac keldi şinäkni buldi*

(25v16); ...*Andin asinraq ne'matlarni bulmas erkan üstünrak ne'matni bulmaq muhāl turur* (122v9); *Nuh qabul qildi, yilan suwğa kirdi teşükni buldi* (25v10).

Бундан ташқари, қадимги туркий тилда муомалада бўлган айрим сўзлар кейинги давр манбаларида ўз маъносини давом эттириш билан бирга, янги лексемалар ҳосил қилишда фаол иштирок қилган. Бунин «Қисаси Рабғузий» асари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, «йўқсил, камбағал» маъносидаги *čigay* (ДТС,148) сўзи *-liq* аффикси ёрдамида *čigayliq* «камбағаллик» лексемасини ясаган: *Kimersä čigayliqdin qurtulayin tesä ali imränni oqusun* (66r15). Қадимги туркий манбаларда «нордон», «аччик», «оғир, чидаб бўлмайдиган», «жахл, ғазаб» семаларини ифодалаган *acıq* (ДТС,4) лексемаси қисса тилида феъл ясовчи *-lan* кўшимчаси билан бирикиб, янги сўз ҳосил қилган: *Umlaq acıqlandı, çerik yiğdi...* (65r10). Кул тегин битигида «тушмоқ» маъносини англаган *en//in-* (ДТС,173) сўзи текширилаётган ёдномада *iš* аффикси ёрдамида ҳаракат номини билдирувчи сўз яашда иштирок этган: *Berk yolğa tüstülär, ağısi inişi telim* (225v8).

Зикр этилган мисоллардан аёнки, архаизмлар тил тарихи билан ўзаро алоқадор бўлиб, унинг ички тараққиёти мобайнида турли шаклларда кўзга ташланади. Демак, эски сўзларни тадқиқ этиш ўша даврдаги уруғ, қабила ва халқларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга, лексемаларнинг келиши чикишини аниқлашга ёрдам беради.

Н. ОХУНОВ, Б.НОСИРЖОНОВ, ҚДПИ

“БОБУРНОМА”ДАГИ ТОПОНИМЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги жой номлари морфологик тузилишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Уларни шу нуқтаи назардан икки гуруҳга тасниф этиб ўрганиш мумкин: 1. Содда топонимлар. 2. Қўшма топонимлар.

Содда топонимлар бир сўздан таркиб топган жой номларидир. Бу тип топонимларни туб ва ясама топонимларга ажратиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Туб топонимлар морфемик жиҳатдан ўзак ҳолида бўлади. Бундай номлар турли маъно ва мазмундаги сўзлар билан ифодаланади. Уларнинг турлари қуйидагича:

1) географик терминларни ифодаловчи лексемалар билан юритилган топонимлар: Банд¹ (412), Даҳана (182, 184, 213, 248), Одоқ (227), Сақо (127), Ўба (235), Танги (304), Теба (185, 220), Тақоб (188, 201, 219) қабилар. Ушбу географик атамалар муайян маънони англаган.

¹ Мақолада “Бобурнома”дан келтирилган мисоллар асарнинг 1960 йил “Фан” нашриётида чоп этилган нусхасидан олинди.

Чироччи, одок – дарёнинг этаги, куйилиши, дарё ёкаси; даҳана – дара, дароғ киравериш; банд – тоғ дараларига қурилган иншоот, тўгон; ўба – кўнрақ тепалик, кўтарма; сако – каналнинг бошланиш жойи маъноларини ифода этган.

2) этнонимлар – уруғ, қабила, қавм номлари билан аталган топонимлар: Чакрак (90, 119, 120), Ашпара (68), Ашпариён (119, 120), Тўруқшорон (119, 120), Қипчок (255);

3) Туб сўзлар воситасида ясалган топонимлар. Буларнинг кўпчилиги бошқалар: Ўлка, шаҳар, кент, кишлоқ номларидир: Кеш (59), Шош (63), Кашар (108), Кобул (61, 64, 68, 70), Насаф (108), Шом (108), Сўх (61, 424), Ромин (75, 96, 118), Жом (205, 242, 310, 419), Ғазни (185, 187, 189), Норин (166, 265), Ахси (62, 64, 70), Ироқ (67, 82, 84, 87), Поп (113, 120, 166, 169) ва бошқалар.

4. Шахс номлари – антропонимлар билан аталган жой номлари: Абдувалид (255), Айбак (178, 378), Бобохокий (70, 268), Бобоқаро (284), Ўлтин (404), Мирвоҳид (255), Момохотун (306), Хожа дийдор (138, 139, 142, 151) кабилар

Ислам топонимлар маълум бир қўшимча воситасида шаклланган, юзага келган ўрин-жой отларидир. Бу турдаги топонимлар куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) –лик, –лик аффикси билан ясалган топонимлар. Бу қўшимча топонимлар номига қўшилиб, ўша ўсимликнинг маълум ҳудудда кўпчилиги, мўллиги, кўплигини ифодаловчи топонимлар ясаган: Ўлдинлик (204, 277, 311), Кандирлик (89, 113, 161), Олмалик (59) сингарилар.

2) – истон қўшимчаси оркали ясалган топонимлар. Ўрин-жой, макон маъносини билдирувчи ушбу аффикс, асосан, халқ, миллат номларига қўшилиб, мамлакат номларини яшаш учун хизмат қилган: Афғонистон (185, 189, 201, 291), Арабистон (349), Ҳиндистон (62, 77, 82, 105), Туркистон (59, 65, 78, 103, 140, 142, 186), Мўғулистон (63, 67, 129, 159, 367) кабилар. Шунингдек, – истон қўшимчаси яна Қўҳистон (456), Ўбулистон (195), Кофиристон (82), Гозуристон (147, 148), Нахлистон (130), Каҳдистон (270), Бҳилистон (407), Барахистон (97), Сийстон (224, 308, 301), Ғаржистон (201, 256) топонимлари таркибида ҳам учрайди.

3) “Бобурнома”даги жой номларининг айримлари ўринни, жойни билдирувчи – зор, – гоҳ аффикслари воситасида ҳосил қилинган: Сангзор (114, 134, 138), Намозгоҳ (72, 73), Гозургоҳ (254) сингарилар.

4) – ия аффиксли топонимлар. Бу қўшимча Халилия (51), Темурия (92), Шоҳрухия (59, 61, 63, 65, 75), Султония (197), Унсия, Қудсия, Халосия, Сафоня, Шифоия (255) топонимлари таркибида учрайди.

5) – хона аффиксоиди ўрин-жойни билдириб, турли маънодаги ўринларга қўшилади ва жой номлари ясади: Чинихона (106), Шунқорхона

(138), Муқаввийхона (254, 255), Тарабхона (253), Хирсхона (313), Савсанхона (255), Кушхона (101, 275) ва бошқалар.

6) – обод морфемаси орқали шахс отларидан жой номлари ясалган: Алиобод (42), Неъматобод (254), Скандаробод (403), Туғулқобод (337, 338), Хайробод (362, 399), Фирузобод (255), Шамсобод (338, 405, 408, 415, 445), Шоҳобод (333) кабилар.

7) кўплик, жамлик маъносини англатувчи –он қўшимчаси ёрдамида Чинорон (223), Лаклакон (149), Тийрандозон (255), Сўзангарон (147, 148), Чармгарон (184, 188), Чилдухтарон (123, 149, 161, 252), Шоҳидон (248) топонимлари ясалган. Архиейн (130), Армиен (128), Бомиейн (116, 178, 188, 194) жой номларининг шаклланишида – он қўшимчасининг – ён варианты қўлланилган.

8) – ак аффиксли топонимлар. Кичрайтириш маъносини билдирувчи ушбу қўшимча –ча аффикси англатган маънони билдиради: Гунбазак (247), Бозорак (188), Работак (111, 122, 128), Кўҳак (105, 106) кабилар.

“Бобурнома”даги жой номларининг маълум бир қисмини қўшма топонимлар ташкил этади. Улар икки сўзнинг ўзаро бирикувидан тузилиб, яхлит бир тушунчани ифодалайди ва бир бош ургу билан айтилади: Боғишамол (105), Ёнбулоқ (320), Тошкўрган (275), Тошработ (252), Хонюрти (99, 107, 134), Чоштўба (265), Янги йўл (188) Ўратепа (65, 68, 70, 71, 73, 74), Чағонсарой (191, 192), Сойгил (277) сингарилар.

Қўшма топонимлар морфологик материалига, яъни қайси сўз туркумига мансуб сўзлардан юзага келганлигига кўра тубандаги гуруҳларга бўлинади:

1. От билан отнинг бирикувидан тузилган қўшма топонимлар. Бундай жой номларининг компонентлари турли маъноларни англатувчи сўзлардан ташкил топган: 1) киши исmlаридан: Алимасжид (299, 310, 324); 2) касб-корни ифодаловчи сўзлардан: Чўпонкўприк (134); 3) флора ва фаунага алоқадор сўзлардан: Бодомчашма (190, 204, 308, 321), Боғибинафша (300, 312, 313), Боғизогон (141, 223), Кандибодом (62, 67, 81, 114, 167), Қарғабулоқ (265) ва бошқалар.

2. Сифат билан отнинг бирикувидан ясалган қўшма топонимларнинг биринчи қисми ранг-тусни билдирувчи оқ, ола, қора, қизил, кўк лексемалари билан ифодаланган: Оқсув (74), Оққопчиғай (70), Олатоғ (72, 217), Олақўрган (260, 269), Қоратоғ (183, 276), Қорабулоқ (98, 155), Қоракўл (78, 104, 108, 142, 143), Қизилсув (180, 188, 265), Кўксарой (79, 94, 95, 105) кабилар. Ясси кечит (71, 123), Эгриёр (183) топонимларининг биринчи компонентлари эса шакл – кўринишни англатувчи сифат лексемалар билан шаклланган. Сифат+от қолипида ясалган топонимларнинг баъзилари таркибида форсча-тожикча сурх (қизил), сиях (қора), гарм (иссиқ) сўзлари иштирок этган: Сурхоб (202, 299), Сурхработ (277), Сурхруд (190), Сияхсанг (186, 187), Сиёхоб (107), Гармчашма (205, 309, 322) ва ҳоказо.

3. Сон билан отнинг қўшилиувидан ҳосил бўлган қўшма топонимлар. Ушбу турга алоқадор урин-жой отлари объектларнинг саногини, индикаторни билдиради. Уларнинг биринчи компонентлари беш, етти, қирк, қўш сўзлари орқали ифода қилинган: Бешкент (153), Еттикент (63), Қирқарик (309), Қўшгунбаз (205, 212), Қўштегирмон (165) ва бошқалар. Маъмур типдаги топонимларнинг айримлари форсча-тожикча чор, чаҳор (Тўрт), панж (беш), чил (қирк) сўзлари воситасида ҳам ҳосил қилинган: Чарау (116), Чаҳорбоғ (72), Панжоб (304), Панжкўра (286, 287), Панжшер (108), Панжхир (182, 183, 188, 193, 218), Чилустун (106), Чилқулба (316) ва б.ш.

Шуни қайд этиш лозимки, “Бобурнома”даги қўшма топонимларнинг келишида топонимик индикаторлар фаол иштирок этган. Уларнинг асарини кент (Арчакент, Еттикент), қанд (Тошқанд, Ёрканд, Навқанд), қанл (Ўзганд), қат (Ахсикат, Банокат, Даҳқат, Фанокат), тоғ (Олатоғ, Саритоғ), сарой (Оқсарой, Жигонсарой, Бўстонсарой, Кўксарой), сув (Сўйсуй, Қизилсув), боғ (Қорабоғ, Боғичинор, Боғикалон, Боғимайдон), рабоб (Сурхработ, Қораработ), кўх (анбаркўх, Барокўх), дара (Тутумдара), руд индикаторлари (Жамруд, Сурхруд, Камруд) орқали ясалган.

Ҳуулас, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги жой номларининг морфологик тузилиши, ясалиши ўзига хос муҳим белгиларга эгадир. Асарда қайд қилинган жой номларининг ясалиши шундан олиб борилган кузатишлар, таҳлил натижалари тарихий лингвистика ва морфология, сўз ясалиши соҳалари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Т. ЖУМАЕВ, ҚарДУ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА БОБОТИЛ УНСУРЛАРИ

II. Поппенинг кўрсатишича, олтой тили бизнинг эраимиздан ўн-ўн беш аср олдин мавжуд бўлиб, у турк, мўғул ва тунгус-манчжур тилларининг бобо тили ҳисобланади. Ҳозир бу гуруҳ тиллари бир-биридан жуда улоқлашиб кетган¹. Шунга қарамай улар орасидаги алоқадорлик бизнинг топонимизгача етиб келган.

Г. Рамстедт ва Н. Поппелар боботилдаги /p/ ва /л/ ҳамда юмшшоқ тилиффузга ўтган /p'/ ва /л'/ ундошлари туркий тилларда турли фонетик ҳолатлар касб этганлигини уқтиришади. Ўша даврдаги ротацизм ҳозирги тилида сақланиб қолганлиги бу фикрнинг исботи бўлиб хизмат қилади. Бошқа туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида /p/ ундошининг фонетик тажаллилари /з/ тарзида фаол истеъмолга ўтган. Бундай ҳолат

¹ Poppe N. Vergleichende Grammatik der altaschen Sprachen. – Wiesbaden, 1960.

чуваш ва ўзбек тилларидаги лексик бирликларни солиштирганда намоён бўлади. Масалан, *чир* – *тиз* (тиз чўкмок), *пар* – *муз*, *хур* – *ғоз*.

Олтой даври туркий тиллар таракқиётида, бир томондан, турк, мўғул, тунгус-манчжур тилларига бўлинган умумий тил бўлганлиги билан характерланади. Фонетика соҳасида юқоридаги ҳолатларни назарда тутиб тилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) *ч-ш* (с) ловчи турк, мўғул тиллари; б) *т* ловчи тунгус-манчжур тиллари.

Туркий тилларда товушлар қўлланиш ўрнига кўра турли хил қонуният асосида юзага чиқади. Бу қонуният товушнинг сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида келишига нисбатан ҳар хиллик касб этади. Ўзбек тилида сўз бошида келадиган *й* ундоши шу гуруҳга мансуб бошқа тилларда ҳар бир тилнинг индивидуал хусусиятига кўра турли-туман қўлланади. Масалан, ўзбек тилида *йўл* сўзи киргиз тилида /ж/ *жол*, қозок тилида /ж/ *жол*, олтой тилида /д/ *дол*, чуваш тилида /ц/ *цул*, ёқут тилида /с/ *суол*, хакас тилида /ч/ *чол* сингари ранг-барангликка эга. Бу ҳолат сўз ўртасида эса мунтазам равишда /й/ нинг сақланши билан характерланади. Масалан, қозок, киргиз, туркман, қорақалпоқ, нуғай, қўмиқ, татар, бошқирд тилларида *ай* “ой” сингари бир хил, чуваш тили булғор гуруҳининг вакили бўлганлиги сабабли *уйах* шаклини олган.

Боботил даврида мавжуд бўлган қисқа /а/ биринчи бўғинда татар тилида лабланган /^оа/ *б^оас* “бош”, чуваш тилида /у/ *пуу* “бош” сингари ишлатилса, ўзбек тилида /о/ *бош* тарзида кенг лабланган унлига ўтган.

Умумтуркий /с/ айрим тилларда /х/ га ўтади. Масалан, туркий тилларда *сақал* “соқол”, бошқирд тилида *ҳақал* “соқол”, туркий тилларда *сары* “сарик”, бошқирд тилида *ҳары* “сарик”, туркий тилларда *сут* “сут”, бошқирд тилида *хут* “сут”, ўзбек тилида *сут*.

Туркий тиллардаги /з/ ва /з'/, /д/ ва /д'/ Г.Рамстедтнинг қайди қилишича, боботилдаги /р/ асосида шаклланган¹. Масалан, чуваш тилида *хуран* “қозон”, бошқа туркий тилларда *қазан*, чуваш тилида *хер* “қиз”, бошқа туркий тилларда *қыз* “қиз”. Бундай алмашилиш морфологик бирликларда ҳам кўринади: чуваш тилида *хула-ра* “шаҳарда”, қорақалпоқ тилида *қала-да* “шаҳарда”.

Турк ва мўғул тилларидаги лисоний белгиларнинг фарқларига қарамай, уларда унли фонемалардаги умумийликлар яхши сақланган: /а/, /э/, /о/, /е/, /у/, /у'/, /ы/, /и/, /ў/, /и'/ тарзида. Сўз бошида келадиган /ш/, /с/, /ч/ ва /й/ ундошлари ҳам ўзгаришсиз қўлланади.

Олтой тилининг белгилари туркий ва мўғул тилларида лексика соҳасида ҳам кўринади. Масалан, қалмиқ тилларида *сал* “сол”, – татар тилида *сал* “сол”; мўғул тилида *орон* “ўрин” – татар тилида *урын*, киргиз тилида *орун* “ўрин”; мўғул тилида *мал* “қўй”, “жонлик” – татар, қозок, қумиқ тилларида *мал* “қўй”, “бойлик”, “товар”; мўғул тилида *сахор* “қўр” –

¹ Рамстедт Г. Введение алтайского языковедения: Морфология. –М., 1957. –С. 194.

татар тилида *суқыр*, қозок тилида *соқыр*, ўзбек тилида *сўқыр* “кўр”; мўғул, қалмиқ тилларида *тах* “тақа” – қозок тилида *тага*, татар тилида *дага* “тага”, ўзбек тилида – *тақа*; мўғул, қалмиқ тилларида *тоғт*- “тўхтамоқ” – татар тилида *тукта*, татар тилида *токто* “тўхтамоқ”, ўзбек тилида – *тоқта*.

Олтой тили оиласига кирувчи тилларда яна шундай лексик бирликлар сақланганки, ҳатто уларни бир гуруҳ тиллар доирасидаги мўғул деб тасаввур этиш мумкин: мўғул тилида *гедес*, “паст”, қадимги турк тилида *кедин* “кейин”; мўғул тилида *чаг* “вақт”, қадимги турк тилида *чак* “вақт”; мўғул тилида *сага*- “соғмоқ”, туркий тилларда *саг*- “соғмоқ”; мўғул тилида *бол*- “бўлмоқ”, туркий тилларда *бол*- “бўлмоқ”; мўғ. *бутара*- “таралмоқ”, эски ўзбек тилида *бутра*- “таралмоқ”. Масалан, Алишер Навоийнинг “Ҳилолия” қасидасида *бутра*- сўзи шу маънода қўлланган:

*Жилсагар учинчи гулшан ичра раъно шоҳиде,
Бутратиб бўлмоққа ақл ошуфта зулфи нақҳатин*

(“Ҳилолия” 6-бет).

Турк ва мўғул тилларининг морфологик умумийликлари ҳам уларнинг бир боботилнинг “ворислари” эканлигини исботлайди.

Бош келишик. Г.Рамстедт мўғул тилларида бош келишикдаги мўғулларда *н* ўзак таркибида бўлган, масалан, *нар* “кўёш” *наран* сўзидан шаклланган, *н* кейинги даврларда тушиб қолган, туркий тиллардаги бу эрраттиш олмоши қаратқич келишиги қўшимчасини олганда *мунуң* мўғуллари ҳодисага ўхшайди, деган хулосани айтади. Бу ерда *н* ўзак қўшимчани бирлаштирувчи маркер ҳисобланади ва унинг ўзакка алоқадор эканлигини оддий ҳақиқат эканлиги кўриниб турибди¹.

Қаратқич келишиги. Қадимги туркий тилдаги *-н* олтой давридаги мўғулдан шаклланганлигини туркий ва мўғул тилларидаги *-иң* ва *-уң* нинг фаол қўлланганлигидан англаш мумкин. Масалан, *эб* “уй”, *эб-иң* “уйнинг”, мўғул тилида *гер* “уй”, *гер-иң* “уйнинг”. Бундай ҳолат ўзбек тилининг ўғуз шеваларида сақланиб қолган.

Жуналиш келишиги. Н.Поппенинг таъкидлашича, олтой тили даврида мўғулнинг келишиги қўшимчаси *-а* бўлган². Бу ҳолат туркий тилларда ҳам мўғул тилларида ҳам сақланган. Масалан, қадимги туркий тилда *даг-а* “тоққа”, мўғул тилида *гажар-а* “тупроққа”. Мўғул тилида *-а* фақат жуналишни эмас, балки ўринни ҳам англайди: *гажар-а* “юртга” ва “ерди” маъноларида. Бу ҳолат туркий гуруҳнинг ўғуз тилларида ва ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасида ҳам сақланган.

Ҳозирги Қарши шеvasида ҳам *-га/-ка/-қа* қўшимчалари йўналиш ва ўрин маъноларида кенг қўлланади. Бу ҳам боботилнинг давоми сифатида ўзбек тилининг шеваларида яшаб келаётганлигидан далолат беради.

1. Голланд Г. И. Введение алтайского языкознания: Морфология. –М., 1957. –С. 33
2. Голланд Н. Vergleichende Grammatik der altashen Sprachen. – Wiesbaden, 1960. –P. 198.

Тушум келишиги. Туркий тилларда тушум келишиги *-ы, -и* билан ифодаланади: *сән* “сен” – *сән-и* “сени”. Мўғул тилида эса тушум келишиги *-и* ёки *-йи* морфологик кўрсаткичларига эга. Масалан, *гар* “қўл”, *гар-и* “қўлни”, *ақа* “ака”, *ақа-йи* “акани”. Шунингдек мўғул тилларида ҳам, қадимги туркий тилда ҳам тушум келишигининг *-г* ёрдамида воқеланиш мавжуд: *будун* “халк”, *будунуг* “халкни”.

Шуниси характерлики, қараткич келишиги олтой даврида кўрсаткичга эга бўлмаган, унинг грамматик маъноси синтактик йўл билан ифодаланган. Тушум келишигининг грамматик маъносини қўшимчалар билан ифодалаш кейинчалик юзага келган¹.

Урин келишиги. Бу келишик туркий тилларда ҳам, мўғул тилларида ҳам *-да, -та* морфологик кўрсаткичи билан юзага келган. Масалан: турк тилида *даг-да* “тоғда”, *тала-да* “далада”. Мўғул тилларида эса бу қўшимчанинг лаб сингармонистик варианты ҳам сақланган. Бу ҳолат тунгус-манчжур гуруҳининг эвинк тилида мавжуд. Масалан, *нома-ду* “халтада”. Урин келишигининг лабланган варианты қадимги туркий тилда ҳам ўзбек тилида ҳам сақланиб қолмаган. Демак, унинг олтой давридаги хусусиятлари мўғул ва тунгус-манчжур тилларида фаол истеъмолда.

Чегара келишиги. Чегара маъноси туркий тилларда мураккаб, қўшма аффикс *-гача//гача* бўлиб, *-га* ва *-ча* қўшимчаларининг бирикувидан ҳосил бўлган бўлса, (масалан:

Мен доғи мингдин бирин айлай баён,

Сизга бирдин минггача айлай аён (“Лисонут тайр” 20-бет).

тарзида), мўғул тилларида фақат *-ча* ёрдамида юзага келади: *кенча* “унгача; мўғул тилларида бу формант ўз қадимийлигини сақлаган, ўзбек тилида эса у “янгилик тўнини” кийган.

Биргалик келишиги. Биргалик маъноси мўғул тилларида *-луға*, туркий тилларда *-лиғ* қўшимчалари билан ҳосил қилинади, қадимги туркий тилда *атлығ* “отлик”, “оти бор киши” тарзида ишлатилган; ҳозирги ўзбек тилида шу форма ҳам, сема ҳам сақланиб қолган. Бу борада ҳар икки гуруҳ тиллари ҳам боботилнинг лисоний “мероси”ни тўлиқ сақлаб қолган.

Демак, она тилимизнинг тараққиёт йўли олтой тили, хун тили, қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек тили сингари минглаб йилларни ўз ичига олган тараққиёт босқичларини бошидан кечирган бўлса-да, боботил ҳисобланмиш олтой тилининг энг қадимги ва нодир хусусиятларини сақлаб қолган. Ўзбек тилининг қадимийлиги унинг ўтмишдоши бўлмиш мўғул ва тунгус-манчжур гуруҳлари тиллари билан лисоний умумийликларида кўринади.

¹ Поппе Н. Ўша асар. –Б. 199.

ИЛК СЎЗИНИНГ ВАРИАНТЛАРИ

Ҳозирги ўзбек тилида муайян сўзнинг бир неча шакл ва кўринишларда ишлатилиши адабий меъёрга зид келияди. Кўпчилик ҳолларда бир тушунча ёки мазмун афғлатиш учун тилда бирдан ортик восита ёки усулдан фойдаланилади. Шунингдек, бир шакл турли маъно ва маънифиларда қўлланади. Бу ҳодиса кўп маънолилиқ ёки полисемиядир. Шу билан бирга, хилма хил усулларда ифодаланиб, қайд этилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда маънодаги умумийлик сақланади. Шунга қарамай, она тилимизда шундай сўзлар мавжудки, улар формал ва семантик нуқтаи назардан бир-бирига алоқадордек кўринади. Аммо уларга диахроник фикрдан ёндашилгандагина, бу сўзларнинг маъно жиҳатдан яқинлигини аниқлаш мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланадиган *илк*, *илдам*, *илғари*, *илғор* сўзларини олиб кўрайлик.

Илк сўзи ҳозирги туркий тилларда турли фонетик вариантлар билан кўрилганидан фаол сўз ҳисобланади. Хумладан, озарбайжон, қрим-татар, бошқирд, турк, туркман, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа тилларида: 1) “биринчи”; 2) “олдинги”; 3) “дастлабки” маънолари билан турли-туман фонетик вариантларда қўлланади. С.Малов *илк* – *илки* – *илки* – *илкин* синонимик қатори восита келишиги орқали шаклланган *илкин* лексик биринчидан юзага келганлигини, бошқалари унинг қисқариши билан шаклланганлигини кўрсатиб ўтади.¹

Илкин ҳозирги турк, озарбайжон, қрим-татар, қорақалпоқ, қўмик, қозоқ тилларида “бошланишидан”, “олдиндан”, “биринчидан” каби маънолари билан сақланиб қолган. Демак, С.Маловнинг фикри асосли, тунгус *илк* ўзак морфемаси шаклан ҳозирги туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг морфем структурасига бир бўғинда унлиларнинг қатор келиши билан мос эмас. Бу унинг қисқариш орқали шаклланганлигидан гувоҳлик беради.

М.Расянин эса *илк* тунгус тилидаги *елек* “бошланғич”² сўзи билан боғлиқлигини ёзади ва бу лексема ҳақидаги барча этимологик сўлобиларнинг ибтидоси чуваш тилидаги *ил* ўзагига бориб тақалишини кўрсатади³. Кўринадики, боботил даврида ҳам бу сўз икки бўғиндан иборат бўлганлигини М.Расянин ҳам тасдиқлайди. Ҳ.Вамбери *ил*, *эл*, *ал* кўринишнинг ўзакдош эканлигини уқтириб, улар “олдин”, “олдинги”, “дуруст”, “илғор” маъноларини ифодалашини кўрсатиб ўтади⁴.

¹ Малов С. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М., 1951. – С. 380; Малов С. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М. – Ф., 1951. – С. 94.

² Oskanen M. Uralaltaiche Vortforschungen. – Sto. VIII, 3, 1955. P. 51.

³ Oskanen M. Versuch eines etymologischen Wörterbuchs der Türksprachen. Helsinki, 1969. —P. 170.

⁴ Vambéry H. Etymologischer Wörterbuch der Turko-tatarischen Sprachen. Leipzig. 1878. –Б. 134–140.

К.Броккельман ҳам ушбу фикрни қувватлайди ва *ил* ўзагини маъносини “эшик олди” бўлган деб изоҳлайди¹. *Ил* ўзаги “олдинги” маъноси билан *илгари* сўзига тегишли эканлиги кўриниб турибди, шунинг учун ҳам *илк* илик – илки сўзлари ўзаро синонимик қатор ҳосил қилади.

Ил асосли *иллай* сўзи юқори Қашқадарё шеваларида қўлланиб, “олдин” маъносини англатади. Унинг ўғуз вариантыни Ж.Зенкер, М.Эргин, Ҳ.Вамбери каби олимлар тасниф қилишиб,² *ایلای* (*илей* ёки *илий*) дан келиб чиққанлиги уқтиришади. *Ил*- илк сўзининг ўзаги бўлиб, *-ей* (*-ий*, *-ай*) турки тилида “томон”, “тараф” маъносини англатади: *гун-ей* “жануб томон”, *куз-ей* “шимол томон”. С.Какук бу морфемани салар тилидаги *ili* сўзи билан қиёслаб, *il* асоси “олдинги” маъносини ифодалашини ёзади³.

Илк лексемасига “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да қуйидагича изоҳ берилган:

ИЛК кт. 1 Дастлабки, биринчи; бошланғич. *Кўёшнинг илк нурлари. Шоирнинг илк шеърлари.*

2 Эрта. *Илк баҳор. Илк саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кунларнинг бирида, кўёш энди тиз ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш — икки отлиқ чиқиб келаверди.* М. Исмоилий, Фарғона тоғ отгунча⁴.

Профессор Ш.Раҳматуллаев қадимги туркий тилдаги “олд” маъносини англатган *ил* отидан *-и* қўшимчаси билан “олдга томон ҳаракатлан-» маъносини англатувчи *или-* феъли ясалган ва унга *-к* қўшимчасини қўшиб илик сўзи ясалган, деб изоҳлаган⁵.

Илгари сўзи лексикализация (деграмматизация) асосида вужудга келган: *ил* + *гари*. Маълумки, қадимги туркий тилда жўналиш келишиги *кәрүл/-гарул/-қару* дан *-гару* қўшимчалари билан ҳосил қилинган. *Илгари* нинг ўзаги *ил* юмшоқ бўлганлиги сабабли худди шундай белгили *-гару* қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлган ва “олдин”, “бурун”, “дастлаб” маъноларини англатади. Бу сўзнинг туркий тилларда “олд томон”, “шарқий томон” маъноларда қўлланишини А.Габен ҳам қайд қилган⁶. Аммо *илгари* сўзини XIX аср сўнггида қадимги туркий тилнинг билимдони В.Радлов *илк-эри* сингари морфемалардан юзага келганлигини қайд қилади⁷. Бу мунозарали ҳукм. Ўзак–илк: асосли фикр, аммо *-ари* аффиксининг туркий тилда “олд томонга ҳаракат” маъносини ифодалашини

¹ Brockelmann C. Osttürkische Grammatik der Islamischen Litteratursprachen Mittelalters. Leiden, 1954. - P. 140.

² Zenker J. Dictionnaire Turk-Arabe-Persan, t. 1. Leipsig, 1866. -P. 151.; Ergin M. Dede Korkut Kitabı, İndeksgramer. Ankara, 1963. -P. 151.; Vambery H. Die primitivi Culture des turkotatarischen Volkes auf Grund aprachtlicher Forschungen. Leipzig, 1879. -P. 212.

³ Какук S. Un vokabulaire salar – AS (Budapesht), t. XIV, fasc. 2, 1962. -P. 182.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-том. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. -Б. 194.

⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий сўзлар). -Тошкент: Университет, 2000. -Б. 362.

⁶ Gabain A. Altürkische Grammatik. Aufl. Leipzig. 1950. P. 310.

⁷ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий, I-IV. СПб., 1893. P. I. 1941.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да *илгари* сўзи асли қадимги туркий тилдаги «олд» маъносини англаган *ил* отига жўналиш сўзинининг қадимги *-гару* қўшимчасини қўшиш орқали (*ил + гару = илгару = илгари*) ҳосил бўлганлиги баён этилган¹. Маҳмуд Кошғарийнинг *Девону луғотиг турк* асарида бу сўзнинг “эшик олди”, “муқаддас қабиланин қирама-қаршиси”, “эшик”, “тубан” маънолари келтирилган².

Илдам “тез”, “тез ҳаракат қил-“ *йэл-* (елмоқ) феълида протеза билан асл юз бериши ва *-ла* феъл ясовчи қўшимчаниннг бирикувидан ҳамда *-и* сифат ясовчисидан ҳосил бўлган. Бу сўзнинг Қашқадарё шеваларида *илдам* шакли ҳозир ҳам қўлланади. Шаклан унга яқин *иллай* лексик шаклини ҳам шу шеваларда фаол ишлатилади ва “олдин”, “бурун” маъносини ифода этади. Демак, *илдам – иллай – иллам* сўзларининг ўзаги *ил* билан, бали *йэл-* ҳисобланади³.

Профессор Ш.Раҳматуллаев бу сўзни қуйидагича таснифлайди: “Бу сифат қадимги туркий тилдаги «олд» маъносини анлатган *ил* отига *-да* (<-и> қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан *-м* қўшимчаси билан ясалган *илдам* керак” деб ёзади⁴. Бу ерда сўз ясовчи қўшимчасининг *-да* эканлиги аниқ. Туркий тилларнинг аксариятида бу сўзнинг ҳосила шакллари туркий тилдаги суръатни англатади: хусусан, қўмиқ тилида *желдү* “жилди”, қарақалпоқ тилида *йелде-*, қирғиз тилида *желде-*, қозоқ тилида *желе-* “елдек” билан ташқари, турк тилида *йелгин* “елдек”, “жилган”⁵, қўмиқ тилида “тез бўлишнинг”, қозоқ тилида *желік* “жилган”, “қўзғалган” сўзлари ҳам шу форманини қувватлайди. Ўзбек тилида *-м* сифат ясовчи қўшимча қўшибилади⁶.

Илгор зоҳиран, синхроник аспектда *илдам*, *илгари* сўзлари билан бир маънони (*ил*) ўхшаса-да, диахроник нуқтаи назардан улар орасида ҳам фарқлар, ҳам семантик жиҳатдан фарқлар мавжудлигини кўриш мумкин. *Илдам*, *илгари* лексик бирликларидаги *ил* ўзаги юмшоқ асосли бўлганлиги билан *-ла-м* (*-да-м*) ҳамда *-гари* қўшимчаларини қабул қилган ва “олдинга томон ҳаракат” маъносини англантиши юқорида келтирилди. *Илгор* сўзининг асоси *ил* тасниф этилган икки сўз билан шаклан ўхшаса ҳам *илгор* қаттиқ қўшимчасини олганлиги бу фирга қарши фикрларнинг туғилишига олиб келади. Бу уч сўз ҳозирги ўзбек тилида бир хил талаффуз билан ҳам тарихан уларнинг шаклланиш асоси турличадир.

Илгор сўзи “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “...қадимги

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). - Тошкент: Университет, 2000. -

б. 362.

² Кошғарий М. Девону луғотиг турк. Нашрга таёрловчи ва таржимон С.Муталлибов. - Тошкент, 1960. -Б.

38. 49.

³ Fehmi I Th. Dictionaire Turc-Arabe-Persai, t. I. 1866.

⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). - Тошкент: Университет, 2000. -

б. 362.

⁵ Древнеперсский словарь. -С. 572.

⁶ Шайбурраҳмонов Ш. в.б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент: Уқитувчи. 1980. -Б. 205.

туркий тилда «олд» маъносини англатган ил отининг *ыл* шаклидан *-га* кўшимчаси билан ясалган *ылга-* («олдинга бор-») феъли мавжуд бўлиб, *-р* кўшимчасини кўшиб бу феълнинг сифатдош шакли ҳосил қилинган («олдинда борувчи»); бу сифатдош маъно тараққиёти натижасида сифатга айланган...¹

Г.Рамстедт *илгор* сўзи мўгул тилларидан ўзлашганлигини ва *йра* «бўлмоқ», «танламоқ», «фарқ қилмоқ», «яхшисини танламоқ» маъноларини англатишини уқтиради². С.Калужински ва М.Расянинлар³ олтой тилида, барабин, телеут лаҳжаларида худди шу маъноларда қўлланадиган *уҗа* сўзи мавжудлигини кўрсатади. Кўринадики, *илгор* сўзи қаттиқ ўзақли *ылга* феъли ва *-р* сифат ясовчи кўшимчаси орқали юзага келган.

Маълум бўладики, *илк*, *илдам*, *илгари*, *илгор* сўзлари синхроник жиҳатдан туб сифатлар ҳисобланса ҳам, диахроник нуқтаи назаридан уларнинг барчаси ясама ҳисобланади. Бундай ёндашувда зоҳиран уларнинг ясалиш асоси *ил* бўлиб кўринса-да, қадимги туркий тилдаги восита келишиги билан қўлланган *илкин* сўзининг қисқаришидан; *илдам* – *йэл*-сўзида протеза ҳодиси юз бериши натижасида тил олди, ўрта кенг, лабланмаган унлининг торайиши натижасида; *илгари* – *ил* асоси ҳамда *-гари* кўшимчасининг яхлитланишидан, яъни лексикализацияланишидан, *илгор* сифати қаттиқ асосли *ылга-* феъли ва *-р* ясовчиси орқали юзага келган.

Ш. ТҲЛАГАНОВА, ТошДШМ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДА ЕР ҚУТБЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ СТЕРЕОТИП БИРЛИКЛАР

Илк ўрта асрларда яратилган манбалар ўзбек тили тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тил тарихининг мазкур даври бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ҳали тўла ёритилмаган жиҳатлари бор. Қадимги туркий битиглар учун хос бўлган стереотиплик ҳодисаси шулар жумласидандир. Стереотип бирликлар қадимги туркий битигларнинг услубий жиҳатларидан бири. Қуйида стереотип бирликлар, уларнинг матн бадийлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳамда уларнинг кейинги давр адабиётига ўтиш ҳолатларини таҳлил қиламиз.

Туркий ёдномаларда такрорланган стереотип бирликлар кўплаб турколог олимларнинг эътиборини тортган ҳамда улар мазкур ҳодисага турлича фикрлар билан ёндашишган. Уларга кўра, стереотип бирликлар матн бадийлигига хизмат қилувчи воситалардан биридир [3, 222-28].

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий сўзлар). - Тошкент: Университет, 2000. - Б. 362.

² Ramstedt G. Kalmukishes Wörterbuch. - Helsinki, 1935. P. 106

³ Kaluzynski S. Mongolische Elemente in der jakutischen Sprache. -Warshava, 1961. -Б. 22; Rasanen M. Verasuch eitug etymologischen Wörterbuchs der Türksprachen. -Helsinki, 1969. -Б. 1658.

Мазкур атамага нисбатан берилган бошқа бир таъриф қуйидагича:

"Стереотип бирликлар деганда мағнларда тез-тез такрорланувчи, ушбу бий жиҳатдан ихчам сўз бирикмалари ва жумлалар тушунилади" [4, 119].

Ўдномаларда турли мазмундаги стереотип бирликлар учрайди. Шундан бири ер кутблари билан боғлиқ стереотип бирликлардир. Улар муаллифларнинг ўзига хос баён қилиш услуби орқали юзага чиқади. Ўдномаларда уруш ёки шунга ўхшаш манзаралар тасвирланганда ер кутблари номлари бирма-бир саналади:

Ilgärü Šantun yazıqqa tägi sülädim, taluyqa kiçig tägmädim. Birgärü Toquz ärsänkä tägi sülädim. Tüpütkä kiçig tägmädim. Quriğaru Yincü ögüz-käcä Tämir qurıqqa tägi sülädim. Yirğaru Yär Bayırqu yäriñä tägi sülädim... – "Шарққа – Шантунг даштига қадар лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга – Тўқуз арсанга қадар лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Ғарбга – Йинчу ўғузни кечиб, Темир копиққа қадар кўшин тортдим" [5, 39-40].

Ўдномаларда параллелизмлар анча фаол. Ер кутблари билан боғлиқ ифодилар ҳам кўпинча параллелизмлар орқали ифодаланади. Мазкур жумлада *Ilgärü* ва *Šantun yazıqqa*, *Birgärü* ва *Toquz ärsänkä*, *Quriğaru* ва *Tincü ögüz-käcä*, *Yirğaru* ва *Yär Bayırqu yäriñä* сўзлари параллел равишда қўлланилган. Ер кутблари акс этган стереотиплар лексик параллелизмларда акс этади. Чунки муаллиф ер кутблари номини санар экан, уларга мувофиқ келувчи томонлар ёки жой номларини ҳам параллел равишда келтиради. Мақсад келтирилаётган фикрни таъкидлаш ҳамда мазмунини бойитишдир.

Ўлгорликлар поэтикасини тадқиқ қилган олим Н. Раҳмонов битта тошларда учрайдиган ер кутблари билан боғлиқ ифодалар ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: "Ўдномадаги ҳар бир предмет ёки воқеа ҳақида сўз юритилганда, у ўз формуласига эга бўлади. Уруш ҳақида сўз юритилганда албатта тўрт томон (*Ilgärü*, *birgärü*, *quriğaru*, *yirğaru*) билан боғлиқ бўлади" [3, 225].

Лекин ўдномаларда фақатгина уруш воқеаларини баён қилиш учунгина ер кутблари номлари келтирилмаган. Бунда муаллифнинг баён услубидан келиб чиқиб, турли вазиятларда ер кутблари номма-ном қўлланган: *Ilgärü kün toğsuqa*, *birgärü kün ortusiñaru*, *quriğaru kün batsiqiña*, *yirğaru tün ortusiñaru*, *anta icräki bodun qop mänjä körür* – "Олдинга – кун чикарға, ўннга – жанубга, орқага – кун ботарға, чапга – шимолгача бўлган армоникдаги халқ бутунлай менга қарайди" [5, 39].

Жумла бадий ҳамда оҳангдорлиги жиҳатдан ҳам эътиборни тортади. Бунда муаллиф ер кутбларини билдирган сўзлар синономиясидан унумли фойдаланади. *Il* ва *kün toğsuq* – шарқ, *bir* ва *kün ortusi* – жануб, *qurı* ва *kün batsiq* – ғарб, *yir* ва *tün ortusi* – шимол каби кутбларнинг қадимги туркий тилидаги номи. Ер кутбларининг номлари атама шаклига кирган бўлса-да,

қадимги туркий тилдаги *kün toğsuq*, *kün ortusi*, *kün batsiq*, *tün ortüsü* каби атамалар антитезали ифода сифатида жумланинг бадий кийматини оширади. Қадимги туркий тилдаги қўшимчалар вариантлари (-*gärü*, - *ğaru*, -*a: suq*, *si q*) такрори ҳамда лексик такрорлар (*kün*, *ortusi*) жумланини оҳангдорлигига хизмат қилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ер қутблари номлари лексик параллелизмлар шаклида ифодаланганлиги учун ўқувчи онгида образли тасаввур уйғота олади. Демак, муаллифнинг параллелизмлар орқали баён қилиш услуби унинг поэтик мақсадини амалга ошира олган.

Тўнюққ, Кул тигин ва Билга хоқон битиглари Ўрхун ёдгорликларининг йирикларидир. Уларнинг битилган замони, макони бир бўлганлиги учун ҳам ёдномалар сюжетидаги ўхшашлик стереотиплик ҳолатини юзага келтирган деган фикрлар уйғониши мумкин. Бироқ орадан вақт ўтгандан сўнг, бошқа хоқонлик даврининг ёдгорликларида ҳам айнан шундай стереотипларни учратамиз. Хусусан, ер қутблари билан боғлиқ стереотипларга мисол келтирайлик: *Üzä kök tañri yarliqaduq ücün asra yağiz yer igitük jücün älimin törümin etinti, öñrä kün toğusuqdaqi bodun kisrä ay toğsuqdaqi bodun töri bulunđaqi bodun küç berür* – “Юқорида мовий осмон куйида кўнғир ер сийлагани учун менинг элим ва қароргоҳларим ўрнатилди. Олдинда, қунчиқарда яшовчи ва қунботар (ой чиқувчи тараф)да яшовчи, дунёнинг тўрт тарафида яшовчи халқлар менга ў кучларини берадилар” [2, 18].

Мазкур жумлада *öñrä* ва *kün toğsuq* – шарқ, *ay toğsuq* – ғарбни англатган. Мисол уйғур хоқонлиги даврида битилган Тариат битигидан олинган. Мазкур гапта биз Ўрхун ёдномаларда келган ер қутблари билан боғлиқ бўлмаган стереотип бирликларни ҳам учратамиз: *üzä kök tañri, asra yağiz yer*. Демак, стереотип бирликларини келтириш услубига кўра шунини хулоса қилишимиз мумкинки, Ўрхун битиглари маълум давр учун адабий мактаб бўлиб хизмат қилган.

Мисолларда кўриб ўтилганидек, қадимги туркий битигларда ер қутблари қуйидаги номлар билан аталган:

Шарқ – *Il, kün toğsuq*, *öñ*;

Ғарб – *Qurı, kün batsiq, ay toğsuq*;

Шимол – *yir, tün ortüsü*;

Жануб – *Bir, kün ortusi*;

Муаллиф уруш мотивлари ёки шунга ўхшаш бирор ҳодисани тасвирлаш учун мазкур сўзларга тез-тез мурожаат қилади. Албатта, асарларда бирор бир сўзнинг такрор ишлатилиши услубда ғализликни юзага келтиради ва ўқувчини зериктиради. Аммо ёдномаларда бундай хатоларни учратмаймиз. Чунки, муаллиф ўрни келганда доим ҳам ер қутблари отларини нома-ном келтирмайди. Уларни умумлаштириб *tört byluñ* (*тўрт тараф=тўрт томон*) бирикмасидан ҳам фойдаланади. Ёдномаларда мазкур бирикма ҳам стереотип тарзида қўлланилган.

Tört buluy qop yaği ärmis, sü süläpän tört buluydağı bodınığ qop buluydağı... – “Түрт тараф бутунлай ёв эди, қўшин тортиб түрт тарафдаги бутунлай бутунлай олганлар” [5, 41].

Томонлар номи умумлаштириб айтилганда ҳам матнинг бадий баёнчилигини таъминлаш учун қандай хизмат қила олган деган савол туғилади. Муаллиф мазкур бирикма ёрдамида кескин вазиятни тасвирлайди. Лекин унинг қаҳрамони бу вазиятдан чиқиб кета олади. У ўзининг куч-қудрати, жасурлиги (шу ўринда тангрисининг марҳамати) билан тўртгала томондаги ёвни махф этди. Мазкур бирикма бошқа адабиётларда ҳам ишлатилган. Масалан, асар қаҳрамонлари ҳукмронлик қилган даврларда тўрт тарафдаги халқлар уларга қарам бўлганлиги назарда тутилган. Умуман олганда, “тўрт томон” тушунчаси матнда муболағали баёнлашни ифодалайди ва бадий буюкдорликни оширишга хизмат қилади. Масалан, кейинги давр адабиётида, хусусан “Шажараи турк” асарида куйидаги намуналар учрайди:

...agar elgä baralı tesäk tört tarafdağı ellärniñ barçası bizgä yav, agar barıy yurtda oltursaq bir yürügän va turğangä ücrämäy bolmasmiz [1, 28].

III, ikki yıl anda olturğandın soñ atı va äväsası tört yaqğa tüşdi [1, 37].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, стереотип бирликлар қадимги туркий битиглар адабиёти учун муҳим бўлган хусусиятлардан биридир. Улар акс этган матилар ҳеч бир қийинчиликсиз ўқувчида образли тасаввур уйғота олади. Стереотип бирликлар гўё барқарор бирикмаларга ўхшаса-да, улар бошқа-бошқа ҳодисалардир. Фарқи шундаки, барқарор бирикмалар нутққа ҳақ ҳошича олиб кирилади. Стереотип бирликларда эса вариация ҳолатлари кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абулғозий. Шажараи турк. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Абдуқудов. – Тошкент, 1992.
2. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Сибири. – Москва-Ленинград, 1959.
3. Раҳмонов Н. Култигин поэтикаси // Ўлмас обидалар – Тошкент, 1989.
4. Содиқов Қ. Уйғур ёзувида битилган қадимги туркий ҳужжатлар: бити ва унинг интерпретацияси // Туркий ҳужжатчиликнинг тарихий асарлари. – Тошкент, 2012.
5. Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. – Тошкент, 2009.

“DEVONI HIKMAT”DAGI AYRIM FORSCNA OZLASHMALAR

O‘zbek tili leksikasi tarixiy taraqqiyot jarayonida ichki hamda tashqi manbalar asosida boyib bordi. “Devoni hikmat” tilida forscha *rizqi farovon, ahdli vafu, ro‘zi mahshar, hoki poyi* kabi izofa birikmalar, *dog‘u hasrat, molu mulk, jonu dilim, ichu tashim, tog‘u tosh* kabi fors tili uchun xos bo‘lgan „it“ bog‘lovchili qurilmalar qo‘llangan. Forscha unsurlar hikmatlarning keyingi davrlarda ko‘chirilgan nusxalarida ko‘plab uchraydi. “Devoni hikmat” asari tildan-tilga, kitobdan-kitobga o‘tib borish natijasida til jihatdan zamonaviylashib borgan.

Fors-tojik tasavvuf she‘riyatini yangi va yuksak bosqichga ko‘targan Sanoiy, Fariduddin Attor, Jaloliddin Rumiyl singari mutasavvuf shoirlarning ijod namunalari bilan qiyoslaganda, albatta, “Devoni hikmat”dagi lirik tamoyil o‘zgacha ma‘no kasb etadi¹. Fors-tojik tilidan o‘zlashgan so‘zlar orasida otlar (*sartarosh, hunarmand*), sifatlar (*bachkana, toza*), ravishlar (*bajonidil, tez*), bog‘lovchilar (*dod, balli*), yuklamalar (*xuddi, xo‘sh*), modal so‘zlar (*binobarin*) kabi ko‘plab so‘zlarni uchratish mumkin.

Fors-tojik tilidan o‘zlashgan leksemalarda:

- so‘z oxirida qo‘sh undoshlarning qatorlashib kelishi ancha keng tarqalgan: *g‘isht, do‘st* kabi;
- kuchsiz lablangan “o” unlisi so‘zning ko‘p bo‘g‘inlarida qo‘llanadi: *ohang, obodon* singari;
- “ba”, “be”, “ser-”, “no-”, “bad-” kabi prefiksli so‘zlarni ham uchratishimiz mumkin.
- kor, -zor, -qash, -boz suffiksli so‘zlar qo‘llangan.

Bulardan tashqari, Ahmad Yassaviy she‘rlarida forscha izofalarni ham uchratishimiz mumkin. Fors tilida aniqlanmish bilan aniqlovchi o‘rtasidagi aloqa maxsus birikma-izofa yo‘li bilan ifodalanadi. Bunda so‘z tartibi quyidagicha bo‘ladi: birinchi o‘rinda aniqlanmish kelib, uning keyinidan urg‘u olmagan morfologik ko‘rsatkich “e” qo‘shimchasi qo‘shiladi, undan keyin aniqlovchi keladi. Aniqlanmish oxiriga qo‘shilgan “e” izofa deyiladi².

Quyida XI-XII asrlarda qo‘llanilgan ayrim forscha leksemalarning qay ma‘nolarda qo‘llanilganini ko‘rib o‘tamiz.

Misollar:

Qo‘lga olsang yobon qushdek qo‘lga qo‘nmas,

Qo‘lga olib tun uyqusin qilgil bedor.

Yobon – forscha so‘z bo‘lib, cho‘l, dasht, dala ma‘nolarini anglatadi. Bu baytda „cho‘l qushi“ ma‘nosida ishlatilgan.

Orif oshiq jon mulkida alam tortsa,

¹ Xaqul M. Taqdir va tafakkur. – T.: Sharq, 2007. – B.29.

² Xalilov L. Fors tili. -T., 1992. -B 51.

O'n sakkiz ming qomug' olam g'ulg'ul bo'lar.

G'ulg'ul – forscha shovqin, suvning sharqirashi degan ma'nolarni anglatadi.

Shibli oshiq samo urdi partayko`rub,

Mustafoni hozir ko`rub savol so`rub.

Partav – forscha yorug'lik, nur, shu'la, porloqlik ma'nolarini anglatadi.

Shuningdek, asarda qo'llangan forscha qatlamga oid ayrim leksik birliklarga namuna sifatida quyidagilarni keltirish mumkin: *Mo`bad* – 1) otoshparast din boshlig'i. 2) donishmand, hokim, dono. *Ozmoyish* – sinash, o'qibona, *Ko`fia* – yanchilgan, urilgan; charchagan, zada bo'lgan. *Duraxsh* – porlash, yarqirash, nur, ziyo. *Baranda* – yetakchi, olib ketuvchi. *Purjamm* – katta jumoat, zo'r maraca, katta yig'in. *Pushtibon* – tirgak, suyanchiq. *Tabovanda* – tortadigan, jozibali, jozibador. *Sarbasar* – butunlay, boshdan-oyoq. *Uvco* – ko'ruvchi, ko'zli; o'tkir ko'zli, ziyrak. *Jilvanamoy* – jilva ko'rsatuvchi; jilva qiluvchi. *Kapanak* – jundan qilingan ustki kiyim, jun chakmon, daraytblarning jun kiyimi. *Shabafruz* – kechani yorituvchi.

Xulosa qilib aytganda, Ahmad Yassaviy she'rlarida qo'llangan leksik birliklarning asosiy lug'aviy qatlamini o'sha davr o'zbek tilida mavjud bo'lgan so'z va iboralar, eski turkiy leksik qatlam, fors-tojik, arab tiliga xos leksik birliklar tashkil etadi.

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

З. ҚОДИРОВ, У. РАҲИМОВ, АДМ

ТИЛ СИСТЕМАСИДА ГРАММАТИК БИРЛИК МАСАЛАСИ

Ҳозирги кунгача лисоншуносликда лисоний унсурлар алоҳида ҳолда олиниб, амалий босқичда ўрганилди ва уларнинг қиммати шу андозада белгиланди. Лисоншуносликнинг асосий вазифаси лисоний унсурларни юқори сатҳда-амалий босқичда биргаликда (компонент) таҳлил қилиш, уларнинг сон қимматига тенг келмайдиган сифат қимматини белгилашдан иборатдир. Лисоний унсурларнинг сифат қимматини белгилашдан иборатдир. Лисоний унсурларнинг сифат қиммати лисоншуносликнинг кенжа соҳаси – семантик синтаксисда, синтаксемик таҳлилда аниқланди. Ҳар бир унсурнинг сифат қиммати шу унсур билан семантик муносабатда турган муайян қуршовдаги унсурнинг қимматидан олиниши семантик синтаксиснинг маҳсулидир. Назарий тушунчалар асосида тил ва унинг унсурларига систем-структур принципа ёндошиш бевосита диалектик логикага бориб тақалади. Диалектик логиканинг ядроси “иккилик”-қарама-қаршилиқ асосига қурилганлиги систем-структур йўналишнинг моҳиятини ташкил қилади.

Тилнинг умумий (грамматик) категориялари икки ёки ундан ортиқ унсурнинг ўзаро ички иккиланма муносабатидан ташкил топади, яъни категория унсурлари бири иккинчисини тақозо қилади ва ўз навбатида, бири иккинчисини инкор қилади. Тил бирликларига систем ёндашув диалектик принципни сақаган ҳолда бир грамматик шаклнинг минимум икки оппозиция қаторини тақозо қилади. Диалектиканинг муҳим факторларидан бири ўрганилаётган ҳодисаларга субстанциал ёндашув, яъни ички ва ташқи томони диалектик бирликда бўлган грамматик шакл объектлик реалликда муносабатга киришганда қимматини йўқотмайди.

Грамматик категориянинг марказий элементлари грамматик шакл системасининг энг қадимий ва энг иррационал мустақил системаси морфосинтактик ва семантик категория ҳисобланиб, ўзида модал ва диктал маъноларни грамматик семантик вариантларда ифодалайди.

Люсьен Тенъер ўзининг “Структур синтаксис асослари” да “икки нарса” нинг бирлашишидан янги бир моҳиятни натрий (Na) ва хлор (Cl) мисолида конкрет моҳият – ош тузи (NaCl) ҳосил бўлишини мисол қилиб, бир лисоний унсурнинг иккинчи лисоний унсур билан муносабатга киришувидан янги моҳият – грамматик маъно ҳосиласини кўрсатади ва бу моҳият ҳар икки лисоний унсурнинг имкониятидан келиб чиқишини

ташди! Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг илм-фанда ҳам ўз аксини топиши шубҳасиз. Гарчанд тилшуносликнинг илдири жуда қадимга, эрадан аввалги даврга бориб тақалса-да, у бугунги кун тилшунослигининг тарозиси билан ўлчанади. Давр тилшуносликнинг мақсадлини чуқурлаштириши, имкониятини ошириш билан биргаликда ўз таркибиди нуктаи назаридан қарашни талаб қилиши табиий бир ҳолдир. Ҳалимги ҳинд тилшунослигидан бошлаб шу кунгача бўлган даврни босиб ўтган тилшунослик бугунги кунга келиб янги, юқори босқичдаги "структур семантик систем" тилшуносликка айланди.

XX асрга келиб қатор фанларда – математика, физика, химия, биология, психология ва тилшуносликда структура (тузилиш) ни ва шу структурани ташкил қилган элементларни ўрганиш бошланди. Структура ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатга киришадиган элементлар мажмуасидир. Тилшунослик- даги бу йўналиш жаҳондаги қатор мамлакатларда ўзининг истеъдодли вакиллари етиштир- ди. Швецарияда-Фердинанд де Соссюр, Чехославакияда (Прагада) рус олими Н.С.Трубецкой, Копенгагенда Луи Блямелев, АҚШда Э.Сепир, Л.Блумфильд, кейинроқ Ц.Харрис ва бошқилар. Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Н.Хомскийнинг генератив лингвистикаси қатта шовшувларга сабаб бўлса ҳам, 70-йилларга келиб, бу асрнинг тил фактларига асосланмаганлиги, соф формал кўрсаткичларга асосланганлигини Хомскийнинг ўзи ҳам тан олди. Лингвистика яна семантикага тилнинг экстралингвистик факторларини ҳисобга олишга кайтди.

Ҳеч қайси фан текис таракқий этмайди, жумладан, семантика ҳам ўз бошидан "кўтаририш" ва "пастлаш" ни ўтказди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида, аникроғи, К.Рейзиг, И.Бреаль, Г.Пауль, бизда М.М.Покровский ишларидан кейин семантика мустақил фан сифатида тан олинди. Аникроғи, формал структурализм ўрнини систем йўналиш бошидан сўнг қайта шаклланди.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, уч қисмдан иборат белгилар системасининг умумий таркибини ўрганувчи семиотика тилшунослар дикқатини ўзига тортди: семантика – бегининг ифодаловчига муносабатини, синтактика-белгиларнинг ўзаро муносабатини ўргана бошлади.

Биринчи бўлиб тил ва тил унсурларини система муносабатига бўлишини И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр кўрсатди. Тил системасидир, унинг унсурлари бир бутунни ташкил қилади, бир унсурнинг қиммати фақат бир вақтдан (контекстдан -З.К), бошқа қимматларнинг топилишидан келиб чиқади.

1. Тейер Л. Основы структурного синтаксиса. - М., 1988. -С. 50.

Соссюр тил системаси имкониятини иккига ажратди ва уларни ўзаро қарама-қарши қўйди: синхрония ва диахрония. У тилдаги система муносабат-ларини фақат синхрон ёндашувда ўрганишни, вақт система алоқаларини бузишни таъкидлади. Маълумки, Соссюр тилни шахмат билан тенглаштиради, яъни унда шахмат ўйинининг қондаси ва ҳар бир донанинг қиммати аҳамият касб этади, шахмат доналарининг нимадан тайёрланганлиги аҳамиятсиз деб уқтиради.

Кейинги олимлар тилни синхрония ва диахронияга бўлиб ўрганишга қарши чиқдилар. Хусусан, истеъдодли француз олими Густав Гийом, - тил олдинги авлоддан мерос, тилдаги вақт муносабати билан ўзгаришлар систем ичида, унинг механизмга таъсир қилмаган ҳолатда содир бўлади, шунинг учун диахронияни ҳам ўрганиш керак, дейди. Гийомнинг у назарияси тилшуносликда психосистематика номини олди.

Тил системасининг моносистемалилиги ёки полисистемалилиги ҳам турлича ечилди. Айрим олимлар тилни системаларнинг системаси деб қарайдилар. Бу фикрни француз социологик лингвистикасининг асосчиси А.Мейе қувватлайди.

Лондон тилшунослиги мактабининг асосчиси Жон Ферс ягона суперсистема мажудлигини инкор қилиб, тилнинг полисистем тузилишини тан олади. У система қисмларини ўрганишга аҳамиятни қаратди, локативлик майдони, келишиқлар системаси ва ҳ.к. Унинг шогирди М.А.К.Халлидей ушбу таълимотни ривожлантирди ва ўзининг фактик материалларга асосланган система ёки систем-функционал умумий лингвистик назариясини яратди.

Ҳозирги кунга келиб илмий адабиётларда системанинг қирққа яқин дефиницияси мавжуд.²

Рус тилшунослигида тил системасига бағишланган бир қатор ишлар мавжуд бўлиб, В.М.Солнцев, Ю.С.Степанов, В.Г.Афанасьев, Г.П.Мельников каби тилшуносларнинг ишлари машҳурдир. Хусусан, В.М.Солнцев, - система ўзаро муносабатда бўлган элементлардан ташкил топган бир бутун объектдир³, дейди. Ўзбек тилшунослигида тилни система сифатида ўрганиш, тил унсурларига систем тарзда ёндашиш Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов ишларида учрайди.

А.Нурмонов системани унинг монҳятига биноан иккига – идеал ва материал системага бўлади, тузилишига кўра макро ва микро системага ажратади ва тилнинг системалардан тузилганлигини, шу системаларни бирлаштириб турган ягона суперсистема мавжудлигини тан олади.

Кўп грамматиклар тил системасининг системаларга бўлинишини подсистема деб изоҳлашади ва подсистемани грамматик категорияларга боғлашади: сон категорияси, келишиқ категорияси, замон категорияси подсистеманинг синоними сифатида лингвистик адабиётларда “майдон”

² Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар - Т., 1988. -Б. 4.

³ Солнцев В. Язык как системно-структурное образование. - М., 1971. - С.15.

термини қўлланмоқда – лексик майдон, лексик-семантик майдон, грамматик майдон ва бошқ. О.С.Ахманова майдонни алоҳида микросистемани ташкил қилувчи ўзаро бошқланган элементлар йиғиндисидеб атайди. В.Г.Адмони майдонни система муносабатидаги элементларнинг инвентари деб атайди.

Система назарияси бир жойда ўзгармай тургани йўқ, у тилшуносликнинг барча соҳаларига тадбиқ қилина бошланди. Фонема-тил товуш системасининг бирлиги, морфема – сўз ясалиш, сўз ўзгартириш системасининг бирлиги, лексема – лексик системанинг бирлиги ва бошқалар.

Ҳозирги замон тилшунослигида системани коммуникатив жараёнда функция тушунчаси билан боғғлайди ва функционал система тушунчасини олға сурадилар. “Функция” сўзи белгиланиш, тайинланиш маъносини англатади. Унинг инварианти (синтактик функция, семантик функция, стилистик функция) интеграл муносабатда қўлланилаётган элементларнинг қиммати ҳисобланади. Қатор тилшунослар тил функциясини турлича классификация қиладилар. Хусусан, М.А. Халлидей тил функциясини учга ажратади:

1) концептуаллик, сўзловчининг ички ва ташқи оламини ифодаловчи таърибаси;

2) шахсаро муносабат, социал муносабатларни тикловчи ва тилшувчига таъсир қилувчи баҳо, модаллик, импликация ва бошқалар;

3) матнли, ўзаро боғланган нутқ ахборотини беришни таъминлаш.

Тилнинг юқоридаги уч функцияси коммуникацияда тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Систем тилшунослигидаги бу назария Лондон тилшунослиги мактабининг йирик вакиллари Ж.Ферс ва М.А.К.Халлидей номи билан боғғлашиб, “семантик хосланган систем функционал грамматика” номини олди. Халлидей ўз назариясини ривожлантириб, социолингвистик комплекснинг бир қисми қилиб олди ва унга ситуация, регистр, матн тушунчаларини олиб кирди.

Тил функцияси тил формасига асосланади. Грамматик форма грамматик маъно билан грамматик категорияга, грамматик категория семантик функцияга боғланади. Грамматика назариясининг барчаси баҳсли бўлганидек, грамматик форма семантикаси ҳам жуда баҳслидир. Иккур соҳа тадқиқотчилари икки хил-грамматик категориядан функцияга, функциядан грамматик категорияга ёндашадилар. О.Есперсон айтганидек, грамматикада ё сиртдан ё ичдан бошлаш мумкин¹. Биринчи қарашда “формадан маънога” (ф-м), яъни форма ва унинг маъноси, функцияси аниқланади; иккинчи қарашда “маънодан формага” (м-ф), яъни маъно ва унинг формаси аниқланади. Грамматик форма иккала қарашда ҳам бир хил, фақат унга ёндашиш турлича, иккала қараш ҳам бир бирини

¹ Есперсон, Философия грамматикки. - М., 1958. -С. 55.

тўлдиради, агар иккаласи бирга олинса, у ёки бу тил фактлари ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот беради.

Грамматик формаларнинг умумий маъноси ҳақидаги масала тил грамматик системаси талқинининг (тадқиқининг) асосини ташкил қилади¹.

Грамматик форма ҳақидаги дастлабки маълумотни қадимги ҳинд тилшунослиги беради. Улар грамматикани форма (“ажратиш”) деб тушунган, сўз, сўз шаклларни фарқлашган ва ноль формани топишган¹. Ф.Фортунатов грамматикани формалар ҳақидаги таълимот деб тушунган. Унинг принципи-“формадан маънога”. Фортунатов концепциясининг моҳияти: маъно тилдан ташқарида эмас, тилда, унинг формасида. А.Потебня сўз маъносини иккига – яқин ва узоқ маънога бўлади. Яқин маъно икки турлидир: биринчиси –шахсий, лексик маъно, иккинчиси умумий, грамматик маънодир.⁵

И.А.Бодуэн де Куртенэ, А.А.Шахматов, А.М.Пешковский ишларида грамматик маънога ёндашиш бир биридан фарқ қилади.

И.А.Бодуэн де Куртенэ концепцияси “тилга хос фикрлаш” (языковая мушления) ва “тилга хос билим” (языковая знания) “тилдан ташқариги семантик кўринишлари” (вне языковѳе представлениям) га муносабатини очади.⁶

А.А.Шахматов грамматик катгорияларга “мазмундан ифода воситаларига” принципида ёндашади. Морфологияни умумий ҳолда гап бўлакларининг (части речи) грамматик категорияси, гап бўлакларининг ўзгартирувчи грамматик формалари деб тушунади.¹

А.М.Пешковский грамматик маъно қаторларининг системаси, сўзшаклнинг қиммати ва шу билан бирга, турли ифода воситаларини ўзига бириктирувчи семантик категориялар ҳақида таълимот беради.

Категория тушунчаси биринчи бўлиб (Аристотелда) фалсафага, логикага киритилган ва ҳозирги кунгача қатор ўзгаришларга учраган бўлса ҳам яшаб келмоқда. Кизиғи, логик-фалсафий категория Аристотель тмонидан тил грамматик қурилишига предикатив формаси сфатида киритилган.

Грамматик категория, аввало, морфология ва ситактик категорияларга бўлинади. Грамматик категорияларнинг бундай турлари бир бирига тобе бўлмаган ва тенг ҳуқуқли, бир бирини тўлдирувчи категориялардир.³

¹ Якобсон В. Избранные работы. - М., 1985. -С. 23.

³ Березин Ф. История лингвистических учений. - М., 1975.; Кондрашов А. История лингвистических учений. М., 1983.

⁵ Потебня А. Из записок по русской грамматике. - М., 1956. -С. 36.

⁶ Бодуэн де Куртенэ и современная лингвистика. - М., 1988. -С.41.

¹ История лингвистических учений. -М., 1978. -С.126.

³ Адмони В. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. -Л., 1988. -С. 66.

Грамматик категория умумий асосга бирлашувчи маънонинг грамматик шакллари системасидир, категориянинг алоҳида аъзоларининг ўзи маънога муносабати бир турдадир, бу маъно ўзаро қаршиларган ва алоҳида (различия) муносабатда бўлиши мумкин.⁴

Агглютинатив тилларда грамматик категория ўзаро зид маъно ифодиланувчи ва сўзда шаклий кўрсаткичи бир позицияда туриши билан характерланувчи бир-бирига боғлиқ грамматик шакллари қаторидир.

Грамматик категория бевосита маълум грамматик шакл қурилиши боғлиқ категорияга (масалан, от категорияси, феъл категорияси) ва бевосита муайян грамматик маъно билан боғлиқ (масалан, келишик категорияси, эгалик категорияси) категорияларига бўлинади. Биринчисини формал грамматик, иккинчисини семантик-грамматик категориялар дейиш мумкин.

Морфологик категорияни Адмони уч даражада (ранг) га ажратади. 1-ини бўлаклари морфологик категориянинг биринчи даражасига қиради. Морфологик категориянинг иккинчи даражасига шаклий ифодаланувчи умумлашган (грамматик З.Қ.) маънолар, гап бўлаklarининг грамматик маъносига қаватланадиган турли турланишлар қиради. Бу категорияга отларнинг келишик ва сон, феълларнинг шахс-сон, замон, нисбат, майл, сифат ва равишладаги қиёслаш даражалари ҳосилдир.

Морфологик категориянинг учинчи даражаси иккинчи даражанинг аниқ турланишини (модификация) ташкил этади ва ўзининг қиммати билан классик морфологик парадигмани ҳосил қилади. Масалан, келишик парадигмаси, замон парадигмаси ва бошқалар.

Семантик ва синтактик категория эркин грамматик бирликлар, морфологик категория боғлиқ грамматик бирликлар билан муносабатда бўлади. Албатта, боғлиқ грамматик бирликлар билан муносабатда бўлади. Албатта, боғлиқ грамматик бирликларга қараганда эркин грамматик бирликлар вариативроқ. Бу рус тили ёки грамматик қурилиши рус тилига ўқин тилларга ҳос. Агглютинатив тилларда морфологик система ҳам жуда бой. Масалан, келишик категорияси.

Ҳар қайси категория доирасидаги формаларнинг маъноси ўзаро қаршиланган асосида аниқланади. Категория маъноси шу категорияни ҳосил қилувчи формаларнинг чоғиштирилишидан ташкил топади.¹

Грамматик категорияга ҳос хусусият “танланиш” ва “бўлиниш” дир.² Тилнинг грамматик қурилишини ва грамматик категориясининг системалилигини тан олишда амалиёт ва назариянинг ўзаро алоқаси муҳимдир. Грамматикадаги назарий билимнинг объекти, барча

¹ Адмони В. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. -Л., 1988. -С. 69

² Исоченко А. О грамматическом значении //ВЯ. 1961, № 1, -С. 31.

³ Иванюв С. Родословное деревоотрок. - Т., 1969. -Б.18-19.

фанлардаги каби, фактлар мажмуаси, ўзаро кўринмас алоқалар, системанинг моҳияти ва шу моҳиятнинг очилишидир.³

Грамматик категория муайян майдонда турувчи ва “биринчи имкониятдан юзага қалқиб чикувчи” грамматик шакллар системасидир.

ФОНЕТИКА

Д. НАБИЕВА, Д. НУРМОНОВА, АДУ

УНЛИ ФОНЕМАЛАР ТАСНИФИГА ДОИР

Тил, унинг ҳар қандай ҳолатида (синхрон ёки диахрон), Ф.Сосюр таъбири билан айтганда, муносабатларга асосланади. Ушбу муносабатлар тилни ташкил этувчи элементларнинг табиатини тушунишга ёрдам беради. Тилнинг “ҳаёти” учун бирдек зарур бўлган бу муносабатларни Ф.Сосюр иккига ажратади: ассоциатив (парадигматик) ва синтагматик. Ассоциатив ёки парадигматик муносабатлар лисоний бирликларнинг тил системасидаги мақомини белгилашга, яъни таснифлашга асос бўлади. Синтагматик муносабатлар эса ушбу бирликларнинг нутқий жараёндаги турли модификацияларини, яъни вариантларни аниқлашга ёрдам беради.

Лисоний бирликлар умумий белгилари асосида муайян парадигмаларга бирлашади. Шу билан бирга ўзи мансуб бўлган парадигманинг бошқа аъзоларидан ўзига хос белгилари билан фарқланиш хусусиятига ҳам эга бўлади. Бу эса уларни системада ўзаро зидланиш асосида фарқловчи белгилар мажмуаси сифатида тавсифлаш учун асос бўлади.

Парадигматик тавсиф, шубҳасиз, синтагматика материалларига асосланади. Чунки синтагматик муносабатга киришган бирликларнинг барча белгиларидан фарқловчи белгиларнинг ажратиб олиниши уларни тил системасида ўз мавқеига эга бўлган алоҳида бирлик сифатида қарашга имкон беради. Шу жиҳатдан фонемалар тилнинг маъно фарқловчи энг кичик бирлиги сифатида эътироф этилади.

Ҳар бир тилнинг фонемалар миқдори шу тилдаги мавжуд товушларнинг ўхшаш белгилари асосида гуруҳлаш, умумлаштириш натижасида аниқланади. Товушлар ўхшаш белгилари асосида муайян фонема таркибига бирлашиши баробарида, шу фонема таркибида бетакрор, ўзигагина хос белгилари ёрдамида алоҳида яшаш имкониятига ҳам эга бўлади. Мана шу белгилар фонемаларни нутқий жараёнда турли кўринишларда намоён бўлишига асос бўлади.

³ Иванов С. Ўша асар. -Б. 21.

Демак, фонема ҳам ички бўлиниш хусусиятига эга бўлган бутунлик шифтида тил системасидан жой олган. Системада ҳар бир фонеманинг ўзи мансуб қатордаги бошқа фонемалардан фарқланиши учун хизмат қилувчи фонологик муҳим белгилари мавжуд бўлиб, бу белгилар фонемалар таснифи учун ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун фонологик парадигмада фонемаларнинг фонологик муҳим ва фонологик номуҳим белгиларини ажратиш зарурати мавжуд.

Фонологик нуктаи назардан ўзбек адабий тилидаги унли фонемаларни парадигмадаги фарқланиш белгисига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

кенг, лабланмаган унли (а); кенг, лабланган унли (о); ўрта кенг лабланмаган унли (э), ўрта кенг лабланган унли (ў); тор лабланмаган унли (и), тор лабланган унли (у). Лекин ўзбек тилшунослигида фонетикага оид алоқибётларда унлиларнинг кўпроқ уч белгисига асосан таснифи учрайди:

- 1) пайдо бўлиш ўрнига кўра (олд қатор - орқа қатор);
- 2) оғизнинг очилиш ва тилнинг кўтарилиш даражасига кўра (кенг - ўрта кенг - тор);
- 3) лабнинг иштирокига кўра (лабланган - лабланмаган).

Юқорида таъкидланганидек, система ҳосил қилинаётганда элементларнинг асосий (ядро), фарқловчи белгилари билан чегара (маргинал), фарқламайдиган белгиларининг ажратилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки тил системасида муайян парадигмаларни ҳосил қилишда элементларнинг ядро белгилари асос бўлади. Чегара белгилари эса синтагматикада юзага чиқади. Шунинг учун ўзбек тили фонемаларини, асосан, унли фонемаларни тасниф қилишда ҳам уларнинг асосий ва қўшимча белгиларини ажратган ҳолда, асосий белгиларига таяниш лозим.

Унлиларнинг пайдо бўлиш ўрнига, яъни тилнинг горизонтал қилинишига кўра белгисига ҳозирги кунда икки хил муносабатни кўрамиз: биринчи ёндашувга мувофиқ, тилнинг горизонтал ҳаракати эътироф этилади; иккинчи ёндашувга мувофиқ, унлиларнинг пайдо бўлиш белгиси рад этилади ва шунинг учун ҳам бу белгига кўра унлиларнинг таснифи асоссиз ҳисобланади. [5. 52-53; 6. 77-80]

Унлиларнинг пайдо бўлиш ўринини эътироф этувчиларнинг ўзлари ҳам икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ тилшунослар уч ўринни (тор) ажратадилар: тил олди (олд қатор), оралик (индифферент), тил орқа (орқа қатор). [4. 357] Иккинчи гуруҳ тилшунослар эса икки ўринни - тил олди (олд қатор) ва тил орқа (орқа қатор) ни эътироф этадилар [3. 14].

А.Абдуазизов бу икки гуруҳ тилшуносларнинг тасниф асосларига ўз муносабатини билдириб, ўзбек тили унлиларининг бу фонетик таснифи рус тили унлилари билан қийслаш асосида берилишини таъкидлайди [1. 16].

В.В.Решетов унлиларнинг қаторга кўра фарқланиши ҳақида фикр юритиб, ўзбек тилининг ҳозирги Тошкент диалектида қадимги қатор

бўйича зидланувчи унлиларнинг зидланиш белгиси йўқолганлиги, икки қатор унлиларнинг бирлашуви – конвергенцияси натижасида оралик унлиларнинг (конвергентларнинг) ҳосил бўлганини эътироф этади [4. 357]. Худди шу фикр проф. Ф.Абдуллаевда ҳам учрайди [2. 41]. Бу эси тошкент шевасининг фонетик структураси меъёр қилиб олинган ўзбек адабий тилида унлиларнинг қаторга кўра белгиси тасниф асоси бўли олмаслигини кўрсатади.

Ўзбек адабий тилининг ҳозирги даври учун гарчи унлиларнинг тилининг горизонтал ҳолатига кўра белгиси тасниф асоси бўлмаса-да, ўзиди сингармонизм қонуниятларини сақлаб келаётган айрим ўзбек шеваларида бир ўринда қатор бўйича коррелятларнинг ўзаро алмашиниб маъно фарқлаши мумкинлиги қатор белгисини унлилар учун фарқловчи белги сифатида ажратишга имкон беради. Масалан, Андижон шевасида ўн (организм) - ёт (майса, олов), ўр (ўтти ўрмок)-ёр (сочни ўрмок), ён (олмош)-ўз (босиб ўтмок), ўн (овоз)- ун (галланинг тортилгани).

Кўринадики, унлиларнинг қатор белгиси айрим ўзбек шеваларида фонологик муҳим белги сифатида сақланган бўлса ҳам, ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонологик системаси учун актуал эмас. Бу белги унли фонемалар учун тасниф асоси бўла олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Б. 36.
2. Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. - Ташкент: Фан, 1967.
3. Поливанов Е. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. - Ташкент: Госиздат, 1933.
4. Решетов В. Узбекский язык. I Фонетика. Ташкент: Учпедгиз, 1959.
5. Умаров Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида унлиларни таснифлан масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - № 2. Т., 1995.
6. Умаров Э. Ўзбек тилида тил олди товушлари борми? // Ўзбек тили ва адабиёти. -№ 4,5,6. – Т., 1994. – Б.77-80;

ЛЕКСИКОЛОГИЯ, СЕМАСИОЛОГИЯ, ТЕРМИНОЛОГИЯ

Д. ЭГАМНАЗАРОВА, Х. АЗАМЖОНОВА, АДУ

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ЛЕКСИКАЛИЗАЦИЯ ҲОДИСАСИ

Ҳозирги инглиз тили фразеологиясида қабул қилинган қарашларга кўра, фразеологик бирликлар муайян нутққа киритилгунга қадар ҳам мазмун, ҳам ифода планида шаклланиб бўлган ва тил истеъмолчилари томонидан шу ҳолатда англаб етилган ҳамда қабул қилинган бўлади.

Фразеологик бирликларнинг нутққа тайёр ҳолда олиб кирилишини ҳисобга олган ҳолда кўпчилик тадқиқотчилар уларни тил ҳодисаси сифатида эътироф этишади. Хусусан, И.Б.Арнолд фразеологик бирликларга қуйидагича таъриф берган: “Биз, сўз эквиваленти сифатида худди сўз каби тилда тайёр ҳолда шаклланган ва нутқда қайта ясалмайдиган бирикмаларни тушунамиз”.

Фразеологизмлар, албатта, бирдан ортиқ сўзнинг бирикувидан таркиб топиб, сўз каби бир тушунчага асосланган маъно билдиради ва бир дусвий бирлик ҳисобланади. Ана шу нуқтада фразеологик бирликлар лексикализация ҳодисаси билан «кесишади». Шундан келиб чиқиб фразеологик бирликлар ва лексикализация ҳодисасининг ўзаро муносабатини текшириш муҳим аҳамият касб этишини эътироф этиш мумкин.

Лексикализация ҳодисаси деганда морфема ёки сўз бирикмаси тилдаги тил элементларининг мазмуни бир лексемага ёки бирор лексемага эквивалент бўлган бирликка айланиш жараёни тушунилади. (Мисолан: 1) аффикс морфеманинг сўзга айланиши: ultra; 2) эркинчи сўзларнинг мустақил сўзга айланиши: up, down, out; 3) сўз бирикмасининг сўзга айланиши: blackmail, mincemeat, townhouse;

Ифода-мазмун планида лексикализация ҳодисасига учраган бирлик ва фразеологик бириклар ўртасида формал белгилар нуктаи назаридан ўқинишликларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўринда гап фразеологик бирликлар ва уларнинг лексикализация ҳодисасига муносабати ҳақида борар экан, бу бирликларнинг тил ҳодисаси сифатида қаралиши муайян аниқликларни талаб қилади.

Алоҳида олинган лексема тил қурилишининг луғавий маъно шакллантирувчи унсури сифатида тил ҳодисаси саналиши албатта, ҳеч кимда шубҳа туғдирган эмас. Лексеманинг энг асосий хусусияти унинг «тайёрлиги», яъни ясама эмаслигидир. Демак, лексема муайян қолипнинг, муайян қонуниятнинг маҳсули, ҳодисаси бўлмаслиги лозим. (Мисолан, [уй], [биз], [ўғил], [кел], [кет], [беш] каби минглаб тайёр бириклар воқелиқдаги нарса, белги, миқдор, ҳаракат, ҳолат, хусусиятларни атаб, ифодалаб келади. Улар жамиятнинг барча аъзолари учун тайёрлиги билан ажралиб туради.

Одатда битта сўзга тенг келадиган лексема нутқ бирлиги сифатида қарилар экан, бир неча сўзнинг қўшилишидан таркиб топган фразеологик бирикларни ҳам нутқ бирлиги деб аташимизга нима монелик қилади? Бу сўзлар нутқдан ташқарида бўлган ҳолатда бирикиб турғунлашиб, маълум бир маънони ифодалайдиган ва тил истеъмолчилари учун тушунарли ҳолга келгунга қадар қандайдир ўзаро бирикиш, синтактик муносабат жараёнини кечирган бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, бу бирикиш фақатгина нутқда амалга ошади. Турғунлашиш ва нутқда тил элементи сифатида, тайёр ҳолда иштирок этиш эса бу бириклар ҳаётидаги иккинчи босқич

саналади. Демак, улар мана шу ҳолатга келгунга қадар, яъни тил ҳодисасига айлангунга қадар ҳам нутқий жараёнда иштирок этиш вазифасини ўтаган.

Фразеологик бирликларнинг нутқий жараён маҳсули эканлигини тап олишгина уларнинг лексикализацияга муносабати хусусида мулоҳази юритишимизга имкон беради. Академик В.Виноградов классификациясига кўра уч турга бўлинган фразеологик бирликлар хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланадиган, шу лексик маъноларнинг умумий маҳражи сифатида гавдаланадиган фразема *фразеологик бутунлик* дейилади.

Масалан: a fish out of water-хижолат, ноқулай вазиятдаги одам
to lose one's heart to smb — севиб қолмоқ

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланмайдиган, бу лексемаларга хос лексик маъноларни ҳисобга олмайдиган фраземага *фразеологик чатишма* дейилади. **Масалан:** to show white feather - кўрқоқлик қилмоқ (сўзма сўз “оқ патни кўрсатмоқ”) at sixs and sevens - тушунмовчилик ёки норозилик ҳолатида, (сўзма сўз олтинчи ва еттинчида). Фразеологик чатишманинг тилда идиома деб ҳам аташади.

Фразеологик бирикма ҳам турғун, кўчма маънога асосланган бирикма ҳисобланиб фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишмадан фарқи унинг таркибини синонимик сўзлар билан алмаштириш мумкин.

Масалан: to show one's teeth-кемирмоқ
to be good at smth-бирор соҳада қобилиятли бўлмоқ

Маълум бўладики, таърифларда зиддият йўқ, аксинча улар бир-бирларини тўлдиради. Аммо бу уч бирликнинг лексикализациялашуви бир хил даражада дея олмаймиз. Фразеологик чатишма бошқа фразеологик бирликлар ичида максимал даражада лексикализациялашган бўлади, чунки унинг маъноси компонентлар маъносидан келиб чиқмайди. Фразеологик бутунлик тўғрисида тўхталадиган бўлсак, унинг таркибидаги сўзлар маъносидан бутунлик маъноси келиб чиқади, шунинг учун бунда тўлик лексикализациялашув кузатилмайди. Фразеологик бирикма эса турғун бирикмалар ичида нисбатан эркинроқ ҳисобланади, чунки унинг таркибини синонимик сўзлар билан алмаштириш мумкин.

Бу ўринда фразеологизацияга алоҳида урғу беришимизга сабаб, фразеологизация ва лексикализация ҳодисалари бир-бири билан муштарак ҳодиса эканлигидир. Ҳозирги замон америка тилшуноси Ч.Лехман фикрича «фразеологизация-бу лексикализациянинг натижаси ҳисобланади. Идиомалар лексикализацияга учраган бирликларга энг яхши мисол бўла олади».

Айтиш жоизки, фразеологизация- лексикализациянинг маълум бир аспекти бўлиб, бу икки тушунчани бир хил маънода ишлатиб бўлмайди.

В.М.Голумянц «Поляк тилидаги айрим турғун бирикмалар семантикасининг эволюцияси» номли маърузасида куйидагиларни баён қилиш эди: «Эркин бирикмаларнинг турғун бирикмаларга ўтиш сабабларидан бири лексикализация жараёни бўлиб ҳисобланади. Фразеология соҳасидаги лексикализация деб биз бирикма таркибидаги алоҳида компонентлар семантик маъноларининг аста-секин сезилмайдиган даражага келишини, фразеологизмларнинг бирикма қисмлари маънолари ўзига турадиган умумий маънога эга бўлишини айтаемиз».

Фразеологик бириклар ҳамда лексикализация ҳодисасининг умумий шартлари куйидаги ҳолатларда намоён бўлиши айтиш мумкин, яъни фразеологик бириклардан англашиладиган маъно улар таркибидаги алоҳида хос лексик маъноларнинг йиғиндиси бўлмай, қўшимча ҳамда шу билан бир вақтда кўчма маъно сифатида гавдаланади. Мазкур ҳолатни лексикализация жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

Фразеологизация ва лексикализация жараёнида бир сўз эмас, балки бутун бир бирикма ҳамда унинг таркибидаги икки ва ундан ортиқ лексема кўпроқ эга. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳосила шакл гапда бир вазифани бажаради. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳосила шакл гапда бир вазифани бажаради.

Фразеологизация ва лексикализация ҳодисалари туфайли янги маъно маънолар юзага келади. Улар бутунлай янги бўлиши ёки мавжуд лексема-ларнинг эквиваленти саналадиган луғавий бириклар бўлиши ҳам мумкин.

Ш. ЖҮРАЕВ, СамДУ

МИРЗО ТУРСУНЗОДА ИЖОДИДА ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАР ТАЛҚИНИ

Маълумки, тиллараро алоқалар қадимдан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Буни ўзбек ва тожик халқлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Икки халқ алоқаларнинг хусусан, туркий ва форсий адабиётдаги ўзини беқийёсдир. Бу ўринда икки тил вакилларида бўлган Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ижоди тиллар алоқаси муҳим аҳамият касб қилди. XV-XVI асрларда эса форсий ва туркий адабиётида икки тиллилик, яъни дуллисонанлик анъанаси янада юқори даражага кўтарилди. XVIII-XIX асрларга келиб икки тилда ёзадиган адиблар кўпайган. Шу билан бирга ўзбек адибларининг форс-тожикча ва тожик адибларининг туркий-ўзбекча тилда ижод қилганликлари уларнинг доимий алоқадалиги ва бир-бирининг ижодига бефарқ бўлмаслиги, аксинча қизиқарли тарзда ва икки тилларда ижод қилиш анъанасига айланди. Хусусан, Қўқон ва Бухоро вилоятида зуллисонанлийлик урф бўлган. Бу жараён, яъни икки тилнинг луғавий бойлиги тилшунослик нуқтаи назаридан А.К.Боровков, В.С.Расторгуева, Ҳ.Ғуломов, М.Мирзаев, Н.Шаропов, К.Юсупов,

Э.Шодиев, Д.Ишондадаев, М.Зокиров сингари олимлар томонидан самарали равишда тадқиқ этилган. Аммо ҳали икки халқ ўртасидан лисоний алоқалар тўлиқ ўрганилган, дея олмаймиз.

Тошкентда таълим олган тожик шоири Мирзо Турсунзоданин ижодида ҳам бу ҳолат яққол ўз ифодасини топган. Унинг асарларида жуда кўплаб ўзбекча сўз ва терминлар қўлланганлигини кўриш мумкин. Кузатишлардан маълум бўлишича, шоирнинг асарларида форс-тожикчи ва туркий-ўзбекча сўзларни паралел равишда ишлатган. Бу сўзларнинг аксарияти алоҳида ва тақрор ҳолатларда келганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шоир ижодида жуда кўплаб “босмачи, бой, йигит, келин” каби лексемаларга жуда кўп мартаба мурожаат қилинган.

Ўзбек тилига хос лексикадан асосан Мирзо Турсунзоданин катта жанрли назмларида, асар персонажлар тилидан ёки муаллифнинг ўз тилидан қаҳрамонларнинг характерини тўла-қонли очиб бериш баробарилли катта маҳорат билан фойдаланган. Баъзи сўзларнинг форс-тожик тилида синоними ёки муқобили бўлмаганлиги боис ўзбекча “бой, босмачи, милтиқ, салқини йўрға” каби сўзларни маҳорат билан фойдаланганлиги, шоирнинг икки тилни яхши билишидан далолат беради. Биз бундай ҳолатни “йигит” сўзидан фойдаланиш жараёни орқали таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Ўзига хос маъно семасига эга бўлган “йигит” сўзи тожик тилидаги лексик маъноси чавон, чавонписар, чавонмард, сўзи билан юритилади. Лекин ушбу сўзларни ўзбекчага ағдарсақ, ёш, ёш ўғил, ёш эркак маъноларини билдиради. Йигит сўзи М.Турсунзоданин шеърларида ҳарбий (аскар) ва кўркмас, жасур маъноларини аңлатган:

Мумкин аст ин ки йигитҳоро,

Муфт бидихем мо ба чанги бало.

Ё ки:

Кишвари ўзбек чу шери жаён,

Кард йигитҳои хузарбаш равон.

Мирзо Турсунзода яқин дўсти ўзбек шоири, Фафур Ғуломга бағишлаб “Барно йигит”, деб ёзган шеърига шундай тариф берган:

Бо муҳаббат ғўямат: Барно йигит,

Хушқаду хушқомату доно йигит.

Кўҳ ҳам дорад сафедӣ бар сараш,

Рӯд ҳам чун дар рухи софу тараш.

Назми ту кори чавонӣ мекунад,

Бо чавонон зиндагонӣ мекунад.

Шўр андозад ба дил оҳанги ў,

Ранг бахшад ранги моро ранги ў.

Кам нагардан таъби оташбори ту,

Қуввати ашъори ту, ашъори ту [2, 126].

Шоир "Ҳасани аробакаш" достонида икки, яъни туркий-ўзбек тилидан келин сўзининг форс-тожик арўс сўзларини ишлатганлигини таърифимиз мумкин:

Дар яке менишаст болида

Шармолуд - келини хушбахт.

Духтаракони дигар ба пахлуяш

Шодмон "ёр-ёр" мегуфтанд,

Ба арўсон ҳамешагӣ бодо

Толеу бахт ёр, -мегуфтанд.

Шунингдек, адибнинг "Шуриши Восеъ" либерретоси, "Жони шуриш", "Модарнома", "Сайёҳи хинд" сингари асарларидада персонажлар тилидан халқ халоскори бўлган йигитларни таърифловчи таърифлардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, тожик тилининг машхур шоирларидан бири бўлган Мирзо Турсунзода икки тил, яъни ўзбек ва тожик тилларнинг яхши билганлиги боис, ўзбек шоир ва ёзувчилари билан муносабат ўрнатганлиги билан бирга, шеърларида ўзбекча шеърдан мохирона фойдалаганлиги фикримизни яққол далилидир. Шу билан ҳам, унинг шеърлари содда ва оммабоплиги билан икки халқ орасидан жой олган.

Хулоса қилиб айтсак, тожик тилига туркий сўзларнинг кириб келиши ва ўзбек тилида учрайдиган форсий сўзлар мазкур тилларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Икки халқ намояндалари ўртасидаги алоқаларни ўрганиш бугунги тилшунослигимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Жумладан, тожик шоирлари асарларидаги ўзбекча лексемаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш ўз тадқиқотчиларини кутаётган масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайфуллоев А. Мирзо Турсунзода. - Душанбе: Ирфон, 1983.
2. Мирзо Турсунзода. Осори мунтахаб чилди. - Душанбе: Ирфон, 1981.

Sh. SOBIROVA, SamDChTI

КОМПАРАТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ КОНТЕКСТДА ИФОДАЛАНИШИ

Контекстда ҳаёт катиналарини образли қилиб тасвирлашда аниқлик, фикр аёнчилиги муҳимдир. Со'з ҳар қандай фикрнинг ифодали либосидир. Бу со'زلардан то'ғ'ри фойдалана олиш, фикрларни тushuntirishда уларни о'з о'rnида ишлата билish лoзим. Бу о'ринда тilshunoslikning фразеология бо'лими ҳам аhamиятлидир.

Ҳозирги тилшunoslikда фразеологиянинг ривожланishi билан бир қаторда контекстда фразеологик birlikларнинг грамматик, лексик ва семантик xususiyatlari

muammoli bo'lib kelmoqda. Frazeologiya so'z ma'nolarining kelib chiqish tizimi, yangi til birliklarining vujudga kelishi va ularni bir sistemaga solish kabi muhim semantik jarayonni o'z ichiga oladi. Bularning barchasi frazeologizmlarning yanada chuqurroq o'rganishdan dalolat beradi.

Frazeologiyada ikki turdagi so'zlarning qiyoslanishi ikki tomonlama ma'no xarakteriga ega. Ya'ni bir predmet ikkinchi predmetga qiyoslanadi, Bunday ma'no strukturasi frazeologiyada o'ziga xos o'ringa ega bo'lib, komparativ frazeologiya deb nomlanadi.

Komparativ frazeologiyada birinchi komponent odatda o'z ma'nosida qo'llanilsa, ikkinchi komponent ma'no kuchaytiruvchi vazifani bajaradi.

(as) *good as gold* – yaxshi, bag'rikeng, tillo (inson)

Gertrude Morel was very ill when the boy was born. Morel was good to her,

as good as gold (D.H.Lawrence).

Bunday qiyoslashda berilgan ma'lumotga qo'shimcha tarzda yana ma'lumot berish uchun bo'lgan ehtiyojning mavjudligidir.

Faqatgina sifatning qiyosiy darajasi bilan ifodalaniadigan komparativ frazeologik birliklar ham mavjud: *more dead than alive* – chalajon (charchagandan) yoki o'ta charchagan.

Komparativ frazeologik birikmada obrazlilik ikkinchi komponent ifodalayotgan ma'no predmet va shaxslar bir turdagi tillar sinfiga ta'luqli emasligini bildiradi. Masalan, *He is as brave as lion.* – U sherdek dovyurak. Ushbu misolda insonni sherga qiyoslash orqali obrazlilik vujudga kelmoqda. Agarda "sher" o'rnida "qoplon" so'zi qo'llanganda kontekstda badiiylik yo'qolar edi.

Qiyosiy frazeologik birliklar ma'no jihatdan ijobiy yoki salbiy baholash xarakteriga ega. Masalan, (as) *bold* (yoki *brave*) *as a lion* – sherdek dovyurak; (as) *true as steel* – sodiq, vafodor; (as) *pretty as a picture* – xushsur'at va h.k.

Frazeologik birlikda baholash xarakteri birinchi komponentning semantikasiga, ayrim holatlardagina ikkinchi komponentning semantikasiga bog'liq bo'ladi. Masalan, (as) *fat as a pig* – semiz, boqilgan ho'kizdek; (as) *fat as a butter* – do'mboqqina, to'lagina. Ma'no yanada ifodali bo'lishi uchun qiyoslashda giperboladan, ya'ni ma'noni yanada bo'rttirib ko'rsatuvchi vositalardan foydalaniladi.

Ad'ektiv qiyoslash ikki komponentli bo'lib, birinchi komponent, qiyoslanayotgan so'z komparativ frazeologiya tarkibiga kirmaydi. Ikkinchi komponent sifatidagi fe'l, leksema yoki leksik birlik komparativ frazeologiya tarkibiga kiradi: (as) *different as chalk from cheese* – umuman o'xshash bo'lmagan; (as) *plain as the nose on your face* – kunday ravshan, tushunarli; (as) *welcome as flowers in May* – uzoq vaqt kutilgan, istalgan va h.k.

Ad'ektiv qiyoslash matnda inson, predmet va mavjudotlarning rang-barang xususiyatlarini ifodalab beradi.

Inson xususiyatlariga oid bo'lgan komparativ frazeologik birliklarga misollar: *as cool as a cucumber* – og'ir - bosiq, sovuqqon; *as merry as a grig* – xushchaqchaq; (as) *brown as a berry* – timqora, shokolad rangli (brown so'zi o'zining eskirgan ma'nosini saqlab qolgan "timqora"); (as) *pretty as a picture* – xushsur'at; (as) *true as steel* – sodiq, vafodor; (as) *ugly as a sin* – qo'rinqinchi, yovuz va h.k.

Qiyoslash odatda monosemantik bo'lib, ba'zan ikki turdagi frazeosemantik qiyoslash ham uchraydi. Poliseyantik qiyoslash kamdan-kam uchraydi. Bunday turdagi qiyoslashda ikkinchi komponent nafaqat ma'no kuchaytiruvchi, balki ma'no farqlovchi vazifasini ham bajaradi.

Komparativ frazeologik birlik bo'lgan (as) *weak as water* qo'yidagicha ma'no ifodalaydi: 1) nimjon, nozik: *Mary, I am just getting well of a fever, and I am as weak as water* (Ch. Reade).

2) ko'ngilchan, qat'iyatsiz: *You are very fond of swearing and blistering and threatening, but when it comes to the point you are as weak as water* (N.Coward).

Ba'zi komparativ frazeologik birliklar bir vaqtning o'zida ham predmet ham inson xususiyatini ifodalab kelishi mumkin, masalan, (as) *hard as a bone* –

1) toshdek qattiq: *Owing to the intense cold the ground was as hard as a bone* (SPhl).

2) qahri qattiq, mehrsiz: *It's not much use your expecting any kindness from him. He is as hard as a bone in anything that concerns his own interests* (SPhl).

Yuqorida keltirilgan misollarda ma'no qisman yoki to'raligicha o'zgargan frazeosemantik qiyoslashni ko'rib o'tdik. Bunday frazeologik birikmada ikkinchi komponent polisemyasi birinchi komponent polisemyasi bilan bog'liqdir.

Ingliz tilidagi komparativ frazeologiya yapon tilida metafora sifatida tadqiq qilinadi. Metafora nutqqa obrazlilik, emosiya berish bilan narsa va hodisalar o'rtasidagi o'xshashlikka asoslanib, so'zlar va iboralarning ko'chma ma'noda ishlatilishini anglatadi.

Metaforani yashirin o'xshatish deyish mumkin. Ammo u oddiy qiyosdan farq qiladi. Agar oddiy qiyos har doim asosiy ikki a'zodan tashkil topsa (ya'ni ulma qiyos qilinadi, nima bilan qiyos qilinadi-qiyos qilinuvchi va qiyos qilinadigan predmet), metaforada faqat ikkinchi a'zo-o'xshatilgan narsa qoladi, o'xshagan narsa tushiriladi, lekin u kontekstdan ochiq sezilib turadi, demak, metaforada tasvirlanayotgan predmet ana shu ikkinchi a'zo orqali idrok qilinadi.

Masalan, 1) *as busy as a bee* – 目が回りそうに忙しい – arilar kabi land.

Arilar o'rnida biz insonlarni tushunamiz.

2) *Tommy was as cool as a cucumber even after he was found to be lying* トミーは嘘がばれてもまったく平気だった – Tomining yolg'on gapirgani ushkor bo'lgan bo'lsada, u mutlaqo sovuqqon edi.

3) His words are as blue roses – 彼の話は赤い雪のようだ – Uning so'zlari qizil qor singari.

“Qizil qor” o'rnida “yolg'on” degan ma'noni tushunamiz

Yapon tilida metafora tuzilishiga ko'ra ikki xil bo'ladi: sodda va kengaygan. Sodda metafora birgina so'zdan tashkil topsa, kengaygan metafora esa ikki yoki undan ortiq so'zdan tashkil topgan bo'ladi. Masalan, gumbaz – トーム (osmon-空 ma'nosida), yiqildim – 落ちました (yomon baho oldim – 悪い点数を取りました ma'nosida), sodda; 鉄の馬 (電車), 白金 (プラチナ), 石心 (厳しい), 空涙 (うそつき), 鉄の鳥 (飛行機) – kengaygan metafora sanaladi.

Metaforalarni ayrim yordamchi vositalar orqali tezgina o'xshatishga aylantirib yuborish mumkin (morfologik va leksik vositalar). Shunday metaforalar ham borki ularni o'xshatish bilan almashtirib ham, o'xshatishga aylantirib ham bo'lmaydi: 空涙、白金 kabi.

Ingliz va yapon tillaridagi komparativ frazeologiyaning grammatik, leksik va semantik jihatdan qiyosiy tahlili o'ziga xos o'xshash va farqli jihatlarini namoyon etadi. Chunki yapon tilidagi metaforalar ingliz tilidagi komparativ frazeologizmlarga tengdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амасова Н. Основы английской фразеологии. – Л., 1963.
2. Кунин А. Английская фразеология. – М., 1970.
3. 中村 明 (1995) 「比喩表現辞典」角川書店.
4. Seidl J., McMordie W. English Idioms and How to Use Them. – Oxford, 1978.
5. Qo'ng'urov R. O'zbek tilining tasviriy vositalari. – Toshkent: Fan, 1977.

Г. РАҲМОНОВ, ҚДПИ

СИНОНИМИЯ МУНОСАБАТ ХУСУСИДА

Синонимик муносабат ҳақида жаҳон ва Ўзбек тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар бажарилган ва олиб борилаётган бўлса-да, ушбу ҳодисанинг моҳиятини аниқ ва тўлиқ ақс эттирадиган, ҳамма этироф этган таъриф мавжуд эмас. Кўпинча, синонимияни изохлашда маънодаги тўлиқ ёки қисман айнанлик, бири ўрнида иккинчисини қўллана олиш имкониятининг мавжудлиги кабилар ҳисобга олинади.

Синонимия муносабати тилда кўп учрайдиган, универсал ҳодиса бўлиши билан бирга, у бутун луғат таркибини қоплайдиган категория эмас. Яъни, луғат таркибидаги барча лексемалар ўз синонимларига эга бўлмайди. Синоним лексемаларда маъно айнанлиги, умумийлиги бўлиши билан бирга, семантик фарқлилик ҳам мавжуд бўлади. Албатта,

синонимларда семантик умумийлик семантик фарқлиликдан устун бўлади ва синонимия маъно умумийлиги асосида воқе бўлади. Семантик фарқлилик абсолют синонимларда (лексик дублетларда) кузатилмайди: аффикс—қўшимча, чапак—қарсақ каби. Бундай синонимлар кўпроқ бошқа синонимлардан кирган сўзлар ҳисобига воқе бўлади. Масалан, мавзу-тема, студент-талаба каби.

Синонимик қатордаги лексемалар бир қанча умумий семаларга эга бўлиши билан бирга, семантик жиҳатдан қуйидагича фарқланишларга ҳам эга бўладилар. Бу фарқланиш асосан коннотатив маънолардаги фарқлилик асосида юзага келади.

Бир денотатив, яъни воқеликдаги айнан бир нарсани номловчи лексемалар коннотатив маъно (эмоционал-экспрессивлик, экспрессивлик, сенсувийлик) нуқтаи назаридан фарқландилар. Мазкур ҳолатда синонимлар айнан бир ҳодисани номлайди, лекин уларда ушбу ҳодисага бўлган муносабат фарқли бўлади: новча, доргул, найнов, дароз. Бундай синонимик қаторларда аташ семалари айнан бўлади, ифода семалари ҳар хил бўлади. Демак, бу каби синонимик қаторларда денотатив маъно ва денотатив маъно асосида ҳосил бўладиган сигнификатов маъно ҳам умумий, айнан бўлади. Фарқлилик эса коннотатив (эмотив) маънода юз беради: *кулмсирамоқ, жилмаймоқ, илжсаймоқ, тиржсаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ* синонимик қаторидаги ҳамма лексемаларнинг денотата битта, умумийдир: овоз чиқармай хурсандчиликни ифода қилиш учун ижобариладиган кўз, лаб ҳаракати. *Жилмаймоқ* ижобий коннотатив маънога, *илжсаймоқ, иршаймоқ, тиржсаймоқ, ишшаймоқ* эса салбий коннотатив маънога эга. Салбий коннотатив маънога эга синоним лексемалар ҳам ўзаро салбийликнинг даражасига кўра фарқланади. Масалан, *илжсаймоқ* синонимиде салбийдик даражаси кучсизроқ бўлса, *тиржсаймоқ* лексемасидаги салбийлик эса кучлироқдир. Ижобийлик ёки салбийликнинг охири ва аксинча камайиб бориши асосида синонимик қатордаги лексемалар даражаланиши мумкин. Бунда даражаланиш ижобийликдан салбийлик томон ортиб бормоқда.

Айрим синоним лексемаларнинг денотатида ҳам сезиларсиз фарқлилик бўлади ва ўз-ўзидан сигнификатов маънода ҳам фарқлилик мавжуд бўлади. Масалан, *аччиқланмоқ, газабланмоқ, қаҳрланмоқ* синонимик қаторидаги лексемаларнинг денотатларига эътибор қилсак, ушбу лексемалар битта денотатнинг турди номлари эмас, балки ҳар бири алоҳида ўзаро яқин денотатларнинг номидир. Зеро, аччиқланиш, газабланиш ва қаҳрланиш бир гурдаги, умумий белгиларга эга турли ҳодисалардир: Масалан, аччиқланмоқ – газабланмоқ - қаҳрланмоқ каби.

Денотатив маънолари билан фарқланувчи синонимларда бир хил, умумий аташ семалари мавжуд бўлади. Фарқлилик эса бир денотатив сема доирасида кузатилади. Синонимик қатор лексемалари битта семанинг турли даражаларини ифодалайдилар ва шу аснода фарқландилар. *Кучли,*

бақувват, забардаст синонимик қаторида «жисмоний кучга эгаликнинг ортиқлиги» кучли ва забардастга томон даражаланмоқда. Бу каби синонимик қаторларда аташ семаси билан бирга ифода семасининг ҳам даражаланиб боришини кўриш мумкин. Масалан, зукколик белгисининг (денотатив) тадрижий камайиб боришига салбий муносабатнинг (коннотатив) ошиб бориши даражалари тўғри келади. Зукколикнинг камайиб бориши (денотативлик).

-1 -2 -3 -4 -5 -6
содда — оvsар — гўл — лақма — пандавақи — меров¹

Синонимиянинг бу турини айрим тилшунослар маънодошлик муносабати деб ҳисобламайдилар. Бундай маъно муносабатини мазмуний градуонимия деб баҳолайдилар. Синоним лексемалар тилнинг қандай услубига хослиги, қўлланиш доираси, лексеманинг даврга муносабатига (янглик, эскилик, замонавийлик) кўра ўзаро фарқланадилар. Масалан, булоқ, чашма синонимларидан булоқ оқдий сўзлашув услубига хос бўлса, чашма бадий услубга хос. Ёки буйруқ, амр, фармон синонимларидан амр эскирган сўз саналади.

Демак, семантик синонимлар коннотатив маъно нуқтаи назаридан ўзаро фарқланувчи семантик ҳодисалар ҳисобланиб, улар шу қирралари томонидан таҳлил қилинганда семантик ҳодисанинг бир тури ҳисобланган градуонимия ҳодисасини шаклланиши учун замин туғдиради.

Н.ХУСАНОВ, ТМИ

“ЛУҒАТИ ЧИҒАТОЙИ ВА ТУРКИ УСМОНИЙ” ЖУҒРОФИК МАНБА СИФАТИДА

Маълумки мустақилликдан сўнг адабий меросимизни ўрганишга бўлган қизиқиш ва эътибор янада кучайди. Ўзбек тилининг фидоий тарғиботчиси, таниқли луғатшунос олим, ажойиб сайёҳ, мумтоз адабиётимизнинг толмас ношири, таниқли дипломат, истеъдодли шоир бўлган Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодини ёритиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу алломанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек тилида баъзи ишлар қилинган бўлсада², унинг ижодий мероси чуқур ва атрофлича ўрганилмаган. Бинобарин, ўзбек тилидаги кўпгина сўзларнинг тарихини аниқлашда, этимологиясини очиб беришда у муҳим манба ҳисобланган.

Йигирманчи асрда бу луғат янада чуқурроқ ўрганила бошлади. Таниқли туркийшунос олимлар ундан илмий ва амалий манба сифатида кенг фойдаландилар. Жумладан, академик В.В. Радлов ўзининг “Опыт

¹ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. — Тошкент, Фан, 1995. Б 27.

² Хусанов Н. Структурно-семантический характеристика лексики в «Луғати чигатай ва турки усмоний». Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент, ФАН, 1990. 141-214 с.

словаря тюркских наречий” номли машхур луғатини яратишда “Луғати чигатойи ва турки усмоний”га муҳим манба сифатида қаради. Шу луғатдаги 1500 дан ортиқрок сўзнинг бевосита Сулаймон Бухорийнинг луғатидан олинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

“Луғати чигатойи ва турки усмоний” илмий ва лексикографик ишлар унвонига манба бўлиб қолмайди, балки ундан мумтоз шоирларнинг асарларини чоп этишда, фольклор материалларини тўплашда ва нашр қилишда манба сифатида фойдаланиш мумкин¹. Зеро унутилиб бораётган юшаб туркий сўзларни тўплашда, ўзбек халқ кўшиқларини, мақолларини ва топишмоқларини тиклашда ҳам луғат муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, асар қимматли географик маълумотларни ўзида жамлайди, туркий ва осий халқларининг геополитик тарихий харитасини яратишда бу асар беназир манба ҳисобланади.

Таниқли географ олим Ҳ.Хасановнинг фикрича, “Сулаймон Бухорий машхур сайёҳ ва олим – луғат тузувчидир”². Унинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний ” асарида бу сайёҳ олимнинг сайёҳати ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд.

Осий халқларининг ҳаёти ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш Сулаймон Бухорийни сайёҳатга ундайди. Олим кейинчалик бу ҳақда асар муқаддимасида:

Туркманнинг ҳолин бир-бир билдим,

Жинсу миқдорини дафтар қилдим,

леб ёзишига қараганда, у Осийда яшовчи айрим халқларнинг оғзаки шайхонасини, уруғ номларини ва шеваларини ҳам ёзиб олган.

Сулаймон Бухорийнинг Осий бўйлаб қилган сафари унинг “Манзумаи чигатойи” да кенг акс этган. Олим қайси ўлкаларда бўлганлигини ҳамда сафар таассуротларини қуйидаги мисраларда шундай ифодалайди:

Ҳам сафаротла сайёҳат қилдим,

Ҳинду сарҳинди зиёрат қилдим.

Ганг дарёсидин ҳам этдим убур,

Деҳлию Аграда кездим баҳузур.

Азми анбар Сару Лоҳур этдим,

Пенду йўлила Пешовор кетдим.

Бир неча Рошу Кўталдин ошдим,

Кобилнинг кўргонина етишдим.

Бомийн бутларининг ости билан,

Ҳиндикуш тоғларининг усти билан.

Эбаку Хирма восил ўлубон,

Тошкўргон ила Халуми кўрубон.

Кобилу Балху Хиротни кездим,

Мулку Эрон Гилонни кездим.

¹ Шейх Салиман ал-Қады بخارى لغت چغتاي و تركى طماى جداول استقبول مهران مطبعه سى 1298

² Хасанов Ҳ. Шайх Сулаймон Бухорий. Ўртаосийлик географлар ва сайёҳлар. – Тошкент, 1964. Б. 222.

*Хиваю Баҳри Хазарда юрудум,
 Ахалу Марвада кун ўлтурдум.
 Туркманнинг ҳолини бир-бир билдим,
 Жинсу миқдорини дафтар қилдим.
 Қаарим элти Бухороя қадар,
 Юрудуким ер нақадардур нақада.
 Чун Бухоро аро дохил ўлдум,
 Хукмдорнинг қошида ўлтурдум.
 Тинч дарёи Амудан ўтарак,
 Кобилу Ҳинд йўлини тутарак.
 Румо қайтмоқлига мойил ўлдум,
 Рир ила Манбия восил бўлдум.
 Шўр дарёсина кирдим ночор,
 Меҳнатим йўлда Кайдон ўлди дучор.
 Мулки Бағдод ила авдат этдим,
 Куҳ Чанбардин Ҳижоза кетдим.
 Бир замон Ясрибу Батҳида юруб,
 Мисрда бир неча кунлар ўтуруб.
 Яхши бир соат ашраф бўлдум,
 Истанбулга мушарраф бўлдум.*

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Сулаймон Бухорий ўз саёҳати давомида Эрон, Афғонистон, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатларни бориб кўради, халқларнинг урф-одатлари ва мадания бойликлари билан яқиндан танишади.

Кейинчалик Сулаймон Бухорий Европа мамлакатлари бўйлаб саёҳатги чиқади. Ва бу ҳақда шундай дейди:

*Туна нахридин ўтиб кетинглар,
 Сакден шаҳрина то етинглар.
 Йўла чиқмиш эдилар халқ тамом,
 Бўйла бир гулгулаи хосу авом.
 Кўрушуб Пушта сари кеттик биз,
 Минглик адамли ера еттик биз.*

Тахминан 1878 йилда Венгриянинг Сакден шаҳрида туркийшуносларнинг халқаро анжумани чакирилади. “Муҳожирин” илмий жамияти ва чигатой туркийлари (Ўзбеклари) номидан бу анжуманга Сулаймон Бухорий номзоди кўрсатилади. Олим сафарга отланаркан, шундай ёзади:

*Бир саёҳат чиқди яна бошимга,
 Ёлвориб қўймадилар хоҳшимга.
 Миллатинг номина кетгин дедилар,
 Можара тез юру етгин дедилар.*

Сулаймон Бухорий жамиятнинг бир неча вакиллари билан Можаристонга боради. Уларни можор халқи жуда илик ва яхши кутиб

ошиди. Анжуман ахли Сулаймон Бухорий чигатой туркийларидан қилишини билгандан сўнг унга кўплаб саволлар беришади. Улар чигатой (ёки ўзбек) тилига ниҳоятда қизиқиб қолишади ва Сулаймон Бухорийдан чигатойча-туркча лугат тузиб беришни илтимос қилишади. Бу ҳақда у шундай ёзади:

*Осиёдан келишим англадилар,
Чигатой билдигим тингладилар.
Кўп гап урмоққа талошлашдилар,
Бу лугат узра кенгашдилар.*

Можаристон таассуротлари унинг ижодига таъсир қилмасдан қолмайди.

Сулаймон Бухорий анжуманда бир қанча туркийшунос олимлар билан гапиради ва улар ўзаро алоқада бўлиб туришига келишадилар. Анжумандан қайтгандан сўнг у чигатой тили ва адабиётига оид материалларни тўплаш бошлайди.

“Лугати чигатойи ва турки усмоний”да география фанига оид кўплаб маълумотлар мавжуд. Лугатдаги географияга оид қизиқарли маълумотларни сўзларни шартли равишда куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. **Жой номлари-топонимлар:** Андижон, Бойсун, Бешариқ, Бешбалиқ, Божун, Кобил, Хоразм, Қоракул
2. **Сув номлари** – гидронимлар ва уларнинг изоҳи: Амударё, Оксув, Жайхун, Сайхун, Иссиқкул, Қорасув, Орол тенгизи, Қораб ўғоз.
3. **Тоғ номлари** –оронимлар ва уларнинг изоҳи: Абунжон, Турон.
4. **Географик терминлар изоҳи:**-арно, байир, аёз, ағоч, қоқ, чигир
1. **Географик жой номлари**

Олим географик жой номларини изоҳлар экан, уларнинг қаерда жойлашганлиги, тарихий номланиши, пойтахти ва ҳ. ҳақида фикр юритади ва уларни батафсил тасвирлашга ҳаракат қилади. Чунончи, “Лугати чигатойи ва турки усмоний”да **географик жой номлари**, яъни топонимларнинг куйидаги гуруҳларига изоҳ берилади:

и) **шаҳарларнинг номлари (астионим):**

Андижон **اندجان**- Фарғана китъасинда мешхур бир балде исмидир, нам қадимийси Адақдир.(22)

Самарқанд ва Самарқанд **سمرقند و سمرکند** – қадимде Мареканд Туран Искандар земаинде у Сўғд вилайатинг пайтахти; кенд қарийа демак Увуб, Семер дахи баниси бўлунон падшаҳнғ исминдендир; Самарқанд хлм.

Мисол:

*Бу кишвардин кўнгул узмоқни мушкулдур демиш Ҳофиз
Сиях чашмон Кашмирию туркмон Самарқанди (187).*

б) мамлакат, ўлкаларнинг номлари:

Тебиг *تبت* – Танхут дахи дейинур; Чин ве Татаристан ве Туркистан ис
Ҳиндистанг арасинде вақиб бир мемлекет исмидир; Хўтан ве Йарқанд
маҳазисинде дашти Паймир худунде ве Кашмирнг шарқиндедир; Ладам
дахи дерлар.(107)

Хоразм *خوارزم* – Журжан иле Дешти Қипчак ве Бехри Хазаз иле Бухари
эмарати арасинда вақиб ўлкайи азимадир; пейтахти қадимде кўхне Ургенч
ўлуб, алийум Хивекдир .(167).

в) дарё, қўл ва денгизларнинг номлари:

Атрак *اترك* – Эраннг шималинда қабаили Туркманийа ичинда вақиб бир
нахрнг исмидирки, йавмуд қабиласи урада сакиндир.(4)

Атрок буйундагн барча туркманлар,

Дустум хабар бергин омон-эсонми.

Арол тенгизи *ارال تينگيزى* – Жейхун ила Сейхуннг йиғиндиғи
Харазм қитғасиндағи жисм қўл; Арал денгизи (7).

Амударё *امودريا* - Жайхун нехридир, Памир тағлариндан зухур
эдарак Бадахшан, Балх ве Бухара музафатила Харазми асқа ве арве
этдикдан сўнгра Арал денгизина мунтағи ўлийур, Амуйа дарйа дахи
дейнилу, Сайхун ила бирлашур.(21)

г) осмон жисмларининг номлари:

Бузбуга *بوزبوغا* - демир қазик йилдизидир, қутби шимали. (80).

Чўлпон *چولپان* – Чулан йилдизи; Ахтер (158).

Масалан:

Мунажжим кўрди Чўлпон кўзларинг ойдек юзунг узра,

Дедиким, ҳусн иқлими аро соҳибқирондур.

2. Қабила, миллат ва элатларнинг номлари.

Тожиқ *تاجيک* – йибанжи маънасинадир; авайл исламнг фарсдан туркка
араби қаришуб эхтида эданларе йибанчи маънасина тажик ве тажик
дейинмишдир; ве шамдиги ҳалда Асийа Весатида фарси текеллум эданларе
тажик ве туркий текеллум эданларе тат таъбир эдарлер.

Мисол:

Турку тожик ўзбеку саҳройшлар,

Дашти Қипчоқда гадоюу (98)

Қорилиғ *قارلغ* – ихтиярлик; қўжалик; пирлик; теваиф атракден бир
қабиле исмидир; Чингизханнг Гуржистандан ҳин авдатинде бир қабиле
йўлде қарде қалдиқлари ичун бунлар бўйле қарлиқ теваим(215)
Қалмоқ *قالماق* – жин ве мўғул жинсинден бир улус исмидир; қалмуқ дахи
дейинур; ақамет ве беқа; керар ве истикрар этмек; сакин ўлуб кетмамак.

Мисол:

Бир тарафи чурчут қалмоқтур,

Ул тарафи қулзум ҳам қофдурқалмоқ— .(222)

Нойман **نایمان** – найман ўзбеклере қаришмиш бир таифе исмидирки, асли тагар аширетларине менсубдир; мўғул лисанинжа секкиз демакдир, **نایمانکالات** Бухара ва Суғд Самарқанд жеваринде мескундирлар(283)

Демак, лугатда ономастик маълумотларни изохлаш филологик ва энциклопедик характерга эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

Лугатда атоқли отлардан иборат бўлган географик номларни ифодаловчи сўзларнинг маъноси икки томонлама акс эттирилади:

1) Атоқли от сифатида;

2) Луғавий маъноси.

Сулаймон Бухорий берилган сўзнинг атоқли от тузилишининг ўзгариши ва этимологияси ҳақида кўп марта келтириб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, “Луғати чигатойи ва турки усмоний” луғатининг ономастикаси эски ўзбек луғатлари орасида ўзининг бойлиги ва қилим-хиллиги билан етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Замонавий ономастик луғатларни тузишда “Луғати чигатойи ва турки усмоний” асосий манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир, зеро “ҳозирги дунда номларнинг изоҳланиши муҳим усуллардан бири бўлиб қолапти”¹

Сўзларнинг маъносини очиш. Ҳар бир сўз халқларнинг ҳаётий таъсижлари натижасида вужудга келади. Дастлаб у бир маънога эга бўлиди, сўнгра бошқа маъноларга ҳосил бўлади. Шундай қилиб, унинг асосий маъносидан ташқари кўчма маънолари ҳам пайдо бўлади. Баъзи тилларда бу муаммо батафсил ўрганилган бўлишига карамай, эски ўзбек тилида яратилган луғатларда сўзларнинг асосий ва кўчма маъносини берилиши, маъносининг ранг-баранглиги, ҳалигача тадқиқ қилинмаган. Тарихий луғатларда сўзларнинг маъноси икки асосий принцип асосида берилиши ҳақида А.Воҳидов алоҳида таъкидлаб ўтади:

а) аввало унчалик маълум бўлмаган ёки кенг тарқалмаган лексик бирликлар маъноси, сўнг ҳаммага маълум бўлган баъзи маънолари кенгирилган;

б) аввал сўзларнинг маълум бўлган маъноси, сўнг бошқа маънолари кенгирилган².

“Луғати чигатойи ва турки усмоний” лексикасининг тадқиқ этилганда сўзларнинг маъносини бериш иккала усулда ҳам амалга оширилгани маълум бўлди. Масалан, ўланг **اولنگ** – чайир; чечен; бир неъ шарқи (19)сўзининг маъноси биринчи усулда берилган:...

“Луғати чигатойи ва турки усмоний” даги сўзларнинг асосий қисмида уларнинг маъноси беришда иккала усулда бирга қўшиб олиб борилади. Бир маъноли ва полисемантик сўзларни очиб беришда уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари ҳисобга олинади. Луғатда бир маънони англаувчи олимларнинг исмлари географик жой номлари ва терминлар яхши акс

¹ Теория и методика ономастических исследований. -М., 1986. -С. 92.

² Воҳидов А. Структурно-семантическая характеристика лексики в «Гийёсул-луғот». Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Душанбе, 1975. -С. 6.

этган. Масалан: Абунжон *ابرنجان* – қипчақ сахраларинда вақеъ бир тағи
исмидир(3)

Абунжон тоғидин сени ошурсам,

Улус кўрмас олис ерда ёшурсам.

Сулаймон Бухорий сўзларнинг маъносини очишда, айниқса кўп маъноли сўзларни изохлашда катта маҳорат кўрсатади. Масалан: Тош *تاش* – таш; ҳежр; сенг; баъид; дур; ферсенг; ферсеҳ; хариж; бирун; ағач ве чакрим; калима ахирина илаве ўлур; демурташ киби (100); Фарсанг *فرسنگ* – фарсенг; кефа мизан ве теразуи адл ве данг этмек узре бир тарафина қунилан даре; ве сенг берабери (210).

Мазкур маълумотлар Сулаймон Бухорийнинг кўп қиррали илм соҳиби эканлигини, унинг ҳам тасвир устаси ҳам табиий фанлардан етарлича хабардор бўлганлигини, ўз ўрнида, сўзларнинг лексия маъносини чуқур англаган тил билимдони эканлигини исботлайди.

Умман, Шайх Сулайман Бухорийнинг луғатида сўзларнинг маъноси бошқа луғатлардагига қараганда тўлиқроқ берилган ва изоҳланган.

У чигатои тили лексия бойлиги ва грамматик хусусиятларини очишда географик атамалардан унумли фойдаланади ва бу орқали ушбу тилнинг бошқа тиллардан қолишмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилади ва мазкур асар орқали бунга эришади. Бир нечта йўналишдаги маълумотларни ўзида жамлаган бу асар қимматли энциклопедик асарлар рўйхатидан ўрин эгаллади ва 1880 йилда Истамбулдаги “Меҳрон” матбаасида нашр қилинди.

Асар узоқ ғарб мамлакатларида ҳам ўз мухлисларини топди.

“Луғати чигатои ва турки усмоний”нинг Оврупода кенг танилишига ва тарқалишига можор олими Йғонос Кунуш катта ҳисса қўшади. У бу китобни немис тилига таржима қилади ва бу луғат 1902 йилда Будапештда нашр қилинди¹.

Д.МАҲКАМОВА, ТошДўТАУ

ТЕРМИНЭЛЕМЕНТ – ДЕРИВАЦИОН БИРЛИК

Маълумки, тилшуносликда, хусусан, унинг муҳим бўгини терминологияда ҳам терминэлементларга қисқарган сўз шакли сифатида қаралади. Гарчи терминэлементлар шаклан грамматик кўрсаткичларга тен бўлса-да, улардан фарқли равишда ўз семантикасига эга, қўшма сўз таркибида ҳам маъновий қирраларини йўқотмайди ва ҳар қандай мустақил лексемага хос бўлган хусусиятларни ўзида намоён этади: *автосаноат (авто+саноат), нейрожарроҳ (нейро+жарроҳ), микроқитисодиёт*

¹Sejx Sulejman Efendi's *Cağataj-Osmanisches Wörterbuch. Verkürzte und mit deutscher Übersetzung versehene Ausgabe. Bearbeitet von DR IGNAZ KUNOS. – BUDAPEST, 1902.*

(макро+иктисодиёт), гидрофизика (гидро+физика), геронтопсихология (герон+психология), полифония (поли+фония), микропрограммлаш (микро+программлаш), телекоммуникация (теле+коммуникация), телеоператор (теле+опера-тор).

Манбалардан аён бўлишича, дунёнинг турли тилларида термин яратиш ва бошқа тилдан термин ўзлаштиришнинг шаклланган ўзига хос алоқалари мавжуд. Масалан, Ҳиндистонда янги ва бутун мамлакат учун янги терминология яратишда санскрит(қадимги ҳинд тили) га асосланиш зарурий шартлардан ҳисобланади(1). Хитой ва фин тилларидаги терминологиянинг аксарият қисмини ўз сўзларташқил этади, ўзлашма терминлар эса жуда кам. Табиийки,хитой ёзувининг ўзига хослиги, яъни фонетик эмаслиги товуш ўзлашмаларининг бу тилга эркин кириши учун монелик қилади. Хитой тилининг ҳарбий терминлари изоҳли луғатидаги 1961 та терминнинг фақат қирққа яқинигина товуш ўзлашмалари эканлиги(2) ҳам айтиш мумкин бу ҳолат билан боғлиқ. Европа тилларидаги терминларнинг асосини юнон-лотин тиллари бирликлари, юнонча-лотинча терминэлементлар ташқил этади. Мутахассислар юнонча-лотинча терминэлементлар ўзига хос нейтрал терминологик фондни ташқил этишини қайд этадилар. Ҳақиқатан ҳам, улар ҳозирги кунимизда бирон-бир тирик тилга мансуб эмаслиги туфайли барча тилларга (камида, европа лингвомаданий ареалига мансуб тилларнинг барчасига) бирдай тегишлидир. Айтиш мумкин юнон- лотин тилларининг ўлик тиллар эканлиги бу тиллар материаллари асосида яратилган терминларнинг барқарорлиги, бир маънолилигининг сақланиши, ўзгармаслиги учун муҳим омилдир.

Мумтоз тиллар доирасида оқилона шаклантирилган терминлар эмас, аниқ, ифодали бўлганликларидан ҳар бир тилга, жумладан ўзбек тилига ҳам таржимасиз қабул қилинаверади. Халқаро терминэлементлар префиксал, интерфиксал ва постфиксал кўринишга эгадир. Авто-, азо-, микро-, микро-, поли-, ультра- сингари ўзаклар, -а-, -о- каби ўрта элементлар ва -бус, -дром, -навт,-фоб, -фор,-скоп кабилар асосан постфиксал ҳолда кўринади.

Интернационал терминэлементлар иштирокида тузилган терминларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги сабаби шундаки, бундай махсуслашган терминэлементлардан тузилган терминлар нисбатан тўла аниқликка эга бўлади. Улар ўзлари билдирган тушунчаларнинг белгилари ҳақида кўпроқ маълумот бера олади. Бундай терминэлементларнинг маъновий тушунарлилиги ва нисбатан аниқлиги уларнинг қисман қисқалиги билан бирга уйғунлашиб кетадики, бу нарса айтишча у ёки бу терминнинг яшовчанлигини олдиндан белгилаб беради.”(3)

Интернационал терминэлементларнинг характерли хусусиятларидан бири уларнинг умумлаштириш қобилиятидир. Бу хусусият, айниқса, постфиксал терминэлементларда яққол кўзга ташланади. Чунки -гамия, -

граф, -графия, -дром, -емия, -лог, -логия, -скоп, -стат, -трон каби терминэлементлар иштирокида мунтазам, бир маъноли терминлар ҳосил қилинади. Терминэлементларнинг айнан шу хусусияти ҳам тежамлиликни воқелантиришда жуда қўл келади: *фармаколог - фармацевтика соҳасининг мутахассиси; филолог - филология фанининг мутахассиси.*

Демак, -лог = *фан мутахассиси, соҳа ҳодими.* Биргина терминэлемент икки сўзнинг ўрнида келмоқда, термин мазмунида ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Аксинча, у шаклан ихчамлашди – бир сўз(қўшма сўз) холига келди. Семантик жиҳатдан янада илмийлашди – илмий услуб бирликларига хос кўрсаткични олди. Аслида ҳам терминэлементлар барча ўринларда илмий услубга хосланади. Уларнинг асл ҳоли эса ўзи мансуб тилда алоҳида лексема сифатида баҳоланиб, бошқа услубларда мустақил қўллана олади. Бироқ халқаро бирликлар сифатида терминэлементларнинг, юқорида таъкидланганидек, умумий, турғун, ягона маъноси ва шакли олинади. Бу эса терминэлементларнинг ҳар қандай тил терминологиясида ихчам ва аниқ терминни яшаш учун қулай восита бўлиб қолишига хизмат қилади.

Юнонча-лотинча терминэлементлар айнан бетараф терминологик захира бўлганлиги учун ҳам нафақат европа тиллари, балки дунёдаги бошқа тиллар учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга, улар халқаро сифатини касб этган. Албатта, ўзбек тили терминологиясида ҳам терминэлементларнинг хизмати катта. Уларнинг иштироки нафақат терминологияни тартиблашда, балки ўзбек терминологиясининг жаҳон терминологияси билан алоқасини таъминлашда ҳам кўринади. Ўзга тил вакилининг ўзбек тили терминологик тизимини ўзлаштиришини осонлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зарубежный Восток. Языковая ситуация и языковая политика. –М.: Наука, 1986. – С.20.
2. Кленин И. Заимствования в современном китайском языке // Лексические заимствования в языках зарубежного Востока. –М.: Наука, 1991. –С.94.
3. Юшманов Н. Элементы международной терминологии. Словарь –справочник. – М.,1968, –С.6-7.

М. МИРСОДИҚОВА, ЎЗМУ

ИККИ СЎЗДАН ИБОРАТ ПАРОНИМЛАР

Икки сўз деярли товушлари бир хил бўлгани ҳолда, фақат бир товуши ё артикуляция ўрни, ё артикуляция усули, ё акустикаси жиҳатидан ўзаро фарқ қилса, улар паронимияни таркиб топтирадилар¹. Бу фарқ ўзаро барча

¹Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд – Тошкент: Университет, 2004. –Б. 201.

товушлари бир хил бўлиб, фақат бир унлиси артикуляция ўрнига кўра фарқ қилганда ҳам кузатилади. Улар пароним таркиб топиши учун аҳамият касб этади. Бундай паронимлар кўпроқ бир унлиси артикуляция ўрни жиҳатидан фарқланиб, артикуляция усули ва акустикаси жиҳатидан бир хил бўлган сўз жуфтликларига учрайди. Тилдаги шу жараён параномия таркиб топишининг бир кўриниши ҳисобланади.

Ўзбек тилида *и, у, ў, а* унлиларининг ҳар бири ҳам тил олди, ҳам тил орқа вариантыга эга. Шунга кўра, шу товушлардан бири икки сўз таркибидан бири тил олди ва бири тил орқа варианты билан қайд этилиб, шуларнинг бошқа товушлари айнан келар экан, паронимни таркиб топтирган бўлади. Масалан, ‘кес-’ маъносига эга унлиси тил олди бўлган *ит-* сўзи ‘жойни ўзгарт-’ маъносига эга унлиси тил орқа бўлган *ўт-* сўзи билан биргаликда ўзбек тилида паронимдир. Яъни улар унлиси артикуляция ўрнига кўра ўзаро фарқ қилиб, артикуляция усули ва акустикасига кўра бир хил, шунингдек, бу сўзларнинг ауслаутидаги *т* ундоши ҳам айнан бир ундош товушдан иборат. Лекин бу сўзлар, ўзбек адабий тилида, унлилари фарқсиз, бир хил талаффуз этилади, деб қаралади. Улар унлиси артикуляция ўрнига кўра сингармонизмга хос ўширо фарқланмайди. Адабий тилда шундай деб қонунлаштирилган ва ўзбек тили имлоси асосида бир хил ёзилишган эга. Шу асосда ўзбек тилишуноси Фаҳри Камолов қайд этилган икки сўзни омограф деб кўрсатади.¹ У шу билан чекланмайди. Унинг ёнига яна *тўр, тур, уч, тиш, сиз* кабиларни ҳам қўшади.² Шуларнинг ҳар бири артикуляция ўрни билан ўширо фарқланувчи икки унлига эгаллигига кўра икки сўздан таркиб топган. Шу жиҳатдан мазкур *тўр, тур, уч, тиш, сиз* кабилар омограф ҳисобланади. Бу ўзбек тилидаги мавжуд имлога кўра тўғри.

Ўзбек тилида ‘оғиздаги мугуз’ маъносига эга унлиси тил олди *и* бўлган *тиш* сўзи ‘сирт’ маъносига эга унлиси тил орқа *ы* бўлган *тиш* сўзи билан, унлиси тил олди *и* бўлган *сиз* олмоши ‘силқи’ маъносига эга унлиси *ы* бўлган *сиз-* сўзи билан, ‘тик ҳолга ўт-’ маъносига эга унлиси тил орқа *у* бўлган *тур-* сўзи ‘хил’ маъносига эга унлиси тил олди *ү* бўлган *тур* сўзи билан, ‘юқори’ маъносига эга унлиси тил олди *ө* бўлган *тўр* сўзи ‘саёз тўқилган мато’ маъносига эга унлиси тил орқа *о* бўлган *тўр* сўзи билан, миқдор билдирувчи маънога эга унлиси тил олди *ү* бўлган *уч* сўзи ‘қирра’ маъносига эга унлиси тил орқа *у* бўлган *уч* сўзи билан бир хил ёзилади, яъни омографлардир. Уларни бундай аташ, албатта, имло қоидаси нуқтаи назаридандир. Тил нуқтаи назаридан, ўзбек тили нуқтаи назаридан қаралганда, бу жуфтликлар паронимлардир. Сўзларни тил нуқтаи назаридан гуруҳлаштирилар экан, улар талаффузи эътиборда тутилади. Чунки, сўз шакли товушлар комплексидан иборат. Маълум бир товуши ўширо бир жиҳати билан фарқланиб, асосан бир хил талаффуз этиладиган

¹Криг.:Камолов Ф. Лексикология // Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: ФАН, 1957. –Б. 76.

²Криг.:Камолов Ф. Лексикология... – Ҳша бет.

сўз жуфтлиги пароним деб ҳисобланади¹. Шу ўринда паронимия билан омография тенг келган.

Икки сўз, бир унлининг артикуляция ўрни жиҳатидангина фарқланиб, барча товушлари билан ўзаро бир хил талаффуз этилиши ва бир хил ёзилиши омограф деб деб қаралишига тилшунос М.Миртожиев қарши фикр билдиради. Улар буни мазкур сўз жуфтлиги таркибидаги икки сўз унлиси бири биридан тил олди ва тил орқа эканлиги, яъни сингармонизм қонуниятига кўра, деб қарайдилар. Ҳозирги ўзбек тилида сингармонизм йўқ, деб биладилар. Албатта, бу фикр ўзбек адабий тили нуктаи назаридан айтилган. Ўзбек адабий тилидан сингармонизм ўз ўрнини топмаган. Ўзбек адабий тили шакллантирилар экан, уни ўзбек қарлуқ лахжасидаги сингармонизм қимматини йўқотаёзган Тошкент, Кўкон, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳар шеваларига асосланилган. Бу шевалар қарлуқ лахжасида анча кичик салмоққа эга бўлса ҳам, ўзбек тили матбуотлари, бадий адабиёт намоёндалари марказида эди. Шунга қараб, ўзбек адабий тили лексикаси ва фонетикасини шакллантирувчи намоёндалар фақат унлилардаги тил олди ва тил орқа фарқига эга бўлганлигини эътибордан чиқардилар, конвергенция содир бўлган деб ҳисоблаб, бир фонема, деб қайд этадилар. М.Миртожиев фикрича, *тур, тур, уч, тиш, сиз* ва *ут* кабилар омограф ҳам, пароним ҳам эмас².

Маълум лахжа ва шеваларга асосланган ва табиий яралган тилга асосланган бўлса ҳам, айрим қонуниятлар расмийлаштирилганда адабий тилни белгилаовчиларнинг субъектив қарашига боғлиқлик ўз кучини сақлаши табиийдир. Шу жумладан адабий тилда сингармонизмни қайд этмаслик ҳам бор. Адабий тил меъёри айтилган ўринларда у айтилади. Лекин ўзбек тилида гаплашувчи аҳолининг 95 фоизи, яъни асосийси қипчоқ, ўғуз лахжасига, уйғурлашган Наманган шевасига ва, ҳатто, қарлуқларнинг асосийси ҳам сингармонизм ҳукм сураётган шеваларга оғзаки нутқда таянади, унга амал қилади. Бунинг устига, сингармонизмни анча сийқалашган, хиралашган ўша шаҳар шеваларида ҳам оғзаки мунозара чоғида мазкур унлиларнинг тил олди ва ва тил орқа варианты фарқланган ҳолда коммуникацияда, хира бўлса ҳам, қулоққа чалиниб туради. Бу эса нутқни эксперимент орқали таҳлил этилганда яққол кўзга ташланади.

Хуллас, ўзбек тилидаги (адабий тилдаги эмас) *ут, тўр, уч, тур, тиш, сиз* кабилар паронимлар ҳисобланади, график нуктаи назаридан омографлар, дейилгани тўғри.

¹ Қриг.:Jamoilxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: OzMEDN, 2013. - B. 248.

² Қриг.:Миртожиев М. Ўзбек адабий тилига диалектал сўзларнинг кириб келиши натижасида лексик омонимларнинг вужудга келиши // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1962, 1–сон. -Б. 66.

“KUNTUG‘MISH” DOSTONIDA QAVM-QARINDOSHLIKNI IFODA ETUVCHI SO‘ZLAR

Ma'lumki, qavm-qarindoshlik terminlari o'zining kelib chiqishi va ma'nosiga ko'ra uch guruhga ajratiladi:

1. Qon-qarindoshlik terminlari;
2. Nikohdan keyin paydo bo'lgan qarindoshlik terminlari;
3. Yaqinlik nomlari¹.

Biz ham ushbu tadqiqimizda yuqorida sanab o'tilgan olimlarning fikrlariga tayangan holda ish olib boramiz.

Qavm-qarindoshlik terminlariga turli manbalar jumladan, xalq og'zaki ijodi namunalari, xususan, boshqa dostonlardan kompozitsion jihatdan bir qancha mukammalligi bilan ajralib turadigan Ergash Jumanbulbul o'g'li variantiga doir “Kuntug'mish” dostonida ham duch kelamiz.

Dostonda, ota, ena, aka, uka, qiz, shirxo'ra, to'g'a, tub bobo, jiyan, o'g'il, nabira, singil, er, xotin, qizlar, yanga, kuyov, kabi terminlar mavjud bo'lib, ko'pchiligi asar tarkibida turli yo'nalishlardagi dialektal variantlar orqali ifodalanadi. Buning sababini Ergash Jumanbulbul o'g'lining turli hududlarda yashaganligi va shu hudud shevalarining muallif tiliga bevosita ta'siri bilan baholash mumkin.

Dastlab, qon-qarindoshlikka doir ota, ena, aka, uka, to'ga, tub bobo, o'g'il, singil, jiyan terminlarning izohiga to'xtalib o'tamiz. Ular orasida dostonda eng ko'p qo'llanilgan ota qarindoshlik termiga O'zbek tilining izohli lug'atida Farzandli, bola-chaqali er kishi (o'z bolalariga nisbatan) deya ta'rif beriladi. Shunga muvofiq dostonda Avliyoyi Qoraxon Kuntug'mishga, Kuntug'mish esa Mohiboy va Gurkiboyga otalik vazifasini bajaradi.

Ona qarindoshlik termini doston tarkibida ena variantida qo'llanilgan va izohli lug'atda mazkur termin Farzandi yoki farzandlari bo'lgan xotin (o'z muqam farzandlariga nisbatan) bolali xotin ma'nosida, ena varianti esa aynan shevaga xos ekanligi izohlanadi. Doston tarkibidan olingan parcha orqali keltirilgan terminlarga birgina misol keltiramiz: *Otim Kuntug'mish, otamning oti Avliyoyi Qoraxon...shunda No'g'ayday elimni, ota-enamni, xalq-qarindoshimni tashlab, shahringga Xolbekani izlab keldim...*“yoki: *...boz ayrildim, oq sut bergan enamdan, Ka'bam enam, nochorimdan ayrildim...*” (146-b.). Shuningdek, pushtipanoh, qiblagoh so'zlarining ota termini ma'nosini o'zida jamlab qo'llanilganligi dostonda jumalarning uslubiy jihatdan jozibadorligini, ta'sirchanligini ta'minlashga xizmat qilgan: “*No'g'ay elda bo'lsa manzili-joyi, Qoraxonshoh bo'lsa pushtipanohi...*” Yoki: “*...Qariganda*

¹ Мемюнов Н. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. — Тошкент: Фан, 1966. -Б.10.

otam qiblagoyimdan, G'amxo'r otam. G'amxo'rimdan ayrildim... (Kuntug'mish tilidan, 203-b.).

O'g'il va qiz termilari qadimiy terminlardan bo'lib, izohli lug'atla er va ayol jinsidagi bola, farzand (o'z ota-onalariga nisbatan) ma'nosida izohlanadi. hamda bu terminlar dostonning aksariyat o'rinlarida uchraydi: *"kunlardan bu kuni Shoir vazirning xotini qiz tug'di. Tohir vazirning xotini o'g'il tug'di..." (133-b.).*

Aynan o'g'il terminining bachcha, tirmoq, go'dak, ul kabi shevaga oid variantlari ham mavjud. O'g'il va qiz terminlarini esa farzand, bolu ko'rinishidagi umumsinonimik so'zlar birlashtiradi. Biroq, asar qahramonlari o'g'il bola bo'lganligi uchun bu umum terminlar ayrim o'rinlarda o'g'il terminiga moslashtirilgan. Ularga quyidagi parchalardan misol keltiramiz: *"...Xudo berdi ikki farzand. Yana ko'nglim ravshan bo'ldi" (209-b. Yoki: "har gap bo'lsam, bolalarimman bo'layin, Yo bo'lmasam men ham shunda o'layin, Ikki go'dak suvsiz cho'lda o'lmasin, Obbergin go'dakni qo'lga olayin. To'ram o'ldi go'daklarim o'lmasin..." (198-b.)* Yana bir misolga qarang: *"...men bilgimda ketar bo'lding shikili, ketsang, olib ketgin ikki ulingni" (180-b.).*

Aka va uka qarindoshlik terminlari ostida Xolmo'min - Xolbeka, Gurkiboy - Mohiboy orasidagi qarindoshlik munosabatlari namoyon bo'ladi. Lug'atda: "aka termini Bir ota-onadan tug'ilgan katta o'g'il (o'zidan kichiklariga, ukalariga nisbatan)", uka esa "Bir ota-ona o'g'illaridan kichigi (katta yoshdagi farzandlarga nisbatan)"-deya izohlanadi. Aka-uka terminlari bigalikda antonimik qatorni tashkil etib, aka, uka holatidagi tub so'z ko'rinishida ham, aka-uka holatidagi juft so'z ko'rinishida ham kuzatiladi. Bundan tashqari, *"Qavmim yo'q, og'ajon qarindoshim yo'q. Sizga aytay desam, emchakdoshim yo'q"* (220-b.) parchada keltirilgan emchakdosh termini ham aynan aka-uka ma'nosida keltirilgan. Yoki: *Ikkovimiz sut emishgan shirxo'ra, Men akangman, sen bo'lasan jigarim."* (Gurkiboy tilidan Mohiboyga aytilgan jumladan parcha 234-b.)

Shirxo'ra termini dostonda Xolbeka va Xolmo'minga ham Gurkiboy va Mohiboyga ham tegishlidir. Shirxo'ra deyilganda bir onani emib katta bo'lgan bolalarga nisbatan aytiladi. Buni quyidagi parcha orqali anglab olish mumkin: *"...Xolmo'minning enasi qora bosib o'ldi. O'g'li etak ostida qoldi. Xolbeking enasi emizib katta qildi. Bular shirxo'ra bo'lib, nikoh yurmaydigan bo'ldi..."*

Bobo termini ota tomondan qarindosh sanalgan, ya'ni ikki bolaning otasining otasi Avliyoyi Qoraxonga tegishlidir. Asarda bobo termini tub bobo ko'rinishida ifoda etilgan: *"...Gurkiboyning zotin aylasam bayon, tub bobosi Avliyoyi Qoraxon..." (216-b.).*

Tog'a termini Xolbeking bolalariga ona tomondan qarindosh sanalgan Xolmo'minga tegishli. Bolalar esa Xolmo'minga jivan bo'ladilar. O'z-o'zidan dostonda har ikkala termin ham qo'llanilgan. Bu o'rinda yana bir misolga e'tibor qaratamiz: *"...Gurking bor xolbeka o'tli enasi, Xolmo'min yasovulboshi*

tug'asi..." (216-b.). Yana: "(Xolmo'min) *Kuntug'mish to'ra bilan xo'shlashib, hiynulari bilan ko'rishib, yig'lashib Zangarga qaytdi.*" (263-b.)

Jiyan qon-qarindoshlik termini sifatida, asosan, tug'ishgan aka, opalarining o'g'il va qizlariga nisbatan ularning singil va ukalari, o'ziga nisbatan kim ekanligini ifodalovchi termin sifatida ishlatiladi. Dostonda ham xuddi shuning uchun ham Xolmo'minga Xolbekaning bolalari jiyan sanaladi.

"*Avliyoyi Qoraxon ... bechora ibodatxonasidan chiqib, yolg'iz farzandini ko'rib, nabiralarini o'rib, Xolbeka bilan ko'rishib...to'y qildi...*" (muallif tilidan Qoraxonga tegishli jumla, 264-b.)

Yuqorida keltirilgan parchada nabira termini qo'llanilgan. Bu terminning ma'nosi birmuncha konkretlashgan holda keltirilgan. U, asosan, o'z farzandining bolasiga aytiladigan, uning o'ziga nisbatan kim ekanligini bildiruvchi termindir.

Er, xotin qarindoshlik terminlari nikohdan keyin paydo bo'ladigan eng qadimgi terminlardan biridir. Dostonda berilgan misollar orqali guvohi bo'lganingizdek bu termin, to'ra, yor, ayol variantlarida qo'llanilgan. Muallif tilidan esa er varianti qo'llanilgan: "*Shunda Xolbeka... podsho bo'lmay bo'luvsiz qolgur,-deb erini mushtlab qoldi...*" (262-b.).

Xotin termini ham nikohdan so'ng paydo bo'lgan, qadimiy qarindoshlik termini bo'lib, ma'no jihatdan er va erkak terminining antonimidir. Dostonda Xolmo'minning rafiqasiga xotin deya murjaati mavjud o'rinlar uchraydi. Dostonda xotin termini ayol variantida ham qo'llanilgan: "*Xolmo'min andin tayin ichkariga kirib ayoliga tayin qildiki:-O', xotin, men ikki yetim bola saqlab qo'yibman...*" (225-b.).

Kuyov terminida, umuman olganda, odatda, uylanish arafasidagi yigit tushuniladi. Ushbu termin dostonda atigi bir marotaba qo'llanilgan: "... *shu Xolbeka deb qo'yniga solaman-da, qo'yaman, tanib bilib yotibdimi? Bir son:oda kuyovli bo'lib qolaman...*" (Zamongulning enasi tilidan, 147-b.).

Yana bir nikohdan so'ng paydo bo'ladigan yanga umumturkiy qarindoshlik termini ham dostonda ikki variantda qo'llanilgan: "*Xolbeka oyim chechasiga aytdi:-O', yanga, akam sira yetimni yetim demas edi, ikki yetim bor deb og'zidan tushirmaydi.*" (225-b.).

Qaynisingil termini ham xuddi shunday xarakterga ega terminlardan biri bo'lib, dostonda uning qizlar variant uchraydi: "*Xolbekaning yangasi aytdiki:-Ey, qizlar, men bir yoqqqa boraman desam, akangiz urishadi...*" (227-b.).

Qarindosh termini ham qavm-qarindoshlik terminlari sirasiga kiradi. U tug'ishgan aka-uka, bir-biriga opa-singil bo'lishi bilan birga, uzoq, qoni qo'shilmagan, lekin bir ajdoddan tarqalgan urug'lar va ularning bolalari ham bir biriga nisbatan qarindosh bo'ladi. Dostonda qarindosh terminining ham ma'lum variantlari qo'llanilgan. Masalan, "*ilohi yetimi qursin, Gurki-boy, Kishida bo'lmasmu qavm-u qarindosh... Odamzodning ham avlodi bo'lmasmi, lehkuyari, jigarbandi bo'lmasmi?*" (233-b.).

Ergash Jumanbulbul O'g'li varianti asosida olingan "Kuntug'mish" dostonida qavm - qarindoshlik terminlarining ko'plab qo'llanganligiga guvoh bo'ldik. Ular orasida bizga tanish bo'lganlari, hatto notanishlari ham uchrad. Turli variantlarda qo'llanilgan terminlar doston tilini mukammallashtirishga va ta'sir ko'lamini oshirishga xizmat qilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Исмоилов И. Ўзбек тилида қавм-қариндошлик терминларига доир баъзи мулоҳазалар // ЎТА. -1964. -№4. -Б.40-43.
2. Тошалиев И. Қавм-қариндошлик номлари ҳақида // ЎТА. - 1967. №1 -Б. 52-54.
3. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. -Т.: Фан, 1966.
4. Саидова М. Қариндошлик атамалари тарихига доир // ЎТА. 1991. №3.-Б.78.
5. Назарова М. Қон-қариндошлик номларининг компонент таҳлили // ЎТА. -1968. №5. -Б.47.
6. Кунтуғмиш. Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли // Булбул тароналари. Беш томлик. I том. - Т.: Фан, 1971.

МОРФОЛОГИЯ ВА СИНТАКСИС

М. ҚУРБОНОВА, ToshDO`TAU

TILSHUNOSLIKDA QOLIPLASHTIRISH METODI

Modellashtirish (qoliplashtirish) tilshunoslikda keng tarqalgan usullardan biri bo'lib, u ham amaliy, ham nazariy jihatdan katta ahamiyatga ega[1]. Xususan, bu metoddan tilning ontologiyasini o'rganuvchi strukturalizmning turli maktablarida samarali foydalanilgan. O'zbek tilshunosligida ham qoliplashtirish metodi tilning barcha sath hodisalarini, masalan, yasama so'zlar, qo'shma so'zlar, so'z birikmasi, gap va uning turlarini sharhlashda keng tadbiiq etilganiga qaramay, fanimizda modellashtirish, uning bosqichlari, turlari hamda ahamiyati kabi qator masalalar haqida ilmiy-nazariy ma'lumotlar deyarli yo'q. Faqatgina lisoniy sintaktik qoliplar va semantik sintaktik qoliplar haqidagi tadqiqotlardagina ushbu masala bilan bog'liq fikrlar uchraydi. Aslida lingvistik modellashtirish dunyo tilshunoslida alohida metod bo'lib, til hodisalarini tadqiq qilishda uning ahamiyati beqiyos. Biz mazkur axborotimizda ushbu metod bilan bog'liq ayrim masalalar xususida to'xtalamiz.

Qoliplashtirish usuli bevosita kuzatishda berilmagan, bizning sezgi a'zolarimiz orqali anglanmaydigan hodisalarni o'rganishda qo'llaniladi. Bevosita kuzatishda narsaning, tadqiq manbaining faqat tashqi, yuzaki belgi-

umumaniyatlari o'rganilishi mumkin. Narsaning (masalan: til birliklarining) ichki belgi-xususiyatlarini, uning butun murakkabliklarini bevosita kuzatish orqali o'rganish mumkin emas. Masalan, leksemaning semalar tarkibini bevosita sezgini o'rganish mumkin emas, chunki semalar bizning sezgi a'zolarimiz qabul qiladigan hadda tomonlarga ega emas [2]. Xuddi shuningdek, lisoniy sintaktik qolip (LSQ) larni ham bevosita kuzatish, his qilish mumkin emas. Ana shu vaziyatda tilshunoslarning manbani bevosita kuzatishdan voz kechib, ularni o'rganishning bilyosita usullariga murojaat qilishadi. Lingvistik modellashtirish (qoliplashtirish)da tilshunos bevosita tabiiy ob'ektni (originalni) emas, balki uning analogini, modelini tahlil qiladi [2].

Qoliplashtirish tadqiq manbai bo'lgan analog (original)ning tabiati va turi hamda qoliplashtirilayotgan ob'ektga bog'liq bo'lmagan holda qoliplarga muayyan talablarni qo'yadi [2; 3,8]. Qolip tadqiqot ob'yektni to'raligicha aks ettirishi shart emas. Qolipning vazifasi murakkab originalning muayyan tadqiq bosqichidagi eng muhim xususiyat va munosabatlarini tuzish yoki aks ettirishdir. Buning uchun tadqiqot ob'ektining xususiy va nomuhim jihatlari e'tibordan soqit qilishga to'g'ri keladi. Masalan, o'zbek tilida sodda gap lisoniy sintaktik qolip (LSQ)I ham gapning o'nlab belgi-xususiyatlaridan soqit qilinib «kesimlik kategoriyasi ko'rsatkichlari bilan shakllangan atov birligi» sifatida taqdim qilingan va [WPm] ramzi bilan belgilangan. Sodda gaplarning an'anaviy sintaksisdagi bir necha jihatdan tasnifi uchun asos bo'lgan belgi-xususiyatlari sodda gap mohiyatini, uning alohida kategoriya sifatidagi zotiy belgisini aniqlashda (belgilashda) e'tiborga olinmagan.

Original va uning qolipi tashkil etuvchilarning yetarli darajada murakkab tuzilmi bo'lsagina qoliplashtirish o'zining mazmuniga ega bo'ladi. Boshqacha aytiladigan bo'lsak, original, ya'ni tadqiq manbai juda jo'n va sodda bo'lsa, qoliplashtirish usuli hech qanday qiymatga ega bo'lmaydi.

Qolip evristik vazifani bajarishi, ya'ni nazariy tekshirishda, yangiliklar yaratib etish jarayonida qo'llanadigan mantiqiy usullarga, unumli ijodiy fikrlashga omil bo'la olishi kerak. Shuningdek, qolip yangi nazariya va g'oyalarga yo'l ochuvchi ilmiy-nazariy qarashlarni egallash uchun vosita bo'lib xizmat qilishi kerak.

Lingvistik qolipning ijtimoiy qiymatini uning ziddiyatsizligini va tushuntirish kuchining darajasini aniqlashning eng yaxshi usuli qolipni amaliyotda sinab ko'rishdir. Amaliyotda muvaffaqiyatli qo'llanilgan qolipgina ijtimoiy qiymatga, ilmiy-nazariy ahamiyatga ega bo'ladi.

Lingvistik qoliplashtirish usulida shu narsa muhimki, dastlabki bosqichda til hodisalari qoliplashtiriladi, keyingi bosqichda esa hosil qilingan qoliplar o'sha til hodisasiga qaytatdan tatbiq qilinadi va bu keyingi bosqichda hodisaning murakkab qirralari yoki yangi bir qirrasini ochiladi. Shu tariqa hodisa ortida yotgan, yashiringan mohiyat aniqlanadi. Shu bois formal-funksional tahlilda nutqimizdagi so'z birikmalari va gaplarni bosqichma-bosqich umumlashtirib, ularni lisoniy sintaktik qolip (LSQ)larga birlashtirish bilan

cheklanib qolmay, ushbu aniqlangan lisoniy sintaktik qolip (LSQ)larning nutqda qanday voqelanishi masalasiga ham alohida e'tibor qaratiladi.

Endi modellashtirish (qoliplashirish) bosqichlari xususida. Tilshunoslikda gapni qoliplashirish uch xil bosqichda amalga oshiriladi va shu bilan bog'liq ravishda gapning uch xil qolipi aniqlanadi:1) gapning yuza qurilish qolipi;2) gapning ichki qurilish qolipi; 3) gapning mohiyatiy (zotiy) - lisoniy qolipi.

Gapning yuza qurilish qolipi nutqiy hosilalarning umumlashmasi sifatida hosil qilinadi. Masalan, *Ukam qora qalamni oldi* gapining yuzaki qurilish qolipi quyidagicha:

1-chizma

1. _____

Yuqoridagi gap lisoniy chizma asosida hosil qilinmagan, aksincha, chizma keltirilgan gap asosida hosil qilindi. Ya'ni qolip nutqiy hosilaning mavhum ko'rinishi sifatida hosil qilindi. Demak, bu holatda nutqiy hosila birlamchi, qolip esa ikkilamchidir. Anglashiladiki, bu qolip lisoniy birlik emas. Chunki lisoniy birliklar hech vaqt nutqiy hosilalarga nisbatan ikkilamchi bo'lmaydi.[4;5;6;7]

Yuqoridagi gapning ichki qurilishi, modeli esa quyidagicha:

2-chizma

Ega + II darajali bo'laklar + kesim.

Gapning bu xil qolipi ham nutqiy hosilalar orqali hosil qilingan, shu sababdan ular ham lisoniy qolip emas. Ta'kidlash kerakki, I va 2-xil qoliplar bilan keltirilgan nutqiy gap orasida umumiylik va xususiylik munosabatlari mavjud. Nutqda shakllangan *Ukam qora qalamni oldi* gapi xususiylik bo'lib, u gap asosida hosil qilingan gap qoliplari esa umumiylikdir. Ma'lumki, lisoniy sintaktik qolip(LSQ)lar bilan nutqiy hosilalar orasida ham umumiylik va xususiylik dialektikasi amal qiladi. Farqi shundaki, 1-2-gaplardagi umumiylik biz izlayotgan bosqichdagi, ya'ni gapning lisoniy bosqichdagi umumiylik bo'lmay, nutqiy bosqich hamda sintaksidan quyi sath umumiyliklari bilan aloqador. Har qanday lisoniy birlik lisonning o'zi singari o'ta yuksak darajadagi umumiylik bo'lishi kerak.U nutqiy hosilalarni oddiy (mexanik) umumlashtirish usuli asosida emas, balki *lisoniy* bosqichda *lisoniy* birliklar orasidagi *paradigmatik* munosabatlar va bo'lak-butun aloqalari asosida ochilishi lozim. Demak, LSQning tarkibiy qismlari sintaktik sath birliklaridan quyi sath birliklari bo'lishi kerak. Biz 1- va 2-chizmada ajratgan qoliplar va ularning tarkibiy qismlari (chunonchi 1-chizmada ega, aniqlovchi, to'ldiruvchi kesim-qismlari)ni shu nuqtai nazardan baholasak, bu tarkibiy bo'laklar majmuasi gapni tashkil etadimi yoki bu bo'laklar gap tarkibida (ya'ni nutqiy hosila tarkibida) ajratilganmi degan savolga javob berishimiz lozim. Yuqorida ajratilgan ega, aniqlovchi va h. bo'laklar gap bo'laklari deb aytiladi. Demak, ular gap tarkibidan ajratilgan; bu bo'laklarning majmuasi gapni bermaydi, balki bu bo'laklar majmua tarkibidan ajratilgan. Mana shuning uchun gapning yuza

qolipi ham, uning ichki qurilish qolipi ham lisoniy sintaktik qolip(LSQ) bo'la olmaydi;

Ukam qora qalamni oldi nutqiy hosilasi bilan

1-chizma

1. _____

nutqiy hosilalar umumlashmasi orasida farq miqdoriydir, nutqiy gap takrorlanmas, yakka alohidalikdir, 1-chizma esa: *Men sovuq suvni isitdim, Ona yig'layotgan bolasini emizdi, Quruvchilar eski uyni buzdilar, Binokorlar yangi uyni kurishdi...* gaplarida ham takrorlanadi yoki ikki bo'lakni (chunonchi _____ (ega) va _____ (aniqllovchi)ni) chiqarib tashlasak, (m.: *qalamni oldim, suvni isitdim* va h.) bu chizmaning nutqiy to'ldirilishi gapni beraveradi. Demak, 1-chizmada aks ettirilgan qolip lisoniy gap qolipi emas ekan. Chunki lisoniy gapdan uning tarkibiy qismlaridan biri chiqarilsa, u o'sha zahoti gap bo'lmay qoladi; biz yuqorida qo'yg'an talablarga ko'ra LSQning tarkibiy qismlari tabiatan nosintaktik lisoniy sath, sintaksisdan quyiroq sath birliklari bo'lishi lozim va ularning o'zaro birikishi sintaktik *lisoniy* sath birligini berishi shart. Agar bunday qolipdan biror tarkibiy qism chiqarib tashlansa, butunlik buzilishi, *sintaktik* birlik nosintaktik birlikka aylanmog'i (ya'ni o'z asliga, o'zi munsub bo'lgan quyi sathga qaytishi) lozim. Masalan, o'zbek tilida gapning kichik qurilish qolipi/[WPM] dagi har ikkala ramz ham juda yuqori darajadagi umumiyliklardir, ularda cheksiz imkoniyatlar mujassamlangan. Ularning har biri alohidalikda nosintaktik sathlar birligi bo'lib, sintaktik sath birligi mana shu nosintaktik birliklarning o'zaro birikishidan hosil bo'ladi. So'z birikmalari va gap LSQlari ham ana shunday tabiatga ega. Qoliplashtirishning 3-bosqichida hosil qilinadigan qoliplar lisoniy, mohiyatliy qoliplardir. [8;9;10;].

O'zbek tilshunosligida tilimiz hodisalari o'rganishda modellashtirish usulidan hamda yuqorida keltirilgan uch xil qoliplashtirish bosqichlaridan keng qo'llaniladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кодухов В. Общее языкознание. -М.: Высш. шк., 1974.
2. Мухамедов С., Пиотровский Р. Инженерная лингвистика и опыт системно-статического исследования узбекских текстов. -Т.: Фан, 1986.
3. Мельчук И. Математический синтаксический анализ. -Новосибирск, 1964.
4. Грамматика русского языка. -М.: АН СССР, 1970.
5. Золотова Г. Очерки функционального синтаксиса русского языка. -М.: Наука, 1973.
6. Русская грамматика. Том 2. -М.: Наука, 1982.
7. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. -М.: Прогресс, 1988.
8. Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қоллипи ва унинг нутқда воқеланиши. Филол.фанлари номзоди ...дисс. -Тошкент, 1993.

9. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини. Филол.фанлари д-ри ...дисс. -Тошкент, 1993.

10. Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол.фанлари д-ри ...дисс. -Тошкент, 2001.

11. Неъматов Х. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшуносликда синтаксисни ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. -1993. -№ 2.

Н. ЮЛДОШЕВА, ҚарДМ

СОДДА ВА ҚЎШМА ГАПГА СУБСТАНЦИАЛ ЁНДАШУВ ОМИЛЛАРИ

Миллий мустақиллигимиз, бир томондан, миллийлик яққол намоён бўладиган, “миллатнинг ойнаси” сифатида эътироф этилган она тилимизнинг ўз ички қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Иккинчи томондан эса, она тили таълими жараёнида грамматик қурилишнинг ўзига хослиги асосида ёш авлодда миллий тафаккурни ўстириш учун кучли замин ҳозирланди. Профессор Н.Маҳмудов айтганидек, истиқлолга қадар “Ўзбек тили ҳодисаларини рус қолипларига солиб тушунтириш” мажбурий эди [1; 5]. Бу нафақат ўзбек тилига, балки барча туркий тилларга муносабатда ҳам кўзга ташланар эди. Ўзбек тили грамматикалари ва илмий тадқиқотларида синтаксиснинг жудан кўп масалалари тадқиқ этилган, аммо уларда грамматик категориялар система сифатида талқин этилмади. Зеро, систем ёндашув тилларнинг барқарор сифатларини очишнинг маҳсулдор усулларидан биридир. Фанларда эркин тафаккур тарзининг шаклланиши ва тараққиёти натижасида системавий синтаксис грамматик қурилишнинг айрим муаммолари талқинидан ўзбек тилининг мукамал субстанциал синтаксисини яратишга қараб жадал тараққий этди.

Ўзбек тилининг яхлит синтактик таълимотини ишлаб чиқишда гапнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи (КҚҚ), яъни [WP_n] асос қилиб олинди ва тадқиқ этилди. Бундай субстанциал ёндашув ўзбек тили грамматик қурилиши талқинини тубдан янгилашга олиб келди. Ўзбек тилида кесимлик шакли бошқа морфологик шакллардан фарқ қилиб, у гапнинг моҳиятини белгилайди ва бир неча ички категориялар: шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, майл категориялари бирикувидан ҳосил бўлади. Морфологик шакллардан фақат кесимлик категориясигина гапнинг моҳиятига тегишли бўлганлиги сабабли усиз гап шаклланиши мумкин эмас.

Маълумки, гап кесимнинг миқдорига кўра иккига бўлинади:

1. Содда гап. 2. Қўшма гап.

Содда гап бир марказдан, яъни битта шаклланган кесимдан иборат бўлса, қўшма гап икки ва ундан ортиқ марказдан, яъни икки ва ундан ортиқ шаклланган кесимдан ташкил топади.

«Содда гап таркибида кесимлик шакллариغا эга бўлган битта кесим бўлиди. Содда гап таркибидаги барча бўлақлар шу кесим атрофида бириглашади. Қўшма гап таркибида эса икки ва ундан ортиқ кесим бўлади» [2; 35]. «Мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда оҳангига кўра бир бутунлиқни ташкил этган, боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар бириктирилган курилмалар қўшма гапни ташкил этади. Шаклан қўшма гап бирдан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан таркиб топган бўлса ҳам, умумий бир фикрни, мақсадни ифодалайди» [3; 123]. Демак, қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бириктиришдан ҳосил бўлади ва яхлит синтактик курилмани ташкил қилади.

Содда гап бир предикатив birlikдан иборат бўлганлиги учун битта ҳукми, битта фикрни ифодаласа, қўшма гап бирдан ортиқ ҳукми, яъни кўп фикрни ифодалайди. Содда гап кўп фикрни ифодалаши билан қўшма гапнинг ўхшаб кетади. Чунки уюшиқ кесимли содда гаплар кўп фикрни ифодалашга хизмат қилади. Мустақиллигимиздан сўнг ўрта таълим даражасида дастурларида *уюшиқ кесим* атамаси учрай бошлади. Натижада ўзбек тили грамматик курилиши, хусусан, содда ва қўшма гаплар таркибинда, шунингдек, гап курилиши, гап бўлақлари, уларнинг гап курилишидаги ўрни ва мавқеи масалаларида улкан тафовутлар ва тинчашликлар борлиги кўзга ташлана бошлади. Бунга мисол қилиб, 8-синф «Она тили» дарслигида берилган 226-машқни келтиришимиз мумкин: *Биз юзга содир бўлган жойга боришимиз, ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўришимиз ва ишонч ҳосил қилишимиз керак.*

Тилшунос олимлардан Х.Неъматов, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, А.Гуломов, М.Абдураимовалар уюшиқ кесимлар битта бажарувчига - эгага алоқадор бўлиши зарурлигини таъкидлаб, «гап таркибида икки ва ундан ортиқ агов birlikлари (сўз, ибора, сўз бирикмалари) билан ифодаланган кесим бўлиб, кесимни шакллантирувчи воситалар фақат кейинги кесим таркибида ифодаланиб, барчасига алоқадор бўлса, бундай кўп кесимли гап уюшиқ кесимли гап саналади», - деган фикрларни ҳам айтадилар. Чунки шаклларидан мисолдан кўриниб турибдики, бу гап бир предикатив марказга икки ва унда бир эмас, учта фикр ифодаланган: *боришимиз; 2) кўришимиз; 3) ишонч ҳосил қилишимиз керак.* Лекин бу гапда битта эга бўлганлиги ва кесимни шакллантирувчи сўз (керак), яъни бевосита охири кесимга қўшилганлиги учун бу гап уюшиқ кесимли гапдир. Агар бу гапда эга тикрорланса ёки кишилиқ олмошлари қўлланса, шунингдек, кесимлик шакллари хар бир предикатга алоҳида қўшса, у қўшма гапга айланади. Биро, «шаклланган, яъни кесимлик шакллари (тасдиқ, инкор, майл, замон,

шахс-сон маънолари)га эга бўлган кесим алоҳида бир ҳукмни ифодалайди, муайян гап марказини ташкил эта олади. Шунинг учун икки ва ундан ортик шаклланган кесимли гаплар(лекин бундай гаплардаги кесимлар уюшиқ бўлақлар тарзида бўлмаса) қўшма гаплар саналади». Масалан, *Биз воқеа содир бўлган жойга боришимиз керак, ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўришимиз керак ва ишонч ҳосил қилишимиз керак*. Лекин фанда йиғиқ гапнинг бир кўриниши бўлган *ихчам гап* атамаси ҳам борки, улар ўзбек тилшунослигида гап талқинининг [эга-кесим] кўринишидан [кесим] моделига ўтилиши натижасида пайдо бўлди.

А.Ғуломов йиғиқ гапни эга ва кесимдан иборат бўлган содда гапнинг бир тури сифатида талқин этади. [4; 67] Тилшунос олимларимиз О.Азизов, М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов, Ғ.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг асарларида ҳам *йиғиқ гап* атамаси *эга ва кесимдан иборат гап* ёки *фақат бош бўлақлардангина тузилган гап* сифатида талқин этилади. Фақат кесимдангина иборат бўлган гаплар назардан четда қолади. Мустақиллигимиздан сўнг бундай гаплар *ихчам гап* атамаси остида берилла бошлади. Фақат кесимдан иборат бўлган гаплар *ихчам гап* сифатида талқин этила бошлангач, *уюшиқ кесимли содда гап* атамаси остида ўрганиладиган ҳодиса билан *қўшма гап* атамаси англададиган тушунчаларни фарқлашда чалкашликлар вужудга келди.

Юқорида кўрсатилган 8-синф дарслигида *Сиз аълочи ва жамоатчисиз.// Сиз аълочисиз ва жамоатчисиз.* (108-бет) каби гап жуфтликлари берилиб, биринчи гап уюшиқ бўлакли содда гап, иккинчи гап эса қўшма гап сифатида талқин этилади. Ваҳоланки, ҳозирги ўзбек тилида баъзи гапларда кесимни шакллантирувчи махсус морфологик кўрсаткичлар бўлмаса-да, бу гапларнинг кесимидан замон, шахс-сон, тасдиқ ва аниқлик маънолари англашилиб туради. Юқорида келтирилган биринчи гапнинг *Сиз аълочи* қисмида кесим *аълочи* сўзи бўлиб, бу гап морфологик кўрсаткичсиз шаклланган содда йиғиқ гапдир. Чунки мазкур гап кесимдан II шахс, бирлик, ҳозирги замон, тасдиқ ва аниқлик майли маънолари англашилиб туради. Ҳозирги ўзбек тилига хос бўлган *Мен - ўқитувчи. Сиз аълочи. У - талаба* каби гаплар тилимизга яширин имконият сифатида хос эканлигини билишимиз даркор. Ўзбек тилининг субстанциал синтаксисида [эга+исм кесим] кўринишида намоён бўлувчи *Сиз аълочи* типдаги йиғиқ гапларни [Э+WP] қолипи асосида ифодалаш мумкин.

Ўзбек тилида гапнинг туркона – кесим марказли қурилиши [WP_m] қолипи асосида шаклланган. *Жамоатчисиз. Талаба*ман гаплари ана шу [WP_m] нинг ёрқин ва типик кўриниши бўлиб, ундаги *жамоатчи* ва *талаба* қисмлари атов бирлиги, яъни [W] бўлса, *-сиз* ва *-ман* формантлари морфологик шакллар, яъни қолипнинг [P_m] қисмларидир.

Юқоридаги фикрлар содда ва қўшма гап ҳодисалари орасида зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқаради. Демак, *Сиз аълочи ва жамоатчисиз* гапи уюшиқ кесимли содда гап эмас, балки боғланган

қўшма гапдир. Маълум бўладики, уюшиқ кесимли содда гапларнинг кесими от кесимлар билан эмас, балки феъл кесимлар билан ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. — №4. — Б. 5.
2. Неъматов Х., Ғуломов А. ва бошқ. Она тили: 8-синф учун дарслик. — Тошкент: Ижод дунёси, 2002. — Б. 35.
3. Абдураҳмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. — Т.: Ўқитувчи, 1996. — Б. 123.
4. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис: университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик. — Тошкент: Ўқитувчи, 1987. — Б. 67.

Т. МИРЗАҚУЛОВ, НамДКИ

МОРФЕМИКА ВА УНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ҳинд-Европа тилшунослигида қадимдан бери (ҳозир ҳам) сўзни асосий, ҳатто марказий тил бирлиги деб қаровчи нуқтаи назар ҳукмронлиги морфем бирликларнинг (фонетик-фонологик бирлик ва ҳодисалар қатори) сўзни ташкил этувчи моддий қобиқ иккиламчи материал тасавури билан тадқиқ этиб келинишига сабаб бўлди. Бунда морфеманинг тилдаги ўрни ва роли, унинг мазмун режаси инкор этилади.

«Сўзларнинг морфологик тузилмаси, яъни уларнинг морфемаларга бўлинишини ўрганувчи соҳа морфемика деб аталади» тарзидаги таъриф Ўзбек тили грамматикасига доир деярли барча дарслик ва қўлланмаларда учрайди. Бундай тушуниш аслида морфемиканинг моҳиятини йўққа чиқаради, бу—анъанавий морфологиянинг сўз таркиби ҳақидаги бўлимини лши ном билан аташдан бошқа нарса эмас. Проф. Ш. У. Раҳматуллаев эса морфемиканинг объектини янада торайтиришга интилади. Унинг фикрича, «лексик маъно англатиб қатнашадиган қисми морфема деб эмас, балки лексема деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади» Сўз шакл учун қурилиш материали сифатида лексема билан морфема хизмат қилади. Бундан кўринадики, морфемика ихтиёрида фақат қўшимчалар қолдирилади, ўзак морфемаларнинг мавжудлиги эса инкор этилади.

Маълумки, маъноларнинг, асосан, лексик ҳамда грамматик типларга ажратилиб, диалектикага зид равишда лексик маъно асосий, грамматик маъно қўшимча, устама маъно деб талқин этилади. Ҳолбуки, лексик маъно ҳусусий маъноларнинг бир қўриниши бўлиб, индивидуал (якка)— номинатив характердадир. Грамматик маънолар умумлашган категориал маънолар бўлиб, айнишу маъно — грамматик фон бўлмаса, лексик маънонинг шаклланиши мумкин эмас.

Ҳозирги тилшунослик тил бирликлари ва улар амал қиладиган сатхлар доирасида турли маъно кўринишлари — морфем маъно, сўз ясалиши маъноси, лексик маъно, фразеологик маъно, сўзтуркум (класс) лари маъноси, синтактик маъно каби маъно типларини белгиламоқда. Демак, морфемаларнинг — ўзаклар ва қўшимчалар, уларга вазифадор бирликларнинг ҳам ўзига хос маънолари бўлиб, бу маънолар ҳар бир тилда асрлар оша шаклланган, авлоддан-авлодга ўтувчи, шунга биноан, маълум бир давр кишилари онгда тушунча майдонлари, маъно майдонлари ҳосил қилувчи бирликлардир. Морфемиканинг асосий масаласи унинг бирликларини белгилашдир: сўз таркибида «ўзак ва аффиксдан бошқа тушунча йук (50,31) деб қаралсада, дастлабки босқичда унинг объект доирасига шундай бирликларни киритиш мумкин: 1) ўзак ва қўшимчалар; 2) қўшимчаларнинг маъно ҳамда вазифа жиҳатидан эквивалентлари (от ва феълдаги кўмакчилар, тўлиқсиз феъллар, қўшимча-юктамалар, сифат ва равишдаги энг, жуда типидеги шакллар, қил, эт, айла, бўл, феъл шакллари); 3) ноль морфемалар; 4) «хамелеон» морфемалар (чой- пой, ош-пош, мева-чева типидеги такрорларда иккинчи қисм); 5) ургу, унлининг чўзилиши, ундошнинг иккиланиши каби воситалар орқали морфем материалда маъно фарқининг юзага келиши; 6) такрор шакл қисмлари (бора-бора, қип-қизил); 7) боғлаш, бириктириш, маъно ҳамда вазифани кучайтириш ғоясини ташувчи китоб- (и) —м формасидаги -и-; деярли сўздаги -й-; -га қадар (уйига қадар) формасидаги -га-; кулиб юбор формасидаги-(и) б- элементлари; қаричилик, одамгарчилиқ ясалмаларидаги -чи-, -гар типидеги элементлар — субморфлар; 8) қолдиқ материал («қотган» эскирган, истеъмолдан қолган шакллар: дўнгса сўзидаги -са; ўсимлик, бор-гудек сўзларидаги -им-, -гу-; бомбардимон сўзидаги -р-димон каби элементлар).

Келтирилган бирлик ва ҳодисаларнинг барчаси морфемика сатҳига тегишли маъно ҳамда вазифа (семантик— функционал) майдонида бир хил мавкега эга эмас. Дастлабки уч бандда келтирилган шакллар: ўзак ва қўшимчалар, аналитик шакллар, ноль морфемалар бу соҳанинг марказини, ядросини ташкил қилса, қолган ҳодисалар морфемика билан, унинг ядроси билан турли даражада туташувчи, оралик мавке (периферия)да турувчи ҳодисалардир. Бу ҳодисалар морфемиканинг фонетика ва фонология, синтаксис ва услубшунослик, тил тарихи ҳамда мантик билан алоқадорлигини кўрсатиб туради.

Туркийшуносликда Ф. А. Ғаниев, А. А. Юлдашев, Н.Оралбаева, А. П. Ҳожиев каби олимларнинг тадқиқотлари ва хулосаларида ҳам морфемикада «бундай шакллар ҳам ўз ўрнини топиши, уларнинг маъно ҳамда вазифалари илмий ёритилиши зарур» дейилади. Айниқса, отлардаги -га қадар (уйига қадар), -учун (укам учун), феъллардаги -(и) б эди (бориб эди), -са эди (борса эди), -(а)р эди (борар эди) -(и)б юбор (кулиб юбор) типидеги формалар худди қўшма аффикслар каби иш кўради (шунинг учун

улардан осонлик билан содда ва қўшма аффикслар ҳосилбўла олади: бориб эди > борувди; бора ётибди > ... бораяпти: бор-а -япти...). Бу хил шаклларда ҳам маъно яхлитланиши (биринчи қисм маъно ўзгаришига учрайди, вазифасини йўқотиб, бириктириш ғоясини ташувчи бирлик — субморфга айланади), бир вазифани бажариш ҳолатлари етакчи белгилардандир.

Демак, ўзбек тили морфемикасининг мундарижасини қуйидагича белгилаш мумкин: 1) морфеманинг тил бирлиги сифатидаги моҳияти, унинг ёндош ҳодисалардан фарқи; 2) морфемаларнинг турлари, уларнинг маъно, вазифа, тузилиш ва ҳоказо жиҳатлардан таснифи; 3) морфемикада синтагматик ҳамда парадигматик муносабатлар. Морфемаларнинг шаклдаги кўринишлари — морфлар. Морфема ва морф муносабати; 4) морфем маъно ва унинг типлари. Морфем маъно доирасидаги кўп маънолулик, синонимия, антонимия, маъноларнинг қоришиқлиги ва синкретиклиги — морфосема- синология масалалари; 5) морфема ташқи қобиғидаги ўзгаришлар. Морфема ва морфемаларнинг фонетик-фонологик тузилиши. Морфемалар бирикувидаги фонетик ўзгаришлар — морфонология масалалари; 6) морфемаларнинг бириктириш қонуниятлари. Бир валентли ва кўп валентли морфемалар, бундаги норматив ҳамда норматив бўлмаган ҳолатлар. Морфемаларнинг ўринлашиш тартиби. Морфотактика ҳамда морфосинтаксис масалалари; 7) сўз морфем тузилишидаги тарихий ўзгаришлар ва бошқалар. Демак, морфемика кенг қамровли соҳа бўлиб, уни морфосемасинология, морфоморфология, морфофонология, морфосинтаксис каби йўналишларда тадқиқ этиш мумкин.

Д. САФАРОВА, Л. ФОЗИЛОВ, ЖДПИ

СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ ҚўЛЛЕНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўз бирикмаларининг қўлланилиш хусусиятлари ҳақида гап борар экан, аввало унинг полифункционаллигини, хусусан, номинатив функцияси муаммосининг узоқ пайтдан буён муҳокамадан тунмаётганлигини таъкидлаш жоиз. Л.В.Шчерба, В.В.Виноградов, Н.Н.Прокопович ва бошқалар сўз бирикмаларини алоҳида сўзларнинг семантик "ёйилиши" натижасида ҳосил бўладиган мураккаб номинатив бирлик сифатида қарайдилар. Бундай ёндашувда сўз бирикмалари алоҳида сўзнинг муқобилига айланади: "...Сўз бирикмаси гапнинг алоҳида қурилиш материаллари деб қаралса, худди сўз каби тилнинг номинатив воситалари, предмет, ҳодиса, жараён кабиларни атовчи воситалари ҳудудидан жой олади" [1; 23]. Олимнинг ушбу мулоҳазаси бирор-бир сезиларли ўзгаришсиз кўплаб тадқиқотлар, дарсликларда такрорланиб келинмоқда. Бунинг билан эса тил тизимининг икки мустақил бирлиги орасидаги

фаркнинг йўқотилишига йўл қўйилмоқда ҳам қараш имкони йўқ эмас. "Эркин сўз бирикмалари доирасида ҳам лексикализация ҳодисаси кузатилади" [2; 108].

Номинатив функциянинг сўз бирикмаларига қай даражада ҳослиги муаммоси билан мунтазам шуғулланган В.М.Павлов уларнинг функционал-семантик жиҳатдан турли хусусиятга эга эканлиги масаласини ўртага қўймасдан туриб, ушбу муаммонинг ечимини излаш бефойда, деб ҳисоблайди. Гап шундаки, *main street - long street; fresh water - troubled water; first aid - gratuitous aid* каби жуфтликлардаги биринчи қатор бирикмалари таснифловчи бирликлар ролини ўтайдилар ва шу вазифаларига биноан тўлиғича номинатив воситалар гуруҳига кирдилар, кейингилари эса, "ҳодиса ва белгилар бирикувини ифодалайди ҳамда бу белгиларнинг мавжудлигини сўзловчи маълум нутқий мулоқот шароитларида аниқлайди. Маълум шароит учун муҳим бўлган ушбу турдаги белгилар бирикуви айtilган ҳодисани турғун хулоса-умумлашма даражасига кўтара олмайди" [3; 38].

Бизга тил бирликлари белгилар тизимининг элементлари эканлиги маълум. Лисоний белги жуфт хусусиятга эга бўлиб, у шакл ва мазмун уйғунлигидан иборат. Тилшуносликда сўз бирикмасига, худди бошқа синтактик тузилмалар каби, яхлит ҳодисалар, воқеаларни номловчи бирлик сифатида қаралади. Бунда номинатив функция кенг маънода талқин қилинганда номланаётган денотат алоҳида предмет ёки ҳодисалар эмас, балки уларнинг инсон онгида акс топадиган образи, рамзи эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади. Масалан, *dark clouds, sun shining, severe wind, rain drizzling etc.* каби сўз бирикмалари табиат ҳодисаларини билдирибгина қолмай, балки инсон ҳаётидаги айрим вазиятларни образли ифодалашга ҳам хизмат қилади. Қора булутлар сўз бирикмалари нохуш кунлар, тушкунликни ифодаласа, чарақлаётган қуёш қувончли хабар, эсаётган шамол муайян даражада нейтрал, айна дамда кўтаринки кайфиятни ифодалайди. Шунингдек, майдалаб ёғаётган ёмғир бирикмаси, оромбахш куй каби хотиржамлик рамзи сифатида тушунилади.

Сўз бирикмаларининг коммуникатив вазифа бажариш меъёри бошқа тил бирликлариникидан фарқ қилади. Сўз синтактик тузилмаларнинг олдиндан маълум ва тайёр элементи бўлиб, сўз бирикмаларининг мураккаб бирикмалиги эса фақат мулоқот жараёнида аён бўлади ҳолос, чунки у худди шу жараёнда алоҳида бўлақларнинг ўзаро бирикувидан иборатдир. Сўз бирикмасининг бу мавқега эътибор қаратган Н.И.Филичева, унинг нутқий фаоллашувида асосий бўлак янги белгилар олишини ва бу белгилар индивидуал, хусусий белгилар бўлишини кўрсатиб ўтган: "Кўпчилик сўз бирикмаларининг коммуникатив вазифаси тингловчи ёки ўқувчиларда олдиндан мавжуд бўлган предмет-ҳодисалар ҳақидаги тушунчани аниқлаштириш ва батафсил изоҳлаш мақсадини воқелантиришдир" [4; 33].

Сўз бирикмалари коммуникатив функциясининг бундай воқеланиши унинг мавқе жиҳатидан синтаксис сатҳидаги бошқа бирликлар билан тенглашишини ифодалайди. Ҳар бир бирликнинг синтактик тузилиши, шунингдек, тилининг умумий тизимида хос бўлган хусусият, яъни унинг ҳар бир бирлиги асосий вазифа - мулоқотни таъминлаш билан боғлиқдир. Бирликлар ички тузилишининг коммуникация мақсади билан боғлиқлиги сўз бирикмаси, гап, матн каби қурилмаларни яратишда намоён бўлади.

Шундай қилиб, сўз бирикмаларининг коммуникатив функция бажариш имконияти унинг сўздан фарқли жиҳатларини намоён қилиш билан бир қаторда, унинг таркибий қисмлари семантик муносабати янада юқорироқ босқичдаги ҳодиса—матн шаклланиши асосида турган тимоийилларнинг ҳаракати билан боғлиқ.

Энди сўз бирикмаларининг информатив функцияси борасидаги мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз. Ушбу вазифа ижроси шартлари ҳақида гапиришдан олдин информатив-ахборот тушунчаси нималарни англатишини аниқлаштириш керак бўлади. Агарда ахборотни кенг маънода англайдиган бўлсак, унда тил тизимининг барча бирликларига информативлик хусусияти хос эканлигини эътироф этган бўламиз. Айтиш жоизки, тўлиқ ахборот ташувчи асосий бирлик матндир. Сўз бирикмаларининг информативлик даражасини аниқлаш учун унинг матн поситасида узатилаётган ахборотга қўшадиган ҳиссаси қай миқдорда эканлигини ҳамда сўз бирикмалари ташийдиган ахборотнинг қай даражада тўлиқлигини билиш муҳимдир. Масалан: *They breakfasted on cold rice and weak tea. It was a silent, depressing meal. When they had finished eating, Uncle Tim and his wife sat silently, watching the sea slip past them...* [5; 45].

Бундан ташқари, узатилаётган ахборотнинг шаклланиши, тўпанишида сўз бирикмалари қисмларининг роли ва улар ўртасидаги муносабатларнинг таъсирини ҳам белгилаб олиш лозим бўлади. Қуйидаги қолатга эътиборингизни қаратсак: *They breakfasted on cold rice and weak tea. —» They breakfasted on... rice and... tea; It was a silent, depressing meal. —» It was a ...meal. They breakfasted on rice and tea* гапи орқали ўқувчи уларнинг нонушта қилганлари ҳақидаги ахборотга эга бўлса, *They breakfasted on cold rice and weak tea* гапини ўқиш орқали бу ахборот миқёси кенгайди. Сўз бирикмалари, аввало, уларнинг нонушталари нимадан иборат эканлиги ҳақида қўшимча маълумот бермоқда, шунингдек нонушта қилувчиларнинг аҳволи ночор эканлигидан ҳам маълум даражада кибардор қилади.

Демак, сўз бирикмаларига хос бўлган ушбу хусусиятларни ўрганиш, коммуникатив синтаксис соҳасининг истиқболи, тараққиёти учун ҳам муҳимдир. Сўз бирикмаларининг асосий функцияси ва категориал белгиси информативликдир деб тан олган ҳолда айтиш мумкинки, тил тизимининг бирча сатҳларига оид бирликларни семантик-функционал жиҳатдан

яқинлаштирувчи категориал белги айнан информативлик, яъни ахборот ташиш имкониятига эга бўлиш хусусиятидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Виноградов В. Избранные труды: Исследования по русской грамматике. – М.: Наука, 1975. – С.559.
2. Смольянинова Е. Периферийные явления в семантике словосочетаний // Семантика переходности. – Л. 1977. – С. 104-110.
3. Павлов В. Полевые структуры в строе языка. – Санкт-Петербург: Университета экономики сервиса, 1996. – С.116.
4. Филичева Н. О словосочетаниях в современном немецком языке. – М.: Высшая школа, 1969. – С.127.
5. Bennett J. The Dragon's voyage. – London: Longman, 1999. – P. 225.

A.USMONOV, U.USMONOVA, JDP1

PUBLITSISTIK MATNDA QO'SHMA GAP STILISTIKASI

Taniqli adib Tohir Malikning publitsistik asarlari matnlarining tahlili shuni ko'rsatadiki, uning publitsistik maqolalarida jumla ravonligi, soddaligi va ixchamligiga alohida e'tibor berilgan. Qo'shma gaplar kam ishlatilgan bo'lsa-da, ularni qo'llashda o'ziga xosliklar mavjud. Tohir Malik publitsistikasida bog'lovchili bog'langan qo'shma gaplar, shart va o'xshatish ergash gapli qo'shma gaplar, maqol tipidagi bog'lovchisiz qo'shma gaplarning alohida o'rni bor. Bular orasida maqol tipidagi qo'shma gaplar muhim stilistik vosita vazifasini o'tagan.

Professor S.Karimov tadqiqotlarida qayd etishicha, maqollar tahlili misolida xalq og'zaki ijodi namunalari sintaktik xususiyatlari haqida yirik tadqiqotlar olib borgan X.Abdurahmonov bu janr nutqiy me'yorlarining o'ziga xos ko'rinishlari to'g'risida ishonarli xulosalar bergan¹. Masalan: Maqollarning buyruq gap shaklida berilishi (Avval o'yla, keyin so'yla) me'yoriy holat, so'roq va undov gaplar shaklida kelishi esa tilimiz uchun xos xususiyat emas. Gapda ega ko'proq otlashgan so'z yoki so'z birikmalari orqali ifodalanadi va u nechta so'z va so'z birikmalari bilan ifodalansa, kesim ham shuncha so'zli birikma orqali ifodalanadi. (Oz so'z – soz so'z, yoq mevasi – qish xazinasi). Ko'p o'rinlarda so'z qaratqich, tushum va boshqa kelishiklar bilan shakllanishi lozim bo'lganda, belgisiz ishlatiladi.

Bir tarkibli gaplarning shaxsi umulashgan turi maqollar sintaksisi uchun asosiy me'yoriy xususiyat sanaladi. (Olim bo'lsang, olam seniki; Mard bir o'ylar, nomard yuz o'ylar kabi). Maqollarning bog'lovchisiz qo'shma gap shaklida kelishini ham ularning muhim me'yoriy belgilari deb hisoblash lozim. (qo'shning tinch – sen tinch; Gap ko'p – ko'mir oz; Rahmat olgan omondir,

¹ Ushbu manba Ziyonet tarmog'idan olindi: Karimov S. A. Til ta'limi va me'yor. O'quv qo'llanma. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2002. – B. 145-169.

li'nat olgan yomondir singari). Shu narsa ham muhimki, bu tipdagi gaplarda qiyoslash, zidlash mazmuni, parallelizm yorqin sezilib turadi. So'z tarkibi esa turg'un. Qo'shning tinch – sen tinch tartibidagi shakllangan gapni Sen tinch – qo'shning tinch, deb o'zgartirish maqsadga muvofiq emas. Demak, komponentlar turg'unligi bunday gaplar uchun me'yoriy holat hisoblanadi.

O'zbek tili sintaksisi doirasida me'yoriy chegaralarni belgilash nihoyatda murakkab vazifa. Tildagi har bir sintaktik katagoriya, har bir sintaktik birlik mufti xususiyatiga qarab, vazifaviy uslublar doirasida qo'llanishiga ko'ra o'ziga xos mazmun va shakl kasb etishi mumkin. Demak, kelajakda sintaktik me'yorlar har bir uslub, ularning alohida tur va janrlari misolida batafsil tadqiq etilishi lozim bo'ladi. Bu muammoni hal etishda Tohir Malik publitsistik asarlarida qo'llagan qo'shma gap tipidagi maqollar ham xarakterli bo'lishi mumkin.

Tohir Malik ijodida qo'shma gap tipidagi maqollar aynan ishlatilgan holatlar uchraydi. Misollar: Ha, aynan shunday: "ish boshqa, havas boshqa – bu yo'lda xato qilma", deb ogohlantiradilar. Yana bir maqol bor: "Bilmayin bosdim tikanni – tortadirman jabrini. Bilsa erdim, bormas erdim – tortmas erdim ul tikanning jabrini" (T.Malik. Ishq boshqa, havas boshqa. // "Bekajon" gazetasi, 2006, iyul).

Hamonki ustoz otadan ulug' ekan, "Ota rozi – Xudo rozi", degan maqolni "Ustoz rozi – Xudo rozi" degan ma'noda ham anglashimiz va shunga yarasha harakat qilishimiz shart ekan (T.Malik. Ulug'imsiz – ustozim! // "Bekajon" gazetasi, 2006, oktabr).

O'zbeklarda "Bitta ota o'nta o'g'ilni boqadi, o'nta o'g'il bitta otani boqolmaydi", degan maqol bor. "Bog'bon"ni ko'rib bo'lgach, xayolga kelgan dastlabki fikr shu bo'ldi (T.Malik. "G'ariblar" – "Bog'bon" // "7x7" gazetasi).

Qo'shma gap tipli maqolning qisqargan shaklda ishlatilishi ekspressivlikka xizmat qiladi. Shunday shaklda qisqargan maqollar yozuvchi maqolalarida ham o'z ho'lsada uchraydi. Misol: "Mazkur bayonda fikrlarimizni balki keskinroq bildirgandirmiz. Bu keskinlik kimningdir izzat – nafsigam ham tekkandir. Nanchora, "do'st achiq gapirar", deyдилar-ku? Ehtimol keksayish yoshiga borayotganim uchun fikrlarimda ham eski qarashlar mavjuddir, balki yoshlarning hayotga, muxabbatga qarashlari endi bo'lakchadir?" (T.Malik. Ishq boshqa, havas boshqa. // "Bekajon" gazetasi, 2006)

Publitsistik asarlar matnlarida qo'shma gaplarning teng va tobe tarkibli turlari qo'llanilgan bo'lib, ularning birinchi yoki ikkinchi qismlari bir tarkibli gaplardan iborat bo'lganda, matnda o'quvchiga ma'lum bir voqea – hodisalar to'g'risida axborot yetkazish, ta'kidlash, voqealarning ketma-ket amalga oshishi, sulosalash, urg'u berish, undash, izohlash, qat'iylik, eslatish kabi qator ma'no munosabatlari ifodalanadi¹.

Tohir Malik publitsistik maqolalarida zidlov munosabatli bog'langan qo'shma gaplarning qo'llanishida o'ziga xoslikni ko'rish mumkin. Ushbu holat

¹ Djumabayeva D. Mustaqillik davri publitsistik asarlardagi qo'shma gaplar talqini: Filol.fan.nomz...dis.avtoref. – Toshkent, 2006. – B.15-46.

keyingi yillar vaqtili matbuotida tez-tez uchramoqda¹. Qoidaga muvofiq, zidlov bog'lovchisidan oldin vergul qo'yiladi. Yozuvchi ijodida esa deyarli barcha holatlarda nuqtadan so'ng qo'llanilgan. Misollar: "Zero, bu boradagi har qanday urinishning behudaligi turgan gap. Ammo birinchi qo'shiqning mazmuni haqida turli tahminlarga o'rin berish mumkin". Birinchi qo'shiq sevgini madh etganmidi? Ehtimol. Yoki yurt o'qishidan iborat bo'lganmi? Baiki shundaydir (T.Malik. Muqaddas burch. // "Toshkent oqshomi" gazetasi 1980. mart).

Umuman, kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, publitsistik matnda sintaktik vositalarning qo'llanishida o'zga xosliklar mavjud. Yozuvchi Tohir Malik publitsistikasi bo'yicha fikr yuritadigan bo'lsak, unda sintaktik birliklar orasida qo'shma gaplarning stilistik vosita sifatida o'rni nihoyatda katta. Sodda gaplar pulitsistik maqolalarda asosiy sintaktik birlik sifatida, fikrni ixcham, sodda va mazmunli ifodalashga xizmat qilgan bo'lsa, qo'shma gaplarning ham qisman bo'lsa-da, o'ziga xos stilistik ma'noni ifodalashda ma'lum o'rni bor.

D.BAZAROVA, Sh.XURRAMOV, QarDU

UZLUKSIZ TA'LIMDA SO'ZLARNI TURKUMLARGA AJRATISH MUAMMOLARI

Tilshunoslik tarixida so'z turkumlarini ajratish masalasi eng qadimiy va dolzarb masalalardan bo'lib, ko'plab munozaralarga sabab bo'lib kelgan. Bu masala hatto hozirga qadar ham to'la yechimini topmagan. Qadimgi hindlar, keyinchalik arablar, yunonlar so'zlarning ibtidoiy tasnifini yaratib ularni eng umumiy belgilariga ko'ra uch guruh – ot, fe'l, yordamchi so'zlarga ajratgan davrlardan boshlab bugungi qiyofasiga kelgunga qadar ba'zi so'zlar bir necha marotaba turli guruhlar ostida o'rganilib kelindi. Bir qarashda so'zlarni turkumlarga ajratish qiyin ish emas, ammo bu ishni murakkablashtiradigan holatlar mavjud. Ayrim so'zlarning murakkab tabiati ularni qat'iy bir guruh ostida doimiy baholashga monelik qiladi. Qolaversa, so'z turkumlari orasida ko'chishlar borki, bu ham maktabda so'zlarni turkumlarga ajratish jarayonida muammo keltirib chiqaradi.

Transpozitsiya, ba'zan **konversiya** atamaları bilan nomlanadigan bu jarayon lingvistik adabiyotlarda bir leksik-grammatik kategoriyadagi so'zining boshqa kategoriyaga ko'chishi deb izohlanadi. Ya'ni bir turkumdagi so'z nutqda ikkinchi turkum so'zi ishlatiladigan sintaktik qurshov va vazifada ishlatiladi, turkumlararo ko'chish yuz beradi. Uning **substantivatsiya** (otlashish), **adektivatsiya** (sifatlashish), **verbalizatsiya** (fe'l o'rnida qo'llanish), **adverbializatsiya** (ravishga ko'chish), **pronominalizatsiya** (olmoshlashish), **konyunksionalizatsiya** (yordamchi so'zlarga aylanish) kabi ko'rinishlari farqlanadi. "Umuman, tilshunosligimizda hozirgacha so'z turkumlariaro

¹ Qarang: ... O'zbek adabiy tilining taraqqiyoti. Uch tomlik. 2-tom. Toshkent: Fan, 1989. –B. 227-228.

ko'chishning juz'iy masalalari qalamga olingan, ko'chish faqat bir yoki bir necha so'z turkumi doirasidagina olib tekshirilgan, xolos. So'z turkumlariaro aloqa va ko'chishning yirik muammolari, xususan, ko'chishning tafakkuriy, lisoniy va nutqiy asoslari, mustaqil so'z turkumlariaro ko'chish, mustaqil so'zlarning yordamchi so'z turkumlari bilan aloqasi va o'zaro ko'chishi, alohida guruhdagi so'zlarning mustaqil va yordamchi so'z turkumlari bilan aloqasi va o'zaro ko'chishi, grammatikalizatsiya hodisalari tadqiqotchilar e'tiboridan chetda qolib kelmoqda" (1).

So'z turkumlari orasidagi o'zaro munosabat va ularning bir-biriga ko'chishi leksema sememasidagi evolyutsion taraqqiyot natijasida yuzaga kelib, ko'chishning lisoniylik va nutqiy ko'rinishlari farqlanadi. Ko'chish bosqichidagi va ko'chgan so'zlarni aniqlash, ma'lum guruhga nisbat berish, albatta, uzoq taraqqiyot bosqichini talab etadi. Bir so'zning boshqa turkumga ko'chishi va lisoniylik asrlab davom etishi mumkin. Bu holat barcha so'z turkumlari doirasida kuzatilish mumkin.

Ma'lumki, olmosh turkumi o'z ostida umumiy va mavhum ma'noli, atash ma'nosiga ega bo'lmagan so'zlar, hatto gaplarga bo'sh ishora qiladigan so'zlarni birlashtiradi. Ko'pgina olmoshlar bugungi kunda boshqa so'zlarga ko'chish - o'ziga xos bo'lgan vazifa semalarini kuchsizlantirib, boshqa so'z turkumiga xos semantik va sintaktik belgilarga ega bo'lish bosqichini boshdan kechirmoqda. Jumladan, *o'zi, o'zicha, o'zimcha, o'z-o'zidan, qani, bu, shu, nima* olmoshlarida modalga, *qancha-qancha, shunda, bunda, unda-bunda, o'z-o'zidan* olmoshlarida ravishga, *manman* olmoshida sifatga, *sen-men, siz-biz* olmoshlarida otga ko'chish kuzatilmogda.

Bu, albatta, tabiiy jarayon. Biroq ush bu holatning ta'lim jarayoniga ta'siri ham yo'q emas. Fonetika, leksika va sintaksisda bo'lganligi kabi, morfologiyaga doir mavzularni o'qitishda ham joriy matab darsliklarida talay muammolar, chigalliklar ko'zga tashlanadi. Uzlüksiz ta'lim bo'g'inlarida, xususan, maktab, litsey, kasb-hunar kollejlari darsliklarida so'z turkumlari, grammatik shakllar, gap bo'laklari, qo'shma gaplarni o'qitish bilan bog'liq qator muammolarga duch kelinmogda. Ayniqsa, so'zlarni guruhlarga, turkumlarga ajratish borasidagi chalkashliklar darsliklarda ko'p ko'zga tashlanadi. Maktabda morfologiya bo'yicha yetarli ma'lumotlarga ega bo'lgan o'quvchi uzluksiz ta'limning keyingi bo'g'inlari - litsey yoki kasb-hunar kolleji yohud oliy ta'limda birin-ketinlik, uzviylik bo'lmasa osongina ilg'ay oladi. Deylik, *go'yo, go'yoki, xuddi, naq* so'zlari maktab darsligida o'xshatish-qiyoslash yuklamasiga kiritilsa, (2) akademik litsey kasb-hunar kollejlari talabalari uchun darslikda chog'ishtiruv bog'lovchilariga kiritiladi. (3) Umuman, bunday muammolarga darsliklarda tez-tez duch kelish mumkin. *Shuning uchun, shu sababli, shu bois ko'makchili* qurilmalarining maktab darsligida ko'makchili qurilma, litsey darsligida ergashtiruv bog'lovchisiga kiritilishi, *na...na* inkor yuklamasining bir o'rinda yuklama, bir o'rinda bog'lovchi deb qaralishi va hk.

So'nggi yillarda o'zbek tili morfologiyasi o'zining milliy tabiatidan kelib chiqqan holda tadqiq qilinib, qator yutuqlarni qo'lga kiritdi. Xususan, so'z turkumlari, ularning lug'aviy shakllari, munosabat shakllari tadqiqi yuzasidan bir qancha ishlar amalga oshirildi. Jumladan, fe'lning turkiy tillar gap qurilishidagi roli, uning so'z turkumlari orasida tutgan o'rni, ismlar to'plamining ajratilishi, morfologik shakllarning lug'aviy, sintaktik va lug'aviy-sintaktik shakllar kabi turlarga ajratilishi, taqlidlarning mustaqil so'zlar tarkibiga kiritilishi, olmoshlarning mustaqil so'zlar orasida tutgan o'rni, so'z turkumlarining lug'aviy ma'noviy guruhlarini ajratilishi, vazifadosh yordamchi so'zlarning ajratilishi, ravishlarning mustaqil so'zlar orasida mavqei bilan bog'liq yangi tushunchalarning fanimizga kirib kelishi, ularni uzluksiz ta'lim bo'g'inlarida o'qitish bilan bog'liq turli-tuman muammolarni ham yuzaga keltirdi.

Ayni paytda o'zbek tilida oldingi bo'limlarda aytilganidek, so'zlar uch katta guruhga bo'linadi. Ushbu bo'linishni mavjud darsliklarning aksariyatida uchratamiz:

1. Mustaqil so'zlar: fe'l, ot, sifat, son, ravish, olmosh;

2. Yordamchi so'zlar: ko'makchi, bog'lovchi, yuklama;

3. O'zicha mustaqil so'zlar (ayrim darsliklarda alohida olingan so'zlar ham deyiladi) – taqlid so'zlar, undov so'zlar, modal so'zlar.

Oliy ta'lim uchun chiqarilgan mavjud ayrim darslik va qo'llanmalarda so'z turkumlari soni va tartibi quyidagicha beriladi:

1. Mustaqil so'zlar: fe'l, ot, sifat, son, ravish, taqlid, olmosh

2. Yordamchi so'zlar: ko'makchi, bog'lovchi, yuklama

3. Oraliq so'zlar - so'z-gaplar: modal so'z-gaplar, undov so'z-gaplar, tasdiq-inkor so'z-gaplar, taklif so'z-gaplar. Bu yerda so'z turkumlarining soni 14 taga yetkazilgan. Maktab darsliklarida quyidagi tartib saqlanadi:

1. Mustaqil so'zlar: fe'l, ot, sifat, son, ravish, olmosh;

2. Yordamchi so'zlar: ko'makchi, bog'lovchi, yuklama;

3. Alohida olingan so'zlar – taqlid so'zlar, undov so'zlar, modal so'zlar, tasdiq va inkor so'zlar. Ya'ni bunda 13 ta guruh ajratiladi.

Akademik litsey, kasb-hunur kolleji talabalari uchun chiqarilgan "Hozirgi o'zbek adabiy tili darsligida quyidagi tartib kuzatiladi:

1. Mustaqil so'zlar: ot, sifat, son, olmosh, fe'l, ravish;

2. Yordamchi so'zlar: ko'makchi, bog'lovchi, yuklama;

3. Alohida olingan so'zlar – taqlid so'zlar, undov so'zlar, modal so'zlar. Ya'ni bunda 12 ta guruh ajratilishi kuzatiladi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, so'z turkumlari orasida muntazam ravishda aloqa mavjud bo'lib, bu aloqa til tizimining doimiy o'zgarishdagi, taraqqiyotdagi jonli jarayon ekanligidan dalolat beradi. Bu esa so'z turkumlarini ajratish jarayonida ham, ularni tasniflash jarayonida xilma-xilliklarni keltirib chiqaradi va uzluksiz ta'lim bo'g'inlarida nafaqat so'z turkumlari sirasini

ajratishda, balki mustaqil, nomustaqil guruhlariga kiritishda, o'qitish tartibida ham tafvotlar yuzaga kelishiga sabab bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Eltazarov J. So'z turkumlari haqidagi lingvistik nazariyalar. – Samarqand, 1996.
2. Ona tili. 7-sinf uchun darslik. Mahmudov N. va b. – T.: Ma'naviyat, 2009.
3. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Nurmonov A. va b. Akademik litsey, kasb-hunar kollejlarning 2-kursi uchun darslik. – T., 2010.

F. MAMATQULOVA, QDPI

GAPNING KOMMUNIKATIV TUZILISHI

Barcha sohalarda bo'lgani kabi tilshunoslik sohasida ham o'z yechimini kutayotgan talay masalalar, muammolar bor. Bu borada jahon tilshunosligida ham, xususan, o'zbek tilshunosligida ham bahs va munozarali o'rinlar mavjud. Ana shunday muommoli masalalardan biri gapning sintaktik va aktual bo'linishi haqidagi qarashdir. Bu hodisalar o'rtasida o'zaro integral va differensial belgilar bo'lib ularni bir-biridan farqlash lozim.

Jumlaning kommunikativ vazifasi nuqtayi nazaridan tuzilishi uning aktual tuzilishi hissoylanadi, kommunikativ (aktual) vazifa nuqtai nazaridan jumlaning tashkil etuvchi elementlar tema (ma'lum) va rema (yangi) qismlarga bo'linadi. Bu elementlar aktual bo'linishning asosi bo'lib, ularning o'rnini aniq belgilab olish zarur. Jumlaning tema qismi kommunikativ eng ahamiyatli qism – markaz hissoylanadi, savol shu qismga berilib, rema aniqlanadi¹. Sintaktik tuzilish esa jumlaning o'zidan oldingi va keyingi jumlar bilan munasabatda bo'lishidir².

Jumlaning sintaktik va aktual tuzilishi o'rtasidagi o'xshash va farqli tomonlarni aniqlashda birinchi e'tiborni ularda ifodalanayotdan mazmuniy markazga qaratish zarur. Jumlaning sintaktik va aktual bo'linishi o'rtasidagi mazmuniy markazning qanday harakterga ega ekanligini quyidagi misollar orqali ko'rish mumkin. Masalan, *Dostonlarni yoddan o'qir edi*. Bu yoyiq jumlaning aktual jihatdan ikki bosqichda bo'linishini kuzatamiz. Bunday vaqtda markaz, remani dinamik harakterga ega ekanligini ko'rishimiz mumkin. Birinchi bo'linishda *yoddan o'qir edi* tema, *dostonlarni* esa rema hissoylanadi. Ikkinchi bo'linishda esa birinchi bo'linishdagi markazni yana ichki guruhga bo'lamiz. Bunda *yoddan* rema, *dostonlarni o'qir edi* qismi esa tema bo'ladi. Sintaktik jihatdan esa markaz sifatida faqatgina *o'qir edi* predikatori olib, qolgan qismlarni argumentlar sifatida olishimiz mumkin. Bu esa markazni o'zgarimas qitiy ekanligini ko'rsatadi.

¹ Nurmonov A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Akademnashr, 2012. – B. 386.

² Nurmonov A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Akademnashr, 2012. – B. 390.

Jumlaning sintaktik va aktual bo'linishi o'rtasidagi farqli jihatlardan yana biri aktual bo'linish qismlari bilan sintaktik bo'linishdagi qismlar o'rtasidagi munosabatdir. Bu munosabatni ham yoyiq va yig'iq jumlarlar misolida ko'rishimiz mumkin. Yig'iq jumalarda tema va rema bilan sintaktik bo'laklar o'rtasidagi tenglikni kuzatamiz, ya'ni argument va predikatlar bilan tema va remalar o'zaro teng kelishi mumkin. Masalan: *Nodira keldi*. Bu jumlada sintaktik jihatdan *keldi* so'zi predikat, *Nodira* so'zi esa argument sifatida olinadi. Shu jumlaning aktual jihatdan bo'linishiga e'tibor qaratilsa ham, *Nodira* tema, *keldi* rema tuzilishiga ega ekanligini kuzatish mumkin. Bu masalaga yoyiq jumlarlar misolida yondashilganda o'zaro nomuvofiqlikni kuzatish mumkin. Masalan, *Qobil bobo- yalang bosh, yalang oyoq, yaktakchan – eshik oldida dir-dir qaltirardi*. Jumlaning sintaktik jihatdan qismlarga ajratganimizda *Qobil bobo* ega, *- yalang bosh, yalang oyoq, yaktakchan* ajratilgan aniqlovchi, *eshik oldida* o'rin holi, *dir-dir* ravish holi, *qaltirardi* esa predikat vazifasini bajaradi. Aktual jihatdan bo'lganimizda esa bu jumlar tarkibidagi bo'laklar gap bo'lagi sifatida o'z ahamiyatini yo'qotishi, ya'ni bir necha bo'laklar bir bo'lib, bitta tema yoki remani hosil qilishi, bu tema yoki remalar o'z ichida bo'linib, yana boshqa tema va rema qismlarni hosil qilishi mumkinligini kuzatamiz. Masalan: *Qobil bobo – yalang bosh, yalang oyoq, yaktakchan – eshik oldida dir-dir qaltirardi* jumlasining birinchi bo'linishidayoq faqatgina ikkita qismni, *Qobil bobo yalang bosh, yalang oyoq, yaktakchan – tema, eshik oldida dir-dir qaltirardi* bo'laklarini esa rema sifatida ko'rishimiz mumkin. Ikkinchi bo'linishda esa, tema yana o'z ichida guruhlariga bo'linadi: *Qobil bobo* tema, *yalang oyoq, yalang bosh, yaktakchan* esa rema. Bundan ko'rinadiki, jumla aktual jihatdan bo'linganda jumlaning sintaktik bo'laklariga emas, balki intonatsiya orqali aniqlanayotgan qismlariga e'tibor beriladi. Demak, yoyiq jumalarda sintaktik va aktual bo'linish qismlari o'rtasidagi munosabat teng emas.

Jumlaning sintaktik va aktual jihatdan bo'linishida e'tiborli jihatlardan yana biri jumlada ifodalanayotgan mazmunning ko'lamdorligidir. Jumlaning sintaktik jihatdan bo'linishida ifodalanayotgan ma'no nisbatan torroq tushunchani ifodalaydi. Masalan, *Men kecha kitobni o'qidim*. Bu jumlaning sintaktik tahlilida faqatgina kitobni 'o'qilganlik' ma'nosi ifodalanayotganligini ko'ramiz, chunki sintaktik jihatdan markaz sifatida birgina predikat olinadi, ifodalanayotgan ma'no esa shu predikat orqali yuzaga chiqadi. Jumlaning aktual bo'linishida esa ifodalanayotgan ma'no ko'lamdorligi, ortiqligini ko'rishimiz mumkin. Bunga sabab esa aktual bo'linishda remaning dinamik harakterga ega ekanligidir. Aktual bo'linishda ifodalanayotgan ma'nolarni yuzaga chiqarishda asosiy e'tibor intonatsiyaga qaratiladi. Masalan, *men kecha kitobni o'qidim* (kitobni o'qilganlik ma'nosi), *men kecha kitobni o'qidim* (boshqa narsani emas faqat kitobni o'qilganlik ma'nosi), *men kecha kitobni o'qidim* (boshqa mahal emas aynan kecha o'qilganlik), *men kecha kitobni o'qidim* (boshqalar emas aynan men o'qidim). Demak, aktual bo'linishda har bir bo'lak alohida-alohida ta'kidlanib bir necha ma'nolarni ifodalashi mumkin.

Jumlaning sintaktik va aktual bo'linishi o'rtasidagi farqli jihatlardan yana biri gap bo'laklari hamda aktual bo'linish qismlari: tema va remalarning jumladagi joylashuv tartibidir. Sintaktik bo'linishda gap bo'laklarining qat'iy o'rni belgilangan bo'lib, unga ko'ra ega va unga oid bo'laklar avval, kesim va kesimga oid bo'laklar esa keyin joylashishi me'yor sifatida belgilangan: *Katta mashina sekin borardi*. Bundan ko'rinadiki, sintaktik bo'linishda asosiy e'tiborni qismlarning joylashuv o'rniga beriladi. Aktual bo'linishda ham ma'lum bir qolip bor, lekin bu bo'linishda e'tiborni gap bo'laklariga emas, balki tema va remalarning joylashuviga hamda jumlada ifodalanayotgan maqsadga qaratiladi. Hunday vaqtda inversiya hodisasini kuzatishimiz mumkin: *Men nechun sevaman O'zbekistonni*.

Xullas, gapning aktual va sintaktik bo'linishi, jumlaning sintaktik-temantik tuzilishida muhim ahamiyatga ega til hodisalari hisoblanadi.

Y. SANGHEUM, ToshDO'TAU

O'ZBEK VA KOREYS TILLARIDA KO'MAKCHI FE'LLAR

Oltoy tillari — turkiy tillar, mo'g'ul tillari va tungus-manjur tillarini ularning kelib chiqishi bir degan taxmin asosida birlashtiradigan tillar makrooilasini biddiruvchi shartli termin. Ayrim olimlar ushbu makrooilaga koreys va yapon tillarini ham kiritganlar¹.

Koreys tilini oltoy tillari oilasiga kiritganlar ham bor. Bundan boshqa koreys tili va o'zbek tili ikkalasi ham agglotinativ tillar (agglutinative language)ligi aniq. Shuning uchun o'zbek tilini biladiganlar koreys tilini o'rganish oson bo'ladi va koreys tilini biladiganlar ham o'zbek tilini o'rganishga qiyinchilik kam bo'lish mumkindir. Gap qurilishda so'zma-so'z tarjima qilsa gapning ma'nosini, nimani bildirmoqchiligini yuz foizga yetmasa ham bila oladi.

· Alisher maktabga bordi. (Alisher maktab+ga bor+di.)

· 알리세르는 학교에 갔다. (알리세르+는 학교+에 가+ㅅ+다.)

O'zbek va koreys tillarda asosan fe'lda o'xshaydigan xususiyatlarini topish mumkin. Buning sababi o'zbek va koreys tili agglotinativ tillar (agglutinative language)ligidir. Farqlanadigan tomoni koreys tiliga nisbatan o'zbek tilida shaxs-son qo'shimchalar borligidir. O'zbek va koreys tillaridagi ko'makchi fe'llar strukturasi umumiyliklar va farqlilar aniqlanadi. O'zbek va koreys tillarda ko'makchi fe'lining bir nechtasi ma'noviy xususiyatlarida farqlanadi. Fe'llar strukturasi, gap qurilish bir xil. *Ishlab chiqdi, ishlab bo'ldi, ishlay boshladi, ishlab yuribdi, ishlab qo'ydi, ishlab yubordi, ishlab yozdi, ishlab*

¹ https://uz.wikipedia.org/wiki/Oltoy_tillari

turibdi, ishlab ko'rdi singari so'zlarga e'tibor bersangiz, ularning hammasi bir umumiy ma'noni — «ishlamoq» ma'nosini ifodalaydi¹.

Koreys tilida esa 일하기 시작하다[ilhagi shijaghada] (ishlay boshladi), 일하고 있다[ilhago' itda] (ishlay yuribdi), 일해 놓다[ilhe no'hda] (ishlab qo'ydi), 일해 보내다[ilhe bo'neda] (ishlab yubordi), 일해 보다[ilhe bo'da] (ishlab ko'rdi) va hokazolar ishlatiladi. Koreys tilida ham quydagilar hammasi bir umumiy ma'noni — «ishlamoq» ma'nosini ifodalaydi. Bu ma'no, asosan, ravishdosh shaklidagi birinchi qismdan anglashiladi. Ikkinchi qism esa birinchi qismdan anglashilgan leksik ma'noga turli qo'shimcha ma'nolarni (harakatning boshlanishi, davomiyligi, tugallanishi, oson bajarilganligi, tez bajarilganligi, harakatni bajarishga uringanligi kabi) ma'nolarni yuklaydi. Bunday so'zlar ham tuzilishiga ko'ra, fe'+fe'l tarzida bo'ladi. Birinchi fe'l so'zning asosiy leksik ma'nosini ifodaladi. Shuning uchun u yetakcho fe'l sanaladi. Ikkinchi qismi esa birinchi qismga(yetakchi fe'lga) qo'shib, unga turli xil qo'shimcha ma'nolarni yuklaydi, lekin yetakchi fe'lning leksik ma'nosini o'zgartirib yubormaydi. Undan yangi fe'l hosil bo'lmaydi. Shuning uchun bunday fe'llarga ko'makchi fe'llar deyiladi.²

O'zbek tilida ko'makchi fe'llar ravishdoshning -(i)b, -a va -y shakllarida bo'ladi. Koreys tilida esa -으[o], -고[go], -게[ge] va -서[su] shakllarida yoki ba'zan shaklsizda ham bo'ladi.

· yoz+ib qo'ydi: (yoz+ib) + (qo'y+di); (fe'l) + (fe'l)

· 써 놓다[ssso nohda]: (쓰다→쓰→써+x) + (놓다); (fe'l) + (fe'l)

Mana bu berilgan ikkita fe'lni qiyoslaylik. O'zbek tilida ko'makchi fe'l tuzilish fe'l o'zagiga -(i)b ravishdosh yasovchi orqali birikib ko'makchi fe'lga shaxs-son qo'shimchasini qo'yadi. Koreys tilida esa fe'l o'zagiga -으[o] ravishdosh yasovchini qo'yish uchun 쓰[ssi]+으[o]→써[ssso] bo'lib bundan orqali birikadi. Lekin koreys tilida shaxs-son qo'shimcha yo'q bo'lgani uchun ko'makchi fe'li har doim fe'l o'ziga qoladi. Ko'makchi fe'l faqatgina o'tgan zamon, hozirgi zamon va kelasi zamon ma'nosida o'zgaradi.

O'zbek va koreys tillarda ko'makchi fe'l tuzilishida yana boshqa farqlanadigan tomoni o'zbek tilida faqat ko'makchi fe'lni ko'rib egasini bilish mumkinligidir. Koreys tilida esa gapda egasi ishlatilmagan bo'lsa, gapni tushunish qiyinlashadi.

· Men oshni yeb ko'rdim.

· 나는 어썬를 먹어 봤다.[nanin oshrir mogo bo'atda]

*Men-나, ni-를, yeb-먹어, ko'rmoq-보다

¹ Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili – Toshkent, 2015.

² Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili – Toshkent, 2015.

O'zbek tilida “Men oshni yeb ko'rdim” degan gapini “Oshni yeb ko'rdim” desa ham kim oshni yeb ko'rganligini bilish mumkin. Koreys tilida lekin 나[na] (men) ya'ni gapning egasini ishlatmasdan faqat 어썬를 먹어 봤다[oshrir mogo bo'atda] desa faqatgina kimdir oshni yeb ko'rgandir degan ma'noda tushunish mumkin yoki kim oshni yeb ko'rdi? degan savol bo'lish mumkin.

Ko'rinadiki o'zbek va koreys tillarda ko'makchi fe'l tuzilishida albatta farqlanadigan tomonlar bor. Lekin boshqa tillarga nisbatan - misol uchun ingliz tili, o'xshaydigan tomonlar ko'p. Hatto so'zma-so'z tarjima qilsa bir xil bo'ladigan ko'makchi fe'llar ham bor. Til yashayotgan narsadir. Ayrim olimlar oltoy tillar oilasiga koreys tilini ham qo'shadi. Bunga qarshi fikrlar ham bor. Lekin o'zbek va koreys tillarda fe'l, asosan ko'makchi fe'l-dagi xususiyatlarga qarasa va faqat bu xususiyatlar oltoy tillar oilasiga kiradigan tillarda ko'rinish mumkinligi bilan uchrashsa tilni yanada o'rganib tushunish mumkindir. O'zbek va koreys tillarda ko'rinadigan ko'makchi fe'lning xususiyatlari va ikkalasi ham agglotativ tillar (agglutinative language)ligi koreys tili ham oltoy tillar oilasiga kirishni isbotlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Хожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент: Фан, 1966.
2. Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili – Toshkent, 2015.
3. 국립국어원. M.korean.go.kr
4. Rixsiyeva G., Abdurahmonova M., Qalandarov M. O'zbek tili. – Toshkent, 2013.

N. RAXMONOVA, ToshDO'AU

“QISASI RABG'UZIY”DAGI AYRIM SO'ZLARNING POLISEMANTIK XUSUSIYATI

“Qisasi Rabg'uziy” turkiy tilda bitilgan payg'ambarlar hayotidan hikoya qiluvchi badiiy asardir. Bu asarning muallifi Nosiriddin Rabg'uziy bo'lib, u haqida hech qanday ma'lumot yetib kelmagan. “Qisasi Rabg'uziy” asari ham badiiylik, ham til nuqtai nazaridan katta e'tiborga loyiq yozma yodgorlikdir. Ushbu maqolada “Qisasi Rabg'uziy” dagi ayrim turkiy so'zlarning polesemantik ma'no xususiyatlari borasida to'xtalishga harakat qilamiz. Maqolada keltirilgan misollar “Qisasi Rabg'uziy”ning 1990-1991 yilda chop etilgan nashridan olingan. Asarda sof turkiy so'zlar bilan bir qatorda arabcha va fors-tojikcha so'zlardan ham o'rinli foydalanilgan. Ayniqsa, turkiy so'zlarga yuklangan polesemantik ma'no doirasi rang-barangligi bilan boshqa tillardan ajralib turadi.

Harakat fe'llari qatorida ishlatilish ko'lami keng bo'lgan “qilmoq” feli polesemantik so'z bo'lib, turkiy tilda ko'plab ma'nolarni anglatishda

qo'llanilgan. "Qisasi Rabg'uziy" asar matnini o'rganar ekanmiz "qilmoq" leksemasidan muallif yangi-yangi ma'nolarni ifodalash uchun foydalanganligini ko'ramiz. "Qilmoq" fe'lining polesemantik xususiyatini tahlil etsak, bu so'z muallif tomonida quyidagi semalarda qo'llangan:

1. Hazrat odamning jasadlarini ruhi purfutuh bilan muzayyan qilgandan so'ng nurdan bir taxt ofarida qildi.
2. Odamni barcha dushmanlari bilan yerga tushir, odamning gunchini yerda avf qilaman.
3. Namoz qilsa.
4. Bo'stonlar, bozorlar qildilar.

Birinchi gapda "qilmoq" fe'lining "yaratmoq" ma'nosi qo'llangan bo'lib, asar matnida ko'p uchramasa-da, muayyan o'rinlarda bu ma'no ko'zga tashlanadi. Ikkinchi gapda "qilmoq" fe'li "kechirmoq va gunohidan o'tmoq" ma'nosida, uchinchi gapda "o'qimoq" ma'nosida, to'rtinchi gapdagi "qilmoq" fe'li esa "qurmoq" ma'nosida qo'llanilgan. Fe'l so'z turkumidagi "qilmoq" fe'lining asarda "kulmoq", "judo qilmoq", "jamlamoq", "qutqarmoq", "buysundirmoq", kabi ma'nolaridan ham foydalanilgan. So'zning polesemantik ma'nosini ko'rish chog'ida uni ko'chma ma'noda ham qo'llash mumkinligi asar matnidani sezilib turadi.

Yana bir sof turkiy "solmoq" fe'li ham polesemantik so'z bo'lib, professor H.Dadaboyev¹ bu so'zning semalarini "Qisasi Rabg'uziy" asari misolida mahsus tadqiq qilgan.

1. ...shunda Olloh taolo "Valakad karamna bani adama" tojini boshlariga kiygizdi, quloqlariga gushvaralarni soldi.
2. Yiraq yerga eltib salg'il.
3. Ichindaki suvni tashqari saldilar.

Keltirilgan birinchi gapda solmoq fe'lining "taqmoq", "kiydirmoq", ikkinchi gapda "tashlab ketmoq", "quyib ketmoq", uchinchi gapda esa "surmoq", "chiqarib tashlamoq" ma'nolaridan foydalanilgan. "Solmoq" fe'lidan Rabg'uziy faqatgina polesemantik so'z sifatida emas, balki sinonim va ko'chma ma'noda qo'llanuvchi so'z sifati ham foydalangan. Masalan mana bu misolda " – kordi kimersa yerga tufkurmish. Sordi: Muni kim saldi? – teb. Evgyli aydi "Man saldım", -tedi. Avj aydi: "emdi yana salg'il saldi ersa ana menzamas". Bu gapda tufkur=, ya'ni "tupurmoq" ma'nosidagi so'zni solmoq so'zi bilan sinonim tarzda qo'llagan.

O'g'moq fe'li ham ko'p ma'noli so'z sifatida ishlatilgan. Masalan, tutu og'di–ko'kka o'g'durdi. Berilgan birinchi gapda og'moq fe'li ko'tarilmoq ma'nosida qo'llangan bo'lsa, ikkinchi gapda bu fe'l chiqarmoq degan ma'noda qo'llangan:

1. Dunyog'a ing'an.
2. Egniga indi.

¹Dadaboyev H. "Qisasi Rabg'uziy"da qo'llangan sal= fe'lining semalari xususida // O'zbek tilshunosligi masalalari. – Toshkent, 2006.

3. Ko'kdin o'tindi.

Polisemantik xususiyat kasb etgan navbatdagi so'zimiz inmoq fe'lidir.

Berilgan uchta gapda bu fe'l tug' ilmoq, kiymoq va ko'rinmoq degan ma'nolarda ishlatilgan:

1. Qamug'in dunyog'a izdi.

2. Rum viloyating'a izdi.

3. Yusufni qarindoshlari belin bog'lab quduqg'a izdilar.

Izmoq fe'li ham ko'p ma'noli qatlamga mansub hisoblanadi. Muallif birinchi gap orqali ham chiqarmoq, ham yoymoq degan ma'nolar ifodalagan. Ikkinchi gap jo'natmoq ma'nosida qo'llangan bo'lsa, uchinchi gapda esa tashlamoq degan ma'no aks ettirilgan. Biz yuqorida fe'llarga xos bo'lgan ko'p ma'noli so'zlarga to'xtalgan bo'lsak, endi fikrimizni ot so'z turkumida uchrovchi so'zlar bilan davom ettiramiz.

1. Tishi tashqarisi.

2. Tishilar ko'nulmas egri so'nguk turur.

Ot so'z turkumiga oid birinchi misolimiz "tishi" so'zidir. Berilgan birinchi gapda tishi so'zi shahar, ikkinchi gapda ayol degan ma'no ifodalagan. Tishi so'zi orqali berilgan shahar so'zi o'rin-joy ma'nosini bildirsa, ikkinchi ayol so'zi shaxs otini ifodalovchi so'zdir.

1. Ul yo'ldin.

2. Uch yo'li qurudi.

3. Yetti yo'li pichoqni tortdi.

4. Kendu bir yo'l ko'rguzgay.

Berilgan har bir gapdagi "yo'l" so'ziga alohida-alohida ma'nolar yuklangan. Xususan, birinchi ma'no orqali sabab ko'rsatilyapti. Ikkinchi va uchinchi gaplarda daraja-miqdorni ifodalovchi marta ma'nosi, to'rtinchi gapda chora ko'rish ma'nosida qo'llangan. "Qisasi Rabg'uziy" asar matnida bosh so'zini ham ko'p ma'noli so'z sifatida uchramiz.

1. Boshlarin ilking'a olg'il.

2. Tog' boshindin uchdilar

"Bosh" so'zi birinchi gapda o'z ma'nosini saqlab qolgan, ammo ikkinchi gapda ko'chma ma'noni anglatib kelgan. "Qisasi Rabg'uziy" da yuqoridagi kabi misollar ko'p uchraydi. Bu asar turkiy til imkoniyatlarini, turkiy til tabiatiga xos bo'lgan ko'p ma'nolik xususiyatini yoritishda ahamiyatlidir. Asardagi so'zlarni o'rganish orqali hozirgi o'zbek adabiy tilida qo'llanayotgan so'zlarning keng ma'no ifodasiga ega bo'lgani, vaqt o'tgani sari so'z semantikasida torayish ko'zatilganini ko'rish mumkin. Xullas, o'rganilgan polisemantik so'zlar qatorini asar matnidan ko'plab topishimiz mumkin. Bu esa polisemantik so'zlar bahsli va qiziqarli ekanligini bildiradi.

УНДАЛМАНИНГ ЭТНИК ХОСЛАНИШИ

Ўзбек тилшунослиги ўтган аср давомида ранг-баранг дунёқарашлар, таълимотлар, назариялар таъсирини бошидан кечирган бўлса, XX аср охирига келиб тилшунослигида тилнинг амалий, нутқ, жамият, маданият, миллий тафаккур билан узвий муносабатини текшираётган янги йўналишларга эътибор кучайди. Жумладан, тил вакиллари нутқини миллий этник хусусиятлар тадрижида ёритиш – этнолингвистик тадқиқотларга кенг ўрин берилаётганлиги ҳам бунинг далилидир.

Маълумки, нутқий мулоқот миллий, этнографик, ижтимоий, фалсафий-маданий, ахлоқий-эстетик, тарихий, маиший ва руҳий омилларнинг лисоний бирликларда воқеланишидан ташкил топади. Нутқий фаолият инсоннинг яшаш жойи, турмуш тарзи, шароитига ҳам хосланади. Тараққиётнинг бугунги босқичида ҳамма соҳаларда “инсон омили”га бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда.

Тил ва маданият муносабати масаласи, этник маданиятнинг тилда акс этиши масаласининг ўрганилиши умумхалқ тили бўлган шевалар билан бевосита боғлиқ. Шевалар ва уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари диалектологияда етарлича ўрганилган, бироқ тил ва унда этник маданиятнинг акс этиши масаласи бу соҳанинг ўрганиш объекти эмас. Тил ва нутқни ҳам лисоний, ҳам этик-этнографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш натижасида социolingвистиканинг янги бир тармоғи бўлган этнолингвистика, этносоциolingвистика каби соҳалар шаклланди ва бугунги кунда жадал ривожланмоқда.

Этнолингвистика – тилшунослик йўналишларидан бири бўлиб, тил ва тил эгалари муносабатларини ҳамда тил ҳодисаларидаги тил ва этник маданиятга хос омилларни ўрганади. Этнолингвистика тил ва тил эгалари маданиятига асосланиб иш кўради.

Маълумки, ҳар қандай тилда ўша тил эгаларининг қарашлари, турмуш-тарзи, маданияти ва маънавияти, руҳияти, хуллас, бутун борлиги у ёки бу даражада ўз аксини топган бўлади. Мурожаат сўзлари, ундалмаларсиз нуткимизни тасаввур қилиш кийин. Ўзбек халқининг тили жуда кўп ва хилма-хил сўз бойликларига эга. Бундай бўлиши табиий, чунки, ўзбеклар жуда катта ҳудудларга - фақат Ўзбекистондагина эмас, балки дунёнинг турли ҳудудларида истиқомат қилади. Ўзбек халқининг мавжуд шеваларида шахсга мурожаат сўзлари – ундалмаларнинг қўлланилишида ҳам ўзига хослик мавжуд бўлиб, бундай сўзлар ўзбек тилининг луғат таркибини бойитади. Кипчок гуруҳига кирувчи шеваларда мурожаат сўзларининг қўлланилиши уларнинг тил хусусиятлари жиҳатидан бутун ҳудудлар бўйича бир хил деб бўлмайди. Улар маълум бир ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Мавжуд

мурожаат сўзларининг ранг-баранг тил хусусиятларини ўрганиб чиқиб, чиқиб олмас, вақтлар ўтиши билан ўзгаради, халқимиз тарихи, унинг маънавий ва моддий маданиятининг ажралмас қисми сифатида фан учун, келажак авлод учун изсиз йўқолиб кетиши мумкин.

Ундалманинг муҳим белгиларидан бири этнослар нутқида тафовутланиши билан боғлиқ. Маълум бир ҳудуд вакиллари нутқида ишлатиладиган ундалма бошқа шева вакиллари нутқида фарқланиши мумкин. Айнан бир сўз маълум бир ҳудудда онага нисбатан ишлатилса, бошқа ҳудудда яна кимгадир нисбатан қўлланиши мумкин. Масалан, Шахрисабзда онага нисбатан бува сўзи ишлатилса, Қаршида ота ёки онанинг отасига нисбатан бува деб мурожаат қилинади.

Ундалманинг этнослар нутқида тафовутланишини куйидаги жадвалда кўриб ўтаемиз:

Фаол мурожаат сўзларининг Қашқадарё вилояти туманларида этник фарқланиши

Диабий тил	Қарши	Китоб	Шахрисабз	Миришкор	Чироқчи	Косон
Буви	Мома	Ажа/ катта	Катта	Мома	Мома	Мума
Бобо	Бува	Бобо	Каттаота	Бува	Бува	Бува
Ота	Дада	Додо	Дада	Ота/дада	Дада/ота	Дада
Она	Ава/она	Она	Опа-ая	Она	Эна/она	Уна
Ака	Ака	Ака	Ака	Ака	Ака	Ака
Опа	Опа	Опа	Опа	Опа	Опа	Опа
Сингил	Сингил	Сингил	Сингил	Сингил	Сингил	Сингил
Ука	Ука	Ука	Ука	Ука	Ука	Ука
Тоға	Тоға	Тоға	Тоға	Тоға	Тоға	Тоға
Янга	Янга	Янга	Янгамулло	Янга	Чеча	Янга
Почча	Почча	Почча	Почча	Почча	Почча	Почча
Хола	Хола	Хола	Хола	Хола	Хола	Хола
Амаки	Амаки	Амаки	Ака	Ова	Амаки	Амаки
Божа	Божа	Божа	Божа	Божа	Божа	Божа
Амма	Амма	Амма	Амма	Амма	Амма	Амма
Эрнинг отаси	Амаки/ дада	Бово	Дада	Амаки/ Тоға	Бува/ Тоға	Амаки
Эрнинг онаси	Ойи/ ая	Бийи/ ойи	Бува Мулло	Хола/ Амма	Хола	Бийи

Фаол мурожаат сўзларининг вилоятлар бўйича этник фарқланиши

Адабий тил	Тошкент	Бухоро	Хоразм	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Фарғона
Буви	Ойи-буви	Биби	Ана	Ана	Момо	Эна	Буви
Бобо	Дода	Бобо	Ата	Каттага	Бобо	Ота	Бобо
Ота	Ада	Дада	Ака	Дада	Дада	Дада	Дада
Она	Опа	Нана	Опо	Опа-ая	Ана-ая	Ая	Ая
Ака	Ака	Ака	Ого	Ака	Ака	Ака	Ака
Опа	Опача	Апа	Опо	Опча	Опа	Опа	Опа
Сингил	Сингил	Сингил	Ука	Сингил	Сингил	Сингил	Сингил
Ука	Ука	Ука	Ука	Ука	Ука	Ука	Ука
Тоға	Тоға	Тағо	Дойи	Тоға	Тоға	Тоға	Тоға
Янга	Келинойи-опоки	Янга мулло	Бийи	Янга	Чеча	Янга	Янга
Почча	Почча	Язна	Почча	Почча	Жизда	Почча	Почча
Хола	Хола	Хола	Холо	Хола	Хола	Хола	Хола
Амаки	Амаки	Амаки	Ого	Ака	Амаки	Амаки	Амаки
Божа	Божа	Божа	Ого	Божа	Божа	Божа	Божа
Амма	Амма	Тўта	Амма	Амма	Амма	Амма	Амма

Бир шахсга нисбатан турли ҳудудларда турлича мурожаат ишлатилиши адабий тилда маънодошликни, лексик қатламнинг янги сўзлар билан бойишини келтириб чиқаради. Масалан, турли ҳудудларда ўқитувчига нисбатан *муаллим, устоз, домла, ўқитувчи, устод* тарзида, онага нисбатан *она, ойи, ая, опа, бува, нана* тарзида, нотаниш ўрта ёшли аёлга *опа, кенойи, хола* тарзида, нотаниш эркак кишига *амаки, тоға* тарзида мурожаат қилиниши фикримизни далилайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, нутқда мурожаат сўзларининг миллий этник қатламларда қўлланилиши ўзига хос бўлиб, улар турли ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари, яшаш жойи, характери, бошқа миллат вакиллари билан аралаш яшаш (билингвизим), габиати, талаффуз имкониятлари билан боғлиқ ҳолда тафовутланади ва бу, ўз навбатида тил лексик қатламининг бойишига олиб келади.

ЛИНГВОПОЭТИКА ВА УСЛУБИЯТ МАСАЛАЛАРИ

А.ҲАСАНОВ, ҚДШИ

БАДИИЙ АСАР ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ЛИНГВОПОЭТИКАНИНГ ЎРНИ

Адабиётшунос ва тилшуносларнинг бадий асар тили устидаги тадқиқотларини умулштирувчи лингвопоэтика бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблик даражасини йўқотгани йўқ. «Бадий асарнинг ҳар томонлама қимматини очиб бериш, тил жилосини таҳлил этиш, унинг тасвирини акс эттиришдаги ролини кўрсатиш, ижодкор услубини аниқлаштириш ва унда давр руҳини акс этиши, мазкур даврда яратилган асарлар тили билан қиёслаб тадқиқ этиш лингвопоэтиканинг вазифасига кирadi»¹.

Адабий тилнинг бадий мукамалликка, миллий характерлар яратишдаги ўзига хосликка эришишида сўз санъаткорларининг минаққатли хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боис уларнинг асарлари тили ва услубини лингвистик жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида лингвопоэтиканинг оёққа туришида ва ривожланишида Х.Дониёров, С.Мирзаев, Қ.Самадов, И.Кўчқортоев, Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, Б.Умурулов, И.Мирзаев, М.Юлдашев каби олимларнинг хизматлари катта бўлди². Улар бадий асар тилининг стилистик, бадий-эстетик жиҳатларини ёзувчининг сўз танлаш, унинг ўзига хос тили, умумхалқ тилига бўлган муносабати, янги сўз ва иборалар яратиши каби омиллар нуқтаи назаридан текширдилар. Айниқса, М.Юлдашев томонидан бадий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари ўзбек тилшунослигида биринчи марта диссертацион планда тадқиқ этилиши бу борадаги ишларни яна бир поғона юқорига кўтарди.

Олим бадий матни лингвопоэтик таҳлил этишнинг етти тўймойилини: шакл ва мазмун бирлиги тамойили, макон ва замон бирлиги тамойили, матн тилининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабатини аниқлаш тамойили, бадий матнга бадий-эстетик бутунлик сифатида ёндашиш ва асар концептини аниқлаш тамойили, бадий матнда поэтик

¹ Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охири - 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик таҳлили. Фил.фан.номзоди... дисс. - Андижон, 2003. - Б. 16.

² Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. - Т.: Ўзадабийнашр, 1962; Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. - Т., 1981; Кўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. - Т., 1975; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз санъатига. - Т.: Фан, 1981; Умурулов Б. Бадий адабиётда сўз. - Т.: Фан, 1993; Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста (на материале современной узбекской поэзии): Дисс... доктора филол. наук. - Т., 1992; Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Фил.фан. номзоди... дисс.автореферати. - Т., 2009.

актуаллашган тил воситаларини аниқлаш тамойили, бадиий матндаги эксплицитлик ва имплицитлик нисбатини аниқлаш тамойили, бадиий матндаги интертекстуаллик механизмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини аниқлаш тамойилларини ишлаб чиқди¹. Биз олимнинг бу карашларини тўла қўллаб-қувватлаймиз ва, бизнингча, индивидуаллик ҳам бадиий матн кўрсаткичларидан бири бўлиб, лингвопоэтик таҳлил жараёнида ёзувчининг ўзига хос услубий маҳоратини тадқиқ этишда бош мезон ҳисобланади. Чунончи, В.В.Виноградов таъкидлайдики, «индивидуал услуб тушунчаси бадиий матн тадқиқининг асосий категорияларидан бири сифатида тан олинади»². Индивидуаллик, ягоналик ёзувчининг ижод жараёнида сўз танлаш санъати билан белгиланади. Бу ўрнида ёзувчининг лисоний шахсиятини, яъни бадиий тафаккурини, шахсий идрок тарзини, қолаверса, лисоний лаёқати – лингвистик маҳоратини намоён этади. Айниқса, индивидуал услуб тушунчаси бирор муаллиф асарлари тилини унга замондош ижодкор асарлари тили билан қиёсий тадқиқ қилинганда янада ойдинлашади. Чунки ёзувчи услубида санъаткор томонидан эстетик жихатдан қўлланган барча тил воситаларининг бадиий тафаккури билан ички боғлиқлик асосида бирлашади.

Лингвопоэтик таҳлил сўз санъаткорларининг ўзига хос тил маҳорати ва ижод услубини аниқлашда самарали усул ҳисобланар экан, бироқ у бу билан чегараланмайди, «балки асар яратилган давр тилининг ўзига хослиги, ёзувчининг сўз бойлиги, тил воситаларидан фойдаланиш усуллари, бадиий тасвир воситаларининг тил фактлари воситасида акс эттирилиши, умуман, тилни унинг барча сатҳлари юзасидан таҳлил қилишдан иборат бўлади»³.

Бадиий матнда ёзувчининг ғояси, фикр ва мақсадини амалга оширишда, унинг ҳаётийлиги, образли-экспрессивлиги бирлигидан келиб чиқадиган бадииятини таъминлашда тил (тил бирликлари тизими) асосий рол ўйнайди. Айниқса, бунда лексик воситаларнинг аҳамияти бирмунча актуалдир. Албатта, тил воситалари юкоридаги каби вазифаларни бажаришда ўзига хос услубий бўёққа эга бўлиши муқаррар. Бу бўёқ сўзнинг эмоционал, экспрессив-таъсирчанлик, баҳолаш, образлилик касб этишида яққол кўзга ташланади ва улар сўзнинг семантик мундарижасининг таркибий қисми бўлган коннотатив маъно доирасида бирлашади. Лексик воситаларда айнан коннотациянинг мавжудлиги унинг динамик характерини белгилайди. Шу боис, сўз санъаткорлари тил воситаларига эркин, ўзига хос идрок этиш ҳамда баён услуби билан ёндашиб, сўзнинг янги маъно қирраларини, услубий имкониятларини кашф этадилар. Бу билан, биринчидан, тилнинг луғат таркибини

¹ Юлдашев М. Кўрсатилган докторлик диссертация автореферати. – Б. 26-27.

² <http://sjpla.rsl.ru/> Маниева Н. Прилагательные-эпитеты в поэтическом дискурсе второй половины XX века: Дисс... канд. филол. наук. – Махачкала, 2007.

³ Рихсиева Г. Лингвопоэтик тадқиқ асослари бўйича мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2003. – №2. – Б. 84-86.

бойтадилар, иккинчидан, адабий тилнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, миллий адабий тилнинг ривожланишига замин яратадилар ва, ниҳоят, бадий асарга эстетик қувват бағишлаб, унинг бадииятини таъминлайдилар. Юқорида таъкидланганидек, сўзда айнан коннотативликнинг мавжудлиги ёзувчи услубига хос лингвистик маҳоратни белгилашда муҳим мезонлардан ҳисобланади. Чунки коннотация борлиқни баҳолаган ҳолда идрок қилиш ва акс эттириш маҳсули сифатида когнитология билан узвий боғланиб, нутқ прагматикаси учун кенг йўл очади. Бу ҳол, айниқса, сўзловчининг лисоний билим, лисоний фаолият паражабини, қолаверса, лисоний шахсиятини белгилайди.

Умуман, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бадий асар тили адабиётшунослик ва тилшунослик фанларининг назарий томонлари везишган нуқтада лингвопозитик жиҳатдан ўрганилишни талаб қиладиган мавзу. Чунки бадий асар тилини ўрганиш кенг қамровли жараён бўлиб, нафақат адабиётшуносликка оид бадий ғоя, фикр, умумий образлилик, индивидуаллик, бадий маҳорат, шунингдек, тилшуносликка оид семиотика, коннотативлик, прагматика каби тушунчаларни умумлаштиради, балки когнитив фан соҳалари билан боғланиб, ўзининг таҳлил доирасини билиш, тушуниш, идрок қилиш, таҳлил қилиш, лисоний тафаккур, лисоний онг, лисоний фаолият, лисоний шахсият каби тушунчалар билан ҳам кенгайтириб боради. Ишга мана шу тарзда комплекс ёндашиш лингвопозитика учун қутилган натижаларни беради.

R. SUVONOVA, SamDU

BADIIY TASVIR VOSITALARINING O'ZARO MUNOSABATI

Tilshunoslikda badiiy tasvir vositalarining qo'llanilishi haqida tilshunos olimlarimizning turli fikrlari mavjud. Jumladan, ko'chma ma'no hosil qiluvchi hodisalar ko'pchilik holatda asosan metafora, so'ngra metonimiya deb ko'rsatilgan. Uchinchi hodisa sifatida sinekdoxa ko'rsatiladi. Ba'zan esa u metonimiya bilan qo'shib yuboriladi. Avvalo, badiiy tasvir vositalarining bu uch turi o'rtasidagi yaqinlik va farqlar nimalardan iborat?

M.Mirtojiyevning kuzatishicha (tadqiqotchi o'zidan avvalgi tilshunoslarning ham fikrini shunday deb hisoblaydi), metafora nomdoshlovchi va nomdoshlanuvchi o'rtasidagi belgi, xususiyat, harakat, holat, tus kabilarning o'xshashligi tufayli nom kuchini, metonimiya-nomdoshlovchi bilan nomdoshlanuvchi o'rtasidagi aloqadorlik tufayli nom ko'chish hodisasidir. Sinekdoxa esa nomdoshlovchi va nomdoshlanuvchi mutlaqo bir narsa, shuningdek ularning biri ikkinchisining tarkibiy qismi bo'ladi.

Metafora va metonimiya o'rtasidagi farq R.Qo'ng'urov tadqiqotida yunada yaqinroq izohlanadi. M.Mirtojiyev metonimiya bilan metaforaning o'ziga xos xususiyatini ko'rsatadi va ular o'rtasidagi farqni aniqlaydi.

R.Qo'ng'urovning tadqiqotiga ko'ra, metaforada bir-biriga o'xshash predmet va ularning belgilari ko'chiriladi.

Metonimiyaning farqi shundaki, predmetlar tashqi va ichki xususiyatlari bilan bir-biriga aloqador bo'lsa ham, lekin bir-biriga sira o'xshamagan predmetlarning belgilari chog'ishtiriladi.

N.Shukurov tomonidan yaratilgan "Adabiyotshunoslikka kirish" hamda N.Hotamov va B.Sarimsoqovlarning "Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati" kitoblarida ham metonimiya, metafora (istoria)dan predmet yoki narsalar o'rtasidagi o'xshashlikka emas, balki ular o'rtasidagi o'xshashlik, metonimiyada asosan predmetlar o'rtasidagi yaqinlik va aloqadorlik asos qilib olinishidir, tarzida mulohaza bildiradi. Tilshunoslik va adabiyotshunoslikka oid barcha manbalarda metonimiya faqat metafora va sinekdoxa bilan taqqoslab o'rganilgan, hamda sinekdoxa metonimiyaning bir ko'rinishi sifatida tahlil etiladi.

Badiiy tasvir vositalarining boshqa shakllari bilan metonimiya o'rtasida aloqadorlik bormi? Avvalo sinekdoxa metonimiya bilan qanday aloqadorlikka ega sohalarga oid atamalar lug'atlarida sinekdoxa metonimiyaning bir turi sifatida ko'rsatiladi-yu, lekin qanday turi, metonimiyaga bog'liq jihati aniq izohlanmaydi. Jumladan, sinekdoxa to'g'risidagi shunday ta'riflarga duch kelamiz:

Sinekdoxa – metonimiyaning bir turi. Unda bir butun narsa, hodisa va inson haqida uning uzviy bir qismi, bo'lagi orqali fikr yuritiladi;

Sinekdoxa – metonimiyaning bir turi (majoz) bo'lib, miqdor jihatdan bir predmet belgilarini boshqasiga ko'chirish usulidir;

Sinekdoxa – metonimiyaning bir ko'rinishi bo'lib, unda bir qism yoki bo'lak haqida mulohaza yuritiladi;

Sinekdoxa – tropning bir turi bolib, predmetlarga nisbatan qo'llaniladigan son bilan bog'langandir, ya'ni predmetlarning son jihatdan birining (qismi, to'la) ma'nosi ikkinchisiga ko'chiriladi;

Sinekdoxa – metonimiyaning bir ko'rinishidan iborat ko'chim: unda bir qism yoki bo'lak orqali yaxlit, butun narsa bildiriladi va, aksincha, butun hodisa orqali ayrim bo'lak fikr yuritiladi.

Sinekdoxa haqidagi bunday ta'riflarni yana keltirish mumkin. Keltiriladigan ta'riflardan shu narsa ayon bo'lmoqadki, mualliflar sinekdoxani metonimiyaning bir bo'lagi deb tushunadilar. Lekin bu ta'rifni asoslab bermaydilar. Shuningdek, bu ta'riflarda sinekdoxaning mohiyatini har xil tushinish hollari ham yo'q emas. "Adabiyotshunoslik terminlari lug'ati", "Adabiyotshunoslikka kirish", "Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati"dagi fikrlarda sinekdoxa bir qism yoki bo'lak orqali butunni ifodalash, R.Qo'ng'urov tadqiqotida esa son bilan bog'lanadi. Bizningcha, Mirtojyev sinekdoxaga bergan ta'rif haqiqatga ancha yaqin turadi. Uningcha sinekdoxa talabiga ko'ra tasvirlangan so'z (ko'chim) tasvirlanayotgan narsaning uzviy bo'lagini, ya'ni tasvirlangan so'z nazarda tutilgan narsaning

tarkibiy qismi sifatida ko'rinadi. Masalan, Abdulla Oripovning "Onamga xat" she'rida sinekdoxaning shunday xususiyati o'z ifodasini topgan:

Ammo nogah uzoqda tushsak,
Yo tanholik hasratin cheksak,
In'zan shundoq,
Odamzotining

Tirnoq'iga zor bo'lamiz, ha!

Bu parchada "tirnoq" inson tanasining bir bo'lagi. Demak, "tirnoq" tasvirlangan so'z. Ana shu tasvirlangan so'z shoir nazarda tutgan narsaning uzviy bo'lagi, tarkibiy qismi hisoblanadi. Shoir nazarda tutgan narsa nima? A.Oripov "tirnoqqa zor bo'lish" tushunchasi bilan butun bir inson zotining mehri, diydorini, suhbatini sog'nish tuyg'usini ifodalamoqda.

Bizning fikrimizcha, sinekdoxa ham badiiy tasvirning mustaqil turi hisoblanadi. Metonimiyalarning bir turi deb qarash nojoizdir. Chunki yuqoridagi manbalarda sinekdoxa metonimiyaning bir turi deb hisoblaganida go'yo metonimiya – majoz, sinekdoxa ham majozning bir turi deb qaralgan ko'rinadi. Aslida tasviriy vositalarning har birida majoziylik xususiyati mavjuddir.

Badiiy tasvirning boshqa vositalari bilan ham metonimiya o'rtasida aloqadorlik xususiyatlari bor (o'rni kelganda ta'kidlash kerakki, badiiy tasvir vositalari o'rtasidagi aloqadorlik alohida tadqiqot mavzusidir). Masalan, o'xshatishda metonimiya hodisasini ko'rish mumkin. A.Oripov bir she'rida yozadi:

Bilnayman, qiynaydi qaysi xotira,
Tiroq yulduz kabi muzlagan shuur.

Bu parchada inson xotirasidan ajralishi, natijada ongi va aqlining ajrashishi "tiroq yulduz"ga o'xshatilmog'da. Ayni paytda "tiroq yulduz" inson ongining xiralashuvi, aql nuri so'na boshlaganining majoziy tasviri hamdir.

"Muzlagan shuur"da ifodalamoqchi bo'lgan fikr "tiroq yulduz"ga ko'chgandir. Bu misrada metonimiya o'z ko'chimi bilan kelayotgani – "muzlagan shuur"ning berilishi o'xshatish hodisasini hosil qilgan. Demak, o'xshatishda ham metonimiyaning aloqadorlik xususiyati mavjud.

Shuningdek, bu misrada "kabi" o'xshatishni hosil qiluvchi va aniq ko'rsatuvchi vosita bo'lib xizmat qilgan.

Umuman mustaqillik yillarida tilshunoslik hamda adabiyot sohasida uslubiyat haqida ko'plab ilmiy asarlar yaratildi va yangiliklar dissertatsiya tartibida yuzaga keldi.

Har kungi ijtimoiy – siyosiy, iqtisodiy, madaniy – ma'rifiy, huquqiy, ilmiy muloqotlarda foydalanilayotgan so'zlar, iboralarning ishlatilish doirasi, vazma va og'zaki shakllari o'zgarib, kengaymog'da. Shuningdek, ulardan foydalanish qoidalari, tartiblari, usullari ham rang – baranglashib bormog'da. Bunday o'zgarishlar, yangilanishlar hamma sohada, shu jumladan, Oliy ta'lim muassasalarida o'qitiladigan fanlar doirasida ham o'z ifodasini topmog'da va kelajak yoshlarini uslubiyatga bo'lgan qiziqishlarini yanada orttirmog'da.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. - Toshkent: Ma'naviyat, 2008.
2. Mirtojiyev M. O'zbek tili semasiologiyasi. - Toshkent: Mumtoz so'z, 2010.
3. Karimov S. O'zbek tili funksional stilistikasi. - Samarqand, 2010.
4. Qo'ng'urov R. O'zbek tilining tasviriy vositalari. - Toshkent: Fan, 1977.
5. Suvonova R. O'zbek tilida metonimiya. - Toshkent: A. Qodiriy, 2004.
6. Oripov A. Yillar armoni. - Toshkent, 1978.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА, ПСИХОЛИНГВИСТИКА

Д. МАНСУРОВ, "Адолат" СДП

РЕКЛАМА МАТНЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Бугунги кунда харидорларга таклиф этиладиган маҳсулот ва буюмларнинг тури ниҳоятда кўп. Ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида бевосита мулоқот йўқ бир шароитда харидорни ишлаб чиқарган товарни омма эътиборига ҳавола қилиш, унинг хусусиятларини кўрсатиш ва истеъмол қилиш усуллари билан таништириш зарурияти муҳим аҳамият касб этади. Бундай таништириш олди-сотди алоқаларининг кучайиши учун қулай шароит яратади. Реклама айти шу масалани оширишга хизмат қилади.

Бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот¹ саналган реклама даромад манбаи, ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи куч, тарғибот ишларнинг манбаидир.

Хуллас, рекламанинг мақсади – оммавий ёки шахсий онга кучли таъсир ўтказиш йўли билан ҳосил бўлган, улар томонидан тўпланган ахборотни тарқатиш йўли билан хиссиётларга таъсир қиладиган, танлаб олинган истеъмолчилар аудиториясига зарурий жавоб таъсирини кўзгатадиган, ишга нисбатан ижодий ёндашув ва ахборот тўплаш ҳамда режалаштиришда касбий маҳоратни талаб қиладиган маиший ёки бошқа хил ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва жамоат ташкилотларининг вазибаларини амалга оширишдир.

Америка Маркетинг уюшмаси маркетинг тизимида бажарадиган вазибаларига кўра рекламани қуйидагича таърифлайди: "Реклама бу гоълар, товарлар ва хизматларни уларнинг иштирокисиз аниқ буюртмачи

¹ "Реклама тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Т., 1999. 4-моддаси.

ҳисобига тақдим этиш ва олға суришнинг турли шаклидир”¹. Бу таърифдаги тўрт нарса реклама билан шунга ўхшаш фаолиятлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш имконини беради. **Биринчидан**, рекламанинг пул маблағ билан боғлиқ табиати уни оммалаштиришдан фарқлайди. Фирма, товар ёки хизматлар тўғрисида журнал ёки газетда яхши гаплар эълон қилинса, бундай материал ўқувчилар учун бир эрмак. Бундай фаолият оммалаштиришга киради, чунки хайрихоҳлик, мақтов фикрларига фирма ҳақ тўламайди. Реклама эса, одатда, реклама берувчи оммавий ахборот воситаларида ўрин ёки вақтни сотиб олганидан кейингина эълон қилинади ёки босилиб чиқади. **Иккинчидан**, реклама товарни товар иштирокисиз тақдим этиш, таништиришдир. Шу сабабли ҳам реклама фақат ОАВ (газета, журнал, радио, телевидение ва ҳоказо) орқали олиб борилади. **Учинчидан**, рекламанинг ўзига ҳос хусусияти унинг объектидир. Реклама-фақат товар тақдимоти билан шугулланмайди. Банклар, суғурта компаниялари, авиакомпаниялар, темир йўллар, курортлар, кир ювиш хизматлари, автомобиллар, консервалар, кир ювиш кукунлари сингари маҳсулот ва хизматлар реклама қилинади. Реклама аниқ белгиланган тайинли буюртмачи бўлишини тақозо этади. Ғоя манбаи номаълум бўлган ҳолларда рекламани эшитган ёки кўрганларга унинг аҳамияти ҳам ноаниқ бўлиб қолади. Шу сабабли “аниқ буюртмачи”га ҳавола қилиш рекламани тарғиб этишнинг бошқа усул ва шаклларидадан ажратиб туради. Баён этилаётган фикр ёки ғоянинг манбаини очиб бериши билан реклама тарғиботидан фойдаланади.

Реклама ҳаридорга маҳсулотларни мажбуран ўтказмайди. Баъзан у шунчаки харидор ўз танловини амалга оширишда охириги аниқ бир русум ёки маҳсулот (хизмат)ни эшлашга мажбур қилади. Бошида харидор қайси бирини танлаш кераклиги ҳақида, сўнгра маҳсулот (хизмат) ҳақидаги тасаввур, андаза ёки унинг аниқ русуми кўринишининг шаклланиши исосида қайси русумни бошқаларидан афзал кўриши ҳақида қарор қилади. Саноат жиҳатидан ривожланган давлатларда “реклама” атамаси - ОАВ (матбуот, радио, телевидение, шитдаги реклама)даги реклама эълонларини аниқлатади ва савдо-сотиқга кўмаклашувчи — “сейлз промоушн”, жамоатчиликнинг ижобий муносабатини қозонишга йўналтирилган нуфузли тадбирлар — “паблик рилейшнз”, шунингдек охириги вақтларда шиддат билан ривожланаётган ва моҳиятига кўра ишлаб чиқарувчининг истеъмолчи билан алоқаларига йўналтирилган реклама фаолиятининг ўзига ҳос соҳаси — “директ-маркетинг” каби йўлларига бевосита боғлиқдир².

“Реклама” сўзи лотинчадан “қичқирмоқ” деган маънони англатиб, бир неча минг йиллик тарихга эга. Реклама фаолияти инсоният тарихида олди-

¹ Денисон Д., Тоби Л. Учебник по рекламе. -Минск, 1996.

² Писильев В. Этические критерии в рекламе: постоянный повод для дискуссий // Маркетинг в России и в зарубежом — №5. — 2004.

берди жараёнларининг бошланиши билан таркиб топган десак, нотўғри бўлмасди.

Замонавий реклама АҚШда равнақ топган бўлиб, Бенежамин Франклин Америка рекламасининг отаси ҳисобланади. У 1728 йилда Америка газеталари орқали энг катта нусха ва энг кўп ҳажмдаги реклама эълонларини беришга эришган. АҚШ президенти Рузвельт рекламага “давлат миқёсида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ва иқтисодий куч” деб таъриф берган эди.

Рекламанинг бозордаги сотувчи ва харидорлар ҳамда товар ва хизматлар бўйича кескин рақобат алоқасини рус олими В.Васильевнинг фикрича қуйидаги тушунчани шакллантиради: “Реклама – реклама берувчи томонидан тарқатилган маълумотларнинг ҳар хил матнларини, у фойдаланган воситаларидан қатъи назар, шу жумладан, нашр қилиш йўли билан, эфир йўли билан узатиш орқали истеъмолчиларни оммавий ўрганиш, фойдаланиш ёки етказиш мақсадида учинчи шахсларга нисбатан реклама берувчи тўғрисида унинг товарлари, уларнинг хусусияти, ишлаб чиқариш шароитлари ва бошқа ҳолатлар тўғрисида, шу мақсадларнинг реклама берувчи, унинг товарларга бўлган қизиқишини шакллантиришга ёки ушлаб туришга хизмат қилувчи, бозорда уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ҳаракатдир”.

XX асрнинг 80-90-йилларига келиб реклама санъат даражасига кўтарилди. Рассомнинг исталган полотноси каби, реклама хабарлари потенциал асосий истеъмолчининг диққатини ўзига тортиб олди ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.¹

Хўш, реклама услубияти ўзи нима? Реклама услубиятини икки нуқтаи назардан — илмий ва амалий жиҳатдан белгилаш мумкин. Бунда рекламаларда тил воситаларидан фойдаланиш қонуниятлари, нутқ ўзи қаратилган объектга юқори даражада самарали таъсир этиши учун ундан оқилона фойдаланиш назарда тутилади. Унинг вазифаси бўлиб, рекламада нутқнинг ранг-баранг воситалари қўлланилишини, турли талкинларни саралаш ва баҳолаш ҳисобланади. Зеро, булар тилнинг фонетикаси, лексикологияси, фразеологияси, морфологияси ва синтаксис имкониятлари доирасида рекламани қабул қилувчиларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳар бир турдаги реклама меъёрий тавсифга эга, яъни нутқий, услубий ва композицион (қурилмавий) кўп босқичли меъёрларга мувофиқ тузилади. Нутқий (адабий) меъёр кенг тарқалган, у талаффуз, лексик, морфологик, синтактик қоидалар билан чекланган, амалиётда мароми билан намунавий фойдаланиладиган ва кенг тарқалган меъёрдир.

ОАВда реклама матнни тузишда ҳозирги ўзбек адабий тилининг бой имкониятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунда рекламаларнинг матни самарали композицион тузилишга, рекламани қабул қилувчи руҳиятига

¹ Уэллс У., Бернет Дж., Мориарти С. Реклама: принципы и практика: Пер. с англ. — СПб.: Питер, 1999.

таъсир ўтказа олиш имконига ҳамда реклама матни оқилона идрокланиш хусусиятига эга бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, таракқиёт индустриал билан олға кетаётган бизнинг давримизда — XXI асрда реклама матни алоҳида эътибор билан ўқилади. Шуниси аниқи, реклама матнни ўқниш унинг сарлавҳасидан бошланади, шунга кўра у улкан маънавий (семантик) ва бўёқдорлик (эмоционал)ка эга бўлмоғи талаб этилади.

Сўзлардан фойдаланиладиган рекламаларнинг шакли турличадир. Уларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: кўзга ташланадиган (кўриладиган), эшитиладиган (аудиторияга мўлжалланган), кўриб-эшитиладиган (аудио-кўриладиган). Биринчи гуруҳни матбуотда бериладиган, ранг-тасвири, безакли, фото-тасвир рекламалар ташкил этади. Иккинчи гуруҳдагилар радиореклама, оғзаки хабарлардан иборат. Телереклама, кинореклама, ашёлар намунасини намойиш этиш ва бошқалар учинчи гуруҳга киради, булар оғзаки нутқ билан уйғун бўлади. Рекламалар нутқий меъёрининг турлича талқини мавжуд. Айрим мутахассислар “меъёр (тил), адабий меъёр — ижтимоий-нутқий амалиётда шиводли кишилар сўзлаши тарзидаги талаффуз қондаси, грамматик ва бошқа тил воситалари, сўзларни қўллаш қондаси”¹ десалар. айримлари “амалиётдан мустаҳкам ўрин олган, намунали тарзда қўлланадиган, ўз функциясини аъло даражада бажарадиган миқозлар орасида энг кўп тарқалган тил (нутқ) вариантлари”² деб таъкидлайдилар. Шундай қилиб, нутқий (адабий) меъёр — кенг тарқалган, намунали даражада қўлланиш амалиётида қабул қилинган ва талаффуз қоидалари билан чегараланган лексик, морфологик ва синтактик вариантлардир. Маълум бўладики, реклама матни меъёрий тилнинг барча миқёслари билан боғлиқ экан. Бироқ ёзма нутқдаги меъёрнинг бузилиши кўп ҳолларда лексика ва синтактика миқёсида учрайди. Яъни сўз танлаш ҳамда синтактик қурилма (жумла тузиш)да содир бўлади. Реклама матнни тузишда сўз танлашга алоҳида эътибор бериш ва бир қатор жиҳатларни ҳисобга олиш талаб этилади. Бунда сўз қўллашда улар адабий тилда қандай маънони англатса, қулиди шу маънода, яъни луғатларда қайд этилган маънода қўлланиши лозим. Тўғри, сўзлар кўчма маънода ҳам қўлланиши, муаллиф ундан индивидуал мақсадда (ғайри одатий) фойдаланиши мумкин, бу энди услубий қўллаш ҳисобланади. Шу ўринда гап сўз маъносининг нотўғри қўллаш устида бормоқда, кўпинча муаллиф сўз маъносини фарқиға чуқур этиб бормайди, натижада, бу ҳол услубий хатонинг келиб чиқишига сабаб бўлади ва адабий нутқ меъёри бузилиши содир бўлади.

Матбуот саҳифаларида “муассаса қурилди”, “муассаса қуриб битказилиб топширилди” каби сўз бирикмалари тез-тез кўзга чалиниб қолади. Лекин, турар жойни, банкни, дўконни, кўприкни, омбор ёки йўлни қуриш мумкин. Ахир муассаса, бу, аввало ташкилот, у қурилмайди, балки

¹ Қиранг: Русский язык: Энциклопедия. -Москва, 1979. -С. 163.

² Розенталь Д., Телепова М. Словарь-справочник лингвистических терминов. -Москва, 1985. -С. 102.

таъсис этилади ёки ташкил этилади, у бирор фаолият билан шуғулланади. Масалан, давлат муассасаси, илмий муассаса, таълим муассасаси, болалар муассасаси ва х. к. Юқорида келтирилган ҳар иккала мисол – рекламада сўзнинг лексик маъноси ҳисобга олинмаган ҳолда қўлланган.

Сўзнинг ёки сўз бирикмасининг кўп маънолилиқ хусусияти туфайли реклама матнида ноаниқлик келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун реклама матнини тузишда ҳар бир сўзнинг бошқа сўз билан лексик боғланишини эътиборда тутиш лозим. Ваҳоланки, бундай алоқа тилнинг ривожланиши жараёнида шаклланган ва такомиллашган.

Реклама матнларига хос, кўп учрайдиган нуқсонлардан яна бири кўп сўзлиликдир. Бундай нуқсонга асосий сабаб, матнни қисқартира олмаслик ёки хоҳламасликдир. Бундай таҳрир талаб матнлар, шубҳасиз ўқувчида лоқайдлик уйғотиш билан бирга матнни охиригача ўқиб чиқилмаслигига сабаб бўлади. Реклама матнини тузишда сўзларнинг услубий бўёқдорлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги вақтда рекламалар матнида учрайдиган шундай бўёқдор сўзлар эмоционал-экспрессив, функционал нутқий бўёқли¹ каби гуруҳларга ажратилади. Булар сўз маъносининг қўшимча оттенкаси ҳисобланади. Субъектнинг объектга муносабатининг ҳосиласи сифати у икки кутбга бўлади, яъни ижобий ва салбий. Масалан, чехра, ораз, рухсор, сиймо сўзларининг маъноси ижобий, бўёқдор, бадиий нутққа оид бўлса, бет, афт, башара, турк ва бошқалар салбий бўёқли маъно ифодасига эга. Функционал – нутқий бўёқли маънога эга сўзлар нутқнинг айрим турлари учун хос. Масалан, жисмоний шахс, юридик шахс; шахс – инсон, аммо ҳар икки бирикма таркибидаги *шахс* лексемасини *инсон* лексемаси билан алмаштириб бўлмайди, чунки булар расмий – иш юритиш услубига хосдир.

Реклама матнларида функционал услубларнинг турли унсурларидан фойдаланилганлиги кўриш мумкин ва улар матн мазмуни, мақсади ва вазифаси билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Кўпинча сўзлашув, расмий – иш юритиш, илмий публицистик ва адабий-бадиий услублар учрайди. Буларни инсон фаолиятининг маиший, тадбиркорлик, илмий, ахборот-тарғибот, эстетика соҳаларига оид рекламаларда кўриш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни қайд этиш керакки, рекламаларни яратиш негизида жуда кўп изланиш ва меҳнат ётади. Энг асосийси, уларнинг матн тили ва услуби устида жиддий мулоҳазакорлик билан иш тутиш керак эканлиги унутмаслик лозим.

¹ Тоҳиров З. Прагматик сема. – Тошкент: Зарқалам, 2004. – Б. 3-4.

“ДИСКУРС” ТУШУНЧАСИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНИ

Замонавий тилшунослик илми ҳозирги кунда янги тадқиқот методларини талаб этувчи қатор янги йўналишлар билан бойиб бормоқда. Дискурс ҳам шундай янги соҳаларга тааллуқлидир.

“Дискурс” тушунчаси ўтган асрлардаёқ полисемантик характерга эга бўлган. Хусусан, П.Серио француз анъанаси доирасида “дискурс”нинг саккиз хил фарқловчи сема-тушунчалари рўйхатини тузган ва “матн” тушунчаси назариясида “дискурс”нинг кўпмаънолилигини белгиллаган ҳамда “дискурс” тушунчасининг муайян муаллифлар томонидан киритилган ва миллий анъаналар асосида фарқланувчи уч асосий қўланишдаги хусусиятини аниқ белгиллаган¹ [Серио П. 1999, 1993: 1]. Унинг ишларида келтирилишича:

1. “Дискурс” тушунчасининг лингвистик қўлланиши, америкалик тилшунос З.Харрис томонидан 1952 йилда чоп этилган “Дискурс-анализ” номли мақоласининг номи сифатида қайд этилган. Мазкур термин йигирма йиллардан кейингина тўла лингвистик тушунча сифатида қайд этила бошланди. Тилшунослик илмида дискурс нутқ таҳлилида белгиланувчи коммуникатив вазият таркибидаги “нутқ, матн, диалог” сифатида қаралади. Шунингдек, лингвистик нуқтаи назардан коммуникатив вазият доирасида қаралувчи ахборот ҳаракати қонуният тарзида ҳам белгиланади. Бундай қарашда дискурс динамик-статик ҳодиса сифатида матнга қарши қўйилади. Айнан мана шу тушунчада дискурс инглиз тилшунослик анъанаси асосида қўлланганини кўришиз мумкин.

2. Француз структуралистлари М.Фуко, А.Греймас, Ж.Деррид, Ю.Кристева; кейинчалик М.Пешёларнинг ишларида “дискурс” публицистик услубга тенглаштирилади. Бунда улар “дискурс”ни муайян ижодкорнинг индивидуал тил-услуби сифатида қайд этадилар ва “Қандай дискурс ёки кимнинг дискурси” тушунчалари нуқтаи назардан қараган ҳолда дискурс ижтимоий характер касб этади деб таъкидлайдилар.

3. Дискурснинг учинчи маънода қўлланиши, энг аввало, немис файласуфи ва жамиятшуноси Ю.Хабермас номи билан боғлиқ. У “дискурс”ни ижтимоий реалликдан максимал даражада чекиниш эҳтимоли бўлган ва коммуникация иштирокчилари нуқтаи назарига боғлиқ равишда танқид ва муҳокама қилиниши мумкин бўлган жараён, ҳодиса сифатида, яъни дискурс-муҳокама тарзида белгилайди.

Юқорида қайд этилган макротушунчалар (ҳамда уларнинг турличалиги) ўтган асрнинг 70-йилларида француз дискур таҳлили

¹ Серио П. Как читают текст во Франции // Квадратура смысла: Французская школа анализа дискурса. - М., 1999; Серио П. В поисках четвертой парадигмы // Философия языка: в границах и вне границ. - Харьков, 1993. - С. 46.

мактабининг шаклланишига асос бўлди. Бу эса “дискурс” термининг гуманитар соҳалардаги мақоми масаласини янада мураккаблаштирди. Шунингдек, “дискурс” термини, замонавий тилшуносликда, “текст” терминига яқин эканлиги қайд этилади, бироқ у нутқий мулоқот жараёнига мувофиқ равишда тус олувчи динамик ҳодиса; матн эса унинг акси, яъни нутқий фаолият натижаси сифатида мушоҳада этилувчи статик объект саналади. Баъзан “дискурс” бир вақтнинг ўзида икки компонент (нутқий фаолиятнинг социал контекстига жойланган динамик жараёни ва унинг маҳсули, яъни матн)ни ўзида бирлаштиради. Шунингдек, дискурсни “боғли нутқ” сифатида тушуниш ҳолатлари ҳам учрайди, бу унчалик тўғри эмас, чунки ҳар қадай матн таркиби муайян боғловчи воситалар асосида ташкил топади. Бизнингча, “дискурс” тушунчаси “диалог” тушунчасига яқинроқ. Дискурс, ҳар қандай коммуникатив акт сифатида икки фундаментал жиҳат – адресат ва адресантдан ташкил топади. Бунда сўзловчи ва адресат дискурс иштирокчиси сифатида (бу жараёнда ган диалог ҳақида кетяпти) шахслар ўртасида навбатма-навбат тақсимланади. Агар дискурсда бир кишининг нутқи устунлик қилса, ундай дискурс монолог саналади. Бироқ монолог – бу дискурс бир кишининг нутқи деб қараш у қадар тўғри эмас, чунки монологда ҳам адресат муҳим саналади. Моҳиятига кўра эса монолог (гарчи анъанавий тилшуносликда диалог ва монолог қарама-қарши қўйилишига қарамай) диалогнинг ўзига хос кўриниши саналади.

Умуман олганда, “матн” ва “диалог” кўплаб коннотатив хусусиятга эга деган анъанавий қарашлар бу тушунчаларнинг эркин қўлланишини чегаралайди. Шу сабали “дискурс” термини тилнинг нутқий вазиятга боғлиқ равишдаги турли қўлланиш маҳсули сифатидаги тушунчани қасб этиши мазкур термин учун айни берилган таъриф сифатида белгиланади. Дискурсив таҳлилнинг илмий тус олиши эса сўнгги ўн йилликлардангина бошланди ва дискурсив таҳлил муаммоси тилшунослик илмининг марказий масаласи даражасига кўтарилмоқда.

Замонавий структур-семиотик тадқиқотларга бағишланган ишларда ҳам дискурс тушунчасига жуда кенг доирада ёндашилганлигини кузатиш мумкин. Яъни нутқий фаолият жараёнининг оғзаки ва ёзма ифодаси маҳсули сифатида¹ [Гурочкина, 2009: 2]. Дискурс тушунчаси остида сўзловчининг субъектив, социомаданий нутқий фаолияти назарда тутилади. Яъни дискурс – бу матннинг реаллашиш шакли. Бизнингча, дискурс қуйидаги нутқий фаолият бирликлари (нутқий актлар, ифодалар):

- а) синтактик (яъни ифода);
- б) семантик (маъно-мазмун);
- с) прагматик (хабар) пландан ташкил топади.

¹ Гурочкина А.Г. Диалогический дискурс как среда и результат межличностного взаимодействия // Актуальные проблемы современного языкознания. STUDIA LINGUISTICA XVIII: Сборник статей. СПб.: Политехника-сервис. 2009. -С.43-48.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Серио П. Как читают текст во Франции // Квадратура смысла: Французская школа анализа дискурса. - М., 1999;
2. Серио П. В поисках четвертой парадигмы // Философия языка: в границах и вне границ. - Харьков, 1993. - С. 46.
3. Гурочкина А.Г. Диалогический дискурс как среда и результат межличностного взаимодействия // Актуальные проблемы современного языкознания. STUDIA LINGUISTICA XVIII: Сборник статей. - СПб.: Политехника-сервис, 2009. - С.43-48.

Г. ИСКАНДАРОВА, ТошДўТАУ

БОЛАНИНГ КАТТА ЁШДАГИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТГА КИРИШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон ҳаётини мулоқотсиз тасаввур этиш кийин. У ўз ичига шихслараро муносабатларнинг энг муҳим механизмларини камраб олади. Коммуникация (лотинча *communicatio* боғламоқ, мулоқот қилмоқ) – мулоқот, фикрлар, маълумотлар, ғоялар алмашинуви, яъни инсонларнинг бишиш-мехнат қилиш фаолиятидаги ўзига хос ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнидир¹. Мулоқот орқали инсоннинг ҳамкорлик фаолияти амалга оширилади. Бирор бир профессионал ёки ижтимоий фаолиятда иштирокчиларнинг ютуқлари асосида мулоқот қила олиш кўникмасининг юқори даражада эгалланганлигини кўриш мумкин. Бу кўникма ижтимоий муносабатлар тизимида аста-секин ўзлаштирилади. Мулоқот бизгача кишилик жамиятининг авлоддан-авлодга ўз билимлари ва ҳаётий тажрибалари орқали тўплаб, етказиб келинаётган улкан меросдир.

Инсон дунёга келиши билан ўзини ўраб турган теварак-атроф билан мулоқотга кириша бошлайди. Бунда, албатта, ижтимоий муҳит ва гўдак инқиларининг таъсири катта. Боланинг ижтимоийлашув жараёни ҳам унинг ташқи муҳит билан муомалага киришиш вақтидан бошлаб шаклланади. Тўғри эгалланган мулоқот кўникмалари боланинг жамият ҳаётидаги келажак ўрнини белгилашга хизмат қилади. Шундай экан, баркамол руҳдаги авлодни етиштириш учун маълум маънода мулоқот ҳуқуқининг тўғри шакллантирилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Боланинг илк сўзлари катталар билан мулоқотда пайдо бўлади. Лекин катталарнинг бола билан ўзаро муносабатлари бевосита боланинг улардан тилни нусха кўчиргандек ўзлаштириб олади дегани эмас. Сўз – бу биринчи навбатда белги, яъни бирор нарса-предметнинг ўрнини босувчи носита. Демак, ҳар бир сўз ортида у ифодаловчи маънони билдирувчи предмет, яъни белги туриши керак. Агар бундай предмет бўлмаса, она ўз

¹ Лингвистический энциклопедический словарь – М., 1990. - С.233.

туйгуларини қанчалик меҳр билан ифодаламасин, илк сўзлар пайдо бўлмаслиги ҳам мумкин. Бола билан бирор ўйинчоқни ўйнаганда эса шу ўйинчоқ ва у билан амалга ошириш мумкин бўлган барча ҳаракатлар маъно касб этади, демак, номга эга бўлади. Яна бир ҳолат – агар бола ўйинчоқларни ўйнаш даврида турли сўзларни талаффуз қилса-ю, у ўзи ёлғиз ўйнаса ҳам, унинг мустақил илк сўзлари кечикади, сабаби унда шу нарса ва ҳаракатларни аташга эҳтиёж бўлмайди. Гапиришга эҳтиёж ва талаб, одатда, икки асосий шароитга боғлиқ: биринчидан, катталар билан мулоқот қилишга эҳтиёж; иккинчидан, бирор предметни номлашга эҳтиёж. Лекин бу иккиси ҳам алоҳида олинган ҳолда ҳали илк сўзларни талаффуз этишга олиб келмайди. Фақатгина боланинг катталар билан предметни ҳамкорликдаги ёки мазмунли, расмий мулоқотидагина бирор нарса-предметни номлашга эҳтиёж сезади, демакки, бунинг натижасида боланинг ўз сўзлари пайдо бўлади. Бунда бола билан шунчаки гаплашиш керак эмас, бирга ўйнаш, у билан шу ўйин юзасида суҳбатлашиш керак. 2,5-3 ёшли болаларда нутқни ривожлантириш учун турли тез айтишлар, топишмоқлар, эртақлар ва латифалар айтишни машқ қилдириш керак.

Мулоқот актининг илк поғонаси *саломлашишидир*. Болага саломлашишни катта ёшдаги коммуникантлар қандай ўргатишса, бола илк даврда айнан шу шаклдан фойдаланади. Кейинчалик ёши катта бўлаётган ва кўплаб мулоқот мухитини бошидан кечирадиган болада турли вазиятда турлича саломлашиш кўникмаси шаклланади: ёши катта одамларга нисбатан, масалан, бува ёки бувиси, онаси ёки ҳоласига “*Ассалому алайкум*” деса; ўғил болалар отасига, акаси ёки амакисига ўнг ёки чап кафти билан “беш ташлаб” саломлашади; қиз болаларда ўнг қўли кафтини кўксига қўйиб, бошини эгиб саломлашиш кенг кузатилади. Болага доим янги адресантга рўпара бўлганда, масалан, бегона бўлса ҳам ёши катта одамларга, қўшниларга, меҳмонга келган яқин дўстлар ҳамда қариндошларга салом беришга ўргатиб борилади.

Хитойлик гўдакларда ҳам катта ёшли ёки яқин кишилар билан саломлашишга кўникма эрта шакллантирилади. Кўпинча гўдаклар унга турли эркалатувчи мурожаат шакллари воситасида у билан мулоқотга киришишни истаган адресантлар билан, асосан, бошини эгиб қўришади. “*你好*”, “*您好*” ва “*早*” каби саломлашиш ифодалари, одатда, 4-5 ёшли гўдаклар нутқида фаол кузатилади. Кичик ёшдаги болаларнинг аксариятига “*хола / она билан саломлаш*” деб айтилмаса, ўз ихтиёри билан бу ишни амалга оширмайдилар.

Мулоқот жараёнида катта ёшли одамлар болага, асосан, сўроқ гаплар билан мурожаат қиладилар: “*Қорнинг очқадими?*”, “*Уйқунг келдими?*”, “*Қаеринг оғрияпти?*”, “*Кўчага чиқамизми?*”, “*Коптоқ ўйнайсанми?*”, “*Олми ейсанми?*” ва ҳ.к. Кўпинча бола бу саволларга қисқагина тасдиқ ёки инкор ишораси билан жавоб беради. Бу ҳолни илк даврда гўдакнинг фаол сўз бойлиги кам бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Мулоқот жараёнида

Гўдакнинг нима сабабдан хархаша қилаётганини тушунмаган ота-оналар беихтиёр ҳолда берилган саволларга жавоб бера олмаслигини билиб турсалар ҳам, бола истак-хоҳишларини аниқлаштириш учун саволлар билан муурожаат қилишади. Кузатув натижаларига кўра, бир ярим - икки ёшгача бўлган даврда болаларга катта ёшли одамлар томонидан қилинган муурожаатларнинг 70 фоизини сўроқ гаплар ташкил қилади.

Бола нутқининг шаклланишида катталар хатти-ҳаракатига, гап-сўзларига таклид қилиш ҳолати муҳим ўрин эгаллайди. Гўдак ўзини ўраб турган муҳитдаги барча товуш ва ҳаракатларга таклид қилиш орқали ўз фикрини ифодалашни ўрганади. Масалан, итнинг вовуллашига қараб “вов-вов”, “бабув”, “gao-gao” (хитойча); мушукнинг миёвлашига қараб “миёв-миёв” ёки “nia-nia” (хитойча); автомобилнинг сигнал беришига қараб “би-биб”, “ди-дид”, “гггг” ёки “机器”(машина); пиёз, саримсоқ ёки килампирга ўхшаш сабзавотлар таъмига кўра “辣” (аччиқ) ёки юзини бўжмайтириш орқали, ширинликларнинг мазасига қараб “оҳ-оҳ”, “好吃” (мазали), ўзбек ва хитой болалари томонидан бу ҳолат бирдек тамшаниш ҳаракати билан бирга кузатилади; кир ёки ёқимсиз нарсага нисбатан “фу”, “кака”, “бижи”, “be-be”, “be:” (ёқимсиз); иссиқ нарсани “пуфф”, “пиши”, “уфф”; касал бўлганида ёки бирор жойи оғриганида “вава”, “лййя” деб ифодалашни кенг кузатилади.

Тилда ижтимоий-тарихий тажриба жамланиб боради, шундай экан, индигина нутқи шаклланаётган гўдак тил орқали ижтимоий-маданий билимини ҳамда тасаввурини кенгайтирибгина қолмай, ижтимоий муҳитга ўзлаша бошлайди. Бола атроф-муҳитга кўникиб борар экан, у ижтимоийлаша боради, бу жараён унинг нутқида ҳам акс этади. Боланинг ижтимоийлашиши, асосан, мулоқот жараёнида фаол амалга ошади.

Коммуникация фаолияти ижтимоий тасаввурни мустаҳкамлашнинг муҳим босқичи саналади, бунда бола предмет номини унинг хоссаларига кўра эслаб қолади. Масалан, *сут – оппоқ, ширин; она – яқин, меҳрибон, ёқимли; нон – юмшоқ, иссиқ, тўйимли; телевизор – гапирувчи, кўрсатувчи* каби ассоциатив маъно бўёқлари ҳосил қилиши тажриба натижаларида намоён бўлди.

Демак, болалик даврида гўдакнинг энг яқин кишилари доимий равишда унинг нутқини йўналтириб, ўз ифодалари ёрдамида бола тилининг бойишига ёрдам бериб боради. Бола турли нутқий вазиятларда ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб катта ёшли одамлардан ўзлаштирган у ёки бу жумлаларни қўллай боради. Мулоқот жараёнида катта ёшли одамлар боланига бевосита таъсир ўтказиши, гўдак катталардан борлиқни англашни, ҳаракатларни бошқаришни ҳамда мавжуд миллий-маданий қадриятларни фироқлашни ўрганади. Бунда бола томонидан ифодаланувчи нутқ оҳанги, ритми, товуш ва товуш бирикмалари, маъноли сўзлар ва жумлалар, гап ҳамда мазмунан боғланишли бўлган мураккаб нутқ, ва, албатта, матннинг ифратилиши босқичма-босқич амалга оширилиши намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кон И. Ребенок и общество. -М., 1988.
2. Мид М. Развитие ребенка. -М., 1968.
3. Попова Л. Гендерные аспекты самореализации личности. -М., 1996.

О. АБДУЛЛАЕВА, ТошДўТАУ

МУРОЖААТ СЎЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ХОСЛАНИШИ

Муस्ताқилликдан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби миллий тилимиз тадқиқида ҳам янги замонавий методлардан фойдаланиш, тил ҳодисаларини ўрганишда тилимизнинг онтологик табиатидан келиб чиқиб ёндашиш бош мезонга айланди. Бу ўз даврида Биринчи Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган эди: “Биз ўзбек тилини ўқитишнинг энг янги, самарали методикасини тайёрлаш, давлат тилини жадал ўрганиш курсларини ишлаб чиқишда тилшунос олимларнинг мададига эҳтиёж сезиб турибмиз [1, 89]. Шу боис тилшуносликнинг жамият ва инсон нутқи бевосита боғлиқ ҳолда ўрганувчи ижтимоий тилшунослик социолингвистика, тилнинг халқ маданияти, урф-одати, русуми, характери билан чамбарчас боғлиқликда ўрганувчи, тил вакиллари нутқини миллий этник хусусиятлар тадрижида ёритувчи этнолингвистика, тил бирликлари ва муайян шахс нутқи муносабатларини аниқловчи прагматика, нутқнинг мақсади, унинг нутқий вазият ва алоқа, англаш ва билиш жараёнидаги ўрнини тавсифловчи психолингвистика каби янги тармоқлари вужудга келди.

Бугунги кунда тилнинг ижтимоий функцияси, амалий вазифаларига нутқ самарадорлиги тадқиқи, тилга антропоцентрик ёндашувга эътибор кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Аниқроғи нутққа инсоний фаолият – фикр алмаштириш ва ўзгаларга таъсир кўрсатиш, бунёд қилишнинг асосий турларидан бири сифатида ёндашилиб, унинг ихчамлиги, самарадорлиги ва таъсирчанлиги, мантқиқийлиги тадқиқи биринчи ўринга қўйилмоқда.

Ундалма ўзбек тилшунослигида алоҳида ҳодиса сифатида кенг ўрганилган. Бироқ ўзбек тилида мурожаат сўзларининг гендер хусусиятлари, этнослар нутқи хос, диалектал хусусиятлари, турли табақалар, ижтимоий гуруҳлар нутқи хос ижтимоий хосланиши, лингвопоэтик хусусиятлари бир тизим остида йиғилиб махсус тадқиқ этилмаган.

Ундалма - сўзловчининг нутқи қаратилган, бошқа бир шахс ёки предметни ифодалаган сўз ёки сўз бирикмасидир. Ундалма бош келишидаги исмлар билан ифодаланиб, гапнинг умумий мазмунини тўлдиради, гапнинг кимга қарашли эканини кўрсатиб туради. Шу боис

сўнги тадқиқотлар ундалманинг гап учун носинтактик ҳодиса, гапнинг мазмуний кенгайтирувчиси эканига ҳам урғу бермоқда [2, 414]

Мурожаат сўзлари, асосан, диалогик нутқда, монологларда, муаллиф нутқида, мурожат, шиор, буйруқ, чақириқ ва эълонларда ишлатилади. Унинг муҳим ижтимоий хусусиятларидан бири нутқ жараёнида маълум юкөлик ҳақида ахборот бериш давомида тингловчининг диққатини шу ахборотга жалб қилиш билан бирга мурожаат объектига шахсий муносабатини — ижобий ёки салбий, эркалаш, хурмат билан ёки беписанд мунобатда бўлишини ҳам кўрсатади. Масалан: беписандлик - *Гапираверасизда, бобой. Эй, сен, бу ёққа ўт. хурмат — Отахон, сиздан бир нарсани сўрасам бўладими? эркалаш - Ниятинга еткур, қулоқ сол (Х.Олимжон). Қаёққа яна, тинмагур, - сўради Комила ўзини оналарча езиб (Ойбек). Жоним, асалим, менга бир қара. кесатик - Барака топкур, мени тинч қуй. Арпангизни хом ўрибмизми, бой? пўписа - Ҳой зумрашлар, шўхта! қарғаш - Ҳой соқолинг гўрда чиреур, бу нима қилиқ? ҳақорат - Бу ёққа қара, тентак! Камбагал бўлсанг ҳам, ўлгудек одмисан, баландда нарсан биламан (Ойбек). Туф, де, кўзинг тегади, касофат! Шу сўзларингни менга айтсанг, тишингни сузуриб олардим (Ойбек) [3, 560].*

Мурожаат сўзларининг яна бир муҳим жиҳати мурожаат қилинаётган шахснинг жамиятдаги мавқеи, қайси табақа вакили эканлиги, дунёқарashi, ишаш жойи, жинси, ташқи киёфасини ва бошқа жиҳатларини ҳам қамраб олишидадир. Масалан: расмий мурожаат - *Азиз Акмалович, бу ўлиммаизнинг ютуғимиз. Ўртоқ Ахмедов, сизни кутялмиз; қариндошлик муносабати - Ҳўш жиян, қишлоқда нима гап? нотаниш, ёш қиз болага мурожаат - Исминг нима, қизим? нотаниш, Ўсмир ўғил болага мурожаат - Кимни кутяйсиз, йигит? нотаниш, ўрта ёш ўғил болага мурожаат - Ўзим, менга қарашиб юборасизми? нотаниш, ўрта ёш аёл кишига мурожаат - Хола, касалхонага шу йўлдан бориладими? нотаниш, ўртаёш эркак кишига мурожаат - Амаки, соатингиз неча бўлди? нотаниш, кекса аёл кишига мурожаат - Буви, сизга ёрдам керакмасми? нотаниш, кекса эркак кишига мурожаат - Бобо, беринг сумкангизни... эрнинг хотинга мурожаати - Нима гап, онаси? хотиннинг эрга мурожаати - Дадаси, қаранг у қандай тез ўсяпти.*

Мурожаат сўзлари поэтик нутқда бадийий восита вазифасини ҳам бажаради: *Гулим, меҳр кўзда дегани ёлгон. (Кўшиқдан) Ўн тўққиздан ошмай тур гўзал (Х.Олимжон). Шарққа нур берувчи, эй Ўзбекистон, Улуғ ошлада топдинг шарафшон! (Т.Тўла). Порлаган юз, яшнаган кўз, ботир қиз! Жамоода чечак каби очдинг юз (Х.Олимжон). Умрим эй, сен бўлиб шунча бегубор, То абад айладинг мени бахтиёр, Умрим эй, сен билан қилиб ифтхор, Бўлайин ўлгунча мен ҳам миннатдор (Ф.Ғулом).*

Сўзловчи субъектив муносабатини мурожаат сўзи орқали ифодалаганда кўчма маънодаги сўзлардан кенг фойдаланади: *Сўкма Кореяга тумишунгиз, тулки! Қолсин қўлида Корея эрки! (Миртемир). Сен*

етим эмассан, тинчлан, жигарим (Ғ Ғулом). Богимда анорим, сенга йўл бўлсин? Қатордаги норим, сенга йўл бўлсин? Испихон ханжсарим, сенга йўл бўлсин? Умримнинг меваси - бир тоза ниҳол, Битган олмазорим, сенга йўл бўлсин? (Халқ оғзаки ижодидан) Чақмоқ каби юксал, яшна, уч узоқларга, Кенг жаҳонга донг таратган, Эй, азамат шер! (Х.Олимжон). Ҳой бўрилар, сўзларингдан қайт. Бўлмаса ҳокимингга бормаيمان, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қиламан, халққа. Сайра, тўти қушим, сайра. (Ҳамза) Дада! Дадажон, нон ейман, нон келтирдингизми? - Жоним ўғлим, мана ҳозир нон олиб келаман (С.Айний). Айрим ундалмаларда мурожаат қилинаётган шахснинг мавқеи, касби-кори, даражаси ҳам мужассамланган бўлади: Зоти олийлари, хоним, ҳазратим, ҳазрати олийлари, бегим сўзлари сарой аҳли, шох, маликаларга мурожаатни, ўртоқ, муҳтарам, азиз, ҳурматли аниқловчилари билан келган ундалмалар расмий мурожаатни, онахон, отахон, акахон, ухахон каби ундалмалар нотаниш кишига нисбатан ҳурматни, жонон, дўндик, жонидан каби ундалмалар бадиий асарларда аёлларга нисбатан субъектив муносабатни ифодалаши мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ундалма мурожаатни ифодалаш билан бирга, жамиятдаги турли гуруҳлар, табақалар нутқиға хосланиши, шахснинг мавқеи, даражаси, жинси, ижтимоий келиб чиқишини ҳам ифодалаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабиёт тили. - Тошкент: Фан ва технология, 2010.
3. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Абдурахмонов Ғ. ва бошқ. - Т.: Фан, 1976.

S. TUXTAYEVA, ToshDO'TAU

NUTQ MEKANIZMI BUZILISHI NATIJASIDA YUZAGA KELADIGAN AFAZIYALAR

Nutqiy faoliyat va uning turli sathlarda namoyon bo'lishini murakkab psixik jarayonlar ta'minlaydi. Bu mexanizmlari ko'plab psixolog va psixolingvistlarning tadqiqot predmeti bo'lgan. Nutqiy faoliyatning psixologik mexanizmlari V.A.Artemov, N.I.Jinkin, I.A.Zimnya maktabi vakillari tadqiqotlarida batafsil o'rganilgan. N.I.Jinkin, I.A.Zimnya ishlarida nutqiy faoliyat psixologik mexanizmlarining to'liq ilmiy konsepsiyasi ilgari surilgan. Bu konsepsiyadan kelib chiqadigan bo'lsak, nutqiy faoliyatning psixologik mexanizmi quyidagilardan iborat: 1) nutqni tushunish mexanizmi; 2) nutqni

rotirada tutish mexanizmi; 3) nutqni analiz va sintez qilish mexanizmi¹. Bu konsepsiya I.A.Zimnyaning "Nutqiy faoliyat lingvopsixologiyasi" deb nomlangan tadqiqotida to'liq yoritilgan. Nutqiy faoliyatning eng muhim mexanizmlaridan biri, shubhasiz, nutqni tushunish mexanizmi hisoblanadi. Bu mexanizm nutqning mazmuniy jihatini fikriy tahlil qilishni ta'minlaydi. Nutqni tushunish mexanizmi bosh miya katta yarim sharlari po'stlog'ida yuz beradigan analitik-sintetik faoliyat natijasida yuz beradi.

Nutq mexanizmlari muammosini o'rgangan olimlardan yana biri N.I.Jinkin bo'lib, u o'zining "Механизмы речи" asarida nutq mexanizmi muammolarini tadqiq qilgan. N.I.Jinkin ta'kidlaganidek, nutq mexanizmining butun tizimini ikki qarama-qarshi bo'g'inga ajratish mumkin. Nutqni qabul qilish va nutqni shakllantirish mexanizmi².

Miyadagi nutqiy zonalarining shikastlanishi natijasida nutq mexanizmlarining vazifasida ham buzilish ro'y beradi va nutqda turli nuqsonlar yuzaga keladi. Nutq patologiyasini tadqiq qilishning eng ko'p o'rganilgan yo'nalishi bu - bir asrdan ortiq davr mobaynida rivojlanib kelayotgan, bugungi kunda nutqiy mexanizmlarning batafsil ishlab chiqilgan modelini taqdim etgan afaziologiyadir. Bu modelning mualliflaridan biri T.V.Ryabova (Axutina) hisoblanadi. Bilamizki, insonlarning ko'pchiligi, ya'ni 95 %ida o'ng tomon faol bo'ladi. O'naqaylarda nutqiy zonalar miyaning chap yarim sharida joylashgan bo'ladi. Shuning uchun ham afaziologiya, asosan, miyaning chap yarim sharini o'rganish bilan shug'ullanadi. Miyadagi nutq zonalarining shikastlanishi u yoki bu nutq mexanizmlari ishining buzilishiga sabab bo'ladi va bunday nutq buzilish turlari afaziya deb nomalanadi. Shu sababli nutq buzilishlarining barchasini ham afaziyaga kiritish mumkin emas. Agar inson kar bo'lganligi sababli gapira olmasa, uning nutqiy funksiyasining buzilishi miyaning nutqiy zonalarini bilan emas, balki eshitish organlari bilan bog'liq bo'ladi. Agar nuqson uning til mushaklarida bo'lsa va u tovushlarni aniq talaffuz qila olmasa, bu ham miyaning nutqiy zonalarini bilan bog'liq emas, balki tovushlarni jismoniy amalga oshirish imkoniyatining chegaralanganligi bilan bog'liq bo'ladi. Miya nutqiy zonalarining to'liq shikastlanishi natijasida total afaziya yuzaga keladi, ya'ni nutqning to'liq yo'qolishi yuz beradi. Bunda nutqning qabul qilinishi va ishlab chiqarilishi mexanizmlari buziladi.

1861-yilda fransuz olimi P.Broka inson miyasidagi nutqiy markazlardan birini aniqladi. Bu markaz miyaning chap yarim sharining orqa peshona qismida joylashgan. Broka zonasi shikastlangan insonlar nutqni tushunadi, biroq so'zlarni katta qiyinchiliklar bilan iboralarga aylantirishga erishadi va ayrim holatlarda tovushlar ketma-ketligini tuzishga ham qiynaladi. Boshqacha qilib aytganda, bunday insonlarda nutqni tushunish nisbatan saqlanib qoladi, nutqni hosil qilish esa yo'qoladi. Shu sababli Broka zonasining shikastlanishi bilan bog'liq afaziya motor afaziya deb ataladi.

¹ Зимняя И. Лингвopsихология речевой деятельности. - М., 2001.

² Жинкин Н. Механизмы речи. - М., 1958.

Nutqning ikkinchi markazi miya chap yarim sharining chakka qismida joylashgan. Bu nutq markazi 1874-yilda nemis olimi K.Vernike tomonidan aniqlangan bo'lib, bunda tamomila qarama-qarshi holat yuzaga keladi. Vernike zonasi shikastlangan insonlarda shaxsiy nutq nisbatan saqlangan bo'ladi, biroq birovlarining nutqini qabul qilishda qiyinchiliklarga duch keladi. Jumladan, bunday bemor eng oddiy ishlarni ham amalga oshira olmaydi, ya'ni takrorlash uchun zarur bo'lgan so'zni eshitib uni qaytara olmaydilar. Bu yerda aynan nutqning ishlab chiqarilishi emas, balki nutqni qabul qilinishi yo'qoladi. Ushbu zonaning shikastlanishi bilan bog'liq afaziya turi sensor afaziya deb nomalanadi. Afaziyaning ikki asosiy turi birinchi marotaba qarama-qarshi qo'yilgan. Biroq shuning o'ziyoq XIX asr va XX asr boshlarida yashab o'tgan tadqiqotchilarni qator holatlarga e'tibor qaratishga majbur qildi. Har ikki nutqiy zonalar nutqiy mexanizmlarning aniq lokallashtirilishini namoyon qiladi. Nutq mexanizmlarining mana shu oddiy modeli, ya'ni nutqni ishlab chiqarish va qabul qilish kabi ikki mexanizmi miyamizda turli xil mexanizm sifatida ajratilgan va normal sharoitlarda ular o'zaro bog'liq bo'ladi. Har ikki nutqiy zonalar ham faoliyatning umumiy zonalar bilan yondosh holatda bo'ladi. Motor afaziya harakatga keltiruvchi apparat bilan, sensor afaziya qabul qilishning eshishiga oid apparati bilan bog'liqdir. Bolalarda nutqiy rivojlanish kechikkanda ayrim logopedlar ularga plastilindan faol ravishda kichkina shakllar yasashni tavsiya etadilar. Bundan maqsad barmoqlarning nozik motorikasini rivojlantirgan holda, harakatga keltiruvchi ko'nikmalarni rivojlantirish orqali harakatga keltiruvchi nutqiy ko'nikmalarni rivojlantirishga ta'sir ko'rsatishdir.

Afaziologiyada biz nutqiy buzilishlarni, ya'ni bosh miyaning lokal jarohatlanishi natijasida yuzaga keladigan nutqiy buzilishlarni o'rganar ekanmiz, yuqorida ko'rsatilgan nutqiy buzilishlar tasnifidan tashqari har bir nutq buzilishi shakllarining o'z ichida ham turlari mavjud. Afaziyaning yuzaga kelishida bosh miyaning jarohatlanishi sabab bo'lar ekan, bosh miya po'stlog'idagi nutq markazlari nutq jarayonini amalga oshirishda asosiy o'rinda turuvchi zonalar hisoblanadi. Hatto o'zgalari nutqini tushunish va gapirayotgan kishi o'z nutqini idrok qilishi ham bosh miya po'stlog'ining faoliyati bilan bog'liq. A.R. Luriya bosh miya shikastlanishi natijasida yuzaga keladigan nutqiy buzilishlarni uch blok asosida o'rganadi. Birinchisi gapirolmay qolish, ya'ni nutqning yo'qolishi, ikkinchisi eshitib saqlab qololmaslik va uchinchisi fikr yurita olmaslikdir.¹ Miya shikastlanishi nutqiy buzilishga olib kelar ekan, albatta, bu tilda namoyon bo'ladi. Afaziyaning til sathlarida namoyon bo'lish omillariga introlingvistik omillar kiradi. Afaziya holati tilning fonetik, leksik, semantik, morfologik va sintaktik sathlarida voqelanadi. Afaziya chalinganlarning nutqida tovushlarni almashtirib talaffuz qilish yoki umuman talaffuz qila olmaslik, so'zlarni, iboralarni ma'nosini farqlamaslik, bir guruhga mansub so'zlarni almashtirib qo'llash, gap tuzishda so'zlarni o'rniga qo'ya olmaslik va bir uslub o'rniga

¹ Лурья А. Основные проблемы нейролингвистики. – М., 1975.

boshqa uslubni farqlamasdan ishlatish kabi kamchiliklar uchraydi. Afaziya chalinganlardagi bu kabi nutqiy buzilishlarni tilshunoslikka bog'liq holda o'tganish logopedik muammolarni hal etishda nazariy ahamiyat kasb etadi. Afaziya chalinganlarda kuzatuv o'tkazilganda, afaziya turiga qarab ularda har xil nuqsonlar uchragan. Afaziyaning tilda namoyon bo'lishini ko'pgina olimlar o'rgangan va afaziya chalinganlar tovushlarni qo'llashda, so'zlarni qo'llash va ularning ma'nolarini ifodalashda, gaplar qurilishida xatoliklarga yo'l qo'yishini alohida ko'rsatib o'tgan. Afaziya chalinganlar nutqida bundan tashqari uslubshunoslikka oid nutqiy buzilishlar ham uchraydi. Afaziya holatining til sathlarida namoyon bo'lishi neyrolingvistika fanining neyrofiziologiya va tilshunoslik fanlari oralig'ida vujudga kelganligining yana bir isbotidir.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ

Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, ЎзРФА ЎТАФ

ЎЗБЕК ТИЛИДА КОГНИТИВ МЕТАФОРЛАР

Ҳозирги вақтда когнитив метафоралар назарияси кўплаб соҳаларга титбиқ этилган бўлиб, билиш, тушунчани категориялаштириш, концептуаллаштириш, баҳолаш ва оламни тушунтиришнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Когнитив метафоралар ҳақидаги назарияларга асосланиб, бу ҳодисага қуйидагича таъриф бериш мумкин: когнитив метафора – шахс когнитив фаолиятига хос ҳодиса бўлиб, бир тунунча ёки ҳукм ҳақидаги билим тузилмалари асосида иккинчи тушунча ёки ҳукми концептуаллаштиришдир¹.

Ўзбек тилида когнитив метафоралар сўз-метафора, бирикма-метафора, гап-метафора ҳамда матн-метафора шаклида воқе бўлади². Когнитив сўз-метафоралар, асосан, ҳаракат ва белги билдирувчи сўзлар семантикасида англашилиб, ўзида қиёсланаётган предмет, ҳодиса ҳақидаги тушунчани имплицит тарзда ифодалайди. Қуйидаги мисолларга тибтор беринг:

ҲИССИЁТ БУ – РАҚИБ

У бирдан ёпирилиб келган бу туйғуни зўрга енгиб, саройбонга "дарвозани қоқ", деб имо қилди (О.Ёқубов. "Улуғбек хазинаси"). У бир дақиқагина иккиланди, кўнглидаги галаён билан бир сониягина олишди

¹ Қаранг: Лакефф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 387-415; Будаев Э. Становление когнитивной теории метафоры // Лингвокультурология. Выпуск 1. – Екатеринбург, 2007. – С. 16-32.

² Лингвистик метафораларнинг тurlari ҳақида қаранг: Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий метфораларнинг антропоцентриқ тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – Б. 240.

(О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”). *Тусатдан вужудини қамраган оналик меҳри голиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан чиқди.* (П.Турсун. “Ўқитувчи”)

Мисоллардан кўринадики, матнларда метафорик маънода қўлланган сўзлар матн яратувчининг ҳиссиётни рақиб сифатида тасаввур қилганлигидан далолат беради. Ўзбек тилида ҳиссиёт тушунчасинини шам, чўғ, олов каби ёнувчи нарсаларга ҳам қиёсланиши қўйидаги когнитив метафораларнинг ҳам юзага келишига сабаб бўлган.

ҲИССИЁТ БУ – ЁНУВЧИ НАРСА

Қаландар эса... кўнглида Мирзо Улуғбек ҳазратларига ҳеч бир гина-кудурати йўқ. Билъакс юрагининг бир четида ҳамон илқ ҳислар милтираб туради. (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”) *Ўзбек ойимнинг газаби тагин ҳам аланга олди: сўзимни эшитасанми, қар?* (А.Қодирий. “Ўтган кунлар”) *Юракдаги исёнкор туйғулар аста-секин сўниб, хаёлини аллақандай маънос ўйлар банд этди.* (О.Ёқубов. “Эр бошига иш тушса”)

Ўзбек тилида ҳиссиёт ва туйғуларни денгиз, дарё, уммон тўлкинига ўхшатиш кўп учрайди. Қўйидаги матнларга эътибор беринг:

Бобурнинг бояги беҳаловатлиги ва тушқун қайфияти энди тарқаб кетган, кўнглида яна яхши истиқболга ишонч туйғуси мавж урар эди. (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”); *Хумоюн подшоҳ отаси билан махфий хатлар ёзишини кўз олдига келтирди-ю, кўнглида яна иссиқ бир ифтихор туйғуси мавж урди.* (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”)

Матнлардан кўринадики, ишонч (*ифтихор*) туйғуси мавж урар эди бирикмалари орқали ТУЙҒУ БУ – ТЎЛҚИН когнитив метафораси англашилади. Туйғу тўлкинга қиёсланган бу каби матнларда яна бир когнитив метафора ифодаланганини кўриш мумкин:

КЎНГИЛ БУ – ДЕНГИЗ (ДАРЁ, УММОН).

Юқоридаги матнларда қўлланган кўнглида мавж урар эди бирикмаси матн муаллифининг кўнгилини денгиз (дарё, уммон)га ўхшатганлигидан далолат беради.

Ўзбек тили соҳиблари лисоний тафаккурида оилани дарахтга қиёслаш асосидаги когнитив метафоралар муҳим ўрин тутди. Бунда оиланинг мустақамлиги дарахтнинг чуқур илдиз отишига ўхшатилади. А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида ОИЛА БУ – ДАРАХТ когнитив метафораси ифодаланган қўйидагича жумла бор: *Хушрўй уч ой ичиди томир ёйиб қолган бир оилани илдизи билан юлқиб ташлаб тинчдир.* Матн муаллифи тафаккурида оиланинг дарахтга қиёсланиши томир ёйиб қолган ва илдизи билан юлқиб ташлаб ифодали лингвистик метафораларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Кузатишларимиз натижасида айтиш мумкинки, ўзбек тилида когнитив метафоралар сўз орқали ифодаланганда, бу сўз кўп холларда феъл туркумига оид бўлади. Бунда сўзловчи бирор предметга хос бўлган ҳаракатни билдирувчи сўзни бошқа предметга хос ҳаракатни билдирувчи

сўз сифатида қўллайди. Масалан, ўзбек тилидаги *тутамоқ*, *чуқурлашмоқ*, *куймоқ*, *учмоқ* каби феъллар шундай хусусиятга эга:

ОДАМ – БУ ЁНУВЧИ НАРСА: *Қиздан жавоб бўлмагач, Ойшахон биттар тутай бошлади.* (А.Мухиддин. “Айбсиз айбдор”).

ОДАМ БУ – ИТ: – Э-э, *акиллай берасан-да, Сафар! – деди буқоқ, – биз нима деялбиз-ку, сен нима деялсан!* (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”).

МУАММО – БУ ЖАРЛИК: *“Марҳумнинг шахси аниқланиб, мигълумотлар бирин-кетин кўпайган сари, муаммо янада чуқурлашиб, каттаванинг учи кўринай демасди.* (“Ёшлик”).

Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятларини тадқиқ этган С.Мухамедова бундай бирикувларни кўридагича изоҳлайди: “... ҳаракат феъллари ҳам денотатив семаларидан ташқари эмоционал семаларга ҳам эга. Улар айнан шу семалари асосида эмотив валентликка эга бўлади. Таъкидланганидек, семантик валентликда сўзлар луғавий семалар асосида бирикувга киришади. Эмотив валентликда ҳам сўзлар семалар асосида бир-бири билан боғланади, аммо улар орасида семаларни фарқ мавжуд: семантик валентликда сўзлар денотатив маъноларига кўра бириксалар, эмотив валентликда эса кўчма маъноларига кўра (айнан эмоционал семалари асосида) бирикади”¹. С.Мухамедова *сўзмоқ* феълнинг ўрин валентликлари ҳақида фикр юритиб: “Эмоционал бўёққа эга бўлган айрим гапларда инсон хаёл дарёсида ҳам сузиши мумкин”, – деб ёзади. Юқоридаги мисоллар С.Мухамедованинг фикри ўрни эканлигини исботлайди.

Кўпгина тилларда *кўтарилмоқ* (*юқориламоқ*) феъли ижобий ҳоҳисаларни, *тушмоқ* феъли эса салбий ҳодисаларни ифодаловчи когнитив метафораларни ҳосил қилиб, бу тил универсалияси ҳисобланади. Мазкур ҳолат ўзбек тилида ҳам мавжуд. Масалан, *мансаби (обрўси, нархи) кўтарилмоқ; мансабдан тушмоқ, нархи тушмоқ, обрўси тушмоқ* каби бирикмалар бунинг далили бўла олади. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг: *Дунё бозорида териларимизнинг нархи тушмаса дейман.* (С.Аҳмад, “Юлдуз”). *Азизбекни қўлга тушириб бериш билан қипчоқлар дунюрида ҳам Юсуфбек ҳожининг қадр қиймати юқориланган эди.* (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”).

Мисол сифатида келтирилган бу каби узуал метафоралар ўзбек тили соҳибларининг образли-тафаккур тарзини кўрсатиши билан бирга уларнинг лисоний хотирасида сақланувчи, қолиплашган ва шу билан бирга пукда имплицит тарзда намоён бўлувчи яширин ўхшатишлар ўз қонуниятига эга бўлган тизим сифатида мавжуд эканлигидан далолат беради. Ўзбек тилининг бойлиги ҳисобланган бу тизим бирликларини аниқлаш тилимиздаги когнитив моделларни белгилашда катта аҳамиятга эга.

¹ Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2007. – Б. 31.

Феълдан иборат когнитив метафоралар ўзбек тилида жуда кўп стереотип бирликларни ҳосил қилган. Масалан: *хаёл денгизи, севаги (ғазаб, қасос) олови, умр дарёси, бахт остонаси, ҳаёт шароби, умр қарвони, бахт қалити, армон юки, дил жароҳати* каби. Нутқда бу каби бирликлар қўлланганида улар бириктиб келган феъл кўп ҳолларда кўчма маънога эга бўлади: *хаёл денгизидан сузмоқ, севаги ўтида ёнмоқ, армон юкини кўтармоқ* каби. Бу каби жумлалардан ҳам когнитив метафора мавжуд эканлиги англашилади, лекин уларда ўхшатиш эталонига ишора қилувчи бирликнинг вербал ифодага эга бўлиши имплицит мазмунни маълум даражада сусайтиради.

М. ЖЎРАЕВ, ЎзРФА, Д. ТОШЕВА, ТошДЎТАУ

ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ МАҚОЛЛАРДА МЕТОНИМИЯ

Бир предметнинг, белгининг, ҳаракатнинг номи бошқасига ўхшашлик асосида эмас, балки ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик асосида кўчирилиши метонимия дейилади. Метонимия луғавий маъносига кўра “*бошқача ном бериш*” деган маънони билдиради. Метонимия ҳодисаси ҳам сўзларнинг кўчма маъноси билан боғлиқ. Аммо бунда асосан бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқа бир нарса ёки ҳодисага кўчирилади. Бу предмет ёки воқеа-ҳодиса онгимизда бир-бири билан алоқадор тушунчаларни англашиши билан ўзаро боғланган бўлади¹. Хусусан, *Йиртиқ тўнни ит қопар* мақолида ажратиб кўрсатилган бирлик мисолида *камбагал ва ночор шахс* назарда тутилган. Яъни бир предмет мисолида у тегишли бўлган субъект таърифланган – хусусийдан умумийга ўтилган.

Қарчигай қариса, чумчуққа майна бўлар мақоли ҳам шундай хусусиятга эгаллиги билан характерланади. Бунда бир предмет орқали у тегишли бўлган субъект ҳолати ифодаланади. Мақолда ажратиб кўрсатилган *майна* лексемаси *чумчуқсимонлар оиласига мансуб сайроқчи қуш номи бўлиб*, ўғуз лаҳжасига оид айрим шеваларда инсоннинг тафаккур аъзоси – мияси шундай номланади. Кўчма маънода *мазах бўлган кимса, қулги, масҳара объекти*²ни билдиради. Ўғуз лаҳжаси таъсирида яратилган мазкур мақолда ҳам шахсга ишора қилиб *масҳара қилинмоқ, қулги бўлмоқ* маъноларини ифодалайди.

Қуйидаги мақолларда эса *яра, кесак, шох ва тил* лексемалари ўзаро алоқадорлик, мазмуний боғлиқлик асосида *даро, жазо, укувсизлик* семаларини ёритишга хизмат қилган: *Туя қанча, яраси – шунча* (ҳар кимнинг *дарди* ўзига яраша бўлади); *Минг қаргага минг кесак* (айбдор ёки гуноҳкор кимсаларнинг бари қилмишига яраша *жазосини* олади); *Буқа*

¹ Шомақсудов А., Қўнгулов Р. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 238.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. II. – Б. 529.

шоҳидан айрилар, одам тилидан (кенг маънодаги *укувсизлик* оқибати шиббий якун топади).

Зооним компонентли мақолларда ўлчов бирликларини ифодалаб келувчи лексемалар ҳам қўлланилади. Улар метонимик кўчимга асос бўлиб, услубий бўёқдорликни ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқиз тўнда семирар, қиз – қучоқда мақолидаги *қучоқ* лексемаси *икки қўлнинг олд қисмини бирлаштириб, оралигига бирор шахс ёки нарса олинадиган (олинган) ҳолат*¹ семасига эга бўлиб, мажозий маънода *кишининг ўз уйи, ота-она гамхўрлиги* назарда тутилган.

Қиз олсанг қулочдан ол, от олсанг ориқдан мақолида уйланиш ниятида бўлган бўйдоқ йигитларга маслаҳат берилган. Мақолда ажратиб кўрсатилган *қулоч* лексемаси *елка баландлигида керилган ҳар икки қўлнинг ўрта бармоқ учлари орасидаги масофа*²ни билдиради. Мажозий маънода *қулоч – тўладан келган, соғлом ва бақувват қизлар* тасвирини ифодалаган.

*Ботмон – Ўрта Осиёнинг, шунингдек, Ўзбекистоннинг турли ерларида турли мезонга, салмоққа эга бўлган оғирлик ўлчов бирлиги*³ бўлиб, қуйидаги мақолларда ўзига хос ифода семаларини ҳосил қилганлиги билан характерланади: *Чумчуқ семирар, ботмон бўлмас, тешига ўсиб кетмон бўлмас* мақолида ҳеч ким ўз аслини ўзгартира олмаслиги, инсон – инсон, ҳайвон – ҳайвон, предмет – предметлигича қолиши таъкидланган. Шунингдек, *Бедананинг ҳам ўзига яраша ботмончи бор* мақолидаги *ботмон* лексемаси ҳар кимнинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигига ишора қилади.

М. Миртожиев метонимияни умумлашган лексик маънога асосланган метонимия ва хусусий лексик маънога асосланган метонимия каби кўринишларга ажратади. Бу икки тур ҳосил қилувчи ва ҳосила маъноларнинг умумий ёки хусусий сема асосида боғланишига қараб *турухланади*⁴.

Масалан, *Йигит сўздан қайтмас, арслон – узидан* мақолидаги *из* лексемасининг ҳосил қилувчи маъноси *бирор нарса ёки кимсадан қолган асар, белги*⁵ семаларига эга бўлиб, ҳосила маъно *босиб ўтилган йўл* семасини ифодалайди. Яъни мақолдаги ҳосил қилувчи маъно ва ҳосила маъно умумлашган лексик маънога асосланади.

Қалмоқли от қоқилмас, қоқилса ҳам йиқилмас мақолида эса миллат номини билдирувчи *қалмоқ* лексемаси ҳосила маъно билан воқеланган бўлиб, шахсга ишора қилади. Яъни *қалмоқ миллатига мансуб чавандоз* семасини ифодалайди. Шу боис мазкур мақол хусусий лексик маънога асосланганлиги билан характерланади.

Зооним компонентли мақолларнинг бир қанчасида турли ўрин-жой номларига ишора қилувчи сўзлар иштирок этган бўлиб, улар метонимик

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. V. – Б. 393.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. V. – Б. 370.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. I. – Б. 329.

⁴ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 101-103.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. II. – Б. 178.

кўчимни ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, *От кучини қарвонда кўр, мард кучини майдонда* мақолидаги *қарвон* лексемаси *узоқ йўл, сафар чоғи* маъноларини; *майдон* лексемаси эса *кураш, жангу жадал* маъноларини англатади.

От бўлса майдон топилар, от бўлмаса майдон чопилар мақолида ҳам икки ўринда майдон лексемасидан фойдаланилган. Дастлабки лексема кўчма маънода қўлланилган бўлиб, улови бор киши учун бориладиган жой топилиши, от ҳеч қачон кишига эғир юк бўмаслиги назарда тутилган. Мақолнинг иккинчи қисмида келтирилган *майдон* лексемаси эса ўз маъно ифодаси учун хизмат қилган ва мажозий маъно касб этмаган.

Хура билмаган ит кўрага бўри келтирар мақолидаги *кўра* лексемаси *қўйлар сақланадиган жой*¹ семасини билдириб, мақолда мазкур лексема мисолида *қўй-қўзиларга* ишора қилинган. Яъни ўрин-жой оти унга алоқадор бўлган нарса-предмет ифодаси учун хизмат қилган. Умумийдан хусусийга ўтилган. Мажозан, *қўриқчи ит* бўрилари хуриб кўрқитмаса, *кўрадаги қўй-қўзилар* хавф остида қолиши таъкидланган.

Юртда одам бўлмаса тўнгиз тепага чиқар мақолидаги *тепа* лексемаси *ер сатҳидан баланд, дўнг жой; тепалик, баландлик; умуман, бирор жой, маконга нисбатан юқоридаги жой, ер*² маъноларини билдиради. Мажозий маънода юқори мансаб ва лавозимга ишора қилади. Мақол мисолида нолойиқ кимсанинг мансабдор шахсга айланиши қораланади.

Ш.Раҳматуллаев метонимия йўли билан маъно кўчишининг асосий турлари сифатида қуйидаги беш кўринишни эътироф этади:

1. Бир предметнинг номи шу предметдаги бошқа бир предметга кўчирилади.

Хусусан, *Товушқонга тузилган тепаси* азиз мақоли метонимиянинг мазкур кўринишига мисол бўла олади. Мақолда қўлланилган *тепа* лексемаси тор маънода *тепаликда жойлашган уй* семасини, кенг маънода эса *ватан* семасини ифода этади. Дастлабки сема метонимиянинг биринчи кўриниши учун асос вазифасини бажаради.

От олсанг ўйинг билан кенгаш, от сотсанг – овулинг билан мақолидаги *уй* ва *овул* лексемалари ҳам метонимик кўчимни ҳосил қилган. Мақолда ажратиб кўрсатилган ҳар иккала лексема *муайян маконда яшовчи, қолаверса, киши кўнглига яқин, ишончли бўлган инсонларга* ишора қилади. Аммо *Итли меҳмон овулга* *сигмас* мақолидаги *овул* сўзи ўз маъносидан қўлланилган бўлиб, *маълум миқдордаги аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуд* семасини ифодалайди.

2. Бир предметнинг номи шу предметга асосланган ўлчов бирлигининг номи бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. V. – Б. 412.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. IV. – Б. 66.

От *ой*лигин ўйлар, туя йиллигин мақолида ажратиб кўрсатилган ой лексемаси *куёшдан нур олиб, ёғду сочувчи жисм, Ернинг табиий йўлдоши*¹ маъноларини англатади. Аммо мақолда *ой* сўзи *ўлчов бирлиги, 28, 29, 30, 31 кунлик давр*² ҳосила маъноларини юзага келтирган.

Кун ҳисобин *ой* олар, *бедов ўрнин той олар* мақолида ҳам *кун* ва *ой* лексемалари метонимик кўчимга сабаб бўлган. *Куёш, офтоб* семаларини ифодаловчи *кун* сўзи *сутканинг ёруғ қисмини* тасвирлашда қўлланилган.

3. Бир предметнинг номи шу предмет асосида ҳосил бўладиган предметга кўчирилади.

Куйидаги мақолларнинг барида нутқ аъзоси номини ифодаловчи *тил* лексемаси мазкур аъзо иштирокида ҳосил бўлувчи нутқ жараёнини (сўз, гап) тасвирлашда қўлланилган: *Илон тилини илон тушунади; Аччиқ тил наҳри илон, чучук тилга жон қурбон; Илон заҳри тишида, ёмон заҳри тишида.*

Туя тилини карвон билар мақолида эса *туянинг тили* сўз бирикмаси жонивор табиати ва хоҳиш-истагини ифодалаган. *Карвон* дейилганда туяга ҳамроҳлик қилувчи туябон назарда тутилган.

4. Белгининг номи шундай белгиси бор предметга кўчирилади.

Отдан ола ҳам *туғар, қора* ҳам мақолидаги *ола* ва *қора* лексемалари шундай тусли уловларга ишора қилади. Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳамда кундалик мулоқот жараёнида *ола от, қора от* каби сўз бирикмалари ўрнида *ола* ва *қора* лексемалари қўлланилиб, қисқалик ва фикр ифодасидаги тезкорлик учун хизмат қилади.

Сулув бўлган билан ёр бўла олмас, туя бўлган билан нор бўла олмас мақолида ажратиб кўрсатилган сўз *чиройли қизга* ишора қилган. Яъни сулув қизларнинг ҳаммаси ҳам вафодор ва сариштакор ёр бўла олмайди. Шу боис ёр танлашда қизнинг ташқи кўринишига эмас, унинг фазилатларига аҳамият бериш муҳим омил ҳисобланади.

5. Ҳаракатнинг номи шу ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган предметга кўчирилади.

Байтал чопиб пойга олмас мақолида қўлланилган *пойга* сўзи *ким ўлди мусобақаси*³ семасига эга бўлиб, мажозий маънода *бирор иш-ҳаракат, жараёнда бошқаларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эришиш учун бўлган ҳаракат; мусобақа*⁴ тушунчаларини ифодалайди. Яъни ҳаракат номи шу ҳаракат натижасида ҳосил бўлган жараёнга кўчирилади⁵.

Ўзбек халқ мақолларида метонимия асосидаги ном кўчиши метафорага нисбатан кам учрайди. Аммо зооним компонентли мақоллар таҳлилида метонимия асосидаги ном кўчиши метафора, синекдоха ҳамда

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. III. – Б. 98.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. III. – Б. 98.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. III. – Б. 285.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. III. – Б. 285.

⁵ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Мумтоз сўз. 2010. I. – Б. 63-64.

вазифадошликка қараганда анча фаол эканлиги аниқланди. Масалан, *Тиндим тунда, тинмадим кундузи, бўлди қўй телпагим қундузи* мақолидаги *қўй* ва *қундузи* лексемалари киши меҳнати эвазига эришниши мумкин бўлган моддий неъматларни даражалаб ифодалаш учун хизмат қилган.

Отни боқсанг от қиласан, ёвни қувсанг мот қиласан мақолидаги *мот қилмоқ* бирлиги *енгиш, мағлуб этиш* маъноларини англатган. Мақолда киши истаган мақсадига етиш учун тинимсиз ҳаракат қилишни кераклиги таъкидланган.

От оғидан топар, одам қўлидан мақолида ҳам ажратиб кўрсатилган сўзлар *тинимсиз меҳнат, кундалик фаолият* маъноларини англатади ва халқни самарали меҳнат қилишга даъват этади. *Юрганга йўрга йўлиқар, Юсурган отга йўрга йўлиқар* мақолларидаги *йўрга* лексемаси изланиш ва меҳнат эвазига эришилган муваффақиятни ифодалайди.

Аммо *Бир минсанг ҳам йўрга мин, булкиласин буйрагинг, бир хўпласанг май хўпла, қилқилласин юрагинг* мақолида *йўрга* – энг зотдор от, шунингдек, *асов от* семаларини билдиради. Халқни ҳамма нарсанинг энг сарасига интилишга даъват этади.

Суқир отга қўтир от уюр мақолида эса *уюр* сўзи ҳамроҳ, *йўлдом* маъноларида қўлланилган. Мажозий маънода яхшига – яхши, ёмонга – ёмон йўлдош бўлишига ишора қилинган.

От зооними иштирокидаги мақолларнинг аксариятида *қамчи* лексемаси иштирок этган бўлиб, *жазо, ишора, хўрланиш, азоб-уқубат* семаларини билдиради. *Яхши отга сийлов, ёмон отга қамчи*: *Яхши отга қамчи керакмас, яхши хотинга – зўрлик; Яхши отга қамчи керакмас, яхши қизга – совчи; Яхши от тўрвасини орттирар, ёмон от – қамчисини. Қамчи берма яхши бўлса отинга, шионмагин милтиқ билан хотинга* мақолларида қўлланилган *қамчи* сўзи *жазо* маъносини англатган бўлса, *Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи* мақолида ажратиб кўрсатилган лексема *ишора, имлаш* маъноларини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, от зооними иштирокидаги айрим мақолларда *қамчи* лексемаси ўз маъносинида ишлатилган. Масалан, *От минмасдан қамчи ол* мақолида улов олишдан олдин зарурий шаронтни ҳозирлаб, керакли анжомларни харид қилиб қўйиш лозимлиги таъкидланган. Аммо *ориқ отга қамчи ҳам юк; Ориқ отга қамчи ёв, тешик томга томчи ёв* мақолларида *қамчи* лексемаси *азоб-уқубат* ва *азият чекмоқ* семаларини ифодалаган бўлса, *Бевафо дўстан вафодор ит яхши, бевафо ёрдан осилган дор яхши* мақолида *дор* лексемаси *ўлим* маъносини англатган. Яъни бевафо ёр ҳажрида азият чеккандан хиёнаткор муҳаббатнинг бўлмаслиги афзал кўрилган.

Соматик birlikлар ҳам метонимик кўчимга асос бўлиб, зооним компонентли мақолларни ҳосил қилишда ўзига хос услубий аҳамият касб этади. *Гознинг ўзи – чўлда, кўзи – кўлда; Бурининг қулоғи овди* мақолларидаги *кўз* ва *қулоқ* каби инсон тана аъзоси қисмларини

ифодаловчи лексемалар *диққат-эътибор*, *орзу-ҳавас*, *хаёл* каби мажозий маъноларни юзага келтирган.

Зооним компонентли мақолларда турли хил озик-овкат, истеъмол маҳсулотларини қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. *Арпасиз от доvon тинчмас; Қуш тузоққа дон учун келар; Жўжасига истаб дон, товук боши доним қон* мақолларида *арпа* ва *дон* сўзлари *овкат* маъносини аниқлаётган ва ҳусусий маънодан умумий маъно ҳосил қилинган. Аммо *Шакар пишмасиз бўлмас, арпа – кесаксиз* мақолида *арпа* лексемаси ўз маъносида қўлланилган ва мажозий маъно касб этмаган.

Қора сизир тушида кунжара кўрибди; Тулкининг тушига товук кўрар, товукнинг тушига тариқ мақолларидаги *кунжара*, *товук*, *тариқ* лексемалари ҳам овкат маъносида қўлланилган. Ҳар кимнинг ўз орзу-истаги, дилида тугган нияти борлиги ажратиб кўрсатилган сўзлар мисолида ёритилган.

Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам – сув мақолидаги *дон – овкат* маъносини ифодалаган. Мажозий маънода *дон* ва *сув* лексемалари мисолида тўқин ҳаёт учун зарур бўлган чекланмаган миқдордаги ресурслар назарда тутилган.

Йўлбарс қирққа кирганда ҳам емиши – анг, қарга мингга кирганда ҳам емиши – гўнг мақолидаги *анг* лексемаси сайд, ов маъноларини; *Арслоннинг оғзидан ов олинмас* мақолидаги *ов* лексемаси эса *насиба, шахсий “мулк”* маъноларини ифодалайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки зооним компонентли мақолларда метонимия ҳодисаси асосидаги маъно кўчиши кўп учрайди. Улар мажозий маъно таъсирини ошириш, услубий бўёқдорлик даражасини кўчатиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқ дунёқараши ва реал ҳолатқа бўлган муносабатини ифодалайди. Шунингдек, халқнинг турли минзу гуруҳларига оид лексемаларни қўллаш маҳоратини ҳам намоён қилади. Шундай экан, зооним компонентли мақоллардаги метонимик кўчимни ўрганиш нафақат тилшунослик, балки этнография, маданиятшунослик, психология фанлари ривожига ҳам хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-V. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 - 2008.
3. Шомаксудов А., Қўнғуров Р. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

ДЕВОНА МИФОЛОГИК ОБРАЗИНИНГ КОГНИТИВ МЕТАФОРЛАР КЕСИМИДАГИ ТАЛҚИНИ

Метафора, метафоризация жараёни, инсон тафаккурининг метафорологик қобилияти ҳақида бугунгача кўп ва ҳўп айтилди. Антик даврлардан нутқ жозибаси деб қаралиб келинган мазкур ҳодисага яқин асрлардан буён шунчаки нутқий ифоданинг таъсирли-таъсирий воситаси эмас, балки тил ва нутқ кўлампидан кенгрок сарҳадларни эгаллашга ҳақли бўлган, билиш жараёнининг ўзига хос аспекти, инсон онгининг моҳиятан, туюлганидан-да залворлирок, аҳамиятлирок феномени сифатида ёндашилмокда.

«Метафора» атамасининг ўзи илк бор Изократ томонидан «Evagorus» асарида қўлланган (э.а. 383 й.)¹ бўлса, Аристотель ўзининг “Поэтика” асарида метафорани назарий жиҳатдан асослади. Ўз даврида Цицерон ҳам метафоралар ҳақида: “Кўчма маъноли сўзларни (метафораларни) қўллаш нутқка “уни юлдузларга буркаган мисоли” ёрқинлик ва жило бахш этади”² деганди. У метафорага нисбатан «тилдаги сўзнинг тегишли тушунчаси бўлмаганда кузатилади» дейди³. Шунингдек, Квинтилиан метафорага табиат томонидан инъом этилган деб қараб, «ҳеч бир предмет белгиланмай қолмаслигига таъсир кўрсатади» деган хулосада бўлган⁴.

Тил ҳодисаси бўлган метафора Европа тилларига оид баъзи адабиётларда, юзага келтирган ўхшатиш белгисига кўра бир неча турга ажратилади. Нутқ ҳодисасига оид метафоралар немис тилининг кичик лингвистик энциклопедиясида кўринишга ажратилиб, персонификация, символизация, аллегория, синестезиялар метафоранинг кўриниши деб қайд этилган⁵.

Тилшунос олим М.М.Миртожиев тилга олинган метафора хиллари борасида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Нутқ ҳодисасига оид метафораларнинг бу кўринишларини, моҳиятан қараганда, баъзи ўзгаришлар билан тил ҳодисасига оид метафораларга татбиқ этса бўлади. Бунда нутқнинг соф ўз хусусиятидан келиб чиққан символизация ва аллегорияларни чиқариб ташлашга тўғри келади. Чунки символизация нутқ кечимидаги эллипсис билан боғли содир бўлувчи метафорадир.

¹ Античные теории языка и стиля. –М.: 1936. – С.217.

² Цицерон М.Т. Три трактата об ораторском искусстве / МТ. Цицерон [под ред. М.Л. Гаспарова]. –М.: Ладомир, 1994. – С. 472.

³ Цицерон М.Т. Три трактата об ораторском искусстве / МТ. Цицерон [под ред. М.Л. Гаспарова]. –М.: Ладомир, 1994. – С.472.

⁴ Античные теории языка и стиля. –М.: 1936. –С. 217.

⁵ Миртожиев. М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Muhiroz soz. 2010. –Б. 96-97.

Аллегория эса нутқ кечимидаги кочирим ва интонация билан боғли ҳолатда юзага чиқади.¹

Метафора — реал воқелик объектларини билиш, уларнинг помланиши, бадий образларнинг ва янги маъноларнинг ҳосил бўлишида асосий йўллардан бири ҳисобланиб, инсон ички оламига боғлиқ тасаввурларни вербаллаштиришга имкон туғдиради. Бу ўринда Н.Д.Арутюнова: «метафорасиз “ботиний оламлар” (инсон ички дунёси) лексикаси ҳам мазжуд бўлмас эди», дея қайд этади. Хусусан, у лисоний метафоранинг функционал типларини кўрсатиб, метафоранинг қуйидаги турларини ажратади: 1) *номинатив метафора*, 2) *образли метафора*, 3) *когнитив (белгили) метафора*, 4) *генераллаштирувчи метафора* (когнитив метафоранинг яқуний натижаси сифатида).

Рус тилшуноси Г.Н.Скляревская XX асрнинг 60-70-йилларида метафора тадқиқига бағишланган изланишларнинг уч: номинатив-предмети, формал-мантикий, психологик-лингвистик йўналишда амалга оширилганини таъкидлайди. Шунингдек, Г.Н.Скляревская ушбу изланишларнинг сўнгги йилларда мустақил йўналишларни ташкил қилганини қуйидагича қайд этади: 1) *семасиологик йўналиш*; 2) *ономасиологик йўналиш*; 3) *гносеологик йўналиш*; 4) *мантикий йўналиш*; 5) *лингвистик йўналиш*; 6) *лингво-стилистик йўналиш*; 7) *психоллингвистик йўналиш*; 8) *экспрессиологик йўналиш*; 9) *лингвистик-адабий йўналиш*; 10) *лексикологик йўналиш*².

XX аср охирига келиб, метафора фан оламида илгари кузатилмаганидек, лисон, илм-фан, бутун олам сирасига сингишган бирлик сифатида эътироф этила бошлади. Бу вақтда метафоралар онг универсалиялари деб топилди. Ҳозирги замон психологияси эса оламни кўришнинг метафорик тавсифида инсон генезиси ва инсоний маданиятни асос қилади. Сўзсизки, инсоний маданиятнинг дебочаси мифлар бўлса, *бинобарин, метафора таркибан мифик хусусиятлидир*.

Маълумки, кўхна даврлардан буён мифлар мазмунан халқ оғзаки ижодини озиклантириб келади. Мифлар халқ оғзаки ижодидан илгарироқ мавжуд бўлган ҳамда арханк мифларнинг изи фольклорда кўпам сақланиб қолмаган. Аксинча, улар мазмунан доимий равишда эврилиб, ўзгариб, ўз комбинациялари, компонентларини ўзгартириб турган. Қабилалар миграцияси — чатишуви асносида эса, бу ҳолат янада эврилган қиёфани касб эта борган. Мифологик метаморфозалар метафораларга айланиб, натижада метафоралар тафаккурнинг константалари сифатида тил, фразеология ва халқ ижодиётини бойитиб борган³.

¹ Мирзожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. — Тошкент: Mumtoz soz. 2010. —Б. 96-97.

² Мещерякова Е. О. метафоре. <http://it-claim.ru/Library/Books/ATS/wwwbook/ist6/mesharecova/mesharecova.htm>.

³ Мечковская Н. Язык и религия: Пособие для студентов гуманитарных вузов. —М.: ФАИР, 1998 —С. 64.

Фикримизга далил ўрнида яқин йиллар ичида илк бора текширилаётган теоморфик метафоралар хусусан, *девона* теоморф метафораси борасида сўзлашга тўғри келади.

Девона – ўзбек (*девона*), туркман, тожик, татар, озарбайжон (*оване*), бошқир (*диуана*), кирғиз (*дубана, дувана, думана*), қозок (*дуана*), қорақалпоқ (*дийуана*) мифологиясида мавжуд образ (сўфийларга қиёсланган) саналиб, сўзнинг ўзи форс-тожикча *девона, дев чалган* маъносини англатган. Ўрта аср Хитой манбаларида маълум қилинишича, ўрта асрларнинг бошларида *девона* деб шаманларни аташган. Исломгачи бўлган давр мифологиясида эса, ажойиб кўмакчи сифатидаги қаҳрамон: никоҳларни мустаҳкамловчи, фарзандларнинг (мас. паҳлавон Алпомишнинг) туғилишига сабаб кўрсатувчи, қаҳрамоннинг йўлидаги мушкулотларни даф этувчи образ¹.

Девонанинг дискурсив талқини кенг бўлиб, асосан куйидаги семантик қирраларни намоён этади:

а) *севги изтиробидан ғайритабiiий ҳолатга тушиш*: *Ҳа, аслида у шунчаки ишқ нағмаси эмас, ҳақиқий ошиқ ноласи, куйган кунгил оҳи-зорни экан. Бечора девона, шўрига шўрва тўкилган дарвеш!*. Қамчибек Кенжа, Палаҳмон тошлари. I. форсий изофа шаклида *Назарига илганда, ошиқи девоналигини сариқ чақага олганда нима қилади?* Қамчибек Кенжа, Палаҳмон тошлари;

б) *ақлдан озиш маъносид*a: феълли конструкция шаклида *Шунчалик ўзини ерга урди, югурди, чапак чалди, наъра тортди, кўкракларига мушти билан урди, салларини ерга отиб юбордики, аниқ девона бўлди деб ўйладим*. Абдурауф Фитрат, Ҳинд сайёҳининг қиссаси;

в) *салбий; ҳақорат, айбснгиш, нописандлик маъносид*a: *Икки учта девона кишилар бўлмагур гапларни одамлар қулогига куймоқдалар. Сиз табибликдан беҳабар бўлсангиз, касалингизни шамоллашдан эмаслигини қардан биласиз? Булар девона ҳам сўзламайдиган гаплардир Мен: Тўғри, менинг айтганларим эмас, балки сизнинг гапларингиз девонани хос. Абдурауф Фитрат, Ҳинд сайёҳининг қиссаси. Сифатловчи сифатланмиш шаклида: *Наҳот мен бугун қатл этиладиган анави севқ девона йигитга ўхшасам?* Михаил Булгаков, Уста ва Маргарита;*

г) *руҳий хаста одамга нисбатан*: *Девона Умидага ҳайратланиб биқ қаради-да, сўнг индамай ўрнидан туриб, хужраси томон юрди. Тоҳир Малик, Девона;*

д) *ичкилик оқибатида ғайритабiiий ҳолатга тушиш*: *Ичканди ақлдан бегона бўлма, Эс қўйиб, жаҳлга ҳамхона бўлма. Истасанг қизин*

¹ Мифологический словарь/Гл. ред. Мелетинский Е. –М.: Советская энциклопедия. 1990. –С.187.

² Раҳматуллаев Ш муаллифлигидаги “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”даги (Тошкент Ўқитувчи, 1978) бирликлар қаторида бундай ибора келтирилмаган. Шундай бўлса-да, *девона* бўлмоқчи грамматик жиҳатдан феълли қурилма, лексик жиҳатдан фразама деб олсак бўлади.

май ҳалол бўлишин, Хеч кимни ранжитма, девона бўлма. Абусаид Кўчимов, Сафар;

е) ноодатий феъл-атвор эгаси, ҳолатга нисбатан: Бу ердаги одамлар — ерли халқ вакиллари ҳам, Евронадан келганлар ҳам уни девона деб билишган, девоналик уларга ҳам бегона эмасди. Сомерсет Моём, Рухоний. Индамай руҳимга эргашиб олдим, Девона хаёлим гилмон санадим. Абдували Кутбиддин. Бу девона Тошканднинг барчасига маълум; Ёклардан, бойлардан; қисқаси, шаҳарнинг катта-кичигидан ўзига илҳосмонлар ортдирган ва қўбларнинг тарафидан қилган кароматлари ривоят этилган бир мажнун эди. Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар. Бу ерда киши ак устида қишу ёз бир девона ётади. Соқоллари ўсган, кийимлари жулдуз бир кекса девона. Ойбек. Ёзувчилар - девона халқ, улар билан ҳақиқат юзлаштирмас, юзлаштирса ҳозиргига қадардек арбоблар билан юзлаштирса керак. Абдулхамид Исмоил, Жинлар базми. отлашган сифат + кўмакчи орқали ифодаланган сабаб ҳоли ўрнида: Девоналигим тўфайли орзу қиламан: Энг оқилу мен — барчадан устун бўлсам! Фаридуддин Аттор, Рубоён;

ж) ёт, бегона, ўзга, ақлдан оздирувчи маъносида: Бегона тунроқ — девона тунроқ. Ўзбек халқ мақоли;

з) қайишиш, қисман қуйишиш маъносида: Девонанинг ишини худо ўнлар. Ўзбек халқ мақоли;

и) лақаб, таҳаллус маъносида: изоҳловчи-изоҳланмиш конструкцияли шаклда: Оч қоринга саримсоқ еб, кўкчой ичишдан зериккан кишилар чойхонага Қовоқ девонанинг кириши билан унга сўз қота қолдилар: — Келинг-келинг, девона! Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар. Англиз-девона билан Қорабой-жинни Эски-Шаҳар кўчаларининг антиқа одамлари эди. Абдулхамид Исмоил, Жинлар базми ва ҳ.

Келтирилган мисоллар девона теоморф метафорасининг ўз семантик кўламидаги *гайритабиат* доминантаси эвазига антропологик парадигма (интропокулум, ҳиссиётлар кўлами, физиологик кўламу, вербал кўламу¹[7] ва ҳ.)ни девона мустақил концептга ишора қилаётгани ва бу билан ҳақиқий когнитив функцияни бажараётганини исботламоқда. Кўринадикки, бундайин теоморфлик метафоралар ўз-ўзидан когнитив метафоралар бўлиб, ушнинг концептуал моҳияти билан лингвокультуремалар ҳамдир.

¹ Профессор Л. Метафорическое репрезентации доминантных концептов в поэтической картине мира Р.М. Ринке. Дисс. на соис. уч. степ. кан. фил. наук. <http://www.allbest.ru/>

“ЛИСОНИЙ ШАХС” ТУШУНЧАСИНИНГ ЛИНГВОПЕРСОНОЛОГИК ТАВСИФИ

Жаҳон тилшунослигида тил тизимини шахс билан боғлиқ тарзда ўрганиш асосан лингвопрагматика, психолингвистика, когнитив тилшунослик, социолингвистика, лингвокультурология ва ҳозирги кунда антропоцентрик тилшуносликка оид тадқиқотларда намоён бўлган. [4,6-65;5,6-128] Бироқ мазкур ишларда одам, бошқача айтганда *шахс ва унинг тили* лингвоперсонологик аспектда тадқиқ этилмаган. Шу нуқтаи назардан европа ва рус тилшунослигида энди шаклланаётган *лингвоперсонология* [2,6-118;3,6-50-52] соҳасининг ютуқларини ўзбек тилшунослигига фаол тадбиқ этиш, унинг назарий масалаларини аниқ белгилаб олиш, миллий тилимиз ва ўзбек шахсининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда методологиясини қайта кўриб чиқиш масалалари соҳа вакиллари олдида катта вазифаларни қўяди.

Маълумки, лингвоперсонология хорижда XX аср охириларида пайдо бўлиб, мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланди [3; 120].

XX асрнинг 90-йилларида “шахс тили” деган атама пайдо бўлди. Уни фанга дастлаб Г.И.Богин киритган [1; 28]. Шундан сўнг, Ю.Н.Караулов ушбу йўналишни такомиллаштирди. Олим Ю.Н.Караулов ушбу йўналишдаги изланишлари [6; 28] туфайли шу нарсасга эришдики, унинг тадқиқотлари натижасида *матн тили, касб-ҳунарга оид тил, ёшга хос тил, бадиий асар тили, шахс тили* ва бошқа назарий масалалар қисман ўз ечимини топди. Олим томонидан таъкидланган атамалар қарийб 20 йилга яқин фаол қўлланилди. Бироқ вақт ўтиши билан “шахс тили” атамаси ўзининг ифодасини йўқота бошлади. Натижада бу атама қўлланилмай қўйди. Бу вазиятдан чиқиш учун тилшунослар шу атамага синоним бўла оладиган атамаларни таклиф этишди: “шахс нутки”, “шахс коммуникацияси” каби атамалар (Красних 2003, Стернин 2001). Бироқ терминларнинг кўпайганлиги соҳанинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қила олмади.

“Лисоний шахс” атамаси лингвоперсонологик тавсифда илк бор Иванцова Е.В. [3; 135] томонидан тавсия этилди. Бунда муаллиф биринчи планга ўзига хос шахслик ва лисоний коллектив масаласини олиб чиқди.

Мазкур илмий ахборотдан кўзлаган мақсадимиз ўзбек тилшунослиги учун янги соҳа бўлган лингвоперсонологиянинг шаклланиши, назарий масалалари хусусида маълумот бериш, уни ўзбек тилшунослиги ва лингвопозитикасига тадбиқ қилишга ҳаракат қилиш.

Лисоний шахс (қисқ.ЛШ) тушунчасининг лингвоперсонологик тадқиқи шуни кўрсатдики, у бир қанча ўрганилиши лозим бўлган

масалалар, яъни ЛШнинг лисоний сатҳлар семантикасида воқеланиши, унинг лингвопозтик ифодаланиши ҳамда омилларга ёш, психологик, гендер, диалектал, касбий, жамиятдаги ижтимоий ўрин ва ҳ.к.ларни алоҳида-алоҳида ўрганишни талаб этди. Бироқ мазкур кичик илмий ахборотда ҳаммасига тўхталишнинг имконияти йўқ. Шунинг учун биз ЛШ тушунчасининг ўзбек тилининг айрим сатҳларида воқеланиши ва унинг лингвопозтик тавсифига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўзбек тилида нутқ товуши (фонетик сатҳ), шахс отлари, тафаккур лексемалари ва ҳ.к. (лексик-семантик сатҳ), эгалик ва шахс-сон грамматик категориялари (морфологик сатҳ), дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар (синтактик сатҳ)ларнинг семантик-функционал томонида ЛШ зарраси эркин воқелана олади.

Бизнинг эътиборимизни тортган яна бошқа бир жиҳат, яъни *лисоний шахснинг* лингвопозтик талқини. Лингвоперсоналогия соҳасининг усталари бадиий адабиёт шакллангандан бери инсон шахсининг алоҳида элементларини унинг тилида акс этишини моҳирлик билан баён қилиб келмоқдалар. [4; 156] Бадиий асарда ҳар бир персонажнинг тили ўша персонажнинг шахсий белгилари билан очиб берилади. “Персон” ва “персонаж” атамаларининг ўзақдош эканлиги ҳам бунинг эркин намунаси дир. Айрим бадиий асар намуналари классикага айланади, ўқувчи қалбидан ўрин эгаллайди. Айрим асарлар эса фақат қоғозларда қолиб кетади. Сабабларидан бири, классикага айланган асар муаллифлари ҳар бир персонажнинг тилини унинг хусусиятлари билан уйғун ҳолда бера оладилар. Яъни персонажларнинг “лисоний шахси” тўғри шакллантирилади. Айрим ёзувчилар эса персонаж шахсияти ва унинг тилини мослаштира олмайдилар. Масалан, ўзбек адабиётининг ноёб дурдоналаридан саналган Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида эса ҳар бир образнинг “лисоний шахси” жуда тўғри ва моҳирлик билан очиб берилган. Чунончи, Юсуфбек ҳожининг тилидан мисол келтирамиз: “-*Ҳайтовур, ўғлим, биз сизнинг устингиздан бир иш қилиб қўйдик. Ёки Отабекнинг: – Ақлли одамларнинг ўғиллари устида қилган ишлари номаяқбул бўлмас.*”

Ушбу нутқий-лисоний материаллар орқали Юсуфбек ҳожи ва Отабекнинг “лисоний шахс портрети” (*юқори ижтимоий табақага мансублиги, ўқимишли, маданиятли эканлиги* ва ҳ.к.) аниқ ва равшан намоён бўлган.

Юқоридаги ҳолатни қўплаб давом эттиришимиз мумкин. Бироқ мазкур далилларнинг ўзиёқ кўтарилган назарий масалаларни тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Богин Г. Модель языковой личности: Автореф. дис. ...д-ра филол.наук. -М., 1982. -С. 36.
2. Вопросы лингвоперсоналогии. - Барнаул: Алт. гос. ун-та, 2007. Ч.1. - С. 223.

3. Воркачев С. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. 2001. -№1. -С.64-72.

4. Маслова В. Введение в лингвокультурологию. - М.: Наследие, 1992.

5. Караулов Ю. Русская языковая личность и задачи ее изучения: вступительная статья // Язык и личность. -М.: Наука, 1989. С. 3-8.

O. SAIDAHMEDOVA, ToshDO'TAU

O'ZBEK-INGLIZ TILLARIDA "HOLVA" VA "PUDDING" REALIYA BIRLIKLARI

Lingvokulturologiya, tarjimashunoslik, qiyosiy tilshunoslik, madaniyatshunoslik, etnolingvistikaga oid tadqiqotlarda tillararo va madaniyatlararo farqliklarni o'rganishda realiya (lotincha realis – moddiy, haqiqatda mavjud) terminidan foydalaniladi.

O.S.Axmanovanning "Lingvistik terminlar lug'ati"da uchratish mumkin: "Tashqi lingvistika tomonidan o'rganiladigan turli omillar, xususan, ularning tilda ifodalinish nuqtayi nazaridan mazkur mamlakatning davlat tuzilishi, shu millatning tarixi va madaniyati, mazkur millat egalarining til aloqalari va hokazo"¹. Bu ta'riflarda biror tilga oid madaniy birliklarning boshqa tilda aks etmasligiga realiya sifatida qaraladi.

Har bir xalqning o'ziga xos bayramlari, urf-odat marosimlarida maxsus tayyorlanadigan shirinligi (shirinliklari) mavjud. Bu shirinlik milliy ramz sifatida shu xalq hayotida muhim o'rin tutadi. O'zbek xalqining milliy shirinligi – holva, holva un, shakar va yog'dan, ba'zan kunjut, mag'iz qo'shib tayyorlangan shirinlik² bo'lib, odatda, yigit va qiz unashtirilganda, kuyov tomonidan qiz tomonga yuboriladigan sovg'alarda, albatta, holva shirinligi bo'ladi. Chunki holvaning rangi oq va ta'mi shirin bo'lib, bu orqali turmush qurayotgan yoshlarning hayoti shunday oppoq boshlansin va hayotlari shirin davom etsin, ma'nosini anglatadi. Yangi chaqaloq tug'ilganida ham "Yigitmi – holva?" deb so'ralishi ham shundan. Holva realiya-birligi *holvapar* (holva tayyorlovchi), *holvaqurush* (holva sotish bilan shug'ullanuvchi shaxs) kabi realiya-birliklarining aniqlanishiga imkon tug'diradi. Shu jihatlarga ko'ra, holva realiya-birligi ingliz tilida realiya hisoblanadi.

Britanlarda ham bir qancha shirinlik turlari mavjud. Ularning ichida urf-odat va bayramlar bilan bir qatorda oilada biror muhim tadbir tashkil qilinganda ham (tug'ilgan kun, oilaning biror muhim sana yuzasidan yig'ilishi) tayyorlanadigan maxsus shirinlik – *pudding*dir. Pudding (...the last part of a meal when you eat sweet food (ovqatlanishning so'nggida iste'mol qilinadigan

shirinlik))¹ un, sut, tuxum aralashmasidan iborat suyuq xamirdan tayyorlangan, shakli kichkina qozonga o'xshash shirinlik² bo'lib, odatda, pudding biror qayla (asosan, go'shtli qayla) bilan namlantiriladi va murabbo, muzqaymoq bilan birgalikda dessert sifatida tanovul qilinadi. Puddinglar ichida eng keng tarqalgani Yorkshir puddingidir. Yorkshir puddingi butun qirollik bo'ylab Christmas (Yangi yil) bayrami uchun har bir oila tomonidan maxsus tayyorlanadi. Yangi yil puddingi konyak qo'shib tayyorlanadi, uning shakli qozonga o'xshash chuqur bo'lgani uchun uning ichiga tanga yoki bolalar uchun tumorlar solib qo'yiladi. Bu kelayotgan yangi yilda oila daromadi yaxshi bo'lishi va turli ko'ngilsizliklarning oldini olish ma'nosini anglatadi. Odatda, Yangi yil uchun tayyorlanadigan pudding bir hafta oldin tayyorlanadi va oilaning har bir a'zosi puddingni tebratadi, bu orqali ular tilak va istaklari kelayotgan yilda amalga oshishiga umid qiladilar.

Holva realiya-birligi ko'plab maqollar tarkibida uchraydi³: *Yaxshi bilan yo'ldosh bo'lsang, Holva bilan shakar. Yomon bilan yo'ldosh bo'lsang, Ohro'ying to'kar* maqolida yaxshilik holva bilan bog'lanadi, bunga sabab. o'zbek xalqida biror xayrli ish (asosan, to'y marosimlari) boshlanganda holva ulashiladi, bu uning oq rangi va shirinligi bilan bevosita bog'liq. *Loydan holva ajratib bo'lmas* maqoli o'zbek xalqida biror ishga behuda urinmoq ma'nosida ishlatiladi, holva tayyorlash oson ish emas, faqat mohir holvapazlar uni maromiga yetkazib tayyorlaydilar, shuning uchun uni oddiy shirinlik tayyorlovchilar tayyorlay olmaydilar.

Pudding realiya-birligi ishtirokidagi maqollar ham talaygina. Masalan⁴, *The proof of the pudding is in the eating* (Puddingning qanaqaligi bilish uchun uni yeyish kerak) maqolida ishning ustasi u qilgan mehnat natijasida bilinadi, mazmunida qo'llaniladi, pudding tayyorlash ham yengil jarayon emas, Buyuk Britaniyada puddingni eng yaxshi tayyorlovchi qandolatchilar yorshirliklar bo'lib, hozirda yorshirlik qandolatchilar tomonidan tayyorlangan puddinglar keng iste'mol qilinadi. *Praise is not pudding* (Maqtov – pudding emas) maqolida maqtov shirin, biroq uni puddingdek yeb bo'lmaydi, ma'nosida qo'llanadi.

Yuqorilardan shuni aniqlash mumkinki, har ikki madaniyatda ham o'ziga xos tayyorlanadigan shirinliklar mavjud bo'lib, ular xalqning muhim urf-odat va bayramlarida yaxshilik va umid, orzu ramzi sifatida qabul qilinadi. O'zbeklar uchun *holva* realiya-birligi ko'proq to'y marosimlari bilan bog'lansa, inglizlarda *pudding* realiya-birligi, nafaqat, maxsus bayramlar, balki kundalik hayotda ham keng iste'mol qilinadi. *Holva* shirinlik sifatida nonushta vaqti yoki choy bilan iste'mol qilinsa, *pudding* tushlik va kechki ovqatlardan so'ng gazak sifatida qabul qilinadi.

¹ Macmillan English Dictionary. Bloomsbury Publishing. 2002 P.1140.

² <http://www.projectbritain.com/food/dishes.htm#3>

³ O'zbek xalq maqollari. -Toshkent: Sharq, 2013. Quyida keltirilgan maqol namunalarini shu manbadan olingan

⁴ Quyida keltirilgan ingliz iboralari <http://www.phrases.org.uk/idioms/meaningd.html> saytidan olingan.

¹ Axmanova O. Лингвистический терминологический словарь. -М.,1966. - С.381.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5 том, 2006. -Б.550.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ахманова О. Лингвистический терминологический словарь. – М., 1966. –С.381.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5 том, 2006. –Б.550.
3. Macmillan English Dictionary. Bloomsbury Publishing, 2002.
4. O'zbek xalq maqollari. Toshkent: Sharq, 2013.

S. ZIYOTOVA, ToshDO'TAU

“UY” VA “OILA” KONSEPTLARINING ASSOTSIATSIYASI

Ma'lumki, tilda bilimlar qay tarzda aks etiriladi, bilimlar inson miyasida qanday shakllanadi, insonga nima u tomonidan qabul qilinayotgan so'zni tushunish va xotiradan aynan uning mulohazasining dastlabki maqsadiga mos keluvchi so'zni topish imkonini beradi kabi masalalar antroposentrik yondashuvning asosiy muammolaridan biridir. Tashqi olam inson ongida bir-biri bilan aloqador voqeliklar orqali aks etgani tufayli, ular assotsiativ tarzda biri ikkinchisini yodga tushiradi. Turli voqeliklarning ongda aks etgan assotsiativ aloqasi tilda ham bir-birini eslatuvchi birliklarning assotsiativ bog'lanishini yuzaga keltiradi. Assotsiatsiya lotincha “associatio” so'zidan olingan bo'lib, “qo'shilma”, “birlashma” ma'nosini bildirib, psixologik nuqtayi nazardan nervmiya faoliyati bilan bog'liq bo'lgan alohida alohida psixik aktlar, ya'ni tasavvurlar, fikrlar, his-tuyg'ular orasidagi bog'lanish va shu bog'lanishga asoslangan idrok bo'lib, o'xshashlik natijasidagi assotsiatsiyadir¹. Bu shunday aloqa turi hisoblanadiki, muayyan bir elementning yuzaga kelishi xotirada u bilan bog'liq boshqa bir unsur obrazining paydo bo'lishiga olib keladi. Bir so'z bilan aytganda, assotsiatsiya alohida olingan predmet, voqea-hodisa, faktlar aloqasining inson xotirasida aks etishi va saqlanishidir². Assotsiatsiya “Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati”da: “Til birliklarining shakli yoki mantiqiy-semantik belgisiga ko'ra birliklarining birlashuvidir”, deb izohlanadi³. Leksikaning tuzilmashtirilishiga psixolingvistik yondashuv spesifikasini belgilovchi, inson va vaziyat omili kabilardan keyingi, avvalgilaridan kam ahamiyatga ega bo'lmagan uchinchi omil – bu tajriba omilidir. Assotsiativ eksperiment an'anaviy lingvistik kabi “tayyor” matnni o'rganadi. Bunda jarayonni faqat “kuzatish usuli”, balki o'z nomi bilan tajribaga asoslangan holda amalga oshiriladi. Nutq faoliyatida assotsiativ qatorlarni assotsiativ tajribadan foydalangan holda aniqlash afzallikka egadir.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. 1 том. –Б. 110.

² Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик гадкики. –Тошкент, Фан. 2013. –Б. 81.

³ Хожиев А. Тилшunoslik terminlarining izohli lug'ati. –Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002. –Б.17.

Assotsiativ eksperiment uchun insondan ajratilgan til muhim emas, balki inson va uning nutqiy faoliyati ahamiyatlidir. Hozirgi davr tilshunosligining asosiy muammolaridan biri inson leksikonini shakllantirishdir. Bunda insonga “qabul qilinayotgan soʻzni tushunish va xotiradan uning mulohazasi maqsadiga toʻliq mos keluvchi soʻzni topish” imkonini beruvchi prinsiplar alohida eʼtiborga molik. Ushbu savolga javobni leksikaning tartiblashtirilganligi doirasida izlash zarur. Shu maʼnoda, leksikonni olingan maʼlumotni shakllantiruvchi, saqlovchi va u yerdan oson chiqarib olinuvchi tartibga solingan tizimni aks ettiradi deb hisoblash mumkin. Ye.S.Kubryakovaning yozishicha, leksikonning asosida assotsiatsiyalar yotadi¹. Biroq aynan bir soʻzga tegishli assotsiatsiyalar turlicha boʻlishi mumkin.

Tayyor matndagi oddiy nutqni anʼanaviy metodlar asosida oʻrganayotgan tadqiqotchi passiv kuzatuvchi rolini bajarsa, eksperiment tahlil qilganda u faoliyatning faol qatnashuvchisiga aylanadi. Shu tariqa, u eksperiment jarayoniga va uning xarakteriga taʼsir qila oladi. Tadqiqotchi holatni modellashtirish mobaynida tayyor matnni tahlil qilishga nisbatan nozik nutq mexanizmlarini koʻproq oʻrganadi; oddiy kuzatish metodiga nisbatan qisqa vaqt ichida koʻproq materialga ega boʻladi.

Maʼlumki, muayyan soʻz har qanday insonda turlicha maʼnolarni tashiydi. Bu, albatta, har bir insonning dunyoqarashi, tafakkur doirasi, uni oʻrab turgan ijtimoiy muhitdan kelib chiqib, unga berilgan stimuly soʻzga oʻzining munosabatini aks ettiradi. Til va tafakkur munosabatida “uy” konsepti bilan bogʻliq assotsiativ tajriba nafaqat respondentlar dunyoqarashi, tabiati, maʼlum bir xalqning madaniy xarakterini ochib beradi, balki bu tilshunoslikdagi assotsiativ bogʻlanishning turlari, unda inson leksikonini shakllantirishda bu bogʻlanishlarning darajasini aniqlashga ham yordam beradi. Shaxsning nutqiy tajribasiga asoslangan holda assotsiativ bogʻlanishlar, inson lugʻatining shakllashtiradi hamda assotsiatsiyalarning paydo boʻlish jarayoni insonning kognitiv faoliyatini taʼminlaydi. Assotsiatsiyalar haqidagi yangi qarash, inson leksikonining ichki shakllantirilishini aniqlashga qaratilgan tajribaviy tadqiqotlarning paydo boʻlishiga sabab boʻldi. Ushbu tajriba quyidagilardan iborat: sinalayotgan kishi unga taklif etilgan soʻz – stimuly soʻzga – miyasiga birinchi kelgan soʻz birlashmasi yoki reaksiya-soʻz bilan javob qaytarishi kerak. Ushbu holatda inson ongida yuzaga keluvchi bogʻlanishlar, uning assotsiativ tabiatini namoyon qiladi. Tilshunoslikda assotsiativ bogʻlanishlar ikki turga boʻlinadi: paradigmatik va sintagmatik assotsiativ bogʻlanishlardir.

1. Paradigmatik assotsiativ bogʻlanishlar: Paradigma yunoncha soʻzdan olingan boʻlib “*misol*”, “*namuna*” maʼnosini bildirib, til birliklari, grammatik shakllarning umumiy maʼnosiga koʻra birlashuvchi, xususiy maʼnosiga koʻra farqlanuvchi tizim. Paradigmatik munosabat esa bir paradigmatga birlashuvchi til

¹ Кубрякова Е. Номинативный аспект речевой деятельности - М.: Наука, 1986. - С. 159.

birliklarining o'zaro munosabatidir¹. Til tizimida so'z, tildan foydalanuvchilar ongida, unsurlari o'zaro qarama-qarshi qo'yish munosabatlari bilan bog'liq bo'lgan ma'lum majmuani tashkil etgan holda, boshqa so'zlar bilan assotsiativ bog'lanishlar hosil qiladi. Bir paradigমাга mansub bo'lgan a'zolar umumiy (birlashtiruvchi) belgiga ega bo'lishi bilan birga, har qaysisi bir-biridan farq qiladigan xususiy belgilariga ham ega bo'ladi. Xususiy (farqlovchi) belgilariga ega bo'lishi paradigma a'zolarining o'zaro zidlanishiga va alohida til birligi sifatida til sistemasida yashashiga imkon beradi. Bu muayyan umumiy belgi ostida birlashgan paradigma a'zolari o'zaro farqlovchi belgilar majmuasidan iborat ekanligini ko'rsatadi. Demak, har qanday paradigma a'zosi muayyan strukturaga ega bo'ladi². Ushbu majmuaga stimulo'so'z bilan aynan bir grammatik sinfga mansub va matnning ma'lum turlarida o'zaro bir-birini almashtira oluvchi so'zlar kiradi. Aynan paradigmatic assotsiativiyalar orqali so'zlovchilar ongidagi so'zlar o'rtasidagi munosabatlar tabiati yaqqol namoyon bo'ladi. Paradigmatic assotsiativiyalar lisonda turli semantik munosabat asosida har xil paradigma hosil qiladi. Jumladan, sinonimik, antonimik, graduonimik, giponimik munosabatlarni qamrab oladi.

O'zbek tilida "uy" va "oila" konseptlarining assotsiativlanishiga bag'ishlangan assotsiativ tajriba o'tkazildi va bu jarayonda 25 respondent ishtirok etdi, respondentlarga berilgan assotsiativiyalar jarayonida signal so'zlar reaksiya so'zlar bilan o'zaro munosabati o'rganiladi hamda assotsiativ tajribani paradigmatic va sintagmatic munosabatlarga muvofiq tahlil qilganda quyidagilarni kuzatamiz.

"Uy" stimulo'so'zida quyidagi paradigmatic assotsiativiyalar namoyon bo'ldi:

1. Sinonimik: uy – bino, turar joy; uy – baxt, sevgi.
2. Graduonimik: uy - Vatan → shahar → uy → bino → xonalar → oshxona.
3. Giponimik: uy – oila: ota-ona, aka-uka, jiyalar; uy – xonalar: oshxona, yotoqxona.

"Oila" stimulo'so'zining paradigmatic assotsiativiyasi quyidagi tartibda namoyon bo'ldi:

1. Sinonimik: oila – baxt, sevgi, bola-chaqa ("oila" mazmunini ifodalagan holda).
2. Giponimik: oila – oila a'zolari: ota-ona, aka-uka, opa-singil, er-xotin, farzand, opalarim, turmush o'rtoq, oyijon.
2. Sintagmatic assotsiativ bog'lanishlar: "Sintagma" yunoncha so'zdan olingan bo'lib "birlashgan narsa" degan ma'noni ifodalaydi. Nutqning mazmun va ritmo-melodik jihatdan bir butunlikni tashkil etuvchi semantik-sintaktik

¹ Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 74.

² Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филология фанлари доктори ... дис. автореферати. – Т.: 1999. – Б. 8.

birliги. Sintagmatik munosabat esa, til birliklarining jarayonida yuz beradigan xususiyatlari asosidagi munosabatdir¹. Ferdinand de Sossyur, assotsiativ bog‘lanishlar paradigmatic ravishda bog‘langan so‘zlar qatori ichida vujudga kelishi mumkin, deb hisoblagan. Keyinchalik, “so‘z semantikasi uning paradigmatic va sintagmatik bog‘lanishlar majmui bilan belgilanishi” ma’lum bo‘ldi. Sintagmatik bog‘lanishlar nutqda amalga oshirilgani kabi paradigmatic bog‘lanishlar tilda yuzaga chiqadi. Sintagmatik bog‘lanishlar nutqiy faoliyatning sintaktik qonuniyatlarini aks ettiradi. Stimul-so‘z reaksiya-so‘z bilan sintaksik munosabatlarga kirishadi va so‘z birikmasi yoki gapning grammatik asosini hosil qiladi². Sintagmatik assotsiatsiyalarni gap bo‘laklari kategoriyalariga ajratish mumkin: ot-sifat; ot-fe’l.

“Uy” stimul-so‘ziga quyidagi sintagmatik assotsiatsiyalar yuz berdi:

Ot - fe’l: uy – dam olish.

Uy – yashash joyim ot – so‘z birikmasi (fe’l + ot)

Uy - baxtli turmush ot – so‘z birikmasi (sifat + ot)

“Oila” stimul-so‘zining sintagmatik assotsiatsiyasi quyidagi tartibda namoyon bo‘ldi:

Oila - ovqat pishirish ot – so‘z birikmasi (ot + fe’l)

Oila - turmush qurish

Tajriba natijasida respondentlarning javoblarida stimul-so‘zlarga reaksiya-so‘zning ifodalinishida grammatik sinfiga tegishli bo‘lgan so‘zlar ustun, ya’ni turli ko‘rinishdagi paradigmatic assotsiatsiyalar ustun bo‘ladi, degan xulosa kelib chiqadi. Shuningdek, sintagmatik assotsiatsiyalar, asosan, leksik birliklarga nisbatan, so‘z birikmalari bilan ko‘proq munosabatga kirishganini ham ta’kidlab o‘tishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Денисенко В., Чеботарева Е. Современные психолингвистические методы анализа речево коммуникации. – М. 2008.
2. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филология фанлари доктори ... дис. автореферати. – Т.: 1999.
3. Кубрякова Е. Номинативный аспект речевой деятельности. - М.: Наука, 1986.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. I том.
5. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Т.: Фан, 2013.
6. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.

¹ Кўрсатилган манба. Ҳожиёв А. - Б. 84.

² Денисенко В., Чеботарева Е. Современные психолингвистические методы анализа речевой коммуникации. – М. 2008. - С. 99.

КОНТРАСТНИНГ СТИЛИСТИК КОНТЕКСТИ ТАВСИФИГА ДОИР

Контрастнинг бадиий матнда асосий маълумотни етказиш тамойилларидан бири сифатида ўз имкониятларини намоён этишини тадқиқ этиш тилшунослик илмининг долзарб муаммолари сирасига киради. Тилшуносликка доир тадқиқотларда контраст ҳодисасининг моҳиятини очиш баробарида унинг семантик, стилистик ва ритмик-синтактик контраст каби турлари мавжудлиги ҳам тилга олинади. Контрастнинг семантик турини белгилашда тушунчалар оппозициясига, одатда, бирга қўшила олмайдиган тарзда идрок этилишига асосланилади. Бу ҳодисанинг тилнинг лексик сатҳида луғавий бирликлар воситасида акс этиши оксюморон деб тушунилади. Стилистик контрастда эса контрастнинг услубий вазифаси нутқда образли, метафорик ифодаларни ҳосил қилиш усули сифатида хизмат қилишида кўринади.¹ Ритмик-синтактик контрастнинг ҳосил бўлиши бевосита матн билан боғлиқ бўлиб, унда ритм ва синтаксис ўртасидаги кучли тўқнашув назарда тутилади. Контрастнинг бу турининг ҳосил бўлишида қатнашувчи зидлик ифодаловчи жуфт компонентлар ўзига хос структур-семантик белги сифатида контрастга структур симметриклик бағишлайди²/ У тингловчи эътиборини етказилаётган маълумотнинг зиддиятли, воқеалар, ҳодисалар, қаҳрамонлар характер-хусусиятида акс этган қарама қарши, номувофиқ ҳолатларни акс эттирган маълум қисмига қаратади. Контраст матннинг семантик ва структур тартибланишини ҳосил қилади, тилнинг ифода тасвир воситалари ва тилнинг турли сатҳларига оид бирликларни сўзловчи ёки ёзувчи коммуникатив мақсади, матн, нутқий вазият кабиларга боғлиқ ҳолда маълум бир услубий вазифани бажаришга йўналтиради. "Айтиш лозимки, лисоний зид маънолилик бадиий нутқда муайян таъсирчанлик, ифодалиликнинг юзага келишига кўмаклашади, аммо бундай жуфтликлар барибир, тилда аввалдан бор бўлганлиги учун китобхон наздида қутилмаган эмас, қутилган воситалардир. Демакки, лисоний зид маънолилик ёзувчининг ўзи бадиий ниятига уйғун ҳолда асар матнида яратадиган, яъни контекстуал зид маънолиликка қараганда оҳорли бўлмайли, таъсирчанлиги, экспрессивлиги ҳам шунга яраша бўлади."³ Контраст ва унинг тил тизимида тутган ўрни ҳақида фикр юритганда таъкидлаш жоизки, унинг ўз функционал семантик-стилистик имкониятларини намоён қилиши бевосита халқ миллий дунёқараши, эътиқоди, маънавий хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, туркий

¹ Стилистический энциклопедический словарь русского языка/ Под ред. М.Н. Кожинной. - М.: Флинта. Наука, 2003. -С.483.

² Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. - М., 1969. -С.15.

³ Йўлдошев М.Чўлпон сўзининг сирлари. -Тошкент: Маънавият. 2008. -Б.19.

халқларда илонга нисбатан салбий муносабатда бўлинади ва у бадий адабиётда айёрлик, ёмонлик, фирибгарлик каби тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган образ сифатида қатъийлашган. Дунёнинг хитой, япон, корейс каби халқларида эса у ақллилик, донолик тимсоли сифатида унугланади. Ўтқир Ҳошимов “Икки эшик ораси” асарига персонажлардан бири – Раънонинг салбий муносабат ифодаси бўлган илонга ўхшатилиши ни, ўз навбатида, унинг фариштага қаршилантрилиши орқали контрастнинг ўзига хос бадий кўринишини юзага келтирган: Наҳотки? Шундай кўхли, шундай доно Раъно келинойим наҳотки илон бўлса? Шомурод тоғамни урушга кузатаётган кун ошхона деворининг орқасида ўқиб-ўқиб йиғлаганини ўзим эшитгандим-ку! Эрининг оёғига тиз чўкиб илтижо қилганида ошқоқ кўйлагининг этаги лой бўлиб кетганини ўзим кўрган эдим-ку! Ўшанда кўзимга оппоқ фаришта бўлиб кўринган Раъно миям шу эмасмиди! Бугун худди ўша кўйлагини кийиб олиб, Умар икунчи билан... Фариштанинг илонга айланиши шунчалик осон экан-да! (У.Ҳошимов) Контрастнинг стилистик контекстида контрастнинг таъбири турли сатҳларга оид бирликларнинг кўп ўлчовли қарама қаршилиги воситасида берилади. Бунда таққослаш учун асоснинг тизимнинг бошқа аъзоларига ҳам тарқалиши натижасида аъзолар ўртасида зиддиятнинг юзага келиши назарда тутилади. Контраст бадий матнда ёйик характерга эга ва матн композицион қурилишига зиддиятнинг алоҳида намоён бўлиши сифатида кириши, шунингдек, матннинг маълум қисмида лисоний воситалар комбинацияси ва стилистик усулларнинг мураккаб ҳодиса, иерархиянинг белги, хоссалари хусусиятларига кўра ўхшашлигига кўра жамланганининг кўриниши сифатида акс этади. Чунки бадий матнларда асар иштирокчилари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик муносабатларини кўрсатишда муаллиф кўпинча ўзаро оппозиция ҳосил қилувчи бирликлардан фойдаланади. “... ҳар қандай нутқий коммуникациянинг юзага келиши, воқеланишида уч асосий унсурнинг иштироки мазбурийдир, яъни сўзловчи (ёзувчи) – ахборот (матн) – тингловчи (ўқувчи).”¹ Ҳозирги давр тилшунослигида антонимия ҳодисасини сўзларнинг семантик тузилиши жиҳатидан тадқиқ этишининг янги босқичи майдонга келди. Бунда антонимия ҳодисаси семасиологик эмас, ономасиологик таҳлил этила бошланди, яъни шаклдан маънога эмас, маънодан шаклга бориш тамойили кучайди. Натижада антонимия ҳодисаси прагматик сатҳнинг ҳам тадқиқ объектига айланди.² Контрастнинг стилистик контексти қисмлари орасида ўзаро зидлик ётади ва мазкур зиддият мувофиқлашувчи кўп поғонали мураккаб тузилишга эга. Бинарлик, яъни иккилик контраст стилистик контекстининг муҳим таъсифи ҳисобланади ва унинг лексик, синтактик, стилистик сатҳларида иерархик тузилишида кузатилади. Контрастни тилнинг фақат маълум

¹ Ўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент, Фан. 2008. –Б.30-31.

² Раҳимов У. Зидланги асосидаги пресуппозиция // Тил ва адабиёт таълими. 2005, 6-сон -Б.26.

сатҳига тегишли деб чегаралаш хато бўлади. Унинг чегаралари сўз бирикмаси, гап, матн доирасида бўлиши мумкин. Контраст сўз бирикмаси контекстида ўзига хос оксюморонли ва сўз бирикмаси типидagi икки модел кўринишида амал қилади. Услубий нуқтаи назардан оксюморонлар нутқнинг турли кўринишларида контраст тузилишига киришда нутқ иштирокчилари томонидан идрок қилинадиган воқелик ҳодисаларининг зиддиятли эканлигини таъкидлайди, бадий матиларда оксюморонлардан фойдаланишда уларнинг қутилмаган томонларини ифодалаш орқали янги маънони юзага келтириш назарда тутилади. Контраст турларидан бўлган оксюморон лексик бирикларнинг маъносига кўра зид бирикнишини ифодалайди ва натижада янги маъноли тушунча ҳосил бўлади. Оксюмороннинг асосий вазифаси муаллифнинг тасвирланаётган ҳодисага бўлган шахсий муносабатини ифодалашдир.¹ Оксюморон “Бадий кўчим турларидан бири бўлиб, таркибидagi карама-қарши маъноли тушунчалар янги бир қутилмаган маънони келтириб чиқаради. Оксюморондagi мана шу хусусият кучли образлилик касб этади.² Оксюморон бошқа воситалар қатори контраст тузилишига киради ва тасвирланаётган ҳодисага муаллиф баҳосини акс эттиради. “Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати”да оксюморонга шундай изоҳ берилган: Оксюморон (юн. охутороп - фаросат билан, лекин бемаъни). Мантқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига карама-қарши бўлган икки тушунчани (маъноси бир-бирига зид икки сўзни) ўзаро қўшишдан иборат услубий фигура; бадий адабиётда образлилик, ифодалилик каби мақсадларда кенг қўлланади: *Кезадир булутлар бошим устида. Ҳаво дим. Бакдиган сўнат...* (Р.Парфи). *Гузалим, негадир кўзингда нам бор? Бу кун кўзларингда нозик бир гам* бор (М.Шайхзода)³.

Тадқиқотларда стилистик контекстнинг муҳим белгилари сифатида куйидагилар кайд этилади:

- такрорлар ва контрастлар (лексик-семантик сатҳда), шунингдек, бир хил бўлган, маъноси мос ёки аксинча бўлган антонимик сўзларни такрорлаш, шунингдек, бир хил ёки аксинча бўлган карама қарши баҳоловчи сўзлар;

- эквивалент позициядаги элементлар эквивалентлиги ва шу билан боғлиқ ҳолда ўзаро таъсир, ёки контекстуал яқинлашув (контрастда бу бир-бирдан узоқлашиш бўлиши мумкин), маъноси ёки коннотация характерига кўра уларнинг контекстга яқинлиги таъсири остидаги сўзлар;

- турли сатҳлардаги транспозиция, сўзларнинг ноодатий предметларга тааллуқли эканлигига кўра қўлланиши (семантик сатҳда),

¹ Кухаренко В. Интерпретация текста. -М.: Просвещение, 1978. -С.123.

² Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1983. -Б.226.

³ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. -Тошкент, Ўзбекистон мияллий энциклопедияси, 2002. -Б. 74.

олатдаги боғланишнинг бузилиши (лексик сатҳда), ноодатий синтактик вазифада қўлланиши (синтактик сатҳда).¹

Стилистик контекст бутун матн ёки унинг маълум бир қисмида ягона образлар системасини ҳосил қилувчи стилистик усулларни жамлаш хусусиятига эга. Унинг доираси тўғри синтактик алоқалар билан чегараланмайди, аммо стилистик вазифанинг намоён бўлиши учун йўналтирилган барча алоқа ва муносабатларни қамраб олади. Кўринадики, стилистик контекст матннинг стилистик вазифаси ва тузилишига боғлиқ.

Юқорида тилга этилган тавсифларнинг кўпчилигида контраст тадқиқ объекти сифатида тилга кайд этилган. Контраст тушунчаси стилистик усул тушунчасига нисбатан кенг ва шунинг учун уни маълум бир ҳолатни кўрсатувчи контекстлар системасига киритиш мумкин. Маълум бир ҳолатни кўрсатиш эса санъатнинг тузилиш тамойили ҳисобланади ва яхлитлигича поэтик тузилмадан ажратиб бўлмайди. Контраст матндаги такрорланиб турувчи ҳодисадир.

Г.В.Андреевнинг ёзишича, “контраст стилистик контекстнинг асосий кўринишларини намоён қилади, хусусан, 1) контраст матннинг семантик ва тузилишига кўра тартибини юзага келтиради; 2) иккинчи турдаги маълумот пайдо бўлишини кучайтиради; 3) тилнинг ифода-тасвир воситаларини, тил элементларининг турли сатҳлардаги услубий вазифасини амалга ошириш учун жалб қилади.”² Шундай қилиб, тилимиздаги зиддият ифодаловчи воситаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ва контекст чегаралари ва тил сатҳларида тутган ўрнини белгилашга ёрдам беради.

D.KARIMOVA, ToshDO'TAU

MAQOLLARNING LINGVOKULTUROLOGIK XUSUSIYATI

O'zbek tilshunosligida XX asrning so'nggi choragida yangi yo'nalish sifatida yuzaga kelgan antroposentrik paradigma insonni til ichida yoki tilni inson ichida tahlil etishga yo'naltirilgan sohadir. Antroposentrik tilshunoslikning yetakchi yo'nalishlaridan biri lingvokulturologiya tilshunoslik, madaniyatshunoslik, psixolingvistika sohalari hamkorligida yuzaga kelgan, tilning madaniyat, etnos, milliy mentallik bilan o'zoro aloqasi va ta'sirini antroposentrik paradigma tamoyillari asosida o'rganuvchi sohadir. N.Mahmudov ta'kidlaganidek, “antroposentrizm tilshunoslar tomonidan faqat til tadqiqigagina nisbatlangan tushuncha yoki paradigma emas, antroposentrizm

¹ Арнольд И. Лексико-семантическое поле в языке и тематическая сетка текста. // Текст как объект комплексного анализа в вузе. -Л., 1983. -С.3-11.; Баникова И. Контекстные характеристики семантически осложненных слов в современном английском языке: Автореф дис... канд филол. наук. - Л., 1974. -С.29-35.

² Андреева Г. Языковое выражение контраста и его стилистические функции в художественной прозе (на материале английского языка): Авто-реф. дис... канд. филол. наук: -Л., 1984 -С.30.

bevosita tilning mohiyatiga daxldor hodisadir. Antroposentrik paradigmda inson asosiy o'ringa chiqariladi, til esa inson shaxsini tarkib toptiruvchi bosh unsur hisoblanadi."Tilshunoslikda e'tirof etilganidek, antroposentrik paradigma qiyosiy-tarixiy va sistem-struktur paradigmalardan keying uchinchi paradigma hisoblanadi. Kognitiv tilshunoslik, sotsiolingvistika, etnolingvistika, psixolingvistika, neyrolingvistika, pragmatika va lingvokulturologiya antroposentrik paradigmaga asoslangan eng muhim sohalar hisoblanadi. "Lingvokulturologiya" termini esa V.N.Teliya rahbarligidagi Moskva frazeologik maktabi tomonidan olib borilgan tadqiqotlar bilan bog'liq ravishda paydo bo'ldi. Lingvokulturologiyaning asosiy ildizi B.fon Gumboldtga borib taqaladi. Lingvokulturologiya bugungi kun tilshunosligida ravnaq topib rivojlanayotgan yangi sohalaridan biridir. Bu sohada ayniqsa V.N.Teliya, V.V.Vorobyov, N.I.Tolstoy, Y.D.Apresyan, Y.A.Yakovleva, V.A.Maslova va boshqalarning ishlari ahamiyatlidir. Ular o'z tadqiqotlarida tilda o'z aksini topgan va mustahkam o'rnashgan xalq madaniyatini namoyon bo'lishini yoritganlar. O'zbek tilshunosligida esa atoqli tilshunos N.Mahmudov ta'kidlaganidek, "lingvokulturologiya tilni til – madaniyat – inson" uchligi doirasida o'rganib, bu fan bugun keng iste'molda bo'lgan milliy ong, milliy tafakkur, milliy madaniyat, milliy ma'naviyat, milliy mentalitet, milliy xarakter kabi juda ko'plab tushunchalarning asosini til tashkil etishi, tilsiz ularning mohiyati barqaror bo'la olmasligini ochib berishni asosiy maqsad deb biladi. V.Vorobyov lingvokulturologiyani quyidagicha ta'riflaydi: "...Lingvokulturologiya – bu sintez qiluvchi shakldagi majmuiy ilmiy fan, bu fan madaniyat va tilning faoliyatini o'zaro aloqa va hamkorligida o'rganib, bu jarayonni til va tildan tashqari madaniy mazmuni birliklarining mukammal va yagona tarkibda tizimli uslublar yordamida va zamonaviy yo'nalishlar va madaniy me'yorlarga normalar va umumbashariy qadriyatlarga qaratilganini aks ettiradi.

Lingvokulturologiyada bugungi kunga kelib bir necha yo'nalishlar shakllangan bo'lib, ularning biri qiyosiy lingvokulturologiyadir. Qiyosiy lingvokulturologiyada ikki va undan ortiq til va madaniyatning umumiyliги va farqi aniqlanadi, har xil lingvokulturalarning (lingvomadaniyatning), lekin o'zaro bog'liq etnoslarning namoyon bo'lishi o'rganiladi. Lingvokulturologiyaning eng asosiy xususiyati u yoki bu hodisani ham madaniyat kontekstida ham til kontekstida barobar ravishda kuzatishdan iboratdir. Lingvokulturologiyaning asosiy obykti madaniyat va tilni faoliyat jarayonida o'zaro bog'lanishi, o'zaro ta'siri va bu o'zaro ta'siri sharhini til ma'lumotlari asosida bir butun tizimli yaxlitlik sifatida o'rganishdan iboratdir. Lingvokulturologiya predmeti sifatida til birliklari, nutq faoliyati elementlari va insonning nutqiy xulqi ishtirok etadi, bular madaniyatga tegishli omillar orqali aniqlanadi va bu masala o'z navbatida til belgilarining madaniy semantikasini o'z ichiga qamrab oladi.

O'zbek va ingliz tillaridagi maqollarni qiyoslagan holda millat tarixi va madaniyatining tilda qay darajada voqe bo'lishini tahlil qilishga harakat qilamiz. Maqol arabcha "so'z" degan ma'noni bildiradi. U "O'talar so'zi" deb ham yuritiladi. Xalqning hayotiy tajribalari asosida yuzaga kelgan, dono fikrlarni ixcham shaklda ifodalovchi asar maqol deyiladi. Maqollar she'riy yoki nasriy tuzilishga ega bo'ladi. Maqollarda fikr aniq, xulosa tugal, ifoda lo'nda bo'ladi va, albatta, ibratli fikr aytilishi talab etiladi. Bu fikr hukm shaklida bo'ladi. Maqollar insonni odob – axloqqa o'rgatadi. Maqollar ko'p asrlik hayotiy tajribalar, doimiy kundalik kuzatishlar xulosasini tugal fikr tarzida qat'iy qutbiylikda ifodalar ekan, ularda har bir so'zning ma'no xilma-xilligi, iboralarning turg'unligi, shakliy barqarorlik ustunlik qiladi. Ammo qo'llanish o'rniga qarab ularning ma'no doirasi doimiy ravishda kengayib boradi. Shuning uchun ham maqoldagi har bir so'zga alohida e'tibor berish kerak. So'z san'atining mahsuli sifatida maqollar ham badiiyat hodisalaridir. Ularda bir so'zning o'nlab ma'no qirralari, badiiy tasvir vositalari, poetik ko'chimlarining barcha namunalari uchratish mumkin: *Qo'lqop kiygan mushuk sichqon ovlay olmaydi. // A sat in gloves catches no mice.* Bu qiyosiy tahlilimizga ko'ra har bir xalqning urf – odati, yashash tarsi, mentalitet va til jarayonlarida namoyon bo'ladi. Kishi o'ta xushmuomala bo'lgan taqdirda ham, ba'zan istagan narsasiga erisha olmasligi nazarda tutiladi. Ya'ni hayotda ba'zan qattiqqo'llik va sobitqadamlik ko'proq samara beradi. Ma'lumki, inglizlar o'zlarining xushmuomala bo'lganliklari barobarida o'ta qattiqqo'l va sovuqqonliklari bilan ham mashhurdirlar.

Madaniyat va tilning faoliyat jarayonida o'zaro bog'lanishi, o'zaro ta'siri va bu o'zaro ta'sir sharhini til ma'lumotlari asosida bir butun tizimli yaxlitlik sifatida o'rganishdan iborat bo'lgan bu yo'nalish qiyosiy lingvokulturologiya hisoblanadi. Qiyosiy lingvokulturologiyada quyidagi tushunchalar asosiy deb qabul qilinadi: olamning milliy til (lisoniy) manzarasi, lisoniy shaxs, lingvokulturtema, fe'l-atvor lingvokulturtemasi, aksiologik lingvokulturtema, madaniyatning asosiy oppozitsiyalari.

O'zbek xalqining madaniy meroslaridan biri bo'lgan xalq og'zaki ijodiga doir manbalar ayniqsa, maqollar xalqimiz san'ati va madaniyatini, uning milliy tilidagi turli qirralarini o'zida saqlab avloddan avlodga yetkazib beruvchi vosita zanjiridir. Shu sababli ham tilni lingvokulturologik nuqtai nazardan maqollar bilan bog'lab o'rganish maqsadga muvofiqdir.

Qahramon faqat yo'lbars vafotidan keyin ko'rinadi. // A hero only appears once (when) the tiger is dead. Ushbu maqol istehzomuz tarzda qo'llanib, yov ketgandan keyin paydo bo'ladigan "vatanparvar" va "botir" larga qarata aytilgan.

Maqollarda shunday so'z va iboralar qo'llanganki, ushbu so'z va iboralar asrlar davomida xalqning milliyligini o'ziga singdirgan va hech qanday izohsiz milliy mentalitetni ko'rsatuvchi vosita sifatida ko'rsatiladi. So'z san'atining mahsuli sifatida maqollar ham badiiyat hodisalaridir. Ularda bir

so'zning o'nlab ma'no qirralari, badiiy tasvir vositalari, poetik ko'chimlarning barcha namunalari uchirish mumkin. Masalan, qaysi ma'qol tarkibida kelishiga qarab birgina yomon so'zi yomonlikdan tashqari xudbinlik, dushmanlik, qo'rqqoqlik, nodonlik, ilmsizlik, odobsizlik, manmanlik, noshudlik, yolg'onchilik, sabrsizlik, bevafoqlik, ochko'zlik va hokazo ma'nofarni ifodalaydi.

Hozrgi vaqtda lingvokulturologiya dunyo, xususan, rus tilshunosligida eng rivojlangan sohalaridan biri bo'lib, bu borada salmoqli tadqiqotlar, bir qancha o'quv qo'llanmalar yaratilgan. Mazkur sohaga oid ishlarda tadqiqotchilarning olamning lisoniy manzaralari, lingvomadaniy konseptlar, pretsedent birliklar, intertekstuallik, lisoniy ong, barqaror birliklarning lingvomadaniy xususiyatlari kabi masalalarga katta e'tibor qaratayotganliklarini kuzatish mumkin. Bunday tadqiqotlarda tilning barcha sathlari birliklari, xususan, so'z va matnning tamoman yangicha talqini va tahlili ustuvorlik qiladi. Bunda lisoniy birliklarning nafaqat til qonuniyatlari, balki jamiyat, inson, madaniyat, ruhiyat, milliy mentalitit kabi omillar nuqtayi nazaridan ham tadqiq etilishi til ilmida yangi g'oyalar, yangi ilmiy qarashlar va tamoyillarning yuzaga kelishiga sabab bo'ldi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, antroposentrik tilshunoslik markazida inson turadigan tilshunoslik bo'lib, lingvokulturologiya uning tarmoqlaridan biri hisoblanadi va lingvokulturologiya tilni "til-madaniyat-inson" uchligi doirasida o'rganadi. Til va madaniyat munosabati, til tizimidagi milliy o'ziga xos elementlar boradagi ishlar o'zbek tilshunosligida keyingi yillardagina shakllanmoqda. Lingvokulturologiya masalalariga doir tadqiqotlar, lug'atlar yaratilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mahmudov N. Tilning mukammal tadqiqi yo'llarini izlab...// O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2012. - № 5. – B. 6.
2. Телия В. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – Москва: Школа «Языки и культура», 1996. -С.14.
3. Mahmudov N. O'xshatishlar va milliy obraz // O'zbek tili va adabiyoti. - Toshkent, 2012. №1. -B.3-8.
4. Маслова В. Лингвокультуроология. – Москва: Академия, 2004.
5. Воробьев В. О статусе лингвокультуроологии // Русский язык, литература и культура на рубеже веков: Тезисы докладов и сообщений IX конгресса МАПРЯЛ. – Братислава, 1999. -С.126.

ЛИСОНИЙ КОНЦЕПТ ТУШУНЧАСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ - СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Тафаккур, жумладан, тил (лисон) ташқи борлиқни ифодалайди. Шундай экан, тил билан борлиқ узвий алоқадир. Тил ва олам муносабати фалсафадаги марказий муаммолардан биридир, шунинг учун ҳам бу масалага бағишланган бир қанча асарлар майдонга келди¹.

Файласуфлар бу масала юзасидан турлича фикрларни баён қиладилар. Шу сабабли файласуфларнинг тил ва олам алоқасига бўлган муносабатига ёндашув бўйича бир қанча йўналишлар вужудга келди. Уларнинг бир гуруҳи тил ва олам алоқасига бўлган муносабатига ёндашув масаласида улар узвий алоқадор, тил бевосита объектив оламни ифодалайди, деган тезисни баён қилсалар, бошқа файласуфлар тилнинг борлиқ билан бўлган муносабатини рад этадилар².

Тилнинг олам билан бўлган муносабатини эътироф этувчиларнинг ўзи ҳам тил борлиқни бевосита ифодалайдими ёки билвосита ифода этадими, деган масалага турлича жавоб берадилар. Бир гуруҳ файласуфлар объектив оламни ифодалашда субъектнинг родини тан оладилар, объектив олам онг (тафаккур) орқали тилда ўз ифодасини топишини баён қиладилар. Бошқа йўналишдаги файласуф-тилшунослар эса, тил объектив оламни бевосита ифодалашини эътироф этадилар. Улар жодугар, сув париси, дев сингари афсонавий тушунчалар борлиқда йўқлигини, аммо унинг тилда ифодаланшини, борлиқ элементлари (*ташқи этувчилари*-У.Й.) билан тил унсурлари ўртасида номуофиклик мавжудлигини асос қиладилар.³

Тил билан олам ўртасидаги муносабат ҳақида гап кетганда, мутахассисларнинг бу муносабатини ёритишдаги икки хил йўналишда бўлган ёндашувларини кўрсатиб ўтиш лозим: тил шаклларида борлиққа ва аксинча, борлиқдан тил шаклларига. Жумладан, ёш грамматикачилар, асосан, “шаклдан маънога” тамойилига асосландилар. Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асарида ёш грамматикачиларнинг бу тамойили эркин баён қилинади.⁴

Бугунги кунда фалсафий адабиётларда тил ва борлиқ муносабатига бағишланган асарларда борлиқни тилда онг орқали ўз ифодасини топиши эътироф этилади. Шунинг учун ҳам номлаш жараёни борлиқ

¹ Аверьянов А. Методологические проблемы типологии диалектических противоречий // Вопросы философии. 1981, № 2, -С. 55-57; Бобосов Е. Диалектика анализа и синтеза в научном познании. - Минск: АН БССР, 1963. -С.328-343.

² Панфилов В. Взаимоотношение языка и мышления. -М.: Наука, 1971. -С.136; Пауль Г. Принципы истории языка. -М.: Изд-во Иностранной литературы, 1960. -С.7-9.

³ Панфилов В.В. Взаимоотношение языка и мышления. -М.: Наука, 1971. -С.17.

⁴ Пауль Г. Принципы истории языка. -М.: Изд-во Иностранной литературы, 1960. -С.75-76.

элементларининг онгда акс этиши ва бу акс этган, умумлашган образни тилда ўз ифодасини топиши босқичларини ўз ичига олади.

Бизни қуршаб турган борлиқ инсон онгда турли шаклларда акс этади (тушунча ва ҳукм) ва у тил орқали ўз ифодасини топади.¹

Систем-структур тилшуносликда борлиқ ҳақида муайян ахборот ташувчи воситалар *белги* саналади. Тил белгилар системаси ҳисобланади, унинг белгилар системасидан иборатлиги жуда оз бирликлар воситасида чексиз ахборот бериш имкониятига йўл очади. Зеро, моддий борлиқдаги нимаики нарса олиб текширилса – *ташқил этувчиларга* ажратилса, ҳаммаси моддий оламнинг турли шаклдаги кўриниши, бўлаги ҳисобланади. Бу масалани мазмун ва шакл диалектикаси аспектида таҳлил қилганимизда *нарсани* – *бутунни* ташқил қилган элементларнинг, бир томондан, ўзаро боғлиқлигини, уларнинг ўзаро таъсири ва шу таъсир туфайли нарсалардаги ўзгаришларни, иккинчи томондан, нарсанинг тузилишини ташқил қилган, нисбатан тўғри боғланишлар системасини назарда тутган эдик. Аммо моддий нарсанинг мураккаблик-бутунлик моҳиятини муфассал текширадиган бўлсак, бу мураккабликнинг алоҳида томонлари ва тузилиши ўртасидаги муносабатларни *очиш зарурияти* вужудга келади. Бундай муносабатлардан, масалан, нарсани ташқил этувчи элементлар билан улар ўртасидаги боғланишларнинг турғун системасини олиш мумкин. Бу муносабатлар диалектикаси “элемент” ва “структура” каби фалсафий категорияларда ўз аксини топади.

Маълумки, *элемент* – бу ўзаро алоқада бўладиган, бир бутун системани ташқил этувчи нарса ва ҳодисаларнинг таркибий қисми. *Структура* эса, бутунни (нарсани) ташқил қиладиган элементларнинг боғланиш усули, қонуни, бутун гуруҳидаги муносабатлар системасидир. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, структуранинг таркибий қисмида элемент, яъни ташқил этувчи тушунчаси когнитив тилшуносликда концепт атамаси билан номланади.

Концепт, хусусан, лисоний концепт бошқа лисоний бирлик (ЛБ)лар сингари шу тилда сўзлашувчилар учун *ажралиш, алоҳидалик* хусусиятига эга. Чунончи, “*ҳурмат*” лисоний концепти (қисқ.-ЛК)ни олиб кўрайлик. “*Ҳурмат*” маъноси ўзининг семантик структурасида бўлган алоҳида шахсга нисбатан қўлланилган *Сиз* олмошида *ҳурмат* маъносининг воқеланиши учун *у алоҳида оҳанг* билан айтилиши ва *махсус қуршовда* қўлланиши зарур. “*Ҳурмат*” оҳанги (фонетик-фонологик сатҳ) ва *ҳурмат* қуршови (синтактик сатҳ) дан бошқа оҳанг ва қуршовида *Сиз* олмоши кесатиш, таққирлаш, камситиш, ҳатто хўрлаш маъноларига эга бўлиши мумкин. Демак, “*ҳурмат*” маъноси семантик структурасида ифодаланган лексеманинг қўлланишида ҳам “*ҳурмат*” маъноси билан мустаҳкамланиши, таъкидланиши зарур ва сўзловчилар ҳам фонетик-

¹ Панфилов В.З. Взаимоотношение языка и мышления. –М.: Наука. 1971. –С.26-31.

фонологик, ҳам лексик-семантик сатҳларда воқеланган “хурмат” концептини *хурматсизлик, кесатиш, кўплик* ва ҳ.к. концептлардан фарқлайдилар. Худди шунга ўхшаш, *ота-отажон, дада-дадажон, дадам-дадажонгинам, ота-қиблагоҳ, келмок-ташириф буюрмоқ* каби лексемалар ва сўз шаклларида сўзловчилар *хурмат* маъноси борлигини бемалол фарқлайдилар. Шунингдек, *директор буюрди* ва *Директор буюрдилар* каби синтактик қурилмаларида ҳам “хурмат” маъноси ифодаланган ёки ифодаланмаганлиги билан фарқланиши равшан кўриниб турибди.

Демак, *лисоний концепт* тилнинг барча сатҳларида воқеланганда тил жамияти аъзолари томонидан бемалол ажратилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, *лисоний концепт* системавий тилшуносликда ажратиладиган тилнинг қурилиш бирликлари – фонема, морфема, лексема ва қолип (модель, қурилма)лар сингари *тайёрлик* ва шу жамият аъзолари учун *умумийлик* белгисига эга. *Лисоний концепт* (ЛК) *такрорланувчанлик* хусусиятига ҳам эга. Буни “хурмат” маъносининг юкорида кўриб ўтган фонетик-фонологик, лексик-семантик ва грамматик сатҳларнинг қатор бирликларида такрорланишида кўриш мумкин.

*Лисоний концепт*нинг тил-қурилиш бирликларидан ва ҳатто бу структур бирликларнинг компонент таҳлили асосида ажратиладиган дифференциал белги, сема, граммема, оппозицион белги ва ҳоказолардан туб фарқи шундаки, мазкур қурилиш бирликлари ва уларнинг таркибий қисмлари тилнинг алоҳида сатҳлари бирликларига хос бўлса, ЛК эса *тилнинг барча сатҳлари семантик – функционал томонига* хосдир. Мана шу биргина хусусияти билан *лисоний концепт* бошқа лисоний бирликлардан кескин фарқ қилиб туради. Бу фарқи кимёдаги молекула ва атом орасидаги тафовут билан қиёслаш мумкин. Шунинг учун маълум даражадаги ишонч ва журъат билан тахмин қилиб айта оламизки, ЛК тилнинг семантик- функционал томони учун моддий борликда Демокрит кимёвий атомидек *реал* ва *ҳақиқий* ҳодисадир.

Бир ЛК атрофида бирлашувчи тилнинг турли хил сатҳ бирликлари ва воситаларини шартли равишда *лисоний концептуал гуруҳ* атамаси билан номлашга журъат этдик. Бу атама тилимизда бўлган шу ҳодисани фанимизда хусусий маъноларга эга бўлган *тўплам, гуруҳ* ва *қуриш*овдан ажратиб туришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Дарҳақиқат, бу ерда-кичик илмий ахборотда илгари сурилган фикрлар маълум даражада фараз ва ҳали кўп марта синовдан ўтмоғи, амалиёт билан тасдиқланиши, тилнинг тилшунослик фани учун табиатдаги моддий борлиқнинг ҳодисалари билан мустаҳкамланиши лозим. ЛК тушунчаси ҳам *тил табиати билан тасдиқлангач*, “валентлик” сингари лисоний ҳақиқатга айланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аверьянов А.М. Методологические проблемы типологии диалектических противоречий // Вопросы философии. 1981, № 2. -С. 56-57.

2. Бобосов Е.М. Диалектика анализа и синтеза в научном познании. – Минск: Изд-во АН БССР, 1963. –С. 328.
3. Панфилов В.З. Взаимоотношение языка и мышления. –М.: Наука, 1971.
4. Пауль Г. Принципы истории языка. –М.: Изд-во Иностранной литературы, 1960.

ПРАГМАЛИНГВИСТИКА

М. АБДУРАХМАНОВА, НУУЗ

ПРАГМАЛИНГВИСТИКА И РИТОРИКА

Антропоцентрическая парадигма (переключение интересов исследователя с объектом познания на субъекта, т.е. анализируется человек в языке и язык в человеке) – господствующая в лингвистике с конца прошлого столетия, обусловила возникновение целого ряда междисциплинарных наук, в число которых входит и прагмалингвистика (греч. pragma – дело, действие; род. п. pragmatos – дело, действие). Прагмалингвистика занимается изучением воздействия речи на человека. Прагмалингвистика имеет своим предметом систему прагматических, то есть воздействующих средств языка и изучает закономерности их функционирования в речи. Результаты исследований в области прагматики оказываются весьма полезными для риторики. Так как успех ораторского выступления, да и любой речи зависит от того, как высказывания соотносятся с ситуацией. Ядром прагмалингвистики является теория речевых актов. Речевой акт- это сложное образование, состоящее из трёх одномоментных актов: локутивный, иллокутивный и перлокутивный. Эти компоненты отражаются в самом высказывании и потому успех речи зависит от того, как спланированы содержания и формы высказывания. Все эти аспекты имеют существенное значение для риторики и культуры речи, так как конкретные рекомендации относительно построения речи зависят от типа речевого акта и других его прагматических характеристик. Прагмалингвистика, изучающая отношение знаков языка к людям, которые ими пользуются, показывает, зачем была сказана данная фраза, что должно последовать далее. В прагматике используется разработанная Дж. Серлем классификация речевых актов. Каждый тип речевого акта предполагает соблюдение некоторых специальных условий коммуникации. Изучаемые прагматикой условия и средства соотношения мира вещей с миром слов и в обратном направлении представляют большой интерес для риторики и культуры речи, так как каждый говорящий в общении с

людьми заинтересован в максимально точном описании мира вещей словами и верном раскрытии смысла слов собеседника. В прагмалингвистике выделяют следующие единицы общения: речевое событие, речевую ситуацию и дискурс. Речевое событие – это некое законченное целое со своей формой, структурой, границами. Основными составляющими речевого события является кому, что, кто, каким образом и при каких обстоятельствах будет говорить. Под речевым событием понимается конкретный факт речевой активности, направленной на создание и понимание текста в целях общения.

Речевая ситуация – представляющая собой условия, обстановку, в которой происходит речевое общение между участниками, включая самих участников, которые существенно влияют на речевое событие. Речевая ситуация диктует правила ведения разговора и определяет уместность тех или иных стилистических средств языка, поэтому правильное понимание речевых ситуаций необходимо каждому человеку для того, чтобы его высказывания соответствовали нормам культуры речи. Дискурсом называют текст в совокупности с экстралингвистическими характеристиками акта общения (прагматическими, социокультурными, психологическими и др.), т.е. текст, взятый в событийном аспекте, различные виды речевой практики, например обычный повседневный разговор, интервью, лекция, деловые переговоры и др. Для гармонизации общения важно, чтобы собеседники отдавали себе отчет в каждом из своих речевых поступков. Если речевые действия собеседников сознательны и преднамеренны, то они могут быть рассмотрены с позиций коммуникативного кодекса. Основными категориями, формирующими этот кодекс, являются коммуникативная цель и коммуникативное намерение. Главными принципами коммуникативного кодекса являются: принцип кооперации Г. Грайса и принцип вежливости Дж. Лича. Принцип кооперации Грайс описывает следующим образом: "Твой коммуникативный вклад на данном шаге диалога должен быть таким, какого требует совместно принятая цель (направление) этого диалога". В принцип кооперации входят четыре максимы: максима полноты информации; максима качества информации; максима релевантности; максима манеры. Максима полноты информации связана с дозировкой информации, необходимой для акта общения. Постулаты к этой максиме таковы: твое высказывание должно содержать не меньше информации, чем требуется; твое высказывание должно содержать не больше информации, чем требуется. Разумеется, в реальном речевом общении информации не бывает ровно столько, сколько необходимо. Часто люди могут ответить на вопрос или неполно, или с упоминанием некоторых дополнительных сведений, которых вопрос не предполагал. Суть постулатов состоит в том, чтобы говорящий стремился сообщить именно необходимое собеседнику количество информации. Максима качества информации конкретизируется

следующими постулатами: Не говори того, что ты считаешь ложным. Не говори того, для чего у тебя нет достаточных оснований. Максима релевантности предполагает фактически только один постулат: Не отклоняйся от темы. Максима манеры предполагает оценку способа передачи информации и связана не с тем, что говорится, а с тем, как говорится. Общий постулат этой максимы - выражайся ясно, а частные постулаты таковы: избегай непонятных выражений; избегай неоднозначности; будь краток; будь организован.

Если принцип кооперации характеризует порядок совместного оперирования информацией в структуре коммуникативного акта, то принцип вежливости - это принцип взаиморасположения говорящих опять же в структуре речевого акта. Дж. Лич, формулируя принцип вежливости, предусмотрел следующие максимы: максима такта; максима великодушия; максима одобрения; максима скромности; максима согласия; максима симпатии. Соблюдение принципа вежливости создает среду позитивного взаимодействия, обеспечивает благоприятный фон для реализации коммуникативных стратегий. Максима такта рекомендует говорящему соблюдать осторожность в отношении речевой стратегии и области частных интересов собеседника.

Максима великодушия то есть толерантность.

Максима одобрения - это максима позитивности в оценке других. Несовпадение с собеседником в направлении оценки мира очень сильно влияет на возможность реализации собственной коммуникативной стратегии.

Максима скромности есть максима неприятия похвал в собственный адрес. Реалистическая самооценка - одно из условий успешности развертывания речевого акта.

Максима согласия - это максима неопозиционности. Вместо углубления противоречия, возникшего в ходе общения, эта максима рекомендует поиск согласия, для того чтобы акт общения получил продуктивное завершение.

Максима симпатии рекомендует благожелательность, она является условием действия других максим, она также предохраняет речевые акты от конфликта.

Культура речи предполагает также принцип равной безопасности, суть которого в непричинении психологического ущерба партнеру по общению.

К основным факторам, способствующим гармонизации общения, можно отнести следующие: признание не на словах, а на деле наличия многообразия точек зрения; предоставление возможности высказать собственную точку зрения; предоставление равных возможностей в получении необходимой информации для обоснования своей позиции; понимание необходимости конструктивного диалога; определение общей

платформы для дальнейшего сотрудничества; умение слушать собеседника. На самом деле, мы живем в обществе, где люди постоянно находятся во взаимодействии. Они воздействуют друг на друга с помощью языка, добиваясь, таким образом, своих целей. Другой вопрос, каковы эти цели и, следовательно, воздействие, которое оказывают люди друг на друга. Изучением языкового воздействия на общество занимается прагматика языка. Таким образом, участники речевого взаимодействия в данном случае интересуют нас больше как люди, выполняющие в данной речевой ситуации определенную роль, находящиеся, следовательно, в определенных отношениях к речевым партнерам и выполняющие свои речевые цели (намерения). Правила успешного речевого поведения были высказаны еще и восточными деятелями своего времени: говори то, что важно; говори правду; говори ясно... . Античный ритор Аристотель выделяет три основных типа слушателей (адресатов речи) в своей «Риторике» – «просто зритель»; судья, член суда; политик – государственный муж. Соответственно этим трем главным типам слушателей Аристотель выделяет и три рода речей; для каждого из этих родов он указывает главную функцию – «дело». «Просто зрителю, – как отмечает Аристотель, – который обращает внимание только на дарование оратора, предназначен тот тип речей, дело которых хвалить или порицать». Это речь эпидейктическая, т.е. торжественная. Она произносится на юбилеях учреждений и лиц, на официальных торжествах, даже в компаниях друзей за праздничным столом. Второму типу адресата – судье, члену суда, который должен вынести юридическое решение, предназначена речь «судебная», «дело» её – «обвинять или оправдывать» Политик – третий вид адресата по Аристотелю, – государственный муж; на народном собрании он принимает решения. Человек с такой социальной ролью нуждается в «совещательной» речи – политической (и сам произносит такие речи). «Дело» совещательной речи – «склонять или отклонять», «давать советы» относительно того, какое решение предпочесть или отвергнуть на благо государства и сограждан. Традиции античного совещательного красноречия продолжают развиваться в современном политическом дискурсе – в речи политиков, государственных деятелей, в речи журналистов, в публицистике. Разные социальные роли рождают разные намерения. Следует также обратить внимание на то, что античный ритор главным элементом речевой ситуации считал слушателя, а не оратора. «Целью» оратора Аристотель называет «предмет речи» – прекрасное и постыдное; справедливое и несправедливое; полезное и вредное. Современная прагматика и риторика считают целью говорящего тот результат, который он, сознательно или неосознанно, хочет получить от своей речи. Речевые намерения участников общения – важный элемент структуры речевой ситуации. Знание теоретических аспектов риторики очень важно в наши дни, так как можно применять его на

практике. Эти аспекты помогают нам понять основы речевого поведения людей в процессе коммуникации, учат анализировать его, контролировать собственное речевое поведение и дают понять, как можно сделать его более продуктивным и эффективным.

Список литературы:

1. Кузнецов И.Н. Риторика. - Минск: Амалфея, 2000.
2. Маслова А.Ю. Введение в прагмалингвистику. -- Москва: Флинта, 2010.

Д. АШУРОВ, НамДУ

ГЕНДЕР МЕТАФОРА МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Тилшуносликда гендер тил ҳамда нутқ доираларида ўрганилади. Гендер нутқда вербал ва новербал воситалардан фойдаланиш, ижтимоий омилларнинг таъсирида ўзини намоён қилса, тилда ўзига хос лексик қатлам, грамматик категориялар, матн тузилишида акс этади.

Гендер тилшунослик шу нуқтаи назардан нутқ оҳанги, ургу, геминация, маъно кўчишлари, паремик бирликлар, морфологик кўрсаткичлар, паралинг- вистик воситаларни тадқиқ этиб, тилшунослик ва маданиятшунос- ликнинг чақишувидан юзага келган лингвокультурология соҳаси билан муштарақлик касб этади. Бугунги замонавий тадқиқотларда метафоранинг лингвокуль- туралогик жиҳатларига тўхталганда, унинг гендер тавсифига ҳам ургу берилмоқда.

Метафора – миллат маданиятини намоён этувчи, ўзида халқнинг миллий дунёқарабини акс эттирувчи энг асосий бирликлардан ҳисобланади. Ҳар бир метафора муайян халқ дунёқараши, менталитети, урф-одат ва кадриятлари, умуман олганда, маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келади.

Лингвокультурология соҳасида жиддий тадқиқотлар яраган В.А.Маслова муайян халқнинг образли тафаккур тарзи ўша халқ тилида қўлланувчи ўхшатишларда яққол намоён бўлишини таъкидлайди [1]. Маълумки, метафора маъно кўчишининг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, нарс-ҳодисалар орасидаги ўхшашликка асосланувчи кўчим тури ҳисобланади. Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигига “гендер метафора” термини кириб келди. Тилшунос олима Д.Худойбергеновнинг илмий тадқиқотларида бу термин фақат бир жинсга нисбатан қўлланувчи метафорик маъноли сўз ёки бирикма тарзида изоҳланади [2.12]. О.Воронина маданий метафора сифатидаги гендер тушунчасини “эркакларга оидлик” ва “аёлларга оидлик” деб фарқлайди [3. 13-106].

Гендер – инглизча “гендер” – “зот” сўзидан олинган бўлиб, жинс тушунчасини физиологик воқелик устқурмаси бўлган ижтимоий қурилма сифатида белгилайди [4.185]. Жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги

биологик фарк ҳисобланади. Бирок эркалар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқлардан ташқари, кўплаб фарқлар, яъни ижтимоий роллар, фаолият шаклларининг бўлиниши, хатти-ҳаракат ва индивидларнинг психологик тавсифларида фарқлар мавжуд. Шунинг учун фанга эркалар ва аёллар ўртасидаги биологик табиий фарқлар билан эркалар ва аёллар хатти-ҳаракатини, ижтимоий ва маданий тавсифларини аниқроқ фарқлаш учун гендер атамаси киритилган.

Ўзбек тилида рус, инглиз, немис, араб тилларида бўлгани каби жинс категорияси мавжуд эмас. Шунга қарамай, мулоқот жараёнида тилимизда аёл ва эрка жинси фарқланади. Шундан келиб чиқиб, шартли равишда метафораларни аёлларга нисбатан қўлланувчи метафоралар, эркаларга нисбатан қўлланувчи метафоралар тарзида иккига ажратиш ўринли.

Хулоса қилиш мумкинки, метафораларни гендер метафора сифатида ўрганиш яхши самара беради. Чунки аёл ва эркалар учун ўзбек тилшунослигида алоҳида фарқловчи жинс категорияси мавжуд бўлмаса-да, ўзбек маданиятида бирининг ўрнида бирини қўллаш кузатилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маслова В.А. Человек в зеркале сравнения // <http://www.gumer.info/biblioter-Burs/Linguist/Maslova>.
2. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Turon Ziyο, 2015.
3. Воронина О. Теоретико-методологические основы гендерных исследований // Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций / Под общ. ред. О.А.Ворониной. – М.: МЦГИ – МВШСЭН – МФФ, 2001. –С.13-106.
4. Гидденс Э. Социология. – Т.: Шарқ, 2002.

“ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

М. АБДИЕВ, СамДУ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ДАВЛАТ ТИЛИ

Миллатнинг дунёда мавжудлигини кўрсатувчи муҳим омиллардан бири тил ҳисобланади. Унда тарих, дин, урф-одат, менталитет сингари миллат руҳини намоён этувчи белгилар мужассам этилади. Чунки тил нафақат миллатнинг қолаверса, давлатнинг рамзи, кўзгуси ҳисобланади. Она тили инсоннинг камол топишида, яъни унинг ақлий ва руҳий ҳолатини ҳаракатга келтирувчи, ўзлигини намоён қилувчи тенги йўқ куч ҳисобланади.

Тил миллатнинг мавжудлик белгиси. Тилни асрамаган миллатнинг тарқаб кетиши, йўқолиши муқаррар. Миллатнинг бошидан ўтказган кечмиши тилида ўз ифодасини топади. Миллийлик ўз-ўзини асрамоқ, ўзини бошқармоқ, унинг кадр-қимматини ўзгалар олдида кўз-кўз қилмоқликдир. Миллий ғоя ва тафаккурнинг шаклланиши ва тараққиёти миллий тил билан бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳам ўзини англаш миллий тилга ҳурмат ва садоқат орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам тил миллий қадриятлар орасида муҳим роль ўйнайди.

Она тили ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун бениҳоя буюк қадрият, бебаҳо бойлик ҳамдир. Унинг беқиёс аҳамиятини Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида шундай ёзади. “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – миллатнинг руҳидир” [1., 38].

Тилшунос олимларнинг таъкидлашича, ҳар йили беш-олтита тил йўқолиб бормоқда. Баъзан матбуотда фалон тилда гапшашувчи сўнги миллат вакили оламдан ўтганлиги ҳақидаги хабарларга ҳам кўзимиз тушиб қолади. Собиқ шўролар даврида айрим тилшунослар талқинида Иттифоқда ягона битта тил яъни рус тили қолади, қолган тиллар йўқолиб кетади, деган пуч ғояларга асосланган назариялар яратилган эди. Бу фикрларга қарши доғистонлик шоир Расул Ҳамзатов “Она тилим” шеърида “Агар жоним узилган бўлса, она тилим-авар тилида бирор сўз эшитсам, менга жон киради. Она тилим менинг ўлган танимга жон бағишлайди,” деган эди. Шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони шоир Эркин Воҳидов ҳам “Она тилим ўлмайди” шеърида унга жавобан шундай фикр билдирганди:

Эй воиз пастга туш,
Бу гап чикди қаердан.
Навоий билан Пушкин,
Туриб келди қабрдан.
Ваъзингни қўй биродар,
Сен айтганинг бўлмайди.
Барча деди баробар:
Она тилим ўлмайди. [2.,45]

Кейинчалик шўро мадлоҳларининг янглишганлигини вақт ҳам кўрсатди.

Юртимизда қайта қуриш демократия шабадалари эса бошлаган бир пайтда давлат тили ҳақидаги халқ истагини амалга оширишни ўзининг муқаддас бурчи деб билган давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ҳеч иккиланмасдан давлат тили ҳақидаги қонунга имзо чекди. Ҳали собиқ Иттифоқ “казо”лари ҳукмрон бўлган бир пайтда, яъни 1989 йил 21 октябрда бундай қонунни эълон қилдириш учун катта жасорат ва мардлик керак эди, албатта. Биринчи Президентимизнинг бу жараёни кўрқмасдан амалга ошириши мустақилликка қўйилган илк қадам эди. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг она тилимизнинг давлат тили мақомини олганлигини жамият аъзолири зиммасига янада мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий масалаларни ҳал қилиш баробарида қатор вазифаларни ҳам юклади. Ўзбек тили давлат тили мақомининг берилишининг ўзида мужассам этган мазкур қонун анчадан бери тилининг ривожланишига тўсиқ бўлиб келаётган ҳатти-ҳаракатларнинг барча кўринишларига зарба бериб бу тилга ҳаққоний маънода Давлат тили даражасини берди. Демак, асосий мақсад қонунда қайд этилган асосий имкониятлардан тўла фойдаланиб, унда белгиланган вазифаларни бекаму кўст амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этишдир

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25 йилилиги мунособати билан ташкил этиган тадбирда қатнашиши ва нутқ сўзлашиши ва бу борада қилинадиган ишлар юзасидан фикр билдириши муҳим тарихий воқеа бўлди. Жумладан, З.М. Бобур истироҳат боғининг таъмирланиб, “Дўстлик” номи билан аталиши ҳамда шу боғдаги мухташам саройнинг улар ихтиёрига берилиши, маданият марказлар вакилларининг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши турли миллат вакилларининг янада жипс ва аҳил бўлиб республикамиз раванқи йўлида меҳнат қилишлари учун руҳлантириб юборди [3.,1].

Айни пайтда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. 140 дан ортиқ миллий маданий марказ, 16 та диний конвекцияга мансуб 2000 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди. Уларнинг “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 2-моддасида қайд

этилганидек "...республика худудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмаслиги, Давлат тили билан бирга ўзларига мувофиқ тилда иш юритиш"ларига шарт шароитлар яратиб берилган [4., 3.]. Қонуннинг 6-моддасида таъкидлаганидек, республикамизда таълим тили эркин танланганишига мувофиқ умумий ўрта махсус, касб-хунар таълимида таълим-тарбия ишлари етгита тилда олиб борилмоқда. Олий таълимда эса мутахассислар саккизта тилда тайёрланаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай бағри кенгликни собиқ Иттифоқ даврида ҳаёлга келтириш амри маҳол эди. Қўшни республикаларда эса буни аксини кўриш мумкин. Биздаги бу ҳамжихатлик, бағрикенглик тинч-тотувлик биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг оқилона сиёсат билан давлатни бошқаришда деб тушуноғимиз лозим.

Ўтган йигирма саккиз йил давомида она тилимизнинг жамият ҳаётидаги роли ва мавқеини янада ортди, такомиллашди ва мустақамлана борди. Халқ таълим вазирлиги ташаббуси билан ҳар икки йилда бир маротаба ўзбек тили Доимий анжумани ўтказилмоқда. Унда мактабгача, умумий, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган мутахассис, методист ва ўқитувчилар ўзбек тилини ўқитишнинг муҳим масалалари бўйича ўз фикр ва мулоҳазалари билан қатнашмоқдалар. Бундан ташқари, ҳар йили олий ўқув юртларида ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари бўйича халқаро ва республика миқёсида анжуманлар ўтказилмоқда. Бевосита тил адабиётни ўқитиш масалаларига бағишланган «Тил ва адабиёт таълими» ҳамда ўзбек тили ва адабиётига оид тадқиқотларни ёритувчи "Ўзбек тили ва адабиёти" журналлари ҳам мунтазам нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда уларни ўқитиш бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрида Ўзбек тили ва адабиёт университетининг ташкил этилиши халқимиз ҳаётида унитилмас воқеа бўлди. Бу она тилимиз равнақиға бўлган эътибор ва эъзоз эканлигини алоҳида қайд этиш лозим бўлади.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1999 йил ноябрида ЮНЕСКО Бош Ассамблеяси 30-сессиясида Халқаро она тили она тили кунини кенг нишонлашға келишиб олинди. Шундан бери ҳар йили 21 февраль куни дунё миқёсида Халқаро она тили кунини сифатида кенг нишонланади. Бундан мақсад дунёдаги барча халқларнинг ўз миллий тафакқури, маънавияти, руҳияти асосини ташкил қилувчи она тилларини меҳр-муҳаббат билан парваришлаш, унинг луғат бойлигини сақлаш сингари олий мақсадларни шакллантиришдан иборатдир. Бу эса уларнинг она тилларида таълим олиш, давлат ишларини юритиш сингариларни амалға оширишға кенг йўл очиб беради. Чунки тил инсонларнинг маълум гуруҳларига хизмат қилиш баробарида миллат ва элатларнинг кадриятларини бир-бирдан фарқлашға хизмат қиладиган асосий белги

хисобланади. Канадада ҳукумат томонидан кам сонли ҳинду, эскимос каби миллат ва элатларнинг тили ва ёзуви муҳофаза этилади. Чунки тиллар йўқолиши билан давлат аҳамиятига эга бўлган халқ маънавияти ва маърифатига оид манбалар унутилиши мумкин экан. Уларнинг тилларида халқнинг тарихи, ёзуви, урф-одати, маданияти каби жиҳатлар мужассам этилган.

Дарвоқе, халқаро ташкилотлар раҳнамолиги ва қўмагида жаҳонда кўп миллатларни рағбатлантириш мақсадида турли миллат тилларида яратилган маданий, тарихий, илмий, маърифий, маънавий меросларни авайлаб асраш ҳар бир миллатнинг ўз она тилида таълим олишни асрлар давомида шаклланиб сайқалланган тил бойлигини асраб авайлашга бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоқда.

Республикамизда ҳам давлат тилининг ривожланиши билан бир қаторда унда истиқомат қилувчи бошқа миллат ва элатлар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро қонун меъёрларини рўёбга чиқаришда шунингдек, халқаро майдонда этник камчиликни ташкил этувчилар ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда.

Хуллас, тарихнинг шафқатсиз синовларидан ўтган она тилимизнинг давлат тили сифатида бугунги кунда қадр топиши ватанимизнинг мустақилликни қўлга киритиш билан рамзий маънода уйғунлашиб кетади. Бу эса республикамиз мустақиллигини қай даражада ҳимоя қилганимиздек, она тилимизни ҳам шу даражада авайлашимизга тўғри келади. Зеро, уни ҳар хил таъсирлардан сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Вохидов Э. Танланган асарлар. –Тошкент: Ғофур Ғулум, 1992.
3. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 28 январь сони
4. Давлат тили ҳақидаги қонун (янги таҳрир). –Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

R. ZARIPOV, ToshDO'TAU

MILLIY TIL – MILLIY QADRIYAT

Har bir millat o'z mustaqilligini qo'lga kiritgach har jabhada mustaqil bo'lishga, mustaqil ish yuritishga va o'z hududida yagona til birligiga erishishga harakat qiladi. Shu sababli o'z ona tiliga davlat tili maqomini beradi (istisno o'rinlar ham mavjud.) hamda nafaqat o'z Respublikasi hududida balki, xalqaro maydonda ham qaysidir darajada ona tilini qo'llanish doyrasini kengaytirishga harakat qiladi. Bizning Respublikamiz ham o'z mustaqilligini qo'lga kiritgach

o'zbek tilini har jihatdan yuksaltirishga e'tibor qaratdi. Shuni alohida g'urur va iftixor bilan aytishimiz kerakki birinchi Prezidentimiz Islom Karimov tashabbusi bilan Respublikamiz o'z mustaqilligiga erishish arafasida birinchi bo'lib til erkinligiga erishdi va mustaqillikka erishilgach ona tilimizga bo'lgan e'tibor kuchaygandan-kuchayib bordi, va uni rivojlantirishga qaratilgan ko'plab ishlar amalga oshirildi hamda oshirilmoqda. Biz ushbu kichik tadqiqotimizda milliy qadriyatlarimiz, madaniy boyliklarimiz bilan birga ma'naviy yuksalishimizda, xalqimizning dunyoqarashi kengayishida muhim ahamiyatga ega, ona tilimizning mustaqillik yillaridagi taraqqiyoti, Respublikamizda olib borilgan til siyosati va bu sohada erishilgan yutuqlar hamda ayrim kamchiliklarga e'tibor qaratgan holda, ona tilimizning taraqqiyoti qay tarzda, qay yo'sinda ketayotganligiga to'xtalmoqchimiz. O'zbekiston Respublikasining hozirgi ijtimoiy voqeligi - davlat mustaqilligini ta'minlovchi siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va mafkuraviy jarayonlarni tartibga solinishiga bog'liq. Keng miqyosidagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar esa jamiyat xayotini tubdan o'zgartirmoqda. Bu masala, avvalo, madaniy va ma'rifiy qadriyat va an'analarni tiklash milliy o'zlikni anglashni yuksaltirish, o'zbek tili maqomini o'rniga qo'yish hamda uing jamiyat xayotidagi rolini oshirish, fuqarolik jamiyati va huquqiy davlatni shakllantirish jarayonida uni millat va har bir insonning manfaatlariga javob bera oladigan darajaga olib chiqishdan iboratdir.

Milliy omilni amalga oshirish, millat salohiyatining bunyodkorlik kuchini yuzaga chiqarish muammolari hozirgi davrda tub iqtisodiy isloxtlarni joriy etish va jamiyatni demokratlashtirishdek muammolardan kam emas. Zero, amalda millatning ijodkorlik kuchini ruyobga chiqaribgina yuksak ijtimoiy taraqqiyotga erishish mumkinligini amaliyot isbotlamoqda. Bu omil esa, bsvosita milliy muammolar bilan ham bog'liq.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi VI sessiyasida ta'kidlaganlaridek, mustaqillik yillarida milliy-manaviy va madaniy qadriyatlarni tiklaash uchun barcha sharoitlar yaratildi. Bizning jamiyatimizdagi yangilanish va isloxtlar evaziga, inson ma'naviyati, madaniyatining yangi qirralari namoyon bo'ldi. Endilikda madaniy an'analarni tiklash, dunyo sivilizatsiyasiga katta xissa qo'shgan buyuk ajdodlarimizning ulkan merosiga murojaat qilish kuchaymoqda.

Darxaqiqat, o'zbek tili millatimizning asosiy qadriyati va xalqimiz madaniyatining zaminidir. Zero, millat xayotini til bilan bog'liq an'analar, ma'naviyat va madaniyatni saqlash va qayta tiklash masalasi tilga alohida e'tibor qaratilgan taqdirdagina amalga oshishi mumkin.

Vatanimiz ilm-fani oldida turgan asosiy vazifalar yuksak madaniyatimiz va milliy qadriyatlarimizni qayta tiklanishi, yaqin o'tmishdagi kommunikativ mafkura asoratlardan ozod bo'lishi, zamonaviy va umuminsoniy qadriyatlar bilan boyishiga bog'liq. Shu bilan birga, birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganlaridisk, «ota-bobolarimiz shuxrati soyasiga maxliyo bo'lib yuradigan davrlar endi o'tdi. Bugun jaxon bizdan o'z so'zimizni aytishimizni, o'z

tafakkurimizni namoyon etishimizni talab qilmoqda». Demak, o'z so'zimizni aytishimizda, o'z tafakkurimizni namoyon etishimizda o'zbek tilining o'zni beqiyosdir. Chunki til nafaqat odamlarning ming yillar davomida shakllangan dunyoqarashi va mentalitetiga asoslangan, balki millatning kelajagini, uniag dunyodagi o'zini amiq-ravshan belgilab berishga xizmat qiladigan, kechagi va ertangi kuni o'rtasida o'ziga xos muloqot vositasi bo'lishga qodir qadriyatdir.

O'zbek tilining davlat tili sifatida to'laqonli amal qililishi o'z-o'zidan yuz bermaydi. Siyosiy, xuquqiy, ijtimoiy va mafkuraviy jarayonlar, voqealar, tendensiyalar silsilasida namoyon bo'ladigan bunday ulkan o'zgarish mamlakatimizning bugungi xayoti va kelajagi uchun qayg'uradigan keng jamoatchilikning ilg'or dunyoqarashi va tafakkuriga asoslanishi, demokratik qadriyatlarini shakllantirish manfaatlariga bo'ysindirilishi lozim.

Milliy til nazariyasining tushunchalar moslashuvini yanada chuqurroq taxlil etilishi darkor bo'lgan muammolarda biridir. Zero, hozirgacha milliy til jamiyatning ijtimoiy-madaniy rivojlanish omili sifatida nazariy-metodologik jihatdan yetarlicha taxlil etilgan emas.

Muammoniig yana bir jixati shundaki, o'zbek tilining davlat tili sifatidagi rivojlanish tendensiyasi, uning strukturasiida yuz berayotgan o'zgarishlar xali o'z tadqiqini kutmoqda. Biz kelgusidagi tadqiqotlarimizda bu masalaga ham to'xtalamiz

Bu masala muammoni qat'iy tadqiq etish ehtiyojini tug'diradi. Bugungi kunga kelib o'zbek tili ancha yuksalgan bo'lsada haligacha uning tadqiqi borasida muammolar talaygina. Aytishimiz mumkinki birinchi Prezidentimiz tashabbuslari bilan tashkil etilgan, Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev boshchiligida foydalanishga topshirilib, yuksak ishonch bildirilayotgan Alisher Navoiy nomidagi Toshkent Davlat O'zbek tili va Adabiyoti Universitetida endilikda bu boradagi muammolarni hal qilinishi, ona tilimiz tadqiqini yuqori bosqichlarga olib chiqish, ko'tarish masalalarini amalga oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Давлат тили ҳақидаги қонун (янги таҳрир). –Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. Т.; Ўзбекистон, 1997. –Б. 111-112.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ; миллатни-миллат қилишга хизмат этсин // Тафаккур, 1998, №2. –Б.13.

АЙРИМ РУСЧА ФАМИЛИЯЛАРНИНГ ЎЗБЕК ЛОТИН АЛИФБОСИДА БЕРИЛИШИГА ДОИР

Маълумки, рус тилида фамилиялар бир қанча усулда ясалади. Улар орасида *-ов, -ова, -ев, -ева* қўшимчалари ёрдамида ясаладиган фамилиялар асосий ўрин эгаллайди: *Александров, Иванова, Петров, Сидорова, Горбачев, Андреев* ва ш.к. Биз ўзбек кирилл алифбосида айна рус тилидаги шаклда ёзамиз ва талаффуз этамиз. Шу сабабли уларнинг имлосида бирор муаммо туғилмайди. Ўзбек лотин алифбосида эса мазкур сўзларни ёзишда айрим орфографик муаммолар пайдо бўлади. Хўш, бундай муаммоларнинг асл сабаби нимада ва улар қай тартибда ҳал қилиниши лозим?

Назаримизда, бундай типдаги русча фамилияларни лотинча ёзувга бир хилда ўгириш мумкин эмас. Чунки имлонинг фонетик принципи ва транслитерацион ёзув қоидаларига мувофиқ юқорида кўрсатиб ўтилган сўзларни турлича ўгиришга тўғри келади. Масалан, *Иванов, Петров, Сидоров, Лазарев* типдаги сўзларни ёзишда муаммо туғилмайди: *Ivanov, Petrov, Sidorov*.

Андреев, Тюкаев, Улюкаев каби фамилияларни ёзишда эса сўзнинг ўзаги ва фамилия ясовчи қўшимча - (ев) орасида у (й) ҳарфининг қўлланишини унутмаслик лозим: *Андреев – Andreyev* [андрейев]. Агар айна шу ўринда у ҳарфи тушиб қоладиган бўлса, у ҳолда *Andreev* шаклидаги ёзув ва [андрезв] тарзидаги талаффуз юзага келади, чунки *Ее* ҳарфи ўзбек лотин алифбосида фақат [э] тарзида ўқилади. Имло хатоси билан ёзилган ҳар бир сўз эса кундалик сўзлашувга, охир-оқибатда, нутқ маданиятига салбий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда айна бир сўзнинг инглиз тилида ва ўзбек лотин алифбосида ёзилишидаги ўзига хосликларни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Масалан, *Андреев* фамилияси ўзбекча имлода *Andreyev* шаклида ёзилса, инглиз тилида эса *Andreev* кўринишига эга бўлади. Бундай ҳолатни Ўзбекистон Республикаси фуқаросига бериладиган фуқаролик паспортида аниқ кўришимиз мумкин. Демак, биз *Андреев* типдаги сўзларни ёзишда ўзбек лотин алифбосининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишимиз ҳамда унга қатъий риоя қилишимиз зарур.

-ев билан ясалган русча фамилиялар орасида *Журавлев, Кисилев* каби сўзлар ҳам бор. Аслида, улар рус тилида қандай ёзилса, ўзбекчада ҳам айнан ўша тахлитда такрорланади. Лекин уларнинг талаффузи ва ёзилиши бир хил эмас. Масалан, *Журавлев* деб ёзилган сўзни биз [журавлийов] тарзида айтамыз. Бу эса бундай типдаги сўзларни ўзбек лотин алифбосига ўгиришда маълум бир орфографик муаммони келтириб чиқаради. Чунки мазкур фамилия компьютер дастурлари орқали ўгириладиган бўлса, у

қолда Juravlev шакли, яъни (журавлэв) тарзидаги талаффуз юзага келади. Агарда фонетик принцига тўлиқ амал қилинса, Juravlov шаклида ҳам ёзишимиз мумкин бўлади. Лекин бу ҳолатда ҳам Журавлев фамилияси лотинча имлода ўзининг асл шаклига эга бўлади, деб бўлмайди. Чунки бундай талаффуз ҳам ўзбеклар нутқида хос эмас. Аслида, Журавлевни биз [журавлйов] тарзида айтамыз. Шундан келиб чиққан ҳолда уни лотинча имлода Juravlyov шаклида ёзиш мақсадга мувофиқ кўринади. Чунки айтиш шаклидаги [журавлйов] деб айтилади ҳамда асл манба - рус тилидаги Журавлевга мос келади.

Русча фамилиялар орасида Васильев типидagi сўзлар ҳам бор. Ташқи шаклига қараганда Васильев ва Журавлев орасида тавофут йўқдек кўринади, яъни ҳар иккаласида ҳам -ев иштирок этган. Бироқ кундадик мулоқотдан маълум бўладики, уларнинг талаффузи бир-биридан кескин фарқланади.: Журавлев [журавлйов], Васильев (василйев). Кўринадик, Васильев орфограммасида юмшатиш (ь) белгиси фонологик вазифа бажаряпти, яъни ўзидан олдинги товуш [л] бироз юмшоқроқ, тил учида [ль] тарзида айтилишини кўрсатиб турибди. Демак, айтиш шаклида хисобга олиниши лозим бўлади. Агар талаффуздаги мана шу нозик нукта хисобга олинмаган бўлса, ушбу сўз ўзбек лотин алифбосида Vasilyev кўринишига эга бўлади. Айтиш мана шундай ёндашув (василйев) тарзидаги талаффузни юзага келтиради ҳамда асл манба - Васильев билан яқинлаштиради.

Кўришиб турибдик, русча фамилияларни ўзбек лотин алифбосида беришда ҳар бир лисоний ҳолатни хисобга олиш зарур бўлади. Айтиш шаклидаги *Горбачев, Лигачев, Хрущев, Сичев* типидagi сўзларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Негаки, асоси [ч] товуши билан тугайдиган сўзлар имлоси янада ўзгача ёндашувни тақозо этади. Масалан, *Горбачев* фамилияси рус тилида ва ўзбек кирилл алифбосида бир хилда ёзилиб, бир хилда талаффуз қилинади. Лекин унинг лотинча имломиздаги шакли анча мунозарали, чунки Горбачев ўзбек лотин алифбосида уч хил ёзилиши мумкин: Gorbachev, Gorbachyov, Gorbachov. Хўш, уларнинг қайси бирини тўғри ёзилган орфограмма деб хисоблаш мумкин? Бизнингча, тўғри шаклни аниқлаш учун, аввало, уларнинг ўзбек адабий тилидаги талаффузини ўрганиб чиқиш зарур. Агар ўша шаклларни транскрипцияда кўрсатадиган бўлсак, қуйидаги манзара намоён бўлади: Gorbachev [горбачэв], Gorbachyov [горбачйов], Gorbachov [горбачов(ф)]. Маълум бўладики, учинчи вариант: Gorbachov [горбачов(ф)] ўзбеклар нутқида мос келади ҳамда асл манба - рус тилидаги талаффузини ҳам тўлиқроқ акс эттиради. Шундай экан, Горбачев, Лигачев, Хрущев, Сичев каби фамилияларни Gorbachov, Ligachov, Xrushchov, Sichov шаклида ёзиш узини тўлиқ оқлайди.

Юқорида келтирилган фикрларни аниқроқ аниқроқ акс эттириш мақсадида –ев билан ясалган русча фамилияларнинг лотинча имлода тўғри акс эттирилишини қуйидаги жадвалда кўрсатиш мумкин.

Русча фамилияларнинг ўзбек кирил алифбосидаги шакли	Ўзбек лотин алифбосида юзага келадиган шакллар (транскрипцияси билан)			Тавсия этиладиган шакл (транскрипцияси билан)
	1	2	3	
Андреев	Andreev [андрезэв]	Andreyev [андрейев]	Andreyiv [андрейив]	Andreyev [андрейев]
Тюкаев	Tukaev [туказэв]	Tukayev [тукайев]	Tyukaev [тйукаев]	Tukayev [тукайев]
Улюкаев	Ulukaev [улуказэв]	Ulukayev [улукайев]	Ulyukaev [улуйказэв]	Ulukayev [улукайев]
Журавлев	Juravlev [журавлэв]	Juraviyev [журавлейев]	Juravlyov [журавлейов]	Juravlyov [журавлейов]
Кисилев	Kisilev [кисилэв]	Kisilyov [кисилйов]	Kisilov [кисилов]	Kisilyov [кисилйов]
Васильев	Vasilev [василэв]	Vasilov [василов]	Vasilyev [василйев]	Vasilyev [василйев]
Горбачев	Gorbachev [горбачэв]	Gorbachyov [горбачйов]	Gorbachov [горбачов]	Gorbachov [горбачов]
Лигачев	Ligachev [лигачэв]	Ligachyov [лигачйов]	Ligachov [лигачов]	Ligachov [лигачов]
Хрущев	Xrushchev [хрушчэв]	Xrushchyov [хрушчйов]	Xrushchov [хрушчов]	Xrushchov [хрушчов]
Сичев	Sichev [сичэв]	Sichyov [сичйов]	Sichov [сичов]	Sichov [сичов]

Юқоридагилардан маълум бўладики, айрим русча фамилияларни ўзбек лотин алифбосида беришда маълум бир орфографик муаммолар юзага келади. Уларни ҳал этишда кирилча алифбоддаги шакллар тўлиқ асос бўла олмайди. Бундай орфограммаларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашув зарур бўлади. Бунда уларнинг талаффузини ўрганиб, ўзбек лотин алифбосининг имкониятларини тўғри англаган ҳолда онгли аралашув зарур бўлади. Негаки, ўзбек лотин алифбосининг график имкониятлари ҳар қандай сўзни акс эттириш имконига эга. Биз турли даражадаги диплом ва сертификатларни беришда, муҳим давлат ҳужжатларини тўлдиришда, фуқароларнинг исми, ота исми ва фамилиясини тўғри ёзишда имло хатоларига йўл қўйишга ҳақимиз йўқ. Айни пайтда бир исм-фамилиянинг ўзбек лотин алифбоси ва инглиз тилида ўзига хос тарзда ёзилишини ҳам унутмаслигимиз лозим.

O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI XITOYLIK ADABIYOTSHUNOSLAR NIGOHIDA

Har bir xalqning benazir ma'naviy boyliklaridan biri, shubhasiz, uning ona tilidir. Zotan, til odamlarni millat sifatida birlashtiradi, ya'ni xalqning o'zligini namoyon qiladi. Shuning uchun ham insoniyat madaniy hayotining shakllanishi va taraqqiyotini tilsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Har qanday odam o'z Vatanini ona tili orqali taniydi, dunyoni ham, o'zini ham shu ulug' kuch vositasida anglaydi. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Karimov tashabbusi va rahnamoligida davlat tiliga huquqiy maqom berish masalasi kun tartibiga qo'yildi va 1989 yil 21 oktabr kuni «O'zbekiston Respublikasining Davlat tili to'g'risida»gi alohida qonuni qabul qilindi.¹ Har yili 21 oktabr yurtimizda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan kun sifatida keng nishonlanadi. Qonunga asosan eng muhim qadriyatlardan biri hisoblangan til qonun darajasida huquqiy asosga ega bo'ldi. Bu qonun bilan o'zbek millatining ma'naviyatini, ruhiyatini, qadrini ko'rsatadigan muhim omil, ya'ni tilning maqomi huquqiy mustahkamlandi. Mazkur huquqiy asos orqali yangi shakllanayotgan davlatning, hukumatning, uning yangi rahbarining elga, yurtga nisbatan e'tibori, ehtiromi namoyon etildi. O'zbek tili – O'zbekiston Respublikasi aholisining mutlaq ko'pchiligi bo'lmish o'zbek xalqining ona tilidir. U O'zbekiston birligi va yaxlitligi, jamiyat jipsligining muhim omili hisoblanadi. O'zbek xalqining, uning milliy madaniyati va o'ziga xosligini ifoda etuvchi vosita bo'lmish o'zbek tilining har tomonlama rivojlanishini ta'minlash, mazkur tilning davlat tili maqomidek salohiyatini izchil va to'liq ro'yobga chiqarish muhim vazifadir.

1992 yil 7 dekabrda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida o'zbek tilining maqomi huquqiy jihatdan aniq belgilab berildi. Natijada o'zbek tili mustaqil O'zbekistonimizning bayrog'i, gerbi, madhiyasi, konstitutsiyasi qatorida turadigan muqaddas timsollaridan biriga aylandi².

Bu yillar davomida tilimiz taraqqiyoti va ravnaqi borasida salmoqli yutuqlarga erishildi. Ijtimoiy-siyosiy, madaniy, ilmiy doirada o'zbek tilining mavqei ortdi, tiklandi, qo'lianish doirasi kengaydi. Mustaqillik yillarida mamlakatimizda o'zbek adabiy tilini rivojlantirish masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Buning natijasida o'zbek tili davlat tili, davlat ramzi, milliy madaniyat va ma'naviyatni ifodalovchi hamda ularni kelajak avlodga yetkazuvchi muhim muloqot vositasi darajasiga ko'tarildi. O'zbek tilining xalqaro miqyosdagi nufuzi oshib, faol muloqot vositasiga aylanib bormoqda. Turli darajadagi rasmiy uchrashuvlar, muzokaralarda tilimiz keng qo'llanilayotgani, xorijdagi ko'plab universitetlar, ilmiy muassasalarda o'zbek

¹ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. –Toshkent, 2015.

² "Huquq va Burch" jurnali. -Toshkent. 2016.

tili markazlari tashkil etilib, ularda ona tilimizni o'rganishga qiziquvchilar safi tobora ortib bormoqda.¹

Zamonamiz shiddat bilan rivojlanayotgan ana shu davrda xorijiy tillarni o'rganib, chet ellarga chiqib va xorijiy yurtlarda o'sha yerning ona tilisida so'zlashish imkoniyatiga ega bo'layotgan o'zbek yoshlari talaygina. Vatanimiz mustaqillikka erishganidan so'ng xorijiy tillarni o'rganishga bo'lgan e'tibor juda kuchaydi. Hozirgi kunda O'zbekiston nomidan xorijiy davlatlarda ta'lim olib, Vatan nomini dunyoga taratayotgan yoshlarimiz bilan har qancha faxrlansak arziydi. Xususan hozirda yurtimizdagi o'rta ta'lim maktablari, kollej va litseylar hamda oliy o'quv yurtlarining barchasida xorijiy tillar asosiy fan sifatida o'qitib kelinmoqda. Chet tillar qatoriga nafaqat ingliz, fransuz yoki boshqa romano-german oilasiga mansub bo'lgan tillar balki sharq tillari bo'lmish xitoy, koreys, yapon, arab, turk tillari ham o'qitilib, aynan ana shu tillar bo'yicha maxsus tilshunos mutaxassislar tayyorlab kelinmoqda.

Mamlakatimizda yoshlarimiz tomonidan xorijiy tillarni o'zlashtirishga xoxish va intilish qay darajada yuqori bo'lsa aynan chet mamlakatlari yoshlarida ham o'zbek tili va adabiyotini o'rganishga bo'lgan qiziqish kun sayin ortib borayotgani quvonarli holdir. Buning misolini aynan Xitoy Xalq Respublikasi misolida ko'rishimiz mumkin. O'zbekiston va Xitoy Xalq Respublikasi munosabatlari O'zbekiston hududi Buyuk Ipak yo'lining chorrahasi bo'lganligi tufayli ikki davlat o'rtasidagi munosabatlar bir necha ming yillik tarixga ega. 1991 yili Xitoy Xalq Respublikasi O'zbekiston mustaqilligini tan olgach, 1992 yil 2-yanvar kuni diplomatik munosabatlar o'rnatilgan. Shundan so'ng mamlakatlarimiz o'rtasida har sohada teng huquqli aloqalar o'rnatila boshlandi. Xususan ikki mamlakat o'rtasida madaniyat, fan, texnika va ta'lim sohasida ham hamkorlik rivojlanmoqda. 1996 yilda Pekinda O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi bilan XXR Fanlar akademiyasi o'rtasida o'zaro hamkorlik to'g'risida, 2000 yili Toshkentda O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi bilan XXR Ijtimoiy FA o'rtasida bitim imzolandi. 1997 yilda O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimovning "O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari" asari xitoy tiliga tarjima qilinib chop etildi. 2004 yili iyunda O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi bilan Xitoy ta'lim vazirligi o'rtasida Toshkentda xitoy tilini o'rganish bo'yicha Konfutsiy nomidagi institutni tashkil etish to'g'risida bitim imzolandi.²

O'zaro istiqbolli hamkorligimiz natijasi o'laroq, shuni mamnuniyat bilan aytishimiz mumkinki, 2015 yili Shanghai Xalqaro tadqiqotlar universitetida o'zbek tili kafedrasini ochilgan.³ Aynan mazkur kafedrada tilshunos mutaxassislar xususan, Mustaqil davlatlar hamdo'stligi hamda Markaziy Osiyo mamlakatlarini tadqiq qiluvchi tadqiqotchilar, ilmiy xodimlarga o'zbek tili darslari o'qitib

¹ www.ziyouz.com

² www.ziyouz.com

³ www.bookis.cn

kelinmoqda. Tilimizning o'ziga xos xususiyatlaridan saboq olayotgan xitoylik mutaxassislarining o'zbek tiliga hamda o'zbek mumtoz adabiyotiga bo'lgan qiziqishlari yuqori darajada. Aynan o'zbek tili kafedrasidan o'zbek adabiyotining na'munalari, o'zbek adabiyotining vakillari hayotlari va ijodlari ham o'rganilib kelinmoqda. Ular tomonidan yozilgan asarlarni xitoy tiliga tarjima qilish ishlari olib borilmoqda.

Shanghai Universiteti 1922 yilda tashkil qilingan bo'lib, hozirda Xitoydagi eng yaxshi 40 ta universitetdan, Osiyoda esa 100 ta eng nufuzli oliygozlardan biri hisoblanadi. Hozirgi kunda mazkur dargohda 16 ta akademik, 617 ta professor, 1082 ta katta ilmiy xodim faoliyat yuritmoqda hamda 40 mingga yaqin talaba tahsil olmoqda.

Xitoyning ana shunday nufuzli oliy o'quv yurtlaridan birida 2013 yilda Shanghai Hamkorlik Tashkiloti jamoatchilik diplomatiyasi ilmiy tadqiqot instituti tashkil qilingan. Ushbu ilmiy tadqiqot intituti bazasida hozirgi kunda "O'zbekiston tadqiqotlari hamda ta'lim almashinuvi markazi" faoliyat yuritmoqda. Aynan ana shu markaz tomonida o'zbek tiliga katta e'tibor qaratilmoqda. Markaz tomonidan Shanghai Universiteti hamda Shanghai Milliy muzeyida O'zbekiston tarixi, o'zbek tili hamda adabiyoti to'g'risida bir qancha ijodiy uchrashuvlar, konferensiyalar muntazam tashkil etilib kelinmoqda.

O'zbek xalqining ulug' mutafakkiri Alisher Navoiy jahon adabiyoti, madaniyatiga, insonlar baxt-saodati, xalq farovonligi, mamlakat obodonligi uchun ulkan hissa qo'shgan buyuk shaxsdir. Bu yil bobomizning 576 yillik tavallud ayyomlarini nishonlamoqdamiz. Shu munosabat bilan Shanghai Universiteti huzuridagi O'zbekiston tadqiqotlari va ta'lim almashinuvi markazi tomonidan tez orada Shanghai Universiteti hududida Alisher Navoiy bobomiz haykallarini o'rnatish ishlari qizg'in tus olgan. Yaqin orada universitet hududida o'zbek adabiyotining buyuk namoyondasi Alisher Navoiy siymosi o'z aksini topadi. Bu esa albatta nafaqat o'zbek adabiyoti vakillari uchun balki har bir o'zbek fuqarosi uchun faxr tuyg'usini baxshida etadi. Ana shunday e'tirofning o'zi o'zbek tilimiz va o'zbek adabiyotimiz xorijiy mamlakatlar tomonidan allaqachon yuqori baholanayotgani hamda o'zbek tilimiz mavqeyi butun jahonda qadr topayotganligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. –Toshkent, 2015.
2. "Huquq va Burch" jurnali. –Toshkent, 2016.
3. www.ziyouz.com
4. www.bookis.cn

ТИЛ ТАЪЛИМИДА АНЪАНАВИЙ УСУЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯЛАР

Р.РАСУЛОВ

ПРОФЕССОР РАВШАН РАСУЛОВ МЕТОДИ (чалғитиш ёки ҳушёрликни аниқлаш ва ошириш)

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим-тарбия жараёнини янги, замонавий педагогик технологиялар билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири сифатида алоҳида қайд этилади. Шундай экан, янги - замонавий педагогик технологияларни билиш, ўрганиш, янада тарғиб қилиш ва уларни таълим жараёнида кенг қўллаш ҳозирда долзарб жараён эканлиги шак-шубҳасиздир. Демак, замон талабларига мос, мукамал кадрлар тайёрлашда – таълим беришда замонавий педагогик технологияларнинг, ўқитишнинг турлича методлари аҳамияти каттадир.

Айтиш лозимки, билим беришда қандай педагогик технологиялардан, қандай методлардан фойдаланмайлик, уларни дарс жараёнида қўлламайлик, мақсад битта – талабаларнинг билимини, назарий ва амалий савиясини кенгайтириш, чуқурлаштириш, уларни мустақил фикр юритишга, назарияни амалиёт билан асосли боғлашга, фактларни чуқур таҳлил қилиш ва улардан илмий хулосалар чиқаришга, ижодкор бўлишга ўргатишдир.

Биз тавсия қилаётган “Чалғитиш ёки ҳушёрликни аниқлаш ва ошириш” методининг моҳияти, аҳамияти, вазифаси, ўзига хос жиҳатлари нимада? деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Мазкур метод биз томонимиздан йиллар давомида маъруза жараёнида қўлланиб келинмоқда.

Биз дарсда ўтиладиган муайян мавзунини, даставвал, бир неча йирик қисмларга бўлиб, ҳар бир қисм ҳақида алоҳида фикр юритамиз, тушунтирамиз, маълумот берамиз. Масалан, “Система ва структура” мавзусини ўтишда уни қуйдаги тўрт қисмга бўламиз:

1. Система ҳақида.
2. Структура ҳақида.
3. Система ва структуранинг боғлиқлиги ҳақида.
4. Тилда система ва структура ёки тил систем – структур тузилиш сифатида.

Демак, маърузада, даставвал, система ва структура фалсафий категория сифатида атрофлича ўрганилади, сўнгра тилга система ва структура жиҳатидан ёндашилади. Тилнинг система эканлиги мисоллар асосида мукамал тушунтирилади.

Маъруза оғзаки кўринишда олиб борилади, яъни маъруза мавзусининг муайян қисми тушунтирилади. Бунда талабаларнинг ушбу лисоний ҳодиса ҳақидаги билими ҳам аниқлаб борилади. Бундан мақсад талабанинг муайян ҳодиса ҳақидаги тушунчаси етарлими, айтилганларни тушундими унда муайян маълумот ҳосил бўлдики ёки йўқми кабиларни аниқлашдир. Айтмоқчимизки, талабаларда муайян ҳодиса ҳақида муайян билим, тушунча ҳосил бўлганлиги аниқлангандан – бунга ишонч ҳосил бўлгандан сўнг ушбу ҳодиса ҳақидаги маълумот талабаларда доимий сақланиши учун дафтарга ёздирилади, яъни оғзаки жараёндан ёзма жараёнга ўтилади. Аниқроғи, маърузачи оғзаки берган маълумотини қисқа ва аниқ ёздирди. Ана шу ўринда талабалар томонидан ёзиш жараёни мантиқли, тушунган ҳолда амалга ошираётганлигини аниқлаш мақсадида талабаларда акустик қабул қилинган назарий билим ёзиш жараёнида – оғзаки тушунтиришдан фарқли ҳолда – нотўғри, тўғрисида зид ҳолда ёздирилади. Масалан, структурага берилган таъриф системанинг таърифи ёки, аксинча, системага берилган таъриф структуранинг таърифи сифатида қайд этилади. Қиёсланг: структура – қисмлардан иборат бутунлик. Система эса структуранинг элементлари, қисмларидир ва б.

Ушбу жараёнда, даставвал, талабаларнинг 90-95%и маърузачининг ёздирётган нотўғри маълумотини тўғри деб қабул қилади ва қандай айтилган бўлса, нимани эшитса шуни ёзади, ёзилаётган фикрнинг мантигига эътибор бермайди. Демак, бунда мантиқий қабул қилиш эмас, балки механик, автоматик қабул қилиш жараёни кечади.

Маърузачи талаба томонидан ёзиб олинган нотўғри маълумотни талабага ўқитади ва тушунтириб беришларини сўрайди. Шунда ёзма маълумотнинг оғзаки берилган маълумотга зидлиги маълум бўлади. Баҳс, мунозарадан сўнг талаба ёзилган фикрнинг нотўғри, яъни аслига – оғзаки тушунтирилганига зид эканлигини, мувофиқ эмаслигини тан олади.

Гап шундаки, талаба эшитаётган фикрни дафтарига ёзишда эътиборсизлик билан “ишлайди”. Унинг оғзаки айтилганда тўғри тушунган ҳодисани нотўғри ёзаётгани хаёлига ҳам келмайди. Бунда айрим санокли талабалардагина иккиланиш юзага келса-да, улар ҳам бунга жиддий эътибор бермайди. Демак, фикрни дафтарга тушириш жараёни талабга жавоб бермайди. Оғзаки билан ёзма нутқ ўртасида диалектик боғлиқлик, изчиллик, узвийлик йўқолади.

Бизнинг мақсад – талаба фикрини дафтарга ёзишда ҳам диққат-эътибор билан, масъулият билан тушунган ҳолда фаоллик кўрсатса. Ана шунда талабанинг оғзаки тўғри олган билими яна ҳам мустаҳкамланади, чуқурлашади. Талаба ёзиш жараёнида миясини эгаллаган бўлар-бўлмас хаёллардан, фикрлардан қутилади. Оғзаки билан ёзма жараён ўртасида боғлиқлик, изчиллик юзага келади, мақсадга эришилади.

Демак, юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, маъруза жараёнида талаба айрилган фикрни дафтарга қайд қилаётганида маърузачи томонидан

онгли равишда чалғитиш “алдаш” амалга оширилиши мумкин. Шу орқали талабанинг муайян фикрни ёзишда қанчалик хушёрлик билан, тушунган ҳолда “ишлаётгани” аниқланади. Аста-секин маърузадан маърузага талабанинг маълумотни ёзиш жараёнидаги хушёрлиги ортиб боради. У оғзаки фикрни дафтарга ёзишда ўйлаб, диққат-эътибор билан иш куради. Аниқроғи, талабада фикрлаб ёзиш кўникмаси шаклланади. Бунда:

1. Талаба ёзиш жараёнида маърузачининг нутқига танқидий муносабатда бўлади.
2. Талаба муайян ҳодиса ҳақидаги оғзаки қабул қилинган фикрни ёзиш жараёнида уни айнан қайд этишга ҳаракат қилади.
3. Талаба ёзиш жараёнида маърузачи томонидан айтилган нотўғри фикрни четлаб ўтиб ўзи мустақил ҳолда тўғри ёзишга оғзаки тушунганига мослашга киришади. У фикрлайди, “ижод қилади”.
4. Талаба ёзиш жараёнида маърузачи нутқининг тўғри ёки нотўғрилигини билиш учун, чалғитиш жараёни борми ёки йўқми эканлигини аниқлаш учун маърузачи фикрини – нутқини диққат билан эшитишга ва аниқ тушунишга ҳаракат қилади.
5. Талаба чалғитиш жараёни кечаётганини сезса, хушёрлик билан маърузачи фикрига қарши фикр билдиришга баҳс-мунозара юритишга киришади.
6. Талаба ёзиш жараёнида фикрлашга, ўйлашга, тафаккурини тўлиқ ишга солишга ўргатилади.

Хуллас, мақсад битта, талаба ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда билим олиши, мавзу ҳақидаги маълумотни хотирасига мустақкам жойлаштириши, маърузачи томонидан лисоний ҳодисалар юзасидан бериладиган фикрларга танқидий муносабатда бўлиши, дарс жараёнига эътибор билан, масъулият билан қараши лозим.

B. RAHMONOV, N. QURBONAZAROVA, TerDU

ZAMONAVIY ONA TILI TA'LIMI MAQSADI

Har bir davrda ta'lim rivoji va taraqqiyotiga hamohang ravishda ta'lim mazmuni va maqsadi ham o'zgarib boradi. Bu esa jamiyat rivoji, talabi va uning ijtimoiy buyurtmasi bilan bog'liqdir. Xususan, ona tili ta'lim maqsadining tarixiy taraqqiyotiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, jamiyat zaruriyatiga qarab ta'lim maqsadi turli davrlarda turlicha bo'lganligiga guvoh bo'lamiz. Masalan, V-IX asrlarda ona tili (turkiy til) ta'lim maqsadi xat- savodli turkona tabiatli shaxsni tarbiyalash bo'lsa, IX-XIX asrlar (eski maktablar) da xat-savodli, itoatkor shaxsni shakllantirish, XX asr boshlarida (jadid maktablari) esa zamonaviy ilmiy bilimlar bilan tanishgan, milliy tuyg'ularga ega xat-savodli faol shaxsni shakllantirish bosh maqsad bo'lgan.

Sobiq ittifoq davri ona tili ta'limi ham jamiyat ehtiyoji va ona tili o'qitish oldidagi talab va vazifalardan kelib chiqqan holda o'z oldiga turli maqsadlar qo'ygan. Chunonchi, 1925-1970 yillar orasida ta'lim maqsadi adabiy meyorlarni singdirish, milliy adabiy tilni ommalashtirish, rasmiy yozma va og'zaki nutqda sheva nutqidani foydalanishni cheklash bo'lgan. 1970 -1990 yillarda esa milliy adabiy tilda yozma va og'zaki nutqni rivojlantirish, o'quvchilarning ijtimoiy-gumanitar hamda tabiiy o'quv predmetlar bo'yicha savodxonligini oshirish ona tili ta'limi oldidagi asosiy maqsad bo'lgan.

Mamlakatimizning milliy istiqbolga erishishi, boshqa sohalarda bo'lgani kabi, ta'lim jarayonida ham tub islohatlar davrini boshlab berdi. Ta'lim tizimini, shu jumladan, ona tili ta'limi tizimini davlat va jamiyatning o'zgaruvchan ehtiyojlari talablariga muvofiqlashtirish islohatlar ko'lamida boy yo'nalishni tashkil etdi.

Ona tili ta'limining bosh maqsadi belgilandi va ushbu maqsaddan kelib chiqib, ona tili ta'limining mazmunini yangilash ishlari olib borildi. Yangilangan ta'lim mazmuni o'zbek tilini o'qitish tizimining yangi vazifalarini belgilab berdi. Bu vazifalarning asosiysi – maktabni bitirib chiqqan yoshlar ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotning rang – barang jabhalarida muloqot va munosabatning barcha turlarida o'zbek tilidan samarali foydalana olish inkoniyatiga ega bo'lishlariga erishish.

Ta'limning yangi texnologiyasi samarasi o'qitish maqsadlari o'quvchilar harakatida ifodalanadigan va aniq ko'rinadigan, o'chanadigan natijalar bilan belgilanadi. Shunga ko'ra, ona tili ta'limi maqsadini belgilashda o'quvchilarda mustaqil ijodiy fikrlash orqali ularning nutqiy malakasini oshirishga bosh omil sifatida qaraladi. Ona tili ta'limining bosh maqsadi yoshlarni ijodiy fikrlash, o'z fikrini erkin va ta'sirli qilib yozma hamda og'zaki shaklda ifodalash, o'zbek tili qonun – qoidalarini ongli o'zlashtirishga o'rgatish, shuningdek ularning fikr doirasini kengaytirish, shu bilan birga, vatanimizga, milliy an'analarimizga, boy ma'naviyatimizga mehr – muhabbat ruhida tarbiyalashdan iboratdir.

Ona tili ta'limi usuli, mazmuni, vositalari, o'quv materiallari va topshiriqlar tizimi ham, darslik va dasturlarning yangi avlodi mazmun – mundariyasi ham bevosita ta'lim maqsadi bilan uyg'unlashtirildi.

Ona tili ta'limining yangi pedagogik texnologiyasi aniq maqsadlarga erishishga yo'naltirilgani bilan ta'limning shu paytgacha amalda bo'lgan ko'rinishlaridan farq qiladi.

Bu texnologiyaning amaliy qiymati qo'yilgan maqsadga erishish vaqti qisqaligi bilan xarakterlanadi.

Shu fikrlarda kelib chiqqan holda, ona tili ta'limi maqsadi pedagogik texnologiyaning umumiy tuzilishiga mutanosib holda quyidagi omillarga bog'liq degan xulosaga kelish mumkin:

- ona tili ta'limiga qo'yilgan umumiy maqsad – ijodiy tafakkur sohibini tarbiyalash;

- umumiy maqsad o'quvchilarda ijodiy fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki, yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish;

- ona tili ta'limining bosh maqsadini har bir dars mavzusi mohiyatidan kelib chiqqan holda oydinlashtirish, ya'ni o'quvchi tilshunoslikning muayyan bir bo'limiga oid til hodisasining mohiyatini, anglab yetishi, bu hodisalarni o'z nutqida og'zaki va yozma tarzda voqealantirishi, mazkur hodisalardan nutq jarayonida to'g'ri, o'rinli foydalana olishi orqali nutq malakasini shakllantirish va rivojlantirish;

- o'qitishda ongli verbal, kognitiv, pragmatik ta'lim usulidan keng foydalanish.

Demak ona tili ta'limining yangi texnologiyasi ta'lim maqsadini belgilashdan to shu maqsadga erishganlik natijasi darajasini baholashgacha bo'lgan murakkab jarayonni o'z ichiga oladi. Pedagogik texnologiyaga oid adabiyotlarda ko'rsatilishicha, ayrim xorijiy davlatlarda o'quvchi va o'qituvchi uchun maqsadlarni alohida – alohida belgilash odat tusiga kirgan. Bunda maqsadlar o'qituvchining faoliyati orqali qo'yiladi (o'rgatish, tushuntirish, ko'rsatish, aytib berish va h.k.) o'quvchining harakatlarida ifodalanadigan natijalar esa ta'lim vazifalari deyiladi. Bu vazifalarni o'lchash, aniqlash, o'qitishni qayta mezonini bilish kerak, ya'ni ta'lim maqsadi shunday qo'yilishi kerakki, unga erishganlik haqida aniq xulosa chiqarish mumkin bo'lsin.

Pedagogik texnologiya o'qitishni o'quvchilar harakati orqali amalga oshirishni ko'zda tutar ekan, ona tili ta'limi maqsadi ham o'quvchini dars subekti darajasiga ko'tarishdan iborat bo'ladi.

Adabiyotlarda ta'kidlanishicha, aniq maqsadlarni ishlab chiqish murakkab masaladir. Shuning uchun bunda bir guruh olimlar o'qituvchilar va uslubchilarning o'zaro hamkorligidagi faoliyati talab etiladi. Mana shu e'tirofdan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, o'quvchining har bir dars qurilmasidagi faoliyati ona tili ta'limi umumiy maqsadining mavzular, sinflar kesimida yanada aniqlashishi va oydinlashuvida muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Zamonaviy ona tili ta'limi oldida turgan asosiy maqsadlardan yana biri dars jarayonida o'quvchilarni faollashtirish orqali ularga bilim olish yo'llarini o'rgatish va o'qitishdan iboratdir. Ta'lim jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiya elementlari singib bormoqda. O'qitishning interfaol usullaridan foydalanish bo'yicha ma'lum tajribaga ega bo'lindi (ommalashtirish bo'yicha hal qilinishi zarur bo'lgan ishlar mavjud).

Ona tili darslarida ta'limning interfaol usullaridan foydalanish o'quvchilarda mantiqiy fikrlash ko'nikmalarini tarkib toptiradi, yakka tartibda, juftlikda va guruhlarda ishlashga o'rgatadi, ko'pchilik oldida o'z fikrini bayon etish, o'z nuqtayi nazarini asoslash malakalarini hosil qiladi.

Bugungi kunda informatsion texnologiyalarning imkoniyatlaridan keng va samarali foydalanish barcha sohalarda tobora salmoqli o'rin egallamoqda.

Jamiyatning faol sohalaridan biri ta'lim sohasini ham kompyuter texnologiyalarsiz tasavvur qilish qiyin. Ayniqsa, dars jarayonini sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tardi. Birinchidan, internet axborot makonidan o'qituvchi o'tilishi kerak bo'lgan mavzu yuzasidan xilma-xil ma'lumotlar oladi va dars jarayonida ulardan samarali foydalanadi. Ikkinchidan, dars jarayonida, multimedia vositalari, proyektor qurilmasi yordamida mavzuni elektron slaydlar hamda turli videoroliklar orqali namoyish etadi. Bu yangi usulda bilimlarni o'zlashtirish o'quvchilarda qiziqish uyg'otadi. Ma'lumotlarni fleshka va boshqa tashuvchi qurilmalar orqali ko'chirib o'qish imkonini beradi. Ushbu jarayon ta'lim maqsadiga erishishda muhim vositalardan sanaladi. Undan tashqari kompyuter orqali darsda tabaqalashtirib ta'lim berish imkoniyati katta. Jumladan, o'quvchilarni eng faol (eng qobiliyatli), faol (qobiliyatli), sust (qoloq) toifalarga ajratib, har bir toifa o'quvchilar uchun kompyuterga alohida topshiriq kiritish mumkin. Kompyuterda o'quvchining savol – topshiriqlarga javob berish vaqti ham ko'rsatiladi. Vaqt savollarning og'ir – yengilligiga qarab belgilanadi. Masalan, ona tili darslarida o'quvchilarning yozma nutqini o'stirish, fikrini turli usullarda bayon qila olishga o'rgatish maqsadida kompyuter orqali turli topshiriqlar berish mumkin:

Kompyuterda muammoli vaziyat yaratish imkoniyatlari ham kattadir. Bunday usullar xilma – xil bo'lib, ulardan yangi mavzuni tushuntirishda, mavzuni mustahkamlash va yakunlashda ham foydalanish mumkin. Shuningdek, nutqqa oid misollarni tahlil qilish, tilning turli jihatlarini bo'yicha tushuncha hosil qilish, mavzularni bir – biriga taqqoslash, til sohalarini bo'yicha qo'shimcha ma'lumotlar kiritish va olishda ham kompyuter o'quvchiga samarali yordam beradi.

Kompyuterda o'quvchilarni qiziqtiradigan rebus, krossvord tarzidagi o'yinlar tashkil etish, berilgan so'zlardagi harflar o'rnini almashtirish yo'li bilan boshqa so'zlar hosil qilish mumkin. Bunda barcha topshiriqlar o'quvchini so'z izlash va topgan so'zlarining eng maqbulini tanlab uni nutqda qo'llashga o'rgatish lozim.

Biz maqolamiz boshida ona tili ta'lim maqsadi turli davrlarda turlicha bo'lganiga guvoh bo'ldik. Va har gal keyingi davr maqsadi oldingi davr maqsadiga qaraganda undan yuksakroq maqsad qo'yaniga guvoh bo'ldik. Jamiyatda davom etayotgan ulkan o'zgarishlar, ilm-fanda erishilayotgan yutuqlar, ta'lim taraqqiyoti kelajakda ham ona tili ta'limi oldiga yangi-yangi maqsad va vazifalarni qo'yib boradi.

ЧЕТ ТИЛИ ҶУКИТИШ АМАЛИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Сўнгги йилларда таълим тизимига кириб келган педагогик тушунчалар, инновациялар, интерфаол методлар ва улар билан боғлиқ янги тушунчаларни таълим берувчи ва таълим олувчи томонидан тушуниб, ўзлаштириб олиниши уларни амалиётда қўлланилиш самарадорлигини оширади.

“Интерфаол метод” атамаси инглиз тилидаги “interactive” сўзидан олинган бўлиб, у талабаларнинг ички фаоллигини ошириш ва билимларни фаол ўзлаштиришни тақозо этади. “Педагогик технология” тушунчаси эса таълим- тарбия жараёнига технологик ёндашув асосида кириб келди. Аслида, “технология” сўзи техникавий тараккиёт туфайли юзага келган, У юнонча “technos” сўзидан олинган бўлиб, “санъат”, “мархамат” маъноларини англатади, “logos” сўзи эса фан, таълимот маъноларини билдиради.

Аслида “технология тушунчаси” таълим соҳасига ишлаб чиқаришдан кириб келган бўлиб, у олдиндан пухта лойиҳалаштириш ва шу асосда, маълум кетма-кетликда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ операцияларни бажариш орқали кафолатланган натижага эришишни тақозо этади.

Ҳозирда педагогик ва методик адабиётларда кенг қўлланилаётган “педагогик технология” тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у тарбиявий жараён ва таълим жараёни билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам педагогик технологияга берилган таърифда турлича қарашларни кўришимиз мумкин. В.П.Беспальконинг фикрича, педагогик технология ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ бўлган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир.

М.В.Кларин фикрича, олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёни лойиҳалашгиришдир. В.М.Монахов эса педагогик технология - бу олдиндан режалаштирилган натижага олиб борувчи тизимли ёндашув деган фикрни билдиради. И.Я.Лернернинг фикрига кўра, педагогик технология ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали англаб олинадиган мақсадни ифодалайди.

Ўзбекистонлик педагог олимлар ҳам бу борада ўз фикрларини билдиришган. Таникли педагог олим Б.Л.Фарберман педагогик технологияни танлаш жараёнидаги янгича ёндашув деб ҳисоблаган ҳолда унга “ижтимоий мухандислик онги” ифодаси сифатида қарайди.

Н.Саидахмедов ва А.Очиловлар педагогик технологияни ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш ва тарбия воситалари ёрдамида “шахсда олдиндан

белгиланган сифатларни шакллантириши” жараёни сифатида талқин қиладилар. Ушбу юқорида қайд этилган олимларнинг фикрларини ўрганиб таҳлил қилиш асосида яна бир ўзбек олими Б.Зиёмухаммедов педагогик технологияни жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда “шахснинг сифатларини” аниқ мақсад асосида шакллантирадиган ва ўқув жараёнини мажмуи сифатида технологиялашган таълимий тадбир деб қарайди.

Юқоридаги педагогик технологияга берилган тарифлардан кўриниб турибдики, муаллифларнинг айримлари олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижани берувчи тарбиявий жараёнга, яъни шахсда белгиланган сифатларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратадилар (В.П.Беспалько, Н.Саидахмедов, А.Очилов, Б.Зиёмухаммедов), бошқа бирлари эса уни муҳандислик онги ифодаси (Б.Фарберман), ёки таълим жараёнида қафолатланган натижага олиб боровчи тизимли ёндашув билан кўпроқ боғлиқ сифатига эътибор қаратадилар. Япониялик олим Т.Сакомато таърифида эса буларнинг барчасини бирлаштирувчи ва педагогик жараённи бир мажмуга келтиришга йўналтирилган технологик жараён эканлиги таъкидланади. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, технологик жараён билан боғлиқ технология турларининг қуйидаги таснифини келтириш мумкин.



Ушбу таснифда келтирилган технология турларининг ҳар бири ўзига хос қонуниятлар ва функцияларга эга бўлганлиги учун ҳам биз кўпроқ таълим технологияси ҳақида фикр юритишни мақсадга мувофиқ топган ҳолда технологиянинг бошқа турлари ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекландик.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган “педагогик технологиялар” аслида шахсни шакллантирувчи, унинг характери, қобилияти, қизиқишлари билан боғлиқ сифатларни ривожлантирувчи технологияни ва шу билан бир қаторда ўқитиш, билим бериш, ўргатишга йўналтирилган технологияларни, яъни бошқача қилиб айтганда педагогик ва дидактик технологияларни ўз ичига олган ҳолда қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, таълимдаги технологик жараёнга хос сифатларни келтириб ўтиш ҳам жоиз. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: *аввалдан пухта лойиҳалаштириш, мотивация ҳосил қилиш, тизимли ёндашув ва қафолатланган натижа.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т.: ТДПУ, 2003. –Б.174.
2. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. - Т.: Фан, 2000. –Б. 130.
3. Кларин М.В. Инновационные модели учебного процесса в современной зарубежной педагогике. - М., 1994.
4. Алимов Ш.С. Замоновий инновацион технологиялар. - Андижон, 2011.

С. ХАШИМОВА, ТашГВИВ

ОСОБЕННОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА КАК ИНОСТРАННОГО В КИТАЕ

Любой иностранный преподаватель, работающий с китайскими студентами, отмечает многочисленные «несовпадения» в подходах к процессу обучения у себя на родине и у китайцев. Применительно к ситуации «китайские студенты в Узбекистане» говорят о ломке «национального учебного стереотипа». Такая же «ломка» происходит и у иностранного специалиста, преподающего иностранный язык в Китае, так как именно он должен «подстраиваться» под коллег, студентов, чужую учебную систему.

Первое, что поражает иностранного преподавателя в китайском вузе, – система строгого разграничения форм контроля в зависимости от уровня испытаний. Нацеленность китайских студентов на экзамен объясняется просто – от результата любого экзамена зависит их будущее:

трудоустройство, получение диплома (в случае госэкзаменов), получение стипендии (в случае обычных экзаменов и зачётов). Как известно, в КНР высшее образование частично платное даже в государственных вузах (оплачиваются некоторые спецкурсы и проживание в общежитии). Однако ряд социально незащищённых категорий населения (дети из неполных семей, дети учителей и др.) получают государственную стипендию, компенсирующую расходы семьи на образование ребёнка. Стипендия выплачивается при условии, что студент сдал в сессию все экзамены не ниже чем на 70 баллов. Студенты, получающие государственные стипендии, наиболее мотивированы и очень ответственно относятся к учёбе вообще и к экзаменам в частности.

Госэкзамены по иностранному языку сдаются китайскими студентами дважды: 1) в конце второго курса – по четвёртому уровню владения иностранным языком; 2) в середине четвёртого курса – по восьмому (высшему) уровню владения иностранным языком.

Студенты, не сумевшие сдать экзамен четвёртого уровня на втором курсе, имеют шанс пересдать этот экзамен на третьем и четвёртом курсах; в случае неудачи и в эти два раза выпускник вуза получает не диплом государственного образца, а лишь справку вуза (и диплом, и справка вручаются всем выпускникам, успешно сдавшим экзамен четвёртого уровня). Таким образом, как и другие госэкзамены, экзамен четвёртого уровня (соотносимого в системе ТРКИ с I сертификационным уровнем) является квалификационным испытанием для получения диплома.

Результаты теста восьмого уровня влияют на результат собеседования при поступлении выпускников вузов на работу: по итогам тестирования определяется «всекитайский» рейтинг выпускников этого года, и тот, кто набрал большее количество баллов, имеет больше шансов быть принятым на вакантную должность. Нередки случаи, когда работодатели отказывают выпускникам в приёме на работу по причине отсутствия документа о сдаче теста восьмого уровня. Дело в том, что любому человеку только раз в жизни предоставляется возможность сдать экзамен по этому уровню (в отличие от теста четвёртого уровня, который можно сдавать неограниченное количество раз). Кто же те счастливые обладатели документа о сдаче теста восьмого уровня? Это 60 % всех сдававших экзамен, набравшие из всех участников тестирования наибольшее количество баллов. Экзамен проводится одновременно (в один день) в конце марта во всех вузах КНР. Результаты тестирования из вузов («с мест») сообщаются в министерство («в центр»), и «центр» определяет количество баллов, достаточное для того, чтобы войти в число 60 % лучших. Установленный на текущий год минимум баллов спускается в вузы («на места»). Ежегодно новым оказывается не только минимум баллов; каждый год обновляются все тестовые материалы. Благодаря тому что тесты предыдущих лет регулярно публикуются, учащиеся имеют

возможность самостоятельно готовиться к тестированию. Необходимость самостоятельной подготовки к тестовому итоговому контролю осознаёт каждый четверокурсник, так как результат теста восьмого уровня определяет конкурентоспособность выпускника китайского вуза на отечественном рынке труда.

Безусловно, эти два госэкзамена-теста стоят на высшей ступени иерархии всех испытаний. В китайском вузе всё подчинено задаче подготовки к этим экзаменам: и учебные планы, и расписание занятий, и формы работы на уроке (в том числе типы учебных заданий), и устремления студентов и преподавателей. Четырёхгодичное обучение китайских бакалавров фактически превращено в трёхгодичное, так как последний (четвёртый) год обучения полностью посвящён подготовке к сдаче экзаменов, в том числе и вступительных. Дело в том, что вступительные экзамены в магистратуру в китайских вузах проводятся во второй декаде января (после зимней сессии, перед китайским Новым годом). Весь первый семестр (он заканчивается в декабре, так как зачёты проводятся до европейского Нового года) немногочисленные желающие поступить в магистратуру усиленно готовятся к вступительным экзаменам по экзаменационным материалам прошлых лет. Как правило, процесс самостоятельной подготовки абитуриентов к поступлению идёт параллельно с процессом обучения не желающих никуда поступать однокурсников, причём в одной аудитории (студенты университета Миньзу не имеют возможности пропускать занятия, так как посещаемость в этом вузе контролируется с помощью видеокамер, установленных в каждой аудитории). В первом же семестре, в ноябре, для всех четверокурсников китайских вузов, желающих поступить по окончании учёбы на работу в государственные учреждения (на государственные предприятия, на вакантные должности в министерства и управления всекитайского уровня), проводится так называемый «экзамен для государственных служащих». Число студентов, принимающих участие в этом экзамене, как правило, намного превышает количество вакансий. Пикантность ситуации состоит в том, что шанс попасть на госслужбу предоставляется китайцам только раз в жизни – в момент обучения на четвёртом курсе; впоследствии (по окончании университета) никто из выпускников не имеет права подавать документы на работу в госучреждения без успешной сдачи этого экзамена на четвёртом курсе. Поэтому многие четверокурсники пытаются не упустить свой шанс и готовятся именно к этому экзамену, а не к вступительным экзаменам в магистратуру.

Итак, в первом семестре четверокурсники чётко делятся на четыре группы: 1) поступающие в магистратуру, 2) поступающие на госслужбу, 3) ищущие или уже нашедшие работу, 4) «свободные слушатели». Из-за того что цели обучения и учебные приоритеты у студентов-четверокурсников

существенно разнятся, преподаватели испытывают некоторые затруднения при составлении плана-конспекта конкретного урока, так как стараются учесть потребности каждого присутствующего на занятии (а их несколько больше, чем в языковой группе российского вуза – от 14 до 26 человек).

Что касается узбекского языка, то в этом случае для студентов-китайцев он преподаётся в качестве второго иностранного языка и итоговая экзаменационная система затрагивает данный предмет только в конце соответствующего семестра, когда учащийся должен сдать экзамен по соответствующему аспекту узбекского языка (фонетика, грамматика, чтение, аудирование узбекского языка).

Внутривузовские экзамены и зачёты по узбекскому языку представляют собой мини-тестирование по всем видам речевой деятельности (мини – потому, что преподаватель должен принять зачёт за два академических часа у всех студентов). В университете Миньзу действует правило: экзаменационные материалы должны содержать не менее шести заданий, причём не менее половины этих заданий должны быть в тестовой форме. В китайской образовательной системе принята 100-балльная (точнее 100%-ная) шкала оценки. Необходимо отметить, что в КНР одним из решений Министерства образования запрещено минусовать из 100 баллов штрафные баллы за ошибки; оценка должна складываться из баллов, полученных за выполнение каждого задания. Например, при оценивании выполнения задания «*Вставьте слова в текст / в предложения*» за каждое правильно вставленное слово учащийся получает один балл, а если слово выбрано правильно, но в нём допущена ошибка, – 0,5 балла. Если в тексте пропущено 20 слов, то максимальное количество баллов за задание – 20; преподаватель суммирует все заработанные студентом баллы, в результате чего получается общий балл за задание. Как показывает практика, получить оценку более 95 баллов при такой системе оценивания трудно, почти невозможно. Поэтому оценки 95 баллов и более вызывают у китайских преподавателей «размышления» над механизмом их получения (а не нарушено ли министерское правило?).

Каждый преподаватель самостоятельно разрабатывает критерии оценки и контрольные материалы к экзаменам по своим предметам, при этом учебная часть следит за тем, чтобы в новых экзаменационных материалах было не более 30 % заданий предыдущих лет. С этим связано второе обстоятельство, шокирующее иностранного преподавателя в китайском вузе, – удельный вес контроля в системе обучения.

Необходимо отметить, что контрольные занятия строго дифференцированы: при выставлении итоговой оценки по предмету за семестр преподаватель суммирует 3 результата: за посещение / «отношение к предмету» (10 %), за промежуточный экзамен (30 %), за итоговый экзамен (60 %). Такая форма обучения кажется иностранному эксперту вариантом заочного обучения. Это общее

впечатление подкрепляется активным внедрением в учебный процесс системы дистанционного обучения типа MOODLE: экзаменационные ведомости оформляются только в электронном виде на китайском языке, результаты экзаменов студенты узнают на сайте вуза.

В этих условиях «полузаочного обучения» возрастает роль самостоятельной работы студентов во внеучебное время, при этом задачей преподавателя становится максимально эффективная организация этой работы. Не менее важно сделать и само занятие не просто интересным, но и продуктивным, представив внутри каждого урока все формы заданий, включённых в экзаменационные материалы. Безусловно, восприятие сложного и не очень понятного материала облегчат, с одной стороны, технические средства, с помощью которых можно визуализировать некоторые объекты, а с другой стороны – стабильная структура каждого занятия.

Итак, «сознательно-практический» метод, давно известный в иностранной методике преподавания, получает в условиях китайского вуза новую интерпретацию. Что означает «сознательно-практический»? Во-первых, студент должен понимать, чему и для чего его учат. Просто «интересный» материал отнимает драгоценное время у тех, кто должен через полгода-год выйти на работу по специальности (как правило, это работа переводчика в турфирмах, сырьевых компаниях и госучреждениях, в гостиничном бизнесе). Прагматический подход студентов к учёбе вполне оправдан: в магистратуру-«аспирантуру» разных вузов будет зачислено не более пяти человек (из 25 студентов курса), причём сдавать вступительные экзамены в магистратуру будут 10–12 человек. Поэтому и третькурсников, и четверокурсников в основном интересуют реалии сегодняшнего дня, вопросы практические, факты, а не объяснения – причины и аргументы.

Во-вторых, отобранный и систематизированный преподавателем материал должен быть представлен в удобной для усвоения форме: наглядно (картинки с подписями, таблицы), кратко, в сопоставлении с китайскими реалиями. Безусловно, превращать все учебные курсы в один – «Иностранный язык в картинках» – было бы неправильно, но готовить к каждому уроку наборы (предметов, раздаточных материалов, фото- и видеоматериалов) необходимо, так как техническое оснащение – одно из главных требований к уроку в китайском вузе.

В-третьих, несмотря на то что китайские группы студентов по численности значительно превосходят языковые группы в отечественных вузах, личностно-ориентированное обучение отличает иностранных преподавателей и здесь. Индивидуальный подход проявляется прежде всего в том, что разным студентам в соответствии с их целями обучения, интересами, уровнем предлагаются разные задания. Вместе с тем на уроке все учащиеся должны выполнять одинаковые задания в одинаковом

объёме. Следовательно, материал, обрабатываемый во время занятий, должен быть посилен и доступен для каждого, т. е. рассчитан на слабого студента. Активное включение в учебный процесс всех студентов – неперенное условие успешности работы преподавателя. Таким образом, общеметодические принципы – такие, как системность, межпредметная координация, практическая направленность – приобретают в условиях китайского вуза особое звучание. На наш взгляд, именно практическая направленность определяет содержание обучения, поэтому преподаватель должен чётко осознавать приоритетом своей педагогической деятельности формирование у студентов навыков, необходимых в их будущей работе. Какими же навыками должен обладать выпускник китайского вуза? Для себя мы сформулировали их следующим образом: 1) соблюдать правила поведения и нормы этикета в основных ситуациях общения (в учебной, профессиональной, деловой, бытовой сферах);

2) быстро и чётко отвечать на поставленные вопросы; 3) самостоятельно находить / выделять в тексте (печатном, медийном, аудиовизуальном, аудитивном) интересующую информацию; 4) адекватно интерпретировать полученные сведения; 5) чётко следовать инструкциям при выполнении заданий; выполнять задания в установленные сроки.

Отбор учебного материала, формы работы на уроке, типология заданий – всё должно быть подчинено задаче формирования этих коммуникативных навыков. Итак, парадигма знаний в образовании сменилась (или сменяется) коммуникативной, и в китайской образовательной системе эта смена, а точнее – её необходимость, очевиднее, чем в отечественной, что обусловлено большей конкуренцией выпускников на китайском рынке труда.

Список литературы:

1. Грушевицкая Т. Г. Основы межкультурной коммуникации: учебник для вузов / Т. Г. Грушевицкая, В. Д. Попков, А. П. Садохин; [под ред. А. П. Садохина]. – М.: ЮНИТИ – Дана, 2003. – С. 352.
2. Маслова В. А. Лингвокультурология: учеб. пособие для ст. высш. уч. завед. / В. А. Маслова. – 4-е изд. – М.: Изд. центр Академия, 2010. – С. 208.
3. Тань Линь. Курс лингвострановедения/Линь Тань; [под ред. Ю. Б. Смирнова, Е. Ф. Казимьянец, Т. И. Соколовой]. – Чанчунь: Издательство Цзилиньского университета, 1996. – С. 718.
4. Цзя Чанлун. Начальное пособие по курсу «Язык средств массовой информации» / Чанлун Цзя, Е. В. Кожевникова, Янь Сюй. – Пекин: Изд-во Пекинского лингв. ун-та, 2011. – С. 230.

КИЧИК ЁШДАГИ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎРГАНУВЧИЛАРДА МОТИВАЦИЯ ҲОСИЛ ҚИЛИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИДА

Бугунги кунда хорижий тилларни, хусусан инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш, мамлакатимиз ёшлари ўртасида кундан-кунга кучайиб бормоқда. Ҳукуратимиз томонидан бу масалага ўта жиддий эътибор берилган ҳам бежиз эмас. Замонавий жамиятни кенг қамровли ҳалқаро алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, ўз она тилидан ташқари чет тилларни ҳам билиш – бу нафақат инсоннинг маданий ривожланиш белгиси, балки, унинг ҳаётни турли соҳаларида муваффақиятли фаолият юритишидаги муҳим шартлардан бири ҳамдир. Айни вақтда, мамлакатимизда чет тилларни ўргатиш мактабгача ёш давридан бошлаб йўлга қўйилган ва бу жараён ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Кўп сонли мутахассисларнинг фикрича, мактабгача ёш даври боланинг иккинчи тилни ўрганишида қулай вақт ҳисобланар экан, чунки, бу даврда бола миёсининг ривожланиши жуда интенсив ҳолатда юз беради. Ҳар томонлама таълим-тарбия бериш баробарида, чет тилини ҳам ўргатиш бола нутқининг янада такомиллашувига, хотирасининг юқори даражада ўсишига, ихтиёрлиқ дикқатининг ортишига сабаб бўлади. Болага чет тили ўргатилар экан, биринчи навбатда қуйидаги масалаларга эътиборимизни қаратмоғимиз лозим: 1. Менинг болаларим (яъни тил ўрганувчилар) кимлар? 2. Уларнинг тил ўрганишидаги талаблари нималардан иборат? 3. Улар нимани ёқтиришади-ю, нимани ёқтиришмайди? 4. Улар қандай қобилият ва ҳиссиётларга эга? 5. Улар тил ўрганишида нимага муҳтожлик сезадилар? Ушбу муаммоларни ечими турли хилдаги психологик тестлар ўтказиш орқали аниқлаштирилади. Масалан: ўқувчиларимизни тил ўрганишидаги нимага муҳтожликларини аниқлаш учун қуйидаги психологик ўйинни таклиф этамиз. Ўқитувчи бу жараён учун турли хил рангли расмлар, ўйинчоқлар, рақамлар, фигуралар, мева ва сабзавотлар тўплами кабиларни тайёрлаб қўйиши лозим бўлади. Ўйин *LIKE- DISLIKE ЁҚАДИ -ЁҚМАЙДИ* деб номланади. Гуруҳ кичик кичик гуруҳчаларга бўлинади. Иштирокчилардан ўзларига ёқадиган ва ёқмайдиганлари предметларни танлаб тўплаш буюрилади. Болалар танлаган буюм ва расмларга қараб ўқитувчи дарсни ташкиллаштиради. Болага асл буюм ёки нарсалар (мевалар, сабзавотлар, фигуралар кабилар) ни қўл билан ушлаб кўриб ўргатилса, тезроқ ёд олинишига кўмаклашган бўламиз.

Мактабгача ёш давридаги болалар томошабоп нарсаларни ёқтирадилар. Уларга чет тилда тинглаб-тушуниш ва гапириш каби нутқ фаолияти турлари ўргатилар экан, машғулот давомида болаларни ўзига

жалб қиладиган буюм, рангли расмлар, жозибали ўйинчоқлардан фойдаланиш лозим. Тил ўргатиш жараёнида машғулот мавзуларини тақсимлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Озик-овкатлар, ранглар, сонлар, хайвонлар, оила ва тана қисмлари мавзулари асосий ўринда туради. Ўрганилган сўз ва ибораларни мунтазам равишда такрорлаб, қайтариш уларни эсда сақлаб қолиш имкониятини беради. Мактабгача ёш давридаги болаларга чет тил ўргатилар экан, албатта уларни ёш хусусиятлари натибборга олинади. Бундан келиб чикиб, тарбиячи-муаллим турли методик усулларни танлайди. Машғулотлар сайр, жисмоний машқ мусиқа ва жонли ўйин тарзида олиб борилиши мумкин. Ўйин ўқитишнинг биринчи йили 80% машғулотни, сўнгра 50% ни ташқил қилиши мумкин. ҳаракатли ва содда ўйинлар, дидактик ўйинлардан кенг фойдаланилади. Шунингдек, ҳозирги ривожланган техника асри даврида компьютер технологияларидан ҳам фойдаланиш яхши натижа беради. Яна энг муҳими бу жараёнда ҳар бир боладаги психик жараёнлар: хотира, идрок тафаккур, кибиларни ва боланинг иродавий жабҳалари: ҳиссиёт, ирода, темперамент, характер, қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашилса, ўйлайманки, ҳар бир тил ўргатувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

"Мен бунга қизиқмайман"- қўпчилигимизга таниш бўлган бу ибора таълим жараёнида қизиқишнинг ўрни нечоғлик катта аҳамият касб этишини исботловчи энг содда мисолдир. Лекин нима сабабдан қизиқишнинг роли бу даражада аҳамиятли ёҳуд, қандай қилиб ўзимизда бирор соҳа ёки фанга бўлган қизиқишни ўйғотишимиз мумкин?

Ўқув жараёнига қизиқиш, бир неча омиллар билан биргагина муваффақиятли таълим натижасига олиб келиши мумкин. Бунда энг аввало "Ҳоҳиш" ва "Имконият" ҳамоҳанглиги ҳал қилувчи бирликдир. Ўқув жараёни мотивацияси шу кунгача бўлган тажрибалар ва аввалги ривожланиш шартлари билан бевосита боғлиқдир, чунки юқоридагилар ўрганувчи шахснинг қизиқиши ва нуқтаи назарининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари ўрганувчи жойлашган муҳит ва албатта ўрганилиши лозим бўлган материал мотивация жараёнига таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади. Педагогик - психологик мотивация тадқиқотларида ўқув жараёни мотивациясининг тўрт тури алоҳида таъкидланади: *Интризинг (ички) мотивация; Экстризинг (ташқи) мотивация; Ютуқлар мотивацияси; Қизиқиш.* Бу муаммолар хусусида маълумотга эга бўлгандан сўнг биз кейинги босқичга қадам қўямиз: яъни боланинг тил ўрганишга бўлган хоҳишини таркиб топтириш. Ўқитувчининг умумий маданияти, унинг ўқув материални болалар онгига қизиқарли тарзда етказа олиш маҳорати, машғулотнинг яхши ташқил этилганлиги ва ўқув жараёнига нисбатан ижобий муносабати - болаларда шунлиқ тилини ўрганишга қизиқиш ўйғотишда катта таъсир кўрсатади. Боладаги қобилият, ижодкорлик сифатлари шу қадар қўпки, уларни ривожлантириш тил ўргатувчининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Тил

Ўргатиш жараёнида боланинг диққатини йўқотмаслик учун ўқитувчи машғулот вақтида фаолиятни тез-тез ўзгартириб туриши керак, чунки бир нарсага узок; фурсат давомида қаратилган диққат, айниқса, болаларда ўз-ўзидан йўқолиб кетади, Бу эса ўқитувчи назоратини ҳам қийинлаштиради. Шунинг учун, фаолият ҳар 3-5 дақиқада ўзгартирилиши лозим. Болаларга янги сўзлар шеър ёдлаш, кўшиқ айтиш, суҳбат, турли ҳаракатлар бажариш, ўйинлар ўргатиш орқали ўргатилади. Таълим жараёнида болалар билан узвий мулоқот зарур. У нафақат дарс воситалари ёрдамида, балки, илик назар, ёқимли табассум, жалб қилувчи талалффуз ёрдамида ҳам амалга оширилиши лозим. Болаларни ҳайрон қолишга ва ҳайратланишга мажбур қилган билимлар энг мустаҳкам билимлар ҳисобланади. Ўйинли тарзда хотирани мустаҳкамлаш ҳам фойдали усуллардан бири ҳисобланади. Масалан: *"My Grandmother's Trunk"* "Бувимнинг сандиги" деб номланувчи ўйинни мисол тариқасида келтирсак, ўйин болани буюмларни инглизча ёд олишига ва ўйинда ютиб чиқиш шижоатини ривожлантиришга ҳамда сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатади. Болалар айлана тарзида туришади, ўйинни бошловчи *"I packed my grandmother's trunk with a book"* "Мен бувимнинг сандигига китобни жойлайман" деб айтади, иккинчи ўйинчи ҳам *"I packed my grandmother's trunk with a book and a pen"* "Мен бувимнинг сандигига китоб, ручкани жойлайман" дейди, учинчи ўйинчи *"I packed my grandmother's trunk with a book, a pen and a pencil"*. "Мен бувимнинг сандигига китоб, ручка, қаламни жойлайман" деб буюмлар тартибининг бузмасдан санашлари талаб қилинади. Ёддан чиқарилган, сўз, яъни буюм номини айтолмаган ўйинчи ўйиндан четлатилади, даври айланаверади, сўз ҳам кўпаяверади. Бу ўйин сўзларни такрорлаш, ёдлаш, унутмасликка ўргатиши билан характерланади. Болани тезкор қарор чиқаришга, нутқини раvon бўлишига ва топқирликка чорлайди. Шунингдек, тил ўрганувчиларни машғулотга қизиқтириш учун улар ўртасида турли мусобақалар ҳам ўтказилади. Бундай тадбирлар болаларда эпчиллик, мустақиллик ўз-ўзини назорат қилиш, мантикий фикрлаш қобилиятлари, шахслараро муносабатларни ривожлантиради. Мусобақалар натижасида бир гуруҳнинг ғолиб бўлиши ёки ютқазishi, бошқа ҳолатда иккала команда ҳам тенг бўлиши мумкин. Бу жараёнда биринчи ҳолат тил ўргатувчидан кучли эътибор талаб қилади. Ўқитувчи ғолиб гуруҳни мақтаган ҳолда иккинчи гуруҳни ҳам шундай рағбатлантириши керакки, бу билан болаларда ҳафа бўлиш, ўз нишидан қоникмаслик стресс ҳолатларини олдини олади.

Албатта, ҳаётда кимдир бирор бир соҳага қизиқиб, бошқасига умуман қизиқмаслиги ёки мактабда бир фанни бошқаларига нисбатан пухтарок ўзлаштириши ҳаммамизга маълум. Бунинг сабаблари эса таълим олувчининг ўрганилиши лозим бўлган материалга қандай мотивация билан ёндашишидадир. Интризинг ва экстринг мотивация турларида маълум бир қисқа вақтдаги мотивация ҳақида боради. Айтайлик, берилган

маълумот ўқувчига қизиқ туюлди ва уни ўрганиш унга хузур бахш этмоқда. Бунда ўқувчи ҳеч қандай ташқи мақсадни кўзламайди, шунинг учун, бу мотивация тури интрининг мотивация дейилади. Агар ўқувчи бирор ташқи мақсадни кўзлаб материални ўзлаштиради, (масалан, яхши баҳо олиш учун) бундай мотивацияни экстрининг мотивация дейилади. Ютуқлар мотивацияси эса ўзоқроқ муддатли мотивация ҳисобланади. Бунда ўқувчи ўзлаштириши натижасида келиб чиқадиган оқибатни кўзлаб ўқийди. Айтайлик, абитуриент олий ўқув юртига киришни мақсад қилиб ўқийди. Интрининг мотивациядан фарқли равишда мотивациянинг бу турида биринчи навбатда эришилиши кўзланган мақсад ётади. Қизиқиш қайси маълумотларнинг кенгроқ ва батафсилроқ ўрганилиши зарурлигини белгилаб беради ва бунинг оқибатида ўрганилувчи материаллар бош мақсад сифатида биринчи ўринга чиқади, чунки ўрганилувчи маълумотлар қизиқишнинг келиб чиқишига масъулдир. Яъни, қизиқиш материални ўрганишдан оддингина эмас, балки материални ўрганиш жараёнида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бирор билимни эгаллашда аввало ўз олдингизга аниқ мақсад қўйиш ва бу мақсадларни узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар тизимига бирлаштиришдир. Қисқа муддатли, муаммоларсиз эришилиши мумкин бўлган, реал мақсадлар пировардида сизни узоқ муддатли асосий мақсадингизга эриштиради. Қисқа муддатли мақсадларингизни қуйидаги саволлар орқали аниқлаштиринг ва талабга жавоб бермайдиганларини мақсадлар тизимингиздан учуриб ташлаб ўрнини тўлдирувчиларига алмаштиринг. Мақсад аниқ ва вақти белгиланганми? Эришса бўладиганми ё ҳаёлий орзуми? Қисқа муддатли мақсадим мени якуний мақсадимга яқинлаштирадими? Ҳақиқатан ҳам шу мақсадга эришмоқчиманми? Нима учун шу мақсадга эришмоқчиман? Қандай қутилмаган муаммо ва тўсиқлар юзага келиши мумкин? Бир мақсаддан иккинчисига қандай ўтаман?

Ўзингизни мақсадга эришиш даражангизни текшириб боринг албатта, бу қисқа муддатли мақсадларга ҳам тегишлидир. Агар мақсадларингизни тўғри қўйган бўлсангиз эришган ютуқларингизни тасодиф деб билманг, чунки сиз ҳақиқий тизим асосида ишлаяпсиз ва бу тизим белгиланган вақт ораликларида ўз самарасини бериб боради. Ўзингизга ёқимсиз ҳисобланган топшириқни иккита ёқимли ҳисоблаган топшириқингиз орасига жойлаштиринг. Бошқа кишиларнинг ўзида мотивацияни шакллантириши учун олиб бораётган ишларини кузатиб боринг. Ўрганилиб бўлинган ва энди ўрганилувчи материаллар орасида боғлиқликлар ўрнатинг. Ўрганилган маълумотларингизни амалда қўллаш усулларини қидиринг. Бошқалар билан мунозарада бўлинг, доимо қарама-қарши ва инкор қилувчи қарашлар қидирувида бўлинг. Салбий натижаларга урғу берманг. Ижобий натижани илгари сурунг. Ҳар бир нарсадан ўзингизга наф изланг, ҳаттоки, энг кичик билимдан ҳам улкан нафлар мавжуд.

Юқорида келтирилган асосий мотивация талаблари кенг қамровда ҳар бири алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниб, ўрганилиши ва илмий ва амалий хулосалар қилинишини тақозо этади. Болани эрта ёшдан хорижий тилларда сўзлашга ўргатиш ўқитувчига кўпроқ масъулият юклайди. Кичик ёшдаги тил ўрганувчилар таъсирчан ва зийрак бўлганликлари учун ўқитувчидан болани кўпроқ рағбатлантириш ва қизиқишига доимо эътибор бериши лозимлигини, дарс услубини ҳаммиша ҳар хилликда режалаштиришини, дарс жараёнида турли ҳил чекинишлар (танаффузлар) қилинишини талаб этади.

D. YO'LDOSHEVA, BuxDU

ONA TILI DARSIDA ILG'OR PEDTEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ISTIQBOLI

O'rta umumta'limda ona tili ta'limi jarayonida o'quvchining so'z boyligini oshirish, so'zlarning ma'no nozikliklari, farq va o'xshashliklarini his qilish va anglab yetish, bexato talaffuz qilish va yozish, so'zlarni bog'lab gap, gaplardan esa matnlar tuza olish, birikmalardagi ma'noviy va grammatik, matnlardagi mantiqiy xatoliklarni topish va tuzatish, bir fikrni turli vositalar bilan ifodalash, uzilgan fikrning davomini tiklash kabi qator mantiqiy operatsiyalarni bajarish, nutq vaziyatini to'g'ri baholash va til imkoniyatlaridan unga mos ravishda foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish va malakasini o'stirish, o'quvchiga mana shu vazifalar uchun zarur bo'lgan muhim fonetik, leksik va grammatik qoidalariga berish, fikrni ifodalash va anglashning turli mexanizm va usullarini, ularni turli nutq sharoitiga mos ravishda qo'llash yo'llarini tavsiya etish, bunga asoslangan mashq va topshiriqlar tizimini ishlab chiqish, voizlik mashg'ulotlariga e'tibor ustuvor vazifa sanalib, uncha chuqurlashtirilmagan lingvistik bilimlar ana shu vazifalar "soyasi"da bo'lmog'i, o'quvchining aqliy faoliyati zinhor lingvistik qoidalar va til qurilishiga doir bilimlar bilan band qilib qo'yilmasligi kerak. [1;3] Demak, ona tili mashg'ulotlarida «Axborot banklari»dan foydalanishga katta ehtiyoj seziladi va shu o'rinda muammolar ham ko'zga tashlanadi. Bular quyidagilar:

Birinchidan, ona tilidan davlat ta'lim standartlari asosidagi o'quv dasturida belgilangan bilimlarni to'la egallash ko'nikma, malakalarini hosil qilish o'quvchi tomonidan—kuzatish, izlanish—o'ylash, alohidalikni sharhlash, qiyoslash, umumiylikni aniqlash, farqlarni topish, tasnif qilish, aloqadorlikni aniqlash, qo'llash rabi o'n xil uzviy ketma-ketlikdagi faoliyatni bajarishni talab etadi. Aksariyat hollarda ona tili mashg'ulotlarida shu o'n turdagi faoliyatning faqat til qurilishini o'rganishga tatbiq qilinayotganligi achinarli holdir.

Ikkinchidan, ona tili darsliklarida til qurilishiga doir atamalarning dars mavzusi sifatida berilishi, har bir darslik[2]da 200dan ortiq qoida va «Bilib oling», «Esda tuting»larning o'zi ham ona tili darslarining tilni emas,

tilshunoslik asoslarini o'rgatishga yo'naltirilganligini ko'rsatadi. Dars jarayonida faqat darsliklardan foydalanish esa, tabiiyki, ijodiy tafakkur sohibini emas, bilimdon shaxsni tarbiyalashga xizmat qiladi. Demak, o'qituvchi dars jarayonida dastur-u darsliklarda berilgan mavzularga hamohang, ammo ularni takrorlamaydigan, ona tili ta'limining bosh maqsadini voqeantirishga xizmat qiladigan o'quv topshiriqlari tizimidan foydalanmog'i zarur.


Uchinchidan, ona tili darslari jarayonida dastur-u darsliklarda berilgan mavzularga hamohang, ammo ularni takrorlamaydigan, ona tili ta'limining bosh maqsadi(jamiyatga ijodiy tafakkur sohibini yetkazib berish)ni voqeantirishga xizmat qiladigan o'quv topshiriqlari tizimidan foydalanish esa yetarli darajadagi «Axborot banki»ni talab etadi. Agar hozirgi dunyo elektronlashgan, kompyuterlashganligini nazarda tutsak, maktablarda o'quvchilar foydalanishi uchun ajratilgan yuzlab kompyuterlar (ko'pchilik maktablarda, afsuski, kompyuter xonalaridan faqat informatika darslaridagina foydalanilmoqda) xotirasiga maktab o'quvchilariga mo'ljallangan qomuslar, lug'atlar (O'zMU professori B.Mengliyev boshchiligida QarDU professor-o'qituvchilari tomonidan maktab o'quvchilari uchun mo'ljallangan o'ndan ortiq o'quv lug'atlari 2006-2007-yillarda tayyorlanib, amaliyotga tatbiq etilgan), turli ma'lumotnomalar to'la kiritilgan bo'lishi, dars jarayonida qo'llanilayotgan ilg'or texnologiyalar, rivojlangan mamlakatlarning ta'lim tizimida bo'lgani kabi, ana shu «Axborot banklari»dan foydalanishni taqozo etishi zarur. Masalan, 5-sinfda «Shakldosh so'zlar» mavzusi o'tiladi. Darslik[2]da o'quvchi uchun deyarli ma'lum bo'lgan (uch, son, tut, olma, o't kabi) shakldosh so'zlar berilgan. O'qituvchi tomonidan o'quvchiga dars jarayonida taqdim etilayotgan darslikdagi monand, ammo darslikdagi mashqlarni aynan takrorlamaydigan o'quv topshiriqlari tarkibida o'quvchi uchun ilgaridan ma'lum bo'lmagan shakldoshlar (chunonchi, shayton I [arabcha diniy so'z] ot-afsonalarga ko'ra, olloh tomonidan la'natlangan maxluq, iblis. –shayton II [arabcha so'z] ot-sathning tekisligini o'lchashda ishlatiladigan asbob. – shayton III [arabcha so'z] sifat- ustomon, sho'xchan, quv.) kiritiladi. (Bu tabiiy hol.) Xo'sh, o'quvchi berilganlar (shayton Ining ma'nosini deyarli biladi, ammo shayton II va shayton III)ning lug'aviy ma'nosini qayerdan izlaydi? Albatta, lug'atdan. Ammo biz yuqorida aytib o'tgan maktab o'quv lug'atlari keng ommalashtirilmagan, to'g'rirog'i, respublikamiz miqyosida har bir o'quvchining qo'lga yetib borgani yo'q. Agar yetib borgan taqdirda ham o'quv topshiriqlari yechimini kitobdan axtarish o'quvchining ancha vaqtini oladi. (O'quvchilarning til sezgirligi hamma vaqt ham biz kutgan darajada bo'lavermasligini hisobga olsak, sinf o'quvchilari butun boshli dars jarayonida bitta yoki ikkita o'quv topshirig'ini bajarishga ulguradilar, xolos.) Bu esa ona tili mashg'ulotlari uchun belgilangan DTSlariga deyarli mos kelmaydi. Hozirgi tezkor zamonda o'quvchi bu kabi topshiriqlarni kompyuterga maxsus dastur asosida kiritilgan o'quv lug'atlari (maktab o'quv lug'atlari internet tizimida mavjud)dan foydalanib bir necha soniyalardayoq bajara olish ko'nikma va malakalariga ega bo'lishi zarur.

Buning uchun o'quvchi kompyuterda muayyan funksiyalarni bajarishni bilishi zarur.

To'rtinchidan, o'rta umumta'lim maktablari o'qituvchilari, jumladan, ona tili o'quv predmeti o'qituvchilari mutlaqo kompyuter texnologiyalaridan foydalanishmayapti, degan fikrdan ancha yiroqdami. Ular kompyuter texnologiyalaridan foydalanishyapti. Ammo qay darajada? Odatda, o'qituvchilarimiz mavzuga oid qoidalarni, rasmi topshiriqlarni, mashqlarni, o'quv topshiriqlari shartini slaydlarda aks ettirib, videoproektor orqali monitorga chiqarishadi. Bola rasm asosida matn tuzishi, mashqni bajarishi (masalan, nuqtalar o'rnini to'ldirishi, gap bo'laklarini o'z o'rniga qo'yib gap tuzishi, gap tarkibidagi so'zlarni ma'nodoshlari bilan almashtirishi va h.), o'quv topshiriqlarida belgilangan muammoni hal etishi mumkin. Keyingi slaydlarda berilgan topshiriqlarning yechimi aks etyapti va o'quvchi o'z-o'zini tekshiryapti. Xo'sh, bu usul qanday samara beradi? An'anaviy darsliklarda, odatda, mavzu, mavzuga oid nazariy ma'lumot, mashqlar, mashqlarni bajarish namunasi beriladi. Biz yuqorida aytib o'tganlarimiz shu darsliklarning har bir dars mashg'uloti uchun mo'ljallangan, takomillashgan alohida ko'rinishi emasmi? Uning qaysi jihati o'quvchida ijodiy tafakkurni shakllantiradi va rivojlantiradi?!

Axborot asrida yashayapmiz. Bu davr bolalariga maktab o'qituvchisi ibtido holatda dars o'ta olmasligi har qadamda sezilyapti. Ona tili mashg'ulotlari davomida slaydda 4-5ta rasm-u o'quv topshirig'ining shartini ko'rsatish kompyuter texnologiyalaridan shunchaki shakl sifatida foydalanish, xolos. Bu ona tili ta'limi maqsadida belgilangan samarani berishi dushvor. Demak, o'quvchi kompyuter texnologiyalaridan zarur ma'lumotni o'zi izlab topishi, uni tahlil etishi va qo'llay olishi zarur. (O'rta umumta'lim maktablarining (ayniqsa, qishloq sharoitida) «qulf osilgan» kompyuter xonalaridagi o'quv-texnik jihozlari ona tili darslarida ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llash uchun vosita vazifasini bajarishi shart.)

Beshinchidan, ona tili ta'limi maqsadi mazmunni, mazmun esa ta'lim usulini, ta'lim usuli ilg'or pedagogik texnologiyani, ilg'or pedagogik texnologiya esa axborot bankini taqozo etmoqda [1]. (Qarang: quyidagi chizma.)



Demak, XXI – axborot asrida ona tili ta'limi oldida turgan asosiy vazifa ona tili darslarida o'quvchilar foydalanishi uchun – ilg'or mamlakatlar ta'lim vositalari sirasida bo'lganidek–ijodiy tafakkur aslahaxonasi – axborot banklarini tuzish va undan keng foydalanishni yo'lga qo'yishdir. «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun qabul qilinib, ijodiy tafakkur sohibini yetishtirish davlat dasturi va siyosati darajasiga ko'tarilganligiga ancha vaqt o'tganligiga qaramay, olim va muallimlarimizning axborot banklarini tuzish va ommalashtirish yo'nalishida hamon sustkashlik qilishayotganliklarini oqlash qiyin. Boy va rang-barang axborot manbalarisiz ona tili ta'limi uchun mo'ljallangan kognitiv-pragmatik ta'lim usuli mohiyatan yaroqsiz bo'lib qoladi [1;3].

Ona tili mashg'ulotlarida foydalaniladigan ilg'or pedagogik texnologiyalarning har bir qirrasida ona tili ta'limining bosh maqsadi ro'yobiga xizmat qilgandagina ahamiyatlidir. Ona tili mashg'ulotlarida foydalaniladigan ilg'or pedagogik texnologiyalar axborot banklari bo'lishini va ulardan optimal foydalanishni taqozo etayotganligini aytib o'tdik. Demak, o'qituvchilarmiz kimningdir bu ishni uddalab berishini kutishlari mutlaqo to'g'ri emas. Har bir o'qituvchi, ona tili ta'limi bilan aloqador har bir mutasaddi ona tilidan o'quvchi uchun zarur axborot banklari tizimini boyitishga o'z ulushini qo'shmog'i zarur. Vaholanki, ona tili mashg'ulotlarida pedagogik texnologiyalardan foydalanishning istiqbolli ham shu zarurat bilan bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yo'ldosheva D.N. Ona tili ta'limi maqsadining tadrijiy taraqqiyoti.–T.: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi. 2013.
2. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo'raboyeva Z. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. 5-nashri. – T.: Ma'naviyat, 2013. –B. 224.
3. Нейматов Х., Нейматова Г. Она тили таълими ва ижодий тафаккур соҳиби (Онгли вербал, индуктив-прагматик таълим хусусида) // Филологик тадқиқотлар, 2003. – № 3-4.

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ ВА АДАБИЙ ТИЛ МЕЪЁРЛАРИ

Т. ЭНАЗАРОВ, ЎЗМУ,

А. ЕСЕМУРАТОВ, ЎЗР ФА

Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти

ДИАЛЕКТАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ЛУҒАТИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда жуда кўп луғатлар тайёрланди ва нашр этилди. Бирок диалектал луғатлар тузиш ҳамда нашр этиш масаласи ҳалигача маълум меъёрга тушгани йўқ. Бу эса халқ тили сўзлигини, яъни халқимизнинг руҳи, маънавияти, маърифати ва шуурини саклаш масаласи анча баҳсли бўлиб қолаётганини англатади. Албатта, олимлар бу мавзунини асослаб мақолалар билан чиқишлар қилишгани ҳам маълумдир¹. Кўп изланувчи тадқиқотчилар айни кунгача ҳам диалектал луғатлар устида иш олиб боришаётганини, тайёрланган баъзи луғатлар кичик ҳажмда нашр этилганини ҳам эътироф этишимиз лозим². Шунинг учун ҳам шеваларнинг тўпланган материаллари асосида “Диалектал фразеологизмлар луғати”ни яратиш масаласига тўхталиб, керакли ўринларда шеваларимизга хос ибораларни алифбо тартибида бериб боришни эътиборга олган ҳолда ушбу соҳада кузатишлар олиб боришни амалга оширяпмиз. Албатта, бундай луғат халқ ва халқ маданиятига маърифатига тегишли хусусиятларни ўзида жамлаб, ифодалагани учун ҳам катта масъулият талаб қилади, аммо шундай деб ўттириш ҳам ноўринлигини эътиборга олган ҳолда мана шундай луғат устида иш бошланди. Шу ўринда куйидаги фикрга эътибор қилсак, фойдадан ҳоли эмас. “Ўзбек шева, диалектларида мавжуд бўлган, адабий тилда учрамайдиган учраса ҳам маънода фаркланадиган фразеологик иборалар, бирикмалар бир бутун, яхлит ҳолдагина бирор маънони, одатда, кўшимча кўчма маънони англатадики, уларни ДЛда қай тарзда бермоқ керак? Қозок, бошқирд, қорақалпоқ тили шеваларига ўзи реестр сўз сифатида берилган. Татар, ёқут шеваларига оид луғатларда эса улар бир бутун ҳолда берилмай, одатда, ундаги биринчи сўз тарихида берилгандан кейин фразеологик иборанинг ўзи қайд этилган. Демак, ушбу луғатларда кўрсатилганидек, шевалардагидек фразеологик диалектал ибораларни ДЛда икки хил кўринишда бериш мумкин: 1) *йипсиз* бэйламоқ, (ҚҚАР-Ўзб.) кўтариб қўймоқ; 2) *йип*: *йипсиз байламоқ*”.

¹ Носиров Ш. Шевалар луғати - долзарб масала // ЎТА. -Т.: Фан, 1991. -Б. 58-60.

² Нафасов Т. Қашқаларё ўзбек шевалари луғати. -Тошкент: Наъруз, 2012; Тўйчибоев Б., Ширинов С., Қашқирли Қ. Туганмас бойлиқлар булоғи. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991. -Б. 196; Тўйчибоев Б., Ҳасанов Ё. Ўзбек диалектологияси. -Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004; Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зомин сўзлиги. -Тошкент, 2008. -Б. 222.

Ортиқча кайтариклар бўлмаслиги, тежамкорлик бўлишини назарда тутиб, уларни бир бутун, яхлит ҳолда ДЛга киртиган маъқул. ... Ўзбек шева, диалектлардаги соф лексик, лексик-семантик, этнографик, лексик-фонетак (шунингдек, фонематик), лексик-дириватсион сўз, терминларни ва фразеологик диалектал ибораларни ДЛларда¹, имкони борича, тўла акс эттирмақ лозим.

Луғатлар тузиш қийин, лекин савобли иш. Лексикология соҳасида қилинган ишлар баъзан унутилиши мумкин, бироқ лексикография бўйича бажарилган ишлар - тузилган яхши луғатлар ҳеч қачон унутилмайди. Шунга кўра, ДЛ тузувчилари олдида турган энг муҳим вазифа шеваларимиздаги мавжуд диалектал сўзларни халқимиз сўз бойлигини ўзига хос хазинаси бўлган ДЛларда қайд этиб, келгуси авлодлар учун сақлаб қолишдан иборат². Қуйида шундай луғат учун тайёрланган баъзи материалларни қайд этиб, фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз:

Oziminan ozi giriptor (Camarqand) - Ўзиминан ўзи гириптор // ўзи билан ўзи овора.

It pshak bolmoq (Camarqand)- Ит пишак бўлмоқ // ўзаро уришмоқ. Ўзаро жанжаллашмоқ.

Guruchi suv kotarmaydagan (Yakkabog') - Гуручи сув кўтармайди (танқидга чидамайди).

Avzy quvushmaslyq (Zomin)- овзи қувушмаслик. Ёлгонлиги сабабли гапнинг қовушмаслиги. *Айымқалдың авзы қувушмаганыдан бър баласъ барлығын бълъбъдъм* - Ойимхолнинг гапи қовушмаганидан бир балоси борлигини билгандим.

Qashng barmъ deb, kozъga qarамaslъk (Sahrisabz) - 1.Уялмоқ. 2. Үзига қарай олмаслик.

adamning labъъ hълъл, goshi hърэм (Sahrisabz, Yakkabog') - 1.Ваъдасининг устида чиқмоқ. 2.Мард бўлмоқ.

Qyrtыngа qыttа nэн эмэ q (Sahrisabz) - Қирқтийинга қитта нон олмоқ. 1.Хасислик. 2.Ишбилармонлик. 3.Жуда оддий нонни олмоқ.

Текън nърsэгэ tэмдэн tэшлэуь (Sahrisabz) - Текин нарсага томдан ташлайди.

Әхтсqqә Quva // Mәkkә бър qadam (Camarqand) - Ахмоққа Кува // Макка бир қадам.

*Chар tэмning mълә*тuddъngmъ (Camarqand)* - Чап томонинг билан туддингми?

Tууә goshti yemъq // devol тъngan (Sahrisabz) - Туя гўшти емоқ // девол минган.

Devъл ushlәtip ketti (Sahrisabz) - Девол ушлатип кетти (алдаб кетти).

¹ Бу мақолада қуйидаги қисқартмалар қўлланилди: ДЛ – диалектал луғат, кавс очилиб шаҳар номининг (*Sahrisabz*) тарафида берилиши фразеологизм қайси туман шеваларидан йиғиб олинганлигини кўрсатади.

² Ahmad Ishayev. Ўзбек диалектал лексикографияси. –Тошкент: Фан, 1990. –Б.32-34.

дуъg'i ɪɾtmædi // ɪɾtmædi (Yakkabog') - Оёғи тортмади // боргиси келмади.

Pɔdæsch'nyъ qyъzъtъ pɔdæ kegəndə pəxъmъ kirəyъmъsh (Sahrisabz, Yakkabog') - Подачини қизини пода кеганда пахми кираймиш.

Tъlъ bър qəŕəch (Camarqand, Sahrisabz) – 1.Тили бир қарич (қатта гапирадиган).

2. Маҳмадана, безбет.

Oъgə ɪɾppъ kesɔlməgən, bърɔvgə uvrə kesəyъmъsh (Kitob, Sahrisabz) - Ўзига тўппи кесолмаган, бировга увра кесаймиш (қўлидан ҳеч иш келмайдиган).

Ərqəsi tutti (Camarqand) - Арқаси тутти (жахли чикди).

Ichigə shɔlъ ekkən (Camarqand, Sahrisabz) - Ичига шоли эккан.

O'ɪləb ketъtъ (Sahrisabz, Camarqand) - Ўтлаб кетти // бошқа мавзуга отиб кетди.

Jəg'ъnъ yegən (Sahrisabz, Kitob) - Жағини еган // кўп гапирадиган.

Qoshig'ъnъ aytib qɔlmɔq (Kitob, Sahrisabz) - Қўшиғини айтиб қолмоқ // чарчаб қолмоқ.

Birɔvdъ təhorətiŕə nɔmɔz oqъyəŕъ (Camarqand, Sahrisabz) - Бировди тахоратига номоз ўқийди (Қаш.).

Tekъn bosə, tъx yut (Camarqand, Sahrisabz) - Текин бўса, миҳ ют.

Əxmoqqa Quva bър ɪsh (Yakkabog', Camarqand) - Ахмоққа Қува бир тош (Қўқон ш.)

Adъy-murny joq (Zomin) - овзи-мурни жок. Оғир-босиқ аёл тавсифи. Кэлини бэчаранынг авзыи-мурны жок – Келини бечора жуда оғғир-босиқ.

Chəkəŕə ɔchiq (Sahrisabz) – йиғлоқи бола

Ləŕgə ɔlɪtъ (Camarqand, Sahrisabz) - Лалига солли (ноз қилди).

Shəyɪŕŕŕə dərs berədi (Yakkabog') - Шайтонга дарс беради (хийлакор одам).

Kozъ kokərdъ (Camarqand, Sahrisabz) - Кўзи кўкарди (тоқати тоқ бўлди).

Səlimni sorəsəng, Səmərqənddān topəsən - Салимни сўрасанг, Самарқанддан топсан.

Bozorni qidirsəng Bozordən topəsən - Бозорни қидирсанг Бозордан топасан.

əsəkəng ketədimi?! // əsəkəng ketərmimi?! - Асақанг кетадимми?! // Асақанг кетарми?! (Охирги учта фразеологизмда ҳатто, топонимлар ҳам ишлатилганки, улар айтилаётган маънони таъкидлаб кучайтиришга хизмат қилган). Демак, шеваларнинг фразеологик лугатини тузиш учун уларни гуруҳлаб йиғиш ва изоҳлаб бориш шарт.

Булардан кўринадики, шеваларимиздаги фразеологизмларни турли ўзбек шеваларининг доирасида ўрганиб, уларни йиғиш билан “Диалектал фразеологизмлар лугати”нинг мукамал кўринишини ва ҳатто, ўқувчилар

бирор нарсага итариб зич жойлаш, тўлдириш маъносини англатса, *панкә ва киталларыңды нықла, әжүвәрини қанарға нықла* – тўлдириш тўлғунча сол, *нықта* сўзи бирор киши ёки нарсани туртиш, қисиш, зичлаш, росә тўлдириш, таъкидлаш, маҳкамлаш маъноларини англатади: Джапактың қарнына *бир йәки мәртә нықта* (бир-икки тушур); қапқа гүнджараны *нықтап са:-нықлап са:* (зичлаб жойлаштир). Қўшда *нықта* сўзи ҳаракатнинг давомийлигини ифодаловчи *нықта* сўзига зичлаб жойлаштириш, росә тўлдириш маънолари билан ўзаро синоним бўлиб келган. Лекин биринчисида ҳаракат бир марта, кейингисида кўп марта, давомли ҳолатда бўлган.

Қўшда –ла\-лә\-лэ аффикси *воң* сўзига қўшилиб келиб, худди шу сўзга қўшилиб келувчи, феъл ясовчи –*эр (-ғар)* аффиксига синоним бўлиб келади: *воңла:воңғар:воңар*. Мазкур сўз *воңла* шаклида ишлатилганда бирор нарсани устига олиш, кўтариб олиш, бошқариш, созлаш, ёроқли ҳолга кўтириш маъноларини англатади. *Воңар* шаклида қўлланганда *бошқармоқ; воңғар* эса, тескари томонга қараб турган нарсани ўзи томонга қаратмоқ; *ўнг* ҳолатига келтирмоқ, қаратмоқ, созламоқ маъноларини ифодалайди. Худди шу *созлаш,ўнг ҳолатига келтириш* маънолари билан *воңла, сўзи* таркибидаги –ла аффикси билан синоним бўлиб кела олади: Эмәт уйин *воңлап* алыпты: *воңғарып* алыпты уйини созлаб олибди. *Ўнгла* сўзи ўзбек адабий тилида китобий услубга хос сўз сифатида фаол ишлатилса, *ўнгар,ўнар* сўзи шеваларда кенг қўлланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *ўнғармоқ* сўзининг иккинчи маъноси айнан *ўнгламоқ* сўзига мос келиши қайд қилинган (ЎзТЙЛ.11,605).

–Ла (лә, –лэ) аффикси *бек* (берк) сўзига қўшилиб келганда, худди шу сўзга қўшилиб келувчи, шу сўз таркибида ясовчи сифатида қаралган –(и)т аффиксига синоним бўлиб келади: сувдың сағасын *бәклә:сувдың сағасын бәкит* сувнинг (ариқ) сағасини ёп- Аслида *берк* сўзи таркибидаги *р* ундощининг талаффузда тушиб қолиши натижасида *бәк* шакли ва унга –ла ҳамда –(и)т аффикси қўшилиб, *беклә:бәкит* шакллари ҳосил бўлган. –Ит аффикси эса, тарихан «эт-» кўмакчи феълига алоқадор саналади. [4:39]. Қўшда *бәклә* сўзи *ёп-* ва бирор нарса билан маҳкамлаш маъносиди; *бәкит* сўзи *ёп, тўс, яшир* каби маъноларни ифодалайди.

–Ла аффикси айрим сифатларга қўшилганда –й(-ай) аффиксига синоним бўлиб келиши мумкин: *улқалла:улқайт* катталаштирмоқ, йириклаштирмоқ. Бу, айниқса, юқоридаги сўзларга феълнинг орттирма даража кўрсаткичи –т,-тир формантларини қўшганда яққол кўзга ташланади: *улқаллат:улқайтыр:улқайт* каби.

–Лаш (–ләш\–ләш) аффикси *бир* сўзига қўшилиб келади ва худди шу сўзга қўшилиб келувчи, ясовчи –ик аффиксига синоним бўлиб кела олади: *бирик:бирлаш;бириктир:бирләштир*. Қўшда *бириктир* ва *бирлаштир; бирик* ва *бирлаш* сўзлари ўзаро маъно жиҳатдан фарқланади. Масалан,–ик аффикси кўпроқ шеваларда икки нарсанинг учини бирлаштириш, икки ёки

кўп кишини ўзаро бирлаштириш маъносини билдиради. -Лаш аффикси кўп нарсани бирлаштириш, тўплаш, йиғиш маъноларини англатади..-Ик ва -лаш аффиксларининг ҚўШда бошқа маънолари ҳам кўп бўлиб, фақат, нарсаларни, кишиларни бир-бирига кўшиш, бирлаштирамоқ маънолари билангина синоним бўлиб кела олади. ҚўШда *бирик* сўзи тўртта маънога эга бўлиб, *бирлаш* сўзи икки маънога эгадир.

-Лаш аффикси –лан аффикси билан синоним бўлиб келади. Бу ҳодиса фақат сифат ёки равишларга қўшилганда содир бўлади: тэтиклен:тэтиклэш; тэзлэш:тэзлэн. ҚўШда –лан (-лэн\-лэн) аффикси баъзан –й (-ай) аффиксига синоним бўлиб келади: күчэй:күчлэн, сусай:суслан (суст); пэсэй:пэслэн (паст) ва х.

-Лан (-лэн\-лэн) аффикси –син,-ыл\-и аффиксларига синонимик муносабатда бўлиши мумкин: *эжэбсин:эжэблэн; тынчы:тынчлан*. *Эжэбсинмак* феъли маънони бироз кучсиз ифода этади. *Тынчыды* ва *тынчланды* сўзларининг ҳар иккиси ҳам кўп маъноли бўлиб, *тынчы* сўзининг уч маъноси, *тынчлан* сўзининг икки маъноси ҚўШда қайд қилинди. *Тынчы* сўзи ўзининг учинчи маъносида у *тынчлан* феъли англатган маъноларни ифодалайди. *Тынчлан* бирмунча маънони бўрттириб кўрсатади.

ҚўШда –ла (-лэ\-лэ) аффикси сен ва сиз олмошлари билан қўшилиб келиб янги маъноли феъл ясайди. Бу олмошларга қўшилганда, шахс билан ўзакда ифодаланган олмош орқали муносабат қилиш маъносини англатади. Ўзининг худди шу маъноси билан –сира аффиксининг худди шу маъносига синоним бўлиб келади: *сэнлэ:сэнсирэ; сизлэ:сизсирэ*. ҚўШда ҳам –сира аффиксининг маънолари кўп. Масалан: *қансыра, сувсыра* сўзларида ўзакдан англашилган маънони ишташ; *хавсирэ, иатсыра:джатсыра ётсирэ* сўзларида шундай деб қабул қилиш [5:98] олмошларга қўшилганда юқоридаги маънони, *мэнмэнсирэ:мэнмэнсип сыра* адам танымайды сўзида эса, яна бошқа маъноларни англатади. Мазкур аффикс ўзининг бошқа маънолари билан –ла аффиксига синоним бўлиб кела омайди. Айрим ҳолларда –сира аффикси –са аффиксига синоним бўлади: *сувсыра:сувса* чанқамоқ, шунингдек, *қызылсыра: қызылсын* гўштсирамоқ сўзларида –сын аффиксига синоним бўлиб келади: *йаздың ыссысында адам дым тэз сувсыйды:сувсырыйды*. ҚўШда ёнма-ён келган й ундошининг таъсирида а унлиси Ёли унлиси билан алмашиниши метёрий ҳол саналади. *Күлимсирэ* сўзида –сирэ аффикси –лэ аффиксига синоним бўлиб келиши мумкин: *күлимсирэп сөйлэп:күлимлэп сөйлэп дым ичи баврыңа кирип кэтэди* Қорақалпоқ тилида ҳам мазкур ҳолат кузатилади. Ўзбек адабий тилида *сенсирэмоқ* ва *сенламоқ, сизламоқ* ва *сизсирэмоқ* сўзлари фаол ишлатилади. Бу сўзлар айнан бир маънони ифодалайди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да фақат *сенсирэмоқ* шакли қайд қилинган, лекин *сизламоқ :сизсирэмоқ* шакли эътибордан четда қолган.

ҚўШда феъл ясовчи бошқа аффикслар ҳам ўзаро синоним бўлиб келиш хусусиятига эгадир. Масалан, феъл ясовчи **-ы** —и аффикси *кам* равишига қўшилиб келганда, худди шу сўзга қўшилиб келувчи, ясовчи **-ай** аффиксига синоним бўлиб келади ва нарса-буюмнинг ўзакдан англашилган ҳолатга киришини билдиради: *кэми:кэмэй*; арчадағы пул *кэмэйин* қапты: *кэмип* қапты. —Ай аффикси шу маънода *зор зўр сўзига* қўшилиб келиб, **-ық,-ик** аффиксига синоним бўлиб кела олади: *зорық:зорай;йарасы зорайып кэтти:йарасы зорығып кэтти; қозы:қозға* бу сўзнинг ўзаги *қол* (қўз) бўлиб, унга орттирма даража кўрсаткичи қўшилган, иккинчи ҳолатда эса, **-ға** аффикси қўшилган, бу ҳам орттирма даража кўрсаткичи бўлиб, айрим ҳолатларда **-ғат** шаклида ишлатилади.

Хулоса шуки, ҚўШда кўпгина феъл ясовчи аффикслар ўзаро синонимик муносабатда бўла олади. Мазкур ҳодиса аффиксларнинг қандай ўзакка қўшилаётганликлари, қандай маънода қўлланаётганликлари билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, синонимик муносабатга киришаётган аффиксларнинг ҳаммаси ҳам кўп маъноли аффикслардир. Аффиксларнинг ана шу хусусияти ҳам улар ўртасидаги синонимик муносабатни таъминловчи асосий воситадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -М.-Л.: Наука, 1960.
2. Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. -Тошкент: Университет, 1991.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 11, -Москва, 1981.
4. Ғуломов А.Ғ. Об аффиксе **-ла** в узбекском языке. -В сб. Ученые записки, вып.1, -Ташкент: Фан, 1947.
5. Ғуломов А.Ғ. Феъл. -Тошкент: Фан, 1984.

Ю.ИБРАГИМОВ, Нукус ДПИ

ДИАЛЕКТАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР

Маълумки, фразеологизмлар семантик ҳодиса бўлиб, унинг «бошқа тил ҳодисаларидан фарқини шу томони белгилайди» [6:1970:74]. Тилшуносликда фразеологик маъно бирикманинг лексик-семантик маъноларнинг яхлитлиги [3:1947:14], таркибий қисмларга ажралмаслиги [2:1978:17], сўз-компоненгида хусусий маъноларининг йўқолиши [4:1970:74], бирикмадан англашилган яхлит, устама кўчма маънолар [8:1992:96] нуктаи назардан талқин қилинади. Аксарият тилшунослар фразеологик маънонинг бирикмадан англашилган яхлит, устама маъно эканлигини эътироф этадилар. Демак, диалектал фразеологизмларнинг мазмун плани луғавий ва грамматик маънолар йиғиндисидан иборат бўлиб, сўзларнинг мазмун планига мос келади.

Иккала тил бирлигининг грамматик маънолари эгалик, келишик, шахс-сон, нисбат, замон каби грамматик категориялар асосида шаклланишига кўра ўхшашлиги эътироф этилса-да, луғавий маънолар табиатига кўра бир-биридан фарқланади. Диалектал фразеологик маънонинг шаклланиши ҳам, фразеологик таркиби ҳам жуда мураккаб жараёнدير. Одатда «фраземанинг мазмун планида фразеологик маъно ва услубий маъно» [8:1992:98-106] фарқланади. Луғавий маъно фразеологик бирлик ифодалайдиган тушунча, номланувчи нарса-предмет, жараённи билдирувчи маъно ҳисобланиб, сигнификатив ва денотатив жиҳатларни камраб олади. Услубий маъно эса муносабатни ифодаловчи маънодир. Чунки фразеологизмларнинг асосий вазифаси уларнинг экспрессивлиги ва коннотативлигида кўринади, Демак, коннотатив (услубий) маъно фраземанинг мазмун планида алоҳида ўрин тутади. Лекин мавжуд барча диалектал фразеологизмлар коннотатив маъноларга эга бўлмайди. Масалан, *қулач йаймақ, маъқул дапмақ, умид қылмақ, давуш бәрмэк, давуш чықармақ, ал қоймақ, ал чекмэк, қол қоймақ, қол чекмэк* кабилар фақат луғавий маънога эга бўлиб, номинатив вазифа бажаради. Аммо аксарият диалектал фразеологизмлар ҳам айни услубийликни юзага келтириш эҳтиёжи асосида яратилганлиги учун коннотатив маъно компонентига эга. Чунки *предмет, воқеа-ҳодисаларнинг экспрессивлик хусусияти фразеологизмларда воқе бўлади, бу хусусияти уларнинг номинативлик характерини инкор этмайди* [5:1986:161]. *Коннотатив маъно «таркибида эмоционаллик, экспрессивлик, баҳо-муносабат, услубий бўёқдорлик,* [2:1973:105] образлилик каби компонентлар мавжуд. Агар диалектал фразеологизмларнинг муайян образлар ёки образли тасаввурлар асосида юзага келишини ҳисобга олсак, образлилик фразеологизмларнинг нисбатан барқарор қисми саналади.

Диалектал фразеологизмларнинг номинативлик маъносидан ташқари, эмоционаллик, экспрессивлик, баҳо-муносабат каби маъно элементларининг омухталиги фақатгина предметга хос бўлган мантиқий маънони ифодалаб қолмайди, шу билан бирга мантиқий маънога эмоционал муносабатини ҳам ифодалайди. Масалан, *«вөтэкэсин йаран», «йылының йагын йалаган», «уджсына чықан»* каби диалектал фразеологизмлари катта ҳаётий тажрибалиликни, муғомбирликни англатиши билан бирга кишиларга нисбатан салбий эмоционал муносабатини ҳам билдиради. Шу боис, бу каби диалектал фразеологизмларни нейтрал вазиятда ишлатиб бўлмайди. Чунончи, *«дили бир қарыч», «дили бир қулач», «тили қулач-қулач»* ибораси гапдан шахс характерини ифодалаши билан бирга, шу шахсга бўлган ўта салбий муносабатни ҳам билдиради.

Аслида луғавий ва коннотатив маънолар нофразеологик бирикмаларни кўчириш асосида юзага келади. Образлилик эса, фақатгина коннотатив маънонинг қисми бўлмасдан, луғавий маънонинг ҳам доимий,

ажралмас қисмидир. Лугавий маъно ҳам, коннотатив маъно ҳам образлилик асосига қурилади. Шунга кўра, уларнинг тил (нутқ) факти сифатида пайдо бўлиши ҳамда мотивловчи асосини аниқлаш зарурати туғилади.

Мотивловчи асос диалектал фразеологизмни тил факти сифатиди шакллантирадиган мантиқий асос ҳисоблатди. Мантиқий асоснинг фразеологизмларга хос бўлган оттенкалари бўлмайди. Бундай асос у ёки бу предмет нарсаларни шундайлигича ифодалайди. Мантиқий асос (сўз, сўз бирикмаси, гап) фразеологизмга нисбатан асос бўлади. Масалан, «уддаламоқ» лексемаси «сўзининг ўстинан чықмақ; вадәсинән чықмақ; вадәсиндә турмақ», «уддасидан чықмоқ» фразеологизми учун мантиқий (мотивловчи) асосдир. «айақына баш қоймақ; айақына йықылмақ; айақына баш урмақ» эркин боғланмани кўчириш асосида «ялинмоқ», «ялвормоқ», «кечириш сўрамоқ», «авфэтмоқ» маъноли фразеологик маъно юзага келади. Бунда эркин боғланма фразеологизм учун мотивловчи асос ҳисобланади.

Худди ўзбек адабий тилидагидек, диалектал фразеологизмлар ҳам деривация ёрдамида мотивловчи асос тил факти сифатида шаклланади: 1) сўзларнинг мантиқий асоси; 2) эркин боғланмалар ва гаплар; 3) умумтил фразеологизмлари; 4) ўзга тил материаллари. Улар тил материаллари деривацияси лексик-семантик қайта шаклланиш асосида юзага чиқади. Демак, фразеологизмга хос бўлган маъно кўчириш семантик қайта шаклланиш асосида юзага келади.

Диалектал фразеологизмлар ҳам тилнинг ажралмас қисми сифатида лексик тизимга нисбатан борлик ёки воқеа-ходисани ўзига хос йўсинда идрок қилиш усулларига эга. Булар: а) тил бирлиги бирор ёки воқеа-ходисани ўз белгиси сифатида номлаш учун хизмат қилади, у тўғрида тасаввур туғдиради. Бунда тил бирлиги, яъни унинг белгилари сўз ёки сўз бирикмасига хос бўлган белгиларни номлайди. Масалан, «бел байламақ», «даш атмақ», «аззы гўймәк» каби бирикмалар эркин боғланма тарзида ўзига хос белгиларни ифода этади. Фразеологик маъно ифода этишда эса, эркин боғланмаларнинг компонентлари ўзларининг асли маъноларини йўқотади ва бошқа тасаввурларни ифода қила бошлайди. Бунда бирикманинг ифода плани билан мазмун плани мувофиқ келмайди; б) тил бирлиги у ёки бу ҳодиса, нарса-предметни ўзаро ўхшашлик тизимининг асосида билвосита атайди; в) тил бирлиги у ёки бу ҳодиса, нарса-предметларни ўзаро алоқадорлик тизими асосида билвосита номлайди.

«Лексик маъно маълум товушлар тизими билан воқелик орасидаги боғланишдан келиб чиқади» [8:1992:61] десак, фразеологик маъно қандай юзага чиқади деган масала қўндаланг бўлади. Сўзнинг маъноси ҳам улар ташкил этган тил элементлари ҳисобига воқе бўлади. Аммо лексик маъно морфемаларнинг бирлигидан келиб чиқади. Шунга кўра, лексик маъно фразеологик маънодан фарқ қилади. Чунки сўзларда асосий семантик

вазифани ўзак морфема бажаради. Аффиксал морфемалар эса ўзак морфеманинг мазмунига кўшимча маъно беради. Шунинг учун морфемалар сўзларнинг семантик тизимда фразеологик компонентларга нисбатан мувофиқлаштирилган бўлади. Ўзак морфемалар маънонинг ҳосил бўлиши учун асосий мезондир. Ўзак морфеманинг маъноси сўзга турлича аффикслар қўшилганда ҳам йўқолмайди. Масалан, ишчи «иш» ўзак морфемадан, меҳнаткаш «меҳнат», олмазор «олма» ўзак морфемадан ўсиб чиққанлиги маълум. Фразеологизмларни ташкил этган компонентлар эса ўзак морфемалардек барқарор бўлмайди. Масалан, «дарысын хам уормақ» фразеологизмида «дары» (тарик) семантик таянч компонент сифатида эътироф этилса-да, у ўзак морфемадек вазифани бажара олмайди, яъни фразеологизмларга хос маънони тўлиқ шакллантира олмайди. Кенг маънода фразеологик маъно грамматик ва семантик жиҳатдан шаклланган эркин боғланмаларни ёки гапларни кўчириш йўли билан шаклланади.

Тилшуносликда бу жараён фразеологик транспозиция [5:1986:161;7:1987:5-13] деб аталади. Диалектал фразеологик транспозиция жараёнида эркин боғланма ёки гапнинг семантик ва грамматик ўзгаришлари мажозий ҳолда юз бериши мумкин. Масалан, «айақын дирэб амақ», «даванын дирэб амақ», «табанын тирэп турын амақ» бирикмаси нутқда уни ташкил этган сўзлар маъноларининг йиғиндиси сифатида ифодаланганида «қаттиқ жисмга оёгини тираб турмоқ», шунингдек, «ўз фикрининг амалга ошишини қайсарлик билан талаб қилмоқ» (ЎТФЛ) каби маъноларга эга. Бир хил шаклга эга бўлган бир сўз бирикмаси икки матнда икки хил маънони ифодалаб келаётир. Бундан фразеологик маъно эркин боғланмани кўчириш асосида «унинг таркибидаги сўзлардан англашиладиган маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, умумлашма, устама маъно, шу билан бирга кўчма маъно сифатида гавдаланадиган» [8:1992:78] маъно эканлиги аён бўлади.

«Дузақына илинтирмэк», «мурнынан йип үөтирмэк», «тузагына түшүрмэк», «мойнынан арқанмэн таңмақ», «қулғынан сырға үөтирмэк», «йумьрта (тухум) басмақ», «шаппат (чапак) қақыб қамақ» каби бирикмалар ўрни билан эркин боғланма тарзида ҳам, фразеологик маъно шаклланганда ҳам уларнинг дастлабки шакли сақланади, бироқ маъноси ўзгаради.

Тилшуносликда транспозициянинг икки кўриниши фаркланади: бирламчи транспозиция, иккиламчи транспозиция. Бирламчи транспозиция эркин боғланма ёки гапнинг фразеологизмга айланиш жараёнидир. Эркин боғланма фразеологизм маъносининг мантикий асоси бўлиб хизмат қилади. Иккиламчи транспозиция эса шаклланган фразеологизмларни турли туман ўзгаришлар асосида янги маъноли ва янги шаклли фразеологизмларни юзага келтиришдир. Бирламчи транспозиция диалектал фразеологик шаклланиш тизимида энг маҳсулдор ҳисобланади.

Аксарият фразеологизмлар айна шу жараён асосида шаклланади: «*дишин ўетмиydi*», «*йўзинә айақ қоймақ*», «*бэтина чиркәв бомақ*», «*бэтина чаң самақ*», «*авзына дақан самақ*», «*дақан чийнәмәк*», «*түқригин джүтмақ*», «*мом дишламақ*», «*авзына қорғашыт қуймақ*», «*үнин үөчирмәк*», «*давышына сув қуймақ*» ва шу каби фразеологизмлар шулар жумласина киради.

Барча диалектал фразеологизмларнинг ҳам асосини эркин боғланма ёки гап ташкил этади дейиш шартлидир. Шундай диалектал фразеологизмлар ҳам мавжудки, уларни эркин боғланма тарзида қўллаб бўлмайди. Масалан, «*ти:ш тишди*» бирикмасини фақат фразеологик маънода идрок қилиш мумкин. Шунингдек, «*йүрәги арқасына дартын гетди*», «*нәзәрдән қачмақ*», «*сычан ини миң тәңгә волды*» каби бирикмалар фақат кўчма маънода ишлатилади.

Хуллас, диалектал фразеологизмларнинг семантик шаклланишида суз ва суз бирикмалари ёки гапларни ўзига хос бўлмаган маънода қўллаш, эмоционаллик, экспрессивлик, образлилик, маъно кўчиши, маъно торайиши, метафора, метанимия, синекдоха, гипербола, литота, маънонинг заифлашуви, синонимик ривожланиши каби омиллар муҳим ахамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. -Л., 1973. -С. 105.
2. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. -М.-Л., 1947.
3. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. -М., 1978. -С. 14.
4. Кунин А.В. Курсы фразеологии современного английского языка. -М., 1986. -С. 161.
5. Рахматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. -Тошкент, 1970. -Б. 43.
6. Соколова Г.Г. Фразеобразование во французском языке. -М., 1987. -С. 5-13.
7. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Б. 61.

M. XOLMURADOVA, ToshDO'TAU

"QUTADG'U BILIG" ASARIDAGI AYRIM ANTROPONIMLAR TAVSIFI

Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida keltirilgan antroponimlar, asosan, hukmdorlarning nomlari bilan bog'liq.

Zahhok - peshdodiylar sulolasining beshinchi hukmdori. Uning saltanati ming yil davom etgan emish. [2,277] "Qutadg'u bilig"da quyidagicha bayt keltiriladi:

Söküştüg nelük boldı zāhhak otun

Nelük ögdi buldı faridun qutun "Tuban Zahhok ne tufayli tahqirga loyiq bo'ldi, Baxtli Faridun qanday qilib madhga sazovor bo'ldi" (238-bayt) [5,97]. Baytdagi jumalarning ma'nosini tushunish uchun yuqorida nomlari zikr etilgan hukmdorlarning tarixi bilan tanish bo'lish talab etiladi.

Alisher Navoiyning "Tarixi muluki ajam" asarida bu haqda quyidagicha keltirilgan: "Zahhok binni Marodis chun Jamshid qatlidin so'ng Pors taxtin oldi, zulmu sitam og'oz qildi. ... Ammo Zahhok saltanati va zulmi uzoqg'a tortti, andoqkim el aning zulmidin ojiz bo'ldilarkim, aning iki egnidin andoq maraz paydo bo'lub erdikim, og'rig'ig'a odamizod mag'zidin o'zga hech nima taskin bermas erdi. Ba'zi muarrixlar aning iki egnidin yilonlar chiqib, g'izolari kishi mag'zi yerdi ham debdurlar" [3,143].

Faridun-Peshdodiylar sulolasiga mansub oltinchi hukmdorning nomi. "Faridun yaxshi axloqliq, olim va odil podshoh erdi. Olam ahlin adolat bila xushhol qilib, Zahhok javridin topqon zahmlarig'a adl bila malham qo'ydi. ... Va Faridunning podshohlig'i besh yuz yil erdi. Va Muso alayhis-salom va Qorun aning zamonida erdilar." [3,144]

Yusuf Xos Hojibning yuqoridagi ikki hukmdorni tazod san'ati orqali akslantirganining ma'nosini Alisher Navoiyning "Tarixi mulki ajam" asarini o'qish orqali anglashimiz mumkin.

Afrosiyob - qadimgi hukmdorlardan biri. Tojiklar uni Afrosiyob deb ataganlar. Movarounnahrga hukmronlik qilgan. Qadimiy Samarqand (Afrosiyob) uning poytaxti bo'lgan.

Täjiklär ayur anı Afrasiyab

Bu Afrasiyab tutti ellär talap "Tojiklar uni Afrosiyob deb ataydilar, Bu Afrosiyob ellarni o'z tasarrufiga olib tutdi. (280-bayt) [5,81]

Alisher Navoiy "Tarixi muluki ajam" asarida har bir hukmdorning hukmronlik qilgan yillarini ko'rsatib berishga harakat qilgan. Jumladan, Afrosiyob haqida shunday fikrlar mavjud: "Oni ba'zi debdurlarkim, Pushang binni Tur binni Faridun o'g'lidir. Va ba'zi aning nisbatin Kayumarsg'a yetkurubdurlar. Ammo burung'i durustroqdur. Afrosiyob podshohlig'i o'n iki yil erdi" [3,145-146].

Iskandar Zulqarnayn-Aleksandr Makedonskiyning laqabi (eramizdan avvalgi IV asr):

Qani ol toğardan batarqa lägi

Yürüp el tutuğlı bu dünya begi "Qani u (kun) chiqardan (kun) qadar, Kezib, ellarni olgan bu dunyo yaxshisi [ya'ni Zulqarnayn]" (4610-bayt) [5,703]

Nushiravon - Sosoniylar tabaqasiga mansub shoh.

"Qutadg'u bilig" da bu haqda shunday deyiladi:

Muğar bütmasä kör bu Nuşin ravān

Uquş közi birlä yaruttı cahān "Bunga ishonmasang, Nushiravonni ko'r, Zakovat ko'zi bilan jahonni yoritgan"(286-bayt) [5,103]

“Qutadg‘u bilig” asarida keltirilgan bu baytdan No‘shiravonning aqli va dono hukmdor bo‘lganini ko‘ramiz. Alisher Navoiyning “Tarixi muluki ajami” asaridagi ma‘lumotdan esa bu hukmdor haqida to‘laqonli ma‘lumot olishimiz mumkin:

No‘shiravon chun saltanat taxtin musharraf qildi va xilofat tojin sarafroz etti. Ardasher Bobokon qoida va rusumin ihyo qildi va aning vasiyatlarini mutolaa qilib, ul dastur bila amal qilurga murtakib bo‘ldi. Ammo adolat va shafqat qonunin andin dag‘i ortturdi. Adl jo‘yboridin mulk bog‘inda farog‘at ashjori shodob bo‘ldi va insof tarbiyatidin amniyat ashjoridin farog‘at gullari ochildi va osoyish mevalari yetildi.

Namrud - afsonaviy zolim shoh. Uning farmoni bilan Ibrohim payg‘ambar o‘tga tashlangan. [3,295]

Qani ol otun it bu dunya bolup

Yaşıl kökkä söndi qara quş münüp “Qani (u) tuban it, bu dunyoni qo‘lga olib, Qora qush minib yashil ko‘kka (qo‘l) cho‘zgan (kishi) [ya‘ni Namrud]”(4607-bayt) [5,703]

Alisher Navoiyning “Tarixi anbiyo va hukamo” asarida bu haqda quyidagicha fikr keltirilgan: “Bu Namrud tarix ahlining ittifoqi bila to‘rt kishikim olamda saltanat qildilar, biri uldur. Bu to‘rt kishidin ikisi payg‘ambardurlar. Biri Zulqarnayn, biri Sulaymon a. s. Va yana ikisi kofirdurlar – biri Namrud, biri Buxtunnasr. Va ba‘zi bulardin o‘zgani ham debdurlar” [1,84].

Xulosa qilib aytganda, Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asarida keltirilgan antroponimlarni chuqur o‘rganish tilimiz va tariximiz rivojiga katta hissa qo‘shadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо (мукаммал асарлар тўплами: XVI жилд). -Тошкент: Фан, 2000.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (4-том). –Т: Фан, 1985.
3. Алишер Навоий. Тарихи мулуки аҷам (мукаммал асарлар тўплами: XVI жилд). -Тошкент: Фан, 2000.
4. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. I,II,III,IV,V jildlar. -Toshkent: Jahon print, 2011.
5. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Т., 1972.

МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ

*Б. БАХРИДДИНОВА, ТошДўТАУ,
И. БАЗАРОВА, 78-мактаб ўқитувчиси*

ЎЗБЕК ТИЛИДА МУАЛЛИФ ПУНКТУАЦИЯСИ

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар давлатнинг рамзий белгиларидан бири, алоқа-аралашувнинг муҳим воситаси, ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлган тил ва унинг тадқиқи билан шуғулланувчи тилшунослик тараққиётида ҳам янги даврни бошлаб берди. Мустақил давлатнинг расмий тили сифатида она тилимизнинг меъёрийлигига талаб янада ортди.

Тилнинг грамматик қурилиши шу тилда реаллашган нутқ парчаси асосида талқин қилинади. Бундай пайтда шу давр тили намунаси бўлган бирор ёзувчи асаридан асос келтирилади. Пунктуация меъёрлари ҳам ҳар бир тилнинг синтактик қурилиши тадқиқи жараёнида ишланиб, аниқлашиб боради. Пунктуациянинг умумий қоидалари барча тиллар учун деярли бир хил. Аммо, тиллар келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятлари, синтактик қурилиши билан бир-биридан фарқланади. Ўтган аср бошларида ижод қилган миллатимиз зиёлилари – шоирлар, ёзувчилар, олимлар, журналистлар – мавжуд умумий пунктуацион меъёрларга таяниб ўзбек пунктуациясини шакллантиришга сабабчи бўлдилар. Пунктуация бўйича олиб борилган тадқиқотлар уларнинг асарлари асосида ишлаб чиқилди. Аммо ҳар доим ҳам, яъни пунктуация меъёрлари белгилаб бўлингандан сўнг ҳам ёзувчиларнинг тиниш белгиларидан ўз услубига кўра фойдаланишига таяниб турли-туман қоидалар яративермади.

«Муаллиф пунктуацияси» атамаси икки маънода қўлланади: 1. Муаллиф қўлёзмасида муаллиф томонидан белгиланган қатъий меъёрларга асосланган ва асосланмаган ҳолда ишлатилган барча белгиларга нисбатан; 2. Мавжуд меъёрларга бўйсунмаган, қоидалардан четлашган ҳолатда қўлланган тиниш белгилари, яъни муаллифнинг услуби билан боғлиқ ишлатилган белгиларга нисбатан. Тилшунослигимизда бундай ҳодиса махсус ўрганилмаганлиги босиб, яқинга қадар ўзига хос тарзда ишлатилган тиниш белгиларига “услуб талаби билан” тарзида изоҳ бериб кетиларди.

Тиниш белгиларини индивидуал қўллаш – муаллиф пунктуациясининг юзага келишига кўйидагилар сабаб бўлган:

Биринчидан, ёзувчи ижод қилган даврда пунктуация меъёрлари қатъий белгиланмаган, ишлаб чиқилмаган бўлиши мумкин. XX аср бошларида, ўзбек пунктуацияси ҳали тўла шаклланмаган бир даврда, яратилган асарларда тиниш белгиларини қўллашда ёзувчилар индивидуаллиги билан боғлиқ қоидалардан чекиниш ҳоллари учрайди.

Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, шу давр маҳсули бўлган муаллифлари бошқа-бошқа бўлган асарларда тиниш белгиларининг ишлатилишида мавжуд умумий пунктуацион (кўпгина тиллар учун умумий бўлган) меъёрларга амал қилишда ҳам, ўзбек тили қурилишидан келиб чиқиб хусусий пунктуацион қонуниятларни шакллантиришда ҳам бир хиллик кузатилади. Айниқса, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ғ.Ғулом асарларида тиниш белгиларини қўллашда қатъий ёндашиш сезилади. Шу сабабли, тиниш белгиларининг қўлланишини қондалаштираётганда ҳатто ҳозирги кунда ҳам мазкур адиблар асарларига мурожаат қилиш ҳоллари кузатилади. Аниқроғи, пунктуация тарихининг дастлабки босқичларида муаллиф услуби пунктуация меърларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилган ва умумий қондалардан чекиниш бўлган ҳолларга нисбатангина индивидуал услуб сифатида қаралган: Масалан, вергул ва тиренинг ўрин алмашиши: *Қобил бобо, яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан оғил эшиги ёнида туриб, дағдағ титрайди...* (А.Қаҳҳор); *Саккиз-тўққизда бутун-бутун асарларни – илмий, фалсафий, шеърӣй – завққа берилиб мутлола этган.* (Ойбек) Ёки: *Дадам шу атрофдан – қишлоқнинг чиқаверишидан – дўкон қидирди.* (А.Қаҳҳор); *Шу кун кечқурун, даладан қайтмишда, қори Сиддиқжонга ҳамроҳ бўлиб қолди.* (А.Қаҳҳор)

Бугунги кунда ҳам матнларда баъзан вергул билан тиренинг ўрин алмашиши кузатилади ва бу ҳолатга нисбатан тиниш белгилари синонимияси деб қаралади. Демак, муаллиф пунктуацияси келиб чиқишининг асосий сабаби пунктуация қондалари аниқ ишлаб чиқилмаган даврга бориб тақалади.

Иккинчидан, пунктуацияда умумий меъёрлар билан бир қаторда муайян матндаги ҳолатга асосланган услубий меъёрлар ҳам мавжуд. Ушбу меъёрга кўра ишлатилган белгилар услубий фарқланадиган – илмий, расмий, публицистик, бадий матнларда муаллиф мақсадини аниқ ва лўнда баён қилишнинг асосий воситаларидан бири вазифасини бажаради. Масалан, реклама, эълон, шиор ва чақирикларда тире, икки нукта, вергул, ундов белгиларининг меъёрий ва меъёрдан ташқари ишлатилиши, фақат шоир ва ёзувчилар эмас, илмий асарларда маълум бир тадқиқотчи ёки олимнинг тиниш белгиларини қўллашда мавжуд қондалардан кескин узоқлашмаган ҳолатда ўз услубини яратишга уриниши ҳам муаллиф пунктуациясининг юзага келишига сабаб бўлади.

Учинчидан, бадий адабиётдаги ўзгаришлар, онг оқими, руҳият тасвирининг етакчи ўринга кўтарилиши, ижодкорнинг барча қондалар, қолиплардан ўзини ҳоли ҳис этишга уриниши ҳам ҳатто таниқли адиблар ижодида тиниш белгиларини, муаллиф услуби деб изоҳлаш мумкин бўлмаган тарзда қўллашга сабаб бўлмоқда.

Таъбир жоиз бўлса-да, айтиш керакки, муаллиф пунктуациясининг келиб чиқишига қайсидир маънода, назаримизда, кейинги давр

ижодкорларининг ё тиниш белгиларини қўллаш қоидаларидан беҳабарлиги, ёки унга амал қилмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Пунктуация тарихийлик нуқтаи назаридан ўзгарувчан бўлиб, ҳар бир даврда тиниш белгиларининг вазифаларида, қўлланиш шартларида ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу ўзгаришларнинг юзага келиши ва оммалашшишида ҳам шу давр ижодкорлари, олимлар, ёзувчилар асосий ролни уйнайди. Бундай қонун-қоидадан четлашиш пунктуациянинг ривожланишидаги замонавий умумий ғояларни акс эттиради ва аста-секинлик билан қоидаларни ўзгартириш ёки аниқлаштириш учун замин яратади.

Сўзлашув нутқида сўзловчининг турли қутилмаган рухий, эмоционал-экспрессив ҳолатларини кўрсатиш учун кўп нуқта, тире каби тиниш белгиларидан оғзаки нутқ талаффузи билан боғлиқ ўринсиз фойдаланиш муаллиф услубини белгиламайди. Чунки бу муаллиф ихтиёрига боғлиқ эмас. Муаллиф пунктуациясининг қатъий белгиланган пунктуациядан фарқи, у ёзувчининг ва маълум матннинг услуби билан чуқурроқ боғланган бўлади. Масалан, зидлов боғловчисидан олдин вергул ўрнида тиренинг ишлатилиши: *Булоқ шу ерда – аммо ҳалигача бир томчи сувдан дарак йўқ.* (Ш.Р.); баъзан нуқта ёки нуқтали вергулнинг ўрнига вергулнинг ишлатилиши: *Кўнлига галати бир гурур уйғонди, ўзининг мискинлигидан, манави қора балчиққа беланиб ётганидан, сувни кучукка ўхшаб шалоплатиб ичаётганидан шодланди, совуқ томчиларнинг чанқоқ вужуди бўйлаб бир маромда таралаётганига қулоқ солди.* (М.М.Дўст); кўчирма галли кўшма гапларда айрим тиниш белгиларининг тежалиши: *Унинг кўр қалби: “Эй Худо, сенга нима ёмонлик қилувдимки, менга бу офатларни юборясан”, деб хитоб қиларди.* (Т.Малик) муаллиф ихтиёри билан содир бўлади.

Тиредан индивидуал фойдаланиш, айниқса, қисқа, лўнда нутқли муаллифларда сезилади. Дейлик, Тоғай Мурот услубида тиренинг фаоллигини ошириш нутқ воситаларини “иктисод қилиш” билан боғлиқ: *Сизга ёлгон, менга чин. Манави бармоқларим билан санаб айтаман: свозларнинг ичида чолникям бор – бир! Ёшникям бор – икки! Момоникям бор – уч! Қизникям бор – тўрт! Чақалоқникям бор – беш! Хў-уш, бешта бўлдимиз?* (Т.М.)

Кейинги давр ёзувчилари услубида жаҳон адабиёти таъсирида тиниш белгиларидан бутунлай воз кечишни ҳам махсус услубий қўлланиш сифатида кўриш мумкин:

*ким ўйлаб топган экан бу сўзни
идишга ухшаш бир сўз
нимани жойласанг жойлашаверар
бемор иштаҳасидай*

Нозик эмас сўзнинг таъби у қадар (Фахриёр)

Ёзувда тиниш белгиларининг ўринли ишлатилиши нафақат ёзув эгасининг, балки миллатнинг савиясини, ёзув маданиятини кўрсатиб туради. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, муаллиф пунктуациясини муаллифга мавжуд ҳар қандай қонуниятлардан четга чиқиш имконини бериш – пунктуацион тизимни бузиш эмас, балки бадиий ифодани яратишда қўшимча воситалардан фойдаланиш имконини бериш демакдир.

T. KENJAYEV, Qarshi DU

MATN YARATISH – IJODIY-AMALIY ISHLARNING OLIY SHAKLI

O'zbek adabiy tilining qay darajada me'yorlashtirilishi va unga amal qilinishi, til egalarining uning boy imkoniyatlaridan to'g'ri, ravon va samarli foydalana olishi umummilliy o'zbek madaniyatining taraqqiyot darajasini belgilovchi omillardan hisoblanadi. Negaki til millatning eng muhim tavsifiy belgilaridan biri hisoblanadi. Uning butun mohiyati "Davlat tili haqida"gi Qonunning muqaddimasida "Til – millatning ulkan boyligi va bebaho mulki" degan jumla bilan umumlashtiriladi.

Tafakkur til orqali aks etadi. Abdulla Avloniy «Har bir millatning dunyoda borlig'ini ko'rsatadurgan oyinai hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur», – deya ta'kidlaydi. Biz yashab turgan o'ta shiddatli va keskin bir davrda milliy tilni asrab qolish, keyingi avlodlarga yanada sayqallangan, serjilo holda yetkazish har qachongidan ham muhim. O'zbekiston mustaqil davlat sifatida jahonga yuz tutgan ilk kunlardan boshlab milliy tilga bo'lgan e'tibor yanada ortdi. Istiqoldan so'ng maktab va oliy ta'lim oldiga intellektual salohiyati keng, ongi yetuk, ijodiy tafakkur sohiblarini yetishtirib berish talabi, ona tili ta'limi oldiga esa "o'quvchi shaxsini fikrlashga, o'zgalar fikrini anglashga va shu fikr mahsulini og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga, ya'ni kommunikativ savodxonlikni rivojlantirishga o'rgatish" (1), – ijtimoiy buyutmasi qo'yildi.

Barkamol avlod tarbiyasida ona tili darslarining roli muhim. Shu bois joriy maktab ona tili darsliklari o'quvchilarda ijodiy, erkin fikrlash, fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri, qisqa va aniq, sodda va obrazli uslub jihatidan ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishga xizmat qilishga moslashtirilgan. Unda ijodiy-amaliy ishlarning asosiy qismini nutq o'stirishga qaratilgan topshiriqlar tashkil etadi. Har bir mavzu, dars so'ngida o'quvchining ijodiy izlanishi, fikrini erkin bayon eta olishiga imkon beruvchi matn yaratishga qaratilgan topshiriqlar ilova qilinadi. Dars jarayonida turli mavzularda matn tuzib borilishi natijasida grammatik topshiriqlar bajariishi bilan birga o'quvchilar milliy tafakkurining shakllanishida ham muhim hissa qo'shib boriladi. Bunday matnlarni tuzishni o'quvchilarga uy vazifasi sifatida yuklash katta samara beradi. O'quvchi darsda o'qituvchi ko'magidan foydalansa, uyda mustaqil matn yaratish jarayonida turli

yordamchi vositalar – axborot banklari, lug‘atlar, to‘plamlarga ehtiyoj sezadi. Zamonaviy pedagogik amaliyotda o‘quvchi faqat darslikka bog‘lanib qolmaydi. Darslik faqat o‘qilayotgan mavzuni o‘zlashtirish algoritmini berish uchun xizmat qiladi. Yangi avlod darsliklariga ana shunday yordamchilardan biri bu – matnlar to‘plamidir.

Matn yaratish – ijodiy-amaliy ishlarning oliy shakli. Chunki matnda o‘quvchilarning til hodisalarini bilishi, ulardan nutq sharotidan kelib chiqib o‘rinli foydalana olish qobiliyati bilan birga ijodiy fikrlashiga imkon beriladi. “O‘quvchining ona tili ta‘limi jarayonida egallagan ko‘nikma va malakalari u yaraigan matnda aks etadi” (2). Ona tili darslarida matndan, asosan, ikki vazifada – tilning turli sathlari fonetika, leksika, morfologiya, sintaksisga doir bilimlarni o‘zlashtirishda amaliy ishlarni bajarish va o‘quvchining ijodiy fikrlashi, o‘z fikrini yozma shaklda to‘g‘ri bayon eta olish ko‘nikmasini o‘stirish vositasi sifatida keng foydalaniladi. Birinchi holatda tavsiya etilgan tayyor matn ustida ishlansa, ikkinchi holatda mustaqil matn yaratish ko‘zda tutiladi.

Matnning o‘quvchilarni mustaqil ta‘lim olishga qiziqtirish va ijodkorlikka undash vazifasini bajarish imkoniyati faqat bugungi kunda oydinlashdi deb ayta olmaymiz. Ijodkor o‘qituvchilar o‘z pedagogik faoliyati jarayonida darslik va uslubiy qo‘llanmalarda berilgan mashq va topshiriqlardan ustalik bilan o‘quvchini tashqariga olib chiqib, mustaqil fikrlashiga imkon yaratish maqsadida tabiatni asrash, uning betakrorligini his etish, vatan, ona tilini sevish, atrofdagilarni hurmat qilish, insonni e‘zozlash kabi mavzularda mustaqil matn yaratish topshiriqlarini berish usulidan mustaqil holda allaqachonlar foydalanib kelishganligi tajribalardan ma‘lum.

Matn yaratish asosida shaxsning davlat va xalqiga e‘tiqodi, ma‘naviy-insoniy hislatlari, vatanparvarlik, mehnatsevarlik kabi boshqa ijobiy hislatlarning faol shakllanishiga ko‘mak berish maqsadi yotadi. Darslik har yili yangilanmaydi. Shu sababli undagi ayrim matnlar bir-ikki yilda ijtimoiy, siyosiy, ma‘naviy jihatdan eskirishi, dolzarblik darajasi kuchsizlanishi mumkin. Tajribali ona tili o‘qituvchisi dars jarayonida mustaqil holda mos matnlar tanlab, ulardan o‘z faoliyatida foydalanadi; o‘rni bilan o‘quvchilarning o‘zlaridan ijodiy matn yaratishni talab etadi.

Bugungi kunda yosh avlodni yuksak saviyada tayyorlashni ta‘minlash uchun o‘quv adabiyotlarining milliy zamonaviy avlodini yaratish va nashr etish davlat ahamiyatiga ega bo‘lgan masalaga aylandi. “Sifatli o‘quv adabiyoti nafaqat o‘rganuvchilarning qiziqishini oshiradi balki yetarlicha tayyorgarlikka ega bo‘lmagan o‘qituvchilarning kamchiliklarini ham bartaraf qiladi. Boshqacha aytganda hatto ta‘lim oluvchilarni sifatli darslik bilan o‘qitayotgan oddiy o‘qituvchi ham yaxshi o‘qituvchiga aylanishi mumkin. Ya‘ni, yaxshi o‘qish ham, samarali o‘zlashtirish ham o‘quv adabiyoti bilan chambarchas bog‘liqdir. O‘quv adabiyotlari respublikada olib borilayotgan ijtimoiy-siyosiy, demokratik o‘zgarishlar, iqtisodiyotni erkinlashtirish va modernizatsiyalash

hamda ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy, huquqiy va boshqa sohalardagi islohotlarning ustivor masalalari qamrab olinishi lozim" (3).

Ayni paytda tilshunoslikning matn lingvistikasi tarmog'ining jadal rivojlanib borayotganligining asosiy sabablaridan biri ham tilshunoslik fani va ona tili ta'limi oldiga davlat tomonidan qo'yilayotgan ijtimoiy buyurtma bilan bog'liq. Uzlüksiz ta'lim bo'g'inlarida bugungi kunda matn nazariyasiga doir ma'lumotlarning ham kiritib borilishi ("Matn – eng yirik sintaktik birlik" (4), "Matn turlari" (5) fikrimizni dalillaydi.

Darslik uchun tanlangan matnlar va mustaqil matn yaratish uchun berilgan mavzular intellektual insonparvarlik g'oyalarini aks ettirish, insonning tabiat va ijtimoiy hayotda o'ta mas'uliyatligini anglatish, vatanparvarlik va milliy g'urur hissini shakllantirish, mustaqil va ijodiy fikrlashga yo'naltirish, ma'naviy-axloqiy sifatlarni takomillishtirish, ta'lim va tarbiya uzviyligini ta'minlash, o'quvchining ijodiy qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan bo'lmog'i lozim.

O'quvchi tomonidan yaratilayotgan ijodiy matn quyidagi talablarni qoniqtira olishi lozim:

- mavzu mohiyatini to'la aks ettirishi;
- qurilish jihatidan maqsadga mos bo'lishi – boshlanma (kirish), asosiy qism, tugallanma (xulosa) kabi qismlardan tashkil topishi;
- matn bayonida izchillik, ketma-ketlikka amal qilinishi;
- funksional jihatdan tugallangan bo'lishi;
- tilning badiiy tasvir imkoniyatlaridan o'rinli foydalanilishi;
- o'zida turli uslub ko'rinishlarini aks ettirishi;
- o'qigan kishiga estetik zavq berish xususiyatiga ega bo'lishi;
- mantiqlilik, soddalik, tushunarlilik, me'yoriylik kabi qonuniyatlarga amal qilinishi va h.k.

Jahon pedagogik tajribasini kuzatganimizda ham til ta'limida matn yaratish ijodiy-amaliy ishlarning oliy shakli ekanining guvohi bo'lamiz. Birgina ingliz tilini o'rgatish uchun xizmat qiluvchi deyarli hammamizning qo'limizda mavjud bo'lgan turli-tuman qo'llanmalarga nazar tashlasak, olib boriladigan asosiy mashg'ulotlar matn ustida bajarilishini kuzatamiz.

Yuqoridagilar tilshunoslik fani va ona tili ta'limi oldiga uzluksiz ta'lim bo'g'inlari, ayniqsa, zamonaviy pedagogik texnologiyalarga asoslangan maktab ona tili darsliklarining har bir sinfi uchun darslikka yordamchi vosita sifatida namunaviy matnlar bankini yaratish talabini qo'ymoqda. Yaratilayotgan matnlar to'plami o'quvchini tayyor matnlarni ko'chirib olishga emas, balki mustaqil matn yaratish ko'nikmasini shakllantirishga xizmat qiladi; mustaqil ijod qilishida namuna vazifasini o'taydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti. // Ta'lim taraqqiyoti. 1-maksus son. Toshkent, 1999. –B. 47.
2. Yuqoridagi asar, -B. 49.

3. Oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimi uchun o'quv adabiyotlarining yangi avlodini yaratish konsepsiyasi. OO'MTVning 278-sonli buyrug'i.
4. Hozirgi o'zbek adabiy tili. A.Nurmonov, N.Mahmudov va boshq. Darslik. – Toshkent: ILM-ZIYO, 2010. –B. 154.
5. Ona tili va adabiyot. A.Rafiyev va boshq. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. -Toshkent: Sharq, 2013. -B. 93.

Х.ЗИКРУЛЛАЕВА, ККРНТ

ОСНОВНЫЕ ПРИЗНАКИ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИХ ТЕКСТОВ

Известно, что в последнее время уделяется большое значение развитию науки и техники Республики Узбекистана. Ученые и специалисты выходят на мировую арену посредством своих разработок, научных статей, участия в международных конференциях, семинарах и форумах. В этой связи, необходимо изучать научно-технический текст с точки зрения лингвистики и переводоведения, так как каждый ученый и специалист сталкивается с этим направлением в процессе своей научной деятельности.

Научно-технический текст является средством коммуникации в области науки и техники. Каждый читатель современного общества, а также исследователь непосредственно сталкивается с текстами данного направления, который существует как в устной, так и в письменной формах. В связи с этим, каждый интеллигентный человек должен владеть нормами научно-технического текста, который является важнейшей составной частью культуры устной и письменной речи.

Научно-технический текст ставит перед собой конкретные задачи и вопросы, связанные с определенным направлением в области науки и техники. Наиболее характерными чертами являются синтаксическая организация предложений и выбор лексики. Лексика научно-технического текста подчиняется одной основной задаче: адекватно донести до читателя описываемое явление в многообразии признаков, характеризующих это явление. Лексика, которая применяется при выражении мысли в научно-техническом тексте, имеет одно, обычно ведущее, предметно-логическое значение. Вообще, наиболее характерным для данного направления является использование слов в основных предметно-логических значениях. В этом направлении слова редко используются в переносных и других контекстуальных значениях.

Образность не свойственна научно-техническому тексту. В узбекском научно-техническом тексте редко встречаются метафоры, метонимии, гиперболы, сравнения и другие средства создания образности. Однако, в английских научно-технических текстах можно обнаружить

образные выражения. Но, нельзя сказать, что образные выражения совсем не содержатся в узбекских текстах. В отличие от стиля деловых документов, где образность исключается как явление, нарушающее стиль, и в отличие от стиля художественной речи, в котором образность становится наиболее характерным признаком, в научно-технических текстах образность — необязательное вспомогательное средство. Образность в научно-техническом тексте зависит от индивидуальной манеры изложения автора. Следует отметить, что посредством образности усиливается аргументированная логическая мысль.

Научно-технические тексты за последние десятилетия широко изучались Я.И. Рецкером, И.Р. Гальпериным, А.Л.Пумпянским, В.Н. Комиссаровым, Л.И. Борисовой, Н.М. Разинкиной. В связи с этим, лингвисты, изучавшие научно-технический текст называют его по-разному исходя из своих изысканий.

Н.М. Разинкина определяет данное направление стилем научной прозы. По ее мнению сфера общения, связанная с научной коммуникацией, может определяться с нескольких точек зрения: во-первых, она может характеризоваться экстралингвистически — как область общения людей, которая существует наряду с другими (художественная, деловая и прочее) сферами общения и находится с ними в органической связи. Подобная постановка вопроса неизбежно связана с философскими проблемами, касающимися анализа видов общественного сознания вообще и науки как явления общественного в частности¹.

Как было отмечено выше, по сравнению с языком художественной литературы, которая давно изучается с точки зрения лингвистики, научно-технический текст только за последнее время получил широкое признание. Он непосредственно воздействует на многие стили языка, начиная от художественного до делового стиля. Данное явление связано с интеллектуализацией стилей языков, т.е. авторы стремятся максимально точно выразить свои мнения. Проникновение черт, типичных для научного стиля, в общенародное литературное употребление ускоряется благодаря развитию образования, распространению средств массовой коммуникации, а также через научно-популярную литературу, журналы и газеты.²

Выдающийся ученый в области лингвистики Комиссаров В.Н. установил, что характерными особенностями научно-технического текста являются информативность (содержательность), логичность (строгая последовательность, четкая связь между основной идеей и деталями), точность и объективность и вытекающие из этих особенностей ясность и понятность. Отдельные тексты, принадлежащие к данному стилю, могут

¹ Разинкина Н.М. Развитие языка английской научной литературы. -М., 1978. - С. 10.

² Ярцева В.Н. Международная роль языка науки. Доклад на VII Международном социологическом конгрессе в Варне. -М., 1970. -С. 15.

обладать указанными чертами в большей или меньшей степени. Однако у всех таких текстов обнаруживается преимущественное использование языковых средств, которые способствуют удовлетворению потребностей данной сферы общения.¹

По мнению А.Л. Пумпянского все эти приведённые выше характеристики присущи естественным и точным наукам (а также их прикладным областям), т.е. математике, астрономии, медицине, электронике, электротехнике, авиации, земледелию, лесоводству, горному делу, оборонной промышленности, строительной промышленности, транспортной промышленности, химической промышленности, технологии механизмов и т.д.

Однако, науки, как экономика, социология, история и право, в эту классификацию не включаются из-за присущей им специфики, сближающей их с другими гуманитарными дисциплинами. Иногда в пределах данной классификации встречаются работы, написанные на высоком художественном уровне.

Также, основной функцией научно-технического текста является сообщение. Он обладает информативной функцией и содержит в себе точные определения и конкретизирующие предложения. Эффективность текстов достигается посредством делением текстов на главы, параграфы, абзацы, где наиболее важные аспекты выделяются шрифтом, подчеркиванием, буквами или цифрами. Также для придания важности предложениям, употребляются вводные слова, фразы для конкретизации. Кроме этого, специфической чертой научно-технических текстов является то, что в них содержатся схемы, таблицы, диаграммы. Наглядность изложения также достигается иллюстративным словесным и изобразительным материалом, который способствует более полному пониманию содержанию публикации.²

Наряду с изучением научно-технического текста с точки зрения лингвистики, также необходимо исследовать перевод научно-технических текстов. Надо признать, что исследования в области научно-технического перевода направлены на достижение адекватных переводов, что способствует решению многих прикладных заданий и ускорению обмену информацией в сфере новейших достижений науки и техники среди специалистов и ученых определенных отраслей разных стран. Перевод текста с соблюдением стилистических признаков научно-технического характера является также одной из важнейших проблем, которые вытекают в процессе перевода.

Представленные аргументы указывают на то, что, во-первых научно-технический текст отличается тем, что в нем преследуется цель наиболее точного, логичного, однозначного выражения мысли, во-вторых,

¹ Комиссаров В.Н. Теория перевода. Высшая школа. -М., 1990. -С. 123.

² Судовцев В.А. Научно-техническая информация и перевод. -М., 1989. -С. 21-22.

мышления в области науки и техники должны формироваться в строгой последовательности, в третьих, так как данное направление нацелено на групповую аудиторию, научно-технический текст должен быть понятным и конкретным, в-четвертых, мысль должна иметь аргументированный характер и доказана теоретическими или практическими изысканиями.

Список литературы:

1. Разинкина Н.М. Развитие языка английской научной литературы. - М., 1978. -С. 10.
2. Ярцева В.Н. Международная роль языка науки. Доклад на VII Международном социологическом конгрессе в Варне. -М., 1970. -С. 15.
3. Комиссаров В.Н. Теория перевода. Высшая школа. -М., 1990. -С. 123.
4. Судовцев В.А. Научно-техническая информация и перевод. -М., 1989. -С. 21-22.

*Н.Муслманова, Қарши ДУ.
Ш.Мусурманова, ЎДЖТУ*

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРДА ВЕРБАЛ МУЛОҚОТ МАЛАКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Оғзаки нутқ – коммуникация (мулоқот)нинг энг кўп оммалашган шакли бўлиб қолмоқда. Сизни тушунишлари учун фақат яхши дикцияга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Сиз нима демоқчи эканлигинизни ўзингиз яхши тушушингиз зарур. Бундан ташқари шундай сўзларни танлашингиз керакки, сизнинг фикрингиз аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Агар инсон катта аудитория олдида нутқ сўзлаши керак бўлса, у ўзи учун маъруза матнини шаклантради. Лекин кундалик турмушда оғзаки нутқ оддийликни талаб қилади ва бу ҳолат инсонларда хавотир, ишончсизлик, баъзан эса кўрқув пайдо қилади. Оғзаки нутқ устида ишлашни луғат бойлигини кенгайтиришдан бошлаш мумкин. Мартин Иден Д.Лондонни эсланг. У ёзувчи бўлишга қарор қилиб, ҳар куни белгиланган миқдорда янги сўзларни ўрганишни бошлаган. Бу унга ёрдам берди. Ҳозир, одатда хорижий тилларни ўрганиш учун янги сўзлар ўрганилади. Аммо луғат бойлигини нафақат сўз бойлиги кам бўлган инсонлар, балки кимнинг касби (ёзувчи, нотик, таржимон, сиёсатчи ва ҳ.к.) буни тақозо қилса, улар ҳам кенгайтириб боришлари керак. Агар сиз айнан нима демоқчилигингизни билсангиз ва сизнинг луғат бойлигингиз етарлича бой бўлса, сиз ўз фикрингизни аниқ айта оласиз ва бу билан юз бериши мумкин бўлган англашилмовчиликларга барҳам беришингиз мумкин. Ва, аксинча, фикрида ҳам, сўзларида ҳам чалкашлик (сумбур)

бўлган инсонлар ҳар доим панд ёйишдан хавотирланишади. Кўпинча одамлар билим даражасини кўз-кўз қилмаслик ва такаббур кўринмаслик максатида ўзларининг бой луғатларидан фойдаланишга уялишади ёки ийманишади.

Тингловчилар диққатини ушлаб туриш қобилияти жуда муҳим ҳисобланади. Агар сиз маъруза қилаётганда бирор-бир тингловчининг кўзига тик қараб туриб гапирсангиз, жавоб эътибори албатта кафолатланади. Аксинча, агар сиз ўз фикрларингизни бир оҳангда, зерикарли тарзда аввалдан тайёрланган матнга тикилиб баён этсангиз, кўп ўтмай аудитория сизни тингламаётганлигини англайсиз. Нигоҳ билан алоқа муносабат яна шуниси билан ҳам самаралики, маърузачига тингловчиларнинг таъсирланишини ҳам баҳолаш имконини беради. Икки киши иштирокидаги шахсий мулоқот, яъни коммуникация энг самарали ҳисобланади. Сайловчилар билан шахсан сўзлашиш номзоднинг сайлов компаниясида самарали имконияти катта бўлиши сиёсатда аллақачонлар маълум.

Сиз танлаган шахс билан мулоқотингиз самарали бўлиши учун нима қилиш керак? Психологларнинг аниқлашича, мулоқот учун очиқ саволлар кўпроқ имконият беради. Ёпиқ саволларга жавоб беришда (“Сизга ишингиз ёқадими?”) оддийгина “ҳа” ёки “йўқ” билан чегараланиш мумкин. Очиқ саволлар эса (“Сизга ишингизда нима кўпроқ ёқади?”) очиқ жавобларни талаб қилади. Инсонлар ёзма нутқни оғзаки нутққа нисбатан кам ишлатишади. Аммо электрон почтанинг ҳаётимизга кириб келиши билан ёзма мулоқотнинг аҳамияти жуда ошди. Иш берувчилар бўш иш ўринларига танаббур олинаётган номзодларнинг ўз фикрларини қоғозда баён этиш саводхонлигига катта эътибор беришмоқда. Агар ишга қираётганингизда сизга анкета тўлдиришни илтимос қилишса, бу иш берувчи сизнинг саводхонлигингизни текшириб кўрмоқчи эканлигини билдиради.

Ҳар қандай ёзма маълумот ёки хабар оғзаки маълумот ёки хабардан бир қарра афзаллиги шубҳасиздир. Уни ёзаётган вақтда ўйлаб ёзиш имконияти бўлиб, ўз фикрларингизни тартибга келтириб олиш ва зарурат туғилганда қайта кўчириш имкониятига эга бўласиз. Аммо ёзма мулоқотнинг иккита нуқсонини (айби, камчилиги) борлигини ҳам эътироф этиш керак. Биринчидан, ёзма хабарда сиз ўз хис-туйғуларингизни интонация ва турли хатти-харакат(жест)лар орқали ифода эта олмайсиз. Иккинчидан эса, сиз хабарингизни ўқиётган одам билан оний (бир лаҳза) алоқадан маҳрум бўласиз. Биринчи нуқсонга барҳам бериш учун сиз ўз хабарингизга эмоционал буёқ беришингизнинг ўзи кифоя. Бу борада сизга оғзаки мулоқотда бўлгани каби сўз бойлиги яхши ёрдам беради. Иккинчи муаммо эса сиз мурожаат қилаётган шахснинг маълумот даражаси, қизиқиши ва сўз бойлиги маълум бўлса, осон хал бўлади. Қисқа, оддий тил билан ёзилган хабар, одатда, осон тушунарли бўлади.

Денотат деб сўз ёки, бошқача айтганда сўз аниқловчисининг предметлик маъносига айтилади. Масалан, изоҳли луғатда “дарахт” тушунчаси ўсимлик сифатида тушунилади ёки “социолингвистика” тушунчаси “ижтимоий тилшунослик” деб тушунилади ва бу тушунчалар мазкур сўзларнинг денотати ҳисобланади. Лекин, бундан ташқари, келтирилган мисоллар эмоционал буёққа ҳам эга, яъни ўзида ўзига хос маънога эга бўлиб, уларни луғавий таъриф билан тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Сўзнинг денотатив ва коннотатив маъносини очиб беришда сиз айрим муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Айрим сўзлар бир қанча маъноларга эга бўлса, айримлари нутқ жараёнида янги маънолар касб этади. Аксар ҳолларда сўзнинг маъносини фақат контекст орқали қандай маъно билдирганини билиш мумкин бўлади. Масалан, сизга: “Менда зўр дорилар бор”—дейишса, сиз ноқулай аҳволда қолмаслигингиз учун сўзловчининг қандай дори ҳақида гапираётганини билишингиз керак. Агар бу гапни айтган одам зиёли, маълум бир касбнинг эгаси (шифокор, аптекачи, лаборант...) бўлса, унда у қандайдир дардни даволовчи дори (медикамент, малҳам) ҳақида гапираётган бўлади ва сизнинг дардингизга дармон бўлувчи дориларини тавсия қилмоқчи. Аммо сўзловчининг кўзлари бежо, ғалати ҳаракатлар қилувчи ва тушунарсиз гапирувчи бўлса, унда бу сўзнинг бошқа маънолари ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади.

Иш берувчиларга сўзларнинг денотатив ва коннотатив маънолари ўртасидаги фарқ яхши маълум. Шунчаки бирорта лавозим ёки вазифанинг номини ўзгартирибгина уни ўз мазмунини сақлаб қолсада, янада обрўлироқ, жозибалироқ қилиб кўрсатиш мумкин. Тасаввур қилинг, сиз уйингизнинг озодалигига жавоб берувчи: супуриб тозалаш, таомлар тайёрлаш, ошхона ишлари, кир ювиш, дазмоллаш қаба ишларни бажарувчи шахсни ишга олмақчисиз. Сиз матбуотга “фаррош” ёки “хизматкор” керак деб ёки “кенг доирадаги мажбуриятларни бажарувчи техник ходим” керак деб эълон беришингиз мумкин. Маълумки, иккинчи ном анча иш имкониятларига эга бўлган ишчига юқорироқ ижтимоий статус беради ва унинг меҳнатини янада обрўйини оширади. Бошқача айтганда “техник ходим” ижобий коннотатав маънога эга бўлади ҳамда ёқимлироқ эшитилади. Ўйлаб кўринг, “котиб, котиба, секретарь” каби сўзларнинг ўрнига “референт-котиба”, “иш юритувчи”, “директор ёрдамчиси” каби ёқимли ва оҳангдор номлардан фойдалансак, атрофдаги одамларнинг муносабати котибалик меҳнатига нисбатан қанчалик ўзгаради.

Сўзларнинг коннотатив маъносига фақат иш берувчиларгина катта эътибор ажратишмайди. Реклама бизнеси билан шуғулланувчилар учун ҳам коннотация жуда муҳимдир. Саводли реклама учун кучли эмоционал жарангдор сўзлардан фойдаланиш зарур. Позитив ва негатив, салбий ва ижобий таъсирларни ўтказиш мақсадида реклама берувчи турли жарангдор сўзлар билан фикрни аниқ ва лўнда қилиб ифодалай олиши керак. Масалан, “кир”, “бактерия”, “доғ”, “занг”, “оғрик”, “чарчоқ” каби ҳар қуни

эштадиган сўзлар бизда салбий, яъни негатив туйғуларни уйғотади. Реклама берувчи эса бу кайфиятнинг аксини ифодалаш ва уни кўтариш мақсадида “тозалаш”, “енгиллаштириш”, “тинчлантириш”, “бир маъромга тушириш” каби иборалар билан кучли позитив ёки ижобий маънодаги сўزلардан фойдаланади.

Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг оғзаки нутқини шакллантириш учун она тили ҳамда чет тили дарсларида уларни кўпроқ гапиртириш, фикрини теран ва раван ифодалаш, сўзларни тўғри талаффуз қилиш, артикуляция, пунктуация қондаларига доимий амал қилиш, тилнинг софлигини талаб қилиш даркор. Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки саводхонлиги ўқитувчи томонидан қаттиқ назорат қилиниши шарт. Чунки бошқа ҳеч бир фан (айрим ижтимоий, табиий ва аниқ фанлар назарда тутилган) бундай имкониятга эга эмас.

Ўқитувчининг сўз бойлиги, вербал ва новербал коммуникациядан фойдаланиш маҳорати, айниқса, чет тили дарсларида сўзларни талаффуз қилиши ҳар бир ўқувчи ва талабага намуна бўлиши керак.

Ҳозирги кунда ёшларнинг китоб ўқимаслиги, хусуан, бадий асарларни ўқимаслиги ҳақида кўп гапирилаяпти. Ўқитувчи томонидан берилган ҳар бир топширик, албатта, назорат остида бўлса, ўқилган ҳар бир китобнинг мазмуни, ўқилгандан сўнг асардан чиқарилган хулоса, асарга бўлган муносабат ҳақида сўраб турилса, балким китобга бўлган меҳр ҳам ортиши мумкин. Инглиз тили дарсларида бадий асарлардан парчаларни она тилига таржима қилиш ва оғзаки ёки ёзма ҳолда баён этиш талаб этилганда ҳам ўқувчи ва талабаларнинг ҳам оғзаки (вербал), ҳам ёзма саводхонлиги ошиши аниқ.

Таълим жараёнида ўзаро оғзаки мулоқот қилишда йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар ўқитувчилар томонидан назорат қилиниши, керак бўлса, тўғирланиши ёки танбеҳ бериши ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ключев Е.В. Речевая коммуникация. -М.: ПРИОР, 1998.
2. Лабунская.В.А. Экспрессия человека: общение и межличностное познание. Ростов-на-Дону: Феникс, 1999.
3. Лобанов А.А. Основы профессионально-педагогического общения. -С.-Петербург, 2000.

A.AHMEDOV, ToshDO‘TAU

OT-KO‘MAKCHILARNING LISONIY-NUTQIY XUSUSIYATLARI

Ko‘makchilar o‘zbek tili gap qurilishida muhim rol o‘ynovchi murakkab leksik-grammatik vositalar bo‘lib, ularning lisoniy imkoniyatlari va nutqiy xususiyatlarini chuqurroq o‘rganish bugungi kunda tilshunoslikning muhim vazifalaridan hisoblanadi.

Qo'makchilarning boshqa bir so'z turkumidan o'tishi, lisoniylashuvi uzoq muddatning mahsuli bo'lib, har qaysi tilning o'zining qonun-qoidasiga asoslanadi. Ko'makchiga o'tayotgan so'zlar o'zlaridagi konkret ma'no anglatish xususiyatini yo'qotib, umumiy ma'no anglatishga o'tadi. Ot-ko'makchilar lisoniy birlik sifatida o'ziga xos grammatik belgilarga ega. Ot-ko'makchilarda ham kategorial ma'no, ham o'ziga xos xususiyatga ega bo'lgan leksik ma'no mavjud. U predmet yoki predmet nomini anglatmaydi, ammo boshqa bir mustaqil so'zga birikib kelib, ikki tomonlama sintaktik munosabatni yuzaga keltiradi, ya'ni tobe bo'lakka birikib, o'sha tobe bo'lakning hokim bo'lakka tobelanish munosabatini ta'minlash bilan bog'liq kategorial ma'no ifodalaydi. Ot-ko'makchining ko'makchidan farqi ular turlangan holda o'zlaridan oldin keladigan ot bilan qaratqich-qaralmish aloqasiga kirishib, shu ot bilan birlikda boshqariladi. Ko'makchi morfologik jihatdan o'zgarmaydi, ko'makchi otlar esa egalik va ayrim kelishik shakli olib turlanadi, aniqrog'i, o'zining otlilik tabiatini namoyon etadi: osti, usti, labi, etagi, ustida kabi. Gapda so'zlarning turli sintaktik munosabatini ko'rsatadi. Ba'zilar ko'chma ma'noda ham qo'llanadi: Ish boshiga qo'ymoq; qo'l ostida ishlamoq; dasturxon ustida gaplashmoq kabi.

Ot-ko'makchining leksik ma'nosi o'zi birikib kelayotgan mustaqil ma'noli so'zning leksik ma'nosiga bog'liq. Ot-ko'makchilarning otdan farqi mustaqil leksik ma'noning kuchsizlanganidagina emas, balki undagi leksik ma'no qandaydir o'ziga xos xususiyatga ega bo'lib, ular mustaqil ma'noli so'zlarga birikkandagina paydo bo'lishidadir. Masalan, maqsad, sabab otlari maqsadida, sababli morfologik shakllarida ko'makchi kategoriyasiga o'tib, sof ko'makchilardek grammatik xususiyatga ega bo'lib, maqsad, sabab ma'nolarini ifodalaydi: Bu shaharga o'qish maqsadida kelgan edim. Taniganim va bilganim sababli unga alohida hurmat bildirdim. Ayrim ko'makchilar ham mustaqil ma'noli so'zlarga birikib, sabab, maqsad ma'nolarini bildiradilar. Bunday sabab, maqsad ma'nosi o'sha ko'makchining leksik ma'nosi hisoblanadi: U ko'p o'qigani uchun ko'p biladi (sabab). Siz bilan suhbatlashish uchun keldim (maqsad) va b.

Ot-ko'makchilarda grammatik ma'no nihoyatda ustun bo'lib, uning leksik ma'nosini aniqlash, sezish qiyin bo'lgani uchun ayrim adabiyotlarda ko'makchilarda leksik ma'no bo'lmaydi degan fikr hukmron. Bunday nazariy kamchiliklarga ega bo'lgan fikrning paydo bo'lishiga asosiy sabab ko'makchilarning xuddi kelishik qo'shimchalaridek xususiyatlarga ega bo'lishi, ya'ni tobe bo'lakning hokim bo'lakka bo'lgan grammatik munosabatining yaratilishida qo'llanishidir. Ammo kelishik qo'shimchalari bilan ko'makchilarni mantiqan bitta tushuncha deb bo'lmaydi.

Ot-ko'makchining asosiy nutqiy xususiyatlaridan biri ularning sinonimlik xususiyati bo'lib, har qaysi ko'makchining o'ziga xos uslubiy xoslanishga egaligidir. Masalan, tog'ning etagi, tog'ning tagi, tog'ning pasti va hq. Bulardan etak ko'makchisi o'zbek adabiy tiliga xos bo'lib, qolganlari so'zlashuvda kuzatiladi.

Ot-ko'makchilar nihoyatda serqirra mohiyatga ega bo'lib, ularni turli jahatlariga ko'ra tasnif qilish mumkin. Masalan, leksik ma'noni qisman saqlashi va butunlay yo'qotishi mumkin bo'lgan ot-ko'makchilar, yoki qaysi so'z asosida kelib chiqishiga ko'ra tomon otidan paydo bo'lgan ko'makchilar, bo'y otidan paydo bo'lgan ko'makchilar, soya otidan kelib chiqqan ko'makchilar, qator otidan kelib chiqqan ko'makchilar va hk.

Har qanday til o'zining ichki qonuniyati asosida rivojlanadi. Jumladan, tildagi leksik qatlamlar asosida neologizm vujudga kelganidek, arxaik so'zlar iste'moldan chiqa boshlaydi. Shuningdek, tilda yangi ko'makchilarning paydo bo'lishi u tilning leksik boyligining rivojlanishida, grammatik qurilishining takomillashishida katta ahamiyatga ega bo'ladi. Shunday ekan, ko'makchilar nutqimizda grammatik kategoriya sifatida alohida o'rin tutadi. O'zbek tilida ot-ko'makchilarning yaratilishi nutq jarayoni, takomili bilan bog'liq bo'lib, jonli so'zlashuv, adabiy til jarayonining uzluksiz uzviy bog'lanishiga tayanadi. Davrlarning o'tishi insonning tafakkur qobiliyatining rivojlanishini ta'minlaganidek, tilda ham rivojlanish, o'zgarishni yaratadi. Natijada tilning tarixan rivojlanish jarayonida ot-ko'makchilarning rivojlanib, takomillashib borishi seziladi.

O'zbek tilida ot-ko'makchilarning leksik tarkibi xilma-xil. Tilimizda ishlatiladigan ko'makchilar kelib chiqishiga ko'ra, asosan, umumturkiy, arab, fors-tojik tillariga mansub. Turkiy tillardagi ko'makchilarning hammasi yagona bitta turkiy tilgagina taalluqli bo'lmaganidek, ayrim ko'makchilar ko'pchilik turkiy tillarga xos bo'lsa, ba'zi ko'makchilar alohida turkiy tillardagina uchraydi. Sababi turkiy tillar agglyutinativ tillar sirasiga kirgani va turkiy xalqlar qadimdan o'zaro munosabatda bo'lganidan turkiy tillar ko'makchilarida mushtaraklik hosil bo'ladi. Ammo har qaysi turkiy til o'zining ichki qonuniyatiga ko'ra rivojlangani uchun har qaysi turkiy tilga xos ko'makchilar yaratiladi. Ayrim ot-ko'makchilar faqat shevalarda kuzatiladi.

Turkiy tillarga xos ot-ko'makchilar: tomon, bo'yi, qatorida, aro, yuz, og'iz, orqa, yuzasidan, old, ust, tag va b.

Arab tiliga xos ot-ko'makchilar: huzurida, niyatida, sababli, boisdan, sifatda, sifatig'a, suratda, asnoda, maqsadida, asosida, atrofida va b.

Fors-tojik tiliga xos ot-ko'makchilar: soyasida, ko'yi, ravishda.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, ot-ko'makchilar murakkab tabiatli lisoniy vositalar bo'lib, o'zbek tili gap qurilishida muhim vosita bo'lib xizmat qiladi. Ot-ko'makchilarning lisoniy imkoniyatlarining nutqiy voqelanishida lisoniy va nolisoniy omillar hamkorligini o'rganish muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Рустамов Т. Соф кўмакчилар. - Тошкент, 1991.
2. Рустамов Т. Жихатдан // жиҳатидан кўмакчиси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. - 2000. - №2. - Б. 27-28.
3. Фузайлов С. Кўмакчи ва кўмакчи отлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. Илм. иш.тўп. - Тошкент. 1988. - Б. 10-17.

МУНДАРИЖА

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ – АТОҚЛИ ТИЛШУНОС

<i>Х. Дадабоев</i>	Миразиз Миртожиев – туркий туб феъллар ауслаути тадқиқотчиси	3
<i>Н. Маҳмудов</i>	Тил илмининг саодатманд отахони	6
<i>Ё. Тоғжиев</i>	Зукко олим, меҳрибон устоз	13
<i>О. Бозоров, А. Зияев</i>	Миразиз Миртожиевнинг семасиологияга доир қарашлари	17
<i>Қ. Содиқов</i>	Билим сўқмоқларида	20
<i>М. Журабоева</i>	Элда азиз Миразиз бобо	23
<i>Б. Менглиев</i>	Миллий фонетикада муҳим янгилик	28
<i>Н. Жабборов</i>	Тилшунос олимнинг таъби назми	31
<i>Ш. Искандарова, Д. Ғаниева</i>	Полисемия ва полифункционаллик Миразиз Миртожиев талқинида	39
<i>З. Холманова</i>	Сўз семантикаси билимдони	41
<i>С. Мухамедова</i>	Ибрат тимсоли	44
<i>Н. Охунов</i>	Миразиз Миртожиев — лугатшунос	49
<i>Ш. Ғаниева</i>	Миразиз Миртожиев объект валентлиги хусусида	52
<i>М. Ғозиева</i>	Миразиз Миртожиевнинг лексофонетикага оид изланишлари	54

I ШҶЪБА. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

<i>Э. Умаров</i>	Шоирнинг тилшуносликдаги жасорати	58
<i>Б. Абдушукуров</i>	“Қисаси Рабғузий” даги туб туркий сўзлар	62
<i>Н. Охунов, Б. Носиржонов</i>	“Бобурнома” даги топонимларнинг морфологик тузилиши	66
<i>Т. Жумаев</i>	Ҳозирги ўзбек тилида боботил унсурлари	69
<i>Д. Базарова</i>	Илк сўзининг вариантлари	73
<i>Ш. Тўлаганова</i>	Қадимги туркий битигларда ер кутблари билан боғлиқ стереотип бирликлар	76
<i>Г. Кабулjonova, Д. Матуoқubova</i>	“Devoni Hikmat”dagi ayrim forscha o‘zlashmalar	80
<i>З. Қодиров, У. Раҳимов</i>	Тил системасида грамматик бирлик масаласи	82
<i>Д. Набиева, Д. Нурмонова</i>	Унли фонемалар таснифига доир	88
<i>Д. Эгамназарова, Х. Азамжонова</i>	Фразеологик бирликларда лексикализация ҳодисаси	90

<i>Ш. Жўраев</i>	Мирзо Турсунзода ижодида ўзбекча сўзлар талқини	93
<i>Sh. Sobirova</i>	Komparativ frazeologik birliklarning kontekstda ifodalanishi	95
<i>F. Раҳмонов</i>	Синонимия муносабат хусусида	98
<i>Н. Хусанов</i>	“Ўлугати чигатоийи ва турки усмоний” жуғрофик манба сифатида	100
<i>Д. Маҳкамова</i>	Терминэлемент – деривацион бирлик	106
<i>М. Мирсодиқова</i>	Икки сўздан иборат паронимлар	108
<i>О. Anorqulova</i>	“Kuntug‘mish” dostonida qavm-qarindoshlikni ifoda etuvchi so‘zlar	111
<i>М. Qurbonova</i>	Tilshunoslikda qoliplashtirish metodi	114
<i>Н. Юлдошева</i>	Содда ва қўшма гапга субстанциал ёндашув омиллари	118
<i>Т. Мирзақулов</i>	Морфемика ва унинг асосий масалалари	121
<i>Д. Сафарова, Л. Фозилов</i>	Сўз бирикмасининг қўлланилиш хусусиятлари	123
<i>А. Usmonov, У. Usmonova</i>	Publitsistik matnda qo‘shma gap stilistikasi	126
<i>Д. Bazarova, Sh. Xurramov</i>	Uzluksiz ta‘limda so‘zlarni turkumlarga ajratish muammolari	128
<i>F. Mamatqulova</i>	Gapning kommunikativ tuzilishi	131
<i>Y. Sangheum</i>	O‘zbek va koreys tillarida ko‘makchi fe‘llar	133
<i>N. Raxmonova</i>	“Qisasi Rabg‘uziy”dagi ayrim so‘zlarning polisemantik xususiyati	135
<i>С. Шукурова</i>	Ундалманинг этник хосланиши	138

II ШЎҒБА. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЯНГИ СОҲАЛАР РИВОЖИ

<i>А. Ҳасанов</i>	Бадий асар тилини ўрганишда лингвопозтиканинг ўрни	141
<i>R. Suvonova</i>	Badiiy tasvir vositalarining o‘zaro munosabati	143
<i>Д. Мансуров</i>	Реклама матнларининг тили ва услуги	146
<i>Н. Сайидирахимова</i>	“Дискурс” тушунчасининг лингвистик талқини	151
<i>Г. Искандарова</i>	Боланинг катта ёшдагилар билан мулоқотга киришиш хусусиятлари	153
<i>О. Абдуллаева</i>	Мурожат сўзларининг ижтимоий хосланиши	156
<i>S. Tuxtayeva</i>	Nutq mexanizmi buzilishi natijasida yuzaga keladigan afaziyalar	158
<i>Д. Худойберганова</i>	Ўзбек тилида когнитив метафоралар	161
<i>М. Жўраев, Д. Тошева</i>	Зооним компонентли мақолларда метонимия	164

<i>Ш. Махмаримова</i>	Девона мифологик образининг когнитив метафоралар кесимидаги талкини	170
<i>У. Йигиталиев</i>	“Лисоний шахс” тушунчасининг лингвоперсонологик тавсифи	174
<i>О. Saidahmedova</i>	О‘zbek-ingliz tillarida “holva” va “pudding” realiya birliklari	176
<i>S. Ziyotova</i>	“Uy” va “oila” konseptlarining assotsiatsiyasi	178
<i>H. Садинова</i>	Контрастнинг стилистик контексти тавсифига доир	182
<i>D. Karimova</i>	Maqollarning lingvokulturologik xususiyati	185
<i>У. Йигиталиев</i>	Лисоний концепт тушунчасининг функционал-семантик тахлили	189
<i>М. Абдурахманова</i>	Прагмалингвистика и риторика	192
<i>Д. Ашуров</i>	Гендер метафора масалаларига доир	196

III ШУЪБА. ЎЗБЕК ТИЛИ МАВЌЕИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

<i>М. Абдиев</i>	Мустақиллик ва давлат тили	198
<i>R. Zaripov</i>	Milliy til – milliy qadriyat	201
<i>P. Жомонов</i>	Айрим русча фамилияларнинг ўзбек лотин алифбосида берилишига доир	204
<i>N. Rasuleva</i>	О‘zbek tili va adabiyoti xitoylik adabiyotshunoslar nigohida	207
<i>P. Расулов</i>	Профессор Равшан Расулов методи (чалғитиш ёки хушёрликни аниқлаш ва ошириш)	210
<i>B. Rahmonov, N. Qurbonazarova</i>	Zamonaviy ona tili ta’limi maqsadi	212
<i>У. Тухтаматова</i>	Чет тили ўқитиш амалиётида инновацион технологиялар	216
<i>С. Хашимова</i>	Особенности преподавания узбекского языка как иностранного в Китае	218
<i>Г. Исроиљжон кизи, А. Рўзиев</i>	Кичик ёшдаги хорижий тил ўрганувчиларда мотивация ҳосил қилиш кўникмаларини ривожлантириш хусусида	224
<i>D. Yo‘ldosheva</i>	Ona tili darsida ilg‘or pedtexnologiyalardan foydalanish istiqboli	228
<i>T. Эназаров, А. Есемуратов</i>	Диалектал фразеологизмлар луғати тўғрисида	232
<i>У. Ибрагимова</i>	Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида айрим феъл ясовчи аффиксларнинг синонимик хусусиятлари	235
<i>Ю. Ибрагимов</i>	Диалектал фразеологизмлар	238

<i>M. Xolmuradova</i>	"Qutadg'ʻu bilig" asaridagi ayrim antroponimlar tavsifi	242
<i>B. Bahriiddinova, I. Bazorova</i>	Ўзбек тилида муаллиф пунктуацияси	245
<i>T. Kenjayev</i>	Matn yaratish – ijodiy-amaliy ishlarning oliy shakli	248
<i>X. Zikruллаeva</i>	Основные признаки научно-технических текстов	251
<i>H. Musulmanova, Ш. Musurmanova</i>	Таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларда вербал мулоқот малакасини шакллантириш	254
<i>A. Ahmedov</i>	Ot-ko'makchilarning lisoniy-nutqiy xususiyatlari	257

ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

Мақолалар мазмуни ва уларда келтирилган маълумотларнинг ишончлилигига муаллифлар масъулдир.

Адади 100 нусха. Бичими 60x84 ¹/₁₆
Босма табоғи 16,5. «Times New Roman» гарнитураси.
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.

